

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
А К А Д Е М И Я

---

# ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ

**Дарслик**

*Профессор Х.Т.ОДИЛҚОРИЕВнинг умумий  
таҳрири остида*

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ—2009

**Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги  
лойиҳалар координатори кўмагида чоп этилган.**

Муаллифлар жамоаси:

Профессор <i>Х.Т.Одилқориев</i>	I, III, IV, VI, VII, IX, XI, XII, XIV, XVI, XIX, XX, XXII, XXIII, XXIV (2—7-§) боблар;
Доцент <i>И.Т.Тулътеев</i>	X, XIII, XVII, XXIV (1-§) боблар;
Доцент <i>Н.П.Азизов</i>	II, VIII, XVIII, XXI боблар;
Академия ўқув бўлими бошлиғи <i>А.А.Таджиев</i>	V боб;
Адлия вазирлигининг масъул ходими <i>Х.Х.Одилқориев</i>	XV боб

Тақризчилар:

юридик фанлар доктори, профессор *Ж.Тошқулов*  
юридик фанлар доктори, профессор *Ф.Х.Рахимов*

**Давлат ва ҳуқуқ назарияси:** Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. — Т.: «Sharq», 2009. — 592 б.

Дарслик давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги ҳозирги замон илмий концепцияларини инобатга олган ҳолда тайёрланган бўлиб, унинг мавзулари анъанавий ёндашувлар билан бир қаторда янги муаммолар ҳамда нуқтаи назарлар талқин этилган. Мамлакатда шаклланаётган фуқаролик жамияти, демократик давлатчилик ва ҳуқуқий тизим хусусиятларига оид назарий хулосалар ўз ифодасини топган, давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, моҳияти, механизми, функциялари, шакллари, уларнинг жамиятни модернизациялаш давридаги роли жонли тарзда баён этилган.

Юридик олий ўқув юртрларининг талабалари, ўқитувчилари, мутахассислар, аспирантлар, адъюнктлар, магистрлар ҳамда давлат ва ҳуқуқ масалаларига қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

**ББК 67я73**

**ISBN 978-9943-00-420-7**

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси.  
© Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев, Н.П.Азизов, 2009.  
© «Sharq» НМАК Бош таҳририяти, 2009.

## К И Р И Ш

Давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлганидан буён кишилик жамияти ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Давлат ҳам, ҳуқуқ ҳам ўта мураккаб, серқирра ижтимоий ҳодисалар бўлганлиги боис инсоният азалдан ушбу сирли феноменларнинг маъно-мазмунини англашга жиддий қизиқиш билдириб келади. Қадим замонлардан буён ақл даҳоларининг саъй-ҳаракатлари билан давлат ва ҳуқуқ ҳақида теран назарий таълимот яратилди. Ушбу таълимот бугунги кунда «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» деб номланади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси умумбашарий хусусиятга эга, унинг универсал қоидалари, хулосалари ва таърифлари жуғрофий жойлашуви, миллий мансублигидан қатъи назар, ҳар қандай давлатга ва ҳуқуқий тизимга бирдек тааллуқлидир.

Ўзбекистонда мустақиллик туфайли қарор топаётган давлатчилик ҳамда ҳуқуқий тизим давлат ва ҳуқуқ назариясининг умумий қонуниятлари, назарий андозалари, тамойил ва мезонларига бўйсунди. Бошқача айтганда, янги демократик ҳуқуқий давлатчилик, фуқаролик жамияти ва адолатли ҳуқуқий давлатчилик, фуқаролик жамияти ва адолатли ҳуқуқий тизим давлат ва ҳуқуқ назариясининг илмий нуқтаи назардан асослантирилган хулоса, тавсия ва башоратлари асосида барпо этилиши лозим.

Айни вақтда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда шаклланаётган давлат, ҳуқуқий ва қонунчилик тизимларининг моҳияти, ижтимоий вазифаси фанимиз доирасида кенг мушоҳадага, назарий таҳлилга муҳтождир. Зеро, уларга ҳам давлат ва ҳуқуқ назарияси томонидан муносиб илмий назарий баҳо берилгани йўқ. Қолаверса, давлат ва жамият қурилишида рўй бераётган ислоҳотлар ҳамда модернизациялаш шароитида давлат ва ҳуқуқнинг намоён бўлиши, ўзгариши, такомиллашуви ўз хусусиятларига эга бўлиши табиий. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, янги қонунлари, халқимизнинг тарихий ҳуқуқий мероси, ҳуқуқий қадриятлари ва анъаналари, шунингдек, давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг асарларида илгари сурилган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга, демократия ва инсон ҳуқуқлари тамойилларини ҳаётга жорий қилишга йўналтирилган ғоялар асосида давлат ва ҳуқуқ назариясига

оид замонавий дарсликлар яратиш ўзбек ҳуқуқшунослиги олдида турган долзарб вазифадир.

Бугунги ўзбек жамияти ўзи учун «ҳуқуқий давлат», «инсон ҳуқуқлари» ва «шахс эркинлиги», «демократик фуқаролик жамияти», «сиёсий ҳурфикрлилик» (плюрализм), «ҳокимиятлар тақсимланиши», «қонун устуворлиги», «мустақил суд ҳокимияти» каби фундаментал тушунчаларни қайта кашф этмоқда. Аёнки, жамият ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётини замонавий маърифий тамойиллар асосида ислоҳ этишда давлат ва ҳуқуқ бениҳоя катта роль ўйнайди. Шу боис давлат тузилиши, демократик сиёсий тизимнинг мавжуд бўлиши, ҳуқуқий муносабатлар оқилона тизимининг ташкил этилиши кўп жиҳатдан мамлакатимиздаги давлат-ҳуқуқий институтларнинг фаолиятига боғлиқдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ислоҳотлар мустақкам ҳуқуқий заминга таянган ва қатъий давлат - сиёсий таъминланиш механизмларига эга бўлган тақдирдагина самарали бўлиши исбот талаб этилмайдиган аксиомадир. «Мустақкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина, — дейди И. А. Каримов, — ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин»<sup>1</sup>. Айни вақтда, давлатнинг фаол ташкилотчилик ва ижобий бунёдкорлик ролига ҳам алоҳида урғу берилади. «Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислоҳотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва изчил рўёбга чиқариши керак»<sup>2</sup>.

Давлат ва ҳуқуқни тавсифлашдаги асосий мезон — уларнинг жамият ҳаётида ўйнайдиган ролидир. Давлат жамиятни уюштириш, бошқариш воситаси бўлса, ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни жамият ва инсон манфаатларидан келиб чиқиб тартибга солиш воситасидир. Давлат ва ҳуқуқ ўзаро узвий ҳодисалар бўлганлиги боис давлатнинг моҳиятида ва фаолиятида қандай ўзгаришлар рўй берса, ҳуқуқнинг моҳияти

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. — Т., 1996. 192-б.

<sup>2</sup> Уша асар . 178-б.



ва табиатида ҳам шундай ўзгаришлар рўй беради. Бу жамият ҳаётининг умумий қонуниятидир.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси юридик фанлар тизимида доимо етакчи ўрин эгаллайди. Унинг назарий умумлашмалари, таъриф ҳамда ҳулосалари юриспруденциянинг соҳавий фанлари учун пойдевор, методологик асос вазифасини ўтайди. Чунки давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ҳамда ҳуқуқнинг вужудга келиши, ривожланиши, тарихий такомиллашув босқичлари ва амал қилишининг энг умумий қонуниятларини очади, уларни илмий-назарий талқин этади, ички мантифи, моҳияти ва салоҳиятига оид илмий таърифи ва тавсифини яратади.

Давлат ва ҳуқуқ тўғрисида назарий билимга эга бўлиш бу икки ҳодисанинг моҳияти ва мазмунини, ривожланиш қонуниятларини, уларга таъсир этувчи омилларни тўғри талқин қила билиш юқори малакали юрист мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки фуқаролик, маъмурий, жиноий, молия, меҳнат ҳуқуқи каби ҳуқуқ соҳаларининг мақсади, мазмунини билиш учун давлат ва ҳуқуқ назарияси фани фундаментал асос бўлиб, давлат ва ҳуқуқнинг тушунчаси, ривожланиши ва уларнинг фаолият қилиш тамойилларига оид назарий билимларни ҳосил қилади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳуқуқшуносликнинг ниҳоятда бой, серқирра, шу билан бирга мураккаб, сирли оламига киришнинг калити бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқий тафаккур, сиёсий ва ҳуқуқий дунёқараш, ҳуқуқий онг ҳамда юридик маданиятни шакллантириш, жамиятдаги давлат — ҳуқуқий воқеликлар хусусида мунтазам тизимли билимлар ҳосил қилиш — бу фаннинг асосий вазифасидир. Баҳс мавзуи ва тадқиқот доирасига «давлат», «ҳуқуқ», «қонун», «демократия», «ҳокимият», «сиёсат» каби жозибали, мураккаб ҳодисаларни қамраб олувчи ушбу фан ҳуқуқшуносликнинг ўзига хос қомуси сифатида майдонга чиқади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуққа тегишли ҳодиса ва жараёнларининг муҳим, зарурий ва энг умумий томонларини ўрганиш орқали жамият тараққиётининг объектив қонуниятларини тушунтириб бериш, ижтимоий ҳаёт мақсадларини аниқлаш ва ижтимоий муносабатларни давлат ва ҳуқуқ воситасида тартибга солиш механизмларини очиш, уларнинг ривожланиш истиқболларини кўрсатиб бериш билан шуғулланади.

Мазкур дарсликни яратишда муаллифлар нафақат мустақиллик йилларида тўпланган давлат — ҳуқуқий тажриба, конституциявий тамойиллар ва назарий билимларга, балки хорижий тажриба, умуминсоний, миллий-маънавий ҳамда ҳуқуқий қадриятларга, ҳозирги замонда дунёдаги мавжуд давлатчилик ва ҳуқуқшунослик концепцияларига, шунингдек, халқимизнинг асрлар оша шаклланиб келаётган бой ҳуқуқий меросига қатъий таяндилар.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси миллий истиқлол мафқураси моҳиятидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг ҳуқуқий онги ва юксак ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга, улар фаолиятида қонун устуворлиги, қонунга ҳурмат ва унга итоатгўйлик кўникмаларини ҳосил қилишга хизмат қилади. Дарсликни яратиш жараёнида, яъни фаннинг турли мавзуларини ёритишда ҳуқуқшунослик ва давлатшуносликда анъанавий бўлиб қолган мумтоз қарашлар, қоидалар билан мустақиллик йилларида пайдо бўлган янги замонавий ғоялар (қарашлар) ўртасидаги афзалликни аниқлашга доир муҳим бир масала кўндаланг бўлди. Бу борадаги ечим — анъанавий ва замонавий таълимотлар ўртасида оқилона уйғунликка эришиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси олий маълумотли ҳуқуқшунос кадрлар тайёрловчи ўқув муассасаси эканлигини ҳисобга олиб, унинг ўқув режасида «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» умумқасбий фан сифатида ўқитилиши назарда тутилган.

Дарсликда мавзулар мантиқий кетма-кетлик асосида жойлаштирилган бўлиб, унда ўрганиладиган масалалар ихтисосликни ҳисобга олган ҳолда ёритилган ва бу тингловчиларга зарур билимларни ўзлаштиришни осонлаштиради. Дарсликдан бошқа юридик йўналишдаги олий ўқув муассасаларида таҳсил олувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

## І Б О Б ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ

### 1-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси — умумназарий ижтимоий фан

Дунё жадал ривожланаётган, глобаллашув жараёнлари мамлакатлар ҳаётини тобора қамраб олаётган бугунги шароитда кишиларда барча ижтимоий воқелик ва ҳодисаларга қизиқиш ортмоқда. Бу, ўз навбатида, мазкур воқеликларни ўрганишни чуқур тадқиқ этишни тақозо этади. Инсонларни қизиқтириб келаётган шундай муҳим ижтимоий масалалар қаторида давлат ва ҳуқуқ алоҳида ўрин эгаллайди.

Жамиятнинг ҳар бир комил аъзоси ўзи туғилган заминнинг, ўз мамлакатининг хусусиятларини, дунё давлатлари ўртасидаги мавқеини англашга ҳаракат қилади. Бинобарин, давлат ва ҳуқуқ масаласи доимо ижтимоий онгнинг диққат марказида туради ва ҳар қандай ижтимоий ҳодисани тадқиқ этиш маълум илмий йўналиш, бирон-бир фан томонидан амалга оширилади. Давлат ва ҳуқуқ ҳодисалари — *«давлат ва ҳуқуқ назарияси»* фани ёрдамида ўрганилади.

Таҳлилимиз аввалида «назария» сўзининг маъноси нимадан иборат эканлигини ойдинлаштириб олиш лозим. «Назария» ибораси «кўриб чиқмоқ», «тадқиқ этмоқ», «таҳлил қилмоқ» деган маъноларни англайди. *«Назария»* — кенг маънода воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро алоқаси ва қонуниятлари ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилувчи илмий билим шаклидир. Тор маънода эса — у ёки бу соҳадаги билимнинг асосий ғоялари, тушунчалари ва қонунлари тизимидир. Назария илмий билимнинг воқеа ва ҳодисаларнинг жиддий алоқалари ҳамда қонуниятлари ҳақида мукамал тасаввур ҳосил қилувчи шаклидир. Назарий таълимот ва концепция иборалари айнан бир маънони англайди.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси юридик фанлар тизимида фундаментал мавқе ва нуфузга эга. У, бир томондан, ижтимоий йўналиш ва мазмунга, иккинчи томондан, юридик воқеликни, давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларини илмий, назарий жиҳатдан таҳлил этиш хусусиятига эга. Фани-

миз ўз тадқиқотлари натижасида яратадиган назарий билимлар, хулоса ва тавсиялар барча соҳавий юридик фанлар учун умумназарий, методологик аҳамият касб этади. Юридик воқеликни акс эттирувчи умумий тушунча ва категорияларни билмай туриб, юриспруденциянинг бирон-бир масаласини, соҳавий юридик фанларнинг мавзуларини ўрганиб бўлмайди. Масалан, «давлат», «давлат аппарати», «давлат органи», «ҳуқуқ», «ҳуқуқ тизими», «ҳуқуқий муносабат», «норматив-ҳуқуқий ҳужжат», «ҳуқуқбузарлик», «юридик жавобгарлик» деган тушунчаларнинг таърифини англамай туриб, махсус фанларнинг предметини ўзлаштириб бўлмайди.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси асосий, етакчи юридик ўқув фани сифатида қуйидаги *хусусиятларга* эга:

*биринчидан*, ўзининг аниқ предметига, ўрганадиган мавзулари доирасига эга;

*иккинчидан*, давлат ва ҳуқуқ ҳақида яхлит умумий назарий билим беради, давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, тараққиёт босқичлари ва қонуниятларини очиб беради;

*учинчидан*, давлат ва ҳуқуқ соҳасида тўпланган билимларни «давлат», «ҳуқуқ», «қонун», «ҳокимият», «демократия» ва бошқа категорияларда (тушунчаларда) ифода этади;

*тўртинчидан*, давлат ва ҳуқуқнинг ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланишидаги объектив жараёнларни, диалектикаси ва тараққиёт қонуниятларини акс эттиради.

Хуллас, давлат ва ҳуқуқ назарияси юридик таълим тизимидаги ўқув фанлари орасида асосий ўрин эгаллайди. Бу фан бўлажак ҳуқуқшуносларда ҳуқуқий тафаккур ва дунёқарашни, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Давлат ва ҳуқуқ назариясини ҳуқуқшуносликнинг алифбоси дейиш мумкин. У умум-юридик фан сифатида соҳавий ҳуқуқ фанлари учун пойдевор бўлувчи илмий категориялар тавсифини шакллантириб беради.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг қуйидаги жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

— давлат ва ҳуқуқ назарияси жамиятдаги муҳим ижтимоий ҳодисалар — давлат ва ҳуқуқни ўрганади;

— давлат ва ҳуқуқ инсон ҳаётининг асосий ҳамроҳи ва тартибга солувчи мезони ҳисобланади;

— давлат ва ҳуқуқ бир неча асрлик тарихий даврни босиб ўтган ва бугунги қиёфага эришгунча умумбашарий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда тажрибани ўз мазмунига жо этган;

— инсон ўзи истиқомат қилаётган заминга, давлатга ҳамиша қизиқиш билан қарайди, уни англаш ва мушоҳада этишга интилади;

— инсон ўз фаолияти давомида муайян қоида, норма, яъни ҳуқуққа амал қилиш баробарида унинг моҳиятини англашга эҳтиёж сезади;

— давлат ва ҳуқуқ жамият тараққиёти билан алоқадорликда ҳамда уйғунликда ривожланиб боради, шу боис ижтимоий тамаддун қонуниятларига бўйсунди.

*Давлат ва ҳуқуқ назарияси* — давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, моҳияти, фаолият кўрсатиши ва ривожланиши тўғрисидаги умумий қонуниятларни ифодаловчи фундаментал билимлар тизими. Шунингдек, бу фан давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлар, ғоялар, фикрлар ва билимларни мантиқий тарзда умумлаштирилган системаси ҳисобланади.

Тарихий тараққиётнинг ҳар бир босқичида, яъни муайян замон ва маконда истиқомат қилган инсонлар ўша даврнинг сиёсий тузуми, мафкуравий-ғоявий жиҳатлари, бошқарув тартиби, ижтимоий онги ва маданий тараққиётидан келиб чиққан ҳолда давлат ва ҳуқуққа муносабат билдирадилар, уларга баҳо берадилар. Ҳар бир тарихий даврда давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти ўзига, даврга мос тарзда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг жамият ҳаётининг барча жаҳаларида бўлгани каби давлат ва ҳуқуққа ҳам янгича қараш, янгича ёндашув пайдо бўлди. Давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятида туб ўзгаришлар юз берди. Мамлакатимиз собиқ иттифоқ таркибига кирган вақтда давлатга иқтисодий ҳукмрон синфларнинг ташкилоти, ҳуқуққа эса ижтимоий тартибга солишнинг зўравонлик (синфий ҳукмронлик) қуроли сифатида муносабат билдирилган эди. Бугунги кунга келиб, яъни демократия шароитида давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан

эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросан мадора билан бартараф этиш воситасига айланмоқда. Замонавий ҳуқуққа эса, ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси сифатида ёндашилмоқда<sup>1</sup>.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳам ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан тадрижий тараққий этмоқда. Унга янгича замонавий қараш, ёндашув шаклланмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси ўз олдига демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришдек буюк мақсадни қўйганлиги боис давлат ва ҳуқуққа, уни ўрганишга, тадқиқ этишга алоҳида эҳтиёж сезила бошлади. Ҳуқуқий давлатда қонун устуворлиги энг асосий тамойил сифатида эътироф этилса, фуқаролик жамиятининг зарурий шarti — фуқароларнинг юксак ҳуқуқий онги ва маданияти, қонунлардан хабардорлик даражаси ҳамда ҳуқуққа нисбатан чуқур ҳурматидир. Бу тушунчалар албатта, давлат ва ҳуқуқ назариясининг объекти ҳисобланади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, давлат ва ҳуқуқ назарияси замонавий дунё тараққиёти, цивилизация билан ҳамоҳанг ҳаракатланувчи муҳим ижтимоий фан сифатида майдонга чиқади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон ҳамжамиятида юз бераётган янгиланиш ва юксалишлар таъсирида ривожланмоқда. Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва ривожланишидаги умумийлик, ўзаро алоқадорлик давлат билан бир қаторда ҳуқуқ ҳам жадал такомиллашиб бораётганлигидан далолат беради. Ҳуқуққа либерал ёндашув, унинг инсонлар ҳаётига янада яқинлашаётганида, адолат ва эркинлик ғояларини изчил ифодалаётганлигида, фуқаролар манфаатларини янада мукамал акс эттираётганлигида намоён бўлмоқда.

Инсоният онги ва тафаккурининг юксалиши барча ижтимоий ҳодисалар каби давлат ва ҳуқуқни ҳам янгича талқин этмоқда. Давлат ҳам, ҳуқуқ ҳам инсон учун, унинг манфаати учун мавжудлиги ва фаолият олиб бориши фуқаролар томонидан тобора англаб етилмоқда. Турли тарихий даврларда давлат ва ҳуқуқдан турли гуруҳлар, табақалар ёки

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. Т.3. — Т., 1996. 20-б.

алоҳида шахслар манфаатининг ҳимоячиси, ижтимоий қарама-қаршиликларни бостириш қуроли сифатида фойдаланилган бўлса, бугунга келиб улар инсон учун фаровон ҳаётни таъминлаш воситасига айланмоқда.

Давлатнинг моҳиятини англаш, ҳуқуққа замонавий ёндашув, ҳуқуқий давлатнинг мазмун-моҳиятини очиш, фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий йўналишларини тадқиқ этиш айнан давлат ва ҳуқуқ назариясининг вазифасидир. Бу, ўз навбатида, фаннинг хусусиятларини очиб бериш билан бир қаторда, унинг ижтимоий аҳамиятини, долзарблигини исбот этади.

## 2-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг предмети

Жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги дунёнинг сир-синоатларини англаб етишда илм-фаннинг ўрни беқиёсдир. Оламшумул кашфиётлар, мисли кўрилмаган ихтиролар — турли фанларнинг ютуғи. Бугунги цивилизация шароитида фаннинг янги-янги тармоқлари пайдо бўлиши билан бир қаторда аввал мавжуд бўлган фанлар такомиллашиб бормоқда. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани ҳам мумтоз фан сифатида замонавий давлатчилик ва ҳуқуқий амалиёт таъсирида ривожланиб, янгиланиб ва бойиб бормоқда. Шу ўринда «фан» ибораси хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. *Фан* — бу илмнинг муайян соҳа бўйича тизимли билимлар беришга ихтисослаштирилган йўналиши ҳисобланади. Янада аниқроқ айтганда, фан — тизимлаштирилган билимлар йиғиндиси бўлиб, у ўз навбатида, илмнинг назария, қонуният, тушунчалар (категориялар) каби туркумларида ифодаланади. «Фан — табиат, жамият ва инсон тафаккури тўғрисидаги тушунчаларда, категорияларда, қонунларда акс этирилган, ҳаққонийлиги амалиётда тасдиқланган билимлар тизимидир. Ҳар бир фан ўзига хос объекти ва унга мос келувчи предмети билан ажралиб туради»<sup>1</sup>. Фан табиат ва жамиятни, умуман борлиқни англашнинг калитидир.

<sup>1</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Икки жилдли. 1-жилд. — Т., 2001. 8-6.

Мазкур тавсифдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, давлат ва ҳуқуқ назарияси фани давлат ва ҳуқуқни жамиятнинг, ижтимоий ҳаётнинг бир бўлаги, яъни ижтимоий мазмундаги муҳим ҳодисалар сифатида ўрганади. Бу фан гўёки, *давлат* ва *ҳуқуқни* бутун жамият ҳодисалари тизимидан абстракт тарзда ажратиб олиб, уларнинг мазмун-моҳиятини, ички қонуниятларини, амал қилиш хусусиятларини таҳлил қилади. Шу билан бирга, давлат ва ҳуқуқ иқтисод, сиёсат, ахлоқ, маданият каби ижтимоий ҳодисалар билан узвий алоқадорликда ўрганилади. Бунда фанмиз давлат ва ҳуқуқнинг нафақат иқтисод томонидан белгиланишига, балки давлат-ҳуқуқий ҳодисаларнинг иқтисодиётга, ижтимоий ва маънавий ҳаётга фаол таъсир этишга қодир омил эканлигига ҳам эътибор қарагади.

*Давлат ва ҳуқуқ назариясининг предмети*ни ушбу фан ўрганадиган ижтимоий масалалар ташкил этади. Бундай масалалар жумласига — давлатнинг жамият билан бўладиган серқирра ва мураккаб алоқалари, давлат ва ҳуқуқнинг жамият сиёсий тизимидаги роли ва ўрни, шунингдек ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга оид масалалар киради. Давлат ва ҳуқуқ назарияси нафақат давлат — ҳуқуқий мазмундаги воқеа, ҳодиса ва жараёнларни, балки инсонларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурларини, яъни ҳуқуқий онг, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий маданиятни ҳам ўрганади. Демак, давлат ва ҳуқуқ назарияси ўрганадиган масалалар қаторига аҳолининг ижтимоий, жамоавий ва индивидуал ҳуқуқий ҳамда сиёсий онги, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ҳам киради.

Юқорида таъкидланганидек, давлат ва ҳуқуқ назариясининг предмети давлат ва ҳуқуқ мавжуд бўлиши ва ривожланишининг *энг умумий қонуниятларини* ўрганиш ташкил этади. «*Қонуният*» деганда воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятини ифодаловчи қатъий, реал алоқалар тушунилади. Демак, давлат ва ҳуқуқ назарияси фани давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, амал қилиши ҳамда намоён бўлишини ифодаловчи энг қатъий алоқаларни, хусусият ва омилларни ўрганади. Шу тарзда фанмиз давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятини англаб етишга кўмаклашадиган илмий таърифлар ва категорияларни шакллантиради, давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг қонуниятларини очади.



Маълумки, давлат ва ҳуқуққа доир масалалар барча соҳавий юридик фанлар, жумладан, шунингдек, бошқа ижтимоий фанлар (тарих, фалсафа, сиёсатшунослик ва ҳ.к.) томонидан ҳам ўрганилади. Уларнинг барчасидан фарқли ўлароқ, давлат ва ҳуқуқ назарияси жамиятда давлат ва ҳуқуқ амал қилиши ва ривожланишининг *энг умумий қонуниятларини* ўрганади.

Давлат ва ҳуқуқ ўзаро боғлиқликда ҳамда алоҳида ҳолда ўрганилади. Чунки улар юридик ҳаётнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ қисмларидир. Буни қуйидаги мисол билан тушунтирамиз. Маълумки, давлат органлари ҳуқуқ нормаларини яратади ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайди; ўз навбатида, ҳуқуқ давлат органларининг мақомини, ваколатларини белгилайди, яъни давлат органларининг фаолияти ҳуқуқий шакллар доирасида амалга ошади.

Шундай бўлсада, фанда давлатни алоҳида, ҳуқуқни алоҳида ажратиб ўрганиш анъанаси мавжуд. Фанимиз бўйича нашр этилган кўпчилик дарсликларда икки йирик бўлим: давлат назарияси ва ҳуқуқ назарияси бўлимлари ажратилади. *Давлат назарияси* қисмида «давлат» тушунчаси, «давлатнинг келиб чиқиши», «давлатнинг моҳияти», «давлат ҳокимияти», «давлат функцияси», «давлатнинг шакли», «давлат аппарати», «давлатнинг сиёсий тизимидаги ўрни», давлатнинг «демократия» билан нисбати каби ҳодисалар (категориялар) таҳлил этилади. *Ҳуқуқ назарияси* қисмида эса «ҳуқуқнинг умумий тушунчаси», «ҳуқуқнинг вужудга келиши», «ҳуқуқнинг моҳияти», «ҳуқуқнинг шакли», «ҳуқуқнинг функциялари ва принциплари», «ҳуқуқ ижодкорлиги», «ҳуқуқ нормалари», «ҳуқуқий муносабатлар», «ҳуқуқни амалга ошириш», «ҳуқуқий тизим ва қонунчилик тизими», «қонун устуворлиги ва қонунийлик», «ҳуқуқ бузилиши ва юридик жавобгарлик» ва бошқа муаммолар ўрганилади.

Шундай қилиб, *давлат ва ҳуқуқ назарияси предметини* ижтимоий ҳаётнинг муҳим қисми ҳисобланган давлат ва ҳуқуқ, уларнинг вужудга келиши ва ривожланишининг асосий қонуниятлари, уларнинг моҳияти, ижтимоий вазифаси, функциялари, шунингдек, сиёсий ва ҳуқуқий онг намоён бўлиши ва ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари ташкил этади.

Ҳар бир фан ўз предметидан ташқари, муайян ўрганиш *объектига* эга. Фан қайси нарсалар (ҳодисалар) ҳақида билим яратиб, уни тизимга солса, шу унинг объектини ташкил этади. Юридик билимлар давлат ва ҳуқуқ хусусида яратилади. Демак, юриспруденциянинг объектини давлат ва ҳуқуқ ташкил қилади. Бироқ фаннинг объекти унинг предметидан фарқ қилади. Айнан бир объект турли фанлар томонидан ўрганилиши мумкин. Масалан, давлат ва ҳуқуқ турли соҳавий юридик фанлар (конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи ва ҳ.к.) томонидан ўрганилади. Аммо уларнинг ҳар бири давлат ва ҳуқуқни ўз предмети ва методи нуқтаи назаридан ўрганади.

Фаннинг объекти деганда, муайян фан доирасида билишнинг воқеа ва усуллари ёрдамида илмий ўрганиш (таҳлил) қамровига олинган воқеа ва ҳодисалар тушунилади. Илмий билиш жараёнида воқеа ва ҳодисаларнинг фикрий модели (образи) ҳосил қилинади, моҳият — белгилари ҳақида тушунча тизими вужудга келтирилади. Худди мана шу моҳиятга оид хусусиятларни очиш фаннинг предметини ташкил этади. Ушбу мулоҳазалар юридик фанга ҳам тааллуқли. Энг умумий тарзда хулоса қиладиган бўлсак, юридик фанларнинг объектини давлат ва ҳуқуқ, предметини эса давлат ва ҳуқуқнинг турли хусусиятлари, моҳиятига оид белгилари ташкил этади<sup>1</sup>. Бошқача айтганда, давлат ва ҳуқуқ назариясининг предмети давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятини, хусусият-белгиларини очиш, улар намоён бўлишининг энг умумий қонуниятларини аниқлашдан иборат.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг предметидан келиб чиқиб, унинг табиатини тавсифлаш мумкин. Фанимизнинг табиати серқирра ва ниҳоятда бой мазмунлидир. У ижтимоий, юридик, сиёсий, назарий-методологик, фундаментал фан ҳисобланади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси аввало *ижтимоий фан* сифатида майдонга чиқади. Чунки у ижтимоий тузумни, жамият ҳаётида давлат ва ҳуқуқнинг ўрни, аҳамияти ва вази-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Проблемы общей теории права и государства. Под общ. ред. академика В.С.Нерсесянца. — М.: «Норма», 2008. С. 3 — 4; *Исломов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2007. 14-б.

фаларини таҳлил этади. Энг асосийси, давлат ҳам, ҳуқуқ ҳам ижтимоий ҳодисалардир.

Бошқа ижтимоий фанлардан фарқли ўлароқ, давлат ва ҳуқуқ назарияси **юридик фандир**. Ушбу фан давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятини, давлат бошқарувининг мазмунини, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барча жараёнларини, қонунийлик, ҳуқуқ бузилиши ва юридик жавобгарлик масалаларини умумназарий жиҳатдан ўрганади.

Давлат ва ҳуқуқ назариясини **сиёсий фан** деб ҳисоблашга барча асослар бор. Сабаби, давлат ва ҳуқуқ сиёсат билан чамбарчас боғлиқ. Яъни, сиёсатни давлат яратади, ҳуқуқ ёрдамида сиёсат мустаҳкамланади, ифодаланади ва амалга оширилади. Фанимиз «сиёсат», «сиёсий ҳоқимият», «сиёсий тизим», «сиёсий демократия» каби ҳодисаларни бевосита таҳлил этади, ушбу тушунчалар билан иш юритади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси бошқа юридик фанларга нисбатан **умумназарий, умумметодологик, фалсафий фан** сифатида намоён бўлади. Маълумки, фалсафий билим энг юқори даражадаги назарий билимдир. Фалсафа барча ижтимоий ва табиий фанларнинг пойдеворини ташкил этиб, уларни илмий методологиянинг умумий принциплари билан қуроллантиради. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фалсафий мазмундаги фан бўлиб, давлат ва ҳуқуқ мавжуд бўлишининг энг умумий қонуниятларини очади. Унинг умумметодологик фан эканлиги шундаки, мазкур фан юриспруденциянинг асосий тушунчалари (категориялари) ни, умумий ёндашувлари ва методларини ишлаб чиқади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси — **фундаментал** аҳамиятга молик фан. Фаннинг фундаменталлиги — у томонидан ўрганиладиган ҳодиса (объект) лар ҳақидаги билимларнинг чуқур назарийлиги, илмий умумлаштирилганлиги ҳамда асослантирилганлигида намоён бўлади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси яратадиган таърифлар, қоидалар, унинг очадиган қонуниятлари бошқа юридик фанлар учун пойдевор, умумий асос, раҳбарий йўналтирувчи ғоя, таянч бўлиб хизмат қилади.

### 3-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг методологияси

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ўз мавзусига кирувчи масалаларни тегишли ёндашиш усуллари, маълум методлар ёрдамида ўрганади. «*Метод*» иборасини фанга қадимги юнонлар олиб кирганлар. Метод (юнонча «*metodos*» сўздан олинган бўлиб) — бирор нарсага эришиш йўли, *билиш усули* маъносини англатади. *Метод* табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини ўрганиш, билиш, тадқиқ этиш усулидир. Қадимдан олимлар илмий изланиш методларига катта эътибор қаратиб келганлар. Масалан, Ф. Бекон методни фонус чироққа қиёслаган, зеро, у олимнинг «йўлини» ёритади, деган эди. Илмий изланишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан фойдаланиладиган усулларнинг самарадорлигига боғлиқ. Тадқиқот олиб боришнинг усуллари, воситалари, методларини доимо такомиллаштириб бориш янги билимларга эришишнинг, тараққиёт қонуниятларини очишнинг ишончли гаровидир.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ўз предметини, тадқиқот мавзуларини ўрганиш ва таҳлил этишда қўлланадиган методлар йиғиндиси, ҳосил қилинадиган билимларни умумлаштириш, тизимлаштириш ва таснифлаш тамойиллари фан *методологиясини* ташкил этади. Баъзи адабиётларда фан методологиясини методларнинг оддий йиғиндиси тарзида изоҳлашга уриниш мавжуд. Масалага бундай ёзаки ёндашишни маъқуллаб бўлмайди. Фикримизча, давлат ва ҳуқуқнинг *методологияси* деганда, давлат-ҳуқуқий воқеликларнинг (институтларнинг) вужудга келиши, барқарорлашуви ва ривожланишининг умумий қонуниятларини очиш, уларни моҳият нуқтаи назаридан изоҳлашнинг махсус методлари, тамойиллари, ёндашувлари ва воситаларининг илмий тизими тушунилади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси бир ёки икки метод билан ўз олдига қўйилган вазифаларни адо этолмайди. Бунинг учун барча метод ва услубий ёндашувларнинг бир бутун тизимига таянади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси методологиясининг туб моҳиятини англашда мазкур фан давлат ва ҳуқуқ воқеликларини тадқиқ этишда таҳлил тамойилларининг илмийлигига ва ёндашувларнинг фалсафийлигига таяниш лозим. Фалсафанинг категория ва қонунлари давлат ва ҳуқуқ назария методологиясининг пойдеворини ташкил этади. Айнан фалса-

фий пойдевор тадқиқ этилаётган воқеликлар ҳақидаги билимларнинг илмий асослантирилганлиги, объективлиги, тўлақонлилиги ҳамда комплекслигини таъминлайди.

*Давлат ва ҳуқуқ назариясининг методи* деганда, давлат ва ҳуқуқ масалаларини ўрганиш, уларга илмий ёндашишнинг усули, йўллари, тамойиллари тушунилади. Фаннинг методи амалиётни, ҳаётни ўрганувчи назариядир. Ўз навбатида, ҳар қандай назария, шу жумладан, юридик (ҳуқуқий) назария давлат ва ҳуқуқни талқин этувчи тегишли юридик методнинг тизимли ва таркибий ифодасидир; шунингдек, назария методнинг билим ҳосил қилувчи ва яратувчанлик функциясининг ҳосиласидир. Шу боис ҳар қандай ҳуқуқий назария метод функциясига эга ва шундай вазифани бевосита ёки билвосита бажаради.

Юридик фаннинг методи — давлат ва ҳуқуқий воқеликларни англаш, юридик билимлар ҳосил қилувчи ва уларни жамловчи усуллардан иборат юридик метод. Юридик метод ҳуқуқнинг тушунчасидан, табиатидан келиб чиқувчи воқеликларни юридик англаш ҳамда ифодалаш усули ҳисобланади. Юридик методнинг хусусияти шундаки, у ўзининг билиш мантиғи ва табиатига кўра, *тушунчаларни ифодаловчи ҳуқуқий метод, воқелик ҳақидаги билимларни ҳуқуқий моделиштириш усули, воқеликни давлат ва ҳуқуқ тушунчалари доирасида ҳамда нуқтаи назаридан англаш усули, воқеликнинг белги, хусусият, жиҳатларини айнан ҳуқуқий белги, хусусият, жиҳат сифатида тушуниш усули бўлиб, бунда воқелик ҳуқуқий таърифлар, ҳуқуқий ифодалар ва ҳуқуқий мезонлар тарзида баён этилади*<sup>1</sup>.

Бошқа фанларнинг методи каби давлат ва ҳуқуқ назариясининг методлари ҳам *умумий илмий, махсус* ва *хусусий илмий* усулларга бўлинади. *Умумий илмий методлар* — табиат, жамият ва тафаккур ҳодисаларини ўрганишда қўлланиладиган энг умумий ёндашувлар, усуллар, билишнинг умумий принципларидир. Барча фанлар учун энг умумий универсал метод — *диалектикадир*. Диалектика назарияси — воқеликларнинг умумий алоқадорлиги ва доимий ривожланиш ҳолатида бўлиши тўғрисидаги таълимот. Диалектик метод давлат ва ҳуқуқни ўзаро

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Проблемы теории права и государства. — М. 2008. С.11

алоқада, доимий ривожланишда, ўзгаришда, бир типдан иккинчи типга ҳамда бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиш, мазмунан бойиш ва такомиллашишда, деб тушунтиради.

Диалектик метод давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларини тадқиқ қилишда объектив ҳақиқатга эришишнинг асосий омилдир. Бу метод давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятини жамиятнинг иқтисодий тузуми сиёсий, ижтимоий, маънавий соҳалар билан узвий боғлиқ, деб қарайди. Борди-ю, давлат ва ҳуқуқни иқтисодий асосдан ажратиб, тегишли тарихий шарт-шароитдан узилган ҳолда талқин этилса, уларнинг моҳиятини ҳам, ривожланиш қонуниятларини ҳам тўғри тушуниб бўлмайди. Диалектик методнинг асосий талабларидан бири давлат ва ҳуқуқни *тарихий* воқеалар билан боғлаб ўрганишидир.

Давлат ва ҳуқуқни ўрганишда диалектик ёндашув талабларидан яна бири *илмий объективликдир*. Илмий объективлик ўрганилаётган мавзунинг, яъни давлат ва ҳуқуқнинг жамият тараққиётининг маълум босқичида объектив зарурият тарзида вужудга келганлиги, унинг ривожланиши жамиятнинг бошқа соҳалари билан ўзаро боғлиқ ва алоқадорликда эканлиги, ўз қонуниятлари асосида ривожланишини инобатга олишни талаб этади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси иш кўрадиган умумий методлардан яна бири *метафизикадир*. «Метафизика» юнонча сўз бўлиб, маъноси — «физика кетидан келадиган нарса» дегани. У ҳозирги пайтда фанда «қотиб қолган фикр юритиш усули» маъносида ишлатилади. Ушбу методдан фойдаланиб илмий изланиш олиб борувчилар давлат ва ҳуқуқ илгаридан мавжуд бўлган, бундан кейин ҳам бўлади, улар абадий ва ўзгармасдир, ҳеч қандай бошқа ижтимоий ҳодисалар билан ички алоқадорликда эмас, улар ривожланишда эмас, қандай бўлса шундайлигича сақланиб қолади, деб фикрлайдилар<sup>1</sup>. Метафизика соф илмий, ижодий метод эмас, у давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларининг туб моҳиятини илмий равишда очиб беролмайди.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг умумий методлари билан бир қатор-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Давлат ва ҳуқуқ назарияси // профессорлар Х. Бобоев ва Х.Одилқориевларнинг умумий таҳрири остида. — Т., 2000. 12 — 13-б.

да унинг мавзусини ёритишга ёрдам берувчи *махсус* ва *хусусий илмий методлари* ҳам мавжуд. Бу методлар қуйидагилардан иборат: мантиқий метод, тарихий метод, системали-структурали ўрганиш методи, қиёсий-ҳуқуқий метод, аниқ-социологик метод, статистик-математик метод, кибернетика методи, ижтимоий-тажриба методи ва бошқалар.

**Мантиқий метод** — давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларининг моҳиятини, асосий мазмунини назарий шаклда, мавҳумлаштирилган тарзда, мантиқ қонунлари асосида ўрганиш усулидир. У оқилона, асослантирилган (исботланган) ва изчил хулоса чиқаришни назарда тутди.

Мантиқ (логика) энг умумий тарзда таърифлаганда, тўғри, ҳаққоний илмий фикр юритиш, фикр юритишдаги ички уйғунлик ва ўзаро муносабалиқдир. Мантиқ фикрнинг тузилишини, турли фикрлар ўртасидаги мантиқий боғланишларни, ҳақиқат билимга эришишнинг шарт-шароитлари ва қонун-қоидаларини ўрганади. Диалектик мантиқ тафаккурнинг умумий қонуниятларини таҳлил этади. У инсон тафаккурининг «чархланиши»га қўмаклашади, унинг изчил, зиддиятлардан холи ва асос — эътиборли бўлишини таъминлайди<sup>1</sup>. Демак, асосий мантиқий талаблар — фикрни аниқ, изчил, зиддиятсиз, асосли, исботли ифодалашдан иборат.

Мантиқий метод давлат ва ҳуқуқ воқеликлари ҳақида тўғри (ҳаққоний) билимлар ҳосил қилиш, уларни ёқлаб чиқиш ва асослашда мантиқ қонун-қоидаларидан фойдалана билишни ўргатади. Шунингдек, мазкур метод турли фикрларни мантиқий таҳлил қила олиш, ўз фикрини ихчам, лўнда ва энг муҳими, ишонарли, асосли қилиб баён этиш кўникмаларини ҳосил қилади. Илмни мантиқий усул ва воситасида ўрганишда аввалги билим (хулоса) кейинги билим (хулоса) учун асос бўлади. Илмий-назарий хулосаларни шакллантиришда *мантиқ силлогизмларига* таяниш лозим бўлади.

Масалан, «икки тасдиқ фикрдан учинчи янги тасдиқ фикр (хулоса) чиқади». «Ҳосил қилинган янги мулоҳаза дастлабки мулоҳазалардан умумийроқ бўлмайди». Мантиқ силлогизмларининг энг оддийларидан бирини давлат масаласига қўллаб хулоса чиқариб кўрайлик:

<sup>1</sup> Фалсафа: Қомусий луғат (масъул муҳаррир Қ.Назаров). — Т., 2004. 220 — 221-б.

**А.** Демократик давлатларда вакиллик ҳокимият идоралари сайлов асосида шакллантирилади.

**Б.** Ўзбекистон Республикасида давлат вакиллик идоралари сайлов асосида шакллантирилади.

**В.** Демак, Ўзбекистон Республикаси демократик давлатдир.

Бундай тарзда чиқарилган хулоса мантиқий жиҳатдан зиддиятсиздир.

**Тарихий метод** — давлат ва ҳуқуқни тарихий ривожланиш шарт-шароитларига боғлаб ўрганиш усул бўлиб, унда давлат ва ҳуқуқнинг тавсифи ва ривожланиш босқичлари тарихий хронологик изчилликда, кетма-кетликда ўрганилади.

Ушбу ўринда давлат ва ҳуқуқнинг тарихан вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларнинг тарихий тараққиёт босқичларида ривожланиши, ўзгариши ва шаклланишига таъсир этган омилларни кўрсатиб бериш, шу асосда давлат ва ҳуқуқнинг бутунги ҳолатига баҳо бериш ҳамда истиқболдаги эволюциясини башорат қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Тарихий метод воситасида давлат — ҳуқуқий ҳодисаларга икки нуқтаи назардан ёндашиши мумкин: *биринчидан*, бу ҳодисаларнинг «вақт ўлчовида ҳаракатланиш, ўзгариш жараёни»ни кузатиш, *иккинчидан*, бу жараённи «назарий жиҳатдан англаш». Тарихий ёндашув асосида таҳлил юритиш умуман абстракт давлат ва ҳуқуқни эмас, балки конкрет, аниқ муайян давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва моҳиятини, табиатини ўрганиш имкониятини беради.

Ва ниҳоят, давлат ва ҳуқуқнинг назарий жиҳатларини тарихий воқеалар ҳамда фактлар билан боғлаб ўрганиш пухта билим олиш гаровидир. Давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги турли-туман фикрлар ичида ўралашиб қолмаслик учун уларнинг асосий тарихий боғланишларини унутмаслик лозим. Шу боис ҳар бир масалага тарихдаги маълум ҳодиса қандай пайдо бўлганлиги, бу ҳодиса ўз ривожланишида қандай асосий босқичлардан ўтганлиги нуқтаи назаридан қараб, бу ҳодиса ҳозирги пайтда қандай бўлиб қолганлигига баҳо бериш лозим. Бу методологик талаб давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларига ҳам бевосита тааллуқлидир.

**Системали-структурали ўрганиш методи** — давлат ва ҳуқуқ наза-



рияси, унинг предметини мустақил ижтимоий тизим (система) тарзида ўрганиш усули. Бунда давлат ва ҳуқуқни жамият ҳаётининг бошқа ҳодисалари тизимида ўрганиш, уларнинг тузилишини (структурасини), давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларини ташкил этувчи таркибий элементларини ўрганиш амалга оширилади. Бу метод тадқиқ этилаётган объект ҳақида тўла ва атрофлича билим ҳосил қилишга ёрдам беради.

Системали-структурали метод давлат қурилиши ва ҳуқуқ амал қилишини тизимли таҳлил этишнинг методологик ёндашувлари, усуллари ва принципларини ўз ичига олади. Давлат ва ҳуқуқни тизимли таҳлил қилишда қуйидагиларга эътибор қаратилади: 1) система қисмларнинг бир бутун комплекс ўзаро алоқадорлиги эканлиги; 2) системанинг ташқи муҳит билан узвий бирлиги; 3) таҳлил этилаётган ҳар қандай системага ўзидан юқорироқ ва каттароқ бошқа системанинг таркибий элементи деб қаралиши; 4) ўрганилаётган системанинг элементлари, одатда, қуйи турувчи, кичик системани ҳосил қилиши<sup>1</sup>.

Таркибий қисмларнинг (элементларнинг) ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги фанимиз предметини ташкил этувчи «давлат аппарати», «ҳуқуқий тизим», «ҳуқуқ нормаси», «ҳуқуқий муносабатлар», «ҳуқуқ бузилишининг юридик таркиби» каби воқеликлар (институтлар) нинг таркибий тузилиши (структураси) мисолида намоён бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, мазкур институтларни системали-структурали таҳлил этиш мумкин ва лозим. Мазкур методдан барча давлат-ҳуқуқий ҳодисаларни тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин.

**Қиёсий-ҳуқуқий метод** — қиёслаш, таққослаш, солиштириш, чоғиштириш орқали давлат ва ҳуқуқ воқеликларини ўрганиш, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини аниқлаб олиш усули. Масалан, Ўзбекистондаги икки палатали парламентнинг моҳияти, ваколатлари кўлами, хусусиятларини аниқлаш учун дунёдаги бошқа давлатлар икки палатали парламентларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари билан қиёсланади. Ёки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига хос жиҳатларини тушуниб олиш учун уни бошқа давлатларнинг кон-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Теория государства и права / Под ред. проф. Н.И.Матузова и А.В.Малько. — М.: Юрист, 2000. С.26.

ституциялари билан солиштириб ўрганилади ва ҳоказо. Қиёсий-ҳуқуқий усул ёрдамида давлат ва ҳуқуқнинг нафақат бошқа мамлакатлардаги аналоглари (ўхшаш ҳодисалар) билан фарқи аниқланади, балки уларнинг ўтмишдаги, аввалги босқичдаги ҳолати билан ҳозирги кундаги ҳолати қиёслаб қимматли маълумотлар тўпланади.

Ушбу метод турли давлатлар ва ҳуқуқий тизимларнинг умумий ва ўзига хос томонларини билиш ҳамда ана шу асосда давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг қонуниятларини очишга, давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги ҳодисалар ва жараёнларни ўзаро солиштириш асосида улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашга имкон беради<sup>1</sup>.

**Аниқ - социологик метод** — давлат ва ҳуқуқ масалаларини давлат идоралари фаолияти, давлат ва жамият бошқарувини ҳуқуқий тартибга солиш йўллари реал ҳаёт билан боғлаб ўрганиш усулидир. Аниқ-социологик метод қуйидаги илмий-амалий усуллардан фойдаланади: ёзма ёки оғзаки сўров (анкета) ўтказиш, жамоатчилик фикрини аниқлаш ва таҳлил қилиш, статистик маълумотлар ва ҳужжатларни (архив материалларини) таҳлил этиш, кузатув олиб бориш, суҳбат, тажриба ўтказиш ва бошқалар.

Аниқ-социологик методнинг маъноси шундаки, илмий таҳлилнинг бу усулида юридик амалиёт, ҳуқуқий ҳаётнинг муҳим жиҳатлари, давлат ва ҳуқуқ институтларининг амал қилиши ҳақида ҳаққоний маълумотлар (ахборот) тўплаш, таҳлил этиш ва қайта ишлаш амалга оширилади. Олинган натижалар асосида давлат-ҳуқуқий воқелик хусусида назарий умумлашмалар, хулосалар чиқарилади ва тегишли амалиётни такомиллаштиришга оид қарорлар қабул қилинади. Масалан, суд-ҳуқуқий тизимда ўтказилаётган ислохотларнинг самарасини аниқлаш учун аниқ-социологик тадқиқотлар ўтказиш мумкин. Бунда суд амалиёти, прокурор назорати ҳамда тергов амалиёти бўйича статистик маълумотлар ва архив материаллар ўрганилади, анкета сўровлари ўтказилади, жамоатчилик фикри ўрганилади ҳамда улар математик ва компьютер ишловидан ўтказилиб, ҳосил бўлган ахборот асосида илмий асослан-тирилган хулосалар чиқарилади, зарур тавсиялар ишлаб чиқилади.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 1-жилд. Давлат назарияси. — Т., 2001. 27-б.

**Статистик-математик метод** — юқоридаги аниқ-социологик метод билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, суд амалиёти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига оид амалиёт, бошқа давлат идоралари фаолиятидан келиб чиқадиган статистик маълумотларни умумлаштириш орқали ижтимоий тараққиётнинг ҳаётий жараёнларини холис аниқлаш ва баҳолаш усули ҳисобланади. Ҳуқуқий ҳодисаларни, муайян тарихий даврдаги математик ва геометрик ҳолатларни ўрганиш, таҳлил этиш ҳам ушбу метод доирасига киради.


Статистика — бу рақамли ҳисоб-китоб юритиш асосида маълумотлар тўплаш, уларни таҳлил этиш, баҳолаш ва мантиқий-илмий хулоса чиқариш илмидир. Бунда миқдорий кўрсаткичлар илмий таҳлилнинг объекти ҳисобланади. Миқдорий маълумотлар давлат ва ҳуқуқ ҳодисалари тараққиётининг нисбий барқарор тенденцияларини ўзида ифода қилгани ҳолда, уларнинг тараққиёт йўналишларини белгилаш ва баҳолашга, стратегик ва тактик аҳамиятга молик жиҳатларини аниқлашга ёрдам беради. Рақамли маълумотлар давлат ва ҳуқуқнинг ҳолати, динамикаси ҳамда ривожланиш тенденцияларини объектив ифодалайди. Қатор ҳолатларда статистик-математик тадқиқотлар натижалари сўз билан англашиладиган ҳар қандай матн — ифодалардан ишончлироқ чиқади. Бундай тадқиқотлар статистик кузатув, статистик маълумотларни математик усуллар ёрдамида эркин ишловдан ўтказиш ва уларни таҳлил этиш босқичлари орқали амалга ошади.

Статистик-математик метод ўзининг оммавийлиги ва такрорийлиги билан тавсифланадиган давлат-ҳуқуқий воқеликларни, масалан, вакиллик ва бевосита демократия шакллари: сайлов ҳамда референдумлар натижасини ҳисоблаш; ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнларини, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг бошқа турларини аниқлаш ҳамда баҳолашда ниҳоятда кенг қўлланилади. Давлат ва ҳуқуқ институтларининг ҳолати ва ривожланиши ҳақидаги миқдорий кўрсаткичлар тегишли социологик таҳлиллар ўтказишда қўл келади.

**Кибернетик метод** — давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларини ўрганишда ҳозирги замон техникавий воситаларини қўллаб, ҳуқуқий маълумотлар тўплаш, уларга ишлов бериш ва умумлаштириш усули. Масалан, бу усул ёрдамида электрон ҳисоблаш машиналари, компьютер, мульти-

медиа ва бошқа техника воситаларини қўллаб, давлат ва ҳуқуқ функцияларининг исталган биронтасини *моделлаштириш* ҳамда шу асосда келгусида уларнинг ривожланишини башорат қилиш мумкин. «Кибернетика» юнонча «бошқариш санъати» демакдир. Давлат ва ҳуқуқни ўрганишда *моделлаштириш* методи бу воқелиklarнинг оқилона моделини яратишга, давлат ва ҳуқуқнинг ҳаракатланиш механизмлари тuzилишига мўлжалланган моделни жорий этишга, демократик ва ҳуқуқий тартибга солиш жараёнларини зарур йўналишда моделлаштиришга қўмаклашади. Бу метод давлат ва ҳуқуқ назарияси арсеналидаги тушунча ва категорияларни шакллантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

### Давлат ва ҳуқуқ назариясининг методлари



*Ижтимоий тажриба методи* — давлат ва ҳуқуққа оид бирон-бир институтни, органни, нормани ҳаётга жорий этишдан аввал уларни тажриба ўтказиш йўли билан синаб кўриш усули. Масалан, Ўзбекистон Республикасида маҳаллий даражадаги маъмурий ҳудудий бирликларда (вилоят, шаҳар, туманларда) ҳокимлик лавозимини жорий этишдан аввал 1991 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарори билан Тошкент шаҳар ҳокими лавозими таъсис этилиб, бир йил мобайнида ижтимоий-ҳуқуқий тажриба — синов ўтказилди. Тошкент шаҳар ҳокими муваққат Низом асосида фаолият юритди. Тажриба натижалари умумлаштирилиб, 1992 йил 4 январда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ислоҳ этиш тўғрисида» ги қонун билан республикамизнинг барча туман, шаҳар ва вилоятларида ҳоким лавозими жорий қилинди.

Шундай қилиб, *давлат ва ҳуқуқ назариясининг методлари* давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларини, улар билан боғлиқ жараёнларни ўрганишга, бу муҳим ижтимоий-сиёсий институтларнинг ривожланиш қонуниятларини очишга йўналтирилган илмий усуллар, йўллар, тамойиллар ва воситалар мажмуидир.

#### **4-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг ижтимоий ва юридик фанлар тизимидаги ўрни ҳамда аҳамияти**

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанини ҳар томонлама ва муфассал тавсифлашда унинг бошқа фанлар билан алоқадорлигини очиш муҳим аҳамиятга эга. Бу фан барча ижтимоий ва юридик фанлар билан чамбарчас боғлиқ. Давлат ва ҳуқуқ масалаларини фақат юридик фанлар эмас, балки бошқа ижтимоий фанлар ҳам ўрганади. Чунки инсонларнинг фаолияти серқирра ва турли-туман бўлиб, улар ҳуқуқ воситасида тартибга солинади, давлат-сиёсий муносабатларнинг объекти сифатида майдонга чиқади.

Давлат ва ҳуқуқ ҳамиша ижтимоий ҳаётнинг муҳим масаласидир. Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларини тадқиқ ва таҳлил қилишда бошқа фанлар билан яқиндан ҳамкорлик қилади, уларнинг ютуқлари, илмий хулоса ва тавсияларидан фойдаланади. Давлат

ва ҳуқуқ назарияси бошқа ижтимоий фанлар: фалсафа, иқтисод, социология, сиёсатшунослик, тарих каби фанлар билан мустаҳкам алоқада бўлади.

**Фалсафа ҳамда давлат ва ҳуқуқ назарияси.** Фалсафа табиат, жамият ва тафаккур ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрганadi. Ижтимоий фалсафа давлат ва ҳуқуқни жамиятнинг таркибий қисми сифатида ўрганadi. Шу боис, у давлат ва ҳуқуқ масалаларини умумий тарзда, ижтимоий ҳодиса сифатида талқин этади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани фалсафадан ижтимоий, шу жумладан, давлат-ҳуқуқий ҳодисаларни билишнинг методологияси сифатида фойдаланади, фалсафанинг қоидалари ва хулосаларига таянган ҳолда, давлат ва ҳуқуқ муаммоларини аниқлаштиради ҳамда уларнинг назарий жиҳатларини ўрганadi. Бунда фалсафа билан давлат ва ҳуқуқ назарияси бир-бирини такрорламайди, аксинча тўлдиради.

Фалсафа борлиқнинг онгга, инсоннинг уни ўраб турган атроф-муҳитга муносабатининг умумий қонуниятлари ҳақидаги билимлар тизимидир. Фалсафа давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, табиати, унинг ижтимоий ҳодисалар тизимидаги ўрнини аниқлайди. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани эса давлат ва ҳуқуқнинг барча кўринишлари ва белгилари билан бир бутун ҳолда батафсил ўрганadi. Агар фалсафа давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятини аниқлаш имконини берса, давлат ва ҳуқуқ назарияси фалсафани ижтимоий тараққиёт, давлат ва ҳуқуқнинг умумий тамойиллари, ижтимоий вазифаси ва функцияларини ифодалаш усуллари билан бойитади.

Фалсафанинг умумий қонун ва категорияларидан давлат ва ҳуқуққа тегишли воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишда амалий фойдаланиш, *бир томондан*, давлат ва ҳуқуқ соҳасида тўпланган барча билимларни илмий жиҳатдан умумлаштириб, бу билимларни давлат ва ҳуқуқ назариясининг категорияси сифатида баён қилиш имконини беради; *иккинчи томондан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси фани тўплаган билимлар, маълумотлар фалсафанинг объектив қонунларни очиши ва умумий категорияларни ишлаб чиқиши учун амалий маълумот бўлиб хизмат қилади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ўз мавзусини таҳлил этиш чоғида фалсафанинг «муносабат», «эркинлик», «жараён», «функция»,

«бутун ва қисм», «система», «эволюция», «тараққиёт», «алоқадорлик», «моҳият», «шакл» каби тушунча ва категорияларидан кенг фойдаланади<sup>1</sup>. Мазкур фанлар яратадиган билимлар ўзаро бир-бирига сингиб кетади.

Давлат ва ҳуқуқ зоҳир бўлишининг фалсафий талқини ҳозирги даврда алоҳида долзарблик касб этмоқда. Ҳуқуқшунослик билан фалсафа ҳамкорлиги замирида «ҳуқуқ фалсафаси» деган янги илмий йўналиш шаклланмоқда. Давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларини фалсафа категориялари ва қонуниятлари нуқтаи назаридан талқин этиш ҳуқуқшунослик фани ривожига янги уфқ ва марралар очиши шубҳасиздир<sup>2</sup>. Табиийки, давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳуқуқ фалсафаси фани билан ҳам ўзаро узвий ҳамкорлик қилади.

Шундай қилиб, фалсафа фани давлат ва ҳуқуқ назарияси учун пойдевор бўлиб, методологик асос вазифасини бажаради, давлат ва ҳуқуқ назарияси эса фалсафа шу жумладан ҳуқуқ фалсафаси учун аниқ ҳаётий маълумотлар манбаи вазифасини бажаради.

**Иқтисодий фанлар ҳамда давлат ва ҳуқуқ назарияси.** Иқтисодий фанлар ишлаб чиқариш муносабатлари тизими, хўжалик ҳаётини ташкил этиш, тадбиркорлик, меҳнат, молия, кредит каби масалаларни ўрганади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси эса давлат ва ҳуқуқни ўзининг асосий предмети деб ҳисоблайди ва уларнинг иқтисодий функцияларини таҳлил этади. Иқтисодий фанлар ҳамда давлат ва ҳуқуқ назариясининг ўзаро алоқаси давлат ва ҳуқуқнинг иқтисодиётга қанчалик боғлиқ эканлиги ва таъсирини аниқлашга имкон беради.

Ўзбекистонда мустақил тараққиёт йилларида барпо этилаётган янги жамият асосланган тамойилларидан бири «иқтисоднинг сиёсатдан устунлигидир» (И.А.Каримов). Бу тамойил давлат ва ҳуқуқ соҳасига ҳам тааллуқлидир. Яъни, давлат ва ҳуқуқнинг мазмуни ҳамда моҳияти иқтисодий муносабатлар тизими, жамиятнинг иқтисодий тузими томонидан белгиланади. Бир томондан, давлат ва ҳуқуқ иқтисодий ислоҳотлар амалга ошишини таъминлайди, иккинчи томон-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Марченко М.Н.* Теория государства и права. — М., 2008. С.28.

<sup>2</sup> *Одилқориев Х.Т.* Юридик фанларнинг ижтимоий вазифаси ва ривожланиш истиқболлари // Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. — Т., 2006. 110-б.

дан, иқтисодиётнинг ривож топиши давлат ҳокимияти ва ҳуқуқнинг моддий асосини мустаҳкамлаб, уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартиради, бойитади. Жамият тараққиётининг кўп асрлик тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, иқтисодиётнинг муайян шаклига (типи)га давлат ва ҳуқуқий тизимнинг шунга хос маълум шакли (типи) (давлат ва ҳуқуқнинг қулдорлик, феодал, буржуа ёки бошқа типи) мувофиқ келади.

Моддий-иқтисодий ҳаёт ва иқтисодиёт фани давлат ва ҳуқуқ назарияси ўз предметини ўрганишда самарали маълумотлар ва зарурий билимлар беради. Айни вақтда, давлат ва ҳуқуқ назариясининг давлатнинг иқтисодий функцияси, ҳуқуқнинг иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ҳақидаги илмий хулосалари иқтисодиёт фанини бойитишга кўмаклашади.

**Социология ҳамда давлат ва ҳуқуқ назарияси.** Давлат ва ҳуқуқ назарияси социология фани билан ҳам ўзаро алоқадорликда ривожланади. Зеро, социология фани ҳам жамиятни яхлит, уюшган тизим сифатида тадқиқ этиб, жамият аъзоларининг, хусусан, турли жамоалар, аҳоли барча қатламларининг давлат, ҳуқуқ, демократия ва қонунга нисбатан қандай муносабатда бўлишини, уларнинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини мавжуд ҳаётни таҳлил этиш асосида ўрганади. Шунга кўра, социология фани давлат ва ҳуқуқ назарияси фани учун дастлабки амалий (эмпирик) маълумотларни тўплаб бериш вазифасини бажаради. Давлат ва ҳуқуқ назарияси эса, ўз навбатида, социология фани берган маълумотларни умумлаштириб, улардан ўзига тегишли назарий хулосалар чиқаришда фойдаланади.

Социология ягона тизим бўлиши жамият ҳамда у билан алоқадорликда ўрганиладиган алоҳида ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий жараёнлар ҳақидаги фандир. Социология жамият тараққиётининг умумий қонуниятларини ўрганади. Социология ўзининг хулосаларида аниқ ҳаётий маълумотларга, ижтимоий тажрибага таянади. Барча ижтимоий ҳодисалар, жумладан, давлат ва ҳуқуқ ҳам социологик тадқиқотларнинг объекти ҳисобланади. Социология ҳам фалсафа сингари, давлат ва ҳуқуқни билишнинг умумий илмий воситадир. У давлат ва ҳуқуқни ўрганиш асосида ўзининг предметини чуқурлаштиради ва ойдинлаш-



тиради. Бу борада социология давлат ва ҳуқуқ назариясининг қоида ва хулосаларидан фойдаланади.

Маълумки, давлат ва ҳуқуқ ижтимоий муҳитда мавжуд, уларнинг моҳияти социологик шароитда янада яққолроқ намоён бўлади. Шу боис давлат ва ҳуқуққа социологик ёндашувга қизиқиш ортмоқда. Қолаверса, социология билан давлат ва ҳуқуқ назариясининг ҳамкорлигида *ҳуқуқ социологияси, сиёсат социологияси, давлат социологияси* номли алоҳида фан тармоқлари шаклланиб ажралиб чиқмоқда.

**Сиёсатшунослик ҳамда давлат ва ҳуқуқ назарияси.** Сиёсатшунослик фани сиёсат, унинг шакллари, сиёсий жараёнлар ва сиёсий бирлашмалар, жумладан, сиёсий партиялар, сиёсий ҳокимиятга ва давлат ҳокимиятига эришиш воситалари, фуқаролик жамияти, давлат ва шахснинг ўзаро муносабати каби ҳодисаларни ўрганади. Сиёсатшунослик инсон сиёсий маданиятини ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизими, яъни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилиши орқали ўрганади.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг сиёсатшунослик фани билан боғлиқлиги ҳар иккала фаннинг ҳам бир объектни, яъни жамият сиёсий тизимининг муҳим элементи бўлмиш давлат ва ҳуқуқни илмий жиҳатдан тадқиқ этишида яққол кўзга ташланади. Бунда давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, ривожланиши, амалий фаолиятининг умумий қонуниятларини ўрганса, сиёсатшунослик фани давлат ва ҳуқуқий сиёсатни, аниқроғи, жамиятда юз бераётган сиёсий ҳодисалар ва жараёнларни, яъни сиёсат назарияси ва амалиётини ўрганади. Уларнинг ҳар иккаласи бир предмет — давлат ва ҳуқуқни, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини ҳар томонлама, айни вақтда турли жиҳатларини ўрганади, илмий тадқиқотлар натижасида олинган билимлар билан бир-бирини тўлдиради. Пировардида, сиёсатшунослик фани ўзининг кенг қамровлилигига кўра, давлат ва ҳуқуқ назарияси фани учун муҳим асослардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ўз навбатида, сиёсатшунослик фани ҳам давлат ва ҳуқуқ назарияси тўплайдиган билимлардан фойдаланади. Масалан, фанимизнинг «давлат», «давлат механизми», «сиёсий ҳокимият», «сиёсий ва давлат режими», «сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш»

тушунчаларига берган таърифларидан сиёсатшунослик фани ҳам кенг баҳраманд бўлади.

*Давлат ва ҳуқуқ назарияси тарих фани* билан ҳам узвий алоқадор. Тарих жамиятшуносликка оид ижтимоий фан ҳисобланади. У инсоният маданий ва маънавий тараққиётининг ҳар хил типлари ва даврларини, жамиятнинг ривожланиш йўналишлари ва тикланиш босқичларини, инсониятнинг ўтмишдан келажак томон юксалиб бориш сабаблари ва моҳиятини тадқиқ этади. Муайян халқлар, давлатларнинг турли даврлардаги ҳаётининг аниқ шакллари ва тажрибасини, шунингдек, ҳуқуқий мероси ва ёдгорликларини ҳам ўрганади. Лекин тарих фани учун вақт чегаралари муҳимдир. У умумлашма хулосалар чиқармайди, қонуниятларни очмайди, айни шу жиҳатлари билан давлат ва ҳуқуқ назариясидан фарқ қилади.

Шундай қилиб, давлат ва ҳуқуқ назарияси ижтимоий фанлар тизимида қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

*биринчидан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси ижтимоий фанлар жумласига кирувчи ҳуқуқшуносликнинг таркибий қисмидир. У ҳуқуқшуносликка нисбатан хусусийлик, бошқа ижтимоий фанларга нисбатан эса алоҳидалик касб этади;

*иккинчидан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳам бошқа ижтимоий фанлар сингари жамият ижтимоий эҳтиёжларининг маҳсули сифатида пайдо бўлган. У бошқа ижтимоий фанлар билан биргаликда давлат ва ҳуқуққа тегишли воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни ҳар томонлама ўрганади, бошқа фанларнинг методларидан, тўплаган билимларидан фойдаланади. Ўз навбатида, давлат ва ҳуқуқ назарияси ижтимоий фанларни давлат ва ҳуқуққа оид аниқ маълумотлар билан таъминлаб, уларни назарий ва амалий билимлар билан қуроллантиради;

*учинчидан*, давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳуқуқшунослик фани орқали давлат ва ҳуқуқ билан шуғулланаётган ҳар қандай ижтимоий фан соҳасининг илмий тадқиқот мавзусидан муносиб ўрин эгаллайди.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг барча ижтимоий фанлар билан алоқаси икки томонлама манфаатли хусусият касб этади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ижтимоий фанларнинг хулосаларига асосланган ҳолда хилма-хил фалсафий, тарихий материалларни умумлаштириб, давлат

ва ҳуқуқнинг вужудга келиши сабаблари, тараққиёт босқичлари, давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, мазмуни ва шакллари очиқ беради. Айни вақтда, давлат ва ҳуқуқ назарияси бошқа ижтимоий фанларни такрорламайди, балки тўлдиради. Бу ҳол давлат ва ҳуқуқ назарияси ўз мустақил предметига ва хусусиятларига эга эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бундан яна ҳам кенг қамровли хулосалар чиқариш мумкин. Ўзбекистонда давлатчиликнинг ҳуқуқий асослари такомиллашиб бориши, ҳуқуқий маданият, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳуқуқий таълим ривожланиб боргани сайин давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда барча ижтимоий фанлар ўртасидаги алоқадорлик ҳамда ҳамкорлик кучайиб бораверади.

*Давлат ва ҳуқуқ назариясининг соҳавий ҳуқуқий фанлар билан нисбати.* Юридик фанлар — ижтимоий ҳодиса сифатида давлат ва ҳуқуқнинг тушунчаси, моҳияти, таснифи, келиб чиқиши, ривожланиши ва амал қилинишининг умумий ва махсус қонуниятлари тўғрисидаги ҳуқуқий билимлар тизимидир.

Барча юридик фанлар диққат марказида давлат ва ҳуқуқ асосий ўрин эгаллайди. Айни пайтда, ҳар бир юридик фан давлат ва ҳуқуқнинг муайян томонларини, муайян жиҳатларини ўрганadi. Шунинг учун ҳуқуқшунослик фанларининг ҳар бир тармоғи ўзининг мустақил предметига эга. Давлат ва ҳуқуқ назариясини барча ҳуқуқий фанлар билан биргаликда ўрганиш бу фаннинг предмети, аҳамияти ва ролини янада ойдинлаштиради. Барча юридик фанларнинг ҳам ўрганиш соҳаси ва умумий объекти — давлат ва ҳуқуқдир. Ҳар бир соҳавий ҳуқуқшунослик фани давлат ва ҳуқуқ масаласига ўзига хос ёндашади, уларнинг ҳар бири ўзининг тадқиқот объекти ва предметига эга.

*Юридик фанлар қуйидаги тарзда классификация (тасниф) қилинади:*

**а) тарихий-назарий-ҳуқуқий фанлар** (давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ва ҳуқуқ тарихи, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи ва ҳоказо);

**б) махсус ёки тармоқ ҳуқуқий фанлар** (масалан, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, конституциявий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, жиноят процессуал ҳуқуқи ва бошқалар);

**в) амалий юридик фанлар** (масалан, криминалистика, криминология, суд тиббиёти, суд статистикаси, суд бухгалтерияси ва ҳоказо).

Давлат ва ҳуқуқ назарияси юридик фанлар тизимида умумий, фундаментал ва методологик фан сифатида намоён бўлади. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг бошқа ҳуқуқий фанлар билан алоқаси ана шундан келиб чиқади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси махсус ва амалий-ҳуқуқий фанларнинг аниқ материалларига таянади, уларни назарий жиҳатдан умумлаштиради. Умумий ва фундаментал фан сифатида ҳуқуқшуносликнинг асосий тушунчалари ва қоидаларини шакллантиради.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси *методологик фан* сифатида бошқа соҳавий ҳуқуқий фанлар учун хусусий юридик методларни ва раҳбарий принципларни ишлаб чиқади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси билан давлат ва ҳуқуқ тарихи фани бир-бири билан чамбарчас боғлангандир. Уларнинг ҳар иккиси давлат ва ҳуқуқ борасида баҳс юритади. Давлат ва ҳуқуқ тарихи давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнини тўлиқ, хронологик тарзда ўрганади.

Тарих ва назария бир-бирисиз бўлмайди, бири иккинчисини тақозо этади. Давлат ва ҳуқуқ тарихи фани, ўз навбатида, айрим назарий хулосаларни чиқаради, назарий принциплар асосида иш кўради. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани эса ўз хулосаларини тарихий материаллар ёрдамида асослайди, бунда у тарихийлик методидан фойдаланади. Ҳар қандай тарихий фактни назариясиз ёритиш, изоҳлаш мумкин эмас. Назария тарихий воқеаларга ёндашиш усулини белгилайди ва шу боис тарихни илмий ўрганиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси бошқа ҳуқуқий фанлар билан ҳам худди шундай икки ёқлама алоқададир. Демак, давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳуқуқшунослик фанлари тизимида марказий, йўналтирувчи, умумлаштирувчи аҳамиятга эга бўлиш билан бирга, барча юридик фанларнинг ютуқларини уйғунлаштиради ва уларнинг ўзаро бойишига кўмаклашади.

## 5-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг функциялари

Фаннинг функцияси унинг эътибори қандай вазифани бажаришга қаратилганлигидан ва табиатидан келиб чиқади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ўз олдига қўйилган вазифани адо этиш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

**Назарий билиш (эвристик)<sup>1</sup> функцияси.** Давлат ва ҳуқуқни билиш турли даражада бўлиши мумкин. Баъзан у давлат ва ҳуқуқни изоҳлаш ёки тушунтиришдангина (*онтологик функциядан*) иборат бўлади. Лекин давлат ва ҳуқуқ назарияси бу билан чекланмайди, балки ўрганилаётган объектнинг моҳиятига чуқур кириб бориш орқали янги қонуниятларни очади, янги билимларни ҳосил қилади. Масалан, давлат ва ҳуқуқ ривожланиш қонуниятларининг очилиши, давлатнинг иқтисодий ролини изоҳлаш, ҳуқуқий тартибга солишнинг янги механизмларини шакллантириш ва ҳоказо.

Назарий билиш функциясини амалга ошириш туфайли давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат-ҳуқуқий воқеликларни чуқур ва мукамал ўрганиш асосида уларнинг характерли белгилари ва муҳим хусусиятларини таърифлаб беради. Давлат ва ҳуқуқни худди шу тарзда тадқиқ этиш давлат ва ҳуқуқнинг келгуси ривожланиши ҳақида илмий башоратлар қилиш имкониятини беради. Умуман олганда мазкур фан илмий-ҳуқуқий дунёқарашни шакллантириш функциясини бажаради.

**Методологик функция.** Давлат ва ҳуқуқ назарияси юридик фан соҳаларига нисбатан *методологик* функцияни бажаради. Чунки ҳар қандай метод — амалий изланишга йўналтирилган назариядир. Назария фани воқеликни қанчалик тўғри акс эттирса, у билишнинг методи сифатида шунчалик самарали бўлади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат, ҳуқуқ, қонунчилик, ҳуқуқий муносабат, ҳуқуқий жавобгарлик каби тушунчаларни ишлаб чиқади. Мазкур назарий тушунчалар тизими давлат ва ҳуқуққа оид масалалар ҳақида янги илмий билимларни яратиш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам давлат ва ҳуқуқ назарияси ишлаб чиққан илмий тушунчалар, категориялар, таърифлар, принциплар ва қоидалар ҳуқуқ соҳаларини ўрганувчи бошқа фанлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

**Амалий тажриба функцияси.** Барча юридик фанларда бўлгани сингари давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида ҳам назарий билимлар амалий

<sup>1</sup> «Эвристика» — юнонча сўз бўлиб, «топдим» деган маънони англатади. Биз уни давлат ва ҳуқуқ назарияси томонидан янги билимларни ҳосил қилиш, янги хусусиятларни аниқлаш, илмий ҳақиқатни топиш маъносида қўлламоқдамиз.

фаолият билан узвий қўшиб олиб борилади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани ҳам амалиётга ёрдам кўрсатади. Жумладан, у давлат фаолиятини такомиллаштиришга, қонунчиликни ривожлантириш ва уни амалда қўлланиш ишини яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқади ва ҳоказо. Юридик амалиётни назарий жиҳатдан асослаш ҳам муҳим илмий аҳамиятга эга.


**Мафкуравий-тарбиявий функция.** Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги ғояларнинг илмий тизимидан иборат. У кишиларда муҳим сиёсий ва ҳуқуқий, яъни демократия, қонунчилик, давлат интизоми, шахснинг ҳуқуқи ҳамда эркинликлари тўғрисида илмий тушунчалар, таълимотлар, концептуал билимларни шакллантиради.

Фаннинг мафкуравий функцияси давлат ва ҳуқуқ масалаларига диалектик нуқтаи назардан ёндашишга, дунёқарашнинг мустақкамланишига, шунингдек кишилар онгида янги ҳуқуқий онг, замонавий демократик ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқий маданият ва қонунчиликка ҳурмат ҳиссини тарбиялашга ёрдам беради.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси юқоридаги функциялардан ташқари, *сиёсий, ташкилотчилик, башорат қилиш* каби функцияларни ҳам бажаради. Демак, давлат ва ҳуқуқ назарияси қуйидаги вазифаларни бажаришга кўмаклашади:

- 1) давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш қонуниятларини ва йўллари-ни очиб бериш;
- 2) давлат органларининг фаолияти ва тузилишини такомиллаштириш;
- 3) ҳуқуқни қўллаш ва қонунчиликни такомиллаштириш, қонунларни системалаштириш ва кодификациялаш;
- 4) ҳуқуқни тарғиб қилиш, фуқароларни Конституция ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва бошқалар.

**Давлат ва ҳуқуқ назариясининг функциялари**



## И Б О Б

## ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

## 1-§. Жамият тушунчаси ва тузилиши

Жамият — арабча умумий деган маънони англатади. Жамият атмаси кўп маъноли сўзлар қаторига киради. Бугунги кунда жамият ибораси орқали қуйидагиларни ифодалаш қабул қилинган: *биринчидан*, ўзларининг муштарак мақсади ва манфаатлари йўлида бирлашган кишиларнинг уюшмасини (билим жамияти, автоҳаваскорлар жамияти ва ҳ.к.); *иккинчидан*, инсоният тараққиёти муайян босқичининг ифодаси сифатида (ибтидоий жамият, қулдорлик жамияти, феодал жамияти, капиталистик жамият); *учинчидан*, табиатнинг бир қисми, борлиқнинг алоҳида шаклини ифодаладиган тушунча сифатида.

Инсонларнинг уюшмаси сифатида жамият мураккаб, кўп қиррали ижтимоий ҳодиса. Жамиятнинг вужудга келиши ва тараққиёти азал-азалдан мутафаккирларнинг диққати марказида бўлиб келган ва келмоқда. Жамият тўғрисида турли-туман фикрлар, ғоялар ва таълимотлар вужудга келган. Инсониятни ўраб турган борлиқ каби кишилиқ жамияти ҳам ўзининг ички қонуниятлари асосида тараққий этади.

Фалсафий маънодаги жамиятнинг тушунчаси — бу моддий дунёнинг муҳим таркибий қисми, ўз-ўзидан ривожланиб турадиган кишилар ҳаётининг фаолиятининг мажмуасидир. Жамият кишиларнинг оддий йиғиндиси эмас. У мураккаб ижтимоий организм, кишилар ўзаро ҳамкорлигининг маҳсули, ҳаёт учун зарур бўлган моддий неъматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва истеъмол билан боғлиқ бўлган, уларнинг ҳаётини муайян тарзда ташкил этишдир. Жамият — оила, гуруҳ, табақа муносабатлари билан бирлашган кишиларнинг мураккаб ўзгарувчан алоқалар тизимидир. У инсонларнинг шундай уюшмасидирки, унда биологик қонунлар эмас, балки ижтимоий қонунлар амал қилади.

Жамиятни назарий жиҳатдан таҳлил этиш, уни таркибий қисмлари бир-бирига фаол таъсир кўрсатадиган, ўзаро алоқада ҳамда бириккинчисига нисбатан бўйсунуши муносабатида бўладиган яхлит организм сифатида қараб чиқишни тақозо этади.



Жамиятга хос бўлган алоқалар тизими, алоҳида-алоҳида тарзда гавдаланадиган таркибий қисмларни яхлит бир тизимга бирлаштиради. Мазкур алоқалар инсонлар фаолиятида мужассамланиб, шунчалик барқарор характер касб этадики, инсонларнинг бир неча авлодлари бири-бирини алмаштириб ўтиб кетса-да, муайян жамиятни тавсифловчи алоқалар шакли сақланиб қолади.<sup>1</sup>

Инсонлар ўзларидан насл қолдириш, авлодлар давомийлигини сақлаш ҳамда турли-туман табиий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўзаро ҳамкорлик қиладилар. Шу нуқтаи назаридан жамият кишиларнинг тарихан ташкил топган ҳамкорлик фаолиятининг маҳсули, мажмуаси сифатида тушунилади.

Инсонлар фаолияти ва улар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жамиятнинг асосий мазмунини ташкил этади. Жамиятдаги ҳамма нарса (моддий ва маънавий бойликлар, инсонларнинг яшаши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш ва б.) муайян фаолият жараёнида амалга ошади. Бундай фаолият сирасига мулкӣ, ишлаб чиқариш, оилавий, сиёсий, ҳуқуқӣ, ахлоқӣ, диний ва уларга мос келувчи муносабатлар киради. Айнан ижтимоий муносабатлар шахсни ижтимоий гуруҳлар, жамият билан боғлайди.

Жамиятни ижтимоий муносабатлар йиғиндиси сифатида кўриб чиқиш қуйидагиларга имконият яратади: *биринчидан*, унга аниқ тарихий ёндашишга (турли ижтимоий формацияларни, жамиятнинг ривожланиш босқичларини фарқлаш); *иккинчидан*, ижтимоий ҳаёт асосий соҳаларининг хусусиятларини аниқлаш (иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий соҳаларни); *учинчидан*, ижтимоий муносабатлар иштирокчиларини аниқлаш (шахс, оила, гуруҳ, табақа, миллат, давлат).

Кишилиқ жамияти тараққиётини ўрганишда ягона ёндашув мавжуд эмас. Илмий адабиётларда кишилиқ жамияти тараққиётини тушунишда, шу пайтга қадар евроцентристик ҳамда материалистик тарзда бир томонлама ёндашув устуворлик қилиб келди. Унда қадимги одамларнинг онги пастлиги, ўзини ўраб турган атроф-муҳит табиатини

<sup>1</sup> Введение в философию: Учебник для вузов. В 2-х ч. Ч.2/ Фролов И.Т., Араб-Оглы Э.А., Арефьева Г.С. и др. — М.: Политгиздат, 1989. С. 433.

тушунмаслиги, билимдан узоқлиги, шу сабабли «ибтидоий» турмуш тарзига эгалиги, «ибтидоий одам» ва «ибтидоий жамият» ўз тараққиётида «ёввойилик» ва «варварлик» каби босқичларни босиб ўтганлиги уқтирилади.

XX асрнинг охирига келиб археология ва этнография фанлари эришган ютуқлари натижасида «ибтидоий жамоа» тузуми ва «ибтидоий одам» тўғрисидаги тасаввурлар ва билимлар ниҳоятда бойиди. Рус академиги В.С.Нерсисянц таъкидлаганидек, бугунги кунда, қадимги одамни мантиқий фикрлаш қобилиятидан ва ўзлигидан маҳрум бўлган ёввойи, ибтидоий мавжудот сифатида тасвирланганда, бу нафақат, у билан солиштирилганда цивилизация даври ниҳоятда қисқа бўлган, дастлабки тузум, беқиёс даврни тушунмаслик эмас, балки инсон уруфининг қадимги муваффақиятли маданий ва социал эволюциясини белгилаб берган, кўплаб туб инсоний хусусиятларнинг замонавий инсон томонидан хавфли даражада йўқотиш ҳамдир<sup>1</sup>.

Цивилизация даври ўзининг мавжудлиги ва тараққиёти учун мустақкам замин яратган қадимги одамни ва у яшаган даврни «ёввойи», «варвар» деб баҳолашдан воз кечиш вақти келди. Бугун давлатгача бўлган даврни илмий даврлаш янгича тарзда асосланмоқда. Давлат ва ҳуқуқ назарияси учун, қадимги жамият тараққиётида икки асосий босқич ва унга мос равишда ишлаб чиқаришнинг икки усулини: ўзлаштирувчи иқтисодиёт (овчилик, балиқчилик, териб-термачлаш); ишлаб чиқарувчи иқтисодиётни (деҳқончилик, чорвачилик, металлни қайташ ишлаш, сопол буюмлар ишлаб чиқариш) фарқлаш муҳим методологик аҳамиятга эга<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Проблемы общей теории права и государства. Учебник для вузов. Под общ. ред. члена-корр. РАН, д.ю.н., проф. В.С.Нерсисянца. — М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА. — М., 2008. 50-бет.

<sup>2</sup> Қ а р а н г: Теория государства и права. Учебник для юридических вузов и факультетов. Под ред. В.М.Корельского и В.Д.Перевалова. — М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА. — М., 1997. 34—35-бетлар.

## 2-§. Уруғчилик жамияти ва унинг хусусиятлари

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг энг муҳим масалаларидан бири, давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, сабаблари, ривожланиш босқичларини ўрганиш ҳисобланади. Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ва ҳар томонлама тушуниб олиш учун улар шаклланган заминни, ибтидоий жамият тузуми тарихини англаш лозим.

Жамият тараққиётида қадимги жамоа тузуми энг узоқ даврни ўз ичига олади. Инсонлар тўда-тўда бўлиб яшай бошлагандан то илк давлатчилик вужудга келгунга қадар 100 минг йиллаб вақт ўтган. Ишлаб чиқариш қуролларининг соддалиги ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатган.

Уруғчилик тузумининг энг муҳим хусусияти бўлиб, кишиларнинг ўзаро уюшганлиги ҳисобланади. Қадимги одамларнинг турмуши ва онги жамоатчилик, аниқроғи, табиий жамоатчиликка асосланган. Бундай турмуш тарзида алоҳидалик, шахс ўзбошимчалигига ўрин бўлмаган. Жамоа — инсон онги шаклланадиган ва ривожланадиган, дунё тўғрисидаги қарашлар, тажриба ва билимлар аста-секинлик билан ҳосил бўладиган ва ижтимоийлашувнинг анъанавий шакллари орқали гуруҳнинг ҳар бир аъзосига етказиладиган табиий соҳа ҳисобланган<sup>1</sup>.

Инсонлар азалдан биргаликда, уюшиб яшашга мойил бўлган. Бу даврда табиатда мавжуд бўлган маҳсулотларни териб-термачлаб йиғиш ва ёввойи ҳайвонларни овлаш шакли амал қилган. Уруғчилик тузумида мавжуд ишлаб чиқариш — териб-термачлаб йиғиш, кичик ва йирик ҳайвонларни овлаш натижасида тўпланган меҳнат маҳсули бутун жамоа ихтиёрига топширилган ҳамда унинг барча аъзолари ўртасида тақсимланган. Тақсимот вақтида маҳсулотларни йиғиш ёки овда иштирок этганлик инобатга олинмаган.

Афлотун ўзининг «Қонунлар» асарида қадимги одамларнинг турмуш тарзини афиналик суҳбатдош номидан шундай тасвирлаб беради: «Аввалло, у замон одамлари бир-бирларини яхши кўрганлар ва айрилиқлар

<sup>1</sup> Проблемы общей теории права и государства. Учебник для вузов. Под общ. ред. члена-корр. РАН, д.ю.н., проф. В.С.Нерсисянца. — М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА. М., 2008. 27-бет.

туфайли бир-бирларига хайрихоҳ муносабатда бўлганлар; овқатни ҳам бир-бирларидан қизганмаганлар, чунки яйловлар кўп бўлган, баъзиларида аввалига кам бўлиши эҳтимол, — уларнинг кўпчилиги шу (чорвачилик) билан кун кўрганлар. Уларда сут ва гўшт ҳам етарли бўлган; бундан ташқари улар ов билан ўзларига егулик топганлар. Уларда кийим, ётиш ўринлари (чойшаб, тўшак), уй-жой, куйдирилган (кулолчилик буюмлари) ва оддий буюмлар бисёр бўлган; ...Жуда камбағаллар ҳам бўлмагани учун камбағаллик одамларни бир-бирларига душман бўлишларига мажбур қилмаган. Бошқа томондан улар бой бўлиб ҳам кетолмасдилар, чунки у вақтларда уларда олтин ҳам, кумуш ҳам йўқ эди»<sup>1</sup>.

Қадимги одамлар ўзларини табиатнинг бир қисми деб ҳисоблаганлар. Фақат табиат билан уйғунликда яшай олишларига ишонганлар. Табиат уларни иссиқ ва совуқлардан асраган, ташналик ва очликдан қутқарган, турли-туман эҳтиёжларини қондирган. Инсонлар тасаввурича, барча нарсалар мавжуд бўлишга шунинг учун ҳам ҳақлики, чунки улар азалдан мавжуд бўлиб келмоқда.

Ўзлаштирувчи иқтисодиёт (овчилик, балиқчилик, териб-термачлаш) жамиятида аёллар етакчи мавқени эгаллаганлар. Аёллар озиқ-овқатларни сақлаш, овқат тайёрлаш, оилани зарур ёқилғи билан таъминлаш, бола тарбияси каби ишлар билан шуғулланганлар. Эркаклар меҳнат қуроллари тайёрлашган, овчилик ҳамда оиланинг ҳимояси билан шуғулланганлар. Турмушда экзогамия қарор топган, яъни яқин қариндош-уруғлар ўртасида никоҳ тақиқланган.

Ишлаб чиқарувчи иқтисодиёт (деҳқончилик, чорвачилик, металлни қайташ ишлаш, сопол буюмлар ишлаб чиқариш) даврида меҳнат қуролларининг такомиллашиб бориши, ўқ-ёйнинг кашф этилиши натижасида жамиятда йирик меҳнат тақсимооти юз берган. Овчиликдан деҳқончилик, сўнгра хунармандчилик ажралиб чиққан.

Қадимги жамоанинг тузилиши. Қадимги жамоат тузумининг асосий негизи бир қанча оилаларни бирлаштирган уруғ жамоаси ҳисобланиб, улар уюшган тарзда ўзаро ҳамжиҳатликда хўжалик фаолияти билан шуғулланганлар. Уруғ жамоаси кишиларнинг қон-қариндошлик ало-

<sup>1</sup> Афлотун. Қонулар. Тошкент. «Янги аср авлоди», 2002. 75—76-бетлар.

қаларига асосланган. Уруғларнинг ривожланиб кенгайиши натижасида, ўзида бир неча уруғларни бирлаштирувчи қабилалар, сўнгра эса қабилалар иттифоқи вужудга келган. Жумладан, Ўзбекистон худудида илк давлатчилик куртак отаётган даврда 20 дан ортиқ қабилалар иттифоқи мавжуд бўлганлиги тарихдан маълум.

Уруғчилик жамоа тузумида унинг барча аъзолари тенг ҳуқуқли бўлиб, уруғ, қабиланинг энг муҳим масалалари уруғ аъзоларининг умумий йиғинида муҳокама этилган ва ҳал қилинган. Уруғнинг ҳар бир вояга етган аъзоси ҳар қандай ишни кўриб чиқиш ва ҳал этишда иштирок этиши мумкин бўлган.

Ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, ҳудудни муҳофаза этиш, ишлаб чиқариш, суғориш ва деҳқончилик ишларини самарали ташкил этиш, жамоанинг ички ва ташқи алоқаларини олиб бориш, диний урф-одатларни амалга ошириш, жамоа аъзолари ўртасида вужудга келувчи низоли масалаларни ҳал этиш, умуман уруғни бошқариш каби муҳим вазифаларни бажариш жамоа аъзолари орасидан сайлаб қўйиладиган оқсоқолларга юклатилган.

Уруғ оқсоқолини сайлаш, унинг вазифалари, унга қўйиладиган талаблар вақт ўтиши билан ўзгариб борган. Агарда уруғнинг илк шаклланиш даврида уруғ оқсоқоли этиб энг кучли ва довюррак шахс сайланган бўлса, кейинчалик инсонларда вужудга келган адолат, эзгулик, яхшилик туйғулари остида, уруғ оқсоқоли сифатида энг ақлли, адолатпарвар, тажрибали киши сайланадиган бўлган.

Оқсоқолни сайлаш, олдингисини вазифасидан олишда уруғ аъзолари орасида зиддиятлар келиб чиқмаган. Сабаби, *биринчидан*, ҳеч бир шахс ўзини уруғдан ташқарида турмуш кечиришини тасаввур қилмаган; *иккинчидан*, оқсоқол лавозими ҳеч қандай имтиёз бермаган. Оқсоқол оддий аъзолар каби меҳнат қилиши, шунинг учун улуш олиши лозим бўлган<sup>1</sup>. Оқсоқол ҳокимияти фақат унинг жисмоний кучи, довюраклиги (дастлабки даврларда), тажрибаси ва ақл-заковатига (кейинги даврларда) таянган.

<sup>1</sup> Общая теория права и государства: Учебник/ Под ред. В.В.Лазарева. 2-е изд., перераб. и доп. — М.: Юрист, 1996. С. 53.

Жамоа уюшмаларининг йириклашувчи табиат инжиқликларини енгишда, меҳнатнинг янада такомиллашган шаклларини қўллашда, қўшни қабилалар тазйиқидан ҳимояланиш ҳамда уларга ҳужум қилишда янги имкониятларни вужудга келтирди. Қабилалар иттифоқи вужудга келиши меҳнатнинг янги усул ва қуролларини ўзлаштиришни тезлаштирди.

Қабилалар тегишли уруғ оқсоқолларидан иборат бўлган оқсоқоллар кенгаши томонидан бошқарилган. Кенгаш қабила бошлиғини сайлов асосида сайлаган. Қабила бошлиғи лавозими ҳам доимий бўлмадан, муайян муддат билан белгиланган. Қабилалар иттифоқи қабила бошлиқлари кенгаши томонидан бошқарилган. Улар ўз ораларидан бир ёки икки нафар иттифоқ бошлиғини сайлаганлар.

Ўзбекистон ҳудудида ҳам шундай йирик уюшмаларнинг вужудга келганлигини, бундан 5—6 минг йил олдин Хоразм воҳасида ўша давр учун ўта йирик бўлган сунъий суғориш каналларининг қурилганлиги исботлайди.

**Ижтимоий нормалар.** Кишилиқ жамияти шаклланишининг илк даврларидан бошлаб, унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи хулқ-атвор қоидаларига эҳтиёж сезилган. Бундай хулқ-атвор қоидалари ўтмиш аجدодлардан мерос сифатида олиниб, аста-секинлик билан жамоа аъзоларининг турмуш тарзи — ишлаб чиқариш ва тақсимот, оилавий, қариндош-уруғчилик низоларини ҳал қилиш ва шу каби бошқа ижтимоий алоқаларни тартибга солиб турувчи нормалар тизимига айланиб борган. Авлоддан-авлодга ўтиб келадиган урф-одатлар вужудга келиб, улар асосан жамият аъзолари томонидан ихтиёрий тарзда бажарилган. Ушбу нормаларнинг амалга оширилиши бутун жамоа саъй-ҳаракати, шу жумладан, таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш орқали таъминланган.

Кўпчилик адабиётларда аввал табу — тақиқловчи нормалар тизими, ундан сўнг эса жамоа аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи нормалар вужудга келганлиги тўғрисида сўз боради. Жамият тараққиёти, ижтимоий турмуш тарзининг мураккаблашуви ўз навбатида янгидан-янги одат нормаларининг пайдо бўлиши, улар миқдорининг кескин ошиб кетишига сабаб бўлган.

### 3-§. Давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши тўғрисидаги назарияларнинг турли-туманлиги

Давлат ва ҳуқуқ ҳодисалари мураккаб, узоқ тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнини тушунтирувчи турли-туман назариялар мавжуд. Давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларининг вужудга келиши ва тараққиётини турли тарзда талқин этилиши, қуйидагилар билан белгиланади: *биринчидан*, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши жараёнининг ўзи мураккаб ва серқирралиги; *иккинчидан*, тадқиқотчиларнинг тафаккури, эътиқоди, манфаатлари ва бошқа субъектив омиллар билан боғлиқлиги; *учинчидан*, у ёки бу нуқтаи назарга таянган ҳолда давлат ва ҳуқуқнинг дастлабки вужудга келиши тўғрисидаги масалани бузиб кўрсатишларнинг мавжудлиги; *тўртинчидан*, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келишидан кейин ўтган вақтнинг узоқлиги, фактик материалларнинг сақланиб қолмаганлиги<sup>1</sup>.

Давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши жараёнини ўрганиш фақат назарий аҳамиятга эга бўлмасдан, шу билан бирга сиёсий-амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Бу давлат ва ҳуқуқнинг ижтимоий табиатини, моҳиятини, уларнинг хусусиятлари ва белгиларини чуқурроқ тушунишга хизмат қилади. Уларга хос бўлган барча функцияларни аниқ белгилаб олишга, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада аниқлаб олишга ёрдам беради.

Қадимда вужудга келган давлатларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда такрорланмас жараёни босиб ўтган. Шундай бўлишига қарамасдан, олимлар давлатларнинг вужудга келишида кўп такрорланадиган жиҳатларни умумлаштириш асосида турли таълимотларни илгари сурганлар. Энг кўп субъектив фикр, айнан давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиш жараёнини талқин этишда йўл қўйилади. Рус олими Г.Ф.Шершеневич, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келишини тушунтирувчи кўплаб таълимотлар мавжудлигининг сабабини тушунтиради. Унинг фикрича,

<sup>1</sup> Общая теория государства и права. Академический курс в 2-х томах. Отв. ред. проф. М.Н.Марченко. Том 1. Теория государства. — М.: Издательство «Зерцало», 2000. 30-стр.

алоҳида олимлар учун, давлат ҳақиқатда қандай пайдо бўлганлигининг аҳамияти йўқ, аксинча, олдиндан келиб қўйилган фикрни асослаш учун лозим бўлган давлатнинг вужудга келиш йўлини қандай топиш мумкинлиги муҳимдир.

Таниқли давлатшунос Л.Гумплович ушбу ҳолатга эътибор қаратиб, қуйидагиларни таъкидлайди: агарда давлат тушунчаси, одатда сиёсий тенденцияларни ифодалаш, сиёсий дастурларни тасвирлаш ва сиёсий мақсадга эришиш учун байроқ сифатида хизмат қилган бўлса, давлатнинг вужудга келиши тўғрисидаги тарихий масалада ҳам худди шундай бузилишларга йўл қўйилган. Кўп ҳолларда «олий ғоя»лар йўлида у бузилган ҳолда талқин этилган. Давлатнинг вужудга келиши тўғрисидаги соф масала муайян ғоя устида қурилди, маълум эҳтиёжлардан келиб чиқиб изоҳланди, бошқача қилиб айтганда, муайян амалий ва ахлоқий мотивлардан келиб чиқиб тушунтирилди. Уларнинг талқинича, ахлоқ ва инсон қадр-қимматини сақлаб туриш учун давлатнинг ҳақиқий, табиий келиб чиқишини яшириш, бунинг ўрнига кўплар учун мақбул бўлган бирор-бир қонуний ва инсонпарвар таълимотни тақдим этиш лозимдир.

Ҳуқуқшунослик адабиётларида давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши жараёнининг ўзи турли-туман эканлиги таъкидланади. Бунда бир томондан, давлат ва ҳуқуқнинг жамият ҳаётида илк пайдо бўлиш жараёнини фарқлаш талаб қилинади. Бу — жамиятда ҳукм сурган давлат ва ҳуқуққача бўлган ҳодиса, институт ва муассасаларнинг емирилиши асосида давлат ва ҳуқуқ ҳодисалари, институтлари ва муассасаларининг шаклланиш жараёнини ажратиш лозим.

Иккинчи томондан, олдин амал қилган лекин қандайдир сабабларга кўра ижтимоий-сиёсий саҳнадан кетган давлат-ҳуқуқ ҳодисалари, институтлари ва муассасалари негизида янги давлат-ҳуқуқий ҳодисалари, институтлари ва муассасаларининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнини фарқлаш керак<sup>1</sup>.

Ҳуқуқшунослик адабиётларида Қадимги Греция, Миср, Рим ва

---

<sup>1</sup> Общая теория государства и права. Академический курс в 2-х томах. Отв. ред. проф. М.Н. Марченко. Том 1. Теория государства. — М.: Издательство «Зерцало», 2000. С. 30.



бошқа давлатларда илк давлат-ҳуқуқий тизимлари жамиятнинг қулларга ва қулдорларга бўлиниши негизида вужудга келганлиги, Ўрта Осиё ва Россияда эса том маънода қулдорчилик тузуми мавжуд бўлмаганлиги, уларда умумий ер эгалигига асосланган давлат ва ҳуқуқ шаклланиши эътироф этилади.

Давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши кўп жиҳатдан инсонларнинг турмуш тарзи, дунёқараши ва эҳтиёжлари тизимининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатган табиий шарт-шароитлар, иқлим, тупроқ, сув, ҳудуднинг сув ҳавзаларига яқин ёки узоқлигига боғлиқ бўлган. Шу билан бирга ҳар бир авлод ўтмиш аجدодлардан бой мерос олиш билан бирга, келажак авлодларга муайян сабоқ қолдиради. Шу орқали келажак ижтимоий ҳаётнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

**1. Диний назария.** Диний (теологик) назария (юнонча *theos* — худо, *logos* — тушунча, таълимот, худо тўғрисидаги таълимотни англатади. Диний таълимотлар давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши тўғрисидаги илк таълимотлардир. Давлатчилик ва ҳуқуқ шаклланиши билан, уни диний, илоҳий тарзда тушуниш юзага келган.

Аврелий Августин (354—430), ал-Маварди (974—1058), Ибн Рушд (1126—1198), Фома Аквинский (1225—1274), Ибн Халдун (1332—1406) каби мутафаккирлар ҳамда яҳудийлик, христианлик ва ислом дини вакиллари томонидан давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши диний асосда тушунтирилади.

Қадимги афсоналарда давлат ва ҳуқуқнинг илоҳий тарзда келиб чиқиши таъкидланади. Қадимги Миср манбаларига кўра, азалдан ҳокимият одамлар орасида яшаган худоларга тегишли ҳисобланган. Уларнинг орасида биттаси энг қудратли бўлган. Вақт ўтиши билан ҳокимият инсонлар қўлига ўтган.

Қадимги Бобил ва Ҳинд муқаддас китобларида ҳукмдор ҳокимиятининг манбаи худолар ҳисобланиб, улар ердаги ишлар ва инсон тақдирини ҳал этганлар.

Яҳудийлик диний таълимоти бошқа жаҳон динлари каби ягона худоликни тарғиб қилади. Унга кўра, худо бутун яҳудий халқи билан алоҳида келишув муносабатида бўлади. Худо яҳудий миллатининг бош-

лиғи ва ҳукмдори ҳисобланади. Яҳудий халқи қонунлари Мусо пайғамбар алайҳиссалом томонидан тўғридан-тўғри худодан олинган. Одатий шароитларда ҳокимият худо номидан инсонлар томонидан амалга оширилади. Фавқуллода ҳолатларда эса худонинг ўзи ваҳий ва кароматлар кўрсатиш билан одамларни бошқаради.

Эрамининг бошларида вужудга келган христианлик дини ва таълимотида жамият, давлат ва ҳуқуқ тўғрисида қимматли фикрлар мавжуд. Христианлик таълимотига кўра, худо дунёнинг яратувчисидир. Инсон худо томонидан «ўзига ўхшаш тарзда» яратилган, шунинг учун ҳам у барча мавжудотларнинг гултожи ҳисобланади. Инсоннинг ақл-идрок, иродага эгаллиги ва абадий яшашида «худога ўхшашлик» намоён бўлади.

Христианлик таълимотида ҳокимиятнинг илоҳий характерга эгаллиги таъкидланади. Мавжуд ҳокимиятга қарши чиқиш эса, худога қарши чиқишдир.

II асрда апостол Павел ўзининг «Римликларга мурожаат» асарида илоҳий ҳокимиятни асослайди. Унинг фикрича, ҳар қандай руҳ Олий ҳокимиятга бўйсунди; чунки худо томонидан берилмаган ҳокимият мавжуд эмас, мавжуд ҳокимиятлар эса худо томонидан ўрнатилган. Шунинг учун ҳокимиятга қарши чиққанлар Худонинг ўрнатмасига қарши чиқибди, қаршилиқ кўрсатадиганлар эса ўзини жазога маҳкум этибди. Ҳукмдор худонинг хизматкоридир. Шунинг учун жазодан қўрқиб эмас, балки виждонан ҳокимиятга бўйсундиш лозим.

Ислом сиёсий-ҳуқуқий ғояларига кўра, бутун борлиқ ва инсоннинг вужудга келиши Оллоҳ номи билан боғлиқ. Олий ҳокимият эгаси Оллоҳ эканлиги ҳам сунний ва ҳам шиалик мазҳабида яқдиллик билан тан олинган.

Инсонлар орасида ҳокимият кимга топширилиши тўғрисида мазҳаблар турлича ёндашадилар. Суннийлик мазҳабида кўра, ислом давлатида ҳокимият жамоага берилган. Ерда Оллоҳ номидан олий ҳокимият жамоа томонидан амалга оширилади ва у Оллоҳнинг Олий суверенитети ифодаси сифатида тўлиқ ҳокимият эгасидир. Жамоанинг суверен ҳуқуқлари ҳукмдорни сайлаб қўйишида намоён бўлади ва ҳукмдор жамоа номидан ҳокимиятни амалга оширади. Шиалик мазҳаби таъли-

мотида эса, суверенитет фақат Оллоҳга тегишли эканлиги ва унинг номидан имом яккабошчилик асосида давлат ҳокимиятини амалга ошириши ҳамда жамоа иродаси билан ҳеч қандай боғлиқ эмаслиги таъкидланади. Имом мутлақ, илоҳий ҳокимиятга эга бўлиб, у жамоадан устун туради. Унинг шахси муқаддас ҳисобланади.

Шундай қилиб, давлатнинг вужудга келиши тўғрисидаги диний назария илк давлатчилик шаклланиши билан юзага келиб, ҳозирга қадар мавжуд бўлиб келмоқда. Диний назария ғоялари ҳокимиятни мустақкамлаш, мамлакатда барқарорликни таъминлаш, инсон эрки ва шаънини муҳофаза этишга йўналтирилган.

**2. Табиий ҳуқуқ назарияси.** Илмий адабиётда жуда кенг тарқалган табиий ҳуқуқ назарияси қадим замонларда вужудга келган назариялардан бири ҳисобланади. Табиий ҳуқуқ назариясининг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиши Қадимги Юнон, Рим ва Хитой мутафаккирлари фаолияти ва ижоди билан боғлиқ.

Мазкур назариянинг алоҳида қоидалари милоддан аввалги V—IV асрларда Қадимги Юнонистонда фаолият юритган софистлар томонидан ривожлантирилган. Софистларнинг фикрича, инсонлар пайдо бўлишлари билан ҳеч қандай қоидага риоя қилмасдан яшаганлар, аммо кейинчалик ўзларининг хавфсизликларини таъминлаш, ўзаро бирлашиб яшаш учун турли хил қоидаларни ишлаб чиқишга мажбур бўлганлар.

Қадимги юнон файласуфлари Сукрот, Афлотун ва Арастуларнинг нуқтаи назарига кўра ҳамма қонунлар ҳам инсонлар томонидан қатъий равишда яратилган эмас. Инсонлар томонидан яратилган қонунлардан ташқари «инсонлар қалбида жойлашган илоҳий қонунлар ҳам мавжуд». Бошқача қилиб айтганда, инсон иродасига боғлиқ равишда яратилган қонунлар, яъни давлат томонидан чиқарилган қонунлардан ташқари, инсон хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган қонунлар ҳам мавжуд бўлиб, улар табиий ҳуқуқдан иборатдир. Бу қонунлар асосида боқий, ажралмас илоҳий тартиб ҳукмрон бўлиб, улар нафақат инсонлар ўртасидаги муносабатларни, балки «бутун дунёни яратилишини тартибга солади».

Арастунинг фикрича, давлат табиатдан мавжуд бўлади ва табиатан ҳар бир инсонга нисбатан бирламчидир. Табиат барча инсонларга дав-

лат уюшмасига интилиш иштиёқини жойлаган. Биринчи бўлиб, ким ушбу уюшмани ташкил этган бўлса, у инсонларга мислсиз хизмат кўрсатган<sup>1</sup>.

Давлат табиий тараққиёт маҳсули бўлиб. Шу жиҳатдан у оила ва қишлоқ каби одамларнинг бирламчи уюшмасига ўхшашдир. Аёл ва эркакнинг ўзларидан насл қолдириш учун бирлашиши оилани вужудга келтиради. Оилаларнинг кўпайиши қишлоқларни ва қишлоқларнинг катталашиб кетиши давлатни вужудга келтиради. Қадимги Юнон файласуфи Эпикур (эр.ав. 341—270) табиий ҳуқуқ назариясини ёқлаб чиқади. Унинг фикрича, табиат худонинг аралашувисиз, ўз қонунларига биноан ривожланади. Адолат, табиатан бўлиб, — бу фойда тўғрисида, бир-бирига зарар етказмаслик ва зарар кўрмаслик мақсадида тузилган шартномадир.

Қадимги юнон тарихчиси Полибий (эр.ав. 210—123) давлатчиликнинг вужудга келиши ва давлат шакллариининг алмашувини, табиат қонунлари бўйича амалга ошадиган табиий жараён сифатида тавсифлайди. Кишилиқ ҳамжамиятининг вужудга келишини барча тирик мавжудотларга хос бўлган табиий заифлик ҳам ҳайвонларни ва ҳам инсонларни ягона тўдага уюшишга олиб келади.

Қадимги рим ҳуқуқшунослари ва файласуфлари асарларида табиий ҳуқуқий таълимотлар ўз аксини топган. Рим ҳуқуқшуносларининг фикрича, рим ҳуқуқи *ius civil* (фақат рим фуқаролари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи, қадимий рим ҳуқуқи), *ius gentum* (рим фуқаролари билан бошқа халқларнинг ўртасидаги мулкый муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ) ва *ius natural* — табиий ҳуқуқдан иборатдир. Қадимги юнонлар каби римликлар ҳам ҳуқуқни ижобий ҳуқуқ, табиий ҳуқуқ, илоҳий ҳуқуққа бўладилар.

Рим ҳуқуқи ривожланишининг барча босқичларида рим ҳуқуқшуносларининг фикрича, табиий ҳуқуқ моҳияти ва унинг барча халқлар учун умумий бўлган муносабатларида фарқ мавжуд бўлган. Баъзи рим ҳуқуқшунослари уларни бир-биридан ажратишган. Баъзилари уларни тенг кўришган. Аммо деярли барча рим ҳуқуқшунослари қадимги юнон

<sup>1</sup> *Аристотель*. Сочинения в четырех томах. Том 4. — М.: Издательство «Мысль», 1983. С. 379.

ҳуқуқшунослари ва файласуфларидан фарқли равишда, ўз диққат эътиборларини бир қатор ҳолатларда ижобий ҳуқуқ табиий ҳуқуққа зид келишига қаратганлар. Табиий ҳуқуқ билан ижобий ҳуқуқ ўртасидаги зиддиятлардан бири шуки, табиий ҳуқуқда барча кишилар ҳуқуқда тенгдирлар, улар ўртасида синфий ва бошқа ижтимоий белгиларига кўра фарқ бўлиши керак эмас деган ғоя ётса, ижобий ҳуқуқ эса айнан ўша фарқлар асосида шаклланади.

Стоицизмнинг асосчиси бўлган Зенон (э.р.ав. 336—264) таълимотига кўра, табиий ҳуқуқ илоҳийдир ҳамда ҳақиқатни буюрувчи ва ноҳақни тақиқловчи кучга эгадир. Стоиклар фуқаролик ҳамжамияти асосида инсонларни бир-бирига нисбатан табиий интилиши, уларнинг ўзаро табиий алоқалари ётишини таъкидлайдилар. Шунга кўра, давлат сунъий, шартли, шартнома асосида вужудга келган уюшма бўлмасдан, балки табиий бирлашмадир.

Рим стоикларининг илоҳий ва инсонлар дунёсининг ягоналиги ғоясидан келиб чиқиб, рим файласуфи, давлат арбоби Сенека, инсонларни ўзаро қон-қариндошлигини, ягона тананинг қисмлари деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, табиат барча одамларни бир хил моддадан бир хил мақсад учун яратган. Олий саодат инсон танасига жойлаштирилган илоҳий руҳ бўлган онг ҳисобланади. Онглилик инсонни худога монанд қилади. Табиат инсонга онгдан ташқари, инсон уруғининг ягоналиги асосида ётувчи ҳамжамиятга уюшиш лаёқатини ҳам берган. Онг ва ўзаро мулоқот туфайли инсонлар яшаш учун курашда ҳайвонлардан устун келдилар, табиат ҳодисаларини бўйсундирдилар ва яқин ҳамжамият бўлиб яшай бошладилар.

Коинот, Сенеканинг фикрича, ўзининг табиий ҳуқуқи билан табиий давлатдир, уни тан олиш зарурий ва онгли иш. Табиат қонуни бўйича ушбу давлатнинг аъзолари бўлиб, уни тан олиши ёки олмаслигидан қатъи назар, барча инсонлар ҳисобланади. Алоҳида давлат тузилмалари эса, улар тасодифий ёки бутун инсоният учун эмас, фақат чекланган доирадаги инсонлар учун аҳамиятга эга.

Давлатнинг вужудга келиши сабабини, рим ҳуқуқшуноси М.Т.Цицерон, фақат инсонларнинг заифлигида эмас, балки уларнинг бирликда яшашга бўлган иштиёқидан деб билади. Цицерон Арасту таъли-

моти асосида, давлатнинг пайдо бўлишида оиланинг аҳамиятини ҳам уқтиради.

Давлат ва ҳуқуқ ўзининг табиати ва моҳиятига кўра илоҳий характерга эга ва умумий онг ҳамда адолатга асосланади. Бутун табиатни ўрганиш, дунёни онг бошқаришини англашга олиб келади. Инсонларда табиатан онг ва адолат мужассамланган бўлиб, шу туфайли улар илоҳий асосларни эгаллашлари, тартибга солинган инсонлар уюшмаси, эзгулик, давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши мумкиндир.

Табиий ҳуқуқ назарияси ўрта асрларда бир қатор ўзгаришларни бошидан кечирган. Инсон табиатининг умрбоқийлиги ва ўзгармаслиги ҳақидаги таълимот ўзгармаган ҳолда, энди табиий ҳуқуқнинг келиб чиқиши табиат билан боғланмасдан, илоҳий кучларга боғлаб қўйилди.

Голландияда Гуго Гроций ва Спиноза, Англияда Томас Гоббс ва Жон Локк, Францияда Жан Жак Руссо, Польшада Гольбах, Россияда Александр Радишев ва бошқалар табиий ҳуқуқ назариясининг ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Табиий ҳуқуқ мактабининг асосчиларидан бири Гуго Гроцийнинг фикрича, инсон табиати табиий ҳуқуқнинг онаси ҳисобланади. Табиий ҳуқуқ, бу инсонларга аллақачон тегишли бўлган нарсаларни бериш ва уларга нисбатан юклатилган мажбуриятларни бажариш демакдир. Ҳақиқат (адолат) табиий ҳуқуқ нормаларига мувофиқликдир. Табиий ҳуқуқ ҳеч кимнинг иродаси маҳсули бўлмаганлиги учун ҳам, ҳеч кимга боғлиқ эмас.

Франциядаги революцион ҳаракатнинг назарий асосини яратган ва уни ғоявий асослаб берган. Жан Жак Руссо (1712—1778) табиий ҳуқуқ ҳақидаги таълимотни мантиқий ниҳоясига етказди. Жан Жак Руссо табиий ҳуқуқ назариясини атроф-муҳитдаги воқелик билан солиштириб, ўша даврдаги тузумни қаттиқ қоралади.

Инсон ўз табиатига кўра, — деб ёзади Руссо озод ва эркин бўлиб туғилади, аммо биз ҳозирда уларнинг ҳуқуқларини бир жойда кишанланганини кўрамиз. Табиатан барча кишилар бир-бирлари билан ўзаро қон-қариндошдирлар, аммо ҳамма жойда биз турли қатламлар, гуруҳлар ва синфлар ўртасидаги бундай фарқнинг сабаби, Руссонинг фикрича бойлик учун олиб борилаётган курашдир. Инсонлар бошига ту-

шаётган бундай кулфатларнинг асосий сабаби хусусий мулкка эгалик қилиш ва тенгсизликдир. Табиий ҳуқуққа қарши Англияда И. Бентам мактаби вужудга келиб унинг асосида инсон хатти-ҳаракати ётади, деган фикр илгари сурилган. Бунда барча табиий ва ижтимоий воқеа маълум бир мақсадга эришиш нуқтаи назаридан асослаб берилди.

Шундай қилиб, табиий ҳуқуқ, ҳар қандай ҳуқуқнинг, шунингдек, ҳуқуқий тартибнинг, ижобий ҳуқуқнинг, ахлоқий ҳуқуқнинг, сиёсий ҳуқуқнинг ва шу каби ҳуқуқнинг бошқа шакллариининг бошланғич асосидир.

**3. Патриархал назария.** Давлатнинг вужудга келиши тўғрисидаги назариялардан бири — патриархал назария ҳисобланади. Патриархал назариянинг вужудга келиши Конфуций (эр.ав. VI—V асрлар), Арасту (эр.ав. 384—322 й.й.), Фильмер (XVII аср) номлари билан боғлиқ. Патриархал назарияга кўра, давлат табиий тараққиёт маҳсулидир. Қадимги афсоналарда уруғ ва қабиланинг ҳокимияти аждодлар ҳокимиятидан келиб чиқиши асосланган.

Конфуций қадимги Хитой анаъналари асосида императорни «Осмон ўғли», Осмон иродасини амалга оширувчи деб билиб, императорни оила бошлиғига, давлатни эса катта оилага ўхшатади. Ҳукмдор ҳокимияти отанинг оиладаги ҳокимияти кабидир. Давлатни бошқариш оилани бошқариш каби яхшилик, эзгулик қоидаларига асосланади. Бунда катталар кичикларни иззат қилиши, кичиклар эса катталарга ҳурмат билан муносабатда бўлиши лозим. Давлатда ҳокимият (император ота бошчилигидаги «катталар» ва «кичиклар» (тобелар) ўртасида бундай оилавий муносабатларни ўрнатиш учун оилада ҳам яхши тартиб амал қилиши лозим.

Арасту давлатнинг вужудга келишига сабаб эркак ва аёлнинг бири-бирига бўлган табиий иштиёқи, ўзидан насл қолдиришга бўлган эҳтиёжи деб билади. Унинг фикрича, эркак ва аёл шу эҳтиёж туфайли бирлашиб оила қуради. Оилалар кенгайиб қишлоқларни ташкил этади ва қишлоқларнинг йиғиндиси эса давлатнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Р.Фильмер эса ўзининг «Патриархия, ёки Қиролнинг табиий ҳокимияти» асарида давлатнинг вужудга келишини асослайди. Унга кўра, ҳукмдорлар ўз ҳокимиятини Одам Атонинг ўзидан олади. Давлат эркин

ва тенг фуқаролар томонидан тузиладиган шартнома орқали вужудга келмайди. Ҳукмдор фуқаролар томонидан тайинланмайди, сайланмайди ва тахтдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Чунки фуқароларнинг барчаси ҳукмдор-отанинг фарзандларидир.

Фильмер Одам Атонинг илоҳий тарзда яратилганлиги тўғрисидаги диний таълимотларга таяниб, Одам Ато инсониятнинг биринчи отаси ва ҳукмдори, шунинг учун худо томонидан яратилган биринчи бошқарув шакли монархия эканлигини таъкидлайди. Қолган барча ҳукмдорлар Одам Атонинг меросхўрлари, унинг оталик ва ҳукмдорлик ҳоқимияти ворисларидир.

**4. Шартнома назарияси.** Шартнома назариясининг алоҳида элементлари олтин давр файласуфлари томонидан илгари сурилган бўлсада, аммо у ўзининг ҳозирги кўринишини шартнома назарияси сифатидаги ўрнини XVII—XVIII асрларда эгаллади.

Шартнома назариясининг энг кўзга кўринган вакиллари Т. Мор (1478—1535), Г. Гроций (1583—1645), Т. Гоббс (1588—1679), Д. Локк (1632—1704), Ш. Монтескье (1689—1755), Ж. Руссо (1712—1778), И. Кант (1724—1804) ва бошқа қомусий олимлар бўлиб ҳисобланади.

Шартнома назарияси табиий ҳуқуқ назарияси билан бирга юзага келди ва мазкур назария негизида ривожланди. Шартнома назариясида асосий эътибор давлат ва давлатнинг вужудга келиши масалаларига қаратилади. Шартнома назарияси тарафдорлари ўз асарларида давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, сиёсий ҳоқимият ва инсон сиёсий эркинлигининг нисбати, оммавий ҳоқимиятни амалга оширишда инсон иродасининг дахлсизлиги масаласини ёритганлар.

Қадимги Хитой мутафаккири Мо-Цзи (э.р.ав. 479—400) инсонларнинг табиатдан тенглиги ғоясини илгари суради. У биринчилардан бўлиб, давлатнинг вужудга келиши шартнома назариясини илгари суради. Мо-Цзи таълимотининг ўзагини олий ҳоқимиятнинг халққа тегишлиги ғояси ташкил этади.

Шартнома назариясининг асосий қоидалари ўрта асрларга келиб европа мутафаккирларининг таълимотларида ривожлантирилди. Инглиз мутафаккири Т.Морнинг фикрича, давлат халқ ва ҳукмдор ўртасида тузилган битим натижасидир.



Француз мутафаккири Ж.Ж.Руссо шартнома назариясининг барпо қилиниши ва ривожланиши учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. Ж.Ж.Руссо давлатнинг вужудга келишини, хусусий мулкни вужудга келиши билан боғлайди. Руссо ўзининг «Кишилар ўртасидаги тенгсизлик келиб чиқишининг асослари тўғрисидаги фан» асарида давлатнинг вужудга келишини инсонларни мулкка эгалик қилиши билан боғлайди. Руссо назариясига кўра давлат айёр, бой кишилар томонидан тузилган режа асосида, шартнома асосида уларнинг манфаатларини ҳамда уларнинг ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида яратилган.

Ж.Ж.Руссо фикрича, давлатгача бўлган даврда инсонлар дастлаб табиий ҳолатда яшаган. Табиий ҳолатдаги тенглик табиий қонундан келиб чиққан. Давлатнинг вужудга келишида ўзига хос шартнома назариясини ёқлаб чиқади. Ҳокимият, қонунчилик халқнинг ажралмас ҳуқуқидир. Халқ ҳокимиятни ҳукмдорга топшириши мумкин. Дастлабки шартномага кўра фақатгина умумий ирода — бутун халқ иродасигина алоҳида шахсларга бирор-бир бурч юклатиши мумкин. Ҳукмдорни халққа бўйсундирувчи ҳужжат — бу шартнома эмас, балки топшириқдир.

Жамият ҳар бир аъзоси бир-бирларига бўйсунуш билан бирга, яна ҳар бирининг эркинлиги ўз қўлида сақланадиган инсонлар уюшмаси шаклини вужудга келтириш, ижтимоий шартноманинг асосий вазифасидир. Шартноманинг асосий қоидалари шундай тузилиши керакки, унинг бирор-бир моддасини бузилиши умуман шартноманинг ўзини бузилмаслигига олиб келиши керак. Шунинг учун шартнома қоидалари ҳамма учун бирдай бўлиши ва ҳамма кишилар томонидан бирдай тан олиниши керак. Агар ижтимоий шартнома қоидалари бузилган тақдирда, унинг ҳар бир аъзоси ўзларини бошланғич табиий ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлишлари лозим.

Шартнома назариясининг бошқа тарафдорлари инсоннинг табиий ҳолатидан келиб чиқиб, кишилар бир-биридан мустақил равишда тенг ва эркин бўлиши керак дейдилар. Шартнома назариясини ривожлантирган Ж.Локк (1632—1704) фикрича, сиёсий ҳокимиятнинг ягона қонуний манбаи халқнинг розилиги, яъни ижтимоий шартномадир.

Давлат олдин табиий ҳолат бўлган. Табиий ҳолат эса, бир қадар тартибга солинган ва фаровон бўлган. Унда ҳаёт табиат қонунларидан келиб чиқиб бошқарилган. Бу табиат қонуни инсоннинг тафаккури бўлиб, инсон тафаккури кишиларга «ҳеч бир инсон бошқа бир инсоннинг ҳаёти, соғлиги, эркинлиги ва мулкига зиён етказмаслиги керак»<sup>1</sup>.

Немис мутафаккири И.Кантнинг фикрича, давлат ижтимоий шартнома асосида вужудга келган. Мазкур шартнома ахлоқий мукамал инсонлар ўртасида тузилган. Ижтимоий шартномага кўра, халқ, ҳар бир алоҳида олинган шахс, давлатни тузаётганида маълум бир вақтдагина ўзининг ташқи эркинлигидан воз кечади. Давлат вужудга келгунга қадар табиий ҳолатда яшаган инсонлар, қонуний кафолатлардан маҳрум бўлганлар. Ахлоқий бурч, табиий ҳуқуқни ҳурмат қилиши, кишиларни табиий ҳолатдан фуқаролик жамиятига ўтишга ундайди. Табиий ҳолатидан фуқаролик жамиятига ўтиш тасодифий ҳол бўлмай, кишиларнинг иродасига боғлиқ. У кишилар ўртасида тузиладиган шартнома асосида вужудга келади.

Ижтимоий шартнома орқали халқ ва ҳукмдор битим тузмасдан, балки халқ ўзига тегишли бўлган ҳокимиятни ҳукмдорга топшириши тўғрисидаги ёндашув ҳам мавжуд. Француз мутафаккири Ш.Л.Монтескье (1689—1755) фикрича, давлатнинг моҳияти ва келиб чиқишини ижтимоий шартнома ташкил этади. Давлат кишиларнинг онгли фаолияти маҳсулидир. Табиий қонунлар кишиларни ўзаро яқинлаштириб, дастлаб оилани, оилалар эса кенгайиб жамиятни вужудга келтиради. Ижтимоий шартнома халқ билан ҳукмдор ўртасидаги битим эмас, балки фақат халқнинг ўз ҳокимиятини ҳукмдорга топширишидир.

Шундай қилиб, давлатнинг вужудга келиши тўғрисидаги шартнома назарияси табиий ҳуқуқий назария негизида вужудга келиб, Ўрта асрларда шаклланиб келаётган янги табақа учун ҳукмдорнинг мутлақ ҳокимиятини чеклаш, инсоннинг ҳокимиятдан мустақил эркин ирода

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Локк. Дж.* Два трактата о правлении // История политических и правовых учений. Хрестоматия. М., 1996. С. 92.

эгаси эканлигини асослашга хизмат қилди. Ҳозирга даврда ҳам мазкур назария қоидаларидан ҳокимиятнинг бир шахс ёки бир гуруҳ шахс томонидан эгалланиб олинишига, ҳокимиятни суиистеъмол қилинишига, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини топталишига қарши курашда кенг фойдаланиш мумкин.

**5. Зўравонлик назарияси.** Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши тўғрисидаги Фарбда тарқалган назариялардан бири зўравонлик назариясидир. Мазкур назариянинг энг кўзга кўринган тарафдорлари бўлиб, немис файласуфи ва иқтисодчиси Е.Дюринг (1833—1921), Австрия жамиятшуноси ва давлатшуноси Л.Гумплович (1838—1909), К.Каутский (1854—1939) ва бошқалардир.

Зўравонлик назариясининг асосида давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқишининг бош сабаби — босқинчилик, зўравонлик ва бир қабилани иккинчи қабила томонидан зулмга дучор этиш, деган ғоя ётади. Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши тўғрисидаги зўравонлик назариясининг келиб чиқиши узоқ ўтмишга эга. Қадимги юнон файласуфлари, софистларнинг таълимотларида, давлат кучларнинг фаровонлигини кўзлаб яратилган ташкилот, ҳуқуқ эса жамиятдаги мавжуд бир аҳолини иккинчи бир аҳоли томонидан тутқинликда сақлаб туриш учун қурол сифатида вужудга келганлиги айтиб ўтилади.

Ўрта асрларда яшаб ижод этган Т.Гоббс томонидан давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши негизида зўрлик ётиши асослаб берилади. Давлатнинг келиб чиқиши ва сиёсий ҳокимиятнинг мавжуд бўлиши, табиатан ақлли мавжудот, лекин ўта шахсиятпараст бўлган инсоннинг хусусияти билан боғлиқ. Табиий иштиёқлар: шухрат ва ҳокимиятпарастлик, ўзаро ишончсизликка, душманликка, қасос олишга интилишга ва охир-оқибатда «ҳамманинг ҳаммага қарши уруши» олиб келади. Бу эса инсоннинг табиий ҳолати ҳисобланади. Давлатгача бўлган даврда уруғ тузуми эмас, балки фуқаролик уруши, турли курашлар амал қилган. Ушбу урушлар натижасида инсонлар ўзаро қирилиб кетиш хавфига дуч келдилар. Онг ва ўзини ўзи сақлаб қолиш инстинктига эга бўлган инсон, ўлим қўрқуви остида «ҳамманинг ҳаммага қарши уруши» ҳолатидан чиқиши зарурлигини англаб етди.

Урушлар натижасида нафақат маълум бир қабилалар иккинчи бир қабилаларни асоратга солади, шунинг билан биргаликда ғалаба қозонган қабила ер-мулкка, моддий манбаларга эга бўлади. Давлатгача бўлган даврда «ҳамманинг ҳаммага қарши уруши» ҳолати бўлганлигини немис мутафаккири Ф.Ницше (1844—1900) ҳам таъкидлайди. Унинг фикрича, тарих икки типдаги иродалар: кучсизларнинг кучлиларга қарши курашидан иборат. Кучсизлар кучлиларга қарши қўзғолон кўтаради, жамиятда тенгликни ўрнатишга интилади. Уруш инсонларни жамият ва давлатга бирлашишга мажбур қилади. Ҳуқуқ — уруш ва ғалабанинг натижасидир. Мағлуб хотини, болалари ва бутун мулки билан ғолибга тегишлидир. Уруш давлат учун заруриятдир. Жамиятга кул қанчалик зарур бўлса, уруш ҳам давлат учун шунчалик зарурдир. Уруш туфайли инсонлар табиий ҳолатга қайтади.

Урушлар фақат босқинчилик эмас, у давлатнинг вужудга келиши учун иқтисодий пойдевор эканлигини асослаган К.Каутскийнинг фикрича, ёввойи қабилалар уруш орқали ўзига қўшни бўлган ўтроқ қабилаларнинг ерларини босиб олади. Бундай босқинчилик, уларга жуда катта бойлик келтиради. Бундай ҳолатларда жангчи бўлиб хизмат қилиш жуда ҳам фойдали бўлиб, улардан кўп ҳаракатни талаб этмайди. Урушлар учун зарур бўлган қурол, овчилик учун зарур бўлган қурол билан тенг эди ва у мулкка эгалик қилиш учун муҳим восита эди.

К.Каутский 1931 йилда нашр эттирилган «Тарихни материалистик тушуниш» асарида мазкур назарияни асослайди. Унга қўра, давлат ва ҳуқуқ бир вақтнинг ўзида амал қилади. Ғолиб қабила мағлуб қабилани ўзига бўйсундиради, уларнинг ерларини ўзлаштиради ва мағлуб қабилани доимий равишда ғолиб учун ишлашга, уларга солиқ ва йиғим тўлашга мажбур қилади.

Зўравонлик назарияси асосий қондаларини шакллантириб, уни ривожлантирган олим Л.Гумплович бўлади. Европа ва Осиёда бир қатор давлатларнинг пайдо бўлишини таҳлил этиб, Л.Гумплович «бир синфнинг иккинчи синф томонидан бўйсундирилиши натижасида давлат вужудга келади, — деб хулоса чиқаради. Унинг фикрича, давлат зўрлик ёрдамида эмас, бошқача тарзда вужудга келганлигини

исботловчи бирорта ҳам мисолни тарих тақдим эта олмайди. Бундан ташқари, бу ҳар доим бир қабиланинг бошқа қабила устидан зўрлиги бўлиб, у кучли қабилалар томонидан кучсизроқ, ўтроқ аҳолини босиб олиш ва қул қилишда ифодаланади. Давлат ижтимоий шартнома, илоҳий куч, олий ғоя асосида эмас, балки зўравонлик натижасида вужудга келади.

Жамият ривожланиб борган сари қабила давлат, синф давлатга ўсиб ўтган. Синф — давлатнинг асоси бўлиб, мулк эгаларининг иқтисодий ҳукмронлиги бўлган. Л.Гумплович фикрича, қабилаларнинг синф ва табақаларга айланиш жараёни билан шунингдек, давлатнинг эволюцияси билан онгнинг ривожланиши жараёни амалга ошади. «Давлат шаклланиши билан қабилавий онгнинг маълум қисми йўқолиб бориб, қолган қисми қабилаларнинг синф ва табақаларга айланиб бориши орқали, синф ва табақа онгига айланиб боради».

Шундай қилиб, зўравонлик назарияси давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келишини фақат зўрлик, бир қабиланинг бошқа қабилани босиб олиши, унинг мулки, ерига эгалик қилиши, босиб олинган қабила аъзоларини қулларга айлантириши натижаси сифатида тушунтиради.

**6. Тарихий материалистик назария.** Давлатнинг вужудга келиши тўғрисидаги *тарихий материалистик назария* асосчилари К.Маркс (1818—1883), Ф.Энгельс (1820—1895) ва В.И.Ленин (1870—1924) ҳисобланади. Унга кўра, давлат ҳокимиятнинг муайян тараққиёт босқичида, бир-бирига қарама-қарши синфларнинг вужудга келиши, ҳукмрон синфларнинг эзилувчи синфлар устидан ўрнатилган ҳокимиятини сақлаб қолиш мақсадида мулк эгалари томонидан ўрнатилган.

Кишилик жамияти тараққиётида шундай даврлар бўлганки, унда давлат мавжуд бўлмаган. Инсонлар тенг равишда меҳнат билан шуғулланганлар, умумий мулкдан улуш олганлар. Меҳнат тақсимоти, ортиқча моддий неъматларнинг вужудга келиши, унинг алоҳида шахслар қўлида тўпланиши натижасида хусусий мулк ва шу асосда мулкдорлар синфи пайдо бўлди. Жамият икки қарама-қарши синфларга — бойлар камбағалларга бўлиниб, бойлар ўз ҳокимиятларини ўрнатиш, қуйи

синфни тутқинликда тутиб туриш мақсадида давлатни ташкил этадилар.

Кишилик жамияти тараққиёти — бу ижтимоий иқтисодий формациялар тараққиётидир. Давлат тарихий нуқтаи назардан қулдорлик давлати сифатида вужудга келади. Ундан кейин феодал, буржуа давлатлари алмашади. Ушбу давлатларнинг барчаси эксплуататорлик давлатлари бўлиб ҳисобланади. Пролетар инқилоби туфайли хусусий мулк, синфлар, давлат тугатилиб синфсиз, давлатсиз коммунистик жамият қурилади.

**7. Органик назария.** Давлатнинг вужудга келиши тўғрисидаги *органик назарияда* давлат тирик организмга қиёсланади. Органик назария тарафдорлари бўлиб, Афлотун, Т.Гоббс (1588—1679), Ж.Ж.Руссо (1712—1778) ва бошқалар ҳисобланади. Унга кўра, жамият ва давлат ўзаро боғлиқ бўлган организмлар йиғиндисиدير. Давлат ҳокимияти ва унинг органлари тирик мавжудотнинг органлари каби муайян бир вазифани бажариш учун яралган.

Органик назариянинг куртаклари Афлотун гоёларида мужассамланган. Афлотун инсон ва давлатнинг ўхшашлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, инсонда бош ва руҳ танани, руҳнинг ўзида эса онг ҳиссий туйғуларни бошқаради. Давлатда ҳокимиятни ташкил этиш ҳам шунга ўхшашдир. Инсон руҳининг уч асосига давлат ҳокимиятининг уч ўхшаш асоси — маслаҳат, муҳофаза ва тadbиркорлик, ушбу уч асосга эса уч табақа — ҳукмдорлар, аскарлар ва ишлаб чиқарувчилар мос келади.

Т.Гоббс давлатни инсон фаолияти маҳсули ва унинг ўзига ўхшаш бўлган «сиёсий тана» деб ҳисоблайди. У давлат ва инсон танасини ўзаро таққослайди. Унга кўра, олий ҳокимият сиёсий танага ҳаёт ва ҳаракат бағишлаб, унинг сунъий руҳини ташкил этади. Суд ва ижро органлари, мансабдор шахслар — бу сунъий бўғинлар, тақдирлаш ва жазолаш воситалари эса асаб толалари бўлиб, улар ёрдамида ҳар бир бўғин ва «сиёсий тана» аъзоси олий ҳокимиятга бирлаштирилади ва шу орқали мажбуриятларини бажаради. Жамиятнинг ҳар бир аъзосининг фаровонлиги ва бойлиги давлатнинг куч-қудратини, халқнинг хавфсизлигини таъминлаш — унинг машғулотини ташкил этади. Жа-

мият учун зарур бўлган хатти-ҳаракатни амалга оширишни уқтирувчи — ақлни, адолат ва қонунлар эса — сунъий онг ва иродани ташкил этади. Давлатнинг тинчлиги — соғлиқни, нотинчлик — касалликни ва фуқаролар уруши эса ўлимни англатади.

**8. Психологик назария.** Давлатнинг вужудга келишининг *психологик назарияси* тарафдорлари жамият, давлат ва ҳуқуқнинг асосини инсонларнинг руҳиятидан излайдилар. Психологик назария асосчилари бўлиб Т.Тарду, Ф.Гиддинг, Л.И.Петражицкий ҳисобланади. Т.Тардунинг фикрича, кишилик жамияти тараққиёти, иқтисодий, сиёсий, тарихий, маданий тараққиёт бирламчи омил ҳисобланган кашфиётлар ва аждодлар меросига тақлид билан белгиланади. Инсонларнинг ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётидаги ҳар қандай кашфиётлари моҳиятини ижтимоий қарама-қаршиликларни ҳал этиш воситаси ташкил этади.

Психологик назария тарафдорлари жамият ва давлатни инсонларнинг руҳий уюшмаси сифатида ҳам талқин этадилар. Унга кўра, ҳуқуқнинг негизи бўлиб индивидуал онг ҳисобланади. Давлат ҳокимияти бирор-бир кишининг иродаси эмас, балки фуқароларнинг давлатга боғлиқлиги тўғрисидаги руҳий тасаввурларидан келиб чиқувчи кучдир. Давлат мустақил мажбурлов ҳокимиятига эга бўлган ижтимоий уюшма каби, ҳуқуқни амалга ошириш воситаси сифатида вужудга келади.

Шундай қилиб, жамият кишиларнинг муайян алоқалар тизими билан ўзаро боғланган уюшмаси бўлиб, давлат ва ҳуқуқдан олдин вужудга келган. Давлат мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтган. Давлатнинг вужудга келиши, шаклланиши ва тараққиёти турли ёндашувлар асосида ёритилган. Бунда у ёки бу ёндашувни мутлақлаштирамай, уларнинг ҳам ижобий ва ҳам салбий томонларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

**Давлатнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги  
асосий назариялар**





### III Б О Б

## ДАВЛАТ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТАЪЛИМОТ

### 1-§. Давлат тушунчаси ва моҳияти

Давлат ва ҳуқуқ назариясида давлатнинг моҳияти масаласи марказий ўринни эгаллайди. Бинобарин, фаннинг бошқа барча муаммоларини ҳал этиш «давлат нима» деган саволга бериладиган жавобнинг маъносига боғлиқ. Давлат масаласи энг мураккаб, энг қийин муаммо бўлганлиги боис инсониятнинг ақлпешалари бу тўғрида хилма-хил ва серқирра фикрлар билдирганлар.

Давлатшунос олимлардан бири А. Паршин шундай деб ёзган эди: «Давлатнинг табиатини ва моҳиятини теран ва ҳар томонлама англамай туриб, давлатни оқилона ва малакали бошқариб бўлмайди»<sup>1</sup>. Фалсафа категорияларидан бири бўлмиш *моҳият* нарса, ҳодиса, буюм, жараёнларнинг ички, муҳим, асосий, зарурий, барқарор жиҳатларини, алоқаларини, ўзаро муносабатларини, қонуниятларини ифодаловчи белгиларининг йиғиндисидир. Давлатнинг моҳияти борасида изланганда, унинг муҳим белгиларини, барча жиҳатларини тавсифловчи хусусиятларини, фаолияти ва намоён бўлиш қонуниятларини очишга интиламиз. Давлатнинг моҳияти унинг ижтимоий ҳаётда бажарадиган вазифасини (ижтимоий муносабатларни бошқариш, уларни тартибга солиш) аниқлашни ҳам қамраб олади.

Давлат мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлганлиги боис, унинг моҳияти ва таърифи хусусида қадимдан турли-туман мулоҳазалар билдириб келинади. Жумладан, қадимги рим файласуфи ва сиёсий арбоби Марк Туллий Цицерон (м.а. 106—43) «давлат нима» деган саволга жавоб излаб, шундай деб ёзган: «Давлат — бу умумий ҳуқуқий тартиботдир; давлат — бу халқ иши, фаолияти, халққа муносиб ишдир». Аллома халқ деганда кишиларнинг ҳар қандай жамоасини эмас, балки кўпчилик аҳолининг ҳуқуқ масалаларидаги ўзаро келишуви ва манфаатлар умумийлиги асосидаги бирлашувини тушунган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Паршин А.* Что такое государство? Научное исследование природы государства. — СПб., 1907. С. 17.

<sup>2</sup> Қ а р а н г: *Цицерон М.Т.* О государстве // Мухаев Р.Т. Хрестоматия по теории государства и права, политологии, истории политических и правовых учений. — М., 2000. С.74.

Уйғониш даврининг буюк донишманди Н.Макиавелли давлат тим-солида жамиятнинг сиёсий ҳолатини кўрган. У ўзининг «Государь» номли асарида «инсонлар устидан ҳукмронлик қилган ва ҳукмронлик қилувчи барча давлатлар моҳиятан ё республика, ёки танҳо бошқарилувчи тузилмалар бўлган», — деб ёзган эди. Бу ўринда давлат ҳокимиятни амалга ошириш воситаси эканлигига урғу берилган.

Давлатнинг моҳиятини англашда «ҳокимият», аниқроғи «сиёсий ҳокимият» ҳодисаси алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, сиёсий ёки давлат ҳокимияти ижтимоий ҳокимиятнинг ягона тури эмас. Ҳокимият кишиларнинг муайян мақсад йўлида уюшган ва барқарор хусусиятга эга бўлган жамоасига хосдир.

Ҳокимият — кишилик жамияти пайдо бўлганидан буён мавжуд ва ҳозиргача ўзининг қудратли «жозиб» си билан инсонлар ақлини тортиб келаётган ниҳоятда мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Бугунги кунда аксарият олимлар эътироф этган нуқтаи назарга кўра, ҳокимият — муайян шахс (гуруҳ)нинг у ёки бу киши (гуруҳ) устидан бошқарувни амалга ошириш (ҳукмронлик қилиш), у ёки бу нарсанинг тақдирини ҳал этиш ҳуқуқ-имкониятидир. Ҳокимиятнинг муҳим сифати унинг кишилар ўртасидаги иродавий муносабат эканлигида ифодаланади. Ҳокимият бу шундай ижтимоий иродавий муносабатки, бунда ҳукмрон *ироданинг устулиги*, белгиловчи роли таъминланади<sup>1</sup>. Ҳокимият амалга ошган жойда муайян иродавий акт (муносабат) бор ва шунинг натижасида рўй берадиган *бошқарув* ва *бошқарилиш* мавжуд. Бошқарув эса ўзига нисбатан маълум бўйсуннишни, тобеликни талаб этади. Демак, ҳокимият бўйсунниш ва зарур бўлганда мажбурлаш элементлари орқали амалга оширилади. Маълум обрў (авторитет) ва бўйсуннишсиз бошқариш мумкин эмас.

Авторитет (ҳокимият ваколатлари туфайли эришиладиган мавқе) итоат этувчиларга ҳукмрон ироданинг ўтказилишидир. Иккинчи томондан, авторитет итоат этилишини назарда тутати<sup>2</sup>. Ҳукмронликка эришишда мажбурлаш, зўрлик ишлатиш, ишонтириш, рағбатланти-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Кейзеров Н.М. Власть и авторитет. — М., 1973. С. 38.

<sup>2</sup> Маркс К., Энгельс Ф. Соч. Т. 18. С.302.

риш, тарбия каби турли усул ва воситалардан фойдаланилади. Ҳокимиятнинг алоҳида ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган тури давлат ҳокимиятидир. Давлат ҳокимияти оммавий-сиёсий хусусиятга эга бўлиб, асосий ижтимоий вазифаси жамиятни уюштириш ва бошқаришдан иборат. У муайян ташкилий шаклларда намоён бўлади, махсус усуллар ва воситалар билан амалга оширилади.

Ҳозирги замон демократик жамиятларида давлат ҳокимияти ҳуқуқ воситасида, конституция тарзидаги қонунларда институционал кўринишда расмийлаштирилади.

Ҳокимият ҳар қандай ижтимоий бирликнинг фаолият кўрсатиш шарти (воситаси)дир. Бунда ҳокимият ушбу ҳамжамиятга мансуб шахсларнинг ундаги ягона раҳбарий иродага бўйсунуви муносабатлари тарзида намоён бўлади. Баён қилинган мулоҳазалар асосида ҳокимиятнинг қуйидаги таърифни таклиф этиш мумкин. **Ҳокимият** — ижтимоий ҳаётнинг тегишли даражаси ва табиатига мутаносиб бўлган ҳар қандай ижтимоий жамоанинг фаолият кўрсатиш усули (воситаси) бўлиб, у айрим шахслар ва улар бирлашмасининг ҳамжамиятдаги ягона раҳбарий иродага итоат этиши муносабатлари тарзида ифодаланади<sup>1</sup>.

Адабиётларда *сиёсий ҳокимият* билан *давлат ҳокимиятининг* бири-бирдан фарқ қилишини исботловчи фикрлар мавжуд. Ушбу баҳсга берилмаган ҳолда қуйидаги умумий таърифни баён этамиз. Демак, *сиёсий ёки давлат ҳокимияти* — ижтимоий ҳокимиятнинг шундай турики, бунда бошқарув бевосита давлат томонидан, ёки у ваколат берган субъектлар томонидан, унинг номидан, унинг топшириғига биноан ва унинг қўллаб-қувватлаши асосида амалга оширилади.

Оммавий-сиёсий ҳокимият (яъни, давлат ҳокимияти) — *биринчидан*, муайян ҳудудга нисбатан жорий этилади; *иккинчидан*, тегишли ҳудудда жойлашган ва шу ерда яшайдиган аҳолига ўз таъсирини ўтказди; *учинчидан*, махсус аппарат воситасида амалга оширилади; *тўртинчидан*, давлат ҳокимияти суверенитетга эга бўлиб, у жамиятнинг бошқа ижтимоий гуруҳлари (сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ташкилот-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Теория государства и права / Под ред. проф. Н.И.Матузова и А.В.Малько. — М.: Юрист, 2000. С.43.

лар, ижтимоий ҳаракатлар, уюшмалар ва ҳ.к.) дан тўла мустақилдир; *бешинчидан*, бутун жамият номидан иш юритади ва бошқаради.

Давлат ва ҳуқуқ тарих саҳнасига келган даврдан бошлаб, давлатнинг моҳияти ҳақидаги ғоялар вужудга келди.

Ҳўш, давлат нима дегани? Махсус ижтимоий-гуманитар, сиёсий, фалсафий, юридик билимга эга бўлмаган одам «давлат» деганда алоҳида давлат органларининг номини, «парламент», «ҳукумат», «президент» кабиларни тасаввур этади. Яна савол туғилади: давлат ўзи нима учун зарур? Жуда кўп сонли давлат органлари, мансабдор шахслардан иборат улкан аппарат давлат тузилмаси бўлиб, ниҳоятда мураккаб ташкилий бирлик — кишилик жамиятини бошқариш учун зарурдир.

Саноат капитализми даврида «давлат — кишилар иттифоқи, ҳудуд ва ҳокимият каби уч таркибнинг уйғунлашуви маҳсули», деган таърифлар кенг тарқалди. Хусусан, немис файласуфи ва ҳуқуқшуноси Л.Дюги давлатни куйидаги тўртта элементдан иборат дейди. Унинг фикрича давлат: 1) инсонлар (индивидлар) жамоаси; 2) муайян ҳудуд; 3) суверен ҳокимият; 4) ҳукуматдан ташкил топган<sup>1</sup>. Г. Ф. Шершеневич муайян ҳудудда ўтроқ ҳаёт кечирувчи ва ягона ҳокимиятга итоат этувчи кишилар иттифоқини давлат деб атайти<sup>2</sup>.

«Давлат, — дейди машҳур рус олими Н.М.Коркунов, — эркин кишиларнинг ижтимоий иттифоқи бўлиб, муайян ваколатлар (мажбурлов) ёрдамида таъминланадиган осойишта тартиботдир»<sup>3</sup>. Шунга ўхшаш фикр Г. Гроций асарларида ҳам учрайди. У давлатни «ҳуқуққароия этиш ва умумманфаати йўлида тузилган эркин кишиларнинг мукамал иттифоқи»<sup>4</sup>, деб таърифлайди.

Ж.Локкнинг талқинида: «давлат демократия ёки бошқарувнинг у ёки бу шакли эмас, балки латинча «*civitas*» сўзи билан ифодаланадиган ҳар қандай мустақил уюшмадир, ушбу сўзга «давлат» («*commonwealth*») сўзи мос келади»<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Дюги Л. Конституционное право. Общая теория государства. — М., 1908. С. 100 — 101.

<sup>2</sup> Шершеневич Г.Ф. Общее учение о праве и государстве. — М., 1911. С. 18.

<sup>3</sup> Коркунов Н.М. Русское государственное право. Т.1. — СПб., 1904. С. 27.

<sup>4</sup> Гроций Г. «О праве войны и мира». — М., 1956. С. 74.

<sup>5</sup> Локк Дж. Сочинения в 3-х томах. Т.3. — М., 1956. С. 388.

Немис фалсафасининг ёрқин намояндаси Иммануил Кант ҳам давлатнинг моҳияти борасида таҳлил юритиб, шундай деб ёзади: «Давлат ўзи жойлашган ернинг худди ўзидек мулк эмас, балки кишиларнинг ўзи хўжайинлик қилиб, ўзини ўзи бошқарадиган жамиятдир»<sup>1</sup>. Мутафаккир бошқа бир асарида «Давлат ҳуқуқий қонунлар ҳимоясида бўлган кўпчилик одамларнинг бирлашмасидир»<sup>2</sup>, дейди.

Давлатнинг моҳиятини тушуниш бобида француз мутафаккири Жан Боден ўз ўтмишдошлари ва замондошларидан анча илгарилаб кетди. У давлатни «суверен ҳокимият орқали кўплаб оилалар ва уларга тегишли нарсалар устидан адолатли ҳукмронлик воситаси» сифатида тушунишни илгари суради. Давлат, — дейди Ж. Боден — суверен ҳокимиятнинг одамлар устидан амалга оширадиган раҳбарлигидир. Унинг таъбирича, *суверенитет* давлатнинг доимий ва мутлақ ҳокимиятидир.

Суверенитет ғоясини Т. Гоббс ҳам ёқлаб чиқади. Унинг талқини қуйидагича: «Одамларни кўрқувда ушлаб, улар ҳаракатини эзгуликка йўналтиришга фақат барча имтиёз ва кучларни бир одам ёки бир неча кишилик жамоа измида жамлаш орқалигина эришиш мумкин. Агар кўпчилик одамларнинг бирлашуви (ва бошқарилиши) шу тариқа рўй берса, бу давлат деб аталади. «Суверенитетнинг соҳиби айнан давлатнинг ўзидир, унинг зиммасига тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни таъминлаш юклатилади»<sup>3</sup>.

Россиялик давлатшунос олим Ф. Кокошкин давлат ҳокимиятининг мажбурловга таянганлигини инкор этиб, қуйидаги мулоҳазани билдиради: «Давлат маълум тоифа инсонларнинг жамоаси эмас, балки *кишилар ўртасидаги муносабатдир*, уларнинг умумий турмуш кечириш шакли, улар ўртасидаги муайян руҳий алоқадорликдир»<sup>4</sup>.

Давлат ва унинг моҳияти масаласига Иван Ильиннинг қарашлари ҳам ғоят қизиқарли. «Узоқ тажриба, оғир машаққатлардан азият чеккан инсоният уюшган мажбурлов тартибидан ташқаридаги ҳаётни си-наб кўриб, Ўрта асрларнинг хусусий ҳуқуқий тизими ва ижтимоий-

<sup>1</sup> Кант И. Сочинения в 6 - ти томах. Т.4. — М., 1965. С. 383.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 270 - бет.

<sup>3</sup> Қ а р а н г. Гоббс Т. Сочинения Т.2. — М., 1992. С. 133.

<sup>4</sup> Кокошкин Ф. Ф. Русское государственное право. — М., 1908. С. 3—4.

ҳуқуқий бесаранжомликларини бошдан кечириб, инсоният ниҳоят эндиликда эркин ва ихтиёрий иттифоққа асосланган ҳаётни якка ҳукмронликка, мажбурловга таянган давлатдаги ҳаёт билан бирга қўшиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилди. Давлатнинг мажбурлов кучи ва унинг серқирра ва хилма-хил фаолияти тўғри ташкил этилган тақдирда, инсоннинг эркин маънавий ҳаётига тазйиқ ўтказмай, балки унинг учун қулай шароитлар яратиб берилади»<sup>1</sup>.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкин: «**Давлат — ҳуқуқ асосида уюшган**, ягона ҳудуд устидан ҳукмронлик қилиш ва ягона ҳокимиятга бўйсунуш асосида бирлашган одамларнинг умумий иттифоқидир»<sup>2</sup>.

«Давлат» иборасининг тўла маъноси қуйидаги ижтимоий ҳодисаларнинг уйғунлиги ва бир бутунлигида намоён бўлади: а) ҳокимият ва бўйсунуш муносабатларининг мавжудлиги; б) ҳокимият мажбурлов чораларини қўллашда танҳо (суверен) ҳуқуққа эга бўлиши; в) юридик мазмун ва тартибнинг мавжудлиги; г) бошқарув ва у туфайли нисбий барқарорликнинг таъминланиши; д) ташкилий уюшганлик.

Шундай қилиб, **давлат** — жамиятдан мустақил тузилма эмас, балки муайян макон ва замонда мавжуд ҳуқуқий тартибга солинадиган ижтимоий хулқ-атворнинг аниқ шакли. Давлат — сезги органлари ёрдамида аниқлаш мумкин бўлган моддий ҳодиса эмас, балки жамият аъзоларининг юридик жиҳатдан тартибга солинган ўзаро бўйсунуш ва бошқарилишини ифодалайдиган алоқаларини назарда тутувчи ижтимоий воқелик. Давлат тўғрисида сўз юритганда, биз ваколатли органлар томонидан одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинишини назарда тутамиз. Демак, давлат одамлар хулқ-атворини қатъий ҳуқуқий нормалар ёрдамида мажбурий тартибга солишдан иборат функцияни бажарувчи мураккаб ижтимоий ҳодисадир.

<sup>1</sup> Ильин И. Собр. соч. в 10-ти томах. — М., 1994. — С. 111.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

## 2-§. Давлатнинг моҳияти ҳақидаги турли назариялар

Давлатнинг *моҳиятини* аниқлаш деганда, унинг маъно-мантиғи, ички табиати, асл мазмуни, жамият ҳаётида ўйнайдиган роли ва ижтимоий вазифасини очиш, шу хусусиятларини англаб етиш тушунилади. «*Давлат*» деган ижтимоий ҳодисанинг асосий мантиғини, ўзгичини *ҳокимият* ташкил этади. Шунингдек, давлат жамиятга тегишли *сиёсий ташкилотдир*. Бошқача айтганда, давлатнинг моҳияти масаласи — давлат ҳокимияти кимга тегишли, уни ким ва қайси манфаат йўлида амалга оширади, деган саволга жавоб бериш орқали ёритилади. Худди шу боис бу муаммо ўта мунозарали, баҳсли назарий масала ҳисобланади.

*Давлатнинг моҳияти* — унинг энг муҳим, барқарор белги ва хусусиятлари, ички алоқалари йиғиндиси. Моҳият — қонуниятни, қонуний муносабатларни, энг муҳим тавсифловчи жиҳатларни англашдир, уларнинг намоён бўлишидир. Давлатнинг барча белги ва хусусиятлари унинг ижтимоий вазифалари, бажарадиган функцияларида намоён бўлади. Давлатнинг асосий ижтимоий вазифаси инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, жамиятни бошқаришдан иборат. Ҳокимиятнинг алоҳида ташкилий шакли бўлган давлат жамият олдида турган вазифаларни бажариш билан боғлиқ жараёнларни бошқаради. *Давлат бошқаруви* — ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва ривожлантириш мақсадида уларга қатъий таъсир ўтказишдир. Шу орқали давлат ижтимоий тараққиётни йўналтириб туради.

Давлат моҳиятида икки жиҳатни назарда тутиш лозим. Биринчи ҳолатда давлат бошқаруви бутун жамият манфаати йўлида амалга оширилиши мумкин; иккинчи ҳолатда эса у алоҳида ижтимоий гуруҳ ёки алоҳида шахс манфаати учун амалга оширилиши мумкин. Шунга кўра, давлат ёки жамият иродасини ифода этади, ёхуд айрим шахс (айрим гуруҳ) иродасини акс эттиради.

Демократик йўналишда ривожланаётган жамият ўзининг серқирра объектив эҳтиёжлари давлатнинг диққат марказида бўлишига муҳтождир. Бу давлатнинг умумий ижтимоий функциялари кенгайиши ва ривожланишига олиб келади.

Юқоридаги мулоҳазаларга хулоса ясаб, давлатнинг ҳозирги замон таърифини ифода этишга ҳаракат қиламиз. Давлат оммавий-сиёсий ҳокимиятнинг суверен-сиёсий тарзда ҳудудий ташкиллаштирилганлиги бўлиб, у махсус аппарат воситасида ўз азму иродасини бутун мамлакат учун мажбурий эътироф эттира олади.

**Давлат** — жамиятнинг ягоналиги ва яхлитлигини таъминлайдиган сиёсий ташкилот бўлиб, махсус механизм (аппарат) воситасида жамият ишларини бошқарувчи суверен оммавий-сиёсий ҳокимият сифатида ҳуқуққа умумий мажбурий хусусият бахш этади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни кафолатлайди.

Давлатнинг моҳияти хусусида бир қанча таълимотлар ва ёндашувлар мавжуд: элитар назария, технократик назария, марксча назария, умумфаровонлик давлати назарияси, демократик (ҳуқуқий) давлат назарияси. Ушбу ёндашувларни алоҳида кўриб чиқайлик.

**Элитар назария.** Бу назария XX асрда кенг тарқалди. Унинг тарафдорлари фикрича, кенг халқ оммаси давлат ҳокимиятини амалга ошириш ва жамиятни бошқаришга қодир эмас, шу боис давлат ҳокимияти жамиятнинг юқори қисмига — элитага тегишли бўлиши лозим. Ва ҳар сафар ҳокимият тепасида бир элита иккинчи элитани алмаштириб туради.

Элиталар турли белгилари (келиб чиқиши, маълумоти, тажрибаси, қобилияти кабилар)га қараб аниқланади. Бунда элита сафлари халқ оммаси ҳисобига, уларнинг энг қобилиятли вакиллари билан тўлдириб борилиши мумкинлиги ҳам назарда тутилади. Бунинг устига мазкур назариянинг ҳозирги тарафдорлари бир қанча элиталар мавжуд бўлиб, улар ҳокимият учун кураш олиб бориши, бироқ, халқ ўз сайлов ҳуқуқидан фойдаланиб, улар фаолиятини назорат қилиши мумкин, деб таъкидлайдилар.

Шубҳасиз, ушбу назариянинг нуқсонлари ҳам мавжуд. Чунончи, аҳолини ҳокимият ишларидан четлаштиришни тарғиб қилади, ҳокимиятнинг синфий табиати бутунлай инкор этилади. Лекин ушбу назариянинг ижобий томонлари ҳам йўқ эмас. Ҳақиқатан ҳам, ҳокимият ишларини олиб бориш амалда кишиларнинг гоят чекланган доира-



си — депутатлар, давлат маҳкамаси ходимлари томонидан бажарилади. Муҳими, мазкур кишилар чиндан ҳам халқ, турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар манфаатларини ифода этишлари керак. Шу жиҳатдан халқ сайлаган ва ўз номидан вакил қилган кишиларнинг элита характери, улар фаолияти устидан таъсирчан назоратни таъминлаш заруратини тушуниш мумкин.

**Технократик назария.** Мазкур назария XX асрнинг 20–йилларида вужудга келиб, 60—70–йилларда анча кенг тарқалди. Унинг тарафдорлари орасида Т. Веблен, Д. Барнхейм, Г. Саймон, Д. Белл ва бошқалар бор эди. Умуман ушбу назария элитар назариясига жуда ўхшаб кетсада, замонавий воқеликни ҳисобга олиши билан ажралиб туради.

Бу назарияга кўра, жамиятни мутахассис-бошқарувчилар, менежерлар идора этишлари лозим (кўпинча амалда ҳам шулар бошқардилар). Айнан улар жамиятнинг ҳақиқий эҳтиёжларини, унинг энг мақбул ривожланиш йўлларини, бунинг учун зарур воситаларни аниқлашга қодир. Бу бошқаришни илмий асосда олиб бориш имконини беради ҳамда жамиятнинг илдам ривожланишини таъминлайди.

Мазкур таълимот ғояларидан нафақат давлатнинг моҳияти балки унинг бошқа жиҳатларига тегишли бўлган бошқа назарияларда ҳам фойдаланилмоқда.

**Марксча назария,** аниқроғи, тарихий-материалистик назария давлатнинг моҳияти масаласига синфий ёндашувни таклиф этади. Унинг асосида тарихий материализм ва синфий кураш ғояси ётади. Мазкур таълимот намояндаларининг исботлашича, давлат (сиёсий) ҳокимияти иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон бўлган синфга тегишли бўлиб, фақат унинг манфаати йўлида амалга оширилади. Шу сабабли, давлат моҳияти синфий нуқтаи назардан таърифланиб, давлат иқтисодий ҳукмрон синфнинг сиёсий ҳокимиятини таъминлаб, мазлум синф устидан амалга оширилади, унинг қаршилигини бостириш қуроли (диктатура) ҳисобланади. Диктатура — бу ҳеч қандай қонун билан чекланмаган ва зўравонликка, мажбурлашга, кучга таянадиган ҳокимиятдир.

Синфий ёндашув тарихда рўй берган, яшаб ўтган қулдорлик,

феодал, капиталистик, социалистик давлат типларининг моҳиятини таърифлаш учун қўлланилиши мумкин. Уни ҳозирги демократик йўналишдаги давлатлар моҳиятини изоҳлаш учун қўллаб бўлмайди. Демократик ривожланган мамлакатларда давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни келиштирув асосида ҳал этиш қуроли — воситасига айланиб бормоқда. Замонавий давлатларни таърифлаб, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов шундай дейди: «Демократия шароитида давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросаи мадора билан бартараф этиш воситасига айланади»<sup>1</sup>.

**Умумфаровонлик давлати назарияси.** Бундай назария иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган бўлиб, давлатнинг ижтимоий ҳаётга аралашмаслигига оид олдиндан мавжуд таълимотга қарши чиқадди. Бунда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари истисно этилади («Давлат — тунги қоровул» назарияси). Унинг моҳияти 30-йилларда Д.Кейнс томонидан таърифлаб берилганди. Д.Мюрдал, А.Цигу, К.Боулдинг, В.Мунд ва бошқаларнинг асарларида бу назария янада ривожлантирилган.

Мазкур назариянинг бош ғояси шундан иборатки, унда давлат барча синфлардан устун туриб, аҳоли барча қатламлари манфаатларини ифодалайди, умумфаровонликни таъминлайди. Ривожланган мамлакатларнинг аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда йирик давлат дастурларини амалга оширишдаги улкан муваффақиятлари ушбу назариянинг юзага келишига сабаб бўлди. Мазкур назария давлат фаолиятининг асосига инсон манфаатларини қўйиш билан ҳар бир шахснинг қадр-қимматига эътиборни жалб этади.

Бизнинг назаримизда, ушбу назариянинг ижобий жиҳатлари умуминсоний қадриятлар, инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари устуворлиги унинг асосига қўйилганлиги билан белгиланади. Унинг камчилиги эса, нималар ва кимлар эвазига бунга эришиш мумкинлигини кўрсатиб бера олмаганидадир. Мабодо, эксплуатация марказини ярим мус-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан сажлагоҳ каби муқалласдир. Т. 3. — Т., 1996. 20-б.

тамлака ва ривожланаётган мамлакатларга кўчириш назарда тутилган бўлса, бундай «фаровонлик» нинг эътиборни тортиши амри маҳол<sup>1</sup>.

*Давлатнинг нормативистик назарияси.* Мазкур таълимотнинг ёрқин намояндаларидан бири австриялик мутафаккир Ганс Кельзен (айни вақтда легистик ёндашув вакили) давлат тушунчасини қуйидаги маъноларда тавсифлайди:

Биринчидан, давлат аввало соф юридик ёндашув нуқтаи назаридан кўриб чиқилмоғи лозим. У юридик шахс, «ҳуқуқий феномен», ўзига хос корпорация сифатида намоён бўлиши мумкин. Давлат миллат миқёсидаги ҳуқуқий тартибдир. Юридик феномен сифатидаги давлат билан ҳуқуқ ўртасидаги муносабатга худди ҳуқуқ билан индивидум ўртасидаги муносабат тарзида қаралмоғи керак. Кельзеннинг фикрича, давлат ҳуқуқни ўрнатиши ёки санкциялашдан қатъи назар, худди индивиддек бўлиши, яъни ўз хатти-ҳаракатида ҳуқуқ билан боғлиқ бўлиши лозим.

Иккинчидан, давлат тушунчаси социологик маънода ҳам ишлатилиши мумкин. Бу тарзда давлатга қандайдир «социологик бирлик», ҳуқуқий тартиб ва ҳуқуқий реалликдан мустақил мавжуд бўлган «социал реаллик» сифатида ҳам қаралиши мумкин. Социологик нуқтаи назардан қараганда давлат учун хос бўлган жиҳат — унинг жамиятни бошқариш юзасидан ваколатларининг бир қанча органларга берилганлиги, бир қатор органлар қўлида тўпланганлигидир. Шу боис жамиятда ҳокимият ваколатига эга бўлган бир неча тузилмалар мавжуд.

Учинчидан, давлат тушунчаси жонли, табиий организм сифатида ҳам белгиланиши мумкин. Бу ёндашувга асосланган ҳолда, давлат «социал биологик шакл» сифатида намоён бўлади. Кельзеннинг бу қарашлари давлатнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги органик назария тарафдорлари томонидан қўлланилган.

Тўртинчидан, Кельзен ва унинг тарафдорлари давлатни «нормалар тизими», «норматив тартиб», «сиёсий ташкиллашган жамият» «давлат-ҳокимият» деб белгилашган, таърифлашган. Кельзеннинг фикрича, дав-

<sup>1</sup> Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалари. — Т., 2000. 100—101-б.

лат сиёсий хусусиятга эга, ва у аввало сиёсий ташкилот сифатида намоён бўлади, чунки у «мажбурлов, куч ишлатиш тартибини» белгилайди, зеро у «куч ишлатишга бўлган монопол ҳуқуққа эга»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, давлатнинг ҳодиса сифатида мураккаблиги, унинг турфа талқини, унинг тушунчасининг турличалигини белгилайди. Шу боис турли даврларда давлатни турлича тушуниш мавжуд. Давлатни собиқ совет тузуми даврида юридик жиҳатдан синфийлик нуқтаи назаридан таърифланган. У «синфий жамиятнинг сиёсий ташкилоти» сифатида талқин этилган.

Ўтган аср 80-йилларининг ўрталаридан бошлаб, давлатни таърифлашда умумижтимоий жиҳатни кўрсатиш томон силжиш бошланди ва синфийликка берилган урғу аста-секин умумижтимоий жиҳат томонга сурила борди<sup>2</sup>.

### 3-§. Давлатнинг асосий белгилари

Юриспруденцияда давлат белгилари масаласи ҳуқуқшунос олимларнинг доимий тадқиқот объекти бўлиб келган. Зеро давлат жамиятнинг сиёсий тизимига кирувчи бошқа ташкилотлардан ўзига хос бир қатор белгилари билан фарқ қилади. Олимларнинг давлат белгилари хусусидаги фикр-мулоҳазалари, дунёқарашлари ва ёндашувлари турличадир.

«Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» номли асар муаллифи — Ф.Энгельс давлатнинг асосий белгилари сифтида аҳолининг ҳудудий бўлиниши, оммавий-сиёсий ҳокимият ҳамда солиқлар тизимининг жорий этилишини кўрсатиб ўтган. Г. Ф. Шершеневич ҳам шунга ўхшаш уч белги: «а) одамларнинг бирлашуви; б) улар устидан ҳукмронлик қилувчи ҳокимият; в) шу ҳокимият таъсир доирасидаги ҳудуд»ни санаб ўтган.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Проблемы теории государства и права / Под. ред. проф. М.Н.Марченко. — М.: Юрист, 2004. С.74.

<sup>2</sup> Қ а р а н г: Проблемы теории государства и права / Под ред. проф. М.Н.Марченко. — М., 1999. С. 64 — 65; *Аҳмедшаева М.* Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари. Ўқув қўлланма. — Т., 2006. 28 — 29-б.

З. М. Исломов ўз асарларида давлатнинг умумэътироф этилган белгилари сифатида фуқаролик, суверен ҳокимият, юридик кучга эга бўлган қонунлар, давлат функциясини бажариш учун лозим бўлган моддий воситалар, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқий-тартиботни ўрнатувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (суд, прокуратура, полиция ва ҳ.к.), ҳудудий яхлитликни таъминловчи қуролли кучларни санаб ўтади<sup>1</sup>.

Баъзи илмий адабиёт ва дарсликларда давлатнинг асосий белгилари сифатида давлат суверенитети, давлатнинг номи, байроғи, герби, пойтахти ва конституциясининг мавжудлиги ҳам қайд этилган. Бироқ бундай фикрларни қувватлаб бўлмайди. Давлат байроғи, герби, мадҳияси белги — хусусият эмас, балки давлатнинг рамзларидир. Давлатнинг номи унинг мавжудлиги ва моҳиятини белгилайдиган омил эмас. Давлатнинг пойтахти ҳам ўзгариб туриши мумкин. Ва ниҳоят, конституция ҳам давлатнинг мавжудлик шартси эмас. Масалан, Буюк Британиянинг конституцияси йўқ, аммо у давлатлик сифатларини йўқотмайди. Конституциялар пайдо бўлгунга қадар ҳам давлатлар мавжуд бўлган.

Давлат белгилари хусусида ҳуқуқшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазалари, ёндашувлари турли-туманлиги фанни бойитишга ва бу соҳадаги билимларни ривожлантиришга хизмат қилади. Зеро, фандаги илмий янгиликлар ўзаро илмий баҳс ва мунозаралар натижасида шаклланади.

Давлатнинг асосий белгилари, унинг жамиятдаги турли нодавлат ташкилотлар, ижтимоий-сиёсий тизимнинг бошқа қисмларидан фарқларини очишга имкон берувчи жиҳатлари мавжуд. Давлатнинг белгилари сифатида кишилиқ жамияти уюшган давлат ташкилотининг барқарор, қатъий умуртқасини ифодаловчи жиҳатлари майдонга чиқади. Улар жамият ривожини билан ҳамоҳанг тарзда мазмунан бойиб боради, эски функциялар барҳам топиб, янги идоровий тузилмалар ва функциялар вужудга келаверади.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Исломов З. М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2007, 180 — 181-б; Давлат ва ҳуқуқ назарияси // профессорлар Х.Б.Бобоев ва Х.Т. Одилқориевларнинг умумий таҳририда. — Т., 2000. 76-б.

Давлатни бошқа жамоат ташкилотларидан ажратиб турувчи асосий белгилари ҳудуд, фуқаролар, оммавий ҳокимият, ягона солиқ тизими кабилар бўлиб, мазкур белгиларсиз давлат муайян мавжудлик касб эта олмайди.

**Аҳолининг ҳудудий уюшиши ва шу ҳудуд чегараларида оммавий ҳокимиятнинг амалга оширилиши.** Давлат тузумигача бўлган кишилиқ жамиятида индивиднинг у ёки бу уруққа мансублиги қон-қариндошлиқ асосида аниқланарди. Бунинг устига, қатъий белгиланган ҳудудига эга бўлмаган уруғ жамоаси у ердан-бу ерга кўчиб юрарди. Давлатга уюшган жамиятда аҳолининг уруғчилик асосида уюшиши ўз аҳамиятини йўқотди. Унинг ўрнини ҳудудий асосда уюшиш принципи эгаллади. Давлат қатъий чегараланган ҳудудга эга бўлиб, унинг суверен ҳокимияти шу ҳудудга татбиқ этилади, унда яшайдиган аҳоли эса юзага келган давлатнинг фуқаросига айланади. Шундай қилиб, янги ҳуқуқий институт — фуқаролик тобелиги пайдо бўладиган давлатнинг макондаги сарҳадлари суверен ҳудуд ҳисобланади. Кўриниб турибдики, **«Давлат — жамиятнинг сиёсий-ҳудудий ташкилотидир.** Давлат ҳудуди — муайян давлат суверенитети остида бўлган, тарихий воқелик, халқаро битимларга мувофиқ ўрнатилдиган ва мустаҳкамландиган ҳудуддир»<sup>1</sup>.

**Давлат ҳудуди** — унинг юрисдикцияси тарқалдиган макон. Давлат ўзининг тегишли ҳудудида суверен ҳокимиятини амалга оширади ва уларни бошқа давлатлар ва айрим шахсларнинг ҳужумидан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Муайян давлатнинг тегишли қонунлари фақат ўша давлатнинг белгиланган ҳудудида амал қилади, бошқа давлатлар эса ундан мустасно ҳисобланади. Зеро, қонунларни маконда амал қилиши принципининг моҳияти ва мазмуни ҳам шундадир.

Ҳудуд, одатда, **маъмурий ҳудудий** деб аталадиган махсус бўлинишга эга бўлади. Масалан, 1991 йил 20 ноябрда Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги қонунга му-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Раянов Ф.М.* Проблемы теории государства и права (юриспруденции). — М., «Право и государство». 2003. С. 112.

вофиқ, Қорақалпоғистон Республикасидан ташқари, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманлар, қишлоқлар, овуллар ва шаҳарчалар ҳам Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий қисмлари ҳисобланади. Ўзбекистон ўз юрисдикциясини мазкур ҳудудларда амалга оширади. Давлат аҳолини маъмурий-ҳудудий бирликларга бўлиб, ўз ҳокимиятини маъмурий-ҳудудий принцип асосида амалга оширади.

Республикамиз Марказий Осиёда, Амударё билан Сирдарё оралигида жойлашган бўлиб, унинг ҳудуди шимолий-ғарбда Турон пасттекислигини, жанубий-шарқда Тяньшан ва Олой тоғ тизимларини, жануби-ғарбда Қизилқум чўлларининг бир қисмини эгаллайди. Ўзбекистон таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 12 та маъмурий вилоят, 157 та қишлоқ тумани, 123 шаҳар ва 104 шаҳар типидagi қўрғон киради. ***Давлатнинг маълум ҳудудга эгаллик қилиши биринчи белгисидир.*** Давлат ҳудуди ер, ер ости бойликлари, ҳаво бўшлиғи ва ҳудудий сувларни ўз ичига олади ва у «қаттиқ ер»гагина боғланиши мумкин эмас.

Давлат ҳудудида истиқомат қилувчи ва унинг ҳокимиятига бўйсунувчи одамлар унинг фуқаролари ҳисобланади. Фуқаролар халқ вакили, жамият аъзолари сифатида умумий маданий жиҳатлари ва тарихий онгига кўра давлатга мансублик туйғусига эга бўлган, нисбатан кенг ижтимоий гуруҳ тарзида тавсифланиши мумкин. Аҳолисиз давлат бўлмайди, чунки муайян ҳудуд давлат деб тан олинса-да, лекин бу давлат томонидан қабул қилинадиган қонунлар ижросини таъминловчи аҳолининг бўлмаслиги, унинг гўё бир материк ёки қитъа сингари ҳудудий бирлик сифатида намоён бўлишига сабаб бўлади.

Давлат аҳолиси унинг тузулишига кўра бир миллатдан ташкил топиши ёки кўп миллатли бўлиши мумкин. Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди, улар ижтимоий мавқеи, тили, дини, урф-одатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлиб, ҳудуд миқёсида бирлашганлар. Бир давлат ҳудудида мавжуд турли миллий гуруҳларга нисбатан ягона сиёсий ҳокимият татбиқ этилади.

Мазкур борада давлатнинг фуқаролиги масаласи алоҳида аҳамият касб этади. *Фуқаролик* — ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда жавобгарликнинг мавжудлигида ифодаланадиган, давлат ҳудудида яшовчи шахсларнинг давлат билан барқарор ҳуқуқий алоқаси тушунилади. Бу шахсларнинг муайян давлат ихтиёрида бўлиши, мамлакат ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам давлатга мансуб эканлигида намоён бўлади. Ушбу мансублик ҳуқуқий ҳужжатлар (паспорт) ёрдамида тасдиқланади. Фуқаролик деганда инсонни сиёсий-ҳуқуқий томондан давлат ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳимояланиши, қонуний муҳофазаланиши тушунилади.

Фуқаролик тушунчаси қадимий Юнонистон ва Римда мавжуд бўлсада, асосан, феодализм инқирозга учраб, жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт демократия ва бозор муносабатларига ўтаётган бир босқичда, ҳозирги шаклда намоён бўла бошлади. Илк бор «шаҳарлик» сўзи (французча «сутуайн», инглизча «ситизен», русча «горожанин-гражданин» ва ҳоказо) мустабид феодал муносабатлардан озод деган маънони билдирган. Мустақиллик эълон қилинганидан сўнг ўзбек тилида ўтмишдаги «гражданлик» сўзи ўрнига «фуқаролик» деган атама қабул қилинди.

*Давлатнинг яна бир муҳим белгиси — оммавий-сиёсий ҳокимиятнинг таъсис этилганлиги.* Яъни, сиёсий элита ва жамиятнинг қолган қисми ўртасида мавжуд ҳукмронлик ва бўйсунуш (ҳокимлик ва тобелик) муносабатларининг мавжудлиги.

Жамиятда ҳокимиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий каби турларидан фарқли ўлароқ давлат ҳокимияти алоҳида мавқега эга. Давлат ҳокимияти фақат маълум ҳудудгагина татбиқ этилади. Ибтидоий жамоа тузумидаги ижтимоий ҳокимият эса ҳудудга боғлиқ бўлмай, фақат уруғ, қабила аъзоларигагина татбиқ этилар эди. Бу давлатнинг бутун жамиятни муайян йўсинда бошқариш ва мажбурлаш қобилиятини англатади.

Оммавий-сиёсий ҳокимият иродасига у таъсир этувчи ҳудуддаги барча итоат қилиши шарт бўлади. Оммавий-сиёсий ҳокимият жамиятнинг ривожини ва раванга манфаатларидан келиб чиқиб, уни бошқаришни амалга оширади. Оммавий-сиёсий ҳокимият махсус давлат ап-



парати тимсолида моддийлашади, институциялашади. Унинг ижтимоийлиги, оммавийлиги шундаки, давлат ҳокимияти бутун жамиятга дахлдор, давлат бутун жамият (халқ) иродасини ифодалаб, унинг номидан иш юрита олади.

Оммавий-сиёсий ҳокимият аппарати, одатда, жамият ҳамда халқ манфаатига хизмат қилишга сафарбар этилган. Ушбу аппаратга қонун чиқарувчи идора, ҳукумат, молия органлари, бошқарув органлари, суд идоралари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, қуроли кучларни бошқариш аппарати, турма ва жазони ижро этиш муассасалари кабилар кирази. Давлат аппарати давлат мажбурловини қўллашда мутлақ ҳуқуққа эга.

Давлатнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг *суверенитетга* эгаллигидир. Суверенитет — мамлакат ичкарисида ва ундан ташқарида (халқаро майдонда) давлат ҳокимиятининг олийлиги, устунлигидир. Суверен ҳокимият — бу олий, мустақил, бўлинмас, умумий ва узвий, яъни ажралмас, бегоналаштириб бўлмас ҳокимиятдир. Давлат ҳокимиятининг суверенлиги — унинг мамлакат ҳудудидаги барча ташкилотлар, муассасалар, уюшмалар, партиялардан устунлиги ва улардан мустақиллигидир.

Давлат суверенитети қуйидагиларда ифодаланеди:

— ички ва ташқи сиёсат масалаларида мустақил қарор қабул қила олиши;

— давлат ҳокимиятининг мамлакат бутун ҳудудига татбиқ этилиши ва давлат органларининг барча аҳоли учун умумий мажбурий қарорлар қабул қилиши;

— бошқа ижтимоий-ташкилий ҳокимиятлар (партиялар, жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар ва бошқалар) нинг қарорларини бекор қила олиши.

Шу боис суверен давлат ҳокимияти барча фуқаролар учун мажбурий қонунлар қабул қилади; қонун доирасида мажбурлов чораларини қўллайди.

Шундай қилиб, **давлат** — мажбурлов чораларини қўллашда қонуний ҳуқуққа эга бўлган, ташкилий расмийлашган ҳокимиятни амалга оширувчи ижтимоий қатлам томонидан ўрнатилган юридик тартиб

амал қиладиган муайян ҳудудда яшайдиган аҳоли томонидан таъсис этиладиган сиёсий ташкилот.

Давлат — муайян ҳудудда олий ҳокимиятга эга бўлган оммавий-сиёсий ташкилот. Давлат ҳокимиятининг моҳияти жамият аъзолари иродасининг ҳукмрон ижтимоий қатлам (синф) иродасига бўйсундирилишидадир. Давлат ҳокимияти — ижтимоий ҳокимиятнинг бир тури бўлиб, давлат-ҳуқуқий ташкилотлар (органлар) да мужассамлашди ва жамият устидан бошқарувни амалга оширади. Давлат ва ҳуқуқ давлат ҳокимиятини расмийлаштирувчи, амалга оширилишини таъминловчи ижтимоий институтлардир.

**Солиқларнинг жорий этилганлиги** — давлатнинг асосий белгиларидан бири бўлиб, у аҳолидан давлат апаратини сақлаб туриш, фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган моддий маблағларни ундириб олишда ифодаланади. Мамлакатнинг давлат бюджети аҳолидан, турли хил хўжалик субъектларидан олинадиган солиқлар ва йиғимлардан келиб тушадиган даромадлар ҳисобига тўлдирилади ҳамда ушбу молиявий маблағлар жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ҳаёт соҳасини таъминлаш учун мақсадли сарф этилади.

Давлатнинг солиқ сиёсати натижасида тўпланган маблағлар ҳисобидан нафақат давлат апаратининг фаолияти жараёнида, балки мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт соҳаларини ривожлантиришда ҳам кенг фойдаланилади.


Табиийки, давлат тегишли молиявий воситаларсиз жамиятнинг бирон-бир соҳасини бошқара олиши ёки муайян ислохотларни амалга оширишини тасаввур этиш қийин. Чунки мамлакатдаги мавжуд ташкилотлар ўз фаолиятларида молиявий ресурс сифатида давлат бюджетига (давлат органлари) ёки хўжалик ҳисобидан тушган даромадга таянган ҳолда иш юритадилар ва шу ҳисобидан давлат хизматчиларига, ишчи ва ходимларга ҳақ тўлайдилар. Маълумки, давлат хизматчилари (депутатлар, судья, прокурор, ҳокимлар ва бошқалар) моддий ишлаб чиқариш билан шуғулланмай, балки ўз фаолиятида асосан бошқарувни амалга оширадилар. Шунинг учун мазкур доирадаги шахсларга иш ҳақи, уларнинг пенсия таъминоти ва бошқа моддий ресурслар мамлакатнинг бюджетидан ажратилади. Бундан ташқари, давлат орган-

ларининг хизмат фаолияти учун зарур бўлган техника, алоқа воситалари, кийим-кечак ва бошқа ашёлар давлатнинг бюджети ҳисобидан ажртилади.

Хўжалик ҳисобидан молиявий таъминланувчи шахслар гуруҳи эса, ўз фаолиятларида асосан моддий ишлаб чиқариш билан шуғулланишлари ҳамда ўз даромадларининг умумий фоизидан келиб чиққан ҳолда иш ҳақи оладилар. Жумладан завод, фабрика ишчилари, фермер хўжалиги аъзолари, хусусий тадбиркорлар ва бошқалар шулар тоифасидандир.

Мамлакатда амалга оширилаётган солиқ сиёсати ва унинг натижасида йиғилган молиявий манбалар давлатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга қаратилади, ҳар йили давлат бюджети даромадлари ва сарф-харажатлари ҳисоб-китоб қилинади ҳамда бу ҳақда халққа ҳисобот берилади.

Демак, давлатнинг солиқларни жорий этиши унинг ажралмас белгиси ҳисобланади, солиқ йиғишни амалга оширмасдан ёки давлат бюджетини молиявий маблағлар билан тўлдирмасдан, давлат-сиёсий аҳамиятга молик бирон-бир тадбирни амалга ошириб бўлмайди.



#### 4-§. Давлат типологияси

Давлатнинг мазмуни ва моҳияти ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун уларни муайян тур (тип) ларга бўлган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Давлатларни муайян бир типларга ажратиш уларни батафсил ўрганишга ёрдам беради. Давлат типологияси давлат ва ҳуқуқ назарияси фани ўрганадиган алоҳида масала ҳисобланади.

Давлат ва ҳуқуқий тизимларни типларга ажратиб классификация қилиш (таснифлаш) давлат-ҳуқуқий материяни англашнинг объектив зарурий ва қонуниятли жараёни бўлиб, у давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг табиий-тарихий мантиғини акс эттиради, давлат ва ҳуқуқнинг бир типининг бошқа типи билан алмашилиши тарихан муқаррарлигини ифода этади. Типология давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиши тарихий жараёнини ўрганишнинг муҳим усули ва воситаси ҳисобланади<sup>1</sup>.

**Давлат типологияси** — давлатнинг моҳиятан ўзига хос хусусиятларини ажратиш ёки бирор типга мансублигини белгилашда фойдаланиладиган таълимот, билимлар тизимидир. Давлат типологиясида давлатларни муайян мезонлар асосида турларга ажратиш, таснифлаш амалга оширилади. Ҳуқуқшунослик фанида давлат типологиясини ўрганишда икки хил ёндашувни, яъни **формацiявий** (синфий) ва **цивилизациявий** (маърифий) ёндашувни кўрсатиш мумкин.

**Формацiявий ёндашувнинг** моҳияти шундаки, ижтимоий-иқтисодий формацiяларнинг алмашинуви ижтимоий инқилоблар натижасида содир бўлади ва бу давлатнинг бир тарихий типидан бошқа, ундан юқорироқ иккинчи типига ўтишини назарда тутлади. Формацiявий ёндашув фанда синфий ёндашув деб ҳам юритилиб, унда давлат типологиясининг асосий мезони ижтимоий-иқтисодий формацiялар ҳисобланади. Мазкур типологияда, **биринчидан**, давлатлар муайян ижтимоий-иқтисодий омиллар асосида типларга ажратилади; **иккинчидан**, давлатларнинг табиий-тарихий хусусияти уларнинг ўз тараққиётида маълум босқичларни ўтишини кўрсатади.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Марченко М.Н. Теория государства и права. — М., 1996. С. 87.

Формациявий ёндашув бир типдаги давлатнинг бошқасига фақат инқилоб орқали ўтишини тан олади. Ушбу типдаги давлатларда ҳокимият ҳукмрон синфнинг манфаати учун хизмат қилади. Яъни, давлатнинг ижтимоий вазифаси синфий манфаатларни амалга оширишдан иборат бўлади. Масалан, қулдорлик давлати — қулдорларнинг, феодал давлат — йирик ер эгаларининг иродасини ифодалайди. Шундай қилиб, давлат ва ҳуқуққа формациявий ёндашув аниқ ифодаланган синфий хусусият касб этади. Бунда ишлаб чиқариш муносабатлари типига кўра *қулдорлик, феодал, капиталистик ва социалистик* давлат турларини ажратиш кўрсатиш мумкин.

Анъанага кўра *қулдорлик давлати* тарихдаги биринчи давлат типини ҳисобланади. Ушбу давлат типининг пайдо бўлиши эраизгача бўлган IV—III асрларга тўғри келади. Бундай давлатлар Қадимги Миср, Қадимги Бобил, Қадимги Хитой, Қадимги Ҳиндистон ва икки дарё оралиғида пайдо бўлган. Қулдорлик давлати тизими Қадимги Греция ва Қадимги Рим антик давлатларида энг тўлиқ тарзда ривожланган.

Эксплуатация шаклининг ўзгариши қулдорлик типидagi давлатнинг *феодал давлати* билан алмашишига олиб келди. Европада унинг пайдо бўлиши янги эранинг V—XI асрларига тўғри келади. Феодал жамиятнинг асосини феодалларнинг ерга бўлган хусусий мулкчилиги ташкил этар эди, феодал давлат эса феодаллар синфининг диктатураси сифатида майдонга чиқади.

Ишлаб чиқаришнинг янада ўсиши, савдо ва саноатнинг ривожланиши янги давлат типини — *капиталистик давлатнинг* пайдо бўлишига олиб келди. Ўзгалар меҳнатидан фойдаланишнинг капиталистик шакли қулдорлик ва феодал шакллардан фарқ қилади. Бунда у меҳнатқашларнинг эксплуататорларга шахсан, очикдан-очик қарамлигига эмас, балки расман эркин, бироқ ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлган ва шу сабабли яшаш учун ўз кучини капиталистик корхоналарнинг эгаларига сотишга мажбур бўлган ёлланма ишчилар синфининг яширин иқтисодий қарамлигига асосланар эди.

Капиталистик тузумдаги давлат яқин вақтларгача эксплуатация қилинувчиларни эксплуататорларга бўйсундиришида ёрдам берувчи, уларни жамиятни ташкил этишнинг муайян тарихий шаклига мос

келувчи тартибларга риоя қилишга мажбур қилувчи машина бўлиб келди.

Бироқ кейинги ўн йилликларда капиталистик жамиятда жиддий ўзгаришлар юз берди. Ижтимоий манфаатлар синфий манфаатлардан, умуминсоний манфаатлар миллий манфаатлардан, умумий манфаатлар хусусий манфаатлардан устунлик қила бошлади. Демократик ғоялар ва институтлар (ташкилотлар) кенг ёйила бошлади, бу жамиятнинг ривожланишида давлатнинг ўрни ва аҳамиятига таъсир қилмасдан қолмади. Давлат фаолиятининг мазмуни, унинг ижтимоий йўналиши жиддий равишда ўзгара бошлади. Давлат зўрлик, мажбур қилиш воситасидан тобора бутун жамият ишларини бошқариш механизмига айлана борди.

*Социалистик давлат* тўғрисидаги ғоялар синфий назария (марксча-ленинча таълимот) тарафдорлари асарларида пайдо бўлган. Улар ўз асарларида социалистик давлатни бошқа типдаги давлатларга қарши қўйиб, асосий тафовут ҳокимиятнинг эксплуатация қилувчи озчилик қўлида бўлиши ва ундан эксплуатация қилинувчи кўпчилик қаршилигини бостириш учун фойдаланишда, деб уқтирганлар. Уларнинг фикрича, социалистик давлат «социалистик инқилоб» натижасида пайдо бўлади, яъни сиёсий ҳокимият зўравонлик орқали эгаллаб олинади. Бу жараён эски давлат машинасини синдириш ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш зарурлиги билан боғланади. Айни пайтда социалистик инқилоб ғалабасидан сўнг ҳокимият ишчилар синфи қўлида бўлиши режалаштирилади. Ишчилар синфи эса бутун халқ манфаатлари йўлида эксплуататор синфлар қаршилигини бостиради ва бутун халқни янги ҳаёт қуриш учун ўзига эргаштиришга интилади.

Синфий типология таълимоти мамлакатимизда собиқ Иттифоқ парчалангунга қадар ягона ғоя сифатида эътироф этиб келинди. Ушбу таълимотнинг асосий камчилиги шундаки, у дунёдаги барча давлатларни ягона синфий типологияга киритган ҳолда, бу борадаги миллий, маданий, диний ва бошқа бир қатор омилларни инкор этади.

*Цивилизациявий (маърифий) ёндашув* формацияли ёндашувни тўлиқ рад этмаган ҳолда, давлат типологиясини мамлакатлар эришган тараққиёт даражасига боғлиқ эканлигига асосланади. Цивилизациявий ёнда-

шув синфий ёндашувдан анча кенг. Маърифий типологияда давлат цивилизация маҳсули сифатида намоён бўлади.

Бу ёндашувнинг кўзга кўринган вакили А. Тойнбидир. Унинг фикрича, цивилизация — жамиятнинг миллий, диний, жуғрофий ва бошқа белгиларининг яхлитлиги билан ажралиб турадиган муайян ҳолатидир. Унга биноан, давлатлар хронологик, генетик, жуғрофий, ҳудудий, диний, иқтисодий асослар ва ҳоказо мезонларга кўра типларга ажратилади.

Давлатларни ҳудудларининг ҳажмига қараб катта, ўрта ва кичик давлатларга бўлиш мумкин. Катта ҳудудли давлатларга Россия Федерацияси, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон ва Мексика каби давлатларни мисол қилсак, ўрта ҳажмли ҳудуддаги давлатларга Ўзбекистон, Франция, Германия, Испания каби давлатларни олиш мумкин. Кичик давлатлар қаторига Кипр, Дания, Ватикан каби давлатларни кўрсатиш мумкин. Давлатни изоҳлашга тарихий нуқтаи назардан ёндашув асосида уларни қадимий, ўрта аср ва ҳозирги замон давлат турларига ажратса бўлади.

Қадимий давлатлар Европада милоддан аввалги IX—VII асрларда мавжуд бўлган. Ўрта Осиё ҳудудида илк давлатлар сифатида дастлаб Катта Хоразм, Сўғд, Қанғ ва Бақтрия давлатлари пайдо бўлган. Ўрта асрларга Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган ва ривожланган Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар ва Аштархонийлар давлатлари мисол бўла олади. Ҳозирга замон давлат турлари сифатида, айтиш мумкин, ривожланаётган Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатларни таъкидлаб ўтиш мумкин.

Тарихий ва маданий ривожланишига кўра эса давлатлар деҳқончилик билан шуғулланувчи (аграр) ва саноат билан шуғулланувчи (индустриал) давлатларга бўлинади. Аграр давлатларнинг аксарияти Осиё ҳудудида жойлашган бўлиб, ушбу давлатлар халқларининг турмуш тарзи ва ҳаёт кечириш манбаи асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишга мослашган. Саноат билан шуғулланувчи давлатлар сифатида кўпроқ Япония, АҚШ ва Европа мамлакатларини қайд этиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси саноатлашган аграр давлат типига киради.

Маърифийлик тавсифига кўра, давлатлар — Шарқ ва Ғарб типларига бўлинади. Шарқ давлатларига Осиё ҳудудида жойлашган давлатларни Ғарб давлатларига Европа минтақаси мамлакатларини кўрсатиш мумкин.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ҳажми бўйича юксак даражада ривожланган (Люксембург, Швейцария, Япония, Америка Қўшма Штатлари), ўрта даражада ривожланган (Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон) ва «қашшоқ» (Эфиопия, Нигерия, Конго, Малави) давлатларга бўлинади.

Маърифий типологиянинг ижобий жиҳатлари, биринчидан, маълум шароитлардаги маданий омиллар типологиянинг асосий мезони қилиб олинади, иккинчидан, маънавий мезонларнинг кўплиги, муайян цивилизациянинг ўзига хос хусусиятлари типологияни аниқ амалга оширишга имкон беради.



## IV Б О Б ДАВЛАТНИНГ ШАКЛЛАРИ

### 1-§. Давлат шакли тушунчаси

Давлат узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди, шу давр ичида у шаклланиб, ривожланиб, ўзгариб келди. Табиийки, давлат инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳар хил шаклларга эга бўлган. Давлатни унинг шакли нуқтаи назаридан ўрганиш — аввало, давлат тузилиши, унинг асосий таркибий қисмлари ва ички структурасини, шунингдек давлат ҳокимиятини ўрнатиш ва амалга оширишнинг асосий усулларины англашни назарда тутати.

Аҳоли ҳаёт тарзини яхшилаш мақсадида турли хил инқилобий ўзгаришлар, ҳатто фуқаролик урушлари ёки кўзғолонлар асосида давлат тўнтаришлари ўтказиб, ўзига қулай бўлган давлат шаклини яратишга интилади. Жамиятнинг ривожланиши ва аҳоли онгининг ўсиши натижасида давлат шакллари ўзгариб туради ва такомиллашиб боради, бу ҳақда тарих жонли гувоҳлик беради.

Давлатнинг шакллари муайян тарихий шароитларга, жамиятнинг ижтимоий тузумига, жуғрофий, иқлим ва бошқа шароитларига, аҳолининг ижтимоий таркибига, сиёсий кучлар нисбатига боғлиқ равишда турли-туман бўлиши мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «ҳар бир давлат бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосиласидир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир»<sup>1</sup>.

Давлат шакли ҳақидаги масала муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Давлат шакли тушунчаси давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг предмети сифатида, ҳуқуқшуносликнинг энг муҳим, сермазмун мавзуларидан бири бўлиб, унинг маъносини англаш ва изоҳлашга жиддий ёндашув талаб этилади. Ушбу фикрнинг тасдиғи сифатида ҳуқуқшунос олим И. Ильин куйидагиларни таъкидлайди: «Давлат шакли — мурак-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. Т. 3. — Т., 1996. 6-6.

каб ва ғоят масъулиятли масаладир, уни эҳтиёткорлик ва мутлақо холис фикр билан ўртага қўйиш зарур. Энг аввало, давлат шакли халқлар ҳаётига дахлсиз бўлган «мавҳум тушунча» ҳам, «сиёсий чизги» ҳам эмас, балки ҳаёт тарзи ва халқ ҳокимиятининг жонли ташкил этилишидир»<sup>1</sup>.

Халқ ўз ҳаёт тарзини тушуниши, айнан «шундай» ташкил этилишини уддалаши; шу тузум қонунларини ҳурмат қилиши ҳамда шу ташкилотга ихтиёрий ҳиссасини қўшиши зарур. Бошқача айтганда, айнан халқнинг жонли ҳуқуқий онги давлат шаклини белгилаб беради, унга ҳаёт, куч бахшида этади; бинобарин, давлат шакли, энг аввало, халқнинг ҳуқуқий онги даражасига, унинг тўплаган тарихий-сиёсий тажрибасига, ирода кучи ва миллий хусусиятига боғлиқдир<sup>2</sup>.

«Давлат шакли» иборасини бир гуруҳ олимлар «давлат тузуми»нинг синоними сифатида қўллайдилар ва давлат шакли тушунчасига давлат бошқарув шакли, давлатнинг тузилиш шакли ва сиёсий режим киради, деб ҳисоблайдилар. Иккинчи гуруҳ олимлар давлат шаклига давлат бошқарув шакли ва давлат тузилиши шакли киради деб, унга сиёсий режимни қўшмайдилар. Яна бир тоифа ҳуқуқшунослар давлат шакли — давлат ҳокимиятининг тузилиши шаклидир, дейдилар. Шундай қилиб, давлат шакли уч тушунчани: давлат бошқарув шакли, давлат тузилиши шакли ва сиёсий режимни ўз ичига олади.

**Давлат бошқарув шакли** давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг шакллантирилиши ва ташкил этилиши тартиби, уларнинг ўзаро ҳамда аҳоли билан алоқадорлигидир. Бу тушунча орқали мамлакатда ким ҳукмрон ва у ҳокимиятни қандай бошқаради, деган саволларга жавоб олинади. Бошқарув шаклига қараб давлатларнинг **монархия** ва **республика** шакллари фарқланади.

**Давлат тузилиши шакли** орқали давлатнинг ҳудудий таркиби, марказий ва маҳаллий ҳокимият идораларининг ўзаро муносабати (нисбати) ифодаланади. Давлатлар тузилиши шаклига кўра, **оддий (унитар)** ва **мураккаб (федератив, конфедератив)** турларга ажратилади.

<sup>1</sup> Ильин И.А. О государственной форме // «Сов.гос. и право», 1991. №11. — С.135.

<sup>2</sup> Ильин И. О грядущей России. Избранные статьи. — М., 1993. С. 27.

**Сиёсий (давлат — ҳуқуқий) режим** давлат ҳокимиятини амалга ошириш усуллари (методлари) ва воситалари йиғиндисиدير. Давлат ҳокимиятини амалга ошириш усул ва воситалари тоифасига кўра демократик ва авторитар сиёсий режимлар фарқланади.

Лекин шуни таъкидлаш жоизки, булар ҳозирча давлат шаклини тушунишга бўлган умумий ёндашув, илк танишувдир. Уни батафсилроқ тушуниш учун давлат шаклини ташкил этувчи ҳар уч жиҳатни диққат билан ўрганиш, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, ўзаро таъсирини кузатиш ҳамда назарий, сиёсий-ҳуқуқий тафаккур юз йиллар давомида давлатни ўрганар экан, давлат шаклининг айнан шундай мазмунини нега алоҳида ажратиб кўрсатганлигини тушунишга ҳаракат қилиш лозим.

Давлат шаклини бундай тушунишнинг шунчаки таркиб топмаганлиги ва айрим олимларнинг ҳозир ҳам унга қўшилмасликларини қайд этиб ўтиш жоиз. Узоқ вақт давомида давлат шакли бошқарув шакли ва давлат тузилиши шаклидан (биз келтирган таркибдан дастлабки иккитасидан) иборат деб ҳисоблаб келинган. Кейинчалик унга сиёсий идора усули қўшилган. «Давлат шакли» ва «сиёсий идора усули» ўртасига тенглик аломатини қўювчилар ҳам, бунга асос ҳам бўлган. Буни кейинроқ «сиёсий (давлат) идора усули» тушунчасини батафсил кўриб чиқиш вақтида муфассал изоҳлаб ўтамиз. Шунга қарамай, ҳозирги кунда давлат ҳокимияти ташкилоти уч қисм — бошқарув, давлат (сиёсий) тузилиши ҳамда давлат (сиёсий) идора усули — бирлигидан ташкил топади, деган фикр кенг тарқалган.

## 2-§. Давлат бошқаруви шакли

Давлатнинг моҳиятини тушунишда давлат бошқаруви шакли алоҳида аҳамиятга эга. Бошқарув шакли давлат ҳокимиятини ташкил этиш тартиби ва мазмунини англатади.

Давлат бошқаруви шакли инсониятни қадимдан қизиқтириб келган. Бунда давлатни ким бошқаради, давлат қандай бошқарилади деган масалаларга ва унинг бошқариш шакллариغا Афлотун, Арасту, Форобий, Монтескье, Локк, Руссо ва бошқа мутафаккирлар ўз асарларида алоҳида эътибор қаратганлар. Бошқарув шакли деганда, олий давлат

ҳокимияти, унинг идоралари аҳоли билан ўзаро муносабати, аҳолининг ушбу идораларни шакллантиришда иштирок этиш даражаси тушунилади.

Бошқарув шаклига кўра, давлатлар **монархия ва республикага** бўлинади. «Монархия» юнонча сўздан олинган бўлиб («monos» — бир, «arhe» — ҳокимият), якка ҳукмронлик, якка ҳокимиятчилик деган маънони англатади.

Монархиянинг қуйидаги белгилари мавжуд:

- монарх давлатни шахсийлаштиради;
- монарх ташқи ва ички сиёсатда давлат бошлиғи ҳисобланади;
- монарх давлатни ўзи якка бошқаради;
- монарх ҳокимияти муқаддас ва дахлсиз деб эълон қилинади;
- ҳокимиятни ўрнатиш ва қабул қилишнинг алоҳида тартиби мавжуд;
- монарх ўз бошқарув фаолияти натижаси учун юридик жиҳатдан жавобгар бўлмайди.

Монархия олий ҳокимият халқ томонидан сайлаб қўйилган органларга эмас, балки мерос тариқасида эгаллаган подшо-ҳукмдорга тегишли бўлади. Монархия бошқарув шаклига асосланган давлатларда мамлакат бошлиқлари император, хон, подшо, султон, қирол, қиролича, амир, шоҳ ва бошқа шу каби номлар билан аталади.

Монарх давлатни танҳо ҳокимлик асосида бошқаради. Албатта, бу давлатнинг барча ишларини унинг бир ўзи ҳал этар экан, деган маънони билдирмайди. Турли давлат органларида хизмат қилувчи кўп сонли маслаҳатчилар, вазирлар, амалдорлар давлат ишларини бошқаришда иштирок этади. Айни пайтда, энг муҳим давлат ишлари бўйича монархнинг ўзи ҳукм чиқаришига тўғри келади. У давлат ҳокимиятининг тўлақонли суверен эгасидир. Монарх ҳокимияти олий мақомга эга бўлиб, у мустақилдир. У — давлатдаги олий ҳокимият соҳибидир. Монархия ҳокимияти ворислик асосида бир авлоддан иккинчи авлодга мерос бўлиб ўтади. Ҳокимиятни бир шахсдан иккинчисига ўтишига халқнинг ҳеч қандай алоқаси бўлмайди, ҳокимиятнинг ҳукмдор томонидан эгалланиши ва унинг фаолият кўрсатиши махсус маросимлар орқали амалга оширилади. Монарх муддатсиз, умрбод ҳокимият эгаси

ҳисобланади. Лекин, монархлар ағдариб ташланганлиги, ўлдирилганлиги, бошқа кишилар билан алмаштирилганлигига тарихда мисоллар кўп. Монарх сиёсий бошқарувда масъулиятдан озод ҳисобланади, яъни у ўз бошқаруви натижалари учун юридик ва сиёсий жавобгар ҳисобланмайди. Ҳукмдор қоидага кўра, қуроли кучларнинг бош қўмондони ҳисобланади. Масалан, 1809 йилдаги Швеция давлат бошқаруви тўғрисидаги қонунда Қиролнинг хатти-ҳаракатлари қонунга кирмайди, деб кўрсатилган.

Монархиянинг уч тури мавжуд: **мутлақ монархия, чекланган монархия ва ноанъанавий монархия.**

Давлат ҳокимияти бошқа биронта идора ваколатлари билан ёки қонунлар асосида чекланмаган ҳолда амалга оширилса, бундай монархия мутлақ монархия дейилади.

**Мутлақ монархия** бошқарув шаклида давлат бошлиғи ҳокимиятдан муддатсиз, яъни умрбод фойдаланади, тахтни мерос ёки қариндошлик цензи бўйича эгаллайди ҳамда ўз хатти-ҳаракатлари учун қонун ёки бирор давлат органи олдида жавобгар бўлмайди, балки фақат худо олдида масъулиятнинг мавжудлигида намоён бўлади. Мутлақ монархиянинг ўзига хос яна бир хусусияти шундаки, мазкур бошқарув шаклига асосланган давлатлар қонунларида давлат бошлиғи, яъни монарх томонидан қабул қилинган қонун ёки бошқа турдаги ҳуқуқий ҳужжатнинг бирор-бир шахс томонидан бажарилмаслиги ҳолатида у фақат юридик жавобгарликка тортилибгина қолмай, балки монарх худонинг ердаги вакили ҳисоблангани учун унинг амрини бажармаслик катта гуноҳ саналади ва худонинг қаҳрига учрайди ҳамда инсон ўлимидан сўнг нариги дунёда худо олдида ҳам жавоб бериши ҳақида уқтирилади. Монарх ҳокимияти илоҳийлаштирилган шаклда намоён бўлади.

**Чекланган монархияда** мутлақ монархиядан фарқли равишда монарх ҳокимиятининг ваколатлари конституция ва қонун асосида ёки давлатнинг бирон-бир ваколатли идораси томонидан чекланган бўлади. Чекланган монархия, ўз навбатида, дуалистик ва парламентар турларга бўлинади.

**Дуалистик монархия** давлатларига Саудия Арабистони, Кувайт, Непал каби давлатлар киради. Дуалистик монархиялар XIX асрнинг охи-

ри XX аср бошларида (буржуа-демократик инқилоблар даврида), яъни ҳукмдорлар мутлақ монархия шаклида бошқарувни ушлаб тура олмаган, буржазия эса ҳали кучга тўлмаган даврда кенг тарқалган эди.

Дуалистик монархия мутлақ монархиядан парламентар монархияга ўтишда оралик, ўтиш шакли бўлиб, ҳукмдор билан бир қаторда, мутлақ монархия учун хос бўлмаган бошқа олий давлат ҳокимият органлари — парламент ва ҳукуматнинг мавжудлигида намоён бўлади. Амалдаги ва юридик ҳокимият монарх тузадиган ҳукумат ва қонун чиқарувчи идора ҳисобланган парламент ўртасида бўлинади.

Дуалистик монархиянинг ўзига хос хусусияти шундаки, парламент (ёки унинг бир палатаси) ва ҳукумат аъзолари ҳукмдор томонидан тайинланади ва унинг олдида шахсан жавобгар бўлади. Ушбу монархия шаклида давлат бошлигининг ваколатлари қисман чекланган бўлсада, аммо у аслида давлат бошлиғи функциясини амалга оширади. Ҳукуматни тузиш парламентнинг партиявий таркибига боғлиқ эмас.

*Парламентар монархияда* ҳокимият ҳукмдор билан бирга давлат ҳокимиятининг олий органлари — парламент, ҳукумат ва бошқа органлар ўртасида тақсимланган бўлади. Парламент халқ томонидан кўппартиявийлик асосида сайлаш йўли билан шакллантирилади. Ҳукуматни парламентда кўпчилик ўрин эгаллаган партия тузади, худди парламентар республикада бўлганидек, сайлов натижаларига кўра ҳукумат парламент олдида ҳисоб беради. Энг кўп депутатлик мандатига эга бўлган партия раҳбари ҳукуматга бошчилик қилади.

Парламентар монархияда ҳокимиятнинг тақсимланишига амал қилинади. Ҳукмдор сиёсий ҳаётда иштирок этади, лекин унинг ҳокимият функциялари жуда кам бўлиб, тантанавор маросимлар хусусиятига эга (ҳукуматнинг ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишини қабул қилиш, халқаро муносабатларда давлат номидан вакиллик қилиш, давлат нишонларини тақдим этиш ва ҳоказо). Фақат баъзи бир парламентар монархия давлатларида ҳукмдор қўлида давлатни бошқаришнинг реал воситалари мавжуд (масалан, Буюк Британияда қиролича парламентни тарқатиб юборади, у айна вақтда, суд ҳокимияти ва черков бошлиғи ҳисобланади), лекин амалда ҳокимиятни бошқариш воситалари қўлланилмайди. Қонунларни парламент қабул қилади ва монарх

томонидан имзолангач юридик кучга киради. Бундай имзолаш рамзий маънога эга.

Ҳозирги вақтда Европанинг қатор давлатлари парламентар монархия шаклида фаолият юритмоқда. Буюк Британия, Швеция, Испания, Бельгия, Голландия, Дания, Норвегия ва бошқалар шулар жумласидандир.

*Ноанъанавий монархия* чекланган монархия шакли сифатида кўп учрамайдиган давлат шакли бўлиб, давлат бошқаруви амалиётида фаол ривожланмаган. Ушбу бошқарув шакли монархиянинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, айрим ўзига хос хусусиятларга эга. Ноанъанавий монархияда ҳам республика, ҳам монархия шаклининг элементлари уйғунлиги намоён бўлади. Бирлашган Араб Амирлиги етти амирлик — Абу Даби, Дубай, Шаржа, Ажман, Умм ул-Қайвайн, Ал-Фужайра ва Раъс ул-Хаймадан иборат бўлиб, ҳокимиятнинг олий органи — амирликларнинг шайхларидан иборат Олий кенгаш ҳисобланади. Мазкур кенгаш аъзолари 5 йил муддатга давлат бошлиғи — Олий амирни сайлайдилар. Унинг монархия бошқарув шаклига хос хусусияти шундаки, Олий амир фақатгина етти амирлик раҳбарларидан ва келажақда шу амирларнинг тахт меросхўрларидан сайланади. Амир лавозими эса фақатгина ягона авлод ва унинг меросхўрларига тегишлидир. Ҳукмдорнинг тахтни эгаллаши жараёни халқнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда шакллантирилади, бу эса, ўз навбатида, монархияга хос хусусият касб этади.

Мазкур бошқарув шаклининг республикага оид жиҳати шундаки, Олий амир сайлов йўли билан белгиланиб, у муайян давргача ваколатли ҳисобланади. Демак, сайловнинг мавжудлиги ва муайян муддатнинг ўрнатилганлиги республикага хос бўлган хусусиятдир.

Малайзия давлати мисолида қуйидагиларни кўриш мумкин: давлат бошлиғи — Олий ҳукмдор (подшоҳ, 2001 йил 12 декабрдан Султон Туанку Саид Нутра Жамолуллайл) 9 малайя штати султонлари кенгашида яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Бунда унинг тор доирадаги шахслар томонидан сайланиши ҳамда давлат бошлиғи лавозимига фақат султон ва унинг қавм-қариндошлари таркибидан номзодлар тақдим этилиши монархиянинг белгиси сифатида эъти-

роф этилса, сайлов институтининг мавжудлиги ҳамда муайян даврий муддатга ваколат берилиши эса республика бошқарув шаклининг кўриниши ҳисобланади.

*Давлат бошқарувининг республика* шаклида давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг олий органлари бевосита халқ томонидан ёки халқ сайлаган органлар томонидан сайлаб қўйиш йўли билан тузилади ва унинг ваколоти муайян муддатга белгиланади. «Республика» лот. *respublika* — «жамоа иши», «халқ иши», давлат деган маънони англатади. Республиканинг асосий белгилари — ҳокимият олий органларининг сайлаб қўйилиши, ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши, қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи орган — судларнинг мавжудлиги, фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда бевосита ва билвосита иштирок этиши.

Жамият тараққиёти тарихида республика шаклидаги давлат бошқарувининг бир неча кўринишлари маълум. Афина давлатида (мил. ав. V — IV асрлар) бошқарувнинг демократик республика шакли мавжуд бўлган. Унда афиналик эркин фуқароларнинг қулга айланишига йўл қўйилмасди. Бу республикада ижтимоий рақобат, қулга эгалик қилишнинг махсус тартиби, жамоа қулчилиги мавжуд эди. Шунингдек, Афинада давлат бошқарувининг бирмунча самарали тизими фаолият кўрсатган.

Спарта (мил. ав. V—IV асрлар) ва Рим давлатлари (мил. ав. V—II асрлар) аристократик республикалар бўлган. Улар давлат сифатида аксарият аҳолининг аристократия, нуфузли киборлар қисмининг манфатларини ифодалаган. Шунингдек, шаҳар-республикалар ҳам мавжуд бўлиб, уларда фуқароларнинг эркинликлари ва хусусий мулк муносабатларининг эркинлиги тан олинган. Шаҳар-республикалар Флоренция, Венеция — Италияда; Новгород, Псков — Россияда ва Германия, Франция, Англияда ҳам бўлган.

Республика ҳозирги дунёда кенг тарқалган давлат бошқарув шакли бўлиб, унинг икки кўриниши мавжуд: 1) *президентлик республикаси*; 2) *парламентар республика*.

Президентлик бошқарув шаклида «кучли президент» қоидасига асосланилади. Президент ҳукумат бошлиғи ҳисобланиб, уни тузади ва ҳукумат президент олдида ҳисобот беради. Президент ҳам расман, ҳам



амалда давлат бошлиғи ҳисобланиб, махсус тартибда халқ ёки сайловчилар ҳайъати томонидан сайланади, шу боис у парламентдан мустақил ҳолда фаолият юритади. Президент мустақил ҳолда норматив ва норматив бўлмаган ҳужжатлар қабул қилиш ҳамда парламент қабул қилган қонунларга вето қўйиш ҳуқуқига эга.

Давлат бошлиғи кенг ваколатларга ва мамлакатда ҳокимиятни амалга оширишда муҳим нуфузга эга бўлиб, шахсан ўзи ёхуд парламент розилиги билан ҳукумат аъзоларини тайинлайди ҳамда вазифасидан озод қилади, шунингдек баъзи ҳолларда парламентни ҳам тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга.

Президент ижроия ҳокимият раҳбари бўлсада, айтилишига қарамай вақтнинг ўзида миллатнинг яхлитлиги рамзи ҳисобланади. Президент мамлакатда олий бош қўмондон вазифасини ҳам амалга оширади. Масалан, Россия, Франция, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа қатор давлатларда президент бевосита халқ томонидан сайланади. Сайловлар тегишли қонунлар асосида амалга оширилади.

*Парламентар республиканинг* моҳияти шундан иборатки, парламент олий давлат ҳокимият органлари орасида муҳим мавқега эга бўлиб, ҳукуматни тузишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳукумат парламент олдида ҳисобдордир. Ҳукуматни парламент сайловларида энг кўп ўрин эгаллаган партия тузади. Давлатнинг амалдаги раҳбари ҳукумат бошлиғи — бош вазир бўлиб, у қоидага кўра сайловларда ғолиб чиққан партия йўлбошчиси ҳисобланади.

Парламент давлат ҳокимияти органлари тизимида энг муҳимидир. Ҳукумат ўз вазифаларини қонун чиқарувчиларнинг ақсарияти қўллаб-қувватласагина бажариши мумкин, бундай ишончдан маҳрум бўлган тақдирда, у истеъфога чиқади.

Парламентар республикаларда президентлик лавозими кўзда тутилган бўлсада, одатда, у катта мавқега эга бўлмайди. Ушбу бошқарув шаклида «кучли парламент» қоидаси амалда бўлиб, парламент кенг доирадаги ваколатларга эга бўлади.

Германия, Австрия, Италия, Ҳиндистон, Туркия каби давлатлар парламентар республика шаклидаги давлатлар қаторига киради. Шунингдек, жаҳон тажрибасида республиканинг аралаш шакли ҳам учраб

туради. *Аралаш (президентлик-парламентар) республика* бошқарув шакли ноанъанавий монархия шакли сингари бошқарув амалиётида кам учрайдиган турлардан бири бўлиб, юридик адабиётлар ва ҳуқуқшунослик манбаларида батафсил ўрганилмаган. Аралаш республика шакли мамлакатда бир вақтнинг ўзида «кучли парламент» ва «кучли президент» мавжудлиги билан бошқарувнинг бошқа шаклларида кескин фарқ қилиб, президент ва парламент ваколатлари ўртасидаги мувозанатнинг мавжудлигида намоён бўлади.

Президент умумхалқ овоз бериш йўли билан сайланади. У кенг ваколатларга эга бўлса-да, лекин ҳукумат бошлиғи бўлмайди. Президентлик лавозими билан бир қаторда, кенг ваколатларга эга бўлган бош вазир мансаби назарда тутилади. Ҳукуматни тузишда президент ҳам, парламент ҳам фаол иштирок этади. Ҳукумат ҳам парламент олдида (ишончсизлик вотуми), ҳам президент олдида (истеъфо) масъулдир.

Аралаш республика шаклига ҳозир Франция ва Украина давлатларидаги мавжуд бошқарув шаклини мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

### 3-§. Давлатнинг тузилиш шакли

Давлат ҳокимиятини ҳудудий нуқтаи назардан ташкил этиш ва амалга ошириш — мураккаб, кўп таркибли ҳодиса бўлиб, унда давлат тузилишининг муайян тартиби, давлатнинг алоҳида таркибий қисмлари ўртасидаги боғланиш ва ўзаро алоқадорлик муносабатлари назарда тутилади. Бу миллий-давлат қурилиши, маъмурий-ҳудудий тузилиш, иқтисодий ва махсус ҳудудларга ажратишни ҳам қамраб олади.

*Давлатнинг тузилиш шакли* деганда, муайян давлатнинг сиёсий, маъмурий, ҳудудий тузилиши ва унинг олий органлари билан маҳаллий органлари ўртасидаги алоқалар эътироф этилади. Давлатнинг тузилиш шакли иккига бўлинади: *оддий (унитар)* ва *мураккаб (федератив ва конфедератив)*.

*Оддий (унитар) давлат тузилишида* мамлакат маъмурий-ҳудудий қисмларга (вилоятлар, штатлар, округлар, графликлар, туманларга) бўлиниб, у ягона олий орган, ягона бошқарув органлари тизимида,

фақат битта умумдавлат конституциясига, ягона фуқароликка, муайян яхлит ҳудуд, давлат чегараси, ягона армия, ягона пул бирлиги ва қонунчилик тизимига эга бўлади. Бунда ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлик давлат тузилмаси мақомига эга бўлади. Унитар давлатлар (лотинча «unitas» сўзидан олинган бўлиб — «ягона», «бир бутун» деган маънони англатади) оддий тузилишга эга яхлит давлат бўлиб, тўла сиёсий бирлик эканлиги билан фарқланиб туради.

Унитар давлатлар ҳудудида бошқа мустақил давлатлар, мамлакат таркибида давлат белгиларига эга алоҳида ҳудудий тузилмалар, яъни, «давлат ичидаги давлатлар» бўлмайди. Унитар давлатлар таркибидаги маъмурий-ҳудудий бўлинмалар фақат маҳаллий масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга, марказий ягона давлат ҳокимияти мамлакатнинг бутун ҳудудига ўз таъсирини, юрисдикциясини танҳо ўтказди. Барча маъмурий ҳудудлар учун ягона қонунчилик тизими, молия-кредит ва солиқ сиёсати амал қилади. Унитар давлатларга Дания, Норвегия, Швеция, Франция, Италия, Украина каби оддий таркибий тузилишга эга давлатлар мисол бўла олади.

Унитар давлатларнинг алоҳида тури бўлиб, **автоном ҳудудли унитар давлатлар** ҳисобланади. Уларда ягона ҳудуд таркибида автоном тузилмалар бўлади. Автоном ҳудудли унитар давлатларга Хитой (ўз таркибида бир қатор автономияларга эга — Тибет, Ички Мўғулистон, Гонконг ва ҳоказо), Испания (Басклар вилояти), Украина (Қрим автоном республикаси), Дания (Фарер ороллари ва Гренландия) мисол бўлади.

**Федератив давлат** (лотинча «foederare» сўзидан олиниб, «иттифоқ билан мустаҳкамлаш» маъносини англатади) мураккаб давлат демакдир. Федератив давлат — тенг ҳуқуқли республикалар, штатлар, кантонлар ва бошқа давлат тузилмаларининг ихтиёрий бирлашуви асосида ташкил топади.

Тарихда йирик давлатлар вужудга келишининг икки йўли бўлган. Ҳар икки йўл бир неча ёки кўпчилик алоҳида давлатларнинг бирлашувидан бошланади. Биринчи йўл муайян иқтисодий, сиёсий ёки ҳарбий мақсадларга эришиш мақсадида шартномавий бирлашув (федерация йўли); иккинчиси — унитар давлатга иқтисодий ва маданий чати-

шиб кетадиган сиёсий кўшилиш йўли. Федерация тушунчаси ҳақида кўпчиликнинг тасаввури ва тушунчаси ноҳолис ёки мавҳум бўлиб, айримларнинг фикрича, федерацияга бирлашиш гўёки, федерация таркибидаги мавқеи юқори бўлган давлатга қарам бўлиб қолишни назарда тутади. Аслида, федерация турли тарихий даврларда бир неча кичик давлатларнинг ташқи хавфдан мудофааланиш мақсадида бирлашуви натижасида юзага келган.

Америка Кўшма Штатлари бир неча мустақил штатларнинг 1775 йилда Англия мустамлакасига қарши курашишда стратегик мақсадларда ягона федерацияга бирлашганлиги асосида ташкил топган. Федератив давлатлар ер юзида кеча ёки бугун пайдо бўлган янги давлат тузилмаси бўлмай, балки унинг вужудга келиш тарихи XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг бошларига бориб тақалади. АҚШ, Канада, Мексика, Германия давлатлари шулар жумласидандир.

Давлатларнинг ягона федерация таркибига бирлашуви айрим ҳолларда уларнинг битта давлат таркибига сингиб кетиши натижаси, давлатнинг тузилиши шакли даставвал федерация бўлса, кейинчалик унитар сиёсий шаклга айланиб кетиши ҳоллари учраб туради.

Франция мисолида кўрадиган бўлсак, мазкур давлат тарихда бир неча маъмурий-ҳудудий бирликлардан иборат бўлган алоҳида кичик мустақил давлатлар, жумладан, бир қироллик, бир курф-юретлик, 26 герцоглик, 6 князлик, бир маркграфлик, 77 графлик, 19 вице-графлик, 14 мулк, бир маркизлик, бир «капталат» ва 13 вақф ерларидан ташкил топган эди. Улар дастлаб федерация таркибига бирлашдилар, кейинчалик бу кичик давлатларнинг барчаси ягона Франция давлати сифатида бирлашиб, ўзида унитар сиёсий шаклни ташкил этди.

Федератив давлат тузишнинг ўзига хос асослари бўлиб, уларнинг инкор этилиши келажакда бу каби тузилманинг барҳам топишига олиб келиши мумкин: *биринчидан*, федерация ташкил этилиши учун икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг бўлиши талаб этилади; *иккинчидан*, давлатлар нисбатан унча катта бўлмаган шаклда тузилган бўлиши лозим, чунки федерацияни марказдан туриб бошқариш имконияти ва унга қулайлик яратилиши талаб этилади. Агар федерация таркибида

жуда кўп давлатлар бирлаштирилса, бундай федерация самарасиз бўлиб қолиши мумкин; *учинчидан*, шартлашаётган давлатлар бир-бирига ҳақиқатан ҳам стратегик, ҳам хўжалик, ҳам сиёсий жиҳатдан аниқ эҳтиёж сезиши лозим. Аслида ҳам федерациянинг юзага келишида давлатларнинг ўзаро табиий эҳтиёжи асосий ўрин эгаллайди. Эҳтиёжсиз бирлашув эса, ўз навбатида, зўравонлик, босқинчилик, қолаверса буюк давлатчилик шовинизмига хос хусусиятдир; *тўртинчидан*, халқда ўз бурчини англаш ҳисси тарбияланган, мажбуриятлар ва шартномаларга холис ва садоқат билан қараш, ўз шаъни ва қадр-қимматини билиш, давлат сифатида ўзини ўзи бошқара олиш қобилиятига эга бўлган халқлар бор жойдагина федерация тузиш мақсадга мувофиқдир. Федерацияда ҳокимият идораларининг икки тизими амал қилади: федерал даражада ва федерация субъектлари даражасида. Федератив давлат ўз таркибига кирувчи субъектларининг қонун чиқарувчи органлари, ҳукумати, алоҳида суд органлари каби қатор давлат тузилмаларининг иттифоқидан иборат бўлади.

Федератив давлатнинг белгилари қуйидагилардан иборат:

*Биринчидан*, унинг ҳудуди субъектлар ҳудуди йиғиндисидан иборат бўлади. *Иккинчидан*, олий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти федерация ва субъектлар миқёсида икки поғонали бўлади. Федерация ва унинг субъектларининг ваколатлари федерация конституциясида белгилаб қўйилади. *Учинчидан*, икки фуқаролик мавжуд бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг бир вақтнинг ўзида ҳам федератив давлат фуқароси, ҳам федерация субъекти фуқароси эканлигини билдиради. *Тўртинчидан*, федерациянинг олий қонун чиқарувчи (вакиллик) идораси икки палатали тузилишга эга: қуйи палата бутун мамлакатнинг манфаатини, юқори палата федерация субъектлари манфаатларини ифода этади. *Бешинчидан*, марказий ҳукуматга бўйсунувчи ягона қуролли кучлар, полиция, хавфсизлик хизматлари, божхона тизими мавжуд бўлади. *Олтинчидан*, федерациянинг субъектлари давлат белгиларига — ўз конституциясига, олий давлат ҳокимият органларига (субъект бошлиғи, парламент, ҳукумат), ўз рамзларига эга бўлади.

Федерация таркибига кирувчи давлатлар ихтиёрий равишда бирлашиб марказлашган давлатни ташкил қилади. Федерацияда барча аъзо

субъектлар номидан марказий идоралар иш олиб боради ва унинг манфаатларини ифода этади.

Федерациянинг бир-биридан фарқловчи уч тури мавжуд: *худудий, миллий* ва *миллий-худудий федерация*.

*Худудий федерация* мамлакатни худудий белгиси бўйича тақсимлаш принципига асосланган. Бу қоидага кўра, худуди жуда катта бўлган давлатларда, бошқарувни осонлаштириш мақсадида федерация тузилади. Федерациянинг ушбу турини ташкил этувчи давлат тузилмалари суверен бўлмайди. Субъектлар халқаро муносабатларда бевосита иштирок этиш ҳуқуқидан конституция билан маҳрум этилган бўлиб, уларнинг иттифоқдан бир томонлама чиқиши тақиқланган. Куролли кучларни иттифоқ идораси бошқаради. АҚШ, Бразилия, Мексика худудий федерацияларга мисол бўлади.

*Миллий федерацияларда* субъектлар, уларда яшовчи миллатлар мустақиллиги асосида тузилади. Қоидага кўра, миллий федерация мустақкам тузилма бўлиб ҳисобланади. Миллий федерациянинг асосий хусусиятига кўра, федерация субъектлари — миллий давлатлар ва миллий давлат тузилмаларидан иборат бўлиб, улар асосан субъектларнинг ихтиёрийлик принципига мувофиқ бирлашадилар. Катта ва кичик миллатлар суверенитети кафолатланади ҳамда олий давлат идоралари федерация субъектларининг вакилларида ташкил этилади. Мазкур федерацияга бирлашган барча миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўладилар. Югославия Иттифоқ Республикаси (Сербия ва Черногориянинг иттифоқи эди), Чехословакия (1993 йилда Чехия ва Словакияга ажралиб кетган) иттифоқлари миллий федерацияларга мисол бўла олади.

*Миллий-худудий федерациялар* федерацияларнинг алоҳида тури ҳисобланиб, иттифоқни шакллантириш асосида ҳам миллий, ҳам худудий принцип ётади. Миллий-худудий федерацияларга: Россия Федерацияси (72 субъект, уларда яшовчи миллатлар, хусусан субъектда кўпчиликни ташкил этмайдиган миллатлар асосида ташкил топган ҳамда асосан рус аҳолиси истиқомат қиладиган 57 субъект — худудий тузилмадан иборат); Германия (аҳолиси, ўтмишда немис миллатига яқин бўлган аҳолидан иборат 16 худудий тузилма — ерлардан иборат).

Давлат тузилиш шаклининг яна бир тури — бу конфедерациядир.

**Конфедерация** бир неча давлатларнинг айрим муҳим соҳалар, яъни иқтисодий, сиёсий, мудофаа масалалари бўйича тузган иттифоқидир. Конфедерацияда ягона давлат ҳудуди, ягона фуқаролик бўлмайди. Конфедерация бу тўла мустақил давлатларнинг айрим соҳалар бўйича тузадиган кўнгилли иттифоқидир. Конфедерация давлат тузилиш шакли ҳисобланиб, у шартнома ёки битим асосида тузилади ҳамда муваққат характерга эга бўлади. Улар кейинчалик асосий мақсадга эришганидан сўнг тарқалиб кетиши ёки тузилган иттифоқни мустақкамлаб федерацияга ўтиши, ёхуд қўшилиб унитар давлат бўлиб кетиши ҳам мумкин.

Конфедерациянинг федерациядан фарқи шуки, федерация алоҳида давлатларнинг ягона давлатга бирлашиш борасидаги иттифоқи бўлса, конфедерация мустақил давлатларнинг чекланган соҳалардаги иттифоқидир, яъни конфедерация субъектлари бирлашиш жараёнида ўз мустақиллигини сақлаб қолади, федерация субъектлари эса ўз суверенитетини федерация идоралари ихтиёрига топширадилар. Шунингдек, федерация қатъий равишда конституция асосида бирлашса, конфедерация тарафларнинг ўзаро келишувига биноан шартнома ёки битим асосида бирлашади.

Конфедерация муваққат, беқарор тузилма. Одатда, у мустақил давлатларнинг федерацияга бирлашишида ёки федерациянинг мустақил давлатларга бўлиниб кетишида оралиқ босқич ҳисобланади. Масалан, Швейцария 1815—1848 йилларда федерацияга бирлашди, Сене Гамбия 1982 йилда Сенегал ва Гамбияни бирлаштиришга уринишдан сўнг 1989 йилда мустақил давлатларга бўлиниб кетди. Конфедерацияни ташкил этган давлатлар ўртасидаги муносабатнинг кучсизлиги унинг барқарор эмаслигидан далолат беради. Унинг таркибий қисмларида давлат суверенитети ва бошқа давлатчилик белгилари — мустақил армия, фуқаролик, қонунчилик, судлов органлари тизимига эгаллиги кабиларда намоён бўлади.

Конфедерацияда ягона умумий олий давлат ҳокимияти органлари йўқ ёки улар бўлган тақдирда ҳам номигагина ваколатларга эга. Конфедерация таркибидан хоҳлаган субъект, истаган вақтда эркин чиқиб кетиш ҳуқуқига эга.

Конфедерациянинг ўзига хос белгилари қуйидагилардан иборат:

- 1) конфедерация муайян мақсадга эришиш учун бирлашган мустақил давлатларнинг иттифоқи;
- 2) барқарор бўлмаган сиёсий тузилма;
- 3) ягона ҳудуднинг бўлмаслиги;
- 4) ягона фуқароликнинг ўрнатилмаслиги;
- 5) конфедерация субъектлари ундан эркин чиқиб кетиши мумкинлиги;
- 6) конфедерация субъектларининг қонунчилик ҳужжатларини қўлламаслик ҳуқуқига эгаллиги;
- 7) конфедерация ваколатига чекланган доирадаги масалаларни ҳал этиш кириши;
- 8) конфедерация бюджети унинг аъзолари ихтиёрий бадалларидан ташкил топиши.

Ҳозирги вақтда Европанинг 15 та давлатини бирлаштирган Европа иттифоқи давлатларининг ҳамдўстлиги конфедерацияси мавжуд. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги конфедерация эмас.

#### 4-§. Сиёсий режим

Давлат шаклининг асосий элементларидан бири сиёсий режим (тартиб)дир. Юриспруденцияда сиёсий режим ибораси «сиёсий тартиб», «давлат режими» ёки «давлат тартиби» каби шаклан ҳар хил, аммо мазмунан бир хил бўлган тушунчалар билан ифодаланлади. «*Сиёсий режим*» тушунчаси юридик адабиётда XX асрнинг 60-йилларида юзага келган бўлиб, олимлар ўртасидаги турли хил тортишув, баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди. Бир гуруҳ олимлар сиёсий режим давлат шаклининг синоними деб эътироф этсалар, иккинчи гуруҳ олимлар эса уни давлат шакли таркибига кирмайди, деб таъкидлаганлар.

«*Сиёсий режим*» тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланилади. Кенг маънодаги ёндашувда сиёсий режим барча сиёсий ҳаёт, умуман жамият сиёсий тизими ҳодисаларининг намоён бўлиши ва тартиби тушунилади. Тор маънодаги ёндашувда эса сиёсий режим фақат давлат ҳаёти,



давлат ҳокимиятини рўёбга чиқариш билан боғлиқ ҳодисалар ва усулларнинг намоён бўлиши тарзида талқин этилади.

**Сиёсий режим** — давлат ҳокимиятини амалга оширишда фойдаланиладиган тартиб ва усуллар йиғиндиси. Давлат ҳокимияти ҳар бир мамлакатда ўзига хос хусусиятга эга, шу боис сиёсий режим ҳам турлича қарор топади ва намоён бўлади. Муайян давлатнинг сиёсий режими моҳияти ва мазмуни ўзига хос мезонлар, яъни, давлат ҳокимиятининг аҳоли билан муносабати қайси йўллар ва қандай усуллар орқали амалга оширилиши, сиёсий соҳада турли кучларнинг ўзаро муносабатлари, жамоат ташкилотларининг жамият сиёсий тизимидаги мавқеи қай даражадалиги билан белгиланади. Шунингдек, давлат ўз ҳокимиятини амалга ошириш жараёнида аҳолининг манфаатлари учун хизмат қилишига қараб сиёсий режим **нодемократик** ва **демократик** турларга бўлинади.

Нодемократик режим юридик фанда гайридемократик, аксидемократик ва антидемократик каби иборалар тарзида қўлланилади. Демократик режимдан фарқли ўлароқ, нодемократик режим демократияга хос принцип ва қоидаларни тан олмайди, аксинча уларни инкор этади.

Давлатнинг сиёсий режими таркибида нодемократик режимнинг ўзига хос турлари мавжуд бўлиб, улар **тоталитар**, **фашистик** ва **авторитар** шаклларда намоён бўлади.

**Тоталитар режим** усулига фашистик давлатлар ва «шахсга сифиниш» давридаги социалистик давлат мисол бўлади. Ушбу режим кўппартиявийлик тизимини рад этган ҳолда, фақат бир ҳукмрон партиянинг мавжудлигига йўл қўяди ва мазкур партия жамиятнинг етакчи кучи деб эълон қилинади, унинг қоидалари муқаддас ақидалардек қабул қилинади. Ҳукмрон партия давлат бошқарувини жиловлаб туради ҳамда партия ва давлат органларининг ўзаро қўшилиб кетиши содир бўлади. Сиёсий ҳукмрон партия раҳбари сиёсий лидер бўлиб, у давлат бошлиғи ҳисобланади. Мамлакатда сиёсий плюрализмга йўл қўйилмай, ягона расмий мафкура ўрнатилади. Давлатда энг доно, «халқ отаси» бошчилик қилади ва у буюк доҳий деб эътироф этилади.

Тоталитар давлат бошқарувида идора этиш тартиби ўта марказлашган бўлади. Барча фуқаролар юқоридан келадиган буйруқларга оғишмай

амал қиладилар. Ҳар қандай ташаббус тақиқланади. Шахс сиёсий ҳаётда деярли иштирок этмайди ва одамлар ҳаёти қаттиқ назоратга олинган бўлади.

*Фашистик идора усули* тоталитар режимнинг авж олган шаклиларидан бири бўлиб, у миллатчилик мафқураси бир миллатнинг бошқалардан афзаллиги тўғрисидаги тасаввурларга таянади. Инсонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайси миллатга мансублигига боғлиқ бўлади, шунингдек бу режим амал қиладиган давлатларда цензлар асосан шахснинг миллати ва ирқига қараб белгиланади. Ушбу режим одамлар қонун ва суд олдида тенг бўлиши мумкин эмас деган ақидага таянади, фақат бир миллатни олий ирққа мансуб деб эълон қилади ва у барча имтиёзларга эга бўлиши мумкин, деб ҳисобланади. Бундай ҳолларда инсон ва унинг шахсига нисбатан агрессив кайфият ҳукмрон бўлади. Жамиятда узлуксиз равишда ижтимоий ихтилофлар, омманинг қашшоқлашуви юз беради.

*Автократик сиёсий режим жамоавий автократия* ва *якка шахс автократияси* кўринишида бўлиши мумкин.

*Жамоавий автократия* ўз навбатида, *аристократия* ва *олигархияга* бўлинади.

*Аристократик режимда* ҳокимият аҳолининг муайян қисмини ташкил этган задогонлар қўлида тўпланиб, халқ давлат бошқарувида жалб этилмайди. Аристократиянинг энг муҳим хусусияти шундаки, инсоннинг жамиятдаги мавқеи унинг ижтимоий келиб чиқиши билан белгиланади.

*Олигархия режимид*а аристократик режимдан фарқли равишда ҳокимиятга эгалик қилиш инсонларнинг мулк цензига қараб белгиланади, ҳокимият аҳолининг мулкдор табақаси томонидан эгалланади. Бунда ҳам аристократик режимдаги сингари оддий халқ давлат бошқарувида жалб этилмайди. Олигархиянинг ўзига хослиги шундаки, инсоннинг жамиятдаги мавқеи унинг бойлиги билан белгиланади.

Нодемократик сиёсий режим жамоа автократиясидан фарқли равишда *якка шахс автократияси* кўриниши бўлиб, у ҳам ўз навбатида, *авторитар, тирания* ва *деспотия* каби турларга бўлинади.

*Авторитар сиёсий режим* мамлакатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланганлиги, бекор қилинганлиги ёки умуман йўқлиги билан ажралиб туради. Бу каби сиёсий режимга асосланган давлатларда давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти чеклан-

ган, тугатилган ёки умуман тақиқланган бўлади ҳамда давлат ҳокимияти устидан халқ назоратининг йўқлиги, уларнинг яширин усуллар билан шакллантирилиши намоён бўлади.

Авторитар сиёсий режимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бутун ҳокимият ягона шахс (бир орган ёки бир неча шахс) қўлида тўпланиб, давлат ҳокимиятини амалга оширишда маъмурий-буйруқбозлик, баъзан террорчилик (ўзбошимчалик, зўравонлик) усуллари қўлланилади ҳамда тараққийпарвар сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари фаолияти тақиқланади, чекланади ёки тарқатиб юборилади.

Ушбу режимда сиёсий монизм, яъни якка мафкуранинг устунлиги, унинг давлат мафкураси даражасига кўтарилганлиги, фуқаролик жамиятининг мавжуд эмаслиги, унинг институтларининг чекланганлиги, ижтимоий манфаатларни ифодалаш имкониятларининг тақиқланганлиги авж олади.

**Тирания режими** якка шахс бошқарувига асосланган. Бунинг *деспотиядан* фарқи шундаки, тираннинг ҳокимияти, одатда, зўравонлик, босиб олиш, баъзан қонуний ҳокимиятни ағдариб ташлаш натижасида қарор топади. Тиран ҳокимияти ўзбошимчалик, террор ва геноцид асосида амалга оширилиб, демократик тамойиллар тан олинмайди, мамлакатда амалда бўлган қонунларга риоя қилинмай, уларни мунтазам равишда бузиш ҳоллари юз беради. Тиран ҳокимияти шафқатсиз бўлади ҳамда қўрқувга асосланади. Ушбу ҳокимиятнинг йўлига ғов бўлган гуруҳ ёки жамоа шафқатсиз равишда бостирилади.

**Деспотия** (юнонча «despoteia» — чекланмаган ҳокимият) режими ҳокимиятнинг фақат бир киши томонидан бошқариладиган мутлақ монархияга хослигини англатади. Деспотиялар қадим замонларда пайдо бўлиб, бошқарувда ўта ўзбошимчалик, раиятнинг тўла ҳуқуқсизлиги, бошқарувда ҳуқуқий ва ахлоқий қадриятларнинг йўқлиги билан ажралиб туради. Деспотия шароитида мустақиллик, норозилик мумкин бўлмай, бундай ҳодисалар худди тираниядаги сингари аёвсиз бостирилади.

Бундай ҳолатларда ишлатиладиган чора-тадбирлар ўта аёвсиз ва шафқатсиз бўлиб, жазолаш даҳшатли тус олади. Бунинг сабаби халқни қўрқувда сақлаш ҳамда ўрнатилган ҳокимиятнинг барқарорлигини ушлаб туришда намоён бўлади.

**Демократик сиёсий режим.** Демократия (юнонча *demokratia* «*demos* — халқ, *kratos* — ҳокимият» — «халқ ҳокимияти») сиёсий режими барча инсонларнинг тенглиги ва эркинлигини тан олишга, аҳолини турли жамоат ташкилотларига бирлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини халқ иштирокида сайлаш, давлат ҳокимиятининг тақсимланиши ва халқнинг давлатни бошқаришда иштирок этишига асосланганлигида акс этади. Демократик давлат ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини расмий равишда конституция ва қонунларда эълон қилади, айти пайтда, уларнинг иқтисодий заминини таъминлайди ҳамда кафолатлайди. Демократик тартиб икки шаклда амалга оширилади: *вакиллик демократияси* ва *бевосита демократия*.

**Вакиллик демократиясида** халқ ўзи сайлаган депутатлари орқали давлат аҳамиятига молик иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий масалаларни муҳокама қилиш, ҳал этиш ҳақида қарор қабул қилиш ва давлатни идора этишда қатнашиш имкониятига эга бўлади.

**Бевосита демократияда** давлатни идора этишда халқнинг бевосита иштироки таъминланади, яъни давлат аҳамиятига эга бўлган масалаларни ҳал этишда умумхалқ овозига қўйиш (референдум) ни амалга ошириш мумкин.

Демократик сиёсий режимнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлиги;
- давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ эканлиги;
- вакиллик ҳокимият органларининг тўлақонли фаолият кўрсатиши;
- сиёсий қарорлар қабул қилиниши устидан халқ назоратининг ўрнатилганлиги;
- ҳокимият ваколатларининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ўртасида тақсимланганлиги;
- давлатнинг фуқаролик жамияти ҳаётига қонунсиз аралаша олмаслиги;
- ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолиятининг қонунга тўла асосланганлиги;

- жамоат бирлашмалари тизимининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мавжудлиги;
- сиёсий партияларнинг муҳолифотда бўлиш эркинлиги таъминланганлиги;
- сиёсий плюрализмнинг қарор топганлиги — турли ижтимоий гуруҳлар ўз манфаат (фикр) ларини эркин ифодалаш имкониятига эгалиги;
- фуқаролик жамиятининг шаклланганлиги.


Демократик сиёсий режим доирасида *либерал* ёки *либерал-демократик режим* турлари фарқланади. *Либерал режимда* давлат ҳокимияти сайловлар йўли билан шакллантирилади, ҳокимиятнинг тақсимланиши амал қилади ҳамда шахс билан давлат ўртасидаги нисбатда устуворлик шахс томонида бўлади. Либерал режимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, инсон ўз мулки, ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлади, иқтисодий жиҳатдан мустақил, сиёсий эркин ҳаракат қилади ҳамда сўз, фикр алмашиш ва мулк шакллари эркинлиги эълон қилинади.

*Либерал-демократик режимда* барча одамларнинг тенглиги ва озодлиги эътироф этилиб, давлатни бошқаришда халқнинг кенг иштироки таъминланади. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг иқтисодий асослари кафолатланади. Шунингдек, жамият ишларини бошқариш ва ҳуқуқий нормаларни яратишда халқ ялпи равишда иштирок этади ҳамда ижро органлари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин, давлатни бошқаришда президентлик институти жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси бошқарув шакли бўйича *президентлик республикаси* шаклидаги давлат, тузилиш шакли бўйича оддий — унитар давлатдир, сиёсий режимига кўра, демократик тартибдаги давлат. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кунидан бошлаб ҳозирги кунга қадар ўзининг мустақил тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу Президент И.А.Каримовнинг: «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида ҳам кўрсатиб ўтилган. Бу рисолада ёш, суверен давлат ривожланишининг беш тамойили белгилаб берилган: — иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги, давлат — бош ислохотчи эканлиги, қонун устуворлиги, ислохотларнинг босқичма-босқич амалга

оширилиши ва кучли ижтимоий сиёсат юритилиши. Унга кўра, Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлида умуминсоний қадриятларни қайта тиклаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини тан олиш асосида халқаро ва миллий давлатчилик тажрибаларига асосланиб, келгусида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этади.

1991 йилнинг 31 август куни ўзбек халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи амалга ошди — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Республика барча кўп миллатли аҳолисининг хоҳиш-иродаси «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида» ги конституциявий қонунда мустақамланди ҳамда умумхалқ референдумида ўзининг яқдил тасдиғини топди. Мустақиллик қўлга киритилиши билан мамлакатда дарҳол демократик ҳуқуқий давлат асослари вужудга келтирила бошлади. Республикада ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов ҳокимиятларига бўлиниши тамойили амал қилмоқда. Икки палатали парламентнинг қарор топиши (2004 йил декабрь — 2005 йил январь) давлатчилигимиз тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ҳуқуқий асосини вужудга келтириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» конституциявий қонунлар қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси қонун чиқариш ишини янада фаол йўлга қўйишни тақозо этади. Давлат бошқарувининг янги тизими шаклланди. Бошқарувнинг президентлик республикаси шакли бу тизимнинг ўзаги бўлди. Жойлардаги бошқарув тизимида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлик лавозимлари жорий этилди. Қонун устуворлигини, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминловчи суд ҳокимиятини қайта ташкил этиш ва ваколатларини янада кенгайтириш ишлари фаол олиб борилмоқда. Президент И. А. Каримов «Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз самарали фойдаланади», — деб таъкидлади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. — Т., 1996. 40-б.



## V Б О Б

### ДАВЛАТНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

#### 1-§. Давлатнинг функциялари тушунчаси, мазмуни ва белгилари

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани давлатни турли жиҳатлардан ўрганади. Аввалги бобларда давлатнинг моҳияти, таърифи, ижтимоий вазифаси, тузилиши ва белгилари ўрганиб чиқилди. Бироқ, давлатни билиш нафақат унинг статик ҳолати, балки динамикасини, яъни бу институт қандай фаолият юритаётганлиги, амал қилаётганлиги, ўзгараётганлиги ва ривожланаётганлигини, ўз ижтимоий вазифаларини қандай бажараётганлигини ҳам ўрганишни тақозо этади. Давлат фаолиятининг турли томонларини тавсифлаш, тушунтириш ва башорат қилиш учун «**давлат функциялари**» категориясидан, давлатнинг сиёсий тизим институти сифатида қандай фаолиятни амалга оширишига бериладиган тавсифдан фойдаланилади.

«**Давлат функциялари**» атамаси давлатнинг ижтимоий вазифалари намоён бўладиган фаолиятининг асосий, энг муҳим йўналишларини белгилаш учун қўлланилади. Бундай фаолият йўналишларининг энг асосий мақсади жамиятнинг барқарор турмуш тарзини таъминлашдан иборатдир. Давлат функцияларида давлатнинг моҳияти, ижтимоий ривожланиши ва, энг аввало, мамлакат аҳолисининг турли-туман манфаатларини қондириш билан боғлиқ асосий масалаларни ҳал этишдаги аниқ роли ўз ифодасини топади.

Ҳуқуқшунос олимлар В. М. Корельский ва В. Д. Первалов «давлат функцияси — давлатнинг асосий ҳаракат йўналиши ва ундан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалар» дир<sup>1</sup>, — деб таърифласа, Н. И. Матузов ва А. В. Мальколар «давлат функциялари — давлатнинг ташқи ва ички фаолиятига хос асосий йўналишлар бўлиб, ушбу йўналишлар давлатнинг синфий ва умуминсоний моҳияти асосида ўз аксини топади ва

---

<sup>1</sup> Теория государства и права // Под ред. В.М. Корельского и В.Д. Первалова. — М.: Инфра — Н — норма, 2001. С. 146.



муайянлашади»<sup>1</sup>, деб қайд этадилар. З. М. Исломов давлат функциялари — фаолият йўналиши, бироқ ҳеч қачон фаолиятининг ўзи эмас, деб таъкидлайди<sup>2</sup>. Бироқ, охириги мулоҳаза назарий жиҳатдан баҳслидир. Шундай қилиб, юридик адабиётларда «давлат функцияси» тушунчасига оид ягона бир фикр ҳозирга шакллангани йўқ. Аммо тадқиқотчиларнинг барчаси давлат функцияси давлатнинг моҳияти, ижтимоий мақсади, вазифаларини белгилаб беради, деган фикрда яқдилдирлар.

Давлат функциялари тараққиётнинг у ёки бу босқичида жамият олдида турган асосий вазифаларга қараб белгиланади ва бу вазифаларни рўёбга чиқаришнинг воситаси сифатида намоён бўлади. Давлат вазифаларининг мазмуни эса турли хил ички ва ташқи омиллардан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Масалан, мамлакат иқтисодий ҳаётидаги танглик ҳодисалари давлатнинг, унинг барча органларининг куч-ғайратини иқтисодий вазифаларни ҳал қилишга жалб этишни талаб қилади. Жиноятчиликнинг ўсиши эса, давлатни жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, жиноятчиликни келтириб чиқараётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш юзасидан ўз вақтида жиддий амалий чора-тадбирлар кўришга мажбур этади. Ташқаридан бўладиган тажовуз давлат механизмини мамлакат аҳолисини тажовузни бартароф этишга тайёрлаш учун сафарбар қилади.

Мамлакатимиз давлат ва ҳуқуқ назарияси фани ривожланишининг ҳозирги босқичида давлат фаолиятига унинг функциялари нуқтаи назаридан ёндашув кенгая бориб, давлатнинг ижтимоий вазифаси ва бинобарин, зиммасидаги барча вазифаларини теранроқ тушунишга олиб келмоқда. Мустақиллик шароитида жамият ҳаётида юзага келган ҳозирги янги шарт-шароитлар давлат функциялари мазмунига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Масалага функционал ёндашув турли халқларда давлатнинг турли кўриниш ва шаклларда юзага келиши, ривожланиши, алмашиши, барҳам топиши, яъни давлатчилик шаклланиши ва эволюциясининг

<sup>1</sup> Матузов Н.И., Малько А.В. Теория государства и права. Учебник. — М.: Юристов, 2004. С. 48—66.

<sup>2</sup> Исламов З.М. Общество. Государство. Право (вопросы теории). — Т., 2001. С. 223.

узоқ тарихий жараёнини янада чуқурроқ ўрганиш имконини беради. Айни давлатчилик тушунчаси жамиятнинг давлат бўлиб уюшганлигига, мазкур жамият ўзининг давлат билан ҳамоҳанг тарихий ривожланишида босиб ўтадиган турли босқичларга, ва энг асосийси, давлат бажарадиган турли функцияларга изоҳ беради. Бошқача айтганда, фақатгина статик ва динамик тавсиф умумий ҳолда давлат каби мураккаб ижтимоий институтнинг табиатини чуқур англашга имкон яратади.

Давлат функциялари қуйидаги умумий жиҳатлар билан таърифланади:

1. Давлат ҳар бир функциясининг мазмуни бир йўналишдаги давлат фаолиятдан таркиб топади. Давлат фаолиятининг ўхшаш томонлари улар қайси ижтимоий муносабатларга дахлдор бўлса, ана шу муносабатларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда битта функцияга бирлаштирилади.

2. Муайян фаолият учун махсус тузилган кўп сонли давлат органларининг (масалан, молия вазирлиги, халқ таълими вазирлиги, прокуратура органларининг) функцияларидан фарқли ўлароқ, давлат функциялари унинг фаолиятини бутунлай қамраб олади. Бироқ, бу ҳол муайян давлат функцияларини амалга оширувчи айрим органларнинг аҳамиятини камайтирмайди, чунки мазкур органлар баъзида давлатнинг асосий вазифаларини ҳал қилишда етакчи роль ўйнайди. Давлат функцияларини унинг айрим органлари функцияларидан фарқлаш лозим. Агар давлат функциялари у амалга оширадиган фаолиятнинг асосий, ижтимоий аҳамиятга молик, бутун давлат аппаратининг иши бўйсундирилган йўналишларига жавоб берса, айрим давлат органларининг функциялари ҳаммиша ҳам давлатнинг ижтимоий вазифалари ва моҳиятини ифода этавермайди.

3. Давлат функциялари комплекс, умумий тусга эга. Уларда давлатнинг ички ва ташқи фаолиятидаги ҳал қилувчи, ҳаётий муҳим йўналишларга қаратилган саъй-ҳаракатлари қамраб олинади.

4. Давлат функцияларини махсус ваколатли органлар ёки турли давлат органларининг таркибий тузилмалари томонидан амалга ошириладиган давлат фаолиятидан фарқлаш ҳам зарур. Масалан, жиноят

ишларини тергов қилиш, божхона назоратини амалга ошириш давлат фаолиятининг турлари жумласига киради.

5. Давлат функциялари бу функцияларни рўёбга чиқаришнинг шакллари ва услублари билан айнан бир нарса эмас. Ҳуқуқ ижодкорлиги, ижроия-фармойиш бериш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти — ҳозирги замон давлати функцияларини амалга оширишнинг асосий ҳуқуқий шакллари ҳисобланади. Давлат тараққиётнинг у ёки бу босқичида ўз олдида турган вазифаларга мувофиқ ишонтириш, рағбатлантириш ёки мажбур этишнинг турли воситаларидан фойдаланиши мумкин. Давлатнинг аниқ функцияси эса давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг мазмуни, шакли ва услублари давлат фаолиятининг муайян йўналиши билан узвий боғлиқдир.

## 2-§. Давлат функцияларини таснифлаш

Давлат функцияларини ўрганиш, бу соҳадаги илмий билимдан амалиётда фойдаланиш давлат назарияси фани тўплаган давлат-ҳуқуқий муносабатларга доир жами материалларни тартибга солишни тақозо этади. Бунинг учун юқорида таъкидланганидек, давлат-ҳуқуқий ҳодисалар ҳамда жараёнларни билишда илмий таснифлаш услубидан фойдаланилади. Зеро, ушбу услубдан фойдаланилмаса, давлат-ҳуқуқий ҳодисалар ҳамда жараёнларни ҳар томонлама тартибга солиш ва таққослаш мушкул.

Давлат функцияларини ўрганишда ҳам таснифлаш услубидан самарали фойдаланилади. У ёки бу функцияларни муайян бир туркумга, гуруҳга киритиш имконини берувчи таснифлаш мезонлари, яъни белгилари (уларнинг йиғиндиси) турли хусусиятга эга. Масалан, давлат фаолиятининг объектлари ва соҳалари, ҳудудий кўламлари, ижтимоий муносабатларга давлат томонидан таъсир кўрсатиш усули, вазифаларнинг мазмуни бир-биридан фарқ қилади.

Дарҳақиқат, илмий ва амалий мақсадларда давлат функциялари турли мезонлар бўйича таснифланиши мумкин. Давлат функциялари амал қилиш вақти бўйича **доимий** ва **вақтинчалик** функцияларга бўлинади. Доимий функциялар давлат амал қилишининг барча босқичла-

рида рўёбга чиқарилади. Вақтинчалик функциялар ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос шарт-шароитлари боис келиб чиқади ва бундай эҳтиёжга ўрин қолмаганидан кейин барҳам топади. Сиёсий йўналиш (ички ва ташқи сиёсат) *соҳалари* бўйича давлат функциялари **ички** ва **ташқи** функцияларга бўлинади. Ички функциялар давлатнинг мамлакат ичидаги фаолиятини, муайян жамият ҳаётидаги етакчилик ролини англатади. Ташқи функциялар эса, мамлакат ташқарисида олиб бориладиган фаолиятни англатади, унда бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларда давлатнинг роли намоён бўлади. Ҳар қандай давлатнинг ички ва ташқи функциялари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир, чунки, бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатлар йўлини белгиловчи ташқи сиёсат ҳам кўп жиҳатдан муайян давлат амал қилишининг ички шарт-шароитларига боғлиқ бўлади. Ижтимоий ҳаёт соҳалари бўйича давлат функциялари *иқтисодий, ижтимоий, сиёсий* ҳамда *маънавий соҳада* амалга ошириладиган функцияларга бўлиниши мумкин.

Давлат функцияларини *асосий* ва *асосий бўлмаган* функцияларга ажратиш лозим, деган фикр ҳам мавжуд. Албатта, бундай ажратиш шартли тусга эга бўлади, сабаби, бу борада аниқ мезонлар ҳали илмий тарзда белгиланмаган. Муайян давлатнинг ҳар бир функцияси шу давлат учун объектив заруратдир. Давлат фаолиятининг барча турлари тенг даражада муҳим, бироқ бу фикр, турли босқичларда биринчи навбатда эътибор қаратилиши лозим бўлган устувор йўналишларни белгилаб олиш имкониятини истисно қилмайди, албатта. Мана шу устувор йўналишлар давлатнинг асосий фаолият йўналишларига айланади.

Ҳокимиятлар тақсимланиши принципини мезонлар жумласига киритиш ва ушбу принцип асосида давлат функцияларини таснифлаш мумкин. Бунда функциялар тегишинча *қонун чиқариш (қонун ижодкорлиги), бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш (шу жумладан, судлов)* ва *ахборот* функцияларига бўлинади. Бундай таснифлашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у давлат ҳокимиятини рўёбга чиқариш жараёнини, ҳокимиятлар тақсимланиши принципини ифодалайди. Бу қонунчилик (вакиллик), ижро этиш, суд ҳокимияти тармоқлари фаолияти

билан боғлиқ расмий таснифлашдир. Шундай бўлсада, ушбу таснифдан илмий ва амалий мақсадларда тез-тез фойдаланилади.

«Тўртинчи ҳокимият» деб аталувчи оммавий ахборот воситалари фаолиятини кўрсатувчи ахборот тарқатиш вазифасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу функция ҳам ўзининг мазмуни, тузилиши, таъминлаш усуллари ва воситаларига эга. Ушбу функциянинг ўзига хос хусусияти қуйидагилардан иборат: аҳолини аниқ мақсадга йўналтирилган ахборот билан таъминлаш, ижтимоий онгга ахборот орқали таъсир кўрсатиш ва ахборот узатишнинг бошқа усулларида иборат бўлиб, ҳокимият барча тармоқларининг, бутун давлатнинг амал қилиши ва фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Умуман олганда, айтиш жоизки, *давлат функциялари* — давлатнинг яхлит, сиёсий, институционал, ҳудудий жиҳатдан ягона фаолиятдир. Шунинг учун давлат назариясида давлат функцияларини ички ва ташқи функцияларга ажратиш, яъни давлатнинг жамиятга (давлатнинг ўзи ҳам жамиятнинг алоҳида ташкилоти ҳисобланади) муносабати бўйича (ички функциялар) ва давлат шаклида ташкил топган бошқа жамиятларга, бошқа давлатларга нисбатан муносабати (ташқи функциялар) бўйича фаолиятини аниқлаш функцияларни тақсимлашнинг фоят кенг тарқалган ва эътироф этилган усулидир.

### **3-§. Давлатнинг ички функциялари**

Давлатнинг ички функциялари — унинг жамият ички ҳаётини бошқариш бўйича фаолиятининг асосий йўналишларидир. Ички функцияларни таснифлаш давлат фаолиятининг соҳалари бўйича амалга оширилади. Бошқарув шакллари ёки давлат қурилишидан қатъи назар, ҳар бир давлат бир қатор асосий иқтисодий, ижтимоий, муҳофаза ва назорат қилиш вазифаларини ҳал этади. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш барча давлатларнинг энг муҳим вазифасидир. Давлат фаолиятининг мазкур соҳаларига мувофиқ унинг ички функциялари иқтисодий, ижтимоий, молиявий назорат, ҳуқуқий тартиботни таъминлаш ва табиатни муҳофаза қилиш функцияларига бўлинади.

1. *Иқтисодий функция* давлат томонидан мамлакат иқтисодиётини энг мақбул шароитда ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ишлаб чиқилиши ва мувофиқлаштирилишида ўз ифодасини топади. Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида амал қилувчи ҳуқуқий давлатда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш маъмурий усуллар воситасида эмас, асосан иқтисодий услубларда амалга оширилади. Бундай давлат учун мулкдорнинг эркинлик ва мустақиллик ҳуқуқи хос бўлиб, бу ҳуқуқлар ижтимоий бойликларни (моддий неъматларни) яратувчиларнинг ҳам, уларни истеъмол қилувчиларнинг ҳам бир хилда тенглиги ва мустақиллигини таъминлайди.

Давлат томонидан тартибга солишнинг икки асосий иқтисодий услуби мавжуд:

1) муайян ва бирмунча қаттиқ солиқ сиёсати, бундай сиёсат давлатга ўз олдида турган ижтимоий вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш, шунингдек жамият ишлаб чиқарувчи кучларини янада мутаносиб ривожлантириш мақсадида миллий даромаднинг муайян қисмини қайта тақсимлаш имконини беради;

2) иқтисодиётнинг бутун жамият учун энг кўп фойда кўриладиган устувор тармоқларини ривожлантириш орқали хўжалик юритиш учун энг маъқул шарт-шароитларни яратиш.

Мустақиллик қўлга киритилганидан кейин Ўзбекистон Республикасида солиқ солишнинг секин-аста бир моделидан иккинчисига ўтилди. 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан янги, анча либераллаштирилган Солиқ кодексининг амалга киритилганлиги фикримизга далилдир.

Ҳозирги замон демократик давлатининг иқтисодий фаолияти қуйидаги йўналишларга эга:

**1. Бутун жамият иқтисодий ҳаётига давлатнинг таъсири.** Бундай таъсир давлат томонидан бюджетнинг шакллантирилиши ва бюджет сарф-харажатлари устидан назоратнинг амалга оширилиши, мамлакат миқёсида иқтисодий ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилиши, саноат ва илмий тадқиқот дастурларининг молиялаштирилиши ҳамда ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун моддий бойликлар яратувчиларга субсидиялар беришда ўз ифодасини топади. Иқтисодий жараёнларнинг давлат томонидан тартибга солинишида давлат ҳокимиятининг

юқори ва маҳаллий органлари, шунингдек ихтисослаштирилган муассасалар иштирок этади.

Маҳаллий давлат органлари ҳам иқтисодиётга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Улар маҳаллий бюджет учун кўпроқ маблағ олиш мақсадида ўзига қарашли ҳудудда капитал оқими ва бизнесни ривожлантиришни таъминлайди. Маҳаллий ҳокимият органлари тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ўз ҳудудларига янги компанияларни жалб этиш орқали инфратузилмани ривожлантирадилар, ишсизлик муаммосини ҳал этадилар. Бундай вазифаларни амалга ошириш учун солиқлар ва маҳаллий йиғимлар механизмидан фойдаланилади, қурилиш учун ер майдонлари ажратилади, янги ишлаб чиқарувчиларни молиялаштириш учун облигациялар чиқарилади. Давлатнинг иқтисодий функцияси асосан тартибга солиш, рағбатлантириш, тавсиялар бериш каби ҳаракатлардан иборатдир, бироқ бу борадаги фаолият учун тақсимлаш ёки тақиқлаш механизмларини ишлаб чиқиш мутлақо ётдир.

Давлатнинг иқтисодий фаолияти иқтисодиётнинг давлат секториди (давлат корхоналари, муассасалари ва идораларида) бевосита ҳўжалик раҳбарлигининг амалга оширишда ҳам ўз ифодасини топади. Бу ўринда давлатнинг ўзи ишлаб чиқариш воситаларининг мулкдори, моддий бойликлар ва хизматларни яратувчи сифатида фаолият кўрсатади. Иқтисодиётнинг ушбу секториди таркиб топадиган иқтисодий муносабатларга давлат томонидан таъсир кўрсатиш услублари мамлакатда иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солишнинг умумий услубларидан жиддий фарқ қилмайди.

**2 Давлатнинг ижтимоий функцияси** шахснинг ижтимоий ҳимояланганлиги, моддий бойликлар яратишда бевосита иштирок этиши ёки иштирок этмаслигидан қатъи назар, жамиятнинг барча аъзолари учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилади.

Ҳуқуқий давлатда моддий бойликларни таъминлаш ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги эркин эквивалент алмашувдан ташқари ҳам амалга оширилади. Давлатнинг ижтимоий сиёсати, биринчидан, турли объектив сабабларга кўра тўлақонли меҳнат қила олмайдиганлар (беморлар, ногиронлар, кексалар, талабалар, болалар)

учун муносиб турмуш тарзини таъминлаш мақсадида ижтимоий бойликларни яратишга қўшилган меҳнат улушидан қатъи назар уни тақсимлашни тақозо этади. Иккинчидан, давлат соғлиқни сақлаш, маданий дам олиш, маориф, уй-жой қурилиши, транспорт ва алоқанинг бенеуқсон ишлаши учун зарур маблағлар ажратади. Айнан шу орқали давлат фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, дам олиш, уй-жойли бўлиш, таълим олиш, маданият ютуқларидан фойдаланишга бўлган ҳуқуқлари, яъни ижтимоий ҳуқуқларини лозим даражада рўёбга чиқарилишини таъминлайди. Бундай ҳуқуқлардан давлатнинг барча фуқаролари имкон қадар тўлиқ ҳажмда фойдаланишлари керак.

Демократик давлат иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволда қолган барча кишиларнинг аниқ ижтимоий ҳимоя қилинишини кафолатлайди ва мамлакат бутун аҳолисининг ижтимоий эҳтиёжларига ажратиладиган маблағларни муттасил кўпайтириб боради. Моддий ва маънавий бойликларни яратувчилар эркинлик ҳамда иқтисодий мустақилликка эга бўлсаларгина, давлат мамлакат аҳолисига нисбатан адолатли ижтимоий сиёсат ўтказишга қодир бўлади.

**3. Молиявий назорат функцияси** ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари давлат томонидан аниқланиши ва ҳисобга олинишида ўз ифодасини топади. Қонунга биноан бундай даромадларнинг муайян қисми ижтимоий ва бошқа умумдавлат эҳтиёжларини қондириш учун давлат бюджетига солиқлар тарзида йўналтирилади. Давлат солиқларнинг тўғри сарф қилиниши устидан назоратни амалга оширади. Даромадлар ва харажатлар устидан олий даражадаги молиявий назорат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Президенти ҳузуридаги Ҳисоб палатаси ваколатига киради. Жойларда ушбу вазифаларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бажарадилар. Молия вазирлиги бундай назоратни амалга оширишда зарур ҳуқуқларга эга.

Молиявий назоратнинг ўзига хос функциялари солиқ ва божхона органлари томонидан амалга оширилади. Ушбу органлар моддий бойликларнинг давлат чегарасидан олиб ўтилиши устидан назорат қиладилар ҳамда божхона йиғимлари ва божларини, шунингдек солиқлар ва бошқа умумий мажбурий тўловларни ундирадилар. Давлат чегарасидан божхона идораларининг назорати остида ўтказиладиган товарлар



ва мол-мулкдан ундирилган пул йиғимлари давлат даромадига ўтказилади.

Самарали молиявий назорат давлатга муайян маблағ тўплаш имконини беради. Бундай маблағ тўплашдан кўзланган мақсад улардан яна жамият манфаатлари йўлида фойдаланишидир.

**4. Ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилиш (ҳуқуқни муҳофаза қилиш) функцияси** — давлатнинг ижтимоий муносабатлар барча иштирокчилари давлат томонидан чиқарилган қонунларни аниқ ва тўла бажаришини таъминлашга қаратилган фаолиятидир.

Жамият ва давлат ҳаёти адолатли қонунлар негизига қурилган ҳуқуқий давлатда шахс, жамият, давлат манфаатлари ҳар қандай ноқонуний тажовузлардан муҳофаза қилинади. Давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти марказида, биринчи навбатда, шахснинг фуқаро сифатидаги, жамият аъзоси сифатидаги, эркин индивид сифатидаги шахси, шунингдек давлатнинг ўзи ва унга қарашли турли тузилмалар туради. Шунинг учун шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш билан бир пайтда давлат ўзи ҳамда бутун жамият манфаатларини муҳофаза қилади.

Ҳуқуқбузарликларга қарши кураш — давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг муҳим томони, аммо бу борадаги фаолиятнинг асосий йўналиши эмас. Давлат зиммасига жамият ҳаётида эркинлик ва адолат негизида яратилган ҳуқуқий нормалар талабларига тўлиқ жавоб берадиган тартибни сақлаб туриш ҳамда уларни махсус органлар (суд, ички ишлар органлари, прокуратура ва бошқа шу кабилар) ёрдамида таъминлаш юклатилган. Мамлакатда барқарор ҳуқуқий-тартиботни сақлаш — бутун давлат, унинг жами органлари тизимининг вазифасидир. Давлат фаолиятининг мажбурлов томони фуқаролар ва давлат ўртасида уйғун, объектив юзага келган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ахлоқий муносабатлар таркиб топган сари секин-аста ўз аҳамиятини йўқотиб боради. Мажбурлов маърифий тараққий этган жамиятнинг ҳуқуқий тартибига ўз ўрнини бўшатиб беради.

**5. Табиатни муҳофаза қилиш (экология) функцияси** — ҳозирги кунда ҳар қандай давлатнинг, умуман, бутун жаҳон ҳамжамиятининг ҳаётий муҳим фаолиятидир. Атроф-муҳит биргаликда яшаш объекти сифатида

ўзига нисбатан ўта оқилона ҳушёр ва баодоб, сергак муносабатда бўлишни талаб қилади.

Ҳозирги Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш мақсадига қаратилган қонунларнинг кенг кўлами ишлаб чиқилган бўлиб, уларда одамлар ва табиий муҳитдан фойдаланиш соҳасидаги турли ташкилотларнинг фаолияти барқарор тартибга солинган (ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси, табиий ресурслар ва сувни муҳофаза қилиш тўғрисида қонунлар қабул қилинган). Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ишлаб чиқилиб, ҳозирда амал қилиб турган дастурларда табиий муҳит яхлитлигини ва мувозанатини бузувчиларга қарши фаол таъсир чораларни кўриш, ҳатто табиий муҳитни ифлослантирувчи зарарли чиқинди манбаларига тўлиқ барҳам беришгача бўлган чораларни қўллаш назарда тутилган.

Атроф-муҳитни одамлар фаолиятининг салбий таъсиридан сақлаш бўйича аниқ огоҳлантирувчи чоралар мавжуд. Мамлакатимизда махсус орган — Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан ташкил этиладиган ва унга бўйсунувчи ушбу Кўмита табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ижроси устидан назорат қилиш борасида кенг ваколатларга эга. Давлат ҳокимиятининг юқори ва маҳаллий органлари билан бир қаторда прокуратура органлари ҳам табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларга аниқ ва қатъий риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадилар.

Мамлакатимизда давлатнинг таълим соҳасидаги фаолиятининг муҳимлиги ва ҳажмини ҳисобга олиб қатъий айтиш жоизки, ҳозирги босқичда **таълим функцияси** давлатнинг мустақил функцияси сифатида ажралиб чиқмоқда. Ҳақиқатан ҳам, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2005—2009 йилларда умумтаълим мактабларини ривожлантириш дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳамда ҳаётга татбиқ этиб борилаётганлиги давлатимизнинг таълим соҳасидаги фаолияти комплекс тусга, бой мазмунга ва стратегик йўналишга эга эканлигидан далолат беради.

#### 4-§. Давлатнинг ташқи функциялари

*Давлатнинг ташқи функциялари* — давлат халқаро майдонда олиб борадиган фаолиятининг асосий йўналишларидир. Бундай фаолият бошқа давлатлар билан ижобий муносабатлар ўрнатиш ва уларни сақлаш ҳамда эҳтимол тугилган ташқи тажовуздан мамлакатни мудофаа қилишни таъминлашдан иборат давлатнинг ташқи вазифаларини ҳал этишга қаратилган. Шунга кўра давлатнинг ташқи функциялари: жаҳон ҳамжамиятининг барча давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва ташқи ҳужумлардан мамлакатни мудофаа қилиш каби икки асосий функцияга бўлинади.

*Бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш* — давлатнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва муайян давлатнинг манфаатларини барча давлатларнинг аниқ ва умумий манфаатлари билан уйғунлаштирувчи тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш ҳамда уларни ривожлантиришга қаратилган турли хил фаолиятидир. Жамият тараққиётининг ҳозирги даражаси алоҳида олинган ҳар бир давлатнинг ва умуман, жаҳон ҳамжамиятининг ички муаммоларини янада самарали ҳал этиш учун барча тараққий этган давлатларнинг ҳўжалик, сиёсий ва маданий ҳаётини интеграциялашни, уларнинг умумий куч-ғайратини бирлаштиришни талаб қилади. Бундай ҳамкорлик интеграция масалаларига кенг ва ўзаро манфаатли ёндашувни, биргаликдаги савъ-ҳаракатлар орқали нафақат муайян мамлакатнинг, балки ҳамкорлик барча иштирокчиларининг манфаатларига мос келадиган энг оқилона ечимларни топа билишни тақозо этади.

Давлатлараро иқтисодий ҳамкорликда халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва ихтисослаштириш, энг янги технологияларни айирбошлаш, товар айланмасини мувофиқлаштириш, кредит-молия алоқаларини ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Халқаро иқтисодий ҳамкорликни умумий мувофиқлаштириш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари томонидан амалга оширилади.

Иқтисодий ҳамкорлик бир-бири билан ҳудудий боғлиқ бўлган давлатлар ҳамжамияти доирасида самарали амалга оширилади. Бу фикри-

мизга Евросиё иқтисодий ҳамдўстлигини мисол сифатида келтириш мумкин. Ушбу ҳамдўстликнинг мақсади: иқтисодий ва сиёсий соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорлик, мунтазам ва бир маромда ривожланиш, турмуш даражасини тезроқ ошириш, давлатларнинг мазкур ҳамкорлигига кирган халқларнинг алоқалари янада жипслашувига эришишдан иборатдир. Бу давлатлар савдо соҳасига тааллуқли барча чекловларга ўзаро барҳам бериш; учинчи мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилишда умумий божхона тарифини киритиш; одамлар, капитал (сармоя)лар ва хизматларнинг эркин ҳаракатланишига ҳалал берувчи барча тўсиқларни бартараф этиш, транспорт, энергетика ва хўжалик соҳасида умумий сиёсат юритиш; рақобатнинг ягона қоидаларини белгилаш ва бошқа шу кабилар ҳақида келишиб олганлар. Ҳамжамият доирасида бир қатор кредит уюшмалари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар зиммасига умумий иқтисодий ва ижтимоий сиёсат тадбирларини (инвестиция банки, тараққиёт фонди ва бошқалар) молиялаштириш вазифаси юклатилган.

Иқтисодий ҳамкорлик давлатлар ўртасидаги икки томонлама шартномалар асосида ҳам амалга оширилади. Бироқ, бундай ҳамкорлик фақат мазкур давлатларнинг иқтисодий имкониятлари доирасида чегараланади.

Давлатларнинг сиёсат соҳасидаги ҳамкорлиги, энг аввало, тинчлик ва уруш масалаларида намоён бўлади. Жаҳон ҳамжамияти тараққиётининг ҳозирги даражаси давлатларга глобал қуролли тўқнашувларни четлаб ўтиш имконини беради. Давлатлар ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари — парламентлараро, ҳукуматлараро, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари даражасида амалга оширилмоқда.

1991 йилда пайдо бўлган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) асосан иқтисодий ҳамкорлик принциплари негизига қурилган. Унинг доирасида сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда давлатлараро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳозирги давлатларнинг сиёсий манфаатларини уйғунлаштирувчи асосий халқаро органдир. Низоларни, шу жумладан, ҳарбий низоларни сиёсий йўл билан бартараф

этиш масалалари БМТнинг доимий органи — Хавфсизлик Кенгашининг диққат марказида туради. Ушбу Кенгаш халқаро тинчликни сақлаш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш, давлатлараро муносабатларнинг турли-туман соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш борасида кенг ваколатларга эга.

Маданият ва фан-техника соҳасидаги ҳамкорлик турли шаклларда ҳамда турли давлатлараро даражаларда амалга оширилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида бундай ҳамкорлик Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослаштирилган муассасалар (ЮНЕСКО), Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) ва бошқалар томонидан мувофиқлаштириб борилади. Маданий ва фан-техника ҳамкорлигининг муайян масалалари эса, давлатлар ўртасидаги икки томонлама ёки кўп томонлама шартномалар асосида ҳал этилади.

Халқаро ва фан-техника соҳасидаги ҳамкорлик доирасида илмий ахборот, санъат асарлари, муסיқа ва саҳна маданияти ютуқларини айирбошлаш, биргаликда мутахассислар тайёрлаш, фан ва маданият муаммолари бўйича турли фестиваллар, конференциялар ўтказиш, олимлар, фан ва маданият арбоблари, спортчилар ўртасида бевосита алоқалар ўрнатиш амалга оширилади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик кўпчилик давлатларнинг сайёрамизда мўътадил экологик вазиятни асраб қолиш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиради. Ушбу фаолият барча масалаларни қамраб олиб, инсоният ҳаётининг давом этиши ва ривожланиши учун зарур бўлган экологик шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Бу борадаги ишлар БМТнинг ихтисослаштирилган муассасалари томонидан ҳам, минтақавий ва бошқа давлатлараро органлар томонидан ҳам амалга оширилмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун давлатларнинг космонавтика, тиббиёт, биология, электроника соҳаларида эришган энг янги ютуқларидан фойдаланилмоқда.

Ҳозирги вақтда давлатларнинг ташқи фаолияти халқаро-ҳуқуқий нормаларга асосланади, жаҳон ҳамжамиятига кирувчи барча халқларнинг туб манфаатлари ва миллий хусусиятларини имкон қадар ҳисобга олади.

***Ташқи ҳужумдан мамлакатни мудофаа қилиш бўйича давлат функцияси*** — давлат фаолиятининг муҳим йўналишидир. Тарихнинг гувоҳлик беришича, давлат тарзида уюшган жамият тараққиётининг барча босқичларида мамлакатнинг эркинлиги ва мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ташқи тажовузлардан ҳимоя қилиш объектив зарурият бўлиб келган.

Ватанни ҳимоя қилиш, давлат ҳудудини босқинчилардан озод этиш учун олиб борилган урушлар, халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан қонуний ва адолатли ҳисобланади. Мамлакатни мудофаа қилиш функцияси иқтисодий, сиёсий, дипломатик ва ҳарбий воситалар орқали амалга оширилади. Бу функция тинчлик вақтида мамлакатни эҳтимол тутилган ташқи ҳужумни қайтаришга ҳар томонлама тайёрлашдан иборатдир. Уруш вақтида эса мудофаа функцияси душман билан бевосита қуроли кураш шаклига эга бўлиб, унда ғалабага эришиш учун мамлакатнинг бутун имконияти ва барча кучларини бирлаштириш рўй беради.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг мудофаа доктринасини эълон қилиб, уни изчил амалга оширмоқда. Мазкур доктринанинг моҳияти бошқа давлат ёки давлатлар гуруҳи томонидан эҳтимол тутилган тажовузга барҳам бериш учун мақбул даражада етарли куч ва воситаларни яратишдан иборат. «Мамлакатни мудофаа қилиш функцияси» тушунчаси маънодор ва серқиррадир. Бу тушунча мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, тинчлик вақтида ҳам, уруш вақтида ҳам Қуролли Кучларнинг жанговар қудрати ва қобилиятини сақлаб туриш бўйича давлат тадбирларининг бутун тизимини ўз ичига олади.

Давлатнинг мудофаа фаолияти унинг ҳарбий доктринасига асосланиб, қуйидаги асосий йўналишлардан таркиб топади.

***Мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш.*** Фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқларига таянган, ривожланган ва самарали иқтисодийёт мамлакатнинг юксак мудофаа қобилиятини таъминлайди, яъни Қуролли Кучларнинг эҳтиёжларини қондириш, мамлакат мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш учун барча зарур нарсаларни ишлаб чиқариш имконини беради. Замонавий иқтисодийёт армияни техника ва қурол-яроғларнинг энг янги намуналари, давлат мудофаа салоҳиятининг бошқа таркибий қисмлари билан зарур даражада таъминлайди.

*Қуролли Кучларни мунтазам равишда такомиллаштириш, уларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлигини муттасил ошириб бориш.* Ўзбекистон Республикасининг Президенти мамлакат Қуролли Кучлари Бош қўмондони сифатида Қуролли Кучлар қудратли, ҳаракатчан ва мослашувчан, замонавий ҳимоя воситаларига эга бўлиши, ҳарбий техника ва қурол-яроғларнинг барча турларидан профессионал даражада фойдаланиши, юксак жанговар қобилият ва тайёргарликка эга бўлиши, қонунийлик ва халқаро ҳуқуқ қоидалари доирасида ҳаракат қилиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

*Давлат чегараларини қўриқлаш.* Ушбу фаолият чегара қўшинлари ва бошқа махсус бўлинмалар томонидан амалга оширилиб, давлат қонунлари билан белгиланган чегара режимини таъминлашга қаратилгандир.

*Фуқаро мудофаасини ташкил этиш.* Давлат эҳтимол тугилган ташқи хужумга қарши кураш ва уруш вақтида мамлакат иқтисодиёти барқарор амал қилишини таъминлаш мақсадида тинчлик мақсадини кўзлаб, бир қатор мудофаа тадбирлари ўтказилади. Ушбу фаолият оммавий қирғин қуроли билан зарба берилиши эҳтимол тугилган аҳоли пунктларидан одамларни кўчиришни назарда тутди. Бу иш махсус ҳимоя иншоотлари барпо этиш, қутқарув ва тиклаш ишларини ўтказиш билан боғлиқдир.

*Қуролли Кучлар захирасига ҳарбий таълим бериш.* Кўпгина мамлакатларда ҳарбий ҳисобда турган шахсларни ҳарбий жиҳатдан вақти-вақти билан қайта тайёрлаш ташкил этилади. Бу давлатлараро ҳарбий низо-лар келиб чиққан тақдирда қуролли кучларни тезда сафарбар этиш ва уларнинг ўрнини малакали шахсий таркиб билан тўлдириш имконини беради. Бизнинг давлатимиз ҳам ноҳарбий тайёргарликни ташкил этади, бу жараён ўрта ва олий юртларида амалга оширилади.

## **5-§. Ўзбекистон давлатининг таълим функцияси**

Давлатнинг тарихий ривожланиши жараёнида унинг функциялари тизимида муайян ўзгаришлар бўлиб туради: айрим функциялари йўқолади, бошқалари такомиллашиб, бошқача мазмун касб этади, учин-

чилари эса янгитдан вужудга келади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам улар жамият тараққиётининг тарихий, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий омиллари, давлат моҳияти ва унинг ижтимоий мақсадлари билан узвий муносабатда бўлади. Шу боис давлат функциялари ушбу давлатнинг барча муносабатлари тизимини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилиши лозим.

Муайян жамиятда давлатчилик ривожининг турли босқичларида у ёки бу янги функцияларнинг пайдо бўлиши олдиндан қатъий белгиланган сабаб ва оқибат хусусиятига эга эмас ҳамда кескин ва узил-кесил белгиланмаган. Шу билан бирга у ёки бу даражада сабабий боғлиқлик давлат фаолиятининг муҳим йўналишларини ифодаловчи қуйидаги давлат функцияларини тавсифлайди: иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқалар. Давлат функциялари давлат фаолиятидаги муҳим ўзгаришларни тез акс эттиради. Функциялар ўзгармас хусусиятга эга эмас. Муайян тарихий шарт-шароитларга боғлиқ равишда ушбу умумий функцияларнинг баъзи элементлари алоҳида аҳамият касб этиши, мустақил функцияларга айланиши мумкин. Бинобарин давлат функцияларида муайян ворислик, давомийлик сақланади, лекин функцияларнинг янгиланиш механизми ҳам мавжуд бўлади.

Собиқ совет иттифоқи даврида ва бугунги юриспруденцияда давлатнинг таълим соҳасидаги фаолияти алоҳида функция эмас, балки тарбиявий ёки маданий-тарбиявий функциялари таркиби сифатида қараларди. Ўзбекистон Республикасида эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан маърифий демократик давлат қуришга ўтиш даври нафақат давлат органлари тизими, балки таълим соҳасидаги фаолиятнинг мустақил йўналиш сифатида ажралишига олиб келган туб ислоҳотларда намоён бўлди. Ўзбекистон мустақил ривожланишининг дастлабки босқичидаёқ таълим тизимига давлатнинг тартибга солувчи таъсирсиз мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш борасидаги улкан вазифаларни ҳал этиб бўлмаслиги эътироф этилди.

Мамлакатда амалга ошаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар таълим соҳасида тубдан янги ҳуқуқий ечимларни талаб қилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун (1992 ва 1997), Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997) қабул қилинди. Қабул қилинган ҳужжатлар бутун таъ-



лим тизимини жиддий ислоҳ қилиш имконини берди. Кучли ва изчил таълим сиёсати, *бир томондан*, юқори даражадаги жаҳон таълим стандартларига жавоб бера оладиган тизимни яратишга йўналтирилди, *иккинчи томондан эса*, муайян ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни, шунингдек ўзбек халқининг маънавий-маданий қадриятлари ва ўзига хослигини акс эттирди. Таълим соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим воситаси — таълим қонунчилиги ва уни ҳаётга жорий этишдир. Таълим тизимидаги қонунчиликнинг ҳолати, бошқа соҳаларда бўлгани каби янги қонунлар қабул қилинаётганлиги ва уларнинг амал қилаётганлигидан гувоҳлик бермоқда. Ушбу қонунлар йиғиндиси қонунчиликнинг янги тармоғи — **таълим қонунчилигини** ташкил этмоқда. Давлатимизнинг таълим соҳасидаги амалий фаолияти унинг кўп қиррали фаолиятида муҳим ва мустақил функция сифатида — **давлатнинг таълим функцияси** шаклланаётганлигини яққол кўрсатмоқда.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги фаолияти алоҳида аҳамият ва бой мазмун касб этаётганлиги уни давлатнинг мустақил функцияси сифатида қайд этиш имконини беради. Бунинг оқибатида, *биринчидан*, ҳар бир фуқаронинг таълим олишга оид конституциявий ҳуқуқини таъминлашнинг назарий асослари ва шарт-шароитлари яратилмоқда; *иккинчидан*, таълим муассасалари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, молиявий ва моддий-техник таъминлаш амалга оширилмоқда; *учинчидан*, таълим ва кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ривожлантириш бўйича кенг миқёсли фаолият олиб борилмоқда. Давлатнинг таълим соҳасидаги муваффақиятли фаолияти мамлакатни самарали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва модернизациялаш шартларидан бири ҳисобланади.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистонда таълим тизими мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор соҳаси деб эълон қилинди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан ушбу соҳадаги давлат фаолиятининг стратегияси ишлаб чиқилди. Ўтмишдан мерос бўлиб қолган мафкуравийлаштирилган улкан таълим муассасалари тизими тубдан ислоҳ қилишни талаб қиларди.

«Ижтимоий воқеийликнинг реал ҳолати таълимни бошқариш, ўқув-тарбиявий жараёнларни ташкил этишнинг усул ва воситаларини қайта ишлаш ва жорий қилиш муаммоларини ҳал қилишни мустақил йўналиш сифатида белгилаш заруриятни вужудга келтирди»<sup>1</sup>. Миллатнинг юқори даражадаги маърифийлиги, саводхонлиги иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг самарали ва ҳаётий бўлиши юксак маданиятни шакллантириш имконини беради ҳамда жамиятда шахснинг ижтимоий фаоллиги муттасил ўсишига шароит яратади. Янги ижтимоий-иқтисодий шароитда таълим юқори нуфузга эга бўлиб, у давлатнинг жадал ривожланишига кўмаклашади. Юқори даражада таълим олган ёшлар — Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бош стратегик салоҳияти бўлиб, бусиз келажаги буюк давлатни барпо этиш мумкин эмас.

Ривожланган демократик давлатчиликка интилаётган Ўзбекистон кўп поғонали узлуксиз таълим тизимини қарор топтиришга, жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга ҳаракат қилмоқда. ЮНЕСКО-нинг башоратига кўра, жаҳон стандартларига жавоб берадиган миллий фаровонлик даражасига меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 40—60 фоизи олий маълумотли бўлишига эришган давлатларгина етиши мумкин<sup>2</sup>. Таълим — инсоний салоҳият ҳосил қилинишининг таркибий қисмидир. Бутун жаҳон банки экспертлари (192 мамлакат миллий бойлигини таҳлил қилиш асосида) ўтган минг йилликнинг охирида миллий бойликларнинг 16 фоизи ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига; 20 фоизи табиий ресурсларга; 64 фоизи эса «инсон салоҳияти» ҳиссасига тўғри келганлиги ҳақида хулосага келишган<sup>3</sup>. Шундай экан, давлатнинг миллий таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган замонавий сиёсати ва стратегияси ушбу тизимнинг ижтимоий йўналтирилган иқтисодий талабларига мослаштиришга, жаҳон ҳамжамиятига бирлашишга йўналтирилган бўлиши лозим.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишга ёрдам кўрсатиш / проф. К.Аллаевнинг таҳрири остида. — Т., 2000. 17-б.

<sup>2</sup> Қ а р а н г: *Шукушов В.Е., Взятишев В.Ф., Раманова Л.И.* Инновационное образование: идеи, принципы, модели. — М., 1996. С. 48.

<sup>3</sup> Қ а р а н г: *Наянова М.В.* Концептуальные основания развития экспериментальной деятельности в сфере образовательных услуг: Автореф. дисс. докт. экон. наук — СПб; 2008. С. 15.

Давлатнинг таълим соҳасидаги функцияси тизимли фаолият сифатида қуйидагиларда намоён бўлади:

— таълим тизимида фаолият юритувчи давлат органлари тармоғини ташкил қилиш ва уни бошқариш, шунингдек тегишли вазифаларни бажаришда иштирок этаётган нодавлат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш;

— таълим муассасалари тизимини молиялаштириш, уларга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсатини юритиш;

— таълим тизимини ривожлантириш учун шароит яратиш, уни давлат миқёсида такомиллаштириш чораларини кўриш;

— таълим соҳасига инвестицияларни жалб қилиш, илғор технологияларни жорий этиш;

— таълим тизимида ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи ривожлантириш учун кенг имкониятларини яратиш;

— фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқини амалга ошириш, уларни умумтаълим ва касбий тайёргарлигини такомиллаштириш учун барча шарт-шароитларни яратиш.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистонда юқори сифатли таълимнинг изчил тизимини шакллантириш ва дунёнинг таълим ҳамжамиятига кириш учун камида икки стратегик вазифани ҳал қилиш зарур:

— *биринчидан*, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган таълим сиёсати ва таълимни ривожлантириш стратегиясини рўёбга чиқариш, рўёбга чиқаришнинг дастлабки натижалари ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда миллий таълим тизимини ривожлантириш ва янада ислоҳ қилиш истиқболларини белгилаб олиш; *иккинчидан*, фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқини тўла таъминлаш мақсадида таълим муассасалари тизимини назорат қилишни таъминлаш ва мувофиқлаштириш, илғор таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни ўқув жараёнига жорий қилиш.

Давлатнинг таълим функцияси қуйидаги *асосий белгилар* билан тавсифланади:

1) ушбу функция давлат функциялари тизимида ўз мустақил ўрнига эга. Бу функция воситасида фуқароларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва бошқа вазифалар бажарилади;

2) мазкур функциянинг жўшқин ривожланаётганлиги унинг муҳим жиҳатидир. Унда давлатнинг таълим соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги фаоллиги ўз аксини топади. Давлатнинг таълим функцияси таълим тизимидаги мутасадди субъектларнинг серқирра фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш, таъминлаш ва қўллаб-қувватлашда намоён бўлади;

3) давлатнинг ушбу функцияси муайян барқарорлик хусусиятига эга. Бу хусусият таълимга оид муносабатларнинг мазмуни ва тузилишининг ўзгармаслиги, барқарорлиги билан боғлиқ;

4) давлатнинг таълим функцияси тарихий тараққиётнинг муайян босқичида бўлган жамият ҳаётининг моддий, маънавий ва бошқа шарт-шароитлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади;

5) давлатнинг таълим функциясини амалга оширишда таълимга оид муносабатларни тартибга солиш, бошқариш, уларга таъсир кўрсатиш ҳуқуқий воситалар орқали рўй беради;

6) давлатнинг таълим функцияси унинг ижтимоий табиати мазмунини акс эттиради;

7) ушбу функцияда давлат механизмининг тегишли таркибий қисмлари, улар фаолиятининг мазмуни ва шакллари намоён бўлади;

8) таълим функциясида давлатнинг жамият ҳаёти муҳим соҳаларидаги ижтимоий-сиёсий вазифалари яққол ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасининг таълим функцияси қуйидаги устувор йўналишларга мувофиқ амалга оширилмоқда: а) зарур қобилиятга, интилиш ва тайёргарликка эга бўлган барча шахсларнинг таълим олиши учун имконият яратиш; б) жамият ва унинг аъзолари ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишда таълим тизимидан фойдаланиш, фуқароларнинг таълим олишда тенгиллиги ва адолатни таъминлаш; в) тенглик асосида нодавлат таълим муассасаларини яратиш ҳисобидан таълим тизимини кенгайтириш, давлат томонидан мувофиқлаштириш, назорат этиш, қўллаб-қувватлаш функциясини амалга ошириш.

Юқоридаги баён қилинганлардан ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, *давлатнинг таълим соҳасидаги устувор стратегик вазифаси* қуйидагилардан иборат:

1. Янги миллий таълим моделини шакллантиришни яқунлаш, ил-

гор билимли, юқори маълумотли баркамол шахсни шакллантиришни таъминлаш.

2. Таълим тизимини инсонийлик, демократия, ижтимоий ва маънавий қадриятлар устуворлиги тамойиллари асосида ривожлантириш.

3. Таълим тизимини ташкилий, тузилмавий асосларини замонавий талаб даражасида такомиллаштириш орқали ривожланган мамлакатлар таълим тизими даражасига кўтариш.

4. Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг сифат жиҳатдан янги авлодини яратиш, ўқув юртлирини ўқитишнинг янги техник воситалари ва технологиялари асосида қайта жиҳозлаш.

5. Шахснинг таълим олиш эҳтиёжларини қондириш мақсадида зарур шарт-шароитлар яратиш ва узлуксиз таълим асосида, жумладан, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳисобидан таълим олишни янада такомиллаштириш учун имкониятлар яратиш.

6. Таълим билан фанни интеграциялаш, уларнинг ўзаро алоқасини кучайтириш, ўқув юртлири ва илмий-текшириш муассасаларининг илмий салоҳиятларини ўқув жараёнларига фаол жалб қилиш, ўқувчиларнинг илмий тадқиқотлардаги иштирокини рағбатлантириш.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда давлатнинг таълим соҳасидаги фаолиятида трансформациялашув, яъни таълим соҳасини мустақил давлат функциясига айланишини кузатиш мумкин. *Давлатнинг таълим функцияси* — бу фуқароларнинг таълим соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш ва таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун кўмаклашувчи давлат ва нодавлат муассасалари тизимини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш ҳамда бошқариш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар йиғиндиси.

Юқорида баён этилган мулоҳазалар давлатнинг таълим функцияси долзарб масалалардан бири эканлиги ва унинг мақсади, вазифалари ва мазмунини илмий мушоҳада этиш зарурлиги ҳақида хулоса қилишга имкон беради. Давлатнинг таълим функцияси мақсади ва вазифаларига оид масалалар нафақат назарий, балки катта амалий аҳамиятга ҳам эга. У давлатнинг мазкур соҳадаги фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш унга ишлаш механизминини такомиллаштириш нуқтаи назаридан ёндашиш имкониятини яратади. Бундай назарий таҳлил ёрдамида давлат

фаолиятининг мазмуни ва самарадорлиги даражасини аниқлаш, таълим сиёсатининг мақсади ва устувор йўналишларини тўғри белгилаш мумкин бўлади.

Таълим жараёни давлатнинг ҳуқуқий тартибга солиш фаолиятисиз ривожлана олмайди. Шунга кўра, бугун давлатнинг таълим соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича фаолияти, мамлакат аҳолисининг таълим олиши замонавий талабларга жавоб берадиган даражада бўлишини таъминлаш ҳамisha муҳим бўлиб қолаверади.

Мамлакат тараққиётининг бугунги ҳолати таълим тизимини бошқариш бобида давлат фаолиятини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Таълим олиш ҳуқуқи инсон ва фуқаронинг асосий ва ажралмас ҳуқуқлари қаторига киришини инobatга олган ҳолда барча қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ бўлишини таъминлаш зарур. Давлат томонидан таълим тизимини ҳуқуқий тартибга солиш, уни ташкилий, молиявий ва бошқа ресурслар билан таъминлаш Ўзбекистон Ҳукуматининг диққат марказида турган масаладир. «Бугунги кунда, — дейди мамлакат Президенти И.А. Каримов, — юқори малакали мутахассислар тайёрлаш биз учун долзарб масала ҳисобланади»<sup>1</sup>. Шунинг учун таълим тизимини лозим даражада кадрлар билан тўлдириш, молиявий, ахборотлар билан таъминлаш давлатнинг барқамол инсонни шакллантириш соҳасидаги вазифасини муваффақиятли уйддалаш гаровидир.

## **6-§. Давлат функциялари: муаммолар ва башоратлар**

Ҳозирги шароитда давлат функцияларини ички ва ташқи функцияларга ажратиш маълум даражада ўз аҳамиятини йўқотмоқда, чунки кўпгина ички функциялар ташқи функциялар тусини касб этмоқда (масалан, давлат фаолиятининг экологик йўналиши) ёки аксинча.

Замонавий давлатнинг экология, демография (нуфус), хомашё, космос соҳаларидаги, ахборот технологиясини яратиш ва ундан фой-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият. Т. 14. — Т., 2006. — 15-б.

даланиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамда бутун тараққиётга дахлдор бўлган бошқа глобал соҳалардаги фаолиятини тасдиқловчи глобал функцияларни ажратиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Масалан, ҳозир давлатнинг муайян вазифаларини марказдан жойларга бериш тўғрисидаги масалани ҳал этиш алоҳида муаммо бўлиб, унинг бир неча жиҳатлари мавжуд. Ўзбекистон Президентининг «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» деб эълон қилинган ва амалда рўёбга чиқарилаётган кўрсатмалари давлатнинг бир қатор вазифаларини нодавлат ташкилотларга, масалан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига беришни тақозо этади.

Юқорида баён этилганлар муносабати билан давлат вазифаларини мавжуд тамойиллар ўзанида ривожлантиришнинг тахмин қилинаётган айрим жиҳатларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, давлат функциялари ўзгаришига нафақат давлатнинг ўзидаги, балки давлат амал қилишининг шарт-шароитларидаги ўзгаришлар, яъни ташқи шарт-шароитлар, давлат «яшаб турган», амал қилаётган ташқи муҳитнинг ўзгаришлари ҳам таъсир кўрсатади. Давлат функцияларининг ривожланиш тенденциялари бу вазифалар ҳам давлатнинг моҳияти ва расмий тавсифининг таъсири остидаги, ҳам ўзгариб бораётган ташқи муҳит таъсири остидаги ривожланиши ва ўзгаришини ўз ичига олади. Бунда ҳар икки жараён ҳам нисбатан мустақил деб тавсифланса-да, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ҳисобга олиш лозим.

Энг аввало, давлат функциясига бутун фан-техника тараққиёти интеллектуал ривожланиш муайян таъсир кўрсатади. Боз устига ҳозирги барча давлатларнинг функциясига XXI асрдаги фан-техника ютуқлари ўз таъсирини ўтказмоқда. Таъкидлаш жоизки, бундай таъсир икки томонлама бўлади. Бир томондан, таълим ва фанни, айниқса фундаментал фанни қўллаб-қувватлаш, унинг натижаларидан фойдаланиш, жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ва бойитиш каби давлат фаолиятининг ҳаётий муҳим йўналиши биринчи ўринга чиқади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришда эришилган муваффақиятларни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги вақтда давла-

тимизнинг таълим соҳасидаги функцияси мустақил функция сифатида ажратилган. Бошқа томондан эса, ҳозирги замонда фан-техника соҳасида назоратдан ташқари пайдо бўладиган ютуқлар ва улардан фойдаланиш туфайли пайдо бўладиган хавфни чеклаш тақозо этилади. Бу айниқса ядровий технологиялар, генетика, тиббиёт биологияси ва бошқа шу кабиларга тааллуқлидир.

Фан соҳасида давлат томонидан интеллектуал мулкни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, яъни илмий фаолиятни самарали олиб бориш учун шарт-шароитлар яратиш, илмий ишлар натижалари уларнинг яратувчиларига тегишлилигини муҳофаза қилиш, ушбу меҳнатнинг адолатли баҳоланишини таъминлаш ва ана шу натижалардан фойдаланганлик учун муносиб тақдирлаш каби фаолиятнинг янги соҳалари пайдо бўлмоқда. Фан-техника тараққиётининг, айниқса генетика, тиббиёт биологияси ва бошқа шу каби янги соҳалардаги тараққиётнинг зарарли оқибатларини чеклаш борасидаги давлат фаолияти ҳам муҳимдир. Янги илмий йўналиш, яъни инсон органларини трансплантация қилиш, жинсни ўзгартириш, сунъий ҳомила билан боғлиқ биоэтика шаклланимоқда, эвтаназия муаммолари юзага келмоқда. Бу соҳага давлатнинг назорат қилиш ва тартибга солиш тарзида аралашмаслигининг иложи йўқ.

Экологик омил ҳам давлат функциясининг эволюциясига муайян таъсир кўрсатмоқда. Ушбу таъсирнинг моҳияти шундаки, агар ҳозирги замонда ҳар бир давлат ўз ҳудудида аҳолисининг яшаш шарт-шароитлари муносиб даражада сақланишини ўз зиммасига олмаса, яъни инсониятнинг умумий табиий муҳитда нормал яшашини сақлаб туриш борасида бошқа давлатлар билан ҳамкорлиги йўлга қўйилмаса, яқин истиқболда умумбашарий коллапс, глобал танглик юз бериши эҳтимолдан холи эмас. Радиоактив чиқиндилар, сув ва ҳаво ресурсларининг саноат чиқиндилари билан ифлослантирилиши, ерларнинг чўлга айланиши (айниқса, Орол муаммоси), ўрмонларнинг камайиб кетаётганлиги, бошқа номаъқул оқибатлар ҳозирги вақтда инсоният ҳаётида юзага келган реал хавфдир. Бу борада давлат миқёсида фаолият олиб бориш зарурияти — шак-шубҳасиз, давр талабидир. Давлатнинг бу соҳадаги функцияси эволюцияси бошқа сифат даражасига эга бўлмоқ-




да, экологияни мўътадил сақлаб қолиш учун иқтисодий, маъмурий, ҳуқуқий воситалар ва услублар орқали мажбурий, қатъий чоралар кўришни талаб этмоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг байналмилаллашуви, ижтимоий манфаатларнинг муштараклиги, трансмиллий компанияларнинг пайдо бўлиши ва ҳукмронлиги, жаҳон аҳамиятига молик бошқа иқтисодий омиллар давлат функциялари эволюциясига таъсир кўрсатаётган яна бир жиддий соҳадир. Ҳозирги жаҳон давлатларининг аксарияти ташқи иқтисодий фаолиятда зиддиятлардан ҳамкорлик ва шерикчиликка олиб борадиган йўлни босиб ўтмоқдалар.

Жамият ахборотлашувининг кучайиб бораётганлиги, маълумотлар базалари, глобал ахборот тизимларининг яратилиши, умумжаҳон ахборот макони — Интернет тизимининг шакллантирилиши ҳам давлат функцияларининг янги эволюциясини келтириб чиқармоқда. Юқорида кўрсатиб ўтилган функцияларнинг ривожланиш тенденциялари шубҳасиз ҳозирги замон давлатларига, шу жумладан Ўзбекистон Республикасига, унинг функциялари мазмунига у ёки бу даражада дахлдордир.

Шундай қилиб, **давлат функциялари** — давлат органлари бутун тизимининг жамиятни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан барқарор ривожлантиришга қаратилган яхлит, ўзаро боғлиқ фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб, улар айна вақтда, бошқа давлатлар билан бирга алоқадорликда ҳаракат ва ҳамкорликда амалга оширилади.

Давлат органларининг тенг ҳуқуқли шерикчилиги, жамият олдида турган умумий муаммоларни ҳал этиш борасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатлари айрим индивидлар, турли давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамда умуман ҳамжамиятнинг мўътадил турмуш фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиб беради. Ҳозирги замонда давлат тарзида уюшган жамият ўз таркибидаги давлат ва нодавлат институтларининг иш фаолиятини уйғунлаштирган тақдирдагина изчил ҳамда жадал ривожланиши мумкин.



## VI Б О Б ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИ (АППАРАТИ)

### 1-§. Давлат механизми (аппарати) тушунчаси ва моҳияти

Давлат ҳокимиятини амалга ошириш масаласи барча замонларда долзарб бўлган ва ҳозир ҳам шундай. Давлатнинг институциявий элементи — давлат ҳокимиятининг уюштирилиши, ташкиллаштирилганлиги, яъни ташкилот сифатида расмийлаштирилганлигидир. Давлатни ташкилот сифатида турли нуқтаи назардан талқин этиш мумкин. Теран маънода, давлат — бу мамлакатнинг бутун аҳолисини қамраб оладиган иерархик (поғонама-поғона уюшган) ташкилот бўлиб, бунда аҳоли давлатнинг бошланғич элементи ҳисобланади. Аҳолининг бу уюшмаси — ташкилотда, бир томонда — «бошқарилувчи фуқаролар» бор, иккинчи томонда — бутун ташкилотни бошқарувчи *аппарат* мавжуд<sup>1</sup>.

Давлатга ўз ҳокимиятини амалга ошириш имконини берувчи *ташкилий* — *моддий куч* — бу давлат аппарати (механизми) дир. Бу аппарат (механизм) давлатнинг нимадан ташкил топганлигини англатади. Давлат аппарати — давлат ҳокимиятини амалга оширувчи органлар тизими. У давлат олдида турган мақсад ва вазифаларни бажаришга қаратилган асосий функцияларни адо этади. Аппарат — жамиятда бошқарувни амалга оширувчи лавозимли ходимлар ва бошқарув органлари йиғиндиси дир. Давлат ва ҳуқуқ назариясида давлат ҳокимиятини амалга оширувчи махсус ташкилот «*давлат аппарати*» ва «*давлат механизми*» аталари билан ифодаланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ислоҳотларда давлатнинг роли, унинг бош ислоҳотчилик хусусиятлари ҳақида фикр юритар экан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов ушбу сермазмун ишларни амалга оширишда давлатнинг, давлат органларининг ва энг асосийси, давлат механизмининг тутган ўрни беқийсидир<sup>2</sup>, — деб таъкидлайди.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Проблемы общей теории права и государства / Под ред. проф. В.С.Нерсеянца. — М., 2008. С. 565.

<sup>2</sup> Қ а р а н г: Каримов И.А. Бизнинг бош мақсалимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т., 2005. 40-б.

Давлат механизми (аппарати) да жамият олдидаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги вазифа ва функцияларни бажариш мақсадида, бир қанча давлат органлари иерархия асосида, ягона бир тизимга бирлашади. Шунингдек, у ўз функцияларини бажариб, давлат ҳокимиятини амалга оширади. Давлат механизмини ташкил этиш муайян объектив принципларга таянади. Бу эса жамиятни давлат томонидан самарали идора этилишини таъминлайди.

Давлат вазифаларини бажариш учун уларга мос равишда давлат органлари ташкил этилади ва бу органлар асосий масъулиятни ўз зиммасига олади. Масалан, қонунларни яратиш учун парламент шакллантирилади, қонунларга бир хилда амал қилинишини назорат қилиш мақсадида прокуратура органлари ташкил этилади. Давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва фаолият юритиши ваколатларнинг тақсимланиши принципи асосида амалга оширилади.

Хорижий мамлакатларнинг конституцияларида, одатда, давлатнинг норматив тавсифи, ҳокимият ва давлат идоралари кўринишларининг изоҳи баён этилади. Бу қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти, президентлик институти, марказий ва маҳаллий ҳокимият идоралари тизимидан иборат. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан ҳам қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти — давлатнинг учта асосий таянчидир<sup>1</sup>.

Давлатнинг жамият ҳаётининг асосий соҳаларига, фуқаролар ва ижтимоий гуруҳлар фаолиятига кўрсатадиган таъсири мақсадли ва самарали бўлиши лозим. Ушбу мақсадга ишчан, изчил, «қобилиятли» давлат аппарати воситасида эришилади. Давлат ишларини бошқариш давлат аппарати таркибида юқори уюшқоқликни, ваколатлар доирасида омилкор ҳаракатни, маҳорат ва профессионализмни талаб этади.

Ҳозирги кунда давлатшунос олимлар давлат аппаратининг, энг аввало, фуқаролар ва улар уюшмаларининг турли эҳтиёж ва манфаатларини мутаносиблаштириш механизми деб ҳисоблайдилар. Бундай

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. — Т., 1996. — 127-б.

фикрнинг тўғрилиги давлат механизмининг ўзига хос умумий белгиларини таҳлил этиш жараёнида яққол кўзга ташланади.

*Давлат механизми қуйидаги асосларга кўра фаолият юритади:*

**Давлат механизмининг ягоналиги.** Давлат механизми — давлат органлари ва муассасаларининг яхлит иерархик тизмидир. Унинг яхлитлиги аввало, давлат ҳокимияти ва унинг иродаси ягоналиги билан, давлат органлари ва муассасалари фаолияти тамойиллари, вазифалари ва мақсадларининг ягоналиги билан таъминланади. Давлат органлари ўзаро фарқ қилишига қарамай, бир бутуннинг қисмлари ҳисобланади ва ўзаро чамбарчас боғлиқ. Масалан, парламент ва ҳукумат турли ваколатларга эга, ҳар хил мазмундаги ишларни бажаради, лекин ҳар иккиси ҳам биргаликда ягона давлат ҳокимиятини амалга оширади, яъни иккаласининг фаолияти ҳам фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва алоқадорликда фаолият юритади.

**Мақсад ва вазифаларнинг умумийлиги.** Барча давлат органлари умумий мақсад ва вазифаларни бажаради, яъни давлат функциясини амалга ошириш учун ягона тизимга бирлашади. Асосий мақсад — жамият ва халқ манфаатини қондириш. Демократия шароитида давлат ва давлат органлари халқ иродасини ифода этади, унинг манфаатлари учун хизмат қилади.

Асосий қонунимизда белгиланганидек, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Конституциянинг 7-моддасида белгилаб қўйилганидек, «Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади».

**Иерархик тизимга асосланганлиги.** Давлат механизми (аппарати) пирамида шаклида тузилган бўлиб, унда юқори турувчи органлар қуйи турувчи органларга нисбатан кўпроқ ҳуқуқий ваколатларга эга бўлади ва уларнинг фаолиятига таъсир кўрсата олади, қуйи турувчи органлар эса юқори турувчи органларнинг қарорларини бажаришга мажбурдирлар. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини вазирликлар ва дав-

лат кўмиталари, жойлардаги маҳаллий органлар, ҳокимликлар бажариши мажбурий ҳисобланади.

**Мажбурлов аппаратининг мавжудлиги.** Давлат органлари, хусусан, қонун чиқарувчи орган қонун қабул қилиш ва уни кучга киритиш усули билан, ижро этувчи органлар бошқарув, мажбурлов ва рағбатлантириш усуллари билан, судлар, прокуратура ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар мажбурлов ва ишонтириш усули билан ҳуқуқий нормаларни татбиқ этадилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳуқуқ нормаларини амалиётга жорий этишда асосан ишонтириш ва мажбурлаш усуллари билан фойдаланган ҳолда иш юритадилар. Таассуфки, жамиятдаги барча фуқаролар ҳам давлат томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қоидаларга сўзсиз риоя қилавермайдилар, чунки инсонларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти бир хилда шаклланмайди. Шу боис фуқаролар давлат томонидан ўрнатилган қоидаларга ўз хоҳишларига кўра риоя этмайдиган бўлса, давлат ўзининг мажбурлов кучи орқали қонунларнинг бажарилишини таъминлайди. Булар: *прокуратура, ички ишлар органлари, божхона, миллий хавфсизлик хизмати, жинойий жазони ижро этиш муассасалари, молия органлари, армия ва бошқалар.*

**Бошқарув фаолияти билан шуғулланувчи махсус шахслар гуруҳининг мавжудлиги.** Давлат органларида фаолият юритувчи шахслар, фақат бошқарув ишлари билан шуғулланадилар, улар ишлаб чиқариш ва моддий неъматлар яратиш жараёнида иштирок этмайдилар. Бироқ, ушбу тоифадаги шахслар давлат ва жамият манфаатлари учун фаолият кўрсатадилар. Масалан, судья судлов жараёнида ҳуқуқбузарлик содир этган бирор-бир яқин танишининг иши бўйича, у шахсга нисбатан қонуний чора кўриш жараёнида, ўзининг шахсий манфаатларидан эмас, балки давлат ва жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, объектив равишда қонунга асосан ҳукм чиқаради.

**Ҳокимият ваколатларига эга бўлган давлат органлари ички тузилишининг мавжудлиги.** Давлат механизмнинг бир меъёردа ишлашини таъминлаш мақсадида давлат органлари, давлат муассасалари ва давлат ташкилотлари биргаликда фаолият юритади ва ўз навбатида, улар ички таркибий тузилишига кўра бир-биридан фарқ қилади.

*Давлат органлари* — давлат функцияларини амалга оширишда ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат механизмнинг асосий бўғини. Масалан, прокуратура, суд, ички ишлар органлари ва бошқалар ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат органларидир.

*Давлат ташкилотлари* — бевосита ишлаб чиқариш ҳамда таъминот билан шуғулланувчи давлат идораси ҳисобланиб, давлат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган функцияларни бажаради. Мазкур ташкилотларнинг асосий қисмини давлат ўз монополиясида қолдиради. Метро, трамвай, троллейбус, электр энергияси тармоғини бошқариш, алоқа тизими шулар жумласидандир.

*Давлат муассасалари* — давлат органлари каби ҳокимият ваколатига эга бўлмай, давлатнинг олдида турган умумижтимоий вазифаларни бажарувчи идоралар, масалан, касалхоналар, маориф, театр ва бошқалар. Ушбу муассасалар ҳокимият ваколатига эга бўлмасда, лекин жамият олдида турган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифаларни бажарадилар.

Юридик адабиётларда «*давлат аппарати*» ва «*давлат механизми*» деган тушунчалар кўп учрайди. Бу тушунчалар асосан бир хил маъно ва мазмунга эга. Лекин «давлат механизми» кенгроқ тушунча бўлиб, унга давлат органларидан ташқари, давлат аппарати ишини ташкил қилувчи ва унга ёрдам берувчи бўлимлар, муассасалар ҳам киради. Уларга таяниб, давлат аппарати ўз фаолияти — давлат функцияларини амалга оширади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигини давлат органи деб олсак, Ички ишлар вазирлигининг олий ўқув юртлари, тиббиёт, молия-иқтисод бошқармалари ва шунга ўхшаш вазирлик фаолиятини ташкил қилишга ёрдам берадиган ташкилотлар унинг муассасалари ҳисобланади.

Давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёни нуқтаи назаридан «давлат механизми» атамасини қўллаш мақбулроқдир. Зеро, «механизм» ибораси бой мазмунга эга бўлиб, бунда ҳодисанинг функционал жиҳати, ҳаракатланиш ҳолати акс этади. Шунга кўра, агар «давлат аппарати» ибораси орқали давлатнинг структураси, таркибий тузилиши изоҳланса, «давлат механизми» ибораси кўмагида давлат идоралари тизимининг функционал жиҳати (хусусиятлари) тавсифланади. Янада

аниқроқ айтадиган бўлсак, «давлат механизми» атамаси давлат ҳокимиятини амалга ошириш механизмини ёки давлатнинг ҳаракатланиш механизмини англатади.

## **2-§. Давлат механизми (аппарати) нинг ташкил этилиши ва фаолияти принциплари**

Давлат механизми (аппарати)нинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши муайян раҳбарий ғоялар, қоидалар, яъни принциплар асосида амалга оширилади. Давлат механизмнинг принциплари уларнинг тўғри фаолият юритишида йўлланма берувчи вазифани ўтайди. Шунингдек, мазкур принциплар давлат аппаратининг ҳаракат доираси ва мезонини белгилаб беради.

Давлат механизми фаолияти ва уни ташкил этишнинг *асосий принциплари*:

**Ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши принципи.** Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти — давлат ҳокимиятининг уч асосий тармоғидир.

Давлат механизмини қуриш муайян объектив тамойиллар асосида амалга ошади, бу эса жамиятни давлат томонидан идора этишнинг самарадорлигини таъминлаш кафолати ҳисобланади. Қонун чиқариш ва ижро этиш ваколатлари айни бир шахс қўлида ёки айни бир идора ихтиёрида жамланган бўлса, эркинлик мавжуд бўлмайди, зеро, монарх ёки сенат нотўғри қонунлар қабул қилиши ва улардан жоҳилларча фойдаланиши мумкин.

Ҳокимиятлар тақсимланишининг юридик маъноси буюк француз маърифатпарвари Ш.Л.Монтескьенинг «Қонунлар руҳи ҳақида» асарида шундай изоҳланган: адолатли қурилган давлатда ҳокимият ягона эмас, балки, аксинча бир-бирига тобе бўлмаган учта ҳокимият: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти мавжуд бўлиши шарт. Уларнинг ҳар қандай кўринишда бирон-бир орган ёки шахс қўлида мужасамланиши умумий манфаатларга путур етказди, суиистеъмолликларга олиб келади ва шахснинг сиёсий эркинлиги билан асло келишмайди. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг бир қўлда бирлаш-



тирилиши қонуннинг устун бўлишига зарар етказади, борди-ю, судьялар фақат судлов билан машғул бўлмай, қонун яратиш иши билан шуғуллансалар, у ҳолда инсонлар ҳаёти ноҳақлик қурбонига айланиши мумкин<sup>1</sup>.

Ҳокимиятлар тақсимланиши уч жиҳат ёки уч даражада: *функционал, институциявий* ва *шахсий* даражада намоён бўлади.

**Ҳокимиятнинг функционал бўлиниши.** Эркинликни таъминлаш учун мажбурлаш (куч ишлатиш) тўғрисидаги қарорни қабул қилиш функциясини давлат мажбурловини амалга ошириш функциясидан фарқлай билиш керак. Қонун чиқарувчи ҳокимият куч ишлатиш қоидаларини ўрнатади, суд ҳокимияти куч ишлатишнинг аниқ чораларига йўл қўяди ёки улар юзасидан фармойиш беради. Шунинг учун ҳам ушбу ҳокимият тармоқларининг ҳар бири давлат мажбурловини алоҳида амалга оширмаслиги керак. Ижро этувчи ҳокимият айнан шундай кучга эга, лекин у ҳам ўз навбатида куч ишлатиш бўйича норматив ёки индивидуал қарорлар чиқармаслиги шарт. Шундан келиб чиққан ҳолда ижро этувчи ҳокимият қонунлар ва суд қарорлари асосида ва уларни бажариш йўлида ҳаракат қилмоғи лозим.

**Ҳокимиятнинг институционал бўлиниши.** Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд функцияларини бажариш бир шахс ёки муассаса қўлида жамланмаслиги керак. Ҳокимиятнинг бўлиниши мажбурлов кучига эга бўлган инстанцияларни куч ишлатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи инстанциялардан ажратишни, яъни куч ишлатиш ваколатига эга бўлган ва куч ишлатиш ҳақида қарор қиладиган органларни бўлиб юборишни билдиради.

Шу маънода ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларга бўлиниши, бир томондан, ижро этувчи ҳокимият тармоқлари бирламчи норма ижодкорлиги билан шуғулланиш, норматив ҳужжатлар эълон қилишга ҳақли эмаслигини, иккинчи томондан, қонун чиқарувчи ижро этувчи органлар фаолиятига аралаша олмаслигини, ижро этувчи ҳокимият ваколатига кирувчи қарорларни қабул қилишга ҳаққи йўқлигини билдиради. Акс ҳолда, қонун чиқарувчи бир вақтнинг ўзи-

<sup>1</sup> *Монтескье Ш.Л.* Избранные произведения. — М., 1955. С. 290.

да куч ишлатиш қоидаларини ўрнатадиган кучга ҳам айланиб қолади.

Суд ҳокимиятини қонун чиқарувчи ҳокимият билан қўшиб юборишнинг мумкин эмаслигига шубҳа йуқ. Агар судья ўзи суд қиладиган қоидаларни ўрнатиб, ўзи ўзгартирадиган бўлса, у ҳолда ноҳолис судга эга бўламиз.

**Ҳокимиятнинг шахслар бўйича бўлиниши.** Қонун чиқарувчи органлар таркибига ижро этувчи ҳокимият ходимлари ва судьялар кирмайди, яъни қонун кучига эга бўлган қарорларнинг бўлғуси ижрочилари депутат бўлиб сайланишлари мумкин эмас. Бироқ ҳукумат аъзолари бир пайтнинг ўзида ҳам парламент депутатлари бўлган парламентар мамлакатлар (Буюк Британия, Германия кабилар) да бу принцип амал қилмайди. Аини пайтда, бу ҳолатни ҳокимият бўлиниши принципининг бузилиши деб ҳисоблаб ҳам бўлмайди, чунки бунга парламентар типдаги мамлакатларнинг қатъий фарқланиши сифатида қараш тўғри бўлади<sup>1</sup>.

Ҳокимият ваколатларини конституциявий бўлинишининг бош маъноси — ижтимоий-сиёсий кучлар орасида ҳокимият ваколатларининг оқилона тақсимланишидир. Бундан мақсад — ҳокимиятни суиистеъмом қилишнинг олдини олиш, ҳокимиятларнинг бир-бирларини муайян мувозанатда ушлаб ва чеклаб туришидир. Бунда ҳокимият тармоқларининг ўзаро бир-бирини тийиб туриши ва қарама-қарши таъсир этиши механизмини қарор топтириш ўта муҳим вазифа ҳисобланади.

**Инсон ва фуқаролар асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги принципи.** Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилиши принципидан келиб чиққан ҳолда давлат механизми (аппарати) ўз фаолиятини амалга ошириши лозим. Давлат органларини ташкил этишдан асосий мақсад ҳам инсон, унинг манфаат ва эҳтиёжларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва уларга риоя этишдир. Давлат механизми (аппарати) ўз фаолиятида турли давлат органларининг

<sup>1</sup> Проблемы общей теории права и государства. Под ред. проф. В.С.Нерсесянца. — М., 2008. С. 576 — 579.

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш даврида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бирламчи эканлигидан, ҳеч бир орган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига зид ҳужжатлар чиқариши мумкин эмаслигини кафолатлайди. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши эътироф этилган. Ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида тан олинади ва эъзозланади.

**Демократизм принципи.** Давлат механизми (аппарати) ташкил этилиши демократик принцип асосида амалга оширилади. Чунки, давлатнинг қонун чиқарувчи органлари халқ томонидан сайлаш орқали ташкил этилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига 150 нафар депутат Ўзбекистон халқи томонидан яширин овоз бериш асосида сайланади ва шу демократик тартибда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси шакллантирилади. Худди шу каби Олий Мажлиснинг юқори палатаси бўлган Сенат ҳам халқ вакилларининг иштирокида ташкил этилади. Сенатдаги мавжуд 100 нафар сенаторнинг 16 нафарини Президент тайинласа, 84 нафарини вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Қорақолпоғистон Республикасидан 6 нафардан маҳаллий вакиллик органлари депутатлари йиғилишида сайланади. Маҳаллий жойлардаги Халқ депутатлари Кенгашлари ҳам демократик сайлов асосида шакллантирилади.

Ижро этувчи ҳокимият — Ҳукумат ҳам халқ томонидан сайланган Президент тақдимига биноан Олий Мажлис томонидан ташкил қилинади. Олий суд, Олий хўжалик суди ва Конституциявий судларнинг раиси ва унинг ўринбосарлари, шунингдек, судьялари ҳам Олий Мажлисдаги халқнинг вакиллари бўлган сенаторлар томонидан сайланади.

Давлат механизми (аппарати) халқнинг иштирокида шакллантирилади, халқ ҳокимиятини ифодалайди, у ҳам ўз фаолиятида фақатгина халқ манфаатларига хизмат қилади.

**Поғонама-поғона бўйсунуш (иерархия) принципи.** «Иерархия» — бирига ўзаро бўйсунувда бўлиш деган маънони англатади. Иерархия — поғонама-поғона, пирамида, ўзаро бўйсунувдаги каби сўзлар билан бир маънони англатади. Поғонама-поғона жойлашиш принципининг мазумуни шундаки, у давлат органлари тузилишининг бир шакли бўлиб,

юқори давлат органларининг ваколатлари қуйи органларнинг ваколатларига нисбатан кўпроқ ҳамда улар қуйи органларнинг фаолиятига таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси олий давлат органларининг қарорлари мамлакатнинг бутун ҳудудида қуйи турувчи барча давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан бажарилиши мажбурий. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойиши Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун мажбурий аҳамиятга эга. Шунингдек, туман ҳокими чиқарган қарорни вилоят ҳокими, вилоят ҳокимининг қарорини Президент ва Бош вазир бекор қилишга ҳақли.

**Ошкоралик принципи.** Давлат механизми (аппарати)га кирувчи органлар ўз фаолиятини ошкоралик тамойили асосида амалга оширадилар. Қонун чиқарувчи орган — парламент фаолияти жараёнида қабул қилинаётган қонунлар лойиҳасини ёки қабул қилган қонунлар матнини оммавий ахборот воситалари орқали халққа эълон қилиниши ҳамда халқни қонунлардан хабардор этилиши ошкораликнинг ифодасидир. Шунингдек, ижро этувчи ҳокимият томонидан қабул қилинган фармойиш ва қарорларнинг тўпламларда чоп этилиши ҳамда суд органлари томонидан чиқарилган ҳукмлар (давлат ва оила сири билан боғлиқ бўлган ишлар бундан мустасно) ва қарорлар ҳақида маълумотлар билан ҳам халқнинг танишиши учун очиқ бўлиши ҳам ошкоралик белгисидир. Ошкоралик давлат механизми (аппарати) фаолиятининг асосий мезони бўлиши лозим. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари давлат аппарати фаолияти ҳақидаги кундалик ахборотни доимий равишда эълон қилиб туриши, халқнинг жамиятда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислохотлардан хабардор бўлиб туриши мақсадга мувофиқ саналади.

**Қонунийлик принципи.** Давлат механизми (аппарати)нинг ташкил этилиши қонун йўли билан амалга оширилади. Давлат аппаратининг асосий бўғини бўлган қонун чиқарувчи орган — Олий Мажлис, ижро этувчи орган — Вазирлар Маҳкамаси ва суд органлари — Олий суд, Олий ҳўжалик суди ва Конституциявий суд тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари қабул қилинган. Мамлакатимизда

ги барча давлат органлари қонун асосида ташкил этилиб, қонун асосида фаолият юритади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Ўзбекистон Республикасида қонундан ташқари, ношкора, махфий ва ҳарбий ташкилотлар тузиш тақиқланган. Шунингдек, давлат органлари ўз фаолиятини қонун асосида амалга ошириши шарт. Ҳар қандай давлат органларининг қонунларда белгилаб қўйилган ваколатлардан четга чиқиши мумкин эмас.

**Профессионализм принципи.** Давлат аппарати хизматчилари ўз соҳаларининг етук мутахассислари бўлиб, улар махсус малака ва билимга, етарли тажриба ва амалий уқувга эга бўлган ходимлар ҳисобланади. Давлат аппаратида хизмат қилаётган ходимлар дастлаб мазкур соҳа бўйича қўйи органларда хизмат қилган, ушбу соҳада бой тажрибага эга бўлган мутахассис ходим бўлиши шарт.

**Коллегиаллик ва яккабошчиликнинг биргалиги принципи.** Давлат аппарати органлари ўз фаолиятини коллегиаллик ва якка-бошчилик асосида амалга оширадилар. Коллегиаллик жамоавий бошқарув ҳисобланиб, Олий Мажлис қўйи палатаси депутатлари ва юқори палатаси сенаторларининг хизмат фаолиятида яққол кўринади. Чунки ушбу органлар бамаслаҳат, муҳокама тарзида бир-бири билан ҳамкорликда масалаларни ҳал этадилар. Масалан, Олий Мажлис қонун қабул қилишда баҳамжиҳат иш тутади. Яккаҳоқимлик ёки яккабошчилик принципида эса масала коллегиалликка ўхшаш умум иродасининг рўёбга чиқиши билан эмас, балки хизмат соҳаси ёки бўлим бошлиғининг яқдил фикри асосида ҳал қилинади. Масалан, Божхона қўмитаси раисининг тегишли масала юзасидан якка тартибда буйруқ чиқариши, Вазирнинг буйруғи ва ҳоказо.

**Сайланиш ва тайинланишнинг уйғунлиги.** Давлат механизми (аппарати)нинг ташкил этилиши сайланиш ва тайинланиш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида олий вакиллик органлари Қонунчилик палатаси депутатларининг барчаси, Сенат аъзоларининг аксарият қисми, Олий суд органларининг раис ва ўринбосарлари сайлаш орқали тегишли ваколатга эга бўладилар. Ижро этувчи органлар-

нинг барчаси тайинлаш тартибида шакллантирилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти вазирлар ва ҳокимларни лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

Давлат механизми (аппарати)га кирувчи органлар юқорида қайд этиб ўтилган принциплар асосида ташкил этилади ҳамда улар ўз фаолиятини мазкур принциплар асосида амалга оширадilar.

Давлат механизми билан давлат функцияларининг узвий алоқадорлиги давлат механизми (аппарати) ни таркибий-функционал таҳлил этиш имконини беради. Таркибий-функционал ёндашув умумий тизимли таҳлил услубининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, давлатнинг таркиби ва функцияларини узвий боғлиқликда ўрганишга кўмаклашади. Шунга кўра, давлат механизмининг тузилиши у бажарадиган вазифа ва функциялар самарадорлиги нуқтаи назаридан баҳоланади.

Ҳозирги Ўзбекистон давлати механизмининг таркибий-функционал таҳлили унга кирувчи таркибий қисмларнинг, яъни давлат органларининг роли ва ўрнини аниқ тасаввур этишни англатади. Давлат органларининг Конституция ва қонунларда белгиланган мақоми (таркибий ёндашув) уларнинг зиммаларидаги давлат функцияларини бажариш жараёни ва хусусиятлари билан уйғун тарзда (функционал ёндашув) таҳлил этилади.

### **3-§. Давлат органи тушунчаси ва турлари**

Давлат механизмининг дастлабки ва энг муҳим таркибий элементи *давлат органидир*.

**Давлат органи** — давлат функцияларини бажаришда қатнашувчи ва бунинг учун тегишли ҳокимият ваколатларига эга бўлган давлат механизмининг бўғинидир.

Давлат органлари бевосита давлат функцияларини амалга оширишга қаратилган, ўзаро боғлиқлик ва нисбий мустақил бўлган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов органлари (ташкилий тузилмалар)нинг ҳамкорликда фаолият юритувчи ягона тизимидир. Мазкур органлар давлати аппаратининг бир қисми ҳисобланиб, давлат функциясини амалга оширувчи маълум давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлган,

бажарилиши мажбурий ҳуқуқий ҳужжатлар чиқарадиган, маълум тартибда ташкил этилган идоралардир. Давлат органлари тузилиши жиҳатидан алоҳида ва мустақил ташкилот эканлиги, доимий персоналлар — давлат хизматчиларининг мавжудлиги, фаолиятининг моддий-молиявий жиҳатдан барқарор таъминланганлиги билан ажралиб туради.

***Давлат органларининг белгилари қуйидагилардан иборат:***

*Оператив бошқарувда бўлган оммавий мулкка эга ва бюджет томонидан молиялаштирилади.* Давлат органлари ўз ваколатини амалга ошириш учун моддий маблағ билан таъминланади. Шунингдек, молиявий қимматликлар, банкдаги ҳисоб рақами, бюджет ҳисобидан молияланиш манбаига эга бўлиши шулар жумласидандир. Масалан, барча вазирликлар ўзининг банкдаги шахсий ҳисоб рақамига эга ҳамда тегишли давлат хизматчиларига маош тўлаш, уларнинг хизмат фаолияти учун зарур техник воситалар ва бошқа жиҳозлар сотиб олиш учун давлат бюджетидан доимий равишда молиявий маблағлар ажратилади.

*Давлат номидан муайян соҳада унинг вазифа ва функцияларини амалга оширади.* Давлат органлари жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият юритади. Жумладан, давлатдаги ҳуқуқий тартиботни таъминлаш соҳасини Ички ишлар вазирлиги, прокуратура органлари амалга оширса, давлатнинг ташқи функцияларини Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, мамлакат мудофасини эса Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва бошқа органлар амалга оширади.

*Ҳокимият ваколатларига эгалиги.* Давлат органлари муайян ҳокимият ваколатларига эгалиги билан бошқа давлат муассасалари ва ташкилотларидан фарқ қилади. Давлат органлари ишонтириш ва мажбурлаш усулларидан фойдаланган ҳолда қонун ва бошқа норматив — ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлайдилар. Давлат ташкилотлари ва муассасалари эса бу каби ҳокимият ваколатларига эга эмас.

*Таркибий тузилишга эгалиги.* Давлат органлари хизмат турлари ва таркибий миқдорига кўра муайян тузилишга эга. Масалан, ижро этувчи ҳокимият органлари вазирлик ва давлат қўмиталаридан иборат; вазирлик (қўмита) таркиби эса бош бошқарма, бошқармалар, бўлим, бўлинмалар тарзида ташкил этилади. Масалан, Адлия вазирлигида Қо-

нунчилик бош бошқармаси, Ички ишлар вазирлигида Тергов бош бошқармаси, Жиноят қидирув бош бошқармаси ва бошқа тузилмалар мавжуд.

*Ҳудудий фаолият миқёсига эгаллиги.* Ўзбекистон Республикаси марказий давлат органларининг фаолият кўлами бутун Ўзбекистон ҳудудини қамраб олади, маҳаллий давлат органларининг фаолияти эса фақатгина тегишли вилоят, шаҳар, туман ҳудуди миқёсида амалга оширилади.

*Қонун воситасида ташкил этилади.* Ўзбекистон Республикасида барча давлат органлари қонун йўли билан ташкил этилади ва тегишли қонунларда белгилаб қўйилган тартиб ҳамда ваколатлар асосида фаолият юритади. Ўзбекистон Республикасида ноқонуний ташкилотлар тузиш қатъиян ман этилади. Давлатимиз Асосий қонунининг 57-моддасида қуйидагилар таъкидланган: Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш қатъиян ман қилинади.

*Давлат органларининг турлари.* Давлат органлари хилма-хил бўлиб, улар турли вазифа ва функцияларни амалга оширади. Улар *фаолияти мазмуни ва мезонларига кўра турлича таснифланади:*

*Давлат фаолиятини амалга ошириш шакли бўйича:* вакиллик, ижроия, суд органлари ва прокуратура органларига ажратилади. Давлат органларини таснифлашнинг дастлабки асоси — уларнинг конституциявий бўлинишидир. Ягона давлат ҳокимияти Конституцияда белгиланган халқ ҳокимиятчилиги ва демократизм принциплари асосида таркибий-функционал белгига кўра алоҳида органларга бўлинади.

*Вакиллик органлари.* Ўзбекистон Республикасида марказий ва маҳаллий вакиллик органлари мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси республикада қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга



оширувчи давлатнинг олий вакиллик органидир. Икки палатали Олий Мажлис (Қонунчилик палатаси ва Сенат) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ўз ваколатига кирадиган ҳар қандай масалани ўз муҳокамасига қабул қилиш ва ҳал этиш ҳуқуқига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоят ва туманлардаги Халқ депутатлари кенгашлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисобланади.

*Ўзбекистон Республикасининг Президенти* давлат бошлиғи ва Конституциянинг кафили ҳисобланади. У давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради ҳамда уларнинг ҳамкорлигини таъминлайди. Президент Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш чораларини кўради; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишининг кафили бўлади; мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради; вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади; Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини парламент тасдиғига киритади, Бош вазирнинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимларидан озод қилади; Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди, қонунчилик ташаббуси ва вето ҳуқуқларидан фойдаланади; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош кўмондони ҳисобланади; Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилинадиган қарор асосида парламентни ёки унинг палаталаридан бирини тарқатиб юбориши мумкин; Конституция ва қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

*Ижроия органлар.* Вазирлар Маҳкамаси — иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Олий Мажлиснинг ҳамда унинг палаталарининг қарорларини ижро этилишини, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган фармон, фармойиш ва қарорлар бажарилишини таъминловчи ижро органи. Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республика-

сининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституциянинг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Ижро этувчи органлар вазирликлар ва давлат қўмиталаридан иборат тарзда таркиб топади.

*Суд ҳокимияти органлари* Ўзбекистон Республикасида беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва ҳўжалик судларидан иборат. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди — барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини назорат қилади. У сиёсат ва ҳуқуқ соҳаларидаги мутахассислар орасидан Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси вакилидан иборат таркибда сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг фаолияти устидан назорат олиб боради. Олий суд

томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва бажарилиши барча учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судлари — мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган корхоналар ҳамда тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган ҳўжалик низоларини ҳал этиш масаласи билан шуғулланадилар. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоятлар ҳўжалик судлари устидан назоратни амалга оширади. Ҳўжалик судлари туманлар миқёсида ташкил этилмайди.

*Прокуратура органлари.* Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади. Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар барча вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, давлат назорати идоралари, ҳокимлар, шунингдек, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассасалар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фуқароларнинг қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишлари устидан назоратни амалга оширадилар.

*Юқоридан қуйига қараб бўйсунувига (иерархияга) кўра:* марказий ва маҳаллий давлат органлари. Ўзбекистон Республикасида давлат органлари поғонама-поғона бўйсунини тамойили асосида ташкил этилган бўлиб, маҳаллий органлар марказий органларнинг итоатида бўлади. Марказий давлат органлари чиқарган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар маҳаллий давлат органлари учун мажбурий хусусиятга эга. Шунингдек, маҳаллий давлат органлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар марказий давлат органлари томонидан бекор қилиниши мумкин. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг барча қарор ва фармойишлари мамлакатнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳокимлари учун мажбурий хусусият касб этади, вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори фақатгина у раҳбарлик қилаётган вилоят (шаҳар) ҳудудида амал қилади ва бу қарорни юқори турувчи орган раҳбари Бош вазир ёки Президент бекор қилиш ҳуқуқига эга.

***Ваколат муддатига кўра: доимий ва вақтинчалик давлат органлари.***

*Доимий органлар* — фаолият муддати чекланмаган, доимий фаолият олиб боровчи давлат органлари. Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини доимий фаолият олиб боровчи органлар сифатида кўрсатиш мумкин. Масалан, прокуратура, ички ишлар, солиқ, божхона органлари ва бошқалар.

*Вақтинчалик органлар* — жамият олдида турган бирон - бир муҳим вазифани муайян муддат давомида амалга оширувчи ва мазкур ишлар якун топиши билан ўз фаолиятини тўхтатувчи органлар ҳисобланади. Масалан, турли хил табиий офатлар юз берганда ёки оммавий тартибсизликлар юзага келганда давлат томонидан ушбу хавфни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссияси ёки «оператив штаб» ташкил этилади. Мазкур комиссия ёки оператив штаб юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича муайян муддат давомида фаолият юритади.

***Шаклланиш манбаига кўра: Бирламчи ва иккиламчи давлат органлари.***

*Бирламчи давлат органлари* — халқ томонидан тўғридан - тўғри сайлаш йўли билан ташкил этиладиган органлар. Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати (қисман) сайлаш йўли билан ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам халқ томонидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг раислари ва судьялари Сенат томонидан сайланади.

*Иккиламчи давлат органлари* — халқ томонидан сайланган, ташкил этилган ёки шахслар томонидан шакллантириладиган давлат органлари. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси халқ сайлаган Президент ва Олий Мажлис томонидан шакллантирилади. Вазирликлар ва давлат қўмиталари Президент томонидан ташкил этилади.

***Ваколатни амалга ошириш тартибига кўра, коллегиал органлар ва якка тартибда ваколатни амалга оширувчи органлар.***

*Коллегиал органлар* — ўз иш фаолиятини жамоавий тарзда, яъни коллегиал асосда ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида қонунлар депутатларнинг жамоавий

муҳокамаси ва умумий овози асосида қабул қилинади. Маҳаллий Халқ депутатлари кенгашлари ҳам коллегиялар тарзда фаолият юритади.

*Якка тартибда фаолият юритувчи давлат органлари* — мазкур орган раҳбарлари хизмат фаолиятида муайян бир иш юзасидан жамоа билан маслаҳатлашув ёки муҳокама қилиш шаклидан маълум бир маънода мустақил бўлади ва ўзи якка ҳолда қарор қабул қилади. Бунга Президент, Бош вазир, Бош прокурор, ҳоким ва бошқаларни мисол тарзида кўрсатиб ўтиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, якка тартибда қарор қабул қилиш ва иш юритиш фақат катта ваколат, ҳуқуқгина эмас, балки улкан масъулият ҳамдир.

#### **4-§. Ҳокимиятлар тақсимланиши принципи**

Ҳокимиятнинг тақсимланиши — демократик ҳуқуқий давлатнинг зарурий шартидир. Мазкур принципнинг қўлланилиши ҳокимиятнинг суиистеъмол қилинишига тўсиқ қўяди, фуқароларни мансабдор шахсларнинг тазйиқидан ҳимоя қилади, давлат идоралари фаолиятининг самарали бўлишига шарт-шароит яратади. Ҳокимиятлар тақсимланиши назариясининг вужудга келиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо унинг мустақил ва бир бутун сиёсий-ҳуқуқий таълимот сифатида шаклланиши XVII—XVIII асрдаги буржуа инқилоблари даврига тўғри келди. Давлат органлари фаолиятининг (ваколатларининг) чегараланиши ғояси энг умумий кўринишда антик давр донишмандлари — Платон, Аристотель, Полибий, Ликург ва бошқалар томонидан ифода этилган.

Ҳокимиятлар тақсимланиши назарияси «классик» шаклининг анъанавий асосчилари Жон Локк ва Шарль Луи Монтескьедир. Ҳокимиятларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва федерал турларга бўлиниши, Локкнинг фикрича, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Бунда «барча қонун чиқарувчи ҳокимиятга итоат этади, чунки у қонунларни ўрната оладиган энг олий органдир». Локк суд ҳокимиятини алоҳида эътироф этмаган, сабаби уни ижроия ҳокимиятнинг таркибий қисми деб ҳисоблаган.

Бу борада буюк француз тарихчиси ва файласуфи Шарль Монтескьенинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. У «ҳокимиятлар тақсим-

ланиши» деб ном олган бир бутун тугал таълимотни яратган. Олимпнинг хулосасига кўра, адолатли қурилган давлатда ҳокимият ягона эмас, балки, аксинча, бир-бирига тобе бўлмаган учта ҳокимият — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўлиши шарт. Уларнинг ҳар қандай кўринишда бирон-бир орган ёки шахс қўлида мужасамланиши умумий манфаатларга путур етказди, суиистеъмоликларга олиб келади ва шахснинг сиёсий эркинлиги билан асло келишмайди. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг бир қўлда бирлаштирилиши қонун устун бўлишига зарар етказди, борди-ю, судьялар фақат судлов билан машғул бўлмай, қонун яратиш иши билан шуғуллансалар, у ҳолда инсонлар ҳаёти ноҳақлик қурбонига айланиши мумкин.

Ўз ўтмишдошлари сингари Монтескье ҳам бошқарувнинг самарали бўлиши учун давлат фаолияти соҳасида одилона «меҳнат тақсимоти» зарур, деб таъкидлаган. У учта ҳокимиятнинг ҳар бири ўз фаолиятининг хусусиятига мувофиқ, алоҳида мустақил орган томонидан амалга оширилгани маъқул, деган. Айни вақтда, донишманд давлат органлари тизими, улар ўртасидаги алоқалар табиати, ўзбошимчаликни чеклаш ва инсон эркинлигини таъминлаш мақсадида уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда бир-бирини «тийиб туриш» муносабатларини таҳлил қилишда давом этган. Бу ўринда ҳокимиятлар мустақиллиги ва уларни амалга оширувчи органларнинг мустақиллиги, бир-бирининг фаолиятига арашмаслиги ўта муҳимдир.

Монтескье таълимотида алоҳида ўрин тутадиган ғоя — ҳокимиятларнинг мувозанати, тенглиги ҳамда уларнинг «ўзаро тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш системаси» ҳақидаги ғоядир. Юқорида зикр этилган ҳокимиятлар ўртасида шундай муносабат ўрнатилмоғи лозимки, бунда уларнинг ҳар бири давлат вазифаларини мустақил ўташ билан биргаликда, ўз ҳуқуқий воситалари ёрдамида бир-бирларини мувозанатда ушлаб турадилар, ҳокимият ваколатларини биргина муассаса томонидан қонунсиз равишда тортиб олиниши (узурпация қилиниши)ни бартараф этадилар. Масалан, қонун доирасида ишлаши лозим бўлган ижро этувчи ҳокимият, айни пайтда, қонун чиқарувчи кенгашнинг фаолиятини чегаралаб туриши талаб этилади, акс ҳолда

парламент ўзининг мутлақ ҳокимлигини ўрнатиши мумкин. Шу сабабли ҳам ижро ҳокимиятининг бошлиғи қонунларни имзолашда «veto» (яъни, вақтинча рад этиш) ҳуқуқидан фойдаланади, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлади.

Ўз навбатида, қонун чиқарувчи орган қонунларнинг ижро этувчи орган томонидан қандай бажарилаётганлиги устидан назорат қилиш ваколатларига эга, ҳукумат эса парламентга ҳисоб беришга мажбур.

Ҳокимиятнинг турли тармоқлари ўртасида ўзаро муносабат масаласига чуқурроқ кириб борар эканмиз, унда Монтескьенинг қарашлари Локкнинг ғояларидан фарқ қилишини кўрамиз. Ҳокимиятларнинг узвий алоқадорлигини тан олиш билан бирга, Локк қонун чиқарувчи ҳокимият ижро этувчи ҳокимиятдан устун туришини таъкидлайди. Монтескье эса уларнинг тўла тенглиги, мустақиллиги, ҳатто алоҳидалигини ёқлаб чиқади. Бундан ҳокимиятлар мутлақо чекланмаган деган маъно чиқмайди. Аксинча, ҳеч бир ҳокимият идораси бошқасининг ваколатлари доирасига аралашмайди. Ҳар бир ҳокимият ўз ҳимояси нуқтаи назаридан ўзга ҳокимиятни назорат қилади, чеклаб туради, ваколатларидан четга чиқишга йўл қўймайди. Бунда ҳокимиятларни таъминлашнинг тартиби, воситалари (механизми) вужудга келтирилади.

Ҳокимиятларнинг энг мақбул тақсимланиши «ўзаро тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш системаси» ёрдамида таъминланади. Мазкур система бирон-бир ҳокимият органининг мутлақ авторитар мавқега эга бўлишига, ҳуқуқни ва конституцияни поймол этишига йўл қўймайди.

Монтескье кашф этган «ўзаро тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш системаси», яъни ҳокимият тармоқларини мувозанатда ушлаш ва ҳатто, қарама-қарши қўйиш системаси давлат органларининг самарали ҳамкорлик қилишига шароит ярата олмайди, — деб ёзади рус олими А. Барнашов.

Монтескьенинг схемаси «уч ҳокимият» орасида бирининг устун бўлишини инкор этади. Бу таълимот, аввало, ҳокимиятлар тақсимланишига ташкилий-ҳуқуқий ёндашувни англатади.

Кейинчалик Монтескьенинг қарашлари буржуазия мафкурачилари томонидан танқидга учраган. Хусусан, буюк француз олими Ж.Ж.Рус-

со ажралмас, ягона ва бўлинмас «*халқ суверенитети*» позициясида туриб Монтескьенинг ҳокимиятлар тақсимланиши ғоясини танқид қилган. Руссо ўз даври учун илғор ҳисобланган сиёсий дастур билан чиққан. Унинг асосида давлат ҳаётини «ақл ҳукмронлиги» ва халқ суверенитетини таъминловчи «*ижтимоий шартнома*» воситаси орқали демократик ташкил этиш ғояси ётади.


Руссо давлат ваколатлари тақсимланишини, яъни давлат органлари ўртасида ваколатлар чегараланишини тан олган. Руссонинг таъбирича, қонун чиқарувчи ҳокимият — суверен халқ иродасининг ифодачиси бўлганлиги сабабли, у (қонун чиқарувчи) барчага тааллуқли умумий хусусиятга эга масалаларни тартибга солиши лозим. Ижроия ҳокимият суверен халқ қарори билан ўрнатилганлиги боис, у халқнинг ишончли таянчи ва хизматкори сифатида майдонга чиқади. Барча давлат органларининг тенглигига олий қонун чиқарувчи ҳокимиятни қайта тузиш эвазига эришилади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни халқнинг ўзи бевосита мажлисларда амалга оширади (йирик шаҳарларда вакиллик органлари тузилиши мумкин).

Юқорида келтирилган икки ёндашув элементларини бирлаштириш биринчи марта Америка Қўшма Штатларининг 1787 йилги Конституциясида ўзининг қонуний ифодасини топган. Конституция муаллифлари «биз Қўшма Штатларнинг халқи...» деган сўзлар билан унинг суверенитетини баён этган. Давлат органлари (Конгресс, Президент ва унга итоат қилувчи министрлар, судлар)нинг ваколатларини бўлиб бериш орқали эса «ўзаро тийиб туриш ва қарши таъсир этиш системи» билан тўлдирилган ҳокимиятлар тақсимланишини жорий қилган.

Кўпчилик буржуа давлатлари, шу жумладан АҚШ ҳам, халқ суверенитети ва ундан келиб чиқувчи қонуннинг олийлиги принципи замирида «ҳокимиятлар тақсимланиши»ни эътироф этган. Масалан, АҚШ Конституциясига биноан, қонун чиқарувчи ҳокимият Вакиллар палатаси ва Сенатдан иборат Конгрессга тегишли. Ижро этувчи ҳокимият сайлашга вакил қилинган кишилар томонидан сайланади. Президент бир вақтнинг ўзида ҳам давлат бошлиғи, ҳам ҳукумат бошлиғи ҳисобланади. У қонунларга итоат этиши шарт, аммо Конгрессга ҳисоб бермайди.



Давлат органларининг таснифи



АҚШ Олий суди нафақат одил судловни амалга ошириш ваколатларига, балки конституциявий назорат ҳуқуқига ҳам эга. Бунинг маъноси шуки, Олий суд қонунлар ва маъмурий актларнинг конституция нормаларига мувофиқлигини текширади ва уларни гайриконституциявий деб эълон қилиш ҳамда президент ёки конгресс актларини юридик кучга эга эмас, деб топиш имкониятига эга. Жиддий сиёсий инқирозлар даврида эса Америка Олий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида арбитраж (ҳакамлик) ролини бажаради. Шу йўл билан ҳокимиятлар фаолиятини ўзаро уйғунлаштиради.

Анъанага кўра, ҳокимиятларнинг тақсимланиши принципи АҚШ Конституциясида ўзининг энг аниқ ифодасини топган деб ҳисобланади. Бунга Америка давлат қурилиши тажрибасидан олинган юқоридаги мисоллар ҳам далил бўла олади. Аммо кўпчилик америкалик мутахассисларнинг ўзлари эътироф этганидек, ҳокимиятлар тақсимланишининг моҳияти Массачусетс штатининг Конституциясида янада мукамалроқ ўз талқинини топган. Унда масалан, шундай дейилган: «Жамиятда инсонлар эмас, балки қонунлар ҳукмрон бўлиши учун уни бошқаришда:

- қонун чиқарувчи ҳокимият ҳеч қандай шароитда ижро этувчи ва суд ҳокимиятини (ёки улардан бирини) амалга оширмаслиги лозим;
- ижроия органлар ҳеч қандай шароитда қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятини (ёки улардан бирини) амалга оширмаслиги лозим;
- суд органлари ҳеч қандай шароитда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятни (ёки улардан бирини) амалга оширмаслиги лозим».

Ҳокимиятларнинг тақсимланиши дунёнинг ҳеч бир мамлакатида, ҳатто икки асрдан ортиқ тарихга эга бўлган АҚШ да ҳам бундай радикал кўринишда амалга оширилган эмас. Бу уқувсизлик ёки истамаслик оқибати эмас, балки жамиятнинг реал турмушини назарий (мавҳум мафкуравий) қолипга солиб бўлмаслиги натижасидир. Лекин шунга қарамай парламент демократияси ривож топган қатор мамлакатларда ҳар бир ҳокимиятнинг ваколат доираси нисбатан мукамал белгиланган бўлиб, унга бошқаси «бостириб» киролмайди. Фақат «бир-бирига алоқадор» масалалардагина, шунда ҳам қонун билан белгиланган ҳол-

ларда, турли ҳокимиятларнинг ваколатлари ўзаро уйғунлашиб кетиши мумкин. Аммо ўз ваколатлари доирасида ҳар бир ҳокимият мустақил, ўзаро тенг ва фақат қонунга итоат этади.

1917—1991 йиллар мобайнида Ер қуррасининг олтидан бир қисмига тенг ҳудудда Совет давлати ҳукм сурганлиги тарихий ҳодисадир. У ўзига хос тоталитар шаклдаги давлат бўлиб, «коммунистик» мафкурага амал қилар эди. Совет ҳуқуқшунослик фани етмиш йил давомида ҳокимиятлар тақсимланиши тўғрисидаги мумтоз назариянинг «оқилона мағзини», унинг илмий ва амалий аҳамиятини инкор этиб, хаспўш-лаб келди.

Тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тузумининг барбод бўлиши оқибатида собиқ Совет Иттифоқи вайроналарида бир қатор янги суверен давлатлар вужудга келди. Собиқ иттифоқдош республикаларнинг мустақилликка эришиш жараёни демократлаштириш, умуминсоний қадриятларни қайта тиклаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини тан олиш, қонуннинг (ҳуқуқнинг) устунлиги, ҳуқуқий давлат яратиш шиори остида амалга ошди. Ёш мустақил давлатларнинг шаклланиши жараёнларида турли ғоялар ва концепцияларнинг пайдо бўлиши табиий бир ҳолдир. Шулар жумласидан ҳокимиятлар тақсимланиши назарияси ҳам кенг тарқалди. Бундан кутилган мақсад — ҳокимиятнинг суиистеъмол қилиниши, бюрократизм ва сиёсий ҳаётдаги бошбошдоқликдан сақланишдан иборат. Ҳокимиятлар тақсимланиши принципи деярли барча республикаларнинг янги конституцияларида давлат тузумининг ҳуқуқий асоси сифатида мустақамланган.

Конституциявий қонунчилик соҳасида бундай ўта масъулиятли қарорга келиниши ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Гап сиёсий механизмларнинг оддийгина ўзгариши ҳақида эмас балки давлат қурилишининг «демократик» шакллари ҳақида жамиятдаги чуқур сингиб кетган эски стереотип (қолип)ларнинг тубдан ўзгарганлиги, умуман МДХ давлатларида давлат ҳокимияти концепциясининг қайтадан кўриб чиқилганлиги ҳақида бораётир.

Ҳокимиятларнинг оқилона тақсимланиши — давлат тузилмаларининг самарали фаолият юритиши суиистеъмолликларнинг бартараф этилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши, уму-

ман қонунчиликни таъминлашнинг гаровидир. Шунинг учун ҳам ҳокимиятлар тақсимланиши принципнинг давлатчилигимиз ҳаётига реал сингдирилиши масаласи катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Биргина қўйидаги мисолга мурожаат этайлик. Президентлик лавозимининг жорий қилиниши ва кейинчалик унинг кучайиб бориши кўпчилик республикаларда парламент билан ижроия органлар ўртасида ҳокимият ваколатларини қайта тақсимлаш масаласини кун тартибига қўйди. Бу жараённинг анча мураккаблиги аён бўлиб қолди. Далил сифатида Россия Федерациясининг парламенти билан ҳукумати ўртасида узоқ давом этган кескин қарама-қаршилиқни эслаш кифоя. Таъриба шуни кўрсатадики, республикаларнинг парламентлари президентлик ҳокимияти билан «баҳслашишга» лаёқатсиз бўлиб чиқдилар.

Ҳокимиятлар тақсимланиши принципи мамлакатнинг аниқ тарихий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда оқилона жорий этилсагина, ҳокимият органларининг мувозанати ва тенглигини таъминлаш мумкин. Мазкур принцип ҳокимият эгаси бўлган субъектларнинг ўзаро муносабатларини тартиб (муайян қолип, андаза)га солиш имкониятини беради. Зеро, уларнинг ҳар бири ўз соҳаси доирасида мустақил бўлиб, бошқа ҳокимиятга итоат этмайди ва сўзсиз ижро этилиши мўлжалланган қарорлар (актлар) қабул қилади.

Бироқ ҳокимиятлар тақсимланишини мутлақлаштириш керак эмас, чунки ҳокимиятларни ўзаро бирлаштириш, улар фаолиятини уйғунлаштириш лозим бўлади. Бунинг учун ҳокимиятларнинг мавқеини (мақомини) конституциявий белгилаш, чегаралаш талаб қилинади. Бирон-бир ҳокимиятнинг қонун билан мустақкамлаб қўйилган «чегаралар»дан четга чиқиши ва бошқа ҳокимиятларнинг ваколат доирасига аралашishi мумкин эмас.

Ҳокимиятнинг ҳар уч шахобчаси, биргаликда ягона давлат ҳокимиятини ташкил этади. Улардан бошқа ҳеч бир давлат органи ҳокимиятга даъвогарлик қилолмайди.

Ҳокимиятлар тақсимланиши принципнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, унда ҳокимиятнинг ҳар бир шахобчаси (тармоғи) қолган икки ҳокимият субъектининг ҳар бирини назорат қилиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлиши керак. Аммо бу назорат — устунлик эмас.

Назорат ҳуқуқи назорат қилинаётган ҳокимиятнинг конституциявий ваколатларини ўзлаштириб олиш имконини бермайди.

Ҳокимиятлар тақсимланиши ҳар бир ҳокимиятнинг ўз ваколати доирасида тўлақонли ҳокимият эгаси бўлишини тақозо этади. Шу боис ҳар қандай алоҳида олинган давлатда ягона қонун чиқарувчи орган, ягона ижро этувчи орган ҳамда ягона судлов органи (тизими) бўлиши лозим.

Илгари юридик адабиётда «*вакиллик ҳокимияти*» деган ибора кенг қўлланиларди. Бу иборани тўғри деб бўлмайди. Аслида қонун чиқарувчи *ҳокимият ва вакиллик органи* дейиш тўғридир. Қонун ижод этиш фақат вакиллик органи томонидан эмас, балки бевосита халқ томонидан (референдум йўли билан) ёки ҳатто алоҳида шахс томонидан (монархия шаклидаги давлатларда) амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, масалан, Франция ва Қозоғистон Президентларининг ҳам қонунчилик ваколатлари бор. Вакиллик характериға эса ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро этувчи ҳокимият эга бўлиши мумкин.

Ҳокимият тақсимланиши серқирра ҳодиса бўлиб, у тузилма ҳосил қилувчи ва функционал принципдир. У алоҳида таркибий қисмларнинг қотиб қолган йиғиндиси эмас, балки амал қилувчи, ҳаракатланувчи механизмдир. Бу механизм мураккаб келиштирув ва махсус ҳуқуқий жараёнларни (шу жумладан, ихтилоф ва фавқулодда ҳолатларга мўлжалланган жараёнларни) бирлаштириш воситасидир. Ҳокимиятларнинг ягоналиги (ҳамжиҳатлиги) ва тақсимланиши давлат ҳокимияти тармоқларининг диалектик ҳолатидир. Ягоналикка диалектик мувозанат орқали, ҳокимиятларни мутаносиблаштириш ёрдамида эришилади.

Ҳокимиятлар тақсимланиши назариясининг тарихий ва умуминсоний қадр-қимматиға тан бериш билан бир қаторда шунини таъкидлаш керакки, у маъмурий-буйруқбозлик тизимининг барча офатлари ва бетайин давлат бошқаруви оқибатларидан халос бўлишнинг ягона воситаси эмас. Бунинг учун ҳали яна бир қатор омиллар керак. Яъни, илғор тараққий этган демократия, тегишли сиёсий маданият даражаси, «ўзаро тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этишнинг» конституциявий расмийлаштирилган системаси ва ҳоказо. Тарихий тажриба шунини

кўрсатадики, ҳокимиятлар тақсимланиши принципини аслида тўла ҳажмда жорий этиш мумкин эмас. Ҳатто, Америка Қўшма Штатларида ҳам ҳокимиятлар тақсимланиши соф кўринишда амалга ошмаган. Шунинг учун ўзга давлат — ҳуқуқий андазасини муайян мамлакатга механик тарзда кўчириб ўтказиш тўғри эмас. Чунки, барча халқлар ва давлатлар учун ягона намуна, қолип, андаза бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг жорий этилишига алоҳида эътибор бериб келади. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2005 йил 28 январь кўшма мажлисидаги Президент маърузасида бу масала янада устувор вазифалар қаторига киритилди: «Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа — бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т., 2005. 36-б.

## VII Б О Б

### ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ ТИЗИМИ

#### 1-§. Сиёсий тизим тушунчаси ва турлари

Эркинлик ҳар қандай жамият интиладиган эзгу тилак, олий қадриятдир. Ижтимоий ҳаётнинг эркинлиги жамият сиёсий тизимида демократик институтларнинг нечоғлик қарор топганлиги ва самарали амал қилиши билан белгиланади.

Сиёсий тизим жамият манфаатларига, халқ иродасига қанчалик самарали хизмат қилса, унинг табиати ва мазмуни шунчалик демократик бўлади. Бошқача айтганда, сиёсий тизимни муттасил демократлаштириб бориш халқ ҳокимиятчилигини реал амалга оширишнинг стратегик йўлидир.

Сиёсий демократияни равнақ топтириш ёки сиёсий тизимни демократлаштириш жамиятимиз тараққиёти ҳозирги босқичнинг устувор йўналишларидан биридир. Сиёсий ҳаётни изчил ва мунтазам эркинлаштириб бориш масаласи мамлакат Президентининг доимий диққат марказида туради. И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли маърузасида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш масаласини қатъи тарзда кун тартибига қўйди. «Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида: авваламбор, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур. Демократиянинг энг муҳим принципи — одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш — иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим»<sup>1</sup>.

Эркинлаштириш сиёсий ислоҳотларнинг асл негизи сифатида бутун сиёсий тизимни қамраб олмақда. Мамлакатда рўй бераётган сиёсий демократик жараёнларни англаб етиш учун жамиятимиз сиёсий тизимини кўздан кечириш етарли бўлади. Шу мақсадда республикамиз

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т., 1999. 16-б.

сиёсий тизими ва унинг конституциявий-ҳуқуқий асосларига алоҳида тўхталишни жоиз деб ҳисоблаймиз. Сиёсий тизим инсонлар фаолиятининг алоҳида соҳаси — сиёсат, сиёсий муносабатлар ва алоқалар соҳаси билан боғлиқ. У муайян сиёсий ироданинг маҳсули сифатида вужудга келади ва бу ироданинг амалга оширилишига сафарбар этилган воситаларнинг институциявий (ташкилий-тузилмавий) расмийлашган шакли тарзида намоён бўлади. Сиёсий тизим кишилар ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг барқарор шакли бўлиб, унинг ёрдамида жамият аъзоларининг барчасига нисбатан ҳокимият таъсири амалга оширилади ёхуд қатъий иродавий қарор қабул қилинади<sup>1</sup>.

Тизимлилик, жамиятнинг табиий ҳолати ва мавжудлигининг зарур шартидир. Жамиятнинг таркибий қисми иқтисодий, ижтимоий, маданий, ҳуқуқий ва сиёсий тизим каби ижтимоий ҳодисалардан иборатдир. Сиёсий тизим ижтимоий тизимнинг бир тури сифатида жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади.

Юридик фанда учрайдиган, ижтимоий тизимнинг турлари ҳисобланадиган «ҳуқуқ тизими», «ҳуқуқий тизим» ва «сиёсий тизим» каби ўхшаш тушунчаларни бир-биридан фарқлаш лозим.

«*Ҳуқуқ тизими*» — ҳуқуқнинг таркибий қисмлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, ривожланиш жараёнини ташкил этиш усуллари тўғрисидаги масаладир. Ҳуқуқ тизимининг таркибий элементлари ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ соҳаларининг ўзаро боғлиқ ва алоқадорликда бўлган йиғиндисидир. «*Ҳуқуқий тизим*» эса, муайян макон ва замонда амал қилаётган ҳуқуқий ҳодисалар, ҳуқуқий принциплар, институтлар, нормалар ва жараёнларнинг бир бутун муштараклиги, ўзаро чамбарчас боғлиқлиги ҳамда алоқадорлиги бўлиб, уларнинг мақсадли ҳаракатланиши натижасида ижтимоий муносабатларнинг юксак савияда ҳуқуқий тартибга солинишига эришилади.

«*Сиёсий тизим*»нинг моҳиятини англаб етиш учун аввало, «сиёсат» ва «система» (тизим) каби ибораларнинг луғавий ҳамда илмий маъносини аниқлаш лозим.

<sup>1</sup> Қ а р а н г. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. — Т., 1999. 380-б.



«*Сиёсат*» юнонча — «*politikos*» сўзидан олинган бўлиб, «давлатни бошқариш санъати», «давлат ишлари» деган маънони билдиради.

Қадим юнон файласуфи Демокритнинг фикрича, «сиёсат — бу давлатни идора этиш, бошқариш маҳоратидир». Бу фикрни давом эттириб Платон (Афлотун) сиёсатни ҳукмдорнинг санъати сифатида, яъни шохнинг одамларни (жамиятни) бошқариш соҳасидаги билими ва қобилияти сифатида таърифлайди. Сиёсий санъатнинг моҳияти давлатнинг умумий ҳаётини оқилона ташкил этиш ва олиб бориш, сиёсий «матони» тўқиш маҳоратида намоён бўлади.

Бугунги кунда сиёсат — давлат ишларида иштирок этиш, давлатни йўналтириб туриш, унинг шакли, вазифалари, фаолияти ва мазмунининг белгиланиши (ифодаланиши) деб талқин қилинади. Сиёсат — турли ижтимоий гуруҳларнинг давлат ҳокимиятига нисбатан бўладиган муносабатининг ифодасидир. Инглиз сиёсатшунос олимлари Г.Понтон ва П.Джилл сиёсатни уч жиҳатнинг муштарак бирлиги:

1) кишиларнинг ижтимоий масалаларни тушуниш ва ҳал этиш усуллари;

2) бу фаолият асосида ётувчи принциплар;

3) айрим шахс ёки гуруҳнинг вазият устидан назоратни қўлга киритиш ва уни сақлаб қолиш воситаси тарзида изоҳлайдилар.

Фарб сиёсатшунослигида кенг тарқалган нуқтаи назарга кўра, сиёсат — жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг манфаатларини мурасага келтириш, уйғунлаштириш асосида оқилона қарор қабул қила олиш қобилиятидир.

Системанинг муҳим жиҳати — структуравий хусусиятнинг борлиги, яъни воқеликнинг ички таркибий қисмларга эгалиги, бу қисмлар орасида поғонали бўйсунуш мавжудлиги ҳамда бу қисмларнинг нисбий мустақиллиги<sup>1</sup>.

Системанинг мазкур сифатларига эътибор қаратишимизнинг боиси сиёсий тизим таркибига кирувчи қисмлар ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуд эканлигини чуқур тушуниш ва улар ўртасидаги муносабат-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Блауберг И.В., Юдин Б.Г.* Понятие целостности и его роль в научном познании. — М., 1972. С. 16; *Афанасьев В.Г.* Системность и общество. — М., 1980. С. 21—31.

ларнинг чамбарчас боғлиқлиги ва диалектикасига эътиборни жалб этишдир.

«Сиёсий тизим» ижтимоий тизимнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, жамиятда ҳокимият ва бошқарувни шакллантириш ҳамда рўёбга чиқариш билан боғлиқ муносабатлар, ҳаракатлар йиғиндисидир.

Сиёсий тизимнинг асосий таркибий бўғинини, ўзагини *давлат* ташкил этади. Давлат сиёсатни шакллантирувчи, амалга оширувчи ва жамиятни бошқарувчи муҳим зарур ташкилий тузилмадир. Давлат сиёсий тизимга кирувчи барча элементларни баҳамжиҳат этувчи, уларнинг ҳаракатига (фаолиятига) сиёсий мазмун бағишловчи, система ҳосил қилувчи бўғиндир. Сиёсий тизимнинг вазифа ва функцияларини адо этишда давлат ниҳоятда муҳим ўрин тутаети.

Сиёсий тизим барқарорлигини таъминлаш учун сиёсий ҳаёт иштирокчилари манфаатларини, улар ўртасида вужудга келадиган зиддиятларни ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун эса жамиятдаги мавжуд ижтимоий қатламлар, гуруҳлар, кучлар, шунингдек ташкилотлар ва ҳаракатларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш лозим. Бу вазифани Ўзбекистондаги ислоҳотлар шароитида сиёсий тизимнинг асосий элементи ҳамда бош ислоҳотчи бўлган — давлат бажармоқда.

Сиёсий тизимни жамиятнинг бошқа тизимларидан фарқи қуйидагиларда ифодаланади:

- *биринчидан*, сиёсий тизим доирасида қабул қилинадиган қарорлар бутун жамият учун мажбурийдир;
- *иккинчидан*, сиёсий тизим ижтимоий муҳит ва аввало жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилмаси билан узвий боғлиқдир;
- *учинчидан*, сиёсий тизим жамиятнинг бошқа тизимларига нисбатан мустақилдир.

Сиёсий тизим жамиятнинг мақсад ва вазифаларини белгиловчи, унинг имкониятларини амалга оширишга сафарбар қилувчи механизмдир. Сиёсий тизимни сиёсий ҳокимиятни шакллантирувчи ва амалга оширувчи воситалари бўлган давлат ташкилотлари ва сиёсий муносабатлар йиғиндиси деб тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Сиёсий тизимни моҳияти қуйидаги вазифаларда ўз ифодасини топади:

— сиёсий тизим ўзида жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, этник ва миллий тузилмаларини, демографик жараёнлар, аҳолининг маълумот даражаси, ижтимоий онги ҳолати, маънавийруҳий ва маърифиймафкуравий ҳаётни, халқаро аҳволни акс эттиради;

— сиёсий тизим орқали мафаатларнинг асосий гуруҳлари аниқланади. Зеро, ҳозирги шароитда жамиятимиз сиёсий тизими олдида аввало, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишда турли манфаатлар мувозанатига эришиш вазифаси турибди.

Жамиятнинг сиёсий тизими тўғрисидаги таълимотлар юрис-прudenceда XX асрнинг 60–70 йилларида намоён бўла бошлади. Сиёсий тизим масаласи ҳуқуқшунослик фанининг предмети бўлиб қолмай, балки уни сиёсатшунослик, социология, фалсафа каби фанлар ҳам ўрганади.

«Сиёсий тизим» тушунчаси баҳс ва мунозарага бой бўлиб, ҳуқуқшунос олимлар томонидан турли хил тарзда таърифланади. Сиёсий тизим — халқ иродасига мувофиқ, сиёсий ҳокимиятни амалга оширишга хизмат қилувчи сиёсий ташкилотлар (давлат, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат уюшмалар), сиёсий нормалар, принциплар, институтлар, жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги ва муштарак йиғиндисидир<sup>1</sup>. Бошқа бир нуқтаи назарга кўра, «сиёсий тизим» — шахсларнинг сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш жараёнидаги ташкилий мустақиллиги ва сиёсий фаоллигини ривожлантирадиган давлат, жамоат ташкилотлари ва бошқа уюшмаларнинг йиғиндисидир<sup>2</sup>.

Мазкур таърифлар ёрдамида жамият ва давлатнинг алоқаларини аниқлаш, давлатнинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни ва мавқеини кўрсатиб берадиган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий омилларни белгилаб олиш мумкин. Сиёсий тизим инсонлар фаолиятининг алоҳида соҳаси — сиёсат, сиёсий муносабатлар ва алоқалар соҳаси билан боғлиқ. У муайян сиёсий ироданинг маҳсули сифатида вужудга келади ва бу ироданинг амалга оширилишига сафарбар этилган воситаларнинг институциявий (ташкилий-тузилмавий) расмийлашган шакли тарзида на-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Одилқориев Х.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. 82-б.

<sup>2</sup> Қ а р а н г: *Саидов А.Х., Таджиханов У.Т.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т.2. — Т., 2001. 125-б.

моён бўлади. Сиёсий тизим кишилар ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг барқарор шакли бўлиб, унинг ёрдамида жамият аъзоларининг барчасига нисбатан ҳокимият таъсири амалга оширилади ёхуд қатъий иродавий қарор қабул қилинади.

Сиёсий ҳокимият сиёсий тизимнинг ўзагини ташкил этади, унинг фаолиятига «руҳ» бағишловчи, таъбир жоиз бўлса, бутун сиёсий вужудни «қон» билан таъминловчи субъстанция саналади. Сиёсий ҳокимият тузилмалари ва институтларини демократлаштириш, аввало, «ҳокимият» феноменини теран англаб етишни, у ҳақида жамият ижтимоий онгида муфассал объектив тасаввур (билим) ҳосил қилишни тақозо этади.

Ҳуқуқшунослик ва сиёсатшунослик фанларида сиёсий тизимларни турларга ажратиш гоёси турли мамлакатлар сиёсий тизимларини қиёсий таҳлил қилиш зарурати туфайли пайдо бўлди. Ҳозир дунёда 260 дан ортиқ мамлакатлар бўлиб, уларнинг сиёсий тизимлари ҳам турлитумандир.

Турли жамиятлардаги сиёсий ҳаёт шакллариининг ривожига кўра сиёсий тизимлар типологияси ўрганилганда, уларнинг қуйидаги турлари кўзга ташланади:

- 1) демократик сиёсий тизимлар;
- 2) авторитар сиёсий тизимлар;
- 3) тоталитар сиёсий тизимлар.

Юқоридаги сиёсий тизимлар типологиясини таҳлил этишда «сиёсий режим» тушунчаси кенг қўлланилади. Бу тушунча орқали ҳокимиятга эгалик қилишнинг у ёки бу шакли, давлат ва сиёсий тизимнинг амал қилиши англонади.

Сиёсий режим индикаторлари сифатида қуйидагилар тушунилади:

- 1) шахснинг жамиятдаги мавқеи, ҳуқуқ ва эркинликлари даражаси, турли манфаатларнинг имкониятлари, уларнинг ифода этилиши ва рўёбга чиқарилиши;
- 2) фуқароларнинг сиёсатга жалб этилиш даражаси ва хусусияти, унинг натижалари;
- 3) ўзини ўзи бошқариш ва давлат бошқарувининг нисбати, сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш усуллари;

Юқорида қайд этилган индикаторлар ҳолатига, даражасига кўра тоталитар, авторитар ва демократик сиёсий режимлар ўзаро фарқланади. Шунга биноан, жамиятларнинг сиёсий тизимлари ҳам тоталитар, авторитар ёки демократик белгиларига кўра тавсифланади.

*Демократик сиёсий тизимнинг асосий хусусиятлари:*

- ҳукмрон ва мухолиф сиёсий партияларнинг мавжудлиги;
- партияларнинг ошқора кураши шароитида шаклланидиган умумдават вакиллик органи — парламентнинг мавжудлиги;
- партияларнинг сайловларда ошқора кураши натижасида ҳукуматнинг шаклланиши;
- ҳокимият ваколатларининг тақсимланишига асосланганлиги.

*Авторитар типдаги сиёсий тизимлар* эса яқка шахс ёки муайян гуруҳ кўлида кучли ҳокимиятнинг тўпланганлиги билан ажралиб туради. Бундай тизимларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- фуқаролар демократик ҳуқуқ ва эркинликларининг тугатилганлиги ёки чекланганлиги;
- мухолиф партиялар ва ижтимоий ташкилотларнинг мутлақо ёки қисман тақиқланганлиги;
- давлат органларида сайловнинг чекланиши ва парламентнинг иккинчи даражали органга айланиб қолиши;
- ҳукмрон партиянинг давлат аппарати билан қўшилиб кетиши;
- мухолиф матбуотнинг тақиқланиши;
- ҳокимият ваколатлари тақсимланиш тамойилининг бузилиши ёки умуман амалга ошмаганлиги.

*Тоталитар турдаги сиёсий тизимлар* давлатнинг жамият ҳаёти барча соҳаларида тўла (тотал) назорат ўрнатганлиги билан ажралиб туради ёки тавсифланади. Тоталитар сиёсий режимларнинг асосий белгилари қуйидагилар:

- фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг буткул камситилиши;
- ҳокимиятнинг барча даражаларда номенклатуранинг ёпиқ каналлари орқали шакллантирилиши;
- ҳокимият бўлиниши принципининг амалда бекор қилинганлиги;
- ягона ҳукмрон партиянинг мавжудлиги;

— ягона расмий мафкуравий доктринанинг жамият барча аъзоларига сингдирилиши.

Тоталитаризм ижтимоий турғунликка, фуқароларнинг пассивлигига, давлат ва партия аппаратининг издан чиқишига, маънавий тубанлашувга олиб боришини собиқ СССРнинг тарихи яққол кўрсатди.

Ўтиш ҳолатидаги жамиятларда (тоталитаризм ёки авторитаризмдан демократияга ёки аксинча) ўтиш даври сиёсий тизимлари шаклланади. Бундай сиёсий тизимлар сиёсий институтларнинг заифлиги, охлократия, яъни, оломон ҳокимияти хавфининг намоён бўлиши, сиёсий ҳис-туйғуларнинг жиловланмаганлиги, ижтимоий гуруҳларнинг ўз гоёвий-сиёсий йўллари йўқотганликлари ва бошқа ҳолатлар билан изоҳланади.

Айрим сиёсатшунослар сиёсий тизимларни улардаги марказлашув даражаси, ҳурфикрлик (плюрализм) ва сиёсий ҳаётнинг демократлашганлиги даражасига кўра таърифлаб, қуйидаги турларга ажратадилар:

1. Марксистик сиёсий тизимлар (сиёсий тизимларни бир-бирига кескин қарама-қарши қўяди).

2. Демократик сиёсий тизимлар (фуқароларнинг давлат ҳокимияти устидан жамоат назоратини таъминловчи механизм мавжуд бўлади).

3. Модернизациялашган сиёсий тизимлар (ривожланган фуқаролик жамияти ва рационал ҳокимиятни амалга ошириш мавжуд бўлади).

4. Анъанавий сиёсий тизимлар (сиёсий анъаналарга содиқлик, ҳокимиятнинг монархия шакли ва ҳоказо).

5. Ўтиш даври сиёсий тизимлари (бундай тизим негизда ривожланмаган фуқаролик жамияти, сиёсий ролларнинг заиф табақалаштирилганлиги, ҳокимиятнинг харизматик усулга асосланганлиги, сиёсий институтларнинг суст ривожланганлиги ётади).

Шу ўринда сиёсий тизимлар эволюцияси ва революцияси тўғрисидаги айрим нуқтаи назарларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Жамиятдаги ижтимоий синфий кучлар жойлашувидаги ўзгаришлар оқибатида жамиятнинг сиёсий тизими ҳам ўзгаришларга юз тугади. Шу туфайли сиёсий жараён — ижтимоий субъектларнинг сиёсий тизимни шакллантириш, ўзгартириш, қайта тузиш ва рўёбга чиқариш борасидаги барча ҳаракатларининг йиғиндиси, деган хулосага келиш мумкин.

## 2-§. Сиёсий тизимнинг таркибий тузилиши ва функциялари

Жамият сиёсий тизимининг ички тузилиши (структураси)ни тўғри тавсифлаш учун унга кирувчи қисмларни аниқлаб олиш мезонларини қатъий белгилаш лозим. Бундаги асосий талаб системага кирувчи қисмларнинг ички батартиблиги (ташкилий мезон) ва фаолиятининг сиёсий йўналтирилганлиги (сиёсий мезон) ҳисобланади. Ушбу талаб (мезон)лар сиёсий ташкилотнинг ижтимоий вазифаси, мақсади, функциялари, фаолиятининг асосий соҳалари, фаолият юритиш ва ташкилий принципларини акс эттирувчи низом, дастур, уставларда норматив тарзда расмийлашади.

Фаолиятнинг сиёсий йўналтирилганлигини акс эттирувчи мезон сиёсий системанинг у ёки бу институти учун қуйидагича аҳамият касб этади: *биринчидан*, муайян ижтимоий бирликнинг, синф ёки гуруҳнинг сиёсий манфаатларини ифодалашга қодир бўлиш; *иккинчидан*, сиёсий ҳаёт ва сиёсий муносабатларнинг иштирокчиси бўлиш; *учинчидан*, давлат ҳокимиятига бевосита ёки билвосита алоқадор бўлиш — ҳокимиятга эгалик қилиш, уни шакллантириш ёки ундан фойдаланиш, давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш ёки уларга муҳолифатда бўлиш шакллари билан биронтасининг мавжуд бўлиши; *тўртинчидан*, ўз фаолиятида мамлакат сиёсий ҳаётида қарор топган сиёсий норма ёки қоидаларни қўллаш<sup>1</sup>.

Мазкур мезонларга риоя этган ҳолда сиёсий система субъектлари танлаб олинган бўлса, улар қаторига давлат, барча сиёсий партиялар ва баъзи жамоат бирлашмалари (ижтимоий ҳаракатлар) киритилиши мумкин. Энг асосий талаб уларнинг сиёсатга дахлдорлиги, сиёсий манфаат ва мақсадларни кўзлаши ҳамда уларга эришиш йўлида ҳаракатлана олишидир.

Сиёсий ва ҳуқуқий адабиётларда сиёсий тизимнинг таркибий тузилишини ташкил этувчи элементлар сиёсий ҳокимиятни шакллантириш ва амалга оширишдаги ўрнига қараб қуйидаги қисмлардан иборат, деб эътироф этилади:

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Общая теория государства и права. Академический курс в 2-х томах. Отв. ред. проф. М.Н.Марченко. Том 1. — М., 1998. С. 239—240.

**ташкилий жиҳат** — давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар (институционал элемент);

**меъёрий жиҳат** — ҳуқуқ, сиёсий норма ва анъаналар, сиёсий ҳаёт доирасидаги ахлоқ ва маданият қоидалари (норматив элемент);

**алоқалар тизими**га оид жиҳат — сиёсий институтлар ўртасидаги алоқа боғлаш воситалари ва шакллари: сайловлар, референдумлар, оммавий муҳокамалар, мажлислар, давлат ва сиёсий партияларнинг аҳолига мурожаатлари, оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва бошқа коммуникатив элементлар);

**мафкуравий жиҳат** — сиёсий онг, жамиятда ҳукмрон бўлган ва уни йўналтирувчи сиёсий мафкура (ғоявий, мафкуравий элемент).

Сиёсий тизимни ташкил этувчи юқорида қайд этилган тўртта кичик тизим сиёсий мақсадларнинг амалга оширилишида муайян вазифаларни бажаради. Масалан, ташкилий кичик тизимга кирувчи давлат ва сиёсий партиялар сиёсий мақсадларни амалга ошириш учун тузилади. Қолган бошқа кичик тизимлар, жумладан жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари эса сиёсий мақсадлар учун эмас, балки маълум гуруҳларнинг маданий, жисмоний ва малакавий манфаатларини қондиришга хизмат қилади.

Маданий-мафкуравий тизимнинг вазифаси сиёсий партияларнинг муайян ғоялар ва қарашларга таяниши билан боғлиқ. Сиёсий партиялар жамият тараққиётининг йўналишлари, ҳокимият учун кураш услублари ва концепцияларидан келиб чиқиб, турли ғояларни илгари суришлари мумкин. Сиёсий партиялар мамлакатда амал қилаётган қонунлар, ҳуқуқий нормаларга тўла-тўқис риоя қилсалар, жамият сиёсий тизимида ўзларининг муносиб ўринларига эга бўладилар, акс ҳолда, уларнинг фаолияти давлат томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Бугунгача дунё сиёсий тарихида либерал, консерватив, радикал, миллий, социалистик ва бошқа турдаги мафкуралар илгари сурилганлиги маълум. Демократик давлат маълум бир мафкуравий концепцияга таянса ҳам, у ёки бу мафкурани давлат мафкураси сифатида белгиламайди. Сиёсий меъёр — давлат ва сиёсий тузилмалар даражасида тан



олинган сиёсий ахлоқ ҳисобланади. Унинг асосий ҳужжати конституция бўлиб, у жамият ва давлат ҳаётининг нормаларини ўзида акс эттиради.

Ахборот-коммуникация тизимининг ўрни сиёсий жараёнларни халққа холисона етказиш ва баҳолаш билан белгиланади. Бунда асосий ўринни телевидение, газета ва журналлардаги сиёсий ва ҳуқуқий рундаги кўрсатув ва мақолалар эгаллайди. Айниқса компьютер тизимидан ахборот олиш манбаи юқори ўринда туради. Чунки, «Интернет» тизими ўзига хос аҳамиятга эга.

Сиёсий тизимнинг юқорида қайд этилган кичик тизимлари мустақил фаолият кўрсатсаларда, аммо бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқдир. Уларнинг ўзаро уйғун ҳолатдаги фаолияти сиёсий тизим барча механизмларининг нормал ишлашини таъминлайди.

Сиёсий тизимни бундай тушуниш унга комплекс ёндашишни билдиради. Юқоридаги талқиндан келиб чиқиб, сиёсий тизимни қуйидаги асосий таркибий қисмларини ажратиш кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

- 1) сиёсий ва ҳуқуқий нормалар;
- 2) сиёсий тузилмалар (институтлар);
- 3) сиёсий фаолият;
- 4) сиёсий онг;
- 5) сиёсий маданият.

**Сиёсий ва ҳуқуқий нормалар** — Конституция, кодекс, низом, партиявий ҳужжатларда мустаҳкамланган қоидалар бўлиб, улар сиёсий муносабатларни тартибга солиш ва ривожлантиришга йўналтирилган бўлади.

**Сиёсий тузилмалар (институтлар)** — сиёсий ва давлат ташкилотлари, улар ўртасидаги муносабатлар, институтлар ҳамда муассасалар йиғиндиси. Бу ерда сиёсий фаолият, ҳаракат ва муносабатларни амалга оширишнинг ташкилий жиҳати назарда тутилади.

**Сиёсий фаолият** — жамиятда сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш тизимини муҳофаза этиш, ривожлантириш ҳамда функционал таъминлашга қаратилган фаолият туридир.

**Сиёсий онг** — ижтимоий онгнинг бир тури бўлиб, у сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш механизмларини акс эттирувчи ва кишилар-

нинг сиёсий муносабатлар соҳасидаги хулқ-атворини йўналтирувчи тафаккурнинг намоён бўлишидир. Сиёсий онг — сиёсий назариялар, дастурлар, таълимотлар тарзида, шунингдек сиёсат ҳақидаги оддий инсоний қарашлар, тасаввурлар ва анъаналар кўринишида бўлиши мумкин.

**Сиёсий маданият** — сиёсий тизим субъектлари бўлган сиёсий партиялар, бирлашмалар ва жамоаларнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштироки ҳамда сиёсий муносабатларни ташкил этиш чоғида қўллайдиган (риоя этадиган) қадриятлар, сиёсий ғоялар, эътиқод ва рамзлар тизимидир. Сиёсий маданият муайян миллат ёки ижтимоий-сиёсий жамоанинг сиёсат олами, сиёсий жараёнлар амалга ошишининг қонун ва қоидалари хусусидаги тасаввурлари мажмуи ҳамдир. Б.Тўйчиевнинг таъбирича, сиёсий маданият ижтимоий онг ва умумий маданиятнинг сиёсий институтлар ҳамда сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлган қисми ва жиҳатларини қамраб олади. Улар, ўз навбатида, давлат ва сиёсий институтларнинг шаклланиши, амал қилишига сезиларли таъсир ўтказди. Сиёсий маданият таркибига сиёсий тизим доирасида намоён бўлувчи эътиқод ва фикр йўналишлари ҳам киради<sup>1</sup>. Бошқа бир олим К.С.Гаджиевнинг фикрича, сиёсий маданият — сиёсий ҳамжамият субъектларининг кўпчилиги томонидан эътироф этилган норматив қадриятлар тизимидир<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакат сиёсий тизимининг қонуний асосларини ташкил этади. Унда давлат, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақоми ва ўзаро алоқалари ҳамда фаолиятининг устувор тамойиллари белгиланган. Сиёсий тизимнинг амал қилиши, фаолият кўрсатиши мазкур институт ҳақидаги конституциявий қоидаларнинг рўёбга чиқиши ва ҳаётга татбиқ этилишини англатади.

Сиёсий тизимнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

*биринчидан*, халқнинг сиёсий иродасини аниқлаш, ифодалаш ва амалга оширишга кўмаклашиш;

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Тўйчиев Б. Проблемы формирования политической культуры и демократизация современного общества. — Т., 1991. С. 33—34.

<sup>2</sup> Қ а р а н г: Гаджиев К.С. Политическая наука. — М., 1995. С. 338.

*иккинчидан*, халқ оммасини жамият ва давлат олдида турган вази-фаларни муваффақиятли бажарилишига сафарбар этиш;

*учинчидан*, жамиятни уюштириш ва бошқариш, жамият ривожининг қонуниятларини аниқлаш ва илмий асослантирилган механизмларни яратиш.

### **3-§. Жамият сиёсий тизимида давлатнинг ўрни**

Тарихан олиб қараганда давлатни дастлабки сиёсий ташкилот деб ҳисоблаш мумкин. Давлатнинг сиёсийлиги шундаки, у ҳукмронликка интилган ва эришган ижтимоий гуруҳларнинг (синфларнинг) манфаатини ифодаловчи ташкилот сифатида майдонга келди. Кейинчалик ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг манфаатларини ифода этувчи бошқа уюшмалар, ташкилотлар, партиялар вужудга келиб, ўзига хос сиёсий ташкилотлар йиғиндиси, мажмуи, тизими ҳосил бўлди.

Сўнги асрлардаги синфий ва демократик жамиятларда давлатдан ташқари муайян ижтимоий кучларнинг, гуруҳлар ва қатламларнинг манфаатларини ифодаловчи турли сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, аёллар ва ёшларнинг жамоат бирлашмалари, саноатчилар ва фермерларнинг ташкилотлари кабилар фаолият кўрсатиб келмоқда. Айни вақтда улар сиёсатга муайян таъсир ўтказмоқда. Бироқ, шунга қарамай давлат жамиятнинг сиёсий тизимида марказий ўрин эгаллайди.

*Бунинг сабаби қуйидаги омиллар билан изоҳланади:*

*Биринчи* — давлат манфаатлари ўзаро келиша олмайдиган турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, синфларнинг самарасиз зиддияти ва ўзаро қарама-қаршилигининг муқобили сифатида юзага келади ва фаолият кўрсатади.

*Иккинчи* — давлат биргаликда ҳаёт кечириш мақсадида уюшган инсонларнинг иттифоқи, турмуш фаолиятининг ташкилий шакли ҳисобланади. Инсонларнинг давлат билан бўладиган тарихий, мафқуравий, ижтимоий-иқтисодий алоқалари «фуқаролик» деган категорияда ўзининг мужассами, сиёсий-ҳуқуқий ифодасини топади. «Давлат жамоаси» нинг ҳар бир аъзоси давлатнинг мавжудлигидан манфаатдор. Чунки, давлат воситасида шахсий дахлсизлик ва эркинлик, оила ва

мулк муҳофазаси, шунингдек шахсий ҳаёт хавфсизлиги кафолатланади. Шу тариқа индивид (шахс) дастлабки барқарор сиёсий сифатларга эга бўлиб, мамлакат сиёсий ҳаётининг иштирокчисига айланади.

*Учинчи* — давлатнинг вужудга келишида жамиятнинг ижтимоий-синфий табақаланиши муҳим роль ўйнайди. Бундан шу маъно чиқадики, давлат иқтисодда ҳукмрон синфнинг сиёсий ташкилоти сифатида намоён бўлади.

*Тўртинчи* — давлат ўз ижтимоий манфаатларини қондириш учун бирлашган инсонлар дастлабки сиёсий фаолиятининг маҳсулидир. Бу сиёсий воқеликларнинг умумуниверсаллиги билан боғлиқ. Сиёсий ҳаёт оммавий ҳокимият фаолияти ва мамлакатнинг бутун ҳудуди миқёсида кечади. Шу боис давлат сиёсий ҳаётни ташкиллаштириш воситаси сифатида майдонга чиқади. Давлат қонунчилик ҳужжатлари ёрдамида «сиёсий ўйин қоидаларини» белгилайди. Давлат мамлакат миқёсида сиёсий ҳаётнинг шакли сифатида жамият сиёсий тизими билан айнан мос келади. Давлат ўзининг вазифаси ва функционал хусусиятлари (тавсифи) билан сиёсий тизимнинг бир қисми сифатида намоён бўлади.

*Бешинчи* — давлат жамиятнинг сиёсий тизими билан фуқаролик жамияти ўртасидаги боғловчи ва мувофиқлаштирувчи муҳим бўғиндир. У жамият манфаати учун зарур умумижтимоий функцияларни бажаради. Масалан, транспорт, алоқа, уй-жой қурилиши, энергетика таъминоти, экология софлигини таъминлаш, таълим тизимини ташкил этиш ва ҳоказо соҳаларда давлат амалга оширадиган фаолият бутун жамиятнинг умумий манфаатларини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Халқ бу ҳокимиятни вакиллик демократияси (сайлаб қўйиладиган давлат ҳокимияти органлари орқали) ва бевосита демократия йўли билан амалга оширади. Бевосита демократия шаклларига фуқароларнинг давлатни бошқаришда, референдумда иштирок этиш ҳамда жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи киради. Фуқаролар бу ҳуқуқларни турли жамоат ташкилотларига уюшиш йўли билан амалга ошириши мумкин. Бундай ташкилотлар қаторига сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари

ва ҳар хил ижодий уюшмалар киради. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1 бобининг мазмунидан келиб чиқиб, сиёсий тизимга Ўзбекистон халқи сиёсий фаолияти ташкилий шакллариининг мажмуи, деб таъриф бериш мумкин. Бунда давлатга халқ сиёсий фаолиятини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида қаралади, чунки бошқа шакллар давлатга нисбатан иккиламчи хусусиятга эга. Улар давлат олдида турган вазифаларни ҳал қилишга нодавлат тузилмалар воситасида ёрдам беради, жамият ва давлат ишларини бошқаришда барча фуқароларнинг иштирок этишига имконият яратади, давлат ҳаётида демократия асосларининг янада кенгайишига кўмаклашади. Жамият сиёсий тизимида давлатнинг асосий ўрни ва роли давлат сиёсий тизимнинг асосий элементи деб айтиш имконини берувчи бир қанча хусусиятлар билан белгиланади.

*Биринчидан*, давлат Ўзбекистон Республикаси кўп миллатли халқининг сиёсий ташкилоти, яъни ижтимоий, мулкий мавқеи, ирқи, миллати, касбкори ва ҳоказолардан қатъи назар, жамият барча аъзоларининг ташкилотидир. Шу боис, давлат бутун халқ ташкилоти сифатида сиёсий тизимнинг бошқа таркибий қисмларига қараганда кенгроқ ижтимоий имкониятларга эга бўлади.

*Иккинчидан*, давлат халқ манфаатларининг расмий ифодачиси сифатида, мулкнинг барча шакллари ривожланиши учун шарт-шароит яратади.

*Учинчидан*, давлат махсус аппаратга эга. Бошқа таркибий қисмлардан фарқли ўлароқ, бу аппарат органларига ҳокимият ваколатлари берилади. Бундай ваколатларга айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари эга бўлади. Улар таркибига мажбурлов вазифаларини бажарувчи ички ишлар, солиқ, божхона, прокуратура ва миллий хавфсизлик органлари киради.

*Тўртинчидан*, сиёсий тизимнинг бошқа элементларидан фарқли ўлароқ, давлат органлари ўз ваколатлари доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳамда уларнинг ижроси устидан назорат тизимига эга бўлади. Жамоат ташкилотлари норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга. Бу норматив ҳужжатлар фақат мазкур жамоат ташкилоти аъзоларига нисбатан татбиқ этилади.

*Бешинчидан*, давлат суверенитетга, яъни давлат ҳокимиятининг барча сиёсий партиялар, муассасалар, фуқаролар ва нодавлат ташкилотларига нисбатан устунликка эга. У суверенитетга эга бўлган ҳолда, ўзини ўзи ташкил этади ва умуммажбурий хулқатвор қоидалари (қонунлар) қабул қилади. Давлат қонунлар чиқариш орқали сиёсий тизимга кирувчи барча ташкилот, муассаса, бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми-ни белгилаб беради.

Шундай қилиб, давлат жамият сиёсий тизимида алоҳида ўрин эгаллайди ва ундаги муносабатларни тартибга солишда асосий роль ўйнайди.

#### **4-§. Жамоат бирлашмалари ва давлат органларининг ўзаро муносабатлари**

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан белгиланади. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги «Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларда жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари, уларнинг мақсадлари, иш фаолиятининг шакллари, тузилиш тартиби мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ўзларининг давлат ва жамият ишларида қатнашиш ҳуқуқини жамоат бирлашмаларига уюшган ҳолда амалга оширадилар. Жамоат бирлашмаларининг фаолияти жуда кенг соҳаларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳуқуқлари, ҳар бир жамоат бирлашмасининг низоми ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган.

Жамоат бирлашмаларининг низомлари давлат томонидан рўйхатга олинади. Низомларни рўйхатга олиш тартиби жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасида кўрсатилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи халқаро жамоат ташкилотлари, республика вилоятлараро бирлашмаларининг низомлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинади.

Вилоят, туман, шаҳар, посёлка, қишлоқ ҳудудида ёки икки ва ундан ортиқ туман, шаҳар, посёлка, қишлоқ ҳудудида фаолиятини амалга оширадиган жамоат бирлашмаларининг низомлари эса вилоят адлия бошқармаларида рўйхатга олинади. Жамоат бирлашмалари, уларнинг низомлари рўйхатга олинган кундан бошлаб, ўз фаолиятларини амалга оширадилар ва юридик шахс деб тан олинадилар. Жамоат бирлашмалари низомларида, дастурий ва бошқа ҳужжатларида белгиланган мақсадлар, вазифаларни амалга ошириш учун ўз мақсадлари ва фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатадилар, қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда эса:

— давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини шакллантиришда қатнашадилар;

— давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этадилар;

— давлат ва жамоат органларида ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритадилар ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладилар;

— Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, жамоат бирлашмаларининг дастурлари ва низомларида кўрсатилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда жамоат бирлашмаларининг давлат ва жамият ишларини бошқаришга фуқароларни жалб қилиб, улар иштирокида давлат ва жамиятни ривожлантиришга ҳисса қўшиш учун тўлиқ имкониятлар яратилган.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунда уларни тузиш ва фаолиятини тўхтатиш тартиби ҳам кўрсатилган. Жамоат бирлашмаси камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузилади. Жамоат бирлашмасини тузиш ташаббускорлари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишини ўтказди, унинг низоми (ўзга асосий ҳужжати) қабул қилинади ва раҳбар органлари тузилади. Қонунга мувофиқ, нафақат Ўзбекистон фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам жамоат бирлашмаларига аъзо этиб қабул қилинадилар. Фақат 18 ёшга тўлган фуқаролар Республика сиёсий партияларига аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Партиялар ўз аъзоларининг сиёсий иродасини ифодалаб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини тузишда иштирок этишни, шунингдек республика Олий Мажлиси ва Халқ депутатлари кенгашларига сайланган ўз вакиллари орқали ҳокимият органларининг фаолиятида қатнашишни асосий вазифа қилиб қўядилар. Уларнинг дастурий ҳужжатлари бўлади ва бундай ҳужжатлар матбуот орқали омманинг эътиборига ҳавола қилинади. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси ўзи хоҳлаган сиёсий партияга аъзо бўлиб, ўша партия орқали ўз сиёсий иродасини ифода этиши мумкин. Бундай эркинлик, ўз навбатида, халқ сиёсий онгининг ўсишига олиб келади. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ҳар хил йўллар билан ўз аъзолари ва бошқа фуқароларнинг давлат ишларида иштирок этишини таъминлашга кўмаклашади.

Сиёсий партиялар республика Олий Мажлиси, Халқ депутатлари кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиши, сайлов олди ташвиқот ишларини олиб бориши, республика Олий Мажлисида ва тегишли Халқ депутатлари кенгашларида ўз тарафдорлари бўлган депутатлар фракциялари, гуруҳларини тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сиёсий партияларнинг дастурини, уларнинг мақсадларини ўрганиб чиқиш имкониятига эгадирлар. Улар ўз ихтиёрлари ва хоҳиш-иродаларини сиёсий партияларга аъзо бўлиш орқали ифодалайдилар. Сиёсий партияга аъзолик фақат яқка тартибда амалга оширилади. Бир партиянинг аъзоси, айтилиши вақтда, иккинчи партияга аъзоликка қабул қилинмайди. Оммавий жамоат ҳаракатлари ҳам сиёсий ёки ўзга мақсадларни кўзлайдилар, лекин уларнинг рўйхатга олинган аъзолари бўлмайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда хизмат қилувчи шахслар, ҳарбий хизматчилар ўз хизмат фаолиятида фақат қонун доирасида иш юритадилар, шунинг учун бу шахслар сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадни кўзловчи оммавий ҳаракатларнинг аъзолари бўла олмайдилар.

Жамоат бирлашмалари қонунларда белгилаб қўйиладиган тартибда ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти билан шуғулланадилар ҳамда фақат ўз низомидаги вазифаларни бажариш мақсадида юридик шахс



мақомига эга бўлган корхоналар хўжалик ҳисобидаги ташкилотларни тузишга ҳақлидирлар.

Жамоат бирлашмаларининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти натижасида олинган даромадлардан фақат низомда кўрсатилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилади. Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунга асосан, сиёсий мақсадларни кўзловчи сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатларнинг диний ташкилотлардан, чет эл давлатлари ташкилотлари ва фуқароларидан молиявий ва ўзга ёрдам олиши ман этилади, улардан тушган маблағлар эса давлат фойдасига ўтказилади.

Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасига асосан, ўз фаолиятларини молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошқора ҳисоботлар бериб турадилар. 2004 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди<sup>1</sup>. Қонун ушбу соҳадаги тегишли муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган ва унда сиёсий партияларни молиялаштиришнинг қуйидаги манбалари белгиланган:

- кириш ва аъзолик бадаллари;
- қонунга мувофиқ тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар;
- давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;
- мамлакатимиздаги юридик шахслар ва фуқаролар томонидан Қонунга мувофиқ тартибда бериладиган хайрия ёрдами.

Сиёсий партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов якуни бўйича ўз фракциясини тузиш учун зарур депутатлик ўринларини (9 депутат) олган бўлса, давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлади (Қонуннинг 7-моддаси).

Жамоат бирлашмаларининг мулки қонун билан муҳофаза қилинади. Жамоат бирлашмалари ўз оммавий ахборот воситаларини таъсис этишлари ҳамда амалдаги матбуот ва бошқа оммавий ахборот восита-

<sup>1</sup> Қ а р а н г. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 2004. — № 5. — 86-б.

лари тўғрисидаги қонунларга мувофиқ ноширлик фаолияти билан ҳам шуғулланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, республика Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари бутун республика ҳудудида фаолият кўрсатадиган барча жамоат бирлашмалари учун уларнинг низомларида, бошқа ҳужжатларида кўзда тутилган вазифаларни бажаришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди ҳамда Конституцияга мувофиқ, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат болалар, ёшлар ташкилотларига моддий ва маънавий мадад беради, уларга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсати ўтказилишини таъминлайди, болалар ташкилотларига, мактаб, мактабдан ташқари муассасаларнинг биноларидан, клублардан, маданият саройлари ва уйлари, спорт иншоотларидан бепул ёки имтиёзли шартлар билан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Конституцияга асосан, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Фуқаролик ва жиноят кодексларида жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи қоидалар мустақамланган. Давлат органлари ва мансабдор шахслар учун бу қоидалар мажбурийдир. Қонунга асосан, сиёсий партиялар, ташкилотлар, бошқа жамоат бирлашмалари фаолияти асосан улар аъзоларининг (қатнашувчиларининг) ишдан бўш вақтида ва мазкур бирлашмалар маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Жамоат бирлашмаларининг манфаатларига дахлдор масалалар қонунларда кўзда тутилган ҳолларда тегишли жамоат бирлашмалари иштирокида ёки улар билан келишилган ҳолда давлат органлари ва ҳўжалик ташкилотлари томонидан ҳал қилинади.

Давлат молия органлари жамоат бирлашмаларининг маблағ билан таъминланиши ва улар даромадларининг манбаларини солиқлар тўғри-

сидаги қонунларга мувофиқ назорат қилиб боради. Прокуратура органлари эса жамоат бирлашмалари республика қонунлари ва мамлакат Президенти фармонларини қай даражада тўғри бажараётганлигини назорат қилиш ҳуқуқига эга.

Жамоат бирлашмаларининг низомини рўйхатга олган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари жамоат бирлашмалари фаолиятининг мақсадларига тааллуқли низом қоидаларига риоя этилишини назорат қиладилар. Жамоат бирлашмаси, уни рўйхатга олган Адлия вазирлиги органларига уларни қизиқтирган масалалар бўйича ҳисобот бериб туради. Рўйхатга олувчи адлия органлари жамоат бирлашмасининг раҳбар органидан қабул қилинган қарорларни тақдим этишни талаб қилишга, жамоат бирлашмалари ўтказадиган тadbирларда қатнашиш учун ўз вакилларини юборишга ҳақли. Улар жамоат бирлашмасининг низомига риоя қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан унинг аъзолари ва бошқа фуқаролардан тушунтириш хати олишлари мумкин. Бу ҳар қандай бирлашма фаолиятининг ошкоралик билан амалга оширилишини таъминлайди.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунни бузиш амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий, моддий ёки бошқа жавобгарликка сабаб бўлади. Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунни бузганлик учун айбдор бўлган давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар жавобгарликка тортиладилар. Шу билан бирга ўз низомини рўйхатдан ўтказмаган жамоат бирлашмалари ҳам жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунни бузсалар, жавобгар бўладилар.

Агар жамоат бирлашмаси ўз низомида белгилаб қўйилган мақсадлар ва вазифалар доирасидан четга чиқадиган ёки қонунни бузадиган хатти-ҳаракатларни содир этса, шу жамоат бирлашмасининг раҳбар органи жамоат бирлашмаси низомини рўйхатга олган адлия органи ёки прокурор томонидан ёзма равишда огоҳлантирилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 62-моддасига мувофиқ, жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади. Маҳаллий жамоат бирлашмаларига нисбатан бундай ҳаракат тегишли

вилоят, Тошкент шаҳар, туман судлари томонидан амалга оширилади. Халқаро жамоат бирлашмалари, давлатлараро жамоат бирлашмаларининг бўлимлари, вилоятлараро жамоат бирлашмаларининг фаолияти эса республика Бош прокурори, Ўзбекистон Адлия вазирлиги тақдимига мувофиқ Ўзбекистон Олий суди қарори билан тўхтатилиши мумкин. Бундай вақтда Олий суд қарори устидан шикоят қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлганидан сўнг кўппартиявийлик муҳити вужудга келди. Ҳозир Ўзбекистонда бир неча сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар пайдо бўлди ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон либерал демократик партияси ва «Халқ бирлиги» ҳаракати, «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати шулар жумласидандир.

1996 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 1-моддасида сиёсий партияга қуйидагича таъриф берилган: «Сиёсий партия қарашлар, қизиқишлар ва мақсадларнинг муштарақлиги асосида тузилган, жамият муайян қисмининг давлат ҳокимиятини шакллантиришдан иборат сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ихтиёрий бирлашмасидир». Сиёсий партиялар тўғрисидаги ушбу қонунда, сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш принциплари, улар фаолиятининг кафолатлари, уларни тузиш тартиби, низоми, рўйхатга олиш, фаолиятини тўхтатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқлари, вакиллик органларидаги партия фракциялари, гуруҳларининг мақсади, вазифалари тўлиқ кўрсатиб берилган.

Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларига катта масъулият юклайди. Бундай масъулиятнинг асосий негизи ҳар қандай жамоат бирлашмаси олдида қўйилган ягона мақсадни, яъни бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ҳар бир фуқаронинг ижтимоий ҳимояланган бўлиши, уларнинг давлат ва жамиятни бошқаришда онгли равишда ва фаол иштирок этишини таъминлашдан иборат. Жамоат бирлашмалари республикада амалга оширилаётган

ислоҳотларни ўз аъзолари иштирокида таҳлил қилишлари ва уларга нисбатан ўзларининг фикрларини билдиришлари, ислоҳотлар натижасида ўз олдиларида турган вазифаларни аниқлаб олишлари ҳамда барча аъзоларини уларни бажаришга жалб этишлари лозим. Бу, ўз навбатида, жамиятдаги барча кучларни ягона мақсад — Ўзбекистоннинг юксак тараққиёти ҳар бир фуқаронинг тинч-тотув ва фаровон ҳаёт кечириши йўлида бирлаштиради.

## VIII Б О Б

### ҲУҚУҚ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ

#### 1-§. Ҳуқуқ тушунчаси ва моҳияти

Ҳуқуқ мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, турли-туман нуқтаи назардан талқин этилади. Энг машҳур ёндашувларни умумлаштириб, ҳуқуқ-эркин ва тенг субъектлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг тарихан шаклланган, ундан четга чиқиш давлат мажбурлови воситалари билан бартараф этилиши мумкин бўлган тартибнинг норматив ифодаси, деган хулосага келиш мумкин.

Ҳуқуқнинг давлат билан узвий алоқасига асосланиб (маълумки, давлат ҳокимият-мажбурлов воситалари ёрдамида ҳуқуқни амалга оширишни таъминлайди), кўпинча ҳуқуқни давлат яратади, деган хулосага келинади. Бунга айрим нормаларни давлат расман тасдиқлаши ва ҳатто ўз қонун ижодкорлиги фаолиятида қабул қилиши ҳам туртки беради. Бу ҳолда ҳуқуқни давлат томонидан қабул қилинган ёки тасдиқланган ва унинг мажбурлов кучи билан таъминланган юридик нормалар мажмуи сифатида таърифлаш учун асос пайдо бўлади.

Ҳуқуқ — серқирра ва кўп маъноли ҳодиса. *Биринчидан*, умум-ижтимоий маънодаги ҳуқуқ (маънавий ҳуқуқ, халқлар ҳуқуқи ва ш.к.), *иккинчидан*, махсус юридик маънодаги, давлат билан боғлиқ юридик восита сифатидаги ҳуқуқ фарқланади.

*Ҳуқуқ (соф юридик маънода)* — ижтимоий манфаатларни ифодаловчи, давлат томонидан ўрнатиладиган ҳамда таъминланадиган ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий юридик нормалар тизими.

Ҳуқуқ нафақат энг муҳим, балки ўта мураккаб ижтимоий ҳодисалар қаторига киради. Рим юристлари ҳуқуқнинг маъносини тушуниш ва унинг жамият ҳаётидаги ўрнини аниқлашга ҳаракат қилиб, ҳуқуқ мазмуни фақат бир белги ёки хусусият билан чекланмаслигига эътиборни қаратган эдилар. Улардан бири — Павел ҳуқуқ бир неча маънода қўлланилишини қайд этган: биринчиси — ҳуқуқ «ҳамиша одилона ва оқилона бўлган нарса»ни англатади — бу табиий ҳуқуқ; иккинчи-

си — ҳуқуқ «муайян давлатда ҳаммага ёки кўпчиликка фойдали бўлган нарса» маъносида келади — бу фуқаролик (цивил) ҳуқуқи. Жамият ва давлатнинг ривожланишига мувофиқ тарзда одамларнинг ҳуқуқ ҳақидаги тасавури ҳам ўзгариб борди, бироқ рим юристлари томонидан яратилган дастлабки асослар такомиллашган кўринишда бўлса ҳам сақланиб қолди. Рим ҳуқуқининг кўпгина институтлари (масалан, мулк ҳуқуқи, ворислик ҳуқуқи, олди-сотди ҳуқуқи ва б.)дан бошқа мамлакатларда фуқаролик кодекслари ва ўзга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган ва ҳозир ҳам фойдаланилмоқда. Масалан, 1804 йилги Наполеон кодекси номи билан машҳур Франция Фуқаролик кодекси рим ҳуқуқини чуқур ўрганиш ва ундан кенг фойдаланиш асосида тайёрланган. Унда рим ҳуқуқи принциплари ва турли институтларининг кучли таъсири остида мулк ҳуқуқи алоҳида қайд этилган, мулкни эгаллаш йўллари ва усуллари мустақамланган. Рим ҳуқуқининг бошқа мамлакатлар ҳуқуқий тизимларига бундай таъсири (у юридик адабиётларда «рим ҳуқуқи рецепцияси» деб аталади) мазкур тизимларнинг хусусияти ва мазмунида, шунингдек ҳуқуқ тушунчасига берилган таърифда сезиларли даражада акс этди.

Қадимги юнон ва рим файласуфлари томонидан таърифланган ҳуқуқ ва одиллик, ҳуқуқ ва эгуликнинг узвий алоқаси ҳақидаги қоидалар ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. «Сиёсий муносабатларни тартибга солувчи норма» бўлган ҳуқуқ, қадимги юнон мутафаккири Аристотель таъбири билан айтганда, «адолат мезони» бўлиб хизмат қилиши лозим. Ҳуқуқни ўрганувчи, энг аввало, *jus* (ҳуқуқ) сўзи қаердан келиб чиққанини; у «*justitia*» — ҳақиқат, адолат сўзидан олинганлигини ёдда тутиш керак, — деб ёзган эди қадимги рим юристи Ульпиан.

Машҳур давлат арбоби ва ҳуқуқшунос М.Т.Цицероннинг фикрича, ҳуқуқ асосида табиатга мос бўлган ҳақиқат ётади. Бунда ҳақиқат абадий, ўзгармас ва ҳам бутун табиатнинг ва ҳам инсон табиатининг ажралмас хусусиятидир. «Ҳақиқий қонун» — табиатга мос, оқилона, барча инсонларга татбиқ этиладиган, доимий, абадий қоида бўлиб, инсонларни ҳамиша бурчни бажаришга чорлайди, буйруқ бериш ва тақиқлаш билан жиноят содир этишдан қайтаради; лекин, керак бўлма-

ган чоғда ростгўй одамларга ҳеч нарсани буюрмайди ва уларга ҳеч нарсани тақиқламайди.

Табиий ҳуқуқ қоидалари ҳозирги замон ҳуқуқшунослик назарияси ва амалиётида ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бу қоидалар кўпгина давлатларнинг конституциявий қонунчилигида ўз аксини топган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи» эканлиги бевосита кўрсатилган (24-модда). Шу тариқа мазкур ҳуқуқ давлат ёки бошқа орган томонидан инъом этилмаслиги, балки ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган табиий сабабларга кўра мавжуд бўлиши таъкидланган. Ҳуқуқнинг моҳияти ва мазмуни ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланишига, шунингдек унинг таърифига бошқа омиллар ҳам катта таъсир кўрсатади. Бунда ҳуқуқнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни ва ижтимоий вазифаси билан боғлиқ омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ижтимоий жиҳатдан ҳуқуқ ҳеч қачон мавҳум бўлмаслиги умумий тан олинган талабдир. «Умуман» ҳуқуқ мавжуд эмас, у доимо аниқ ва конкретдир. Бу табиий бир ҳолдир, чунки ҳуқуқ азалдан айрим синф, миллат ёки одамлар гуруҳи фаолияти натижаси сифатида вужудга келмайди ва майдонга чиқмайди, балки бутун жамият ҳаёти маҳсули ва унинг табиий ривожланиши натижаси ҳисобланади. Ҳуқуқ — юксак ижтимоий қадрият ва бутун инсоният маданиятининг кўрсаткичи. Бунга БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилган Инсон ҳуқуқлари умум жаҳон декларацияси, 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт каби давримизнинг улкан умуминсоний аҳамиятга молик халқаро ҳужжатлари ишонч ҳосил қилиш имконини беради.

Ҳуқуқ бутун жамият ёки, ҳеч бўлмаса, унинг катта қисмининг манфаатларини акс этирувчи қоидалар нафақат халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, балки айрим давлатлар томонидан қабул қилинувчи ҳужжатлар, чунончи: конституциялар, қонунлар, баъзи қонун ости ҳужжатларида ҳам ифодаланади. Амалда ҳар бир давлат конституциясида бутун жамият манфаатларига тегишли талаблар ва қоидалар акс этади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди,



шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳамманинг қонун олдида тенглиги (18-модда), ҳар кимнинг яшаш ҳуқуқи (24-модда), эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи (25-модда), меҳнат қилиш, дам олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, таълим олиш каби ҳуқуқлари мустаҳкамлаб кўйилган.

**Ҳуқуқ** давлат томонидан ўрнатиладиган ва қўриқланадиган, мамлакат аҳолисининг умумий ва шахсий манфаатларини ифодаловчи ва ижтимоий муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатида амал қилувчи умуммажбурий хулқ-атвор қоидалари тизимидир.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, юридик адабиётларда ҳуқуқ тушунчасини таърифлашга нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Ҳуқуқ ҳақидаги фикр-мулоҳазалар хилма-хиллиги у ҳақда аниқ тасаввурнинг шаклланиш жараёнига таъсир кўрсатувчи кўплаб омиллар мавжудлигидан келиб чиқади.

## 2-§. Ҳуқуқнинг белгилари

Ҳуқуқ таърифларининг кўплигига ижобий ҳодиса сифатида қараш керак, чунки у ҳуқуққа асрлар оша назар ташлаш, уни нафақат турғун ҳолатда, балки (динамикада) ривожланиш ҳолатида ҳам кўриш имконини беради. Бироқ, бу ҳодиса камчиликлардан ҳам холи эмас. Асосий камчилик таърифлардаги фарқлар туғдирадиган қийинчиликлар, ҳуқуқни билиш ва ундан амалда фойдаланишда ягона, изчил жараённинг йўқлиги билан боғлиқ.

Ҳуқуқ тушунчасига таърифлар кўплигидан келиб чикувчи қийинчиликларни бартараф этишнинг бир неча йўллари мавжуд. Шундай йўллардан бири ҳуқуқ тушунчасининг турли замонларда таклиф қилинган айрим таърифлари асосида «барча замонлар» ва «ҳаётнинг барча ҳолатлари» учун яроқли бўлган умумий таърифни ишлаб чиқишдан иборат, яъни ҳуқуқнинг энг муҳим белгилари ва жиҳатларини аниқлаш ва кўриб чиқиш лозим. Бу ерда, энг аввало, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш воситаси сифатидаги ҳуқуқнинг белгилари тўғрисида сўз юритилмоқда.

Ҳуқуққа турли ёндашувларнинг таҳлили унинг қуйидаги муҳим хусусиятлари ва белгиларини қайд этиш имконини беради:

**1. Ҳуқуқ — нормалар ёки хулқ-атвор қоидалари тизими.** Бошқа ҳар қандай тизим сингари, у ҳам бир тартибли, ўзаро узвий боғланган ва ўзаро таъсирга киришувчи қисмлардан ташкил топади. Тизимнинг айрим таркибий қисмлари ўртасида юзага келувчи алоқалар ягона мақсадларга эришишга қаратилиши лозим. Ҳар қандай нормалар (хулқ-атвор қоидалари) тизими замирида объектив ва субъектив омиллар ётади. Объектив омиллар орасида муайян мамлакатда ҳуқуқий нормалар тизими вужудга келиши ва фаолият кўрсатишига имконият яратувчи иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, мафкуравий ва бошқа омиллар алоҳида ўрин эгаллайди. Айрим нормалар ҳам, уларнинг тизими ҳам амалда ўз-ўзидан, муайян шахсларнинг хоҳиши ёки кўрсатмасига биноан вужудга келмайди, улар жамият ва давлат ҳаётининг объектив эҳтиёжлари таъсирида вужудга келади.

Нормалар тизимининг вужудга келиш ва фаолият кўрсатиш жараёни объектив омиллар билан бир қаторда субъектив омиллар ҳам мавжуд бўлишини назарда тутаяди. Бу ерда муайян мамлакатда илмий асосланган ҳуқуқий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қонунчилик ишлари режаларини тайёрлаш ва бажариш, давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти жараёнида юристларнинг фаол иштироки тўғрисида ҳам гап бормоқда.

**2. Ҳуқуқ — давлат томонидан ўрнатилган ёки маъқулланган нормалар тизими.** Жаҳонда турли ижтимоий нормалар тизимлари жуда ҳам кўп. Бироқ, фақат ҳуқуқий нормалар тизимигина давлат томонидан яратилади. Ҳуқуқ нормаларини ўрнатар экан, давлат бевосита ўз ваколатли органлари орқали иш кўради.

Ҳуқуқий нормалар тизимининг давлат томонидан ўрнатилганлиги ва маъқулланганлиги уларнинг давлатга тўла боғлиқлигини ва унга бўйсунлигини англатадими? Бу масалага икки хил ёндашув мавжуд.

Биринчи ёндашувга кўра, ҳуқуқ нормаларига «давлат талаблари» сифатида қаралади. Бунда давлат ҳуқуқ манбаи сифатида таърифланади. Давлат ҳокимияти ҳуқуққа тобе эмас, балки ундан устун бўлиб қолади.

Шундай қилиб, давлатга бирламчи, ҳуқуққа — иккиламчи ҳодиса сифатида қаралади.

Иккинчи ёндашувга кўра, давлат, давлат ҳокимияти ҳуқуқий хусусият касб этади. Давлат ҳокимияти замирида факт эмас, балки ҳуқуқ ётиши керак. Давлат, гарчи у ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилсада, ҳуқуқнинг манбаи бўлиши мумкин эмас. Чунки, давлат ҳокимиятининг ўзи ҳуқуқдан келиб чиқади, яъни унинг ваколатлари ҳуқуқ воситасида расмийлаштирилади. Давлат ҳуқуқдан эмас, балки ҳуқуқ давлатдан устун туради, уни мувозанатга солади ва чегаралайди.

Бундан ташқари, давлат ва ҳуқуқ ўзаро муносабатлари хусусиятига нисбатан бошқача ёндашувлар ҳам мавжуд. Бу ёндашувлар мураккаблиги, ҳар хиллиги ва зиддиятлилигига қарамай, уларнинг аксарияти ҳуқуқ нормалари давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти билан белгиланади, давлат томонидан қабул қилинади ёки тасдиқланади, деган асосий фикрга асосланади.

**3. Ҳуқуқ — умуммажбурий хусусиятга эга нормалар ёки ҳуқ-атвор қоидалари тизими.** Умуммажбурийлик (яъни, нормативлик) ҳуқуқ нормаларида ифодаланган талаблар жамиятнинг барча аъзолари томонидан бажарилиши шартлигини англатади. У ҳуқуқ нормаси билан бирга юзага келади, у билан бирга ривожланади ва ҳуқуқ нормаси ифодаланган ҳужжат бекор қилиниши билан бир вақтда барҳам топади.

Умуммажбурийлик нафақат оддий фуқаролар, мансабдор шахслар, турли нодавлат органлари ва ташкилотлари, балки давлатнинг ўзига нисбатан ҳам татбиқ этилади. Башарти, ҳуқуқий давлат, агар у оғизда эмас, балки амалда маърифатли ва ҳуқуқий бўлса, у муқаррар тарзда ўзини ва ўз органларини ҳуқуқ нормалари талабларининг умуммажбурийлиги билан чеклайди, ўз фаолиятини қонун талабларига қатъий мувофиқ тарзда ташкил этади ва бу талаблар улар ифодаланган нормалар билан бирга белгиланган тартибда ўзгартирилмагунича ёки бекор қилинмагунича уларга риоя қилади.

**4. Ҳуқуқ давлат томонидан муҳофаза қилинади ва таъминланади.** Ҳуқуқ нормаларида ифодаланган талаблар бузилган ҳолларда давлат мажбурлови қўлланилади.

Давлат ўзи қабул қилган ёки тасдиқлаган ҳужжатларга бепарқлик

билан қарай олмайди, у мазкур ҳужжатларни амалга оширишга катта куч-ғайрат сарфлайди, уларни муҳофаза қилади ва бажарилишини кафолатлайди. Бунда кенг қўлланиладиган усуллардан бири — ишонтириш, иккинчиси — давлатнинг жисмоний ва руҳий мажбурлови ҳисобланади.

Жисмоний мажбурлов деганда, ҳуқуқ билан назарда тутиладиган, ҳуқуқий тартиботни сақлаш учун жисмоний куч ва воситалар қўлланишидан иборат бўлган зарурий чора-тадбирлар тушунилади. Руҳий мажбурлов деганда, шахс бўйсунмаган ҳолда қўлланиши қонун билан назарда тутилган чораларга йўлиқшдан қўрқиш биринчи ўринда туради. Айнан қўрқув фуқароларни ўз хулқ-атворини ҳуқуқ қонун талабларига мослаштиришга руҳан мажбур этади. Давлат ишонтириш ва мажбурловдан ҳуқуқ нормаларининг қўлланилишини таъминлаш учунгина фойдаланади. Бошқа барча ҳолларда ундан фойдаланишнинг эҳтимол тутилган имкониятигина муттасил саналади.

### **3-§. Ҳуқуқнинг таърифи ва унинг талқинига турли ёндашувлар**

Ҳуқуқнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишини англаш кўп жиҳатдан қадимги грек ва рим файласуфлари ҳамда ҳуқуқшунослари номи билан боғлиқ. Пифагор, Гераклит, Демокрит, софистлар, Сукрот, Афлотун, Арасту, Полибий, Цицерон каби қадимги грек ва рим файласуфлари илк бора ҳуқуқни дунёвий тушунтиришга, уларни фалсафий, илмий-амалий, тарихий-сиёсий нуқтаи назардан тадқиқ этишга киришганлар ва кўп жиҳатдан бунга муваффақ ҳам бўлганлар. Буни эса, улар илгари сурган ҳамда чуқур фалсафий, тарихий, сиёсий, ҳуқуқий асослаб берилган таълимотларнинг муҳим қирралари, орадан 2000—2500 йил ўтганига қарамасдан, бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганлиги исботлаб турибди.

Қадимги грек сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари, давлатчиликнинг аста-секинлик билан қад кўтариши, инсонларнинг табақаларга — озод ва қулларга бўлиниши шароитида юзага чиқишига қарамасдан, эркинлик ғояси сифатида вужудга келди ва шаклланди. Эркинлик қадимги грек

сиёсий-ҳуқуқий назарияси ва амалиётининг олий қадрияти, бош мақсади ва асосий ўрганиш предметиدير. Албатта, у даврда эркинлик, том маънодаги эркинлик бўлмай, жамиятнинг табақаларга бўлинишига асосланган эркинлик ҳисобланган. Қадимги Грецияда кейинчалик тарихий шарт-шароитларнинг ўзгариши билан инсонларнинг қуллар ва озод кишиларга бўлиниши танқид қилинади ва рад этилади. Эркинлик энди сиёсий-ҳуқуқий эмас, балки руҳий ҳодиса сифатида талқин этилади. Шу асосда табиий ҳуқуқ ва табиат қонунлари бўйича инсонларнинг тенглиги ва эркинлиги эълон қилинади. Бир сўз билан айтганда, қадимги грек мутафаккирлари ўз даврлари учун ҳам ва бугунги кун учун ҳам илғор бўлган юриспруденциянинг янги йўналишига асос солганлар.

Қадимги Рим сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари бу жиҳатдан грециялик ўз замондошларидан орқада қолгани йўқ. Рим ҳуқуқшунослари давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси ҳамда тармоқ ҳуқуқий фанлар (фуқаролик ҳуқуқи, давлат ва маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ) соҳасида сиёсий-ҳуқуқий муаммоларнинг жуда кенг мажмуасини ишлаб чиққанлар.

Рим ҳуқуқшунослари, ўз замондошлари бўлган грек мутафаккирларидан фарқ қилган ҳолда, ўзлари яшаётган ва фаолият кўрсатаётган ижтимоий, тарихий ва сиёсий-ҳуқуқий борлиқни назарий тавсифлаб бердилар. Ҳуқуқий адабиётларда тўғри таъкидлаб ўтилганидек, Рим ҳуқуқшунослари теварак-атрофдан ажралиб қолган «кабинет олимлари» бўлмай, улар ҳам назарий, ҳам амалий фаолият кўрсатганлар. Улар халқ орасида бўлиб, ҳаётий муаммоларни жуда чуқур билганлар. Ҳуқуқшуносларнинг ҳуқуқий муносабатлар таҳлили ҳамда берган хулосалари ўзининг чуқурлиги, аниқлиги, мантиқийлиги ва ишончга сазоворлиги билан ажралиб турган<sup>1</sup>.

Қадимги Рим ҳуқуқшуноси Ульпиан ҳуқуқни — (*iustitia*) ҳақ, ҳақиқат, яъни ҳар кимга ўзига тегишли бўлган ҳуқуқни беришга қаратилган доимий ва узлуксиз ирода сифатида тушунтиради. Ҳуқуқий адолатнинг умумий тушунчасидан, у қуйидаги ҳуқуқий қоидаларни кел-

---

<sup>1</sup> Қ а р а н г. Дигесты Юстиниана. Избранные фрагменты в переводе с примечаниями И.С. Преторского. — М., 1984. С. 12.

тириб чиқаради: виждонли (тўғри сўз) бўлиш, бошқа кишига зарар етказмаслик, ҳар кимга ўзига тегишли бўлганини бериш. Шундан келиб чиқиб, у юриспруденцияни «илоҳий ва инсоний ишларни англаш, адолат ва адолатсизликни билиш» сифатида тавсифлайди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, қадимги Грецияда юриспруденциянинг фалсафий, тарихий, сиёсий негизларига жиддий эътибор берилган бўлса, Римда унинг илмий-назарий, амалий-техникавий қирраларига алоҳида урғу берилган. Кишилиқ жамияти ҳамда унинг ажралмас таркибий қисмлари бўлган ҳуқуқ ва давлатнинг кейинги ривожланиши, юриспруденциянинг тараққиётига ҳам катта таъсир кўрсатди. Фарбий Европада бир неча асрлар ҳукм сурган диний мутаассибликнинг либерализм ғоялари билан алмашиши бунга туртки бўлиб хизмат қилди.

Академик В.С. Нерсесян таъкидлаб ўтганидек, ҳуқуқий таълимотлар ва юриспруденция тарихи икки шаклдаги ҳуқуқни тушуниш ва ҳуқуққа бўлган ёндашувларнинг курашидан иборат. Ҳуқуқни бундай тушуниш ва ёндашувни шартли равишда *юридик* (jus — ҳуқуқ сўзидан олинган, ҳуқуқ ва қонунни фарқлашдан келиб чиқадиган) ҳамда *легистик* (Lex — қонун сўзидан олинган, ҳуқуқ ва қонунни айнанлаштиришдан келиб чиқадиган) шаклларга бўлиш мумкин. Бунда уларнинг ҳар иккиси ёки бирининг у ёки бу хусусиятларини ўзида мужассам этган кўплаб оралиқ шаклларнинг мавжудлиги истисно этилмайди.<sup>2</sup>

Тилга олинган икки шаклдаги ҳуқуқни тушунишда икки хилдаги: ҳуқуқий ва легистик юриспруденция концепциялари мос келади. Булар: биринчиси, ҳуқуқ ва қонунни (позитив ҳуқуқни) бир-биридан фарқлашга ҳамда *ҳуқуқни юридик тушунишга* асосланувчи юриспруденция, бу тегишли тарзда давлатнинг юридик тушунчасини ҳам ўзида қамраб олади; иккинчиси, ҳуқуқ ва қонунни (позитив ҳуқуқни) айнанлаштирувчи ва *қонунни легистик тушунишга*, ўзида давлатнинг легистик тушунчасини ҳам қамраб олишга асосланувчи юриспруденциядир.

<sup>1</sup> Ўша жойда. — 23-6.

<sup>2</sup> Қаранг: Нерсесян В.С. Из истории правовых учений: два типа правопонимания // Политические и правовые учения: проблемы исследования и преподавания. — М., 1978; Шу муаллиф. Право и закон. — М., 1983.

**Ҳуқуққа легистик ёндашув** *юридик позитивизм, нормативизм* каби кўринишларга эга. Ушбу ёндашувни инглиз мутафаккирлари Т. Гоббс, Ж.Остин, Германияда Р.Иеринг, Г.Кельзен, Россияда Г.Ф.Шершеневич ва бошқалар асослаб берган. Номлари қайд этиб ўтилган мутафаккирлар турли тарихий даврларда яшаб ўтган бўлишларига қарамай, улар илгари сураётган қуйидаги ҳолатлар уларни ўзаро яқинлаштиради: а) ҳуқуқ — давлат ҳокимиятининг маҳсули, ҳукмдорнинг буйруғи, талаби ва ҳ.к.; б) давлат ҳуқуқ билан боғлиқ бўлмаган; в) давлат ҳокимияти ҳуқуқ остида эмас, балки ундан устун туради; г) вужудга келиш нуқтаи назаридан давлат бирламчи, ҳуқуқ эса иккиламчидир ва ҳ.к.

Ҳуқуққа легистик ёндашув ҳуқуқни ўрганишда ҳам ўзига хос тарзда йўл тутади. У ҳуқуқни фалсафий талқинлардан, ҳис-туйғу, орзу-истаклар ва бошқалардан холи тарзда тадқиқ этиш лозимлигини уқтиради. Жумладан, немис ҳуқуқшуноси Р.Иеринг давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларини билиш методологиясида тавсифлаш, тасниф ва фактлар талқинига алоҳида эътибор қаратиб, ҳуқуқий ҳодисаларни тарихий, тузилиш ҳамда функционал жиҳатдан кўриб чиқиш лозимлигини уқтиради.

Юридик позитивизмнинг бир шакли ҳисобланган нормативизмга асос солган австриялик ҳуқуқшунос Г. Кельзен эса «соф ҳуқуқ назарияси»ни шакллантириш мақсадида, позитив ҳуқуқни барча унга хос бўлмаган ҳодисалардан тозалаш лозим деб ҳисоблайди. Бунинг учун илмий билиш предметининг чегараси аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Унинг фикрича, махсус ва ўзига хосликка эга бўлган ҳуқуқ (яъни юриспруденция деб аталувчи фан), бир томондан, «адолат фалсафаси»дан, иккинчи томондан, ижтимоий борлиқни билишга ёрдам берувчи фан — социологиядан ажратилиши ҳамда улардан фарқланиши керак.

Хар бир фан, жумладан юриспруденция ҳам, қандайдир эзгу истак, қадр-қиймат нуқтаи назаридан эмас, балки ўз ҳолича тавсифланиши лозим. Шу асосда Г. Кельзен юриспруденция фани предметини қуйидагилардан иборат деб билади: қонунчилик нормалари, уларнинг таркибий қисмлари ва ўзаро муносабатлари, ҳуқуқий тартибот, унинг тузилиши.

Ҳуқуққа легистик ёндашув тарафдорлари, ўз нуқтаи назарларидан келиб чиқиб, ҳар қандай қонунни, жумладан адолатсиз қонунни ҳам ҳуқуқий деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун уларнинг талқинига кўра, деспотик, тоталитар, авторитар давлатлар ҳам ҳуқуқий кўринишга эга ва демак улар ҳам «ҳуқуқий тартибот» ва «ҳуқуқий давлат»дир. Шундан келиб чиқиб, легистик ёндашув том маънодаги «ҳуқуқий давлат» ғоясини инкор этади. Г.Кельзеннинг таъкидлашича, бундай давлат ёлгон табиий ҳуқуқий тасаввурлардан келиб чиқади. Кўрсатиб ўтилган салбий жиҳатларига қарамай, ҳуқуққа легистик ёндашув қонун, қонунчиликни такомиллаштириш, қонунчилик талабларини ҳаётга жорий этиш механизмини яратишда, уларнинг ички мутаносиблигига эришиш, жамиятда ҳуқуқий-тартиботни таъминлашда беқиёс аҳамиятга эга.

Ўз навбатида **ҳуқуқни юридик тушуниш** икки асосий йуналиш бўйича ривожланади. Улардан бири, **табиий ҳуқуқ назарияси** бўлса, иккинчиси, академик В.С. Нерсисянц илгари сурган **ҳуқуқни либертар-юридик (эркинлик) тушунишдир**. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар иккала ёндашувнинг негизлари антик даврларга бориб тақалади.

Қадимги Греция ва Римда софистлар, Сукрот, Афлотун, Арасту, Цицерон, рим юристлари, ўрта асрларда Г.Гроций, Б.Спиноза, Т.Гоббс, Ж.Локк, Ш.Монтескье, XX асрда Р.Штаммлер, Г.Радбрух каби мутафаккирлар табиий ҳуқуқ назариясининг мустақил концепция даражасига кўтарилишига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Мазкур ёндашувга кўра, ҳуқуқ **табиий ҳуқуқ** ҳамда илоҳий, позитив, сиёсий каби ҳуқуқларга бўлинади. Бунда эътиборли жиҳати шундаки, табиий ҳуқуқ назарияси асосчилари табиий ҳуқуқ ва позитив ҳуқуқни (инсонлар яратган) бир-бирига қарама-қарши қўядилар. Уларнинг фикрича, табиий ҳуқуқ абадий, ўзгармас, азалдан мавжуд. Инсонлар уларни англаш орқали ўз фаолиятларида қўллашлари лозим. Позитив ҳуқуқни эса, адашишга мойил бўлган, ҳис-туйғуга берилувчан инсонлар яратади ва у сунъийдир. Шунинг учун табиий ҳуқуқ позитив ҳуқуқдан устун туради ҳамда позитив ҳуқуқ табиий ҳуқуққа мослашиши лозим.

Мазкур назариянинг асосий ғоялари:



— ижобий ҳуқуқ, яъни давлат томонидан қабул қилинган қонунлар билан бир қаторда инсонга туғилишиданоқ тегишли бўладиган олий, ҳақиқий, «табиий» ҳуқуқ мавжуд. Ҳар қандай қонун ҳам ҳуқуқий бўлмаслиги мумкин;

— ҳуқуқ ва ахлоқ айнанлаштирилади, (мазкур назария намояндларининг фикрига кўра) адолат, ҳақиқат, озодлик, эркинлик, тенглик каби ахлоқий тушунчалар ҳуқуқнинг ўзагини ташкил этади ва ҳуқуқ ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш жараёнини белгилаб беради;

— инсон ҳуқуқларининг манбаи қонунларда эмас, балки инсоннинг табиатида бўлиб, унга туғилишдан (ёхуд худонинг амри билан) эга бўлиш мумкин.

Ҳуқуқни тушунишнинг табиий ҳуқуқ назарияси қуйидаги ижобий жиҳатларга эга:

— *биринчидан*, назариялар орасида энг илғори бўлиб, янги эркин демократик давлат тузуми яратилишига асос бўлди;

— *иккинчидан*, қонунлар ҳуқуқий бўлмаслиги мумкин, агар қонунлар инсоннинг табиий ҳуқуқларига зид келса, уларни инкор қилса, адолат, ҳақиқат, эркинлик, тенглик меъёрлари бузилади;

— *учинчидан*, инсон ҳуқуқларининг манбаи табиат ёхуд Оллоҳ деб тан олинади. Шу боис давлат тузилмалари ва мансабдорлар томонидан зўравонлик қилишнинг, суиистеъмолларнинг олдини олиш имкони яратилади.

Ҳуқуқни бундай тушуниш ҳам муайян салбий жиҳатларга эга бўлиши мумкин.

Хусусан:

1. Ҳуқуқни мавҳум ахлоқий қадрият сифатида тушуниш унинг шаклий-юридик хусусиятларини сусайтиради, қонуний ва қонунга хилоф ҳаракатлар мезонини ҳар хил одамда ҳар хил бўладиган эркинлик, адолат, ҳақиқат тўғрисидаги тасаввурларга қараб белгилашда қийинчиликларга олиб келади.

2. Ҳуқуқни бундай тушуниш объектив ҳуқуқ билангина эмас, балки ҳуқуқий онг билан ҳам кўпроқ боғлиқ бўлади. Ҳуқуқий онг эса турли хил одамларда турлича бўлади.

Ҳуқуқни бундай тушунишга Ўзбекистонда ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон давлатининг қонунлари ҳам инсоннинг табиий ҳуқуқларини адолат, ҳақиқат, эркинлик, мустақиллик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда белгиламоқда.

Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Алишер Навоий каби аждодларимиз ҳам ҳуқуқни табиат ёхуд Оллоҳ томонидан инсонларга берилган имкониятлар мажмуи деб тушунганлар. Анъанавий ҳамда «янгиланган» табиий ҳуқуқ назарияси, ўзининг мазмун жиҳатидан аниқ шакллантирилмаганлиги, тушунчаларнинг ноаниқлиги, кўп ўринларда ахлоқ ва ҳуқуқ аралашиб кетганлиги ва умумий аҳамиятга эга эмаслиги билан ажралиб туради. Шунга қарамай, табиий ҳуқуқ ёндашувининг илғор ва ижобий жиҳатларига, инсонларнинг тенглиги ва эркинлиги ғояси, адолат ва уни таъминлаш масаласи, инсонларнинг ажралмас ҳуқуқлари, ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, ҳокимиятнинг чекланганлиги, давлат ва фуқароларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғланганлиги, ҳуқуқий давлат кабиларни киритиш мумкиндир. Айнан шунинг учун ҳам табиий ҳуқуқ назарияси ҳар бир тарихий давр учун жозибали бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади.

**Ҳуқуқни юридик тушунишни либертар-юридик шаклининг** мазмун моҳиятини эркинлик ташкил этади. Эркинлик инсониятнинг минг йиллик тараққиёти, сиёсий-ҳуқуқий назариялар ва амалиёти натижасида шакллангандир. Эркинлик қадимги грек сиёсий-ҳуқуқий таълимотларида шакллантирилиб, янги давр Европасида ҳам ҳуқуқни фалсафий тушунишда марказий ўринни эгаллаб келган ва бу давом этмоқда. Бунда Ф.Вольтер, Ш.Монтескье, Ж.Локк, И.Кант, Г.Гегель, Шеллинг, Фихте каби буюк мутафаккирлар илгари сурган ғоялар катта илмий-амалий аҳамиятга эга. Россиялик олим С.С.Алексеевнинг ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек, айнан И. Кантнинг ғоялари эркинликни фалсафий тушунтириш учун асос бўлиб хизмат қилган.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Алексеев С.С.* Право: азбука — теория — философия: Опыт комплексного исследования. — М., 1999. С. 447.

Академик В.С. Нерсисянц юриспруденция ва ҳуқуққа ёндашувнинг юридик шакли доирасида ҳуқуқ ҳамда давлатнинг либертар-юридик тушунчасидан келиб чиқади. У ҳуқуқни эркин шахсларнинг расман тенглиги, яъни инсон эркинлигининг зарурий ва умумий шакли сифатида талқин этади. Ҳуқуқнинг мазкур умумий тушунчаси орқали юриспруденцияни либертар-юридик концепциясининг ягона предмети доирасида унинг ҳар иккала объекти — ҳам эркинликнинг норматив шакли сифатида позитив ҳуқуқ (умумий қоидаларнинг ҳукмронлиги ўрнатилганда), ҳам мазкур эркинликнинг ташкилий, институционал, ҳокимият шаклидаги давлат қамраб олинади.

**Ҳуқуққа «социологик» ёндашув** XIX асрнинг иккинчи ярмида «эркин ҳуқуқ» мактаби доирасида шаклланган. Европада бундай ёндашувнинг намояндалари Е.Эрлих, Ф.Жени, С.А.Муромцев ва бошқалардир. Бу йўналиш ҳуқуқ нормалари ижтимоий тараққиёт талабларига жавоб бермай қолган шароитда вужудга келди ва ривожланди. Ҳуқуққа социологик ёндашувда, асосий урғу ҳуқуқ нима деган саволга жавоб топишга эмас, балки ҳуқуқ ҳаракатига қаратилади. Унга кўра, ҳуқуқни нормалардан эмас, балки ҳаётнинг ўзидан излаш лозим. Ёзилган қонунлар бўш товуш, тўлдирилиши лозим бўлган идишга ўхшатилади. Қонунни судьялар, амалдорлар ҳуқуқ билан тўлдирадилар.

Австрия ҳуқуқшуноси Е.Эрлих «эркин ҳуқуқ» таълимотини яратиб, социологик юриспруденциянинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Ҳуқуқ асосларини жамиятдан, уни ташкил этган оила, савдо уюшмалари, жамоа ва давлат каби уюшма ва иттифоқлардан излаш лозим. Ҳуқуқнинг вужудга келиши, ривожланиши ва моҳиятини тушуниш учун, энг аввало, ижтимоий уюшмаларда мавжуд бўлган тартиботни ўрганиш керак. Ҳуқуқни тушунишдаги бошқа ёндашувларнинг камчилиги шундаки, улар ушбу тартиботдан эмас, балки ҳуқуқий кўрсатмалардан келиб чиққанлар. Қадимги ва ҳозирги давр жамиятларида ҳуқуқ, уруғлар, оилаларда ҳамда уюшма ва иттифоқларнинг ички тузилишини белгилаб берувчи ва уларнинг битими, шартномаси ва низомлари билан ўрнатилган норма ва кўрсатмаларида мавжуд бўлган тартибдир. Агарда қонунларда муайян ҳолат бўйича низони ҳал этиш бўйича аниқ кўрсатма бўлмаса, мазкур уюшма ёки иттифоқнинг низомига, яъни

иттифоқнинг ҳуқуқий фактга тўғридан-тўғри алоқаси бўлган ҳуқуқий нормаларига мурожаат этиш лозим. Мана шу нормалар ва фактлар «тирик» ҳуқуқдир<sup>1</sup>.

Мазкур ёндашув қуйидаги ғояларга асосланади:

1. Ҳуқуқ табиий ҳуқуқларда ҳам эмас, қонунларда ҳам эмас, балки қонунларни ҳаётга татбиқ этишда намоён бўлади, рўёбга чиқади.

2. Ҳуқуқ — юридик хатти-ҳаракатлар, юридик амалиёт, ҳуқуқий тартибот, қонунларнинг қўлланишидир. Ҳуқуқ бу ҳуқуқнинг субъектлари — жисмоний ва юридик шахсларнинг амалий хулқ-атворларидир.

3. «Жонли ҳуқуқ»ни даставвал судьялар ўзининг юрисдикцияси доирасидаги фаолиятида яратади. Улар «қонунлар мазмунини» ҳуқуқ билан тўлдиради ва судьялар реал ҳаётида ҳуқуқ ижодкорлигини амалга оширади.

Ҳуқуқни «социологик» тушуниш ҳам ўзига хос ижобий ва салбий жиҳатларга эга.

Ижобий жиҳати шундан иборатки, *биринчидан*, ҳуқуқни бундай тушуниш ҳуқуқнинг ҳаётга татбиқ этилишига асосланади.

*Иккинчидан*, ҳуқуқ шаклларига нисбатан ижтимоий муносабатлар устуворлиги тан олинади.

*Учинчидан*, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклашни тан олади, бошқарувни номарказлаштириш (децентрализация қилиш) тарафдори.

Ҳуқуқни социологик тушунишнинг салбий жиҳатлари:

— башарти ҳуқуқни, қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, реал ҳуқуқий тартибот деб тушунсак, ҳуқуқий ва ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларни белгилаш мезонлари йўқолади, чунки ҳуқуқни ҳаётга татбиқ этиш қонуний ва гайриқонуний усуллар билан бажарилиши мумкин;

— ҳуқуқ ижодкорлигининг фақат судьялар ва маъмуриятчиларга юклаб қўйилиши айрим мансабдор шахслар томонидан ошқора зўравонлик ва ўз ваколатлари доирасидан четга чиқиш, ишончни суиистеъмол қилиш хавфини кучайтиради.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Тихонравов Ю.В. Основы философии права. Учебное пособие. — М.: Вестник, 1997. 534 стр

Баъзан мансабдор шахсларнинг қонунни четлаб ўтиши, қонун талабларининг аксини қилиб ўз манфаатларини қондириш ҳоллари учраб туради. Агар ҳуқуқни социологик тушуниш устун бўлса, ундайларнинг фаолияти қонуний бўлиб қолади ва ҳуқуқ билан, қонун билан ҳеч қандай боғлиқ жойи қолмайди. Мансабдор шахсларга, «фақат қонун йўл қўйган барча хатти-ҳаракатларга ижозат берилади» тамойили кўпроқ, ишончлироқ самара беради.

Социологик ёндашув тадқиқотчилар ва қонун чиқарувчи идора учун яхши самара бериши мумкин. Ҳуқуқни билиш, фойдали ва самарали қонунни ишлаб чиқиш учун амалдаги қонунчиликни мукамал ўрганиш зарур. Ҳаётга татбиқ этилган ёзма ҳуқуқ нормаларини ўрганиш уларни такомиллаштиришнинг энг маъқул йўлидир. Ҳаётга татбиқ этилган ҳуқуқ — ижтимоий муносабатларни қонун билан тартибга солишдаги нуқсон ва камчиликларни аниқлаш манбаидир.

**Ҳуқуқнинг психологик назарияси.** Ҳуқуққа ёндашувда айрим олимлар ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқий муносабатлар билан бирга ҳуқуқий онгни ҳам ҳуқуқ тушунчасига киритадилар. Шу боис ҳуқуқнинг психологик назарияси келиб чиқди, у фанда ва амалиётда мустақилликка даъвогар бўлсада, аслида ҳуқуқий реализм ғоялари ва бошқа назариялар билан боғлиқликда яшаб келмоқда.

Мазкур назария XX асрда мантиқий тўла шаклланган бўлиб, Петражицкий, Росс, Рейснер ва бошқалар бу назариянинг Европадаги намояндаларидир. Мазкур назариянинг асосий ғоялари:

1) инсон психикаси (руҳияти) — ижтимоий тараққиёт — жамият, давлат, ҳуқуқ, ахлоқнинг ривожланишини белгиловчи омил;

2) ҳуқуқ тушунчаси ва моҳияти қонун соҳиби фаолияти орқали эмас, психологик қонуниятлар — ҳуқуқий эҳтирослар (императив-атрибутив характер), яъни нимагадир ҳуқуқий ваколат (атрибутив норма), нимадир қилиш бурчи (императив норма) мажмуи орқали киритилади, деб ҳисобланади;

3) барча ҳуқуқий ҳис-туйғулар иккига — ижобий (давлат томонидан ўрнатиладиган) ва интуитив (шахсий) ҳуқуқий ҳис-туйғуларга бўлинади. Интуитив ҳуқуқ инсон хуқ-атворининг ҳақиқий тартибга солувчиси бўлиб, «ҳақиқий» ҳуқуқ сифатида қаралиши керак.

Мазкур назариянинг ижобий жиҳатлари:

— *биринчидан*, ҳуқуқни тушунишда иқтисодий, сиёсий жараёнлар билан бирга психологик жараёнларга ҳам алоҳида эътиборни қаратади. Бу ижтимоий психологияни ҳисобга олмай, индивиднинг психологик тузилишини инобатга олмай туриб, қонунлар чиқариш мумкин эмаслигини англатади;

— *иккинчидан*, жамият ҳуқуқий тизимида, ҳуқуқий тартибга солишда ҳуқуқий онгнинг ўрни ва аҳамиятини оширади;

— *учинчидан*, инсон ҳуқуқларининг манбаини қонунлардан эмас, инсон руҳиятидан қидиради.

Ушбу ёндашувнинг салбий жиҳатлари:

— психологик омилларга ҳаддан зиёд катта эътибор бериб, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий омилларга эътиборни сусайтиради;

— интуитив ҳуқуқнинг ҳақиқий деб ҳисобланиши билан ҳуқуқни давлатдан ажратади, ҳуқуқийлик, ҳуқуққа хилофлик, қонунийлик ва гайриқонунийлик ўртасидаги фарқни, мезонни йўқотади.

Собиқ совет ҳуқуқ назариясида ҳуқуққа психологик ёндашув субъектив идеализмга олиб келувчи назария сифатида рад этилган эди. Бироқ, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида агар пролетар давлатининг манфаатлари талаб қилса, судьялар ҳуқуқий онгга мурожаат қилиши декретларда тан олинган эди. Амалда эса, социалистик ҳуқуқий онгга асосланиб, «айбдорларни» жойида отиб ташлаш интуитив ҳуқуқи кенг миқёсда қўлланилди. Бунинг салбий оқибатлари ҳаммага маълум.

Бироқ, ҳуқуқни тушунишга психологик ёндашув назариясининг асосчиси Л.И.Петражицкий ҳуқуқни объектив ва субъектив, интуитив ва позитив, расмий ва норасмий турларга бўлиб тушунтиради. Юридик амалиётда, хусусан қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида психологик назария хулосаларидан самарали фойдаланиш мумкин. Ҳуқуқ нормалари ҳаракатининг психологик механизмини билиш ниҳоятда муҳим, чунки у ҳуқуқни амалга оширишда ҳуқуқни қўлловчи субъектнинг касбий мўлжалларининг тўғри ва аниқ бўлиши, ҳуқуқни қўллаш мотивларининг асосли бўлишини назарда тутати.

**Ҳуқуқни тушунишга тарихий ёндашув.** Ҳуқуқни тушунишга тарихий ёндашув XVIII аср охири ва XIX аср бошларида мантиқан шакл-

ланди. Унинг асосий намояндалари Густав Гуго (1764—1844), К.Савиньи (1779—1861), Г.Пухта (1798—1846) ва бошқа олимлардир.

Мазкур ёндашув тарафдорлари табиий ҳуқуқий таълимоти ҳамда қонунчилик ҳоқимияти органларининг ҳуқуқ яратувчи фаолияти натижасида сунъий равишда яратиладиган позитив ҳуқуқ ғоясини танқид қиладилар. Уларнинг фикрича, ҳуқуқ ўз-ўзидан вужудга келади, шу нуқтаи назардан у тилнинг келиб чиқишига ўхшайди. Тил шартнома, бирор шахс ёки давлат органининг кўрсатмаси билан ўрнатилмагани, худо томонидан ато этилмагани каби, ҳуқуқ ҳам фақат қонун ижодкорлик фаолияти билан эмас, балки халқнинг турмуш шароитлари асосида тегишли нормаларнинг тасодифий шаклланиши билан ҳам вужудга келади.

Ҳуқуқий нормаларнинг ва институтларнинг шаклланиши ва тараққиёти объектив ривожланиш натижасидир. Ушбу ривожланиш ўз-ўзидан, давр талаби ва эҳтиёжларига мувофиқ амалга ошади. Шунинг учун инсонлар бу жараёнга аралашмасликлари лозим. Ҳуқуққа тарихий ёндашувнинг машҳур вакили К.Савиньининг фикрича, миллий руҳнинг ҳаракати билан ҳуқуқ ҳам тасодифий ривожланади. Тараққиётнинг биринчи босқичида ҳуқуқ одатлар шаклида намоён бўлади, иккинчисида ҳуқуқшунос олимлар томонидан ишлов берилади, бунда у ўзининг илдизи — халқнинг умумий эътиқоди билан алоқасини йўқотмайди. Халқ руҳи билан суғорилмаган ҳуқуқ, жамиятда яшаб кета олмайди.

Мазкур назариянинг асосий ғоялари:

— ҳуқуқ — тарихий ҳодиса бўлиб, тил каби фақат бирор кишининг келишуви ёки кимнингдир кўрсатмаси билан эмас, муайян тарихий шароитдан келиб чиқади ва ривожланади.

— ҳуқуқ — даставвал ҳуқуқий одатлар (юридик оқибатлар келтириб чиқарувчи, тарихан шаклланган ҳулқ-атвор қоидалари)дир. Қонунлар «миллий руҳ», «халқ онги» замирида ҳуқуқдан келиб чиқувчи қоидалар мажмуидир.

— бу назария намояндалари инсон ҳуқуқларини инкор этиб, йирик ер эгалиги ҳукмрон бўлган вақтда инсоннинг табиий ҳуқуқларини тан олиши мумкин бўлмаган.

Ҳуқуқни тарихий тушуниш назариясининг ҳам ўзига хос камчиликлари йўқ эмас:

— бу назария йирик ер эгалиги тузуми инқирозга учраган бир пайтда табиий ҳуқуқ назариясига қарама-қарши назария сифатида эски тузумни сақлаб қолиш ниятида вужудга келган;

— ҳуқуқий одатларнинг аҳамиятини қонунлардан устун қўйишга ҳаракат қилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ҳуқуқий урф-одатлар ижтимоий муносабатларни тартибга солишда давлат органларининг ҳуқуқий ҳужжатларисиз ожизлик қилиб қолади.

**Ҳуқуқни тушунишга интегратив ёндашув.** Ҳуқуқни тушуниш бўйича ҳар хил ёндашувлар билан танишув ҳуқуқнинг кўп қиррали тушунча эканлигини тасдиқлаб турибди. Бу ёндашувлардан бирортасини мутлоқлаштириш ёки бутунлай воз кечиш мақсадга мувофиқ эмас. Уларнинг ҳар биридан бирор фойдали жиҳатни топиш имкони бор. Ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни ижод қилиш жараёнида бу назарияларнинг барча ибратли жиҳатларини бирлаштириш, умумлаштириш туфайли, ҳуқуқни тушунишда интегратив (умумлаштирувчи) ёндашувга эҳтиёж туғилади. Бироқ, бунда барча нуқсонларини умумлаштиришнинг олдини олиш лозим бўлади.

Интегратив ёндашув асосида ҳуқуқни мукамал қилувчи, ривожлантирувчи, инсон, давлат, жамият талабларига жавоб берувчи жиҳатларни умумлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу ҳуқуқнинг шаклига ҳам, мазмунига ҳам тааллуқли хусусиятларни қидиришни зарур қилиб қўяди. Эркинликнинг адолатли ўлчовлари ҳуқуқнинг мазмунини тавсифлайди, шаклий жиҳатини эса давлат томонидан қўлланидиган мажбурловга асосланувчи умуммажбурийлик ташкил этади. Шу боис, амалиётчи (судья, прокурор, ички ишлар ходими, юрист-консулт) учун муайян жамиятда муҳофаза қилинадиган эркинлик ва адолатни ҳимоя қилиш муҳим. Акс ҳолда норозиликлар, жанжаллар келиб чиқади, ҳар қандай адолатни топташга йўл очилади.

Ҳуқуқ амалда мутлақо мукамал талабга жавоб берадиган ҳодиса бўлмай, вақт ва макон шарт-шароитларига қараб ўзгаришлар, тўлдиришлар, янгиланишларга дуч келади. Шу боис ҳуқуқ ижодкорлигининг самарали бўлишини таъминлаш мақсадида ҳуқуққа ҳар хил ёнда-



шувлардан фойдаланиш, ҳуқуқнинг ҳар хил таърифларини ўрганиб, уларни синтез қилиш яхши самара беради. Ҳуқуқ нима деган баҳслар асосида жуда кўп амалий муаммолар: ҳуқуқнинг асослари, ҳуқуқнинг манбалари, ҳуқуқнинг таъсир доираси, ҳуқуқнинг самарадорлиги, ҳуқуқдаги зиддиятлар ва бошқа масалалар ҳал қилинади.

Хулоса қилиб, ҳуқуқнинг интегратив таърифини келтирамиз. Ҳуқуқ — жамиятда тан олинган ва расмий муҳофаза билан таъминланган тенглик ва адолат меъёрлари, эркин хоҳиш-иродаларини мутаносиблаштирувчи, уларнинг ўзаро курашларини ҳамда ўзаро муносабатларини тартибга солувчи меъёрлар мажмуидир.

## IX БОБ ҲУҚУҚ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

### 1-§. Ҳуқуқ принциплари тушунчаси ва моҳияти

Ҳуқуқ принциплари, ҳеч муболағасиз, унинг моҳиятини ифодаловчи асосий жиҳатлардан бирини, асл ўзагини ташкил этади. Улар бутун ҳуқуқий материяни — ғоялар, нормалар ва муносабатларни қамраб олиб, жами ҳуқуқий ҳаётга муайян мантиқ, мазмун, маъно, собит-қадамлик, ички мутаносиблик ҳамда уйғунлик бахш этади. Янада аниқроқ таърифлайдиган бўлсак, ҳуқуқ принципларида бамисоли ҳуқуқ ривожининг бутун дунёвий тажрибаси, инсоният маърифий тараққиётининг ҳосиласи ўзининг мужассам ифодасини топади. Принциплар ҳуқуқ шаклланишида йўналиш берувчи мўлжал, мезон вазифасини ўтайди.

*Ҳуқуқ принциплари* ҳуқуқнинг шаклланиш жараёни, ривожланиши ва ҳаракатланишининг раҳбарий ғояси, бошланғич қоидаси, етакчи мезони сифатида майдонга чиқади.

Аввало қонунда, ҳуқуқий нормаларда ўз тасдиғини топадиган ҳуқуқ принциплари жамиятнинг бутун сиёсий-ҳуқуқий ҳаётига, мамлакат ижтимоий тизимига тўлалигича сингиб кетади. Улар нафақат ҳуқуқнинг моҳиятини, балки унинг мазмунини тавсифлайди, унинг ички тузилиши, статик ҳолати билан бир қаторда, ҳуқуқни қўллаш жараёнини, ҳуқуқ фаолиятининг динамикасини акс эттиради. Ҳуқуқ принциплари норматив ҳужжатларни тайёрлашнинг бутун жараёнига, уларни қабул қилиш ва чиқариш, ҳуқуқий талабларга риоя этиш кафолатлари ўрнатилишига ниҳоятда катта таъсир кўрсатади.

Ҳуқуқ принциплари ўзига хос таянч тузилма бўлиб, унга нафақат ҳуқуқ нормалари, институтлари ёки тармоқлари, балки бутун ҳуқуқ тизими асосланади. Мазкур раҳбарий тамойиллар давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бутун фаолияти учун йўналтирувчи машъал бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқий тизимнинг баҳамжиҳатлиги, барқарорлиги ва самарадорлиги уларга риоя этиш даражасига бевосита боғлиқ. Ҳуқуқ принциплари умуммажбурий тусга эга бўлганлиги сабабли улар турли ҳуқуқ

тармоқлари ва институтлари, нормалари ва ҳуқуқий муносабатлар, объектив ҳамда субъектив ҳуқуқ ўртасидаги ички бирликни, уйғунлик ва ўзаро алоқадорликни таъминлашга кўмаклашади.

Ўз моҳияти ва табиати жиҳатидан ҳуқуқ принциплари тасодифий эмас, балки жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тизими томонидан бевосита белгиланади. Бундан ташқари, улар мазмунига мамлакатда мавжуд давлат ва ҳуқуқ, ҳукмрон сиёсий ва давлат режими, жамият сиёсий тизимининг қурилиши ҳамда амал қилиши тамоийлилари ўз таъсирини ўтказади<sup>1</sup>.

Юқоридаги фикр кундек равшан, уни исботлашнинг ҳожати йўқ. Зеро, айтайлик, феодал ҳуқуқнинг тузилиши ва ҳаракатланиши принциплари қулдорчилик ҳуқуқи ёки ҳозирги замонавий ҳуқуқ принципларидан тубдан фарқ қилади. Шунингдек, Рим ҳуқуқига асосланган ҳозирги роман-герман ҳуқуқининг принциплари ислом дини арконларига асосланган мусулмон ҳуқуқи принципларидан фарқ қилиши барчага аён.

Ҳуқуқ принциплари, одатда, бевосита қонун ҳужжатларида (конституция ва жорий қонунларнинг муқаддимасида, моддаларида) мустаҳкамланади; баъзан ҳуқуқ нормаларининг мазмунидан келиб чиқади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик принципи, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш принципи ўз аксини топган. Шунингдек, Конституциямизнинг бир қатор моддаларида ўта муҳим бошқа ҳуқуқий принциплар мустаҳкамланган.

Улардан баъзиларини эслаб ўтамиз: давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъулиги (2-модда), халқ ҳокимиятчилиги (7-модда), давлат ҳокимиятининг бўлиниши (11-модда), сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги (12-модда), Конституция ва қонунларнинг устунлиги (15 ва 16-моддалар), фуқароларнинг қонун олдида тенглиги (18-модда) ва ҳоказо.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Васильев А.М.* Правовые категории. Методологические аспекты разработки системы категорий теории права. — М., 1976. С. 216—225.

Хорижий давлатлар тажрибаси ҳам айнан шундай. Мисол учун Швеция Конституциясининг 1-моддасига мувофиқ: «Швецияда бутун давлат ҳокимияти халқдан келиб чиқади. Швед халқининг бошқаруви фикрларни эркин шакллантириш ҳамда умумий ва тенг сайлов ҳуқуқига асосланади. Бошқарув давлат тузуми воситаси билан, вакиллик ва парламент тизими ҳамда коммунал ўзини ўзи бошқариш орқали амалга оширилади».

Адолат ва эркинлик ҳуқуқ биносининг тамал тошларидир. Барча принциплар орасида улар алоҳида муҳим ўрин тутати. Адолат ва эркинлик принциплари кўпгина нуфузли халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, мамлакат ички қонунчилигида ўз тасдиғини топган. Фикризмизнинг далили сифатида 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»ни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси ва бошқа қонунларни келтириш мумкин.

## 2-§. Ҳуқуқ принципларининг таснифи

Ҳуқуқ принципларининг мазмуни, намоён бўлиш жабҳаси ва хусусиятларига қараб турли мезонлар асосида таснифлаш мумкин. Масалан, ҳуқуқнинг типичлиги ва ҳаракатланиш кўламига қараб қулдорчилик, феодал, буржуа ва социалистик ҳуқуқ принциплари ҳақида гапириш мумкин. Шунингдек, ҳуқуқ принциплари ўз табиатига кўра ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, ахлоқий, диний ва махсус-юримдик турларга бўлинади. Ҳуқуқшуносликка оид адабиётда умумий ва махсус, соҳавий ва тармоқлараро принциплар тўғрисида фикр-мулоҳазалар мавжуд.

**Умумий ҳуқуқий принциплар** бутун ҳуқуқий тизим асосида туриши билан тавсифланади. Бу принциплар таҳлили орқали у ёки бу мамлакат ҳуқуқий тизимининг мазмун-моҳияти, табиати, хусусиятлари, ҳаракатланиш сифатлари ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Бундай ҳуқуқий принциплар қаторига қуйидагилар киради:

Ҳуқуқни шакллантириш ва амалга оширишда **демократизм принциплари**.

Мазкур принцип ҳуқуқни яратиш соҳасида халқнинг, бевосита халқ вакиллари бўлмиш депутатларнинг, жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ҳуқуқий сиёсатни шакллантириш ва ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришда кенг иштироки орқали намоён бўлади. Ҳуқуқни амалга ошириш жабҳасида демократизм тамойили ҳуқуқни қўлловчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ташкил этиш ва фаолият юритиш тартибида, даставвал одил судловни амалга ошириш жараёнида, уларнинг фуқароларга яқинлигида, аҳоли учун юридик ёрдамнинг реаллиги даражасида ўз аксини топади. Хусусан, Ўзбекистонда кенг ривожланаётган суд-ҳуқуқий ислохотининг заминида ҳам демократик жиҳатларни чуқурлаштириш ётади. Бунда адвокатлар мавқеини кучайтириш, суд жараёнида прокурор билан адвокатнинг ҳуқуқий мавқеини тенглаштириш, прокуратура ва ички ишлар органлари ходимининг фаолиятини инсон ҳуқуқларини таъминлаш нуқтаи назаридан ислоҳ этиш кабилар кўзда тутилади. «Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор, — деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов. — Булар — халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир. Ана шу уч соҳада ҳақиқий силжишлар бўлмас экан, демократия ҳақидаги ҳамма гап-сўзлар ё халққа хушомад қилиш ёки оддий сиёсий ўйин бўлиб қолаверади»<sup>1</sup>.

**Қонунийлик принципи.** Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни субъектлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш, муҳокама этиш, қабул қилиш ва нашр этиш қонунлар, аввало, Конституция асосида амалга оширилади. Қонунийлик тамойилининг асосий маъноси шундаки, қонун чиқарувчи орган — парламентнинг ҳам, ҳуқуқ ижод этувчи бошқа органларнинг ҳам фаолияти қонун асосида қатъий амалга оширилиши лозим.

Судлов жараёни ҳамда ҳуқуқни амалга оширишда иш кўрадиган

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1998. 156—157-б.

барча давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти ҳам батамом қонунга мос равишда бўлиши талаб этилади. Мазкур фаолиятда қонунийлик принципи барча мутасадди органлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг хатти-ҳаракатида қонунга итоат этиш, унинг талабига оғишмай риоя қилишда намоён бўлади. Қонунийлик умумийлик ва ягоналик сифатлари билан тавсифланади. Қонунга итоат этиш барча субъектлар учун умумий талабдир. Айни вақтда, қонундаги ҳар бир қоида ҳуқуқий муносабатнинг барча иштирокчилари учун ягона талаб сифатида майдонга чиқади. Бошқача айтганда, қонун устувор ва бутун мамлакат ҳудудида ягонадир. У бир хилда тушунилиши ва бир хилда бажарилиши лозим.

3-*Инсонпарварлик принципи.* Бунинг маъноси шундаки, ҳуқуқ жамият — инсон — давлат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ва тартибга солишда адолат, инсонни севиш, шахсни эъзозлаш ва унинг шаънини қадрлаш, унга ҳаёт кечириш учун муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш нуқтаи назаридан келиб чиқади. Ҳуқуқнинг инсонпарварлиги қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган ижтимоий тузумнинг шахс учун қулай иқтисодий шарт-шароитлар, имтиёзлар яратишини назарда тутати. Ҳуқуқда шахсни таҳқирловчи, қийновчи, унга нисбатан ноинсоний муносабатни ёқлаб чиқувчи қоидалар бўлиши мумкин эмас. Мамлакатда вужудга келтирилган кафолатлар тизими фуқароларни ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар ҳамда уларнинг оқибатларидан ҳимоя қилиши керак.

Албатта, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла кафолати фақат демократик ҳуқуқий давлат шароитидагина бўлиши мумкин. Ўзбекистонда инсонпарвар ҳуқуқнинг шаклланиши мустақиллик, давлат суверенитетининг қўлга киритилиши ҳамда мустаҳкамланиши даври билан чамбарчас боғлиқдир. Хусусан, Ўзбекистон Конституциясида: оила жамият ва давлат муҳофазасидадир (63-модда). Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди (64-модда). Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар (66-модда), — деб таъкидланганлигида инсонпарварлик ғоялари нақадар мужассам эканли-

гини кўриш мумкин. Бундай инсонпарварлик билан йўғрилган ҳуқуқий қоидаларни Оила, Меҳнат кодексларида, «Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида» ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» ги ва бошқа қонунларда кўплаб учратиш мумкин.

**Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт. Мазкур принцип қўйидаги жиҳатлар билан тавсифланади. *Биринчидан*, мамлакатда барча фуқаролар тенг ҳолат ва мақомга эгалиги. Давлат ўз қонунлари билан фуқароларга бир хил шароит ва тенг имкониятлар яратиб беради. Ҳамма бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Бироқ, улардан фойдаланиш амалда турлича бўлади. Масалан, биров олий ўқув юртига киради, бошқа фуқаро эса бу ҳуқуқдан фойдаланмайди. *Иккинчидан*, бу принцип умумфуқаровий ҳуқуқларнинг тенглигида ифодаланади. Бу ҳуқуқлар, аввало, Конституцияда ва бошқа қонунларда мустаҳкамланади. Булар фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва сайланиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, тиббий ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқи, турар жойга, хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқи ва ҳоказолар. *Учинчидан*, бу принцип фуқароларнинг қонун олдида бирдек масъуллигида ифодаланади. Қонунни бузган ҳар бир фуқаро, ҳар бир мансабдор шахс (шу жумладан, юридик шахс) истисносиз ўз қилмиши учун жавоб бериши шарт.

**Давлат ва шахснинг ўзаро масъуллиги принципи.** Давлат билан шахс бир-бири билан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали боғлиқ бўлиши лозим. Бу демократик сиёсий тизим ва адолатли давлат бошқарувининг муҳим талабларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ана шу талаб ўз ифодасини топган: «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улар-

дан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас» (19-модда). Аини вақтда, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Ўз навбатида, фуқаролар Конституция ва қонунларга қатъий итоат этишлари, жамият манфаатларига мувофиқ иш тутишлари, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари, қонун билан белгиланган солиқларни тўлашлари лозим. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт (20-модда). Башарти, бир томондан, давлат, давлат органлари ва мансабдор шахслар, иккинчи томондан, фуқаролар ўз зиммаларидаги қонуний мажбуриятларини бузсалар, тегишли юридик жавобгарлик келиб чиқади. Бундай ҳолларда фуқаро давлат олдида, давлат эса (ўз мансабдор шахслари ва органлари орқали) фуқаро олдида қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаради. Мазкур юридик муносабат ҳамда алоқадорлик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг зарурий шартидир. Таъбир жоиз бўлса, бу ерда гап «давлат суверенитети» ва «шахс суверенитети»нинг ўзаро диалектик алоқадорлиги, боғлиқлиги хусусида бормоқда.

Умумий ҳуқуқий принциплар қаторига, шунингдек, ижтимоий адолат, тенг ҳуқуқлилик, ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлиги, ҳуқуқнинг устуворлиги кабилар ҳам киради.

🌀 **Махсус юридик принциплар** аслида ҳуқуқий тилда ифодаланган ижтимоий принциплардир. Одатда, илмий адабиётда махсус-юридик принциплар тоифасига қуйидагилар киритилади:

- 1) ҳуқуқ нормаларининг бутун мамлакат аҳолиси учун умумий-мажбурийлиги ҳамда уларнинг бошқа ижтимоий нормалардан устуворлиги;
- 2) амалдаги объектив ҳуқуқни ташкил этувчи нормаларнинг зиддиятсизлиги ва қонуннинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устунлиги;
- 3) ҳуқуқнинг оммавий ва хусусий ҳуқуққа нисбатан мустақил ҳуқуқ соҳалари ҳамда институтларига бўлиниши;
- 4) объектив ва субъектив ҳуқуқ ўртасида, ҳуқуқ нормаси ва ҳуқуқий



муносабат ҳамда ҳуқуқ билан ҳуқуқнинг қўлланиши ўртасида мувофиқликнинг мавжудлиги принципи;

5) ижтимоий эркинлик, қонун ва суд олдида тенглик, тенг ҳуқуқлик принципи;

6) қонунда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг юридик кафолатланганлиги;

7) тенг юридик мезон (миқёс)ларда ифодаланган хулқ-атворнинг адолатлилиги ҳамда юридик жавобгарликнинг содир этилган ҳуқуқ бузилишига мослиги;

8) юридик жавобгарликнинг фақат ҳуқуққа хилоф айбли хатти-ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик) учунгина қўлланилиши ва Конституцияга биноан жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши қонуний тартибда судда кўрилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги; айбсизлик презумпцияси принципи (26-модда);

9) янги ёки нисбатан оғирроқ юридик жавобгарликни ўрнатаётган қонуннинг орқага қайтиш кучига эга эмаслиги принципи; жазолаш тизимини инсонпарварлаштириш ва бошқалар.

**Тармоқлараро ҳуқуқий принциплар** икки ёки ундан ортиқ ҳуқуқ тармоқлари доирасида амал қиладиган принциплардир. Кўпинча бундай принциплар бир-бирига яқин турувчи ҳуқуқ соҳаларини қамраб олади (масалан, конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ соҳалари; жиноят-процессуал ва фуқаролик-процессуал ҳуқуқи соҳалари учун умумий бўлаган принциплар). Масалан, моддий жавобгарлик принципи меҳнат ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи соҳаларида қўлланиладиган тамойил. Фақат айб учун жавобгарлик принципи эса Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг моддаларида акс эттирилган. Бу принцип фуқаролик қонунчилигида ҳам асосий дастуриламалардан бири ҳисобланади<sup>1</sup>. Айбсизлик презумпцияси принципи ҳам тармоқлараро хусусиятга эга. У жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, жиноят-процессуал ҳуқуқи ва бошқа тармоқларда қўлланилади.

**Соҳавий ҳуқуқий принциплар** фақат битта муайян ҳуқуқ соҳаси доирасида амал қилади. Масалан, ер ҳуқуқи учун «ерга эгалик қилиш шакл-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Лившиц Р.З.* Теория права. — М., 1994. С. 199.

ларининг қўплиги ва уларнинг тенглиги» принципи, «ернинг фуқаролик муомаласида бўлиши» принципи, «ер устидан давлат бошқарувини амалга ошириш» принципи, «ерда мустақил хўжалик юритиш ва ердан фойдаланувчи субъектларнинг тенглиги» принципи, «ердан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланиши» принципи ва ҳоказолар.

Яна бир мисол. Хўжалик-процессуал ҳуқуқида қуйидаги принциплар раҳбарий роль ўйнайди: судьяларнинг сайлаб қўйилиши, уларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishi принципи; ишларни кўришда коллегиялик ва яккабошчиликнинг қўшиб олиб борилиши принципи; ишларни кўришда ошкоралик принципи; ишда қатнашаётган тарафларнинг тенглиги принципи; низоларни кўришда баҳслашиш, оғзакилик ва бевоситалик принциплари. Ҳар бир ҳуқуқ соҳаси умумий ва тармоқлараро принципларга таянишдан ташқари фақат ўзигагина хос принципларга ҳам асосланади. Бу принципларнинг барчаси биргаликда нафақат ҳуқуқ соҳаси, балки бутун ҳуқуқ тизимининг тузилиши ва ҳаркатланиши учун замин бўлиб хизмат қилади.

### 3-§. Ҳуқуқ функциялари тушунчаси ва турлари

Ҳуқуқнинг моҳияти ва ижтимоий вазифаси унинг функцияларида намоён бўлади. **Ҳуқуқ функциялари** — ижтимоий муносабатларга юридик таъсир этишнинг асосий йўналишлари бўлиб, уларнинг мазмуни ҳуқуқнинг моҳияти ва жамият ҳаётидаги ижтимоий вазифаси билан белгиланади. Ҳуқуқ, аввало, жамият ҳаётининг турли жабҳалари — иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий соҳага, маданий-маънавий муносабатларга таъсир этади ва шу тариқа иқтисодий, сиёсий ва тарбиявий мазмундаги умумижтимоий функцияларни бажаради.

Ҳуқуқ функциялари қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

*биринчидан*, ҳуқуқ функциялари ҳуқуқнинг моҳиятидан келиб чиқади ва унинг жамиятдаги вазифаси билан белгиланади. *Функция* — ҳуқуқ моҳиятининг ижтимоий муносабатлар мазмунида ифодаланиши (ёритилиши)дир;

*иккинчидан*, ҳуқуқ функциялари — ижтимоий муносабатларга таъсир этишнинг шундай йўналишларики, уларни амалга ошириш эҳтиёжи ҳуқуқнинг ижтимоий ҳодиса сифатида мавжудлиги заруриятдан келиб чиқади;

*учинчидан*, функциялар ҳуқуқнинг энг муҳим, жиддий сифатларини ифода этади ва жамият ривожининг ҳозирги босқичида ҳуқуқ олдида турган туб вазифаларни бажаришга йўналтирилади;

*тўртинчидан*, ҳуқуқ функциялари унинг ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солувчи фаол ҳаракатининг йўналишини акс эттиради. Шу боис ҳуқуқ функцияларининг муҳим белгиларидан бири унинг динамизми, ҳаракатланиши, таъсир этишидир;

*бешинчидан*, ҳуқуқ функциялари доимийлик хусусиятига эга, бу уларнинг узлуксизлиги, узоқ муддат давомида амал қилишини англайди.

Соф юридик нуқтаи назардан ҳуқуқ функцияларини икки — *регулятив* (тартибга солувчи) ва *негатив* (қўриқловчи) турга ажратиш мумкин.

*Ҳуқуқнинг регулятив функцияси* жамият аъзоларининг юриш-туриши ва ҳулқ-атворининг ижобий, барчага мақбул қоидаларини ўрнатиш, ижтимоий муносабатларни юридик ташкил этиш, кишилар ўртасидаги ижтимоий алоқаларни уйғунлаштириш ва барқарорлаштиришдан иборат. Бу функция доирасида ҳуқуқий таъсирнинг яна икки — *регулятив-статик* ва *регулятив-динамик* ҳуқуқий функциялар йўналиши ҳақида сўз юритиш мумкин.

*Ҳуқуқнинг регулятив-статик, яъни тартибга солувчи — статик функцияси* деганда, ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатлар, уларнинг ҳолати ва эришилган даражасини мустаҳкамлаш ҳамда барқарорлаштиришга қаратилган таъсири тушунилади. Ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу ҳуқуқий институтлар шаклида мустаҳкамланиши ҳуқуқий тартибга солиш мақсадларидан биридир. Ушбу функция турли субъектларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда, масалан, инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ваколатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқдорлигини белгилашда намоён бўлади.

Ҳуқуқнинг мазкур функциясида унинг табиати ниҳоятда яққол акс этади. Зеро, фуқаролар ва ташкилотларга ҳуқуқий ваколатлар берилади, улар шу ваколатлар доирасида эркин, ўзлари истаганча фаолият юритадилар. Бу чегара қанчалик кенгайса, инсонлар шунчалик эркин ҳаракат қиладилар.

Тартибга солувчи — статик функция ваколат берувчи ва ман этувчи нормалар орқали амалга ошади, шу боис улар асосида таркиб топадиган муносабатлар пассив ҳуқуқий муносабатлар тоифасини ташкил этади. Бундай ҳолларда ҳуқуқ субъектлари ўзлари ташаббус кўрсатиб ҳуқуқий фаоллик қилишлари мумкин.

**Ҳуқуқнинг регулятив-динамик, яъни тартибга солувчи — динамик функцияси** деганда, ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга таъсир этиб, уларнинг келгусида ривожланиши, ўзгариши ҳамда такомиллашувини белгилаб бериши тушунилади. Бу ерда ҳуқуқ ижтимоий муносабатларнинг тараққиётини, ҳаракатланиши (динамикаси)ни расмийлаштиради. Мазкур функция мажбурият юкловчи нормалар воситасида амалга оширилади. Масалан, қонунчиликда фуқаролар зиммасига қатор мажбуриятлар юклатилади: солиқларни тўлаш, ҳарбий бурчни адо этиш, меҳнат интизомига риоя қилиш, шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш ва ҳоказолар. Тартибга солувчи — динамик функция фаол ҳуқуқий муносабатлар шаклида рўёбга чиқади. Булар фуқаролик, меҳнат, маъмурий, молия ва бошқа ҳуқуқ соҳалари институтларида ўз аксини топади.

Ҳуқуқнинг регулятив функциясини амалга оширишда кенг тарқалган усуллар қуйидагилар:

- ҳуқуқ нормалари воситасида фуқароларнинг ҳуқуқий-муомала лаёқатини белгилаш;
- фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш (мустаҳкамлаш) ва ўзгартириш;
- давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ваколатларини белгилаш;
- юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамлаш;
- ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи юридик фактларни белгилаш;

— ҳуқуқ субъектлари ўртасида муайян ҳуқуқий алоқа ўрнатиш (тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар);

— аниқ ижтимоий муносабатларга нисбатан ҳуқуқий тартибга солишнинг оқилона типини белгилаш.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятлардан келиб чиқиб, ҳуқуқнинг регулятив функциясини шундай таърифлаш мумкин.

**Ҳуқуқнинг регулятив (тартибга солувчи) функцияси** — ҳуқуқнинг ижтимоий вазифаси билан белгиланган бўлиб, у хулқ-атворнинг ижобий қоидасини ўрнатиш, жамият, давлат ва фуқаролар манфаатларига оид муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида ҳуқуқ эгаларига субъектив ҳуқуқлар бериш ва юридик мажбуриятлар юклашда намоён бўлади. Ижтимоий муносабатларни қўриқлаш зарурияти ҳар доим бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Ҳуқуқ ҳамиша ижтимоий муносабатларни муҳофаза этиш воситаси бўлиб келган. Ҳуқуқий таъсирнинг бу йўналиши ҳуқуқнинг қўриқловчи функциясини ташкил этади.

**Ҳуқуқнинг қўриқловчи функцияси** — унинг ижтимоий вазифаси билан белгиланган ҳуқуқий таъсир этиш йўналиши бўлиб, у умумий аҳамиятга молик, ўта муҳим иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа ижтимоий муносабатларни муҳофаза этишга, уларнинг дахлсизлигини таъминлашга йўналтирилади ва шу билан бирга жамиятга ёт, зарарли муносабатларни сиқиб чиқаришга қаратилади.

Қўриқловчи функциянинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

*биринчидан*, у ҳуқуқни кишилар хулқ-атворига таъсир этишнинг алоҳида воситаси сифатида таърифлайди. Ҳуқуқ бу вазифани жазо қўллаш, тақиқлар ўрнатиш ва юридик жавобгарликни амалга ошириш билан огоҳлантириб, кишилар иродасига таъсир ўтказиш орқали бажаради;

*иккинчидан*, унда давлат ҳуқуқий қоидалар воситасида қандай ижтимоий қадриятларни ўз ҳимоясига олганлиги тўғрисида ижтимоий муносабат субъектларига ахборот берилади;

*учинчидан*, у жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражасининг, ҳуқуқдаги инсонпарварлик асосларининг кўрсаткичидир.

Ҳуқуқнинг қўриқловчи функциясига хос хусусиятлар уни давлат-

нинг ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолияти билан қиёслаганда, янада аниқроқ намоён бўлади. Тегишли давлат органлари ҳуқуқ субъектлари томонидан қонун талабларининг ва қатъий сўзсиз бажарилишини таъминлайди, жамиятда қонунийлик муҳитини вужудга келтиради. Бу ҳуқуқ бузилиши фактини аниқлаш, уни бузганни тергов қилиш ва айбдорни юридик жавобгарликка тортиш билан таъминланади.

Шундай қилиб, ҳуқуқнинг қўриқловчи функцияси — ҳуқуқнинг бевосита амал қилиши бўлса, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолияти ҳуқуқ талабларига риоя қилишнинг моддий кафолатидир. Бунда махсус органлар (ИИВ органлари, прокуратура, суд)нинг ҳуқуқни қўриқлашга қаратилган фаолияти намоён бўлади. Бундан ташқари, энг муҳими, ҳуқуқнинг қўриқловчи функцияси ижтимоий муносабатларни ҳимоялашга йўналтирилгандир.

## Х Б О Б ХУКУҚНИНГ ШАКЛИ (МАНБАИ)

### 1-§. Хукуқ шакли (манбаи) тушунчаси

Хукуқнинг манбаи деганда, умумий маънода хукуқнинг ифода этилиш шакли тушунилади. Хукуқшуносликда «хукуқ шакли» ва «хукуқ манбаи» каби ўхшаш тушунчалар мавжуд ва уларнинг ҳар бири ўзига хос аҳамият касб этади. Ушбу тушунчаларнинг ўзаро нисбати хусусида баҳс юритар эканмиз, авваламбор, уларнинг этимологиясига эътибор қаратиш ҳамда ўзаро алоқадорлиги ва фарқини аниқлаб олиш лозим. Юридик адабиётда баъзан хукуқ шакли ва манбаи синоним тушунчалар сифатида талқин этилса, бошқа ҳолларда мазкур тушунчаларнинг бир-биридан кескин фарқ қилиши баён этилади.

**Хукуқ шакли** — давлат билан хукуқ ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Унда хукуқнинг ташқи ифодаланиши тушунилади. *Хукуқ манбаи* дейилганда, хукуқ нормасининг пайдо бўлиши ва амал қилишига имкон берувчи замин (резервуар) тушунилади. Таниқли рус хукуқшуноси Г.Ф. Шершеневич хукуқ шакли — маълум маънода хукуқни ўзида акс эттирувчи, унинг олдинги вақтда чиқарилган манбаи, яъни асоси деб таърифлаган.

Хукуқ тушунчасида махсус хукуқий мазмунни эмас, балки унинг мавжуд бўлишининг ички шаклини ҳам тушунмоқ лозим. Агар хукуқнинг мазмуни бўлиб, умумий юриш-туриш қоидалари йиғиндиси тушунилса, унинг ички шакли ҳар бир алоҳида хукуқ нормасининг ташкил топиш усуллари ва барча хукуқ нормаларининг бир тизимга бирлашишини англатади. Хукуқнинг ташқи шакли ёки манбаи эса, давлат иродасини ўзига хос тарзда расмийлаштириш, шакллантириш усуллари йиғиндисидир. Хукуқ манбаи тушунчасини унинг ташқи ифодалаш шакли нуқтаи назаридан таҳлил қилинганда, нормалар ҳокимият тепасида турган халқ ёки маълум бир сиёсий кучнинг иродасини қонун даражасига кўтарувчи восита сифатида тушунилади.

Жамиятнинг моддий шарт-шароити, хукуқни яратадиган куч сифатида майдонга чиқади. Шакл доимо мазмунга эга бўлиши керак,

акс ҳолда ўз қадр-қимматини йўқотади. Юридик адабиётда келтириб ўтилишича, ҳуқуқ шакллари қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади: у фуқаролар иродасини норматив тарзда мустаҳкамлаши зарур; мавжуд ижтимоий-иқтисодий базис билан белгиланади; халқ манфаатларига хизмат қилувчи сиёсий ҳокимиятни таъминлаши зарур; манфаатларни ифодалашнинг энг демократик шакли сифатида қонунлар аҳамиятини тасдиқлаши лозим.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодиса каби ҳуқуқ ҳам маълум шаклда ўз ифодасини топади. Ҳуқуқ шаклини таҳлил этиш халқ иродасини қонун даражасига қандай усуллар билан кўтарилганлигини англашга кўмаклашади. Ҳуқуқ шакли, давлат иродасининг ҳамма учун мажбурийлик усулига қараб белгиланади. Шунга қараб, ҳуқуқнинг тўртта тарихий шакли мавжуд: ҳуқуқий одат, юридик прецедент, норматив-ҳуқуқий акт ва норматив шартнома.

## 2-§. Ҳуқуқий одат — ҳуқуқнинг манбаи сифатида

Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ахлоқ, одат, анъана, расм-русм ва ҳуқуқ каби турли хил нормалар асосида тартибга солинади. Одат нормалари асосида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш алоҳида аҳамият касб этади.

**Одат** — доимий такрорланиши натижасида кишилар онгида шаклланган хулқ-атвор қоидаси. Жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи манбалар тизимида одат ва ҳуқуқий одатни фарқлаш лозим. Кундалик турмушдаги барча одатий қоидалар ҳам ҳуқуқий одат сифатида шаклланавермайди.

Маълумки, ибтидоий жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда одат нормаларидан кенг фойдаланилган ва даврлар ўтиши билан одат ўз ўрнини ҳуқуққа бўшатиб бера бошлади. Бу даврни шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин:

*биринчи босқич* — одатнинг мутлақ ҳукмронлик даври. Бу даврда жамиятдаги барча ижтимоий муносабатлар одат орқали тартибга солинган, яъни бу даврда ҳуқуқ умуман бўлмаган, чунки бунда ҳуқуқни юзага келтирувчи давлат ҳам бўлмаган;



*иккинчи босқич* — одат ва ҳуқуқнинг биргаликда амал қилган даври. Бу даврда давлат пайдо бўлиб, аста-секинлик билан ҳуқуқ нормалари вужудга кела бошлаган, яъни ҳуқуқ ўз-ўзидан пайдо бўлиб, зудлик билан одат асосида тартибга солинаётган ижтимоий муносабатларни қамраб олган эмас, аксинча, босқичма-босқич, аста-секинлик билан одат ўрнига, давлат томонидан яратилган ҳуқуқ нормалари кела бошлаган;

*учинчи босқич* — ҳуқуқнинг мутлақ ҳукмронлик даври. Бу даврда одат ўз ўрнини давлат томонидан яратилган ҳуқуққа бўшатиб берган ва ҳозирга қадар ҳуқуқ тўла ҳукмронлик қилмоқда.

Ҳозирги вақтда одат фақат ҳуқуқ етарли тарзда тартибга сола олмаётган бўшлиқларни тўлдириш мақсадида қўлланилмоқда. Ҳар қандай одат ҳам ҳуқуқий одатга айлана олмайди, балки у маълум бир гуруҳ, синф ёки бутун жамиятнинг манфаатларига мос келган тақдирдагина, ижтимоий фойдали ва давлат томонидан қўллаб-қувватланган (маъқулланган) ҳолдагина *ҳуқуқий одат* бўлиши мумкин. Ҳуқуқий одат, бошқа ижтимоий нормалардан ўзининг давлат томонидан тасдиқлангани, бажарилишининг мажбурийлиги ва давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланиши билан ажралиб туради. Одат ўтмиш билан бутунги кунни боғлаб туради. Жамиятда шундай одатлар борки, давлат уларни қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради. Масалан, оммавий ҳашар тадбирлари, Наврўз байрами ва бошқалар. Одат инсонлар ўртасида бир хил ҳолатнинг кетма-кет такрорланиши натижасида шаклланади. Одатнинг давлат томонидан маъқулланишигина унга расмий, юридик аҳамият бахш этади, шунда у умуммажбурий талабга айланади ва у давлатнинг кучига таянади.

Ҳуқуқий одат ҳуқуқнинг тарихан таркиб топган дастлабки манбаи бўлиб, давлат пайдо бўлгунига қадар инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солган.

*Ҳуқуқий одат* — узоқ давр мобайнида амалда бўлиши натижасида шаклланган ва давлат томонидан умуммажбурий қоида сифатида тан олинган юриш-туриш қоидасидир.

Мамлакатимиз мисолида оладиган бўлсак, Ўзбекистоннинг мустақилликкача бўлган даврида «Наврўз», «Курбон ҳайити», «Рўза ҳайити»

каби диний байрамлар одат тарзида, айрим ҳолларда яширин равишда ўтказилар эди. Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритгач, йўқотилган миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш мақсадида Республика Президентининг ташаббуси билан «Наврўз», «Қурбон ҳайити» ва «Рўза ҳайити» каби миллий қадриятларимизни расмий равишда байрам сифатида эътироф этиб, шу кунларни дам олиш кунлари, деб эълон қилди ва меҳнат қонунчилигида дам олиш кунлари сифатида белгилаб қўйилди. Мамлакатимиздаги айрим одат қоидалари, нафақат ҳуқуқий одатга, балки умуммажбурий бўлган хулқ-атвор қоидасига айлантирилди.

Ҳуқуқ манбалари тизимида ҳуқуқий одатнинг роли ва ўрни турли давлатларда турлича бўлган. Масалан, Англияда ҳуқуқий одат ўз кучи билан сақланмаслиги, балки давлатнинг кучи билан қўллаб-қувватлаб турилганлиги ҳақида шубҳага ўрин йўқ. Ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ҳуқуқий одатни давлат ҳокимиятига асосланмаслиги хусусида алоҳида қараш мавжуд, улар ўз фикрларини қуйидаги омиллар билан исботлашга ҳаракат қиладилар.

Уларнинг фикрича, ҳуқуқий одат давлат пайдо бўлмасдан олдин ҳам бўлган, чунки ибтидоий жамият даврида ҳам одамлар ва жамоалар ўртасидаги айрим ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий одатга асосланган ҳолда тартибга солинган. Масалан, бир шахснинг қабилада ўрнатилган тартиб-қоидани бузиши, уни қабила олдида изза қилишга сабаб бўлган. У оғир қилмиш содир этган тақдирда эса қабиладан ҳайдаб юборилган. Умуман, кўриниб турибдики, одат ҳукмрон бўлган вақтларда давлатнинг мажбурлов кучисиз ҳам ижтимоий муносабатлар тартибга солинган.

Ҳуқуқий одат қуйидаги хусусиятларга эга:

*биринчидан*, маҳаллий аҳамиятга молик, чунки ҳуқуқий одат унча кўп бўлмаган бир гуруҳ одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади, яъни маълум бир уруғ ёки қабила иродасини ўзида ифода этади;

*иккинчидан*, ҳуқуқий одат, қисман дин билан боғлиқ бўлиб, кўпгина муносабатларни тартибга солишда динга асосланади ва таянади. Жумладан, ўз отасини урган фарзанд нафақат қонун билан жазоланади,

балки унинг қилмиши бир вақтда оғир гуноҳ саналиб, худонинг қаттиқ қаҳрига учрашига сабаб бўлиши эътироф этилади.

Хуқуқий одат хуқуқ манбаи сифатида жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳозирги замон давлатларида унчалик катта ўринга эга эмас ва айни вақтда ўзининг ижтимоий аҳамиятини йўқотган. Хуқуқий одат ҳозирги вақтда, асосан ер, мерос, никоҳ ва оилавий муносабатларни тартибга солишда Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг айрим давлатларида қисман қўлланилмоқда.

### 3-§. Юридик прецедент

Тарихдан шу нарса маълумки, хуқуқ шакллариининг роли суд амалиётига бориб тақалади. Юридик прецедент хуқуқ шакли (манбаи) сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги даврда дунёнинг англосаксон хуқуқий тизимига асосланувчи давлатларида юридик прецедентнинг хуқуқ манбаи сифатида ўрни беқиёсдир. Аммо Европа қонунчилиги ва роман-герман хуқуқий тизимига мансуб давлатлар суд амалиётини хуқуқ шакли сифатида тан олмайдилар. «Прецедент» — лотинча *praecedens* сўзидан олинган бўлиб, «илгарида бўлувчи», «олдинда боровчи» деган маънони англатади.

**Юридик прецедент** деб, маъмурий ёки суд органининг муайян иш бўйича чиқарилган ёзма ёки оғзаки қарорини, келгусида худди шунга ўхшаш ишларни кўриб чиқишда асос сифатида қўлланишига айтилади.

Юридик прецедент турлари шартли равишда *маъмурий прецедент* ва *суд прецеденти*га бўлинади.

**Маъмурий прецедент** — маъмуриятнинг жамиятни бошқарув соҳасидаги айрим ишлар юзасидан қабул қилган қарорини, келгусида худди шунга ўхшаш ишга асос сифатида қўллаши учун хизмат қилиши тушунилади.

**Суд прецеденти** — суд органининг бирор-бир иш юзасидан қабул қилган қарорини, келгусида худди шунга ўхшаш ишга нисбатан намуна тарзида қўллашига айтилади.

Хуқуқшунослик умумий маънода хуқуқий прецедент сифатида тал-

қин этилсада, унинг таркибидаги суд ёки маъмурий прецедентлар бири-биридан кескин фарқ қилади. Албатта, ҳуқуқнинг прецедент шакли сифатида суд ёки маъмурий органлар янги ҳуқуқий нормалар яратиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳуқуқ ўзининг мураккаблиги билан фарқ қилади. Бундан ташқари, бу ерда мансабдор шахснинг суиистеъмол қилиши эҳтимоли сақланиб қолади.

Анъанага кўра суд қарорлари прецедент сифатида қуйидагича бўлиши мумкин:

*биринчиси*, қонун ва одат нормалари тўғри келмай қолган тақдирда янгидан ҳуқуқ нормалари яратилади, бу англизларда **original precedent** деб номланади, ушбу прецедент нормалари ижтимоий муносабатлардаги янги ҳолатларни тартибга солувчи манба бўлиб хизмат қилади. Бунда судьялар қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқни тўлдириш мақсадида ҳуқуқ нормасини яратадилар. Роман-герман ҳуқуқ тизимига мансуб давлатларда эса судьялар ҳуқуқ ижодкорлиги ваколатига эга бўлмай, фақатгина ҳуқуқни қўллаш билан шуғулланадилар.

*иккинчиси*, оригинал (асл) нормаларнинг маъносини тушунтириб берувчи прецедент инглиз тилида **declaratoruo precedent** деб номланиб, у мавжуд ҳолатларни тартибга солувчи, асослантирувчи манба бўлиб, муайян иш бўйича суднинг олдин қабул қилинган ҳукмига асосланган ҳолда бошқа ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун аввалгисини намуна, эталон сифатида қўллайди.

Иккинчи ҳолатда сўз янги норма ҳақида бормоқда. Нима учун суд қарори прецедент сифатида нормага айланиши мумкин? Чунки, ҳаётда ҳуқуқдан ташқари прецедент ҳам катта роль ўйнайди. Ҳақиқатан ҳам, кишилар доимо ҳаётий тажрибага асосланадилар. Бу ҳолат мусулмон ҳуқуқидаги асосий манбалардан бири — Ҳадиси шарифни эслатади.

Шундай қилиб, суд қарорлари хусусий ишга тааллуқли бўлиб, икки ёқлама аҳамиятга эга бўлиши мумкин:

*биринчидан*, суд фаолияти натижасида маълум бир ҳодисани ҳал қилиш мумкин;

*иккинчидан*, бу суд қарори келгусида бўладиган ҳодисаларга ҳам худди шу қарорни намуна сифатида ишлатиш имконини беради.

Иккинчи ҳолда суд қарори ҳуқуқ нормаси бўлиб хизмат қилади, чунки у олдинги қабул қилинган қарорга (прецедентга) асосланади.

Юқорида таъкидланганидек, суд амалиёти, яъни суд прецеденти ҳуқуқ шакли ҳисобланадиган мамлакат Англиядир, шу боис юридик прецедент бир вақтда *инглиз одат ҳуқуқи* деб ҳам номланади. Англияда тўпламда ёзилган суд прецедентига асосланиш худди қонун моддасига асослангандек юридик аҳамиятга эга. Бунга ўхшаш ҳолатларни Европа қитъасида учратмаймиз. Масалан, Франция ҳуқуқшунослигида, француз юристлари суд амалиётини ҳуқуқ нормаси сифатида ҳеч қачон тан олмаган. Уларнинг фикрича, суднинг обрўси қанчалик баланд, унинг қарори қанчалик тўлиқ бўлмасин, у ҳеч қачон ҳамма фуқаролар учун мажбурий бўлган қоидаларни ярата олмайди.

Шуниси эътиборга моликки, роман-герман ҳуқуқ назарийotchилари ҳуқуқнинг прецедент шаклини ҳеч қачон тан олмаганлар, чунки улар суд ва маъмурий органлар ҳуқуқни ижод қилишлари эмас, балки уни қўллаш фаолияти билан шуғулланишлари лозим, деб ҳисоблайдилар. Англо-саксон ҳуқуқий тизимига кирувчи давлатларда судьялар томонидан шакллантирилган ва суд прецедентларида ифодаланган нормалар ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

#### 4-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат

Ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятининг бевосита маҳсули — турли-туман норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир. Бундай ҳужжатлар ҳуқуқ ижодкорлиги субъектларининг юридик нормаларини ифодалайди. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни ифодалашнинг (баён этишнинг) асосий манбаи, шакли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулланадиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида расмий туридир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат деганда, давлат ваколатли органларининг ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умум-мажбурий тусдаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳуқуқ ижодкорлик ҳужжати тушунилади. Ҳуқуқнинг норматив ҳужжат шакли демократик ҳуқуқий жамият шароитида мамлакат хўжалик,

сий, маданий ва маънавий ҳаётига давлат йўли билан раҳбарлик қилишнинг энг мақбул шаклидир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзининг қўидаги уч хусусияти билан ижтимоий нормаларнинг бошқа турларидан ажралиб туради: 1) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ваколатли давлат органлари томонидан яратилиб, барча учун умумий мажбурий қоидаларни ўрнатади, ўзгартиради (такомиллаштиради) ёки бекор қилади; 2) уларда ҳуқуқий қонданнинг мазмуни, яъни ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари ифода этилади; 3) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустақамланган қоидалар бажарилмаган ёки бузилган тақдирда муайян ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади, қоида бўйича, давлатнинг мажбурлов кучи ишга солинади.

Юридик устқурма мураккаб ва серқирра бўлганлиги сабабли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турли мезонлар бўйича туркумланиши (тасниф қилиниши) мумкин. Бундай мезонлар қўидагилар бўлиши мумкин:

- ҳуқуқий тартибга солиш предмети ёки тартибга солинаётган ижтимоий муносабатларнинг тури;
- ҳуқуқ ижод этувчи субъект;
- ҳуқуқий ҳужжатнинг юридик кучи;
- ҳуқуқий ҳужжат амал қиладиган ҳудуд;
- ҳуқуқий-норматив ҳужжатнинг юридик номланиши.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни туркумлаш усуллари, услублари ва йўллари ҳам турличадир. Туркумлашнинг жуда кенг тарқалган илмий усуллари сифатида қўидагиларни кўрсатиш мумкин: алифболи-предметли кўрсаткичлар; иерархияга (поғонали мутаносибликка) асосланган туркумлаш, у оддий ва ўнликлар бўйича бўлиниши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар уларни чиқарадиган давлат органларининг мавқеи, ҳужжатларнинг юридик кучига кўра қўидаги туркумларга бўлинади:

- қонунлар (Конституция ва жорий қонунлар);
- Президент фармонлари, қарор ва фармойишлари;
- Ҳукумат қарор ва фармойишлари;
- давлат ва хўжалик бошқарув органларининг қарор, буйруқ ва йўриқномалари;

— маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг қарорлари ва фармойишлари.

Ушбу туркумлашда келтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхталиб, уларнинг хусусиятлари, ўзаро муносабатлари ва фарқларини кўрсатиб ўтамиз.

***Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида.***

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида қонунлар асосий ўрин эгаллайди. Қонун ҳуқуқнинг энг муҳим шакли бўлиб, унда ҳуқуқнинг ҳамма сифатлари мужассамлашади. Албатта, «қонун» ибораси серқирра ва маънодордир. Бу ўринда сўз юридик қонунлар хусусида бормоқда. Қонун давлат олий вакиллик органларининг энг юқори юридик кучга эга бўлган актидир. Конституция (Асосий қонун) қонунлар орасида асосий ўрин эгаллайди. Унда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий асослари, сиёсий тизими мустаҳкамланади, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарув механизми, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари белгилаб берилади. Конституция жамиятнинг ҳуқуқий тизимини, бутун қонунчиликнинг ўзаги ва юридик заминини ташкил этади. Жорий қонунларнинг барчаси конституция қоидалари ва принциплари асосида ҳамда уларнинг ижроси манфаати йўлида чиқарилади.

Қонун олий юридик кучга эга. Бу сифат қуйидагиларда намоён бўлади:

қонунни уни қабул қилган олий вакиллик органидан бошқа ҳеч ким ўзгартира олмайди, бекор қила олмайди ёки янгисини ўрната олмайди;

бошқа барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунга қатъий мувофиқ ҳолда қабул қилинади ва амалга оширилади;

бирон-бир қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунга зид бўлса, у қонунга мувофиқ ҳолга келтирилади ёки бекор қилинади;

қонун олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат бўлганлиги сабабли уни қабул қилган органдан бошқа ҳеч ким қўшимча тарзда тасдиқлаши ва ҳаракатдан тўхтатиб қўйиши мумкин эмас.

Қонун давлат нуқтаи назаридан энг муҳим деб ҳисобланган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситасидир. Унда мазкур муносабатлардаги қонунларнинг норматив маж-

бурий характери ва сиёсий-ҳуқуқий меъёри ўз ифодасини топади. Қонунлар фақат сиёсатнинг ифодаси, сиёсий чора бўлиб қолмай, беқиёс ижодий ва тарбиявий вазифани бажарувчи катта маънавий бойлик ҳамдир.

Ўзбекистонда қонун ҳуқуқнинг асосий шакли бўлиб, у давлат олий ҳокимият вакиллик органи томонидан махсус белгаланган тартибда қабул қилинади. У давлат муайян ҳолатлар (муносабатлар)га татбиқ қилиш учун чиқарадиган, айнан ўхшаш турдаги ҳолатларга такрор-такрор қўлланиладиган, барча фуқаролар, мансабдор шахслар, давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган умумий қоидаларни ўз ичига олувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Республика қонунларида янгиланаётган ижтимоий тузумимизнинг, ҳуқуқий давлат барпо этишнинг энг муҳим принциплари, ривожланишимизнинг йўналишлари ва дастурий вазифалари ўз аксини топади. Бундай муҳим принциплар, аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустақамланган. Масалан, давлат суверенитети принципи, халқ ҳокимиятчилиги принципи, инсон ҳуқуқларининг устуворлиги принципи, қонунийлик принципи, демократизм принципи, давлат билан шахснинг ўзаро бурчдорлиги принципи, Конституция ва қонуннинг олийлиги принципи, ҳокимиятлар тақсимланиши принципи, ижтимоий адолат принципи, қонун ва суд олдида барчанинг тенглиги принципи, айбсизлик презумпцияси, фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш принципи ва бошқалар.

Шундай қилиб, қонун ижтимоий тараққиёт қонуниятларининг юридик шаклдаги тавсифини ўзида акс эттирган ва энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, бевосита халқ иродасини ифодаловчи, белгиланган тартибда давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи томонидан ёки референдум йўли билан қабул қилинадиган ва олий юридик кучга эга бўлган норматив ҳужжатдир.

Қонуннинг юридик хусусиятлари ичида унинг нормативлиги алоҳида аҳамият касб этади. Нормативлик қонуннинг муҳим белгиси ва хусусияти ҳисобланади. Ҳуқуқий ҳужжатларнинг бошқа шакллари ҳам норматив бўлиши мумкин, бироқ улар қонунчалик қатъий кучга эга



бўлмай, тезкор ижро этилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза этувчи бўлиши мумкин. Қонуннинг норматив ҳужжат эканлиги қуйидаги икки жиҳат билан характерланади. *Биринчидан*, у қонун чиқарувчи органнинг ҳуқуқий қоида ўрнатиш хусусидаги амр-фармойиши, иродаси, қарорини мустақкамлайди; *иккинчидан*, реал ҳаётга қатъий ва мунтазам ҳуқуқий таъсир этиш шакли, воситасидир. Қонун нормаларининг мавжудлиги норматив-ҳуқуқий актда намоён бўлади.

Қонуннинг нормативлиги деганда, унинг барча учун умумий-мажбурий қоида, давлат талабининг ифодаси эканлигини ҳам тушуниш лозим. Бошқача айтганда, қонуннинг нормативлиги ундаги бир хил қоиданинг барча учун норма, меъёр, мезон даражасига кўтарилишидандир. Қонунда мустақкамланган қоида ҳамма ўхшаш ҳолларда бир хил талаб сифатида такрор-такрор амал қилаверади. Ҳар қандай ҳуқуқ амалда бир-бирига тенг бўлмаган ҳар хил одамларга бир хилдаги масштабни татбиқ қилишдир. Бу ерда «норма» — лотинча «norma» сўздан олинган бўлиб, меъёр, қоида, аниқ кўрсатма, намуна, ўлчам демакдир. Унинг умумий ва мавҳум табиати ҳам ана шунда. Нормативлик эса муайян ҳаракат, фаолият ва муносабатнинг фақат норма талаби асосида амалга оширилишидир. Қонуннинг нормативлиги унда ифодаланган давлат иродасининг қатъийлиги, устунлиги ва олийлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Айнан шу ироданинг императив (бўйсундирувчи) мазмуни қонун воситаси билан умумий юриш-туриш ва хулқ-атвор мезонларини белгилайди.

Демак, қонуннинг нормативлиги: 1) унинг давлат ҳокимият мазмунидаги олий иродани ифода этишида; 2) энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилганлиги ва бундай тартибга солишнинг қатъий чегарасини белгилашида; 3) ҳамма учун бир хил умуммажбурий ҳаракат қоидасини ўрнатишида ва лозим бўлганда, давлат мажбурлов кучи билан таъминланганлигида; 4) махсус ваколатли давлат органи томонидан алоҳида белгиланган тамойил асосида яратилишидадир.

***Президент фармонларининг ҳуқуқий мақоми.*** Ўзбекистон Президенти давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи сифатида республика ҳудудида мажбурий тарзда амал қилувчи фармонлар чиқаради. Президент-

нинг давлат механизмида ва ижроия ҳокимияти тизимида тутган қатъий ўрни унинг фармонларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида эгаллайдиган мавқеи, ролини белгилаб беради.

Президент фармонлари ижроия ҳокимияти тизимида энг юқори кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир. Анъанага кўра, фармон юридик кучи ва аҳамияти жиҳатидан қонундан кейинги ўринда туради. Бироқ, ҳокимиятлар тақсимланиши принципи давлат ва сиёсий тизимимизга жорий этилган ҳозирги шароитда фармонни оддийгина «қонуности акти» деб тушуниш тўғри бўлмайди. Бундай эскича талқинни тарк этиш керак. Фармон ижроия ҳокимиятининг Конституцияда белгиланган ўз ваколатларини амалга ошириш актидир. Шу боис уни «қонуности акти» эмас, балки «конституциявий даражадаги ҳуқуқий акт» деб ҳам аташ мумкин. Унинг қонун билан муносабатига келганда шунини айтиш лозимки, Президент ваколатига тааллуқли масала бўйича чиқарилган фармонни қонун билан ҳам бекор қилиш ёки бошқача ҳал этиш мумкин эмас. Масалан, Президент фармони билан тайинланган Бош прокурор ёки вазирни ҳеч бир қонун билан вазифасидан озод этиб бўлмайди. Бундай лавозимларга ҳатто қонун билан ҳам бирор шахсни тайинлаб бўлмайди. Борди-ю, шундай қилинган тақдирда мазкур қонун Конституцияга зид бўлиб, юридик кучга эга бўлмайди, чунки бу Президентнинг конституциявий ваколатларига дахл қилиш бўлади. Ва аксинча, Конституцияда қонун билан тартибга солиниши кўзда тутилган масала бўйича фармон чиқариш мумкин эмас. Ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг қатъий талаби ана шундай.

Фармонлар, умумий қоидага кўра, Ўзбекистон Конституцияси ҳамда қонунларига мувофиқ ва уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида чиқарилади.

Президент фармонлари юксак нуфузлилиги туфайли мамлакат иқтисодиётининг, аҳоли ижтимоий ҳаёти ҳамда давлат бошқарувининг қонунлар ва ҳукумат қарорлари билан қамраб олинмаган талайгина долзарб масалаларини тез ва самарали ҳал этиш имконини беради.

Президент фармонлари стратегик ва дастурий характерга эга бўлиб, уларда Ҳукумат, у ёки бу вазирлик, давлат кўмитаси йирик ва мураккаб бўлган муайян масалани қандай ҳал этиши кераклигининг аниқ

режаси ва йўл-йўриқлари белгилаб берилади. Фармонлар Вазирлар Маҳкамаси ва давлат бошқарувининг бошқа бўғинлари фаолиятига раҳбарлик қилишнинг самарали воситасидир. Бироқ, фармонлар ҳукумат қарорлари ўрнини эгаллай олмайди. Ҳар икки турдаги бу ҳужжатлар Конституция ва қонунда белгиланган ваколатлар доирасида чиқарилади.

Фармон билан қонунга қўшимча ёки ўзгартириш киритиш мумкин эмас, у қонун асосида ва қонун ижросини таъминлаш мақсадида чиқариладиган ҳужжатдир. Шу ўринда қонун билан фармон ўртасидаги муносабатни аниқроқ баён этиш лозим.

Қонун парламентнинг, ҳокимият олий вакиллик органининг ҳужжати; фармон эса давлат бошлиғининг норматив-ҳуқуқий ҳужжати. Қонун ҳамisha норматив характерга эга бўлади; фармон норматив ҳужжат бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Баъзан фармонлар индивидуал ҳужжат сифатида чиқарилади.

Қонун ўз юридик кучи жиҳатдан фармондан устун туради. Фармон норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархиясида қонундан кейинги ўринни эгаллайди. Қонун билан фармоннинг қоидалари ўзаро зид келиб қолган тақдирда, қонун устуворлик қилади.

Шу ўринда қонуннинг ҳам, фармоннинг ҳам тартибга солиш предмети борлигини ёдда тутиш лозим. Конституцияга мувофиқ фармон билан ҳал этиладиган масала бўйича қонун чиқариш мумкин эмас ва аксинча. Бироқ, барча фармонлар парламент — Олий Мажлис Сенатининг тасдиғидан ўтиши лозим. Қонун Конституцияда белгиланган алоҳида қатъий ўрнатилган тартибда (одатда тўрт мажбурий босқичли жараён натижасида) қабул қилинади. Фармонни қабул қилиш эса, қонун ижодкорлиги жараёнидаги сингари махсус босқичларни амалга оширишни талаб этмайди.

**Ҳукуматнинг қарор ва фармойишлари.** Ўзбекистон Конституциясининг 98-моддасига биноан, Республика Ҳукумати — Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мамлакатнинг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар

чиқаради. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни таъминлаш мақсадида қонунлар, Олий Мажлис палаталарининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари норматив-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлиб, улар иқтисодиёт, ижтимоий-маданий ва бошқа ижроия органлари фаолиятини бошқаришга йўналтирилгандир. Ҳукумат қарорлари ва фармойишлари қонунга ёки Президент фармониغا зид келиб қолса, қонун ёки фармон амал қилади. Ҳукуматнинг бундай қарори бекор қилиниши шарт бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари фақат унга Конституция ва қонун билан белгилаб берилган ваколат доирасидагина чиқарилиши мумкин. Президентлик ҳокимияти қарор топганидан буён, аксарият ҳолларда, фармонларда ҳукуматга топшириқлар ифодаланиб, унга тегишли қарор қабул қилиш вазифаси юклатилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 3 апрелдаги «Ўзбекистон гўшт ва сут саноати давлат акционерлик уюшмаси («Ўзгўштсутсаноат») ни ташкил қилиш тўғрисида»ги фармонида Вазирлар Маҳкамасига икки ҳафта муддат ичида «Ўзгўштсутсаноат» уюшмасини ташкил қилиш ва унинг фаолиятига оид қарор қабул қилиб, тузилмаси ва уставини тасдиқлаш вазифаси топширилди<sup>1</sup>. 1993 йил 6 апрелда Вазирлар Маҳкамаси ўзининг «Ўзбекистон гўшт ва сут саноати давлат акционерлик уюшмаси («Ўзгўштсутсаноат») ни ташкил қилиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» ги 172-сонли қарорини қабул қилди<sup>2</sup>.

### *Давлат бошқаруви органларининг ҳужжатлари.*

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ҳукуматга итоат этувчи бошқа давлат бошқаруви органлари томонидан ҳам чиқарилади. Булар вазирликлар, давлат кўмиталарининг қарорлари, буйруқлари ва йўриқномалари бўлиши мумкин. Бундай ҳужжатларнинг таъсир кўлами, амал қилиш доираси ва юридик кучи уларни ўрнатувчи бошқарув органи-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти. Хабарнома. 1993, №10, 20-6.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, 1993 й., апрель, №172.

нинг давлат органлари тизимида тутган ўрни ва ваколатлари билан белгиланади. Улар қонунга, фармонга ва ҳукумат қарорига мувофиқ ҳамда шу ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида чиқарилади. Бошқарув тизимидаги қуйи органнинг ҳуқуқий акти ундан юқори турувчи органнинг актига мувофиқ бўлиши шарт. Республика вазирликлари, давлат кўмиталари ва бошқа бошқарув органларининг қонунга, фармонга ва ҳукумат қарорига зид ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан бекор қилиниши кўзда тутилади. Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг Ўзбекистон Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Президенти фармонларига ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларининг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

***Маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг ҳужжатлари.***

Маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари Конституция, қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорлари, марказий давлат бошқаруви органларининг ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ва уларни ижро этиш учун қарор ва фармойишлар қабул қиладилар. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар шу давлат органлари ҳокимияти таъсир этадиган ҳудуд доирасида амал қиладди. Улар юқорида саналган ҳужжатларга зид бўлиб чиқса, тегишли тартибда бекор қилинади. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Конституцияга биноан худди республика бошқарув органларининг ҳужжатлари сингари, ҳокимларнинг қабул қилган ғайриқонуний ҳужжатларини тўхтатади ва бекор қиладди (93-модданинг 16-банди).

Юридик адабиётда ҳуқуқнинг манбаи сифатида ҳуқуқий одат, суд тажрибаси (суд прецеденти), халқаро шартномалар ҳам кўрсатилади. Одатлар фақат давлатнинг маъқуллаши туфайлигина ҳуқуқий одат сифатига эга бўлиши мумкин. Ҳуқуқий одатлар қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилмайдиган шароитларда қўлланилиши мумкин. Суд тажрибаси мавжуд қонунларни такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Халқаро шартномаларга келганда, уларнинг мамлакат ички ҳуқуқий қоидаларидан устуворлиги тан олинади. Ўзбекистоннинг деярли барча қонунларида, башарти, халқаро шартнома ва битимларда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларидагидан ўзгача

қоидалар белгаланган бўлса, халқаро шартнома ва битим қоидалари қўлланилиши белгилаб қўйилган.

Шундай қилиб, қонун республика норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ўртасида ўз юридик кучи жиҳатидан энг устувор ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам қонун жамият ҳуқуқий тизимининг ўзаги сифатида намоён бўлади.

## 5-§. Норматив шартномалар

Ижтимоий муносабат иштирокчилари ўртасида ўзаро алоқаларни тартибга солувчи манба сифатида норматив шартномалар алоҳида мавқега эга.

**Норматив шартнома** деб икки ёки ундан ортиқ субъектлар ўртасида тузиладиган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатадиган, ўзгартирадиган ва бекор қиладиган, оғзаки ёки ёзма шаклда ифодаланган ва тузилган битимга айтилади.

Норматив шартномалар ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи бошқа манбалардан фарқли ўлароқ ўзига хос хусусиятларга эгадир. Норматив шартномалар икки ёки ундан ортиқ субъектлар ўртасида, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа муайян бир соҳаларда тузилади.

Норматив шартномалар турли хил мезонлар асосида таснифланади. Жумладан, иштирокчилар сонига кўра *оддий* ёки *мураккаб* турлардан иборат бўлади. Оддий шартномада иштирок этувчи тарафлар фақатгина икки субъектнинг қатнашувини талаб этади холос. Мураккаб шартномада эса, бирор-бир масала юзасидан кўпчилик иштирокчиларнинг сони талаб этилади. Масалан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европа Иттифоқи, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти каби ташкилотларга уюшиш мураккаб шартномалар асосида тузилган. Шунингдек, шартномалар ифодаланиш шаклига кўра ёзма ва оғзаки бўлиши мумкин. Оғзаки шартномалар асосан кундалик турмушимиздаги маиший хизмат соҳаларида тез-тез учраб туради. Масалан, йўловчи ва кондуктор ўртасидаги ўзаро муносабат ёки кичик ҳажмдаги олди-сотди муносабатлари юзага келган вақтда сотувчи ва харидор ўртасидаги ўзаро муноса-

батлар оғзаки шаклдаги шартнома асосида амалга оширилади. Жамиятдаги муҳим ва расмий муносабатлар фақатгина ёзма шаклдаги шартномалар асосида амалга оширилади. Давлатлараро шартномаларнинг барчаси ёзма шаклда тузилади.

Шартномалар тузилиш муддатининг давомийлигига кўра қисқа муддатли ва узоқ муддатли шартномаларга ҳам бўлинади. Оила ва никоҳ муносабатларида тузиладиган шартномалар узоқ муддатли бўлиб ҳисобланади. Қисқа муддатли шартномалар эса муайян ишни маълум бир вақт ичида амалга ошириш билан яқунланадиган ҳолларда тузилади.

Дунё давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳеч бир давлатнинг қонун ёки қонуности ҳужжати билан тартибга солинмайди. Халқаро муносабатларда шартнома ҳуқуқ манбаи сифатида майдонга чиқади. Халқаро шартнома — давлатлараро ёки бошқа шахслар ўртасидаги ўзаро келишув бўлиб, халқаро ҳуқуқ асосида тартибга солинади. Халқаро шартномлар тузилган вақтда ёки тан олинганида (ратификация қилинганида) унинг матнида ифодаланган мажбуриятларни тарафлар бажариши шарт эканлиги белгилаб қўйилади. Айрим ҳолларда давлатлар ўртасида тузилган шартномалар амал қилиш муддати тугамасдан ҳам бекор қилиниши мумкин. Буни халқаро ҳуқуқда *денонсация қилиш* деб номланади. Вена конвенциясининг 2-моддасида халқаро шартнома ҳуқуқи ҳақида шундай тушунча берилган: «Шартнома — бу давлатлар ўртасидаги келишув бўлиб, ёзма равишдаги халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинади».

Масалан, 1990 йил 12 сентябрда «ГФР ва ГДРни ягона Германия давлатига бирлаштириш тўғрисида» тузилган халқаро шартнома икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ манбаи сифатида хизмат қилмоқда. ГДР билан ГФР давлатларини бирлаштирган халқаро шартнома уларнинг кейинги ҳаракатлари учун асосий манба бўлиб хизмат қилади. Халқаро-ҳуқуқий шартнома: келишув, акт, конвенция, декларациялар халқаро ҳуқуқнинг манбаи ҳисобланиб, давлатларнинг ўзаро сиёсий (ҳамдўстлик, ўзаро ёрдам, ҳужум қилмаслик, қуролсизланиш тўғрисидаги), иқтисодий (савдо, иқтисодий ёрдам кўрсатиш, қарз бериш, кредит бериш ҳақидаги), ҳамкорлигини тартибга солишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва махсус масалалар бўйича бир қанча шартномалар тузган ва бу борида 1995 йилда «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, халқаро шартномаларнинг қоидалари Ўзбекистон қонунларига нисбатан устунликка эга.

**Халқаро шартнома** халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаларидан бири сифатида давлатлар ва халқлар ўртасидаги турли хил муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатдир. Халқаро шартномалар ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг соҳаси сифатида майдонга чиқади.

## 6-§. Мусулмон ҳуқуқининг манбалари

Мусулмон ҳуқуқида диний матнлар, ақидалар ҳуқуқнинг манбаи бўлиб ҳисобланади. Мусулмон ҳуқуқининг асосий манбалари сифатида — Қуръон, Сунна, ижмоъ ва қиёс эътироф этилади.

**Қуръон** (араб. — қироат, ўқув)да ислом ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар ўз ифодасини топган.

Қуръон 114 сура (тизма)дан иборат бўлиб, ундаги ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар кейинчалик шариат (тўғри йўл, қонунчилик)га асос қилиб олинган.

Қуръон — мусулмон ҳуқуқининг асосий манбаи сифатида Оллоҳнинг ўз пайғамбарлари ва элчиларидан охириги Муҳаммад (с.а.в.)га фаришта Жаброил алайҳиссалом орқали йўллаган ваҳийлардан иборат бўлиб, мусулмонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда ўрни беқиёс. Қуръонда белгиланган нормаларнинг бузилиши, муайян бир таъсир чоралари кўрсатишга сабаб бўлади. Қуръондаги таъсир чоралари айрим ҳоллардагина жазолайдиган даражага келтирилади. Бунда кўпроқ ердаги жазо эмас, балки виждоний дўзах кутади.

Қуръонга бугунги кунда мусулмон ҳуқуқининг ғоявий, диний асоси, унинг мафкуравий манбаи сифатида қаралади. Р.Шарлнинг таъкидлашича, мусулмон ҳуқуқи тарихан бевосита Қуръондан бошланмайди. У кўпинча муқаддас китобдан четлашган амалиёт асосида ривожланган. Мусулмон ҳуқуқининг аҳамиятига кўра иккинчи манбаи



Муҳаммад (с.а.в.) мулоҳазаларидаги илоҳийлаштирилган ҳодисалар таъсирида келиб чиққан оғзаки ривоятлар мажмуи — Суннадир.

**Сунна** (араб. — одат, анъана) — Муҳаммад пайгамбарнинг сўзлари, ишлари ва хатти-ҳаракатлари. Сунна ҳақидаги ривоятлар ҳадис (ривоят)ларда берилган ва улар тўплам қилинган.

Мусулмонлар Қуръон ва сунна юридик меъёрларининг келиб чиқиши илоҳий бўлиб, принцип жиҳатдан ўзгармасдир, деб ҳисоблайдилар. Лекин ҳаётда ижтимоий муносабатларнинг барчаси ҳам Қуръон ва Сунна асосида тартибга солинавермайди. Қуръонда 6666 оят мавжуд, аммо айрим адабиётларда оятлар сонини 6234 та ҳам деб эътироф этилган. Чунки, Қуръоннинг ёзилиши жараёнида тиниш белгиларидан турли тарзда фойдаланиш натижасида оятларнинг сони хар ҳил миқдорда бўлиши мумкин. Қуръоннинг мазмуни жами 7434 та сўзда ифодаланган бўлиб, уларнинг аксарияти диний-ахлоқий масалаларга тааллуқли. Айрим маълумотларга кўра, улардан 250 таси ҳуқуқий хусусиятга эгадир. Бу камчиликни тузатиш ҳам мусулмон ҳуқуқий таълимотининг давомчилари бўлган мусулмон илоҳиётчи-фақиҳларга ишониб топширилган. Улар Қуръон ва Суннанинг моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда, Қуръоннинг талқини (тафсири)ни бериб, ҳуқуқ соҳасида пайдо бўладиган баҳслар натижасида келишилган фикрлар (ижмо)ни бера бошладилар.

**Ижмоъ** (араб. — яқдиллик билан қабул қилинган қарор) Қуръон ва ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган тақдирда ҳуқуқий масалани ҳал этишда фақиҳ (қонуншунос) ва мужтаҳид (интилувчи)лар тўпланиб, ягона фикрга келган ҳолда фатво бериши (ҳукм чиқариши) тушунилади.

Мусулмон ҳуқуқшуносларининг фикрича, ижмоъ мусулмон ҳуқуқига мослаштириладиган мавзулардан баҳс этиб, унга янгидан пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш имконини берган. Мусулмон ҳуқуқининг тўртинчи манбаи бўлган қиёсга ёки таққослаш бўйича хулоса чиқаришга янада катта аҳамият берилади. Бу усул маълум меъёрни, агар таққослашнинг мақсади ва асоси мазкур меъёр мақсади ва асосига мос келса, ўзи бевосита назарда тутган ҳодисага нисбатан қўллаш имконини беради.

**Қиёсда** Қуръон ва суннада берилмаган бирор ҳуқуқий масала, улардаги шунга ўхшаш масала бўйича берилган кўрсатмага таққослаш йўли билан шарҳ этилади.

IX—X асрларда мазҳаблар — мусулмон ҳуқуқининг таълим йўналишлари асосини тузган энг нуфузли ҳуқуқшунос олимларнинг асарлари мусулмон ҳуқуқининг асосий манбаи бўлиб қолди.

Мусулмон ҳуқуқи меъёрларининг каттагина қисми унинг таълим берувчи якуний ишланмасидир. Бунинг устига, агар таълимот аввал бошида муайян ҳодисалар бўйича ечимлар берган бўлса, кейинчалик унга ҳар қандай муайян ҳуқуқий меъёрни қўллашда бошланғич асос сифатида қаралган ва умумий, мавҳум қоидалар шакллантирила бошланган.

Қуръон, мусулмон ҳуқуқшунос-илоҳиётчилари асарлари бўлган Сунна, Ижмоъ, Қиёс — мусулмон ҳуқуқининг асосий манбаларидир. Айрим тадқиқотчилар бу ҳуқуқ манбаларига мусулмон ҳуқуқшунослари ишлаб чиққан шариат (ҳидоя), урф-одат, юриспруденция (амал), қонун меъёрларини ҳаётга жорий этиш бўйича қўллангани ҳам киритадилар.

## ХІ БОБ ХУКУҚ ИЖОДКОРЛИГИ

### 1-§. Хукуқ ижодкорлиги тушунчаси, турлари ва функциялари

Хукуқ ижод этиш давлатнинг юридик нормалар яратишга қаратилган махсус фаолиятидир. Давлат мазкур фаолият орқали халқнинг иродасини қонун даражасида ифода этади, ижтимоий бошқарув ва сиёсий раҳбарликни амалга оширади. Бу фаолият натижасида жамиятда амал қилувчи бир бутун ва ўзаро ички алоқадор бўлган ҳуқуқий нормалар тизими вужудга келтирилади. Хуқуқ нормаларининг яратилиши, юридик кучи, шакли, қуйидан юқорига бўйсунуш муносабатлари давлатнинг хуқуқ ижодкорлик функцияси билан бевосита боғлиқ. Хуқуқ ижодкорлиги хуқуқ яратишнинг нисбатан кенгроқ жараён бўлган таркибий қисми ҳисобланади.

*Хуқуқ ижодкорлиги* — ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларининг (референдум чоғида — бутун халқнинг) хуқуқ нормаларини ўрнатиш, ўзгартириш, такомиллаштириш ва бекор қилишга йўналтирилган махсус фаолиятидир.

Хуқуқ ижодкорлиги фаолиятига нафақат янги ҳуқуқий нормалар ўрнатиш, балки илгари чиқарилган норматив-ҳуқуқий қоидаларни ўзгартириш ва бекор қилиш ҳам қиради. Давлат ҳуқуқий нормани ўрнатиш ёки маъқуллаш орқали хуқуқни қўллаш ва хуқуқни қўриқлашдек серқирра, мураккаб жараёнга туртки беради. Хуқуқ ижодкорлиги туфайли вужудга келтириладиган хуқуқ нормалари давлат органларининг турли хил расмий ҳужжатларида акс эттирилади. Бундай расмий ҳужжатлар *норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар* деб аталади. Хуқуқ ижодкорлиги давлат характериغا эга бўлган актив фаолиятдир. Давлат органлари жамият тараққиёти эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш функциясини амалга ошириб борадилар. Бу эса хуқуқ ижодкорлиги жараёнининг бетўхтов давом этишини тақозо этади.

Хуқуқ ижодкорлик фаолияти ўз моҳиятига кўра давлат иродасини ифодалаш билан боғлиқ. Давлат ташкилий куч бўлса, хуқуқ юридик қоида шаклига кирган иродадир.

Ҳуқуқ ижодкорлиги мазмуни икки тоифа ҳаракатни ўз ичига олади: *биринчидан*, ҳуқуқ ижод этувчи органларнинг норматив ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш бўйича ҳаракатлари: яъни, лойиҳани ишлаб чиқиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш; уни тайёрлаш; лойиҳани муҳокама этиш; уни манфаатдор идоралар билан келишиб олиш ва қўшимча ишлов бериш. *Иккинчидан*, бу тоифага норматив ҳужжатни чиқариш бўйича ҳаракатлар киради: ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқни ижод этувчи орган муҳокамасига киритиш; ҳуқуқ ижод этувчи орган томонидан лойиҳани муҳокама этиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва уни эълон қилиш (нашр этиш).

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқ ижод этишнинг мазкур босқичлари (ҳаракатлари) баъзан бирлашиб кетиши, баъзан эса янги хатти-ҳаракатлар билан тўлдирилиши мумкин. Хусусан, якка тартибда ҳуқуқий ҳужжат қабул қилувчи мансабдор шахс ушбу босқичларни бирлаштириб юбориши мумкин. Масалан, Президент фармон чиқарганда ёки ҳоким фармойиш қабул қилганда айтиб ўтилган босқичларни бирлаштириб, ўзи бажаради. Айрим ҳолларда юқоридаги босқичлардан ташқари, лойиҳа юзасидан мутахассис-олимларнинг хулосасини олиш, уни экспертизадан ўтказиш ва лойиҳани кенг халқ муҳокамасига қўйиш каби хатти-ҳаракатлар ҳам амалга оширилади.

Ҳуқуқ ижодкорлиги фақат қонун лойиҳаси ёки ҳуқуқий қарорни кўриб чиқиш ва қабул қилиш билан чекланмайди. Бу жараён давлат органларининг амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш, эскирган юридик нормаларни бекор қилиш ва мавжуд норматив ҳужжатларни бир тизимга солишга қаратилган фаолиятини ўз ичига олади. Халқ, давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, мансабдор шахслар юридик нормаларни ўрнатувчи субъектлар сифатида эътироф этилади. Шу маънода ҳуқуқ ижодкорлигининг турлари ҳақида сўз юритиш мумкин.

Ҳуқуқ ижодкорлигининг қуйидаги турлари мавжуд:

1) *Халқнинг бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги*. Халқ томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқ ижодкорлигининг энг ёрқин ифодаси *референдум* — давлат ва жамият ҳаётининг ўта муҳим масалалари бўйича умумхалқ овоз беришидир. Референдум ҳуқуқ ижод этишнинг алоҳида шакли

сифатида халқнинг ўз иродасини бевосита баён этиши ҳисобланади. Бу ҳуқуқий нормалар яратишнинг ўта нуфузли тури бўлиб, референдум натижалари давлат ҳокимият органларининг бирон-бир тарздаги тасдиқлашига муҳтож эмас. Референдум йўли билан қабул қилинган ҳужжат мамлакат ҳудудида олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум орқали бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси «Референдум тўғрисида» ги қонунининг 1-моддаси). У қатъий иродавий мазмундага сиёсий-юридик институтдир. Моҳият-эътибори билан референдум давлатнинг у ёки бу қарорини халқ овози билан тасдиқланиши, шу орқали унга узил-кесил ва умуммажбурий хусусият бахш этилишидир. Халқнинг интилиш ва истаклари, манфаат ва иродасини аниқлаш ҳамда қонун даражасига кўтаришда референдум энг самарали усул ҳисобланади.

**2) Давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги.** Бу ҳуқуқ ижодкорлигининг асосий, кенг тарқалган, аниқ мақсадга йўналтирилган туридир. Давлат органларининг вазифаси, ваколатлари ҳамда фаолият йўналишлари қонунда белгилаб қўйилади. Ана шу юридик ваколатлар доирасида ҳар бир давлат органи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Уларнинг ваколатлари даражаси ва кўлами норматив ҳужжатларнинг юридик кучини, ўзаро мутаносиблик (иерархик) муносабатларини белгилаб беради. Одатда, давлат органларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи юридик акт (ҳужжат) да (Конституция, қонун, фармон ёки низомда) улар қандай юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиши белгилаб қўйилади. Масалан, Ўзбекистон Конституциясининг 84-моддасига кўра Олий Мажлис — қонун қабул қилади; 94-моддасига кўра Президент — фармон, қарор ва фармойиш чиқаради; 98-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлис ва Президент ҳужжатлари ижросини таъминлаш учун қарор ва фармойишлар чиқаради. Конституциянинг 15 ва 16-моддалари эса қонун устуворлиги принципини мустаҳкамлайди. Бу моддалар мазмуни билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидага ўзаро бўйсунуш ва устуворлик муносабатлари аниқ-равшан белгилаб қўйилган.

**3) Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги.** Аввало, мансабдор шахс тушунчасини аниқлаб олиш лозим, чунки амалдаги қонунчиликда

унга тегишли таъриф берилмаган. Холбуки, мансабдор шахс — давлат ҳокимият ёки бошқарув органида ёхуд нодавлат ташкилотига муайян лавозимни эгаллаган, унга юкланган вазифаларни бажариш учун ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ва амалга ошириш ваколатига эга бўлган шахсдир.

Нодавлат ташкилотлар (хўжалик, тижорат, ижодий ва ҳоказо) раҳбарларининг ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ва амалга ошириш бўйича ваколатлари меҳнат, фуқаролик, молия ва бошқа соҳаларга оид қонунчилик қоидаларидан келиб чиқади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган қуйидаги мансабдорлик лавозимларини санаб ўтиш мумкин: Президент, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, Бош вазир, вазир, ҳоким, прокурор, судья, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, корхона, муассаса, нодавлат ташкилотлар раҳбарлари ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлатимиздаги энг олий мансабдор шахс ҳисобланади.

Мансабдор шахснинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш ва уни қабул қилиш бўйича фаолияти ҳуқуқ ижодкорлиги ҳисобланади. Бироқ унинг ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ хатти-ҳаракати ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти доирасига кирмайди.

Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнига турли-туман ҳаётий вазиятлар, ижтимоий омиллар (социал факторлар) жиддий таъсир кўрсатади. *Ижтимоий омиллар* ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини аниқлашга, ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашга, қонунчилик ҳужжати лойиҳасини муҳокама қилиш ва қабул қилишга, пировардида унинг мазмунига у ёки бу тарзда таъсир ўтказувчи ижтимоий ҳаёт ҳодисаларидир. Ҳуқуқни яратиш ва шакллантириш жараёнига энг аввало иқтисодий (моддий), сиёсий, ижтимоий, мафкуравий ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади. Шу боис ҳуқуқ яратиш жараёнида ижтимоий омиллар имкон қадар тўла ҳисобга олинса, яратилаётган қонунлар (ҳуқуқий ҳужжатлар) жамият ривожланишининг объектив қонуниятларига, тараққиёт эҳтиёжларига шунчалик мос келади, ҳаёт билан ҳамоҳанг бўлади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Одилқориев Х.Т.* Ўзбекистон Республикасида Қонун чиқариш жараёни. — Т., 1995. 83 - бет.

Ижтимоий аҳамиятга молик муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатни яратишда қонун чиқарувчи орган, ҳар қандай ҳуқуқ ижодкорлик субъекти қуйидаги вазифаларни бажариши лозим бўлади:

— тегишли норматив — ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши зарурлигини белгилловчи турли социал омилларни ўрганиш;

— ҳуқуқий нормаларни шакллантириш (лойиҳалаштириш) чоғида ижтимоий ва миллий қатламларнинг, синфларнинг, бутун жамиятнинг кўп қиррали манфаатларини аниқлаш ва эътибор билан инобатга олиш;

— тайёрланаётган ҳуқуқий нормалар лойиҳасини тарихан аввал қабул қилинган аналогик ҳужжатлар билан ва хорижий давлатларда бугунги кунда амал қилаётган шундай ҳуқуқий қоидалар билан қиёсий таҳлил ўтказиш;

— зарурият тақозо этганда ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг оқилона вариантларини аниқлаш учун ижтимоий эксперимент (тажриба) ўтказиш;

— лойиҳалаштирилаётган ҳуқуқий норманинг ҳуқуқий тизимда амал қилаётган бошқа нормалар билан ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсирининг хусусиятларини, табиатини аниқлаш каби қатор ҳаракатларни амалга ошириш<sup>1</sup>.

Ҳуқуқ ижодкорлиги давлат фаолиятининг ҳуқуқий шаклларида бири бўлиб, бу жараёнда қуйидаги *функциялар* бажарилади: қонунлар, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш; амалдаги қонунчиликни янгилаш, уни ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларига доимо мослаштириб туриш; эскирган ҳуқуқий нормаларни бекор қилиб бориш; ҳуқуқда ҳал этилмаган жабҳалар, бўшлиқ (пробел)ни тўлдириб бориш; қонунчиликни тартибга келтириш бир тизимга солиш (системалаштириш).

Давлат қонунчилик фаолияти орқали сиёсий, иқтисодий, социал-маданий ва мафкуравий ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги энг муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратади. Қонунчилик функцияси ҳар қандай давлатнинг ажралмас функцияси бўлиб, бу унинг шундай бир фаолият йўналишики, унда давлатнинг

<sup>1</sup> Батафсилроқ қ а р а н г: Керимов Д.А. Культура и техника правотворчества. — М., 1991. С. 23.

олий вакиллик идораси ижтимоий тажрибани умумлаштириш асосида жамиятга давлат раҳбарлигини ўтказиш ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида қонунлар яратади, мавжуд қонунларни ўзгартиради ва эскирганларини бекор қилади.

**Қонунчилик функциясининг моҳияти** шундаки, бунда давлат (ҳукмрон синф) ўз иродасига расмий мажбурий сиёсий тус беради. Айни пайтда унинг моҳияти, бутун сиёсий характерига қарамасдан, воқеликни, ижтимоий муносабатлар мазмунини назарий англашдан (ҳеч бўлмаганда шундай билиш тақозосидан) иборат. «Қонунчилик функцияси, — ироданинг амали эмас, балки унинг «назарий энергияси» бўлишликдир. Бу ерда ирода ўзини қонун ўрнига ўтказмайди: унинг роли айнан ҳақиқий қонунни (объектив тараққиёт қонунини) очиш ва ифода этишдан иборатдир. Қонун чиқарувчи қонунларни кашф этмайди, балки уларни шакллантиради, у фақат анланган ижобий қонунларда маънавий муносабатларнинг ички қонунларини ифода этади»<sup>1</sup>. Демак, ҳаётнинг, тараққиётнинг объектив қонуниятлари бирламчидир, қонун эса уларни юридик шакл сифатида қайд этади. Қонун яратишнинг моҳияти мана шундадир.

Давлат ҳокимияти юридик қонунларсиз ўз амалини тополмайди. Шу сабабли давлат ижобий қонунчилик юритадими ёки сифатсизми, бундан қатъи назар, мазкур фаолиятни албатта амалга оширади. Бу фаолият бўлмаса, ҳеч бир масала сиёсий аҳамиятлилиқ даражасига кўтарила олмайди. Зеро, фуқаролик жамиятининг ҳамма эҳтиёжлари ҳам қонун тариқасида умумий эътирофга сазовор бўлиш учун муқаррар равишда давлат иродаси орқали ўтади<sup>2</sup>. Бунинг сабаби шуки, фақат қонунларгина объектив зарур бўлган ҳуқуқнинг энг муҳим хусусиятларини имкон қадар кўпроқ ва замонавий даражада ўзида ифода этиб, уни давлат ҳимоясига қўйиши мумкин.

Давлат ҳокимиятининг халқ иродасига ва иқтисодий эҳтиёжларга мос юридик қонунлари жамиятда мужассам ҳуқуқ сифатида гавдаланади. Аслини олганда, юридик қонунлар қонун чиқарувчи идора томо-

<sup>1</sup> К.Маркс, Ф.Энгельс. Асарлар, 1-жилд, 162, 359 — бетлар.

<sup>2</sup> К.Маркс, Ф.Энгельс. Танланган асарлар, 3-жилд, 435 - бет.



нидан қайд этилган ва шу идора томонидан очилган муайян турдаги ижтимоий муносабатлар мавжудлигининг объектив қонунидан бошқа нарса эмас.

Шундай қилиб, ҳуқуқ ижодкорлигининг кўрсатиб ўтилган функцияларининг юқори савияда мунтазам бажариб турилиши ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигининг ошишини, қонунчилик тизимининг такомиллашувини таъминлайди.

## 2-§. Ҳуқуқ ижодкорлиги принциплари

Демократик давлатда халқнинг иродасини, ижтимоий манфаат ва эҳтиёжларни қонун даражасига кўтариш *ҳуқуқ ижодкорлигининг мазмунини* ташкил этади. Бу ўта жиддий ва масъулиятли жараён муҳим принциплар асосида амалга оширилади. Агар шундай принципларга, яъни раҳбарий ғоя ва қоидаларга таянилмаса, ҳуқуқий нормалар тизимида сифат ва самарага эришиб бўлмайди. Энг асосийси, халқ иродаси ва манфаатлари ифодасини тўлиқ таъминлаб бўлмайди.

Шу боис мамлакатимизда амалга ошириладиган ҳуқуқ ижодкорлиги қуйидаги *асосий принципларга* таянади:

***Ҳуқуқ ижодкорлигининг халқчиллиги.*** Демократик давлат ўзининг қонун ижодкорлиги, ҳуқуқ яратиш фаолиятида ўз халқи билан, аҳолисининг кенг қатламлари билан мустахкам боғлиқ ва чамбарчас алоқадор бўлиши лозим.

Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги Конституциямизда мустаҳкамланган. Шундай бўлгач, давлат, унинг органлари ҳуқуқ яратиш чоғида халқ манфаати ва эҳтиёжларидан келиб чиқиши мантиқий ҳолдир. Айниқса, қонунни халқ томонидан сайланган депутатлар қабул қилишида чуқур ва бевосита рамзий маъно бор. Халқ ўз мухтор вакиллари орқали қонун чиқариш ҳокимиятига дахлдор бўлади. Қолаверса, ҳуқуқ ижодкорлиги субъекти ҳисобланадиган барча давлат органларининг ушбу фаолияти кенг жамоатчилик, халқ оммаси назорати остида рўй беради. Халқчиллик принципи ҳақида гап борганда бутун масъулиятни ҳис этиш даркор. Зеро, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли демократик каналлар воситасида (хусусан, оммавий ахбо-

рот воситалари орқали) халқнинг табиатини, фазилатларини, менталитетини, руҳини акс эттириш ғоятда муҳимдир. Халқнинг қонун (ҳуқуқ) ижодкорлигида бевосита ва билвосита иштирок этиши демократиянинг асосий талабидир. Жумладан, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши қонунда ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда халқнинг хоҳиш-иродасини тўла ифодалашга қўмаклашади. Ушбу принцип, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларини яратишда халқнинг, бевосита халқ вакиллари (депутат ва сенаторлар) нинг, жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партияларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқий сиёсатни шакллантириш ва қонунчиликни такомиллаштиришда кенг иштироки орқали намоён бўлади<sup>1</sup>.

**Ҳуқуқ ижодкорлигининг демократиклиги.** Демократизм ҳуқуқ ижодкорлигида халқ иродасини аниқлаш ва қонунда ифода этиш даражаси билангина тавсифланмайди. Бу, аввало, ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишда, хусусан, қонун чиқаришда халқнинг иштирокини таъминлашда намоён бўлади. Демократизм парламент ва маҳаллий халқ депутатлари кенгашлари фаолияти жараёнида акс этади. Референдум қонун қабул қилишнинг бевосита демократик шакли эканлигини юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Шунингдек, демократиянинг бевосита шакллариға ўта муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасининг халқ муҳокамасига қўйилиши ҳам киради. Бундай муҳокамалар чоғида мамлакат фуқаролари, жумладан, олимлар, мутахассислар лойиҳа юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирадидилар. Шу тариқа халқнинг фикри, иродаси қонун чиқарувчи органга аён бўлади ва уни ҳуқуқий нормалар мазмунида тўлақонли акс эттириш имконияти пайдо бўлади.

Бинобарин, демократияга интилиш ижтимоий тараққиётимизнинг бош йўналишидир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «демократия атамасининг қандай шарҳланиши эмас, балки унинг қанчалик реаллиги, ҳақиқийлиги, яшашга қобиллиги муҳимдир... У ҳаётимизнинг ҳар бир сониясига сингиб кетмаса, турмушимизнинг ажралмас қисмига айланмаса, ҳамма шиорлар ва

<sup>1</sup> Қ а р а н г. *Одилқориев Х.Х.* Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик тизими. — Т.: ТДЮИ, 2008. 31-б.

таърифлар мазмунсиз... сўз ўйини бўлиб қолаверади»<sup>1</sup>. Демократик қадриятлар, мезон ва меъёрлар ҳақида сўз борганда қуйидагиларни қайд этиш муҳим аҳамиятга эга: «Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар — халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир»<sup>2</sup>.

**Ҳуқуқ ижодкорлигида қонунийлик принципи.** Ушбу принцип ҳуқуқ ижодкорлиги субъектларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш, муҳокама этиш, қабул қилиш ва эълон қилиш боразидаги хатти-ҳаракатлари Конституцияга ва бошқа қонунларга асосланишидан келиб чиқиши лозим. Ҳуқуқ ижодкорлигидаги қонунийлик икки жиҳатни назарда тутаяди: *биринчидан*, давлат органлари томонидан қабул қилинадиган ҳар бир ҳужжат уларнинг ваколатлари доирасида ва тегишли ҳужжатлар учун белгиланган таомил (тартиб) асосида чиқарилиши шарт; *иккинчидан*, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмуни ҳам қонунийлик талабларига жавоб бериши шарт. Яъни янги чиқарилаётган ҳужжат, қонунлар ва юридик кучи бўйича ўзидан юқори турувчи бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлмаслиги керак.

Қонун устуворлиги, қонунийлик принципи, аввало, қонун чиқарувчи орган ҳамда ижроия ҳокимият юқори органлари учун ҳам дастуруламалдир. Башарти, қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорлари Конституцияга мувофиқ бўлмай қолса, махсус муҳофаза механизми ишга тушади. Бундай ҳолларда Конституциявий суд ўзининг тегишли ҳулоасини чиқаради ва гайриконституциявий ҳужжатни ҳаракатдан тўхтаятади.

**Ҳуқуқ ижодкорлигининг ошкоралиги.** Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг натижаси бўлмиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланади. Шу сабаб, норматив-ҳуқуқий ҳужжат дарҳол ўз ижрочилари эътиборига етказилиши зарур. Фуқаролар ҳуқуқ нормалари томонидан ўзларига қўйилаётган талаб-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т., 560-б.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

лардан хабардор ва ҳеч бўлмаса, шундай билим олиш имкониятига эга бўлишлари керак. Қуйидаги юридик презумпция барчага аён: «қонунни билмаслик ҳеч кимни жавобгарликдан озод қилмайди»; «ҳеч ким қонунни билмаслигини рўкач қилиши мумкин эмас». Шунга кўра, яъни жавобгарликка тортишга маънавий ҳуқуққа эга бўлиш учун давлат фуқароларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш имкониятини таъминлаб бериши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ошкор қилишнинг асосий воситаси уларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилишдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасида жуда муҳим қоида мустаҳкамланган: «Қабул қилинган қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир». Мазкур конституциявий принцип муҳим демократик мазмунга эга. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳаётга жорий этишдан аввал у ошкора тарзда халққа етказилиши лозим. Ҳуқуқий ҳужжатлар фуқаролардан сир тугилиши, яширин амалда бўлиши мумкин эмас.

Бу принципга халқаро ҳуқуқда ҳам катта эътибор берилади. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши қатнашчилари бўлган давлатларнинг 1989 йил 15 январдаги Вена учрашуви Якуний ҳужжатида шундай дейилади: ЕХҲК қатнашчиси бўлган давлатлар «шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини билишга ҳамда уларга мувофиқ ҳаракат қилишга бўлган ҳуқуқини самарали таъминлаш мақсадида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига оид қонунлар, маъмурий қоида ҳамда тартиботларни нашр этиб барчага етказиш мажбуриятини оладилар».

*Ҳуқуқ ижодкорлигининг илмий асослантирилганлиги.* Ҳуқуқий нормалар яратиш жараёни замонавий ҳуқуқ илми ва амалиёти ютуқларига, ҳуқуқий тафаккур ва мантиқ қоидаларига қатъий таянмоғи лозим. Ҳар бир қонун, ҳуқуқий норма ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш қонуниятларини чуқур англаш ҳамда илмий асослантириш негизида яратилиши керак. Муайян қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишдан олдин уни яратиш учун қандай эҳтиёж борлигини илмий жиҳатдан исботлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ҳуқуқий тартибга солиш мўлжалланаётган ижтимоий муносабатлар

тури чуқур таҳлил этилиши, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишлари амалга оширилиши лозим.

Илмийлик принципи ҳақида гап борганда, камида икки жиҳат назарда тутилади. *Биринчидан*, ҳуқуқ ижодкорлиги пухта илмий стратегияга таяниши зарур. Бундай стратегия умумдавлат миқёсида шакллантирилади. Уни, одатда, давлат юқори ҳокимият органлари ҳузуридаги тегишли тадқиқотлар институтлари амалга оширади. *Иккинчидан*, муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни устида иш борганда, ҳуқуқ нормасини яратиш ва ифодалашда (мазмунан ва юридик техника нуқтаи назаридан) илмий тавсиялар инobatга олинаши лозим. Бундан кўзланган мақсад — ижтимоий муносабатларни тартибга солишда имкон қадар кўпроқ самарага эришишдир. Ўз фаолиятини илмий жиҳатдан таъминлаш учун ҳуқуқ ижод этувчи органлар ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда ишчи гуруҳлар таркибига етакчи ҳуқуқшунос-олимларни киритадилар; лойиҳа юзасидан хулоса олиш учун уни тегишли илмий муассасаларга юборадилар.

Сўнги пайтларда Ўзбекистон Республикаси парламенти фаолиятида қонун лойиҳаларини *илмий экспертиза* қилишга эътибор қаратилаётганлиги таҳсинга сазовор. Қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишга олимлар, амалиётчи ходимлар ва бошқа юқори малакали мутахассислар жалб этилади. Лойиҳани экспертизадан ўтказиш натижалари юзасидан экспертлар тегишли хулоса тақдим этадилар.

Илмийлик принципида қатъий туриладиган бўлса, ҳуқуқ ижодкорлигининг субъектлари бўлган органларнинг ваколатлари ҳокимиятлар тақсимланиши асосида ташкил этилиши лозим. Шу йўл билан мазкур органлар фаолиятида параллелизм, такрорлаш, номувофиқлик ва бошқа органнинг ваколат доирасига дахл қилиш ҳоллари истисно этилади.

Ҳуқуқ ижодкорлигига илмий ёндашиш талаби айниқса бугунги кунда, яъни бозор муносабатларини қарор топтириш, демократик қадриятларни шакллантириш даврида инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлаш, миллий, сиёсий, ижтимоий-маънавий муносабатларни муваффақиятли ривожлантириш учун муҳимдир. Бу муносабатларни аниқ ҳуқуқий тартибга солишга эришиш учун ҳуқуқ ижодкорлигининг илмий заминини муттасил такомиллаштириб бориш лозим.

### 3-§. Қонун ижодкорлиги жараёни ва босқичлари

Ҳуқуқ ижодкорлигининг энг юқори даражада ташкиллашган, уюшган ва такомиллашган шакли қонун ижодкорлигидир. Шу боис унинг табиати ва хусусиятларига муфассалроқ тўхталамиз. Қонун давлат ҳокимиятининг махсус фаолияти маҳсули сифатида вужудга келади. Давлат амрининг олий ифодаси бўлмиш қонун, ҳокимиятнинг алоҳида ваколатли органи томонидан амалга ошириладиган мураккаб жараён натижасида яратилади.

*Қонун ижодкорлик (қонунни яратиш) жараёни* — давлат олий вакиллик органининг конституцияда белгиланган тартибда янги қонунларни яратишга, амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартириш киритишга қаратилган, шунингдек эскирган қонунларни бекор қилиш борасидаги ҳаракатлари йиғиндиси бўлиб, у қонун билан тартибга солиниши зарур бўлган муносабатларни аниқлаш, қонун лойиҳасини тайёрлаш, уни муҳокама этиш ва қабул қилишни ўз ичига олади. Қонунчилик жараёни муайян тартиб, ташкиллашганлик ифодаси сифатида мамлакатда қонунчилик ҳокимиятини амалга ошириш шакли ҳисобланади. Қонуннинг олийлиги, жамият ҳаётидаги устувор мавқеи қонунчилик жараёнининг илмий ва амалий аҳамиятини белгилаб беради. Зеро, қонун яратиш жараёнининг мукамал тартибга солинганлиги сифатли ва талаб даражасидаги қонуннинг вужудга келиши учун замин бўлиб хизмат қилади.

Қонун ижодкорлик жараёнининг таърифи икки маънога эга: *биринчидан*, бу қонун лойиҳасининг парламентга киритилишидан бошлаб, у қабул қилингунга қадар давлат органлари томонидан рўёбга чиқариладиган ваколатлар бўлса; *иккинчидан*, қонунчилик ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этадиган турли субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи процессуал қондалар ифодаси (шакли) дир. Қонунчилик жараёнининг муҳим хусусияти шундаки, унинг мазмунини ташкил этувчи ҳаракатлар тартиби ва уларни амалга ошириш тартиби конституциявий тарзда белгилаб қўйилади.

Қонун ижодкорлигида муайян муносабатларни ҳуқуқ воситасида тартибга солиш объектив зарурлигини англаб етиш, шунга ижтимоий

эхтиёж борлигини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Қонун яратишдан олдин жамиятда шундай қонун вужудга келишга эҳтиёж борми, деган саволга жавоб бериш лозим. Қонун ишлаб чиқишга киришишдан аввал мавжуд ижтимоий воқелик, ҳаёт, муаммоли вазият атрофлича ўрганилиши талаб этилади. Бу борада руминиялик ҳуқуқшунос Анита Нашицнинг фикри диққатга сазовор. У ҳуқуқ яратишнинг биринчи босқичида жамиятга содир бўлаётган жараёнларни англаш, психологик ва иродавий омилларни баҳолаш, ҳуқуқни шакллантирувчи омилларни таҳлил этиш ва шу асосда ҳукмрон иродани ифодалаш рўй беради, деб таъкидлайди. Бу босқичда ҳуқуқни яратиш жараёни ўзининг ҳаётга мослашувчанлиги билан, турфа хиллиги ва динамизми билан, қонунчилик соҳасида ташаббус кўрсатишга имкон берувчи ташкилий шакллар миқдорининг кўплиги билан ажралиб туради. Сўнгра, ҳуқуқнинг ижтимоий мансаблари қонун яратишнинг иккинчи босқичига — ҳуқуқий қарорни, ижобий ҳуқуқ нормасини ўрнатишга — ўтилишини шарт қилиб қўяди. Бу ҳуқуқ нормасини чиқаришга ваколатли бўлган органларнинг юридик аҳамиятли фаолияти туфайли амалга ошади<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, у ёки бу қонуннинг яратилишига бўлган эҳтиёжни ўрганиш — қонунчилик жараёнининг бошланғич нуқтасидир. Борди-ю, қонунга эҳтиёж бўлмаса, қонун чиқарувчи «режалаштирган» ҳуқуқий тартибга солиш рўй бермайди, қабул қилинган қонун ишламайди, у амалдаги ҳуқуқий тизимга сингишиб кета олмайди, пировард натижада қонуннинг ижтимоий обрўсизланиши келиб чиқади.

Қонун яратиш эҳтиёжи ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуниятларига мувофиқ ҳаётнинг ўзидан келиб чиққани маъқул. Масалан, бугунги бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши тегишли ҳуқуқий замин вужудга келтирилишини тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда сўнгги вақтларда бир қатор янги қонунлар, жумладан, Тадбиркорлик тўғрисида, Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида, Ўзбекистонда чет эл инвестициялари тўғрисида, Ўзбекистонда ин-

<sup>1</sup> Қ а р а н г. *А.Нашиц*. Правотворчество: Теория и законодательная техника. — М., Прогресс, 1974, 7 — 136-б.

вестиция тўғрисида, Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, Аҳолининг иш билан банд этилиши тўғрисида, Валютани тартибга солиш тўғрисида қонунлар қабул қилинди.

Қонун ижодкорлиги жараёни, анъанага кўра, ушбу жараённинг турли босқичларида иштирок этувчи органлар ўртасидаги ваколатларни тақсимлаш маъносида талқин этилади. Гарчанд, қонун чиқариш фаолиятида у ёки бу мустақил субъектлар иштирок этсаларда, қонунчилик жараёни асосан парламентнинг қонун яратиш фаолияти тартиби бўлиб қолаверади.

Юридик адабиётларда қонун ижодкорлиги жараёнига маъно жиҳатдан яқин турувчи бир қатор иборалар, яъни: *қонунчилик жараёни*», «қонун чиқариш жараёни», «қонунчилик тартиб — таомили» (*законодательная процедура*) каби категориялар кенг қўлланилади. Қонун чиқариш жараёнининг мазмуни ва босқичлари асосан конституция ва қонунларда мустаҳкамланса, «қонунчилик тартиб — таомили», одатда, парламент (унинг палаталари) регламентларида, ички низомларида батафсил белгилаб қўйилади. Қонунчилик тартиб — таомили деганда, қонун лойиҳаларининг парламент доирасида кўриб чиқилиши, муҳокама этилишидан тортиб то қабул қилиниши ва кучга киритилишигача бўлган барча хатти-ҳаракатларни амалга ошириш тартиби (кетма-кетлиги) тушунилади. Қонунчилик процедураси, дейди проф. М.Н.Марченко, — қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш билан боғлиқ юридик мустаҳкамланган қоидаларнинг бир бутун мажмуидан иборат<sup>1</sup>.

Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштириб айтиш мумкинки, қонун ижодкорлиги қонунларни тайёрлаш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш босқичлари ва ҳаракатлари билан боғлиқ қонунчилик жараёнидир.

Икки палатали парламент шароитида қонун ижодкорлиги жараёни қуйидаги беш босқичдан иборат бўлади:

- 1) қонунчилик ташаббуси;
- 2) қонун лойиҳасини муҳокама қилиш;

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Марченко М.Н.* Теория государства и права: учебник. — М.: «Проспект», 2008, С. 552.



- 3) қонуннинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниши;
- 4) қонуннинг Сенат томонидан маъқулланиши;
- 5) қонунни имзолаш ва эълон қилиш.

Мазкур босқичларга алоҳида-алоҳида тўхталамиз.

**Биринчи босқич — қонунчилик ташаббуси.** Қонунни яратиш жараёни, яъни қонун чиқарувчи орган доирасидаги бевосита фаолият қонунчилик ташаббуси рўёбга чиқишидан бошланади.

**Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи** — Конституцияда белгиланган ваколатли органлар, ташкилотлар ва шахслар томонидан муайян қонун лойиҳасини ёки янги қонун қабул қилиш тўғрисида, шунингдек қонунни ўзгартириш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисидаги таклифни Олий Мажлис эътиборига тақдим этилиши ва парламент томонидан бу масалани белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳақида тегишли қарор қабул қилишдир.

Мамлакатимиз Асосий қонунда қонун чиқариш жараёнининг алоҳида босқичи ҳисобланган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ўзининг юридик ифодасини топган. Эътироф этиш лозимки, қонунчилик ташаббуси Олий Мажлисида эмас, балки фақат Қонунчилик палатасида рўёбга чиқарилади.

Амалдаги қонунчиликка биноан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар. Бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади (Конституциянинг 83-моддаси).

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, 2006 йилнинг 8 ноябрида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конс-

титуциявий қонун лойиҳасини киритди<sup>1</sup>. Ушбу қонун умумхалқ муҳокамасидан сўнг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинди. Шунингдек, 2008 йил 12 ноябрда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси киритилди. У шу йилнинг 19 ноябрида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди. 2008 йил 4 декабрда Сенат томонидан маъқулланди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги қонуннинг 27-моддаси «Қонунчилик ташаббуси» деб номланиб, унда юқоридаги конституциявий норма қуйидаги қоида билан янада аниқ ҳолга келтирилган: «Давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтириш, шунингдек бюджет моддалари бўйича ўзгартишларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда киритилиши мумкин» (27-модданинг 2-қисми).

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектларнинг қонун лойиҳасини парламентга киритиши ва уни кўриб чиқиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги қонунда белгилаб берилган. Хусусан, мазкур Регламентнинг 12-моддасида қуйидаги қоидалар баён этилган:

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар киритадилар.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритишда қуйидагилар тақдим этилиши керак:

1) қонун лойиҳасига унинг концепцияси баён қилинган ҳолдаги тушунтириш хати;

2) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек қонун лойиҳаси киритилиши билан боғлиқ қонунларнинг ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси;

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 2006. 9 ноябрь.

<sup>2</sup> Халқ сўзи. 2008. 5 декабрь.

3) ўзгартирилиши, қўшимчалар киритилиши, ўз кучини йўқотган деб топилиши ёки қабул қилиниши лозим бўлган қонун ости ҳужжатларининг рўйхати;

4) моддий харажатларни талаб қиладиган қонун лойиҳалари учун молиявий-иқтисодий асослар;

5) давлат даромадларини камайтириш ёки харажатларини кўпайтиришни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонун лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳулосаси.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилингунига қадар уни киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг субъекти лойиҳа матнини ўзгартириш ёки ўзи киритган қонун лойиҳасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Мамлакатимизда икки палатали парламент тизимига ўтилгач, қонунчилик ташаббусини амалга оширишнинг пухта ҳуқуқий базаси яратилди. 2006 йилнинг 11 октябрида «Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида» ги қонуни имзоланиб, кучга киритилди. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишнинг барча юридик ва ташкилий жиҳатлари мазкур қонунда батафсил белгилаб берилди.

**Иккинчи босқич** — **қонун лойиҳасини муҳокама қилиш**. Қонун лойиҳасини муҳокама этиш қонун яратиш жараёнининг муҳим босқичидир. Бу босқич қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳаси тақдим этилиб, у сессия кун тартибига киргач бошланади. Қарор топган анъанага кўра, қонун лойиҳаси икки хил тарзда муҳокама қилинади: аксарият ҳолларда, умумий қоидага биноан, парламент — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисларида муҳокама этилади; мамлакат ҳаётининг ўта муҳим масалаларини тартибга солишга қаратилган қонунларнинг лойиҳалари эса кенг халқ муҳокамасига чиқарилади. Барча қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш мажбурий қоида эмас. Умумхалқ муҳокамалари сўнгги йилларда қонунчилик тажрибасида кенг қўлланилаётган демократик институтдир.

Қонун лойиҳаси аввал парламент муҳокамасига қўйиладими ёки умумхалқ муҳокамасига киритиладими, деган саволга аниқ жавоб бериш мушкул. Чунки парламент баъзи лойиҳаларни аввал ўзи биринчи ўқишда муҳокама этиб, зарур бўлса, уни умумхалқ муҳокамасига киритиш учун матбуотда эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилади. Баъзан эса, парламент лойиҳани умумхалқ муҳокамасига чиқариб, муҳокама яқунларини аниқлаганидан кейингина уни ўз муҳокамасидан ўтказиб, қабул қилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам умумхалқ муҳокамасидан ўтган қонун лойиҳаси яна парламент муҳокамасидан ўтади, акс ҳолда лойиҳа қонун сифатида қабул қилинмайди.

Умумхалқ муҳокамаси аслида қонун лойиҳаси юзасидан халқ билан бўладиган бевосита кенгашув, маслаҳатлашувдир. Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига киритиш халқ оммаси тажрибасини мужассамлаштириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш ва қонунда халқ манфаатлари, хоҳиш-иродасини тўла-тўқис акс эттириш имконини беради.

Ўзбекистон Конституциясининг 9-моддасига мувофиқ, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади. Бу қоида муҳим қонун лойиҳаларига ҳам тааллуқли. Умумхалқ муҳокамасини амалга оширишнинг процессуал, ташкилий жиҳатлари «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган. Гап қонун лойиҳасини халқ муҳокамасига чиқариш тўғрисидаги қарорни ким, қайси орган қабул қилиши, бу ҳақда ташаббус билан чиқишга кимлар ваколатли эканлиги хусусида бормоқда. Масалан, ушбу қонунга кўра, қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига чиқариш ҳақидаги таклифни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари киритиши мумкин. Лойиҳани бундай муҳокамага чиқариш тўғрисидаги қарорни эса республика парламенти қабул қилишга ҳақли.

Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқишда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари иштирок этишга ҳақли. Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари асосида масъул қўмита уни Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритиш ёки қонун лойиҳасини киритган органга (шахсга) қайтариш тўғрисида Қонунчилик палатасининг Кенгаши олдига масала қўяди» (28-модда).

Қонун лойиҳасининг асосий муҳокамаси Қонунчилик палатасининг мажлисларида амалга оширилади. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, уч ўқишда кўриб чиқади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисларида *биринчи ўқишда* кўриб чиқиш чоғида мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурати, қонун лойиҳасининг концепцияси, унинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек қонунни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ва молиялаш манбалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади. Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгиллаган ҳолда уни биринчи ўқишда қабул қилиш ёки қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига қонун лойиҳасининг муқобил вариантлари киритилган тақдирда улар бир вақтда кўриб чиқилиши керак. Қонунчилик палатаси депутатларининг қарор қабул қилиш учун талаб қилинадиган энг кўп миқдордаги овозини тўплаган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган ҳисобланади. Қонун лойиҳасининг қолган вариантлари Қонунчилик палатаси томонидан рад этилган деб топилади.

Масъул кўмита қонун лойиҳасини *иккинчи ўқишга* тайёрлаш чоғида тушган таклифларни умумлаштиради. У асосли деб топган таклифлар қонун лойиҳасининг матнига киритилади.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида *иккинчи ўқишда* кўриб чиқиладиганида масъул кўмита маъқуллаган таклифлар ҳам, маъқулламаган таклифлар ҳам муҳокама қилинади. Қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш моддама-модда ўтказилади.

Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгиллаган ҳолда уни *иккинчи ўқишда* қабул қилиш ёхуд қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

*Учинчи ўқишда* қонун лойиҳаси муҳокама қилинмасдан яхлитлиги-ча овозга қўйилади.

**Учинчи босқич — қонунни қабул қилиш.** Қонунчилик жараёнининг яна бир муҳим босқичи — қонун лойиҳасини тасдиқлаш, қонунни қабул қилиш босқичидир. Бу босқичнинг аҳамияти ва масъулияти шундаки, бунда қонун лойиҳасига расмий юридик куч бахш этилади ва у қонунга айланади. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари икки йўл билан қабул қилинади:

*биринчиси* — қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниши ва Сенат томонидан маъқулланиши;

*иккинчиси* — қонуннинг умумхалқ овоз бериши (референдум) йўли билан қабул қилиниши.

Қонун овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Қонун лойиҳасига овоз бериш уч хил шаклда амалга оширилади: 1) моддама-модда; 2) бўлим ёки боб бўйича алоҳида-алоҳида; 3) лойиҳа тўлиғича овозга қўйилади.

Ҳар бир қонунни қабул қилиш чоғида овоз бериш тартиби Олий Мажлис палаталари томонидан алоҳида белгиланади. Қонунларни қабул қилишнинг, овоз беришнинг умумий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Олий Мажлис палаталарининг амалдаги Регламентларида белгилаб берилган. Қонун Қонунчилик палатаси томонидан палата депутатлари умумий сонининг кўпчилики (ярмидан ортиқ) овози билан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, конституциявий қонунни қабул қилиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

Қонунчилик палатаси тўлиқ юридик кучга эга бўлган ҳужжат қабул қила олиши учун депутатларнинг муайян қисми мажлисда ҳозир бўлиши ва овоз беришда иштирок этиши талаб қилинади. Юқорида таъкидлаганимиздек, қонунлар «Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилики овози билан» қабул қилинади. Бу ерда мана шу «кўпчилик овоз» деган иборага аниқлик киритиш лозим. Зеро, парламентаризм тажрибасида бу борада аниқ мезонлар мавжуд. Жумладан,

«нисбий кўпчилик», «оддий кўпчилик», «мутлақ кўпчилик» ва «малакали кўпчилик» тушунчалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарида овоз бериш демократик тарзда амалга оширилади. Аввало, ҳар бир депутат ёки сенатор шахсан ўзи овоз бериш ҳуқуқига эга. Чунки, овоз бериш депутатнинг ёки сенаторнинг ўз фикрини, у ёки бу масалага шахсий муносабатини билдириши, иродасини ифода этишидир. Парламент аъзоси овоз бериш учун бошқа ҳамкасбини вакил қилиши мумкин эмас.

Парламентнинг ҳар икки палатасида овоз бериш тартиби уларнинг Регламентларида белгилаб қўйилган.

Унга асосан Ўзбекистон халқ депутатларининг (сенаторларининг) камида бешдан бир қисми талабига мувофиқ палаталарнинг мажлисида электрон тармоқдан фойдаланган ҳолда ёхуд депутатлар (сенаторлар)нинг номлари ёзилган бюллетенларни топшириш йўли билан ном-ном овоз бериш ўтказилади. Бюллетенларда «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деган сўзлар бўлади. Депутат ёки сенатор бюллетендаги ана шу сўзлардан бирини қолдириб, қолганларини ўчириши керак. Овозларни ҳисоблаб чиқиш пайтида юқорида кўрсатилган сўзларнинг биттадан ортиғи қолдирилган ёки ҳар учала сўз ўчириб ташланган, ё бўлмаса кўзда тутилмаган қарор варианты ёзиб қўйилган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади.

Қонунлар умумхалқ овоз бериши (референдум) орқали ҳам қабул қилинади. Қонунчилик палатаси қабул қилган қонун ўн кун ичида Сенатга кўриб чиқиш учун юборилади. Сенатга қонун билан бирга қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш чоғида тақдим этилган ҳужжатлар ҳам юборилади.

**Тўртинчи босқич — қонуннинг Сенат томонидан маъқулланиши.** Қонунчилик палатаси тўғрисидаги қонуннинг 29-моддасида қабул қилинган қонун Сенатга юборилганидан сўнг амалга ошириладиган ҳаракатлар белгиланган. Сенат қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Сенат рад этган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулла-

са, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

Мабодо Сенат қуйи палата қабул қилган қонунни маъқулламай рад этса, парламент палаталари ўртасида *келишув комиссияси* тузилади. Сенат рад этган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенг асосда *келишув комиссияси* тузиши мумкин.

Қонунчилик палатасида келишув комиссияси тузиш тўғрисидаги ташаббус Қонунчилик палатасининг Спикеридан, шунингдек фракциялар ва депутатлар гуруҳларидан чиқиши мумкин. Келишув комиссияси таркибига номзодлар юзасидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва Сенат Раиси ўзаро маслаҳатлашиб оладилар. Ушбу комиссиянинг Қонунчилик палатасидан кўрсатилган таркиби унинг мажлисида тасдиқланади. Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссиянинг ҳамраисларини сайлайдилар.

Комиссия, қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида, Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади. Келишув комиссиясининг қарорлари келишув комиссияси таркибига кирган Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторларнинг алоҳида-алоҳида овоз бериши орқали қабул қилинади. Қарор, агар комиссиянинг ҳар бир палатадан сайланган аъзоларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш хусусидаги таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилади. Хулосага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳасининг матни илова қилинади. Хулоса Қонунчилик палатаси ва Сенатдан сайланган келишув комиссиясининг ҳамраислари томонидан имзоланиб, тегишлича Қонунчилик палатаси ва Сенатга топширилади.

Башарти, Қонунчилик палатаси Сенат рад этган қонунни палата депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик



овози билан яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзолаш ва эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг Президентига юборилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти қайтарган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- қонунни Ўзбекистон Республикаси Президентининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш;
- қонунни бундан буён кўриб чиқмаслик;
- қонунни аввалги қабул қилинган таҳририда маъқуллаш.

Борди-ю, қонун аввал қабул қилинган таҳрирда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, Сенатга маъқуллаш учун юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, конституциявий қонунининг, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини қабул қилиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади. Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тегишли таклиф киритилганидан кейин олти ой ичида унинг кенг муҳокамасини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти қайтарган қонун қайта кўриб чиқиш учун бевосита Қонунчилик палатасига юборилади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти рад этган ва Қонунчилик палатаси қайта кўриб чиқишда илгари қабул қилинган таҳрирда маъқулланган қонун белгиланган тартибда Сенатга юборилади. Масъул қўмита ушбу қонун юзасидан хулоса беради. Масъул қўмитанинг хулосаси олинганидан кейин қонунни Сенатда қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги масала белгиланган тартибда Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилади. Сенат қайта кўриб чиқиш натижалари бўйича қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сенат томонидан қайта кўриб чиқишда сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланган қонун имзолаш ва эълон қилиш учун белгиланган тартибда Сенат қарори билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Президентига юборилади.

Сенатнинг қайта кўриб чиқиш натижалари бўйича қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади. Агар Сенат рад этган ёки Ўзбекистон Республикасининг Президенти қайтарган қонун Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилганида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Сенатнинг эътирозларини ҳисобга олган ҳолда янги таҳрирда қабул қилинса, ушбу қонунни Сенат янгидан қабул қилинган қонун сифатида белгиланган тартибда кўриб чиқади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий қонунни, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларни маъқуллаш учун сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

**Бешинчи босқич — қонунни имзолаш (промулгация қилиш) ва эълон қилиш.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган (2003 йил 24 апрель) янги қўшимча ва ўзгартишлар мазмунига кўра, қонун ижодкорлигининг якуний босқичи ўзига хос процессуал қоидалар билан Асосий қонуннинг 84-моддасида баён этилган. Унга кўра, қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилинган, юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзолаш ва эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг Президентига ўн кун ичида юборилади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан қонун 30 кун ичида имзоланади ва эълон қилинади. Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиснинг Сенати рад этган қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига қайтарилади. Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати рад этган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзолаш ва эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати рад этган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганида қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли. Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, у Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 14 кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши шарт.

Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир. Конституция 93-моддасининг 17-бандида таъкидланишича, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди ва эълон қилади. Ўзбекистон қонунлари имзоланганидан кейин узоғи билан бир ҳафта ичида расман эълон қилинади. Агар ҳужжатнинг ўзида бошқа қоида белгиланмаган бўлса, расмий эълон қилинганидан сўнг ўн кун ўтгач, бутун Ўзбекистон ҳудудида бир вақтнинг ўзида кучга киради. Қонунларнинг тўлиқ матни «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси», «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталарида чоп этилади. Мазкур

нашрлар қонуннинг биринчи расман эълон қилиниши ҳисобланади. Матбуотда эълон қилинган қонун (агар уни кучга киритиш тўғрисидаги қарорда бошқача муддат назарда тутилмаган бўлса) шу вақтдан бошлаб юридик кучга эга бўлади, яъни ўзининг амалий «фаолиятини» бошлайди.

#### **4-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг вақт, ҳудуд ва шахсларга нисбатан амал қилиши**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга самарали татбиқ этишнинг муҳим шарти — уларнинг амал қилиш доирасини аниқ белгилаб олишдир. Норматив ҳужжатларнинг амал қилиши — уларда назарда тутилган юридик оқибатларнинг юзага чиқишидир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиш кўлами амалиёт учун бевосита аҳамият касб этади. Бу масала қуйидаги тўрт йўналишни қамраб олади:

- мазкур ҳужжат қандай ижтимоий муносабатларга татбиқ этилади (ҳаракатланиш мавзуси);
- норматив ҳужжат қачондан бошлаб ва қайси вақтгача амал қилади (вақт бўйича амал қилиши);
- у қайси ҳудудга ўз таъсирини ўтказади (ҳудудда, маконда амал қилиши);
- норматив ҳужжат кимларга тааллуқли (шахсларга нисбатан амал қилиши).

**Ҳужжатнинг амал қилиш мавзуси.** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турли мазмундаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Масалан, маъмурий қонунчилик соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат бошқаруви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади; фуқаровий қонунчилик ҳужжатлари мулкӣ ва мулкӣ бўлмаган шахсий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади. Бу соҳаларга оид ҳужжатларнинг ҳеч бири ўзгасининг мавзусига, кўламига оид муносабатларни тартибга сола олмайди.

Ҳуқуқий тартибга солиш мавзусини иродавий-ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Бу ҳол ҳуқуқий ҳужжатларнинг инсон иродаси иштирок этмайдиган ҳодиса ёки бошқа вазиятларга таъсир этишини

истисно қилади. Бундай ҳолатлар фақат юридик фактлар сифатида майдонга чиқиши мумкин. Яъни, қонун бу фактлар туфайли келиб чиқадиган юридик оқибатларни белгилай олади, аммо уларнинг мазмунига, ички ҳаракатига таъсир эта олмайди. Шундай қилиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муайян турдаги ва мазмундаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

**Норматив ҳужжатларнинг вақт бўйича амал қилиши** қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатнинг юридик кучга кириш ва уни йўқотиш вақтини англатади. Ҳар бир давлатда қонун ва бошқа норматив ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши ва кучга кириши тартиби тўғрисидаги нормалар амал қилади.

Ўзбекистонда қонунларни матбуотда эълон қилиш ва юридик кучга киритиш тартиби махсус қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти республика органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинганидан (имзоланганидан) сўнг ўн кундан кечиктирмасдан ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида нашр этилади, айтилиши вақтда радио ва телевидение орқали эълон қилиниши ҳам мумкин. Қонунлар Ўзбекистон Президентининг имзоси билан эълон қилинади.

Қонунлар, Олий Мажлис палаталарининг бошқа қарорлари «Ахборотнома» да нашр этилгандан сўнг 10 кун ўтгач, бутун республика ҳудудида кучга киради. Худди мана шу ҳужжатлар расмий матбуот органлари («Халқ сўзи», «Народное слово», «Еркин Қарақалпақстан» ва «Вести Каракалпақстана» газеталари) да босилиб чиққанидан кейин 10 кун ўтгач юридик кучга киради. Норматив мазмунга эга бўлмаган ҳужжатлар улар қабул қилиниб, матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради. Албатта, бу умумий қоидадир. Бироқ, қонун чиқарувчи орган вазиятга қараб бошқа муддатларни белгилаши ҳам мумкин.

Агар муайян қонунни кучга киритиш тартиби тўғрисидаги қарорда бошқача муддатлар белгиланган бўлса, қонун нашр этилгач, юқоридаги муддатда эмас, балки парламент қарорида кўрсатилган муддатда кучга киради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 1994 йил 24 сентябрда

қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелдан бошлаб кучга киритилган; Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 2007 йил 25 декабрда қабул қилиниб, 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга киритилган; Божхона кодекси 1997 йил 26 декабрда қабул қилиниб, 1998 йил 1 мартдан кучга киритилган.

Одатда, кодекслар ва бошқа катта ҳажмдаги қонунлар қабул қилинганидан бошлаб кучга киргунича бир неча ой вақт ўтади. Бундай муддат белгиланишига сабаб тегишли ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитни вужудга келтириш, ташкилий-тайёргарлик ишларини амалга ошириш учун вақт ва имкониятнинг зарур бўлишидир. Бу давр ичида қонунни ҳаётга жорий этиш механизми таркибига кирувчи қонун ости ҳужжатлар (фармон, ҳукумат қарори, низом ва йўриқномалар) ишлаб чиқилиб қабул қилинади. Зарур бўлса, ташкилий-институционал тузилмалар тизими вужудга келтирилади ва ҳоказо.

Баъзи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради. Бу ҳақда тегишли кўрсатма қонунни кучга киритиш тартиби тўғрисидаги қарорда назарда тутилган бўлади. Амалиётда қонунчилик ҳужжатларини босқичма-босқич қабул қилиб, шу зайилда кучга киритиш ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисми 1995 йил 25 декабрда қабул қилинди, Фуқаролик кодексининг иккинчи қисми эса 1996 йил 29 августда қабул қилиниб, ҳар иккала қисм 1997 йил 1 мартдан бошлаб кучга кирди. Президент фармонларида уларни кучга киритишнинг турли шакллари қўлланилади. Масалан, фармонлар матнида шундай қоидалар учрайди: «Фармон имзоланган вақтдан кучга киритилсин», «Фармон матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киритилсин», «Фармон қабул қилинган вақтдан бошлаб кучга киритилсин». Кучга киритишнинг бундай шакллари бошқа турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам хосдир.

Референдумда қабул қилинган қонунни эълон қилиш ва кучга киритиш тартиби «Референдум тўғрисида»ги қонунда белгиланган:

«Референдум натижаларини референдум ўтказувчи Марказий Комиссия овоз бериш тугаганидан кейин ўн кундан кечиктирмай оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистон Республикасининг аҳолисига

маълум қилади. Референдум ўтказувчи Марказий Комиссиянинг қарорлари устидан бу қарорлар қабул қилинган кундан бошлаб бир ҳафта ичида Ўзбекистон Республикасининг Олий судига шикоят қилиниши мумкин».

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириш ва амалда бўлиш вақтини аниқ белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар белгиланган вақтдан бошлаб сўзсиз бажарилиши лозим. Бу қонун устуворлиги принципини ҳаётга жорий этиш билан боғлиқ. Қонун орқага қайтиш кучига эга эмас, деган талаб қонун чиқарилгунга қадар вужудга келган ҳамда мавжуд бўлган ҳаракат ва муносабатларга татбиқ этилмайди, деган маънони англатади. Бироқ, бу умумий юридик аксиомадан икки ҳолатда истисно бор: *биринчиси*, агар қонун ёки норматив ҳужжатнинг ўзида, уларнинг орқага қайтиш кучи кўрсатилган бўлса; *иккинчиси*, агар қонунда содир этилган хатти-ҳаракат учун жазо қўллаш тўхтатилган бўлса ёки жазони енгиллаштириш кўзда тутилган бўлса, қонун орқага қайтиш кучига эга.

Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидаги уч асосга кўра амал қилишини тўхтатади:

а) норматив ҳужжатнинг амал қилиши белгилаб қўйилган муддат тугаган бўлса;

б) давлат ваколатли органининг норматив ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида қарори бўлса ёки эскисининг ўрнига келаётган янги қабул қилинган норматив ҳужжатда бу ҳақда кўрсатилган бўлса;

в) илгари амалда бўлган норматив ҳужжатни алмаштирувчи янги норматив ҳужжат қабул қилинса.

Одатда, эскирган норматив ҳужжатни бекор қилиш ёки кучини йўқотган деб топиш ҳақида махсус қарор қабул қилинади.

***Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳудуд ва макон бўйича амал қилиши.*** Давлат суверенитети тамойилига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлатнинг бутун ҳудудида амалда бўлади. Давлат ҳудудига қуйидагилар киради — ер майдони, ер ости, ички ва ҳудудий сувлар, ер ва сув ҳудуди устидаги ҳаво макони, элчихоналарнинг, ҳарбий кемалар, парвоз этувчи кемалар (аппаратлар) ҳамда очиқ денгизда сузувчи кемаларнинг ҳудудлари. Норматив ҳужжатлар амал қилиши-

нинг ҳудудий кўлами давлат юрисдикцияси билан чамбарчас боғлиқ. Баъзан хорижий мамлакат қонунчилиги муайян давлат ҳудудида амал қилиши мумкин. Бироқ, бунинг учун бу икки давлат ўртасида улар қонунчилик ҳужжатларининг ўзаро бир-бирининг ҳудудида амал қилиши ҳақида шартнома бўлиши шарт.

Халқаро шартномалар норматив ҳужжатларнинг экстерриториал ҳаракатини ҳам назарда тутиши мумкин. Яъни, бир давлатнинг қонунлари ўз ҳудудидан ташқарида ҳам амал қилади (бир давлат қонунларининг бошқа давлат ҳудудида бўлган ўз фуқаролари ва ташкилотларига нисбатан қўлланилиши). Федератив давлатларда федерал қонунлар бутун иттифоқ ҳудудида, федерация субъектларининг қонунлари эса уларнинг ўз ҳудудларидагина амал қилади.

Кўпчилик давлатларнинг қонунчилигида коллизион нормалар мавжуд. Булар низоли вазият вужудга келганда қўлланилади. Масалан, тенг кучли ҳуқуқий ҳужжатлар тўқнашиб қолганда, шунингдек турли даврда чиқарилган ҳужжатлар ёки ҳар хил ҳажмдаги ҳужжатлар ёхуд турли органлар томонидан ўрнатилган ҳужжатлар ўзаро зид келиб қолганда коллизион нормалар ишга солинади. Давлатнинг турли маъмурий-ҳудудий бирликлари учун чиқарилган ҳужжатлар ўртасида ҳам ўзаро қарама-қаршилик келиб чиқиши мумкин. Аксарият ҳолларда бундай низолар суд орқали ҳал этилади.

***Норматив ҳужжатларнинг шахсларга нисбатан амал қилиши.*** Ҳуқуқий қоидаларнинг вазифаси улар татбиқ этилиши лозим бўлган муносабатларни, ташкилотларни ва кишилар доирасини аниқлаб беришдан иборат. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари мамлакатнинг барча фуқароларига, давлат органларига, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларга нисбатан амал қилади. Ўзбекистон Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатлари мамлакатда яшовчи, вақтинча келиб-кетувчи ажнабий фуқароларга ҳам татбиқ этилади. Тартибга солиниши лозим бўлган муносабатлар ва хорижий давлатлар билан тузиладиган шартномаларнинг мазмунига қараб, юқорида кўрсатилган умумий қоидалардан айрим истиснолар мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикасида яшайдиган чет эл фуқароси судга мажбурий тартибда кўрсатма бериш учун



келтирилган бўлиб, у дипломатик иммунитет (дахлсизлик) ҳуқуқидан фойдаланадиган бўлса, бундай шахснинг хатти-ҳаракатлари дипломатик воситалар билан ҳал қилинади. Ўзбекистоннинг айрим қонунчилик нормалари хорижий давлат фуқароларига қўлланилмайди. Масалан, улар бизда сайлов ҳуқуқига эга эмаслар; Қуролли кучлар сафида хизмат қилиши ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи давлат органларида ишлаши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари мамлакатимизнинг чет давлатларда турган (доимий ишловчи, сайёҳ хизмат сафарида бўлган) фуқароларига нисбатан ҳам қўлланилади. Масалан, чет элда жиноят содир этган Ўзбекистон фуқароси хорижий қонунчиликка кўра жавобгар бўлишидан ташқари, Ўзбекистон Жиноят кодекси билан ҳам жавобгарликка тортилади.

## ХИ БО Б ҲУҚУҚ НОРМАСИ

### 1-§. Ҳуқуқ нормаси тушунчаси

Давлат-ҳуқуқий таълимот ва амалиёт ҳуқуқий норма ва унинг таърифи борасида кўплаб илмий талқинлар яратган. Ҳуқуқий тизимнинг бирон-бир элементи ҳуқуқ нормаси билан боғланмаган ҳолда изоҳланиши мумкин эмас. Шу боис ҳуқуқий нормалар йиғиндиси ҳуқуқий тизимнинг ўзагини, марказий элементини ташкил этади. Юридик нормаларни тадқиқ этишга академик Ш. З. Ўразаев, профессорлар М. Ҳ. Хақимов, В. К. Бабаев, М. И. Байгин, П. Е. Недбайло, А. С. Пиголкин, А. Ф. Шебанов ва бошқалар баракали ҳисса қўшганлар.

Адабиётларда ҳуқуқ нормаси, одатда, лозим бўлган хатти-ҳаракат қоидаси ёки шундай хулқ-атвор, фаолиятнинг ўлчови сифатида таъриф қилинади. Ҳуқуқ ижтимоий муносабатларга таъсир этувчи восита сифатида доимо, муайян хулқ-атвор, хатти-ҳаракат қоидаси сифатида намоён бўлади. У аналогик (бир-бирига ўхшаш) вазиятларда ҳуқуқ субъектлари томонидан такрор-такрор қўлланишга мўлжалланган.

Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ тизимининг бошланғич, бирламчи таркибий элементи ҳисобланади. Маълумки, объектив ҳуқуқ ўз ички тузилишига эгадир. Ҳуқуқ тизими яхлит бир вужуд сифатида ўз таркибига ҳуқуқ тармоқлари, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ нормаларини қамраб олади. Борди-ю, ҳуқуқни, ҳуқуқ тизимини бир бино деб қарайдиган бўлсак, ҳуқуқ нормаси унинг дастлабки тамал тоши сифатида, ёки бир жонли организмнинг энг кичик бирламчи ҳужайраси сифатида намоён бўлади. Демак, мантиқ нуқтаи назаридан бутун ҳуқуқ мазмунига хос бўлган асосий сифат ва белгилар ҳар бир алоҳида олинган ҳуқуқ нормасида жамланган бўлади. Ҳуқуқ нормаси ифода этадиган формал-юридик белгилар қуйидагилардан иборат: а) ҳуқуқ нормасининг бевосита давлат билан алоқаси (боғлиқлиги), яъни, ҳуқуқ нормаси давлат томонидан ўрнатилади ёки маъқулланади; у ҳокимият тепасида турган сиёсий кучларнинг амри-иродасини ифодалайди; б) ҳуқуқ нормаси давлат иродасини ифодалайди (мужассамлаштиради); в) ҳуқуқ нормаси умум-

мажбурий бўлиб, ваколат берувчи, мажбурият юкловчи мазмунга эга; г) ҳуқуқ нормасида ифодаланган қоида қатъий расмий аниқлиги билан тавсифланади; д) ҳуқуқ нормаси узоқ муддат қўлланишга мўлжалланган; е) ҳуқуқий нормалар ўзаро мутаносиб ва иерархик бўйсунуш тарзида мавжуд бўлади; ж) ҳуқуқ нормаси давлат томонидан муҳофазаланади; з) ҳуқуқ нормасининг қоидаси бузилган тақдирда давлат мажбурлови қўлланилади; и) норматив ҳужжатлар ва бошқа ҳуқуқ манбаларида ифода (баён) этилади. Айни пайтда, ҳуқуқ нормаси яхлит бир тизимнинг дастлабки бўлаги сифатида ўзига хос жиҳатларга ҳам эга бўлади.

Ҳуқуқ нормасининг моҳиятини теран англаш учун унинг этимологиясига эътибор қаратиш лозим. «Норма» сўзи «қоида», «аниқ кўрсатма», «намуна», «ўлчов» маъноларини англатади. Дарҳақиқат, ҳар бир норма ўзида бирон-бир хатти-ҳаракат, хулқ-атвор қоидасини, муайян юриш-туриш моделини ифодалайди, Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига биноан, «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади». Бу ҳуқуқий нормада фуқароларнинг муҳим конституциявий ҳуқуқи бўлмиш судга ҳимоя сўраб мурожаат қилишга оид қоида мустақкамлаган.

Шундай қилиб, **ҳуқуқ нормаси** — барча ҳуқуқ субъектлари учун мажбурий бўлган, давлат томонидан ўрнатилган ёки маъқулланган, ижтимоий муносабат қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзида ифодалаган хатти-ҳаракат қоидаси, хулқ-атвор мезонидир.

**Ҳуқуқ нормасида жамиятнинг, халқ ҳаётининг моддий шарт-шароитлари билан белгиланадиган эрки, ифодаси, манфаатлари ифодаланади.** Ҳуқуқ нормаси шахсларнинг бир-бири билан бўладиган ўзаро муносабатларида қандай хатти-ҳаракат моделига, намунасига риоя этишлари лозимлигини, яъни қайси ҳаракатларни содир этиш мумкин ёки қандай хатти-ҳаракатларни содир этмаслик кераклигини кўрсатади. Шу маънода ҳуқуқ нормаси хулқ-атворнинг ҳуқуқий мезони сифатида майдонга чиқади. Унинг тартибга солувчи восита сифатидаги аҳамияти шундаки, муайян ҳуқуқ субъекти (хусусан шахс, орган, муассаса) ўз

ҳаракатида ҳуқуқ нормасида мустаҳкамланган қоидага риоя этади ёки бошқа ҳуқуқ субъектидан ҳуқуқ нормасида белгиланган тегишли хатти-ҳаракатни содир этишни талаб қилади. Башарти, белгиланган ҳуқуқий қоида бажарилмаса, ҳуқуқбузарга нисбатан давлат таъсир чораси қўлланилади.

Ҳуқуқ субъекти ҳуқуқ нормасида белгиланган хатти-ҳаракат меъёрига риоя қилган ҳолатда ҳуқуқ нормаси хатти-ҳаракат ўлчови, фаолият мезони сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқ нормасида белгиланган қоида бузилганида эса, у ҳуқуқ субъектининг ҳаракатига баҳо бериш воситаси сифатида намоён бўлади.

Ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни қатъий тартибга солиш салоҳияти туфайли катта тарбиявий аҳамиятга эга, шу боис ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ бузилиши ҳолларининг олдини олишга хизмат қилади. Чунки ҳуқуқ субъекти томонидан қонунда белгиланган ҳуқуқий хатти-ҳаракат қоиласини бузиш, муқаррар равишда унга нисбатан таъсир чорасининг қўлланишига олиб келади.

Ҳуқуқ нормаси — ижтимоий нормаларнинг алоҳида тури бўлиб, у бошқа ижтимоий нормалардан (масалан, ахлоқий, диний, корпоратив нормалардан) бир қатор жиҳатлари билан ажралиб туради. Авваламбор, ҳуқуқ нормаси умумий хусусиятга эга. У ижтимоий муносабат қатнашчиларининг барчасига, уларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган ҳолда тегишли бўлади. Яъни, ижтимоий муносабатларнинг маълум бир тоифасига, турига тегишлидир (масалан, битимлар тузиш, пенсияга чиқиш тартиби, никоҳдан ўтиш ва ҳоказо).

*Ҳуқуқий норманинг умумий характери эга эканлиги*, авваламбор, шунда кўринадики, ҳуқуқий нормада кўзда тутилган аналогик ҳолатлар юзага келаверар экан, бу норма ҳам қўлланилаверади ва асло кучини йўқотмайди. Бошқача айтганда, гўё нормадаги ҳолатлар ўзининг юзага келишини «кутиб ётади». Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 179-моддасида мустаҳкамланган «сохта тадбиркорлик, яъни уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан яшириш (солиқларни камайтириш) ёки бошқача мулкий манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркор-

лик тузилмалари тузиш»дан иборат хатти-ҳаракатнинг содир этилиши — ушбу модданинг «ҳаракат» га келишига, қўлланишига олиб келади.

*Ҳуқуқий норманинг яна бир муҳим жиҳати, унинг давлат эрки-иродасини, ҳокимона амрининг ифода этишида кўринади.* Шу боис, ҳуқуқ нормаси — муайян муносабатлар ифодаси ёки муайян ҳаракат содир этишни маслаҳат берувчи тавсиянома бўлмай, балки, шу нормада кўрсатилган ҳолатлар юзага келганда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини белгиловчи ҳокимият амридир.

Ҳар қандай ҳуқуқ нормаси ваколатли давлат органи томонидан ўрнатилади ёки маъқулланади, шу боис у давлат амри-иродасини ифодалайди, умуммажбурий қоида тариқасида амал қилади. Мабодо ҳуқуқ нормасида белгиланган хатти-ҳаракат қондаси бажарилмаса, унинг бажарилишини таъминловчи давлатнинг мажбурлов чоралари ҳаракатга келади. Масалан, ҳуқуқ субъекти томонидан қонунга хилоф ҳаракатлар содир этилиши тегишли юридик жавобгарликка олиб келади, демак ҳуқуқ нормаси давлатнинг мажбурлов кучига таянади.

Давлатнинг амр-иродаси — ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ субъектига муайян ҳуқуқларни берган тақдирда ҳам сақланиб қолади, чунки у ҳуқуқ субъектининг ҳуқуқлари кафили сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқ нормаси мазмунан ва ижтимоий аҳамиятига кўра давлат амр-иродасини ифодаланиши учун унинг бу белгиси, ўз навбатида, ҳуқуқий норманинг ифодаланиш шаклига қатъий талаб қўяди. Шу сабабли, ҳуқуқий нормалар шаклан аниқликка эга бўлади. Ҳуқуқий норма қонунларда, шу каби бошқа расмий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланади, зеро, ҳуқуқ нормасини тўғри тушуниш ва ўринли қўллаш учун, у албатта пухта ишланган, аниқ ва ихчам шаклда ифодаланган бўлиши керак. Ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ижтимоий нормалар ичида ҳуқуқ нормаси ўзининг айнан шу жиҳати, яъни шаклан аниқ қоида эканлиги билан ажралиб туради.

Ҳуқуқ нормаси қуйидаги ўзига хос белгиларга эга:

*Биринчидан,* жамият, шахс ёки ижтимоий гуруҳ учун кадр-қимматли бўлган энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Бунда, биринчи навбатда нормадаги, адолат ва эркинлик ғоялари би-

лан белгиланадиган ижтимоий муносабатлар идрок этиш ва қонуний мустаҳкамлаш предмети бўлади.

Зарарли, нохуш ижтимоий хулқ-атвор ҳам ҳуқуқий норма таъсирига тушади, лекин ўз-ўзидан эмас, балки низоли вазиятларни тартибга солиш воситаси орқали акс этади. Юридик нормаларда ижтимоий воқелик, унинг йўналишлари ва ривожланиш истиқболларини акс эттиришнинг мураккаблиги, ҳатто нобоп нормалар қабул қилишга олиб келиши мумкин. Ҳуқуқда ижтимоий воқеликни акс эттириш субъектив бўлиб, давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлиги билан шуғулланувчи органлари фаолияти илмийлик принципларига ҳар доим ҳам асосланавермаслиги боис хато нормаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Ҳуқуқий нормаларда акс эттириладиган ижтимоий муносабатларнинг муҳимлиги даражаси норманинг қонунчилик иерархиясида эгаллайдиган ўрнини белгилайди. Энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар юридик кучи жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар — конституцияларда, конституциявий қонунларда ифодаланади.

*Иккинчидан*, ҳуқуқ нормаси тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг модели сифатида намоён бўлади.

Моделлаштириш — бу онгда ижтимоий реалликнинг андозасини инъикос этиш, вужудга келтириш йўли билан табиий ва ижтимоий ҳодисаларни идрок этиш жараёнидир. Қонун чиқарувчи орган «онгида» шакллантирилган ижобий хулқ-атворнинг намунавий вариантлари, ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлар модели шаклида ифодаланади. Моделни ифодалаш воситалари турли-туман: табиий тил воситаси, формулалар, конструкциялар, рақамлар ва ҳоказолардир.

Ҳуқуқий норма фақат хулқ-атвор эмас, балки ижтимоий муносабатларнинг ҳолати, уларнинг хусусиятлари, объектив ва субъектив таркибларини ҳам моделлаштиради. Бунда у ҳуқуқий ҳолат ва тушунчалар, ҳуқуқий тартибга солиш чегаралари, усуллари, принциплари ҳақида, ҳуқуққа мувофиқлик ва ҳуқуққа зидлик, ҳуқуқийлик ва ноҳуқуқийлик ҳақида ахборот етказди. Ижтимоий муносабатларнинг модели сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатда мустаҳкамланган юридик нормалар ижтимоий воқеликнинг яхлит манзарасини акс эттиради. Шу-

нинг учун ҳам ҳар қандай мамлакат ва даврнинг қонунчилик ёдгорликларини ўрганиш — шу давр давлати, жамияти ва ҳаёти, турмуши ва ҳуқуқи ҳақида анча ишончли ахборот беради. Ҳуқуқ нормаси ўзидаги мавжуд ахборот ва ижтимоий муносабатларни моделлаштиришда алоҳида аҳамият касб этиши туфайли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш имкониятига эга. У ижтимоий муносабатларни акс эттирганлиги боис унга муайян мазмун ва ифодалаш шакли хос бўлади.

**Учинчидан**, ижтимоий жараёнлар, ҳолатлар ва алоқаларнинг такрорланиши туфайли ҳуқуқ нормаси уларнинг типиклигини акс эттиради ҳамда мустаҳкамлайди.

Одатда, тип жиҳатидан мансублик мавжуд муносабатларга хос бўлади, лекин у янгидан шаклланаётган, келгусида такрорланиб туриши эҳтимол тутилган ижтимоий алоқаларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин.

**Типиклаштириш** — мураккаб тафаккур жараёни бўлиб, умумлаштириш, ҳолатларининг муҳим белгиларини аниқлаш ва аҳамиятсиз белгиларни бўрттирмасликни назарда тутати. Ҳуқуқий нормага нисбатан эса типиклаштириш муайян вазиятлардаги ҳуқуқий ҳодиса ёки инсон хатти-ҳаракатидаги муҳим жиҳатларни ажратиб кўрсатишда ифодаланади. Бу ҳуқуқий ҳолатларда (шахснинг индивидуал белгиларидан тортиб, унинг айрим феъл-атвориғача) муайянликдан абстракциялашишга ўтиш жараёнидир. Шу туфайли «эркинлик қонунларда алоҳида шахс ўзбошимчалитига боғлиқ бўлмаган, номуайян, назарий мавжудлик касб этади»<sup>1</sup>.

Типиклаштириш туфайли ҳуқуқий тушунча ўзига хос маълум белгиларига эга бўлади, хулқ-атвор қондаси эса ижтимоий муносабатлар билан алоқани узмаган ҳолда ўзининг тартибга солувчи таъсири билан чексиз миқдордаги шахсларни қамраб олиш хусусиятига эга. Шу маънода юридик норма учун мазмунининг аниқлиги ва эгасининг мавжудлиги хосдир. Ҳуқуқ нормалари мазмунини типиклаштириш шунга олиб келадики, бунда улар турли шахслар учун тенг масштаб, меъёр сифатида намоён бўлади. Бу ҳуқуқнинг барқарорлик хусусиятини ҳам

<sup>1</sup> Маркс К., Энгельс Ф. Асарлар, Т.1, 63-б.

белгилаб беради. Ижтимоий муносабатлар анча узоқ муддат мавжуд бўлгандагина, уларга хос умумий ва барқарор белгилар типик маъно касб этади. Бу барқарорлик ҳуқуқ нормасида мустаҳкамланиб, уларга доимийлик, изчиллик бахш этади. Ҳуқуқий нормалар моделлаштираётган ижтимоий муносабатлар нотипик бўлиб қолган тақдирдагина ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

*Тўртинчидан*, ҳуқуқ нормалари умуммажбурий хусусиятга эга. Ҳуқуқ нормасининг бу хусусияти унга оғишмай риоя қилиш ва ижро этиш ҳамда инсон хулқ-атворига давлат, жамият ва ижтимоий гуруҳлар томонидан маълум муносабат билдирилишини кўзда тутаяди. Агар хулқ-атвор юридик норма талабаларга мувофиқ келса, муносабат ижобий бўлиши мумкин ёки норма талаблари бузиладиган бўлса, салбий акс таъсир юз бериши мумкин. Ҳуқуқий нормага, умуман ҳуқуққа риоя қилиш ва уни ижро этиш ички ва ташқи омиллар билан таъминланади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ нормаси — давлат томонидан ўрнатилган ёки маъқулланган, бажарилиши ҳамма учун умуммажбурий бўлган ва аниқ шаклда ифодаланган хатти-ҳаракат, юриш-туриш қондасидир.

## 2-§. Ҳуқуқ нормасининг тузилиши

Ҳуқуқ нормаси ўз ички тузилишига эга, яъни ҳуқуқ нормаси мазмунан ўзаро бир-бири билан боғлиқ бир неча таркибий қисмлардан иборат. Таъкидлаш жоизки, адабиётларда ҳуқуқий норманинг тузилиши масаласида турлича ёндашувлар мавжуд. Хулқ-атвор нормаларининг таркиби ҳақидаги масала анчадан бери ҳуқуқшуносларнинг эътиборини жалб қилиб келмоқда.

Ҳуқуқий норманинг уч элементдан (гипотеза, диспозиция, санкция) иборатлиги ҳақидаги фикрлар ҳуқуқшуносликда кенг тарқалган. Ҳуқуқий нормада, авваламбор, норма қўлланиладиган шароитга оид қоида бор, сўнгра хулқ-атвор қондасининг ўзи баён қилинади, охирида эса ушбу қондани бажармаганлик учун келиб чиқадиган юридик оқибат назарда тутилади.

Ижтимоий муносабатларнинг айрим турларини тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларининг «ихтисослашганлигини» ҳисобга олган ҳолда,



кўпчилик муаллифлар юридик норма таркибидан икки элементни ажратиб кўрсатадилар: регулятив нормаларда — гипотеза ва диспозиция; қўриқловчи нормаларда — гипотеза (диспозиция) ва санкция. Сўзма-сўз ифодалаганда бу одатда шундай бўлади. Ушбу масала ҳақидаги баҳсларнинг моҳиятини чуқурлаштириб ўтирмай, таъкидлаш жоизки, юридик норманинг уч элементли структураси — унинг мантиқий-юридик ифодасидир. У назарий фикрлаш воситасида шакллантирилади ва ўзининг тимсолида ушбу формулани ифодалайди: «Агар... бўлса, унда..., акс ҳолда эса...бўлади». Мантиқий юридик тизимни қайта тиклаш учун, мантиқ талаб ва қоидаларидан ташқари яна қонунчиликни ҳамда юридик техникани, ҳуқуқий алоқалар тизимини яхши билиш зарур. У ёки бу вазиятда хатти-ҳаракатнинг маълум бир қолипни белгиловчи ҳуқуқ нормалари, яъни хулқ-атвор қоидалари, ўзининг мантиқий юридик таркибига кўра, гипотеза, диспозиция ва санкцияга эга.

Шундай қилиб, ҳуқуқий норма қуйидаги уч элемент (қисм)дан иборат:

1) гипотеза; 2) диспозиция; 3) санкция.

**Гипотеза** — ҳуқуқ нормасининг дастлабки таркибий элементи бўлиб, у ушбу ҳуқуқий норманинг қандай шароитларда ҳаракатга келиши ва унинг диспозицияси қандай шароитларда амалга ошишини белгиловчи ҳаётий шарт-шароит ва мавжуд вазиятни кўрсатади, яъни ҳуқуқ нормасида белгиланган хатти-ҳаракат қандай шароитларда бажарилиши мумкин ва лозимлигини билдиради. Гипотезада ҳуқуқ нормасида белгиланган қоида қай шароитда ва қай ҳолатда ҳамда ким томонидан амалга оширилиши кўрсатиллади. Гипотеза ҳуқуқий норманинг бир қисми бўлиб, унда диспозицияда кўрсатилган қоиданинг кучга кириши учун зарур бўлган аниқ ҳаётий ҳолатлар (воқеа, ҳаракат, ҳодисалар) ўз ифодасини топади. Масалан, фуқаролик ҳуқуқи нормаси фуқароларнинг муомала лаёқати қайси ҳолда тўла вужудга келишини кўрсатади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 22-моддасида «Фуқаронинг тўлиқ муомала лаёқати у вояга етгач, яъни 18 ёшга етгач, тўла ҳажмда вужудга келади», деган қоида мустаҳкамланган. Яна бир мисол: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасида «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари

ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», деб қайд этилган. Биринчи мисолда қонунларнинг «вояга етган», иккинчи мисолда эса «вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар» дейилган қисми ушбу ҳуқуқ нормаларининг гипотезасидир, яъни «Қачон? Қай ҳолатларда қўлланилади?» деган саволга жавоб ифодаланган. Норманинг гипотезасида мустаҳкамланган абстракт ифодаланган ҳар бир вазият хулқ-атвор қоида-сига «ҳаётбахш» таъсир этиб, уни алоҳида даражага кўтаради. Бошқача айтганда, гипотеза юридик нормани ҳаракатга келтириш шarti ва омилидир.

Ҳуқуқ нормасининг таркибий тузилиши элементи сифатида гипотеза *оддий, мураккаб ва альтернатив* (муқобил) турларга бўлинади. Агар гипотезада бирон-бир ҳолатнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги кўрсатилиши юридик норманинг ҳаракати билан боғлиқ бўлса, у ҳолда бундай гипотеза *оддий гипотеза* деб аталади. Масалан, «Фуқаролик тўғрисида» ги қонунда баён этилганидек, «Бола, агар унинг ота-онаси у туғилиши пайтида Ўзбекистон фуқаролари бўлган бўлсалар (гипотеза), бола қаерда туғилишидан қатъи назар, Ўзбекистон фуқароси бўлади».

Агар гипотеза ҳуқуқ нормасининг ҳаракатини бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан кўпроқ ҳолатларнинг бор-йўқлигига боғлиқ қилиб қўйса, у *мураккаб гипотеза* деб аталади.

Юқорида фуқаролик тўғрисидаги қонунда баён қилинган гипотеза айнан шундайдир: «Ўзбекистон ҳудудида туғилган бола (биринчи ҳолат), фуқароликка эга бўлган шахслардан туғилган бўлса (иккинчи ҳолат), у Ўзбекистон фуқароси бўлади».

Юридик норманинг ҳаракати қонунда санаб ўтилган бир неча ҳолатлардан бирига (у ёки бунисига) боғлиқ бўлса, унда *альтернатив гипотеза* дейилади.

**Диспозиция** — ҳуқуқ нормасининг навбатдаги таркибий элементи бўлиб, унда ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади ва уларнинг бўлиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлари вариантлари кўрсатилади. Масалан, Жиноят кодексига белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ноқонуний ўтганлик учун жавобгарлик белгиланган. Бу ҳуқуқ

нормасининг диспозицияси — ҳукуматнинг рухсатисиз ёки қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиб ёки бунинг учун белгиланган чегара пункти орқали ўтмай, давлат чегарасидан ноқонуний ўтишнинг тақиқланганлигидир. Диспозиция шу хулқ-атвор қоидасининг ўзи, юридик норманинг ўзаги, мағзидир. Аммо, ҳуқуқ нормаси фақат биргина диспозициянинг ўзидан иборат бўла олмайди. Фақат гипотеза ва санкция бирликда диспозиция атрофида жамлангандагина диспозиция ҳаётий кучга эга бўлади ва ўзининг тартибга солувчи хусусиятларини намоён қилади. Диспозиция — бу ҳуқуқий хатти-ҳаракат моделидир.

Диспозицияда ҳуқуқ нормасининг гипотезасида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда ҳуқуқ субъектлари риоя этишлари лозим бўлган қоида ифодаланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бб-моддасига мувофиқ, «вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» — бунда, гипотезада кўрсатилган ҳолатлар, яъни фарзандларнинг вояга етиши ва меҳнатга лаёқатли бўлиши ҳолларининг мавжудлиги диспозициянинг амал қилишига шароит туғдиради, яъни фарзандларда ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилиш мажбуриятини вужудга келтиради.

Бажарилиши шарт бўлган ёки аксинча, ман этилган хулқ-атвор қоидаларини баён қилишнинг тўлалиги бўйича диспозициялар *оддий*, *тавсиф этувчи*, *бланкет ва ҳавола этувчи* диспозицияларга бўлинади. *Оддий диспозицияда* хатти-ҳаракат тавсифлаб берилмайди, балки барчага маълум тушунча, ибора (масалан, Жиноят кодексининг 97-моддаси «қасддан одам ўлдириш») ёрдамида таърифланади. Бу каби диспозицияларда изоҳ ва шарҳ талаб этилмайди, аммо улар қонунчилигимизда жуда кам учрайди.

*Тавсиф этувчи диспозиция* — ҳуқуқбузарлик белгиларининг тўлиқ баённи ўз ичига олади (масалан, ЖК нинг 169-моддаси: ўғрилиқ — ўзгалар мулкни яширин равишда эгаллаб олиш (қонунда, гарчанд бу мантиқан ўринли бўлмасада, талон-тарож қилиш, деб ёзилган). Бунда норма диспозицияси ҳаммага тушунарли бўлиши учун маълум бир маънода, қисқа шаклда изоҳ берилади.

*Бланкет диспозиция* ҳуқуқбузарликнинг белгиларини аниқлаш учун шу қонунда ёки қонунчиликнинг бошқа соҳалари нормаларида белги-

ланган тегишли қоидаларга ҳавола қилади. Масалан, Жиноят кодексида ёнғин хавфсизлиги, техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бу қоидаларнинг мазмуни Жиноят кодексига эмас, балки ЖКнинг моддаларини қўллашда мурожаат қилиш зарур бўлган бошқа норматив ҳужжатларда очиб берилади. «Бланкет» сўзи «бланк» ибораси асосида вужудга келган бўлиб, асл маъноси бланк тарзидаги норма мазмунини бошқа ҳуқуқий қоида воситасида тўлдириш лозимлигини англатади. Юқорида келтирилганидек, «техника хавфсизлиги қоидаларини бузганлик» ка доир жавобгарликни белгилаш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан алоҳида тасдиқланган «Техника хавфсизлиги қоидалари» деган ҳужжатни олиб, унинг қайси қоида-си кодекс нормасига қай даражада мувофиқ келишини аниқлаб, яъни шу қоида мазмуни билан Жиноят кодексининг бланкет нормаси тўлдирилиши керак бўлади. Ундан сўнг айбнинг ҳажми ва жазонинг миқдори ҳал этилиши мумкин.

*Ҳавола этувчи диспозиция* деганда, ҳуқуқбузарлик белгиларига эга бўлмаган, балки ўша қонуннинг бошқа нормасига (масалан, ЖКнинг 110-м. «Қийнаш») ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатга мурожаат этишни назарда тутувчи диспозиция ҳавола этувчи диспозиция сифатида тушунилади.

**Санкция** — юридик норманинг учинчи таркибий элементи бўлиб, у ҳуқуқий норма бузилган ёки мажбурият бажарилмаган ёхуд талаб этилган хатти-ҳаракат содир этилмаган ҳолда ҳуқуқни бузган шахсга нисбатан қўлланиладиган давлат таъсир чорасидир. Санкциянинг бундай таърифини, одатда, юридик фан, давлат ва ҳуқуқ назарияси беради. Файласуфлар, шунингдек, социологлар санкция деганда, фақатгина салбий (танбеҳ, жазо) оқибатларнигина эмас, балки ижобий (рағбатлантириш, қувватлаш) оқибатларни (шунингдек, инсоннинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хулқ-атворидан келиб чиқадиган ижобий оқибатларни) ҳам тушунадилар.

Санкция ҳуқуқ нормасининг бир қисми бўлиб, унда диспозицияда кўрсатилган талабларни бажармаганлик учун берилиши мумкин бўлган жазо ёки тавсия этилган ҳаракатни содир этганлик учун рағбатланти-

ришнинг тури ва ўлчови ифодаланган бўлади. Санкция — юридик норманинг мантикий яқунловчи қисмидир. Унда жамият, давлат, шахснинг ҳуқуқий нормани бузувчиларга нисбатан салбий муносабати ифодаланади.

Ҳуқуқий норма санкцияси — умумлашма тушунча. Ҳуқуқбузар учун бўладиган ноҳўя оқибатларнинг табиатига боғлиқ равишда у қуйидагиларни назарда тутиши мумкин:

а) жавобгарлик чоралари (озодликдан маҳрум қилиш, жарима, моддий зарарни ундириш); бу турдаги санкциялар жавобгарликка тортувчи ёхуд жазовловчи санкциялар деб аталади;

б) огоҳлантириш таъсир чоралари (ушлаб келтириш, мулкани ҳисобга олиш, жиноят содир этишда гумон қилиб ушлаш, давлат ҳокимиятининг акти ёхуд маъмурий актларни бекор қилиш, мажбурий даволаш, ўзбошимчалик билан қурилган биноларни бузиб ташлаш ва ҳоказо);

в) муҳофаза чоралари (ишчи ва хизматчиларни агар улар илгари қонунсиз ишдан бўшатиш билан бўлсалар, аввалги иш жойига қайта тиклаш, алимент ундириш ва ҳоказо), кўрсатилган чораларни тайинлаш, яъни шахсга етказилган зарарни бартараф этиш ва унинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган (бу чоралар жавобгарлик чораларидан фарқ қилиб, ҳуқуқбузар томонидан унга тегишли бўлган ва илгари ижро қилинмаган мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутди);

г) субъектга нисбатан унинг ўз хулқ-атвори оқибатида келиб чиқадиган ноҳўш оқибатлар (касалхона режимини бузиш натижасида беморнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини йўқотиши ёхуд бу ҳол узрли сабабсиз юз бериши ва ҳоказо).

Ҳуқуқий нормаларнинг санкцияларини ҳуқуқбузар учун ноҳўш бўлган оқибатларнинг ҳажми ва миқдоридан келиб чиқиб таснифлаш мақсадга мувофиқдир, бунда санкциялар уч гуруҳга ажратилади:

1) *мутлақ аниқ санкциялар*, уларда ноҳўш оқибатларнинг миқдори аниқ кўрсатилган (ходимни хизмат бурчини бажаришдан озод этиш, ишдан бўшатиш, жариманинг аниқ миқдори ва ҳоказо) бўлади;

2) *нисбий аниқ санкциялар*, буларда ноҳўш оқибатлар чегарасининг

энг озидан энг кўпигача ёхуд фақат энг кўпигача кўрсатилади. Аввало, булар Жиноят кодексининг «фалон йилдан ... фалон йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади» ёки «... йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади» шаклидаги санкцияларидир;

3) *альтернатив санкциялар*, уларда «ёки», «ёхуд» бирлаштирувчи-айирувчи боғловчилар орқали бир неча нохуш оқибатлар (жазолар) кўрсатилиб, санаб ўтилади ва ҳуқуқни қўлловчи субъект улардан фақат биттасини — ҳал этилаётган ҳолат учун энг мақсадга мувофиқ бўладиганини танлайди. Бундай санкция қуйидагича ифодаланиши мумкин: «... йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади».

Шундай қилиб, ҳуқуқ нормасининг таркибий қисмлари қуйидагиларни ўрнатади:

Гипотеза — диспозицияда кўрсатилган қоиданинг ким ва қачон, қайси шароитда бажариши лозимлигини кўрсатади; диспозиция эса — бажарилиши лозим бўлган қоида нимадан иборатлигини кўрсатади, у ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг мазмунини акс эттиради; санкция эса ҳуқуқ нормаси талабини бажармаслик оқибатларини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий нормаларнинг ҳаммасида ҳам унинг уч элементи биргаликда келавермайди. Аксарият конституциявий нормалар гипотеза ва диспозициядангина иборат. Конституциявий нормаларнинг санкцияси бошқа қонунчилик ҳужжатларида, тегишли кодексларда мустаҳкамланган бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», деган мазмундаги ҳуқуқий қоида мустаҳкамланган. Бу нормада инсонни ҳаётдан маҳрум этганлик учун қандай жазо берилиши кўрсатилмаган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида қасдан одам ўлдирганлик учун ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Айни пайтда, Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг махсус қисми, яъни ҳуқуқбузарликлар кўрсатилган қисмида жойлашган моддалар асосан диспозиция ва санкциядан иборат

(Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг махсус қисми нормаларига қаранг), уларнинг гипотезаси мазкур кодексларнинг умумий қисмида, айрим ҳолларда бошқа қонунчилик ҳужжатларида мустақамланган бўлади. Масалан, ЖКнинг 97-моддасида кўрсатилган жиноятнинг субъекти жиноят қонунчилигида белгиланган ёшга етган, ақли расо, мазкур жиноятни қасддан содир этган шахс бўлиши мумкин. Бу қоидалар ЖК нинг Умумий қисмида кўрсатиб ўтилган. Шундай қилиб, ҳуқуқ нормасининг структураси — бу унинг ўзаро мазмунан узвий боғлиқ таркибий қисмлардан иборат бўлган ички тuzилишидир.

### 3-§. Ҳуқуқ нормаларининг турлари

Ҳуқуқ нормаларининг илмий ва ўқув адабиётида турлича таснифлари ва гуруҳланишлари мавжуд. Таснифлаш деганда, мантиқан ўрганилаётган объектларни турлар бўйича маълум бир умумий мезонлар асосида гуруҳларга ажратиш тушунилади. Таснифлашнинг тўғри ва тўлароқ бўлиши, аввало, унга асос қилиб олинган мезоннинг бошқа барча белгиларини қайд этувчи унинг энг аҳамиятли жиҳатига боғлиқдир. Юридик нормаларни таснифлашнинг тўртта мезони мавжуд: 1) ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш функциялари; 2) ҳуқуқий тартибга солиш предмети; 3) ҳуқуқий тартибга солиш методи; 4) нормани ифодалаш шакли. Ҳуқуқ нормаларини, уларда мустақамланган қоидалар хусусиятига қараб қуйидагича таснифлаш мумкин:

**Ҳуқуқ ва ваколат берувчи нормалар** — яъни, ҳуқуқ субъектига қандай ҳаракатларни содир этиш мумкинлигини кўрсатувчи нормалар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига биноан, «ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбурий сингдиришга йўл қўйилмайди».

**Мажбурият юкловчи нормалар** — яъни, қандай ҳаракатларни содир этиш лозимлигини кўрсатувчи нормалар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасига биноан,

«Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар».

**Ман қилувчи нормалар** — яъни, ҳуқуқ субъектига муайян хатти-ҳаракатларни содир этишини *ман қилувчи* нормалар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида «махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади», деб кўрсатилган ва бу қоида ман этиш характериға эға.

**Рағбатлантирувчи нормалар** — ҳуқуқий муносабатлар субъектлари давлат ва жамият манфаатиға фойда келтирадиган хатти-ҳаракат вариантлари учун рағбат, имтиёз белгиловчи нормалар. Бунда ўзининг юридик ва ижтимоий бурчига виждонан, сидқидилдан ёндашган ва яхши натижаларға эришган шахслар учун рағбатлантириш чоралари белгиланади. Рағбатлантирувчи нормалар кишиларни юқори самара билан меҳнат қилиш, ижодий ва ижтимоий фаолликка ундовчи қоидалардир (масалан, Давлат мукофотлари тўғрисидаги қонун, илғорларни тақдирлаш қоидалари ва ҳоказо).

**Тавсия этувчи нормалар** — хатти-ҳаракат ва хулқ-атворнинг энг мақсадға мувофиқ, давлат нуқтаи назаридан эътиборли бўлган вариантлари белгилайди. Тавсия этувчи нормалар, одатда, нодавлат жамоат ташкилотлари, ҳиссадорлик жамиятлари, давлат корхоналари ва илмий муассасаларға йўналтирилган бўлади. Бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожланиб боргани сайин давлат хўжалик ва ҳиссадорлик уюшмаларининг ишларига камроқ аралашиб, уларға берадиган ҳуқуқий тавсияларининг салмоғи ҳам камайиб боради. Аввал императив хусусиятға эға бўлган кўплаб нормалар тобора тавсиявий мазмун касб этади.

Булардан ташқари, ҳуқуқ нормаларини бошқа қатор мезонлар асосида таснифлаш мумкин. Бунда, энг аввало, ҳуқуқ нормалари ҳуқуқ тармоқлари бўйича бўлинади ва бундай гуруҳлаш ҳуқуқ нормаларини бир тизимға келтириш ва зарур ҳолларда кодификация қилиш учун муҳимдир. Ҳуқуқий тизимдаги ўрни ва аҳамияти бўйича ҳуқуқ нормаларини таъсис этувчи, кўриқловчи, декларатив, дефинитив, коллизион ва таъминловчи нормаларға бўлиш мумкин.

**Таъсис этувчи нормалар** жамият ижтимоий-сиёсий тузумининг асо-



сини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, сиёсий ва ҳуқуқий тизимнинг асосини мустаҳкамлайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, «Ўзбекистон — суверен демократик республика, давлатнинг «Ўзбекистон», «Ўзбекистон Республикаси» деган номлари бир маънони англатади. Бунда қонуннинг матнида давлатнинг номла-ниши таъсис этилган.

**Тартибга солувчи нормалар** ижтимоий муносабат иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади. Унинг асосий хусусияти шундаки, у ижозат берувчи ва мажбурловчи хусусиятга эга, шунга мувофиқ, у ижтимоий муносабатларнинг иштирокчилари учун давлат томонидан қўриқланадиган ва кафолатланадиган ўзаро субъектив ҳуқуқлар ҳамда юридик мажбуриятлар ўрнатади. У ёки бу ижтимоий муносабатни ҳуқуқий норма қоидалари орқали мақсадли тартибга солиш натижасида бу муносабат ҳуқуқий характер касб этади, унинг иштирокчилари эса мазкур ҳуқуқий муносабатнинг субъектларига айланадилар.

**Қўриқловчи нормалар** ҳуқуқ нормалари тизимида ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, асосан жамоат тартибини сақлаш функциясини бажаришга қаратилади ва улар жамиятда ўрнатилган талаблар бузилган тақдирда юзага келади.

**Декларатив нормалар** ахборот бериш, баёнот бериш вазифасини бажаради ва қоидага кўра, ушбу нормалар дастурий аҳамият касб этади. Мазкур тоифадаги нормалар ижтимоий муносабат иштирокчиларига муайян ҳуқуқлар бериш ёки мажбуриятлар юклашдан чекланган ҳолда, фақатгина маълумот бериш билан кифояланади, холос.

**Дефинитив таъриф нормалар** ҳам бўлиб, улар ҳуқуқий категория ва тушунчаларнинг тавсифини ўзида мужассамлаштиради. Булардан масалан, жиноят қонунда — жиноят таърифи, маъмурий қонунда — маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракати таърифи, фуқаролик қонунда — битимларнинг айрим турлари таърифи ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин. Дефинитив нормалар қонунчиликдаги бирон-бир норманинг мазмунини тушунтириб беришга қаратилган бўлади. Дефинитив нормалар ҳуқуқий категория ва тушунчаларнинг тавсифини ўзида мужассамлаштиради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 34-

моддасида рецидив жиноятнинг моҳияти, таърифи очиб берилган. Дефинитив нормалар, асосан эвристик, йўналиш берувчи функцияларни бажаради.

Ҳуқуқ нормаларини ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўйича (ҳуқуқ соҳалари бўйича): конституциявий, маъмурий, молиявий, ер, фуқаролик, меҳнат, жиноят ҳуқуқи ва бошқа соҳа нормаларига бўлиш мумкин. Маълум бир ижтимоий муносабатларнинг сифат жиҳатидан бир хиллиги ва нисбий мустақиллиги уларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг махсуслиги ва маълум даражада ўзига хослигининг шартидир, булар жамланган ҳолда муайян ҳуқуқ соҳасини ташкил этади.

Ҳуқуқ нормаларини *моддий* ва *процессуал* ҳуқуқ нормаларига ажратиш ҳам кенг тарқалган. Ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмунини аниқлаб берувчи нормалар *моддий ҳуқуқ нормалари* гуруҳига қўшилади. Моддий ҳуқуқ нормалари ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва бурчлари, уларнинг ҳуқуқий ҳолати, ҳуқуқий тартибга солиш доирасини мустақкамлайди. Бошқача айтганда, улар ҳуқуқ субъектига унга қандай ҳуқуқ берилиши ва ундан нима талаб қилинишини кўрсатиб беради.

Ҳуқуқларни амалга ошириш ва мажбуриятларни бажариш, ижро этишининг тартибини, бузилган ҳуқуқни тиклаш жараёнини белгиловчи нормаларни эса *процессуал нормалар* дейилади. Масалан, Фуқаролик кодексига фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустақкамланган бўлса (яъни, моддий нормалар), бузилган ҳуқуқни тиклаш, етказилган зарарни қоплашга оид нормалар (яъни, процессуал нормалар) Фуқаролик - процессуал кодексига мустақкамланган бўлади.

Процессуал ҳуқуқий нормалар ташкилий муносабатларни тартибга солади, ҳамда соф ташкилий, расмий, бошқарув хусусиятига эга. Улар доимо моддий ҳуқуқ нормалари тартиби, шакллари ва татбиқ қилиш усуллариини белгилайди. Процессуал нормалар иккиламчи хусусият касб этади. Процессуал ҳуқуқий нормалар ҳамма вақт ҳам алоҳида соҳаларда жамланавермайди. Бу ҳол содир бўлган тақдирда ҳам, у ҳуқуқ соҳасининг маълум бир ривожланиш босқичида бўлади, яъни муваққат бўлади. Процессуал нормалар ўзига хос ҳуқуқий комплексни ҳосил

қилиб, ҳуқуқ соҳасининг маълум бир бўлиниши ташкил этилишидан вужудга келади. Ҳуқуқ нормаларида хатти-ҳаракатни шакллантиришнинг мавҳумлигига қараб, *абстракт* (мавҳум, умумий) ва *казуистик* (нисбатан конкрет) нормалар фарқланади. Муайян бир муносабат турини яхлит ҳолда тартибга соладиган нормалар абстракт (мавҳум) нормалар ҳисобланади. Бир муносабат турининг муайян бир қисмини тартибга соладиган нормаларни эса казуистик нормалар, деб юритилади. Масалан, Конституциянинг «Асосий принциплар» деб номланган 1-бўлими нормалари абстракт, умумий табиатга эга, Бу бўлимда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва сиёсий тузумининг асослари умумий тарзда мустаҳкамланган. Кейинги бўлимларда эса асосий қоидалар янада аниқроқ ифодаланиб, уларга батафсил тўхталиб ўтилган: масалан, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари (2-бўлим), давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши (5-бўлим) ва ҳоказо. Ҳуқуқ нормалари, шунингдек, *асосий* (дастлабки) ва *ҳосила* нормаларга бўлинади, биринчисида умумий характерга эга бўлган қоидалар мустаҳкамланса (масалан, қонун нормалари), иккинчисида эса, умумий қоидаларни ривожлантирувчи, аниқлаштирувчи нормалар мустаҳкамланади (масалан, қонуности норматив ҳужжатларнинг нормалари қонун нормаларини аниқлаштиради, конкретлаштиради).

Ҳуқуқ нормалари амал қилиш ҳудудига қараб, *умумий амал қилувчи*, *маҳаллий миқёсда амал қилувчи ва локал* нормаларга бўлинади. Бунда биринчиси бутун мамлакат ҳудудида амал қилса (масалан, Конституция нормалари), иккинчиси — маълум ҳудудларда амал қилиши мумкин, масалан, экологик талафот ҳудудларида, баланд тоғли шароитда, чўл зонасида, радиактив хавф мавжуд зоналарда, учинчиси — муайян соҳа вакилларининг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи нормалар (масалан, соғлиқни сақлаш, ички ишлар вазирлиги тизими билан боғлиқ) ва ҳоказо.

Ҳуқуқ нормалари субъектларига қараб, *умумий* ва *махсус* нормаларга бўлинади, бунда биринчиси ҳамма ҳуқуқ субъектлари учун тааллуқли бўлса, иккинчиси эса, аҳолининг муайян гуруҳи учун, ёки аниқ белгиланган доирадаги субъектлар, жумладан пенсионерлар, но-

гиронлар, солиқ идораси ходимларига тааллуқли бўлади. Умумий ва махсус ҳуқуқ нормалари бир-биридан умумийлик даражаси ва ҳаракат доираси билан фарқ қилади. Умумий нормалар одатда у ёки бу ҳуқуқ соҳасининг барча ҳуқуқий институтларини (жиноят ҳуқуқининг шартли ҳукм қилиш ҳақидаги, ҳукм ижросини кечиктириш, фуқаролик ҳуқуқининг даъво муддати, шартномалар ҳақидаги институтлари ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Бу нормалар ҳуқуқ соҳасининг умумий қисмига жамланади ва тармоқ объектларини тартибга солади. Улардан фарқ қилиб махсус нормалар у ёки бу ҳуқуқ соҳаси манбаларининг институтларига тегишли бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг маълум бир турини тартибга солади. Махсус нормалар умумий кўрсатмаларни батафсил ҳолга келтиради, уларни амалда татбиқ этишнинг замон ва макондаги шартларини муайянлаштиради, шахснинг хулқ-атворига ҳуқуқий таъсир этишга қаратилган бўлади. Шу туфайли, улар ҳуқуқнинг умумий нормалари бетўхтов ва изчил татбиқ этилишини таъминлайди. Махсус нормалар йиғиндиси у ёки бу ҳуқуқий соҳанинг махсус қисмини ташкил этади.

Махсус нормаларга қуйидагилар мисол бўлади: олди-сотди, ҳадя, пудрат, капитал қурилиш ва фуқаролик ҳуқуқининг бошқа битимлари ҳақидаги нормалар; жиноят ҳуқуқида — безорилик, босқинчилик, ўғрилик ва ҳоказо жиноят таркиблари учун белгиланган жавобгарлик ҳақидаги нормалар.

Ҳуқуқий тартибга солиш услубига қараб, ҳуқуқ нормаларини **императив ва диспозитив** нормалар гуруҳига бўлиш мумкин. *Императив нормалар* давлат амри хусусиятига эга бўлиб, хатти-ҳаракат субъектига белгиланган ҳаракат моделидан четга чиқишни ман этади, масалан, кўпгина жинойий-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий нормалар шундай мазмундадир. Императив нормалар қатъий-мажбурий аҳамиятга эга бўлиб, ҳокимият муносабатларини, яъни бўйсунуш ва итоат этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади (масалан, ЖКнинг Махсус қисми нормалари императив аҳамиятга эга).

*Диспозитив нормалар* императив нормалардан фарқли ўлароқ, муносабат қатнашчиларига ўз хатти-ҳаракатлари вариантлари, субъектив


хуқуқ ва мажбуриятлар ҳажми тўғрисида келишиб олиш имконини ифодалайди.

Диспозитив нормалар — хулқ-атвор варианты ҳақида кўрсатма бериш билан бирга субъектларга қонуний воситалар доирасидаги муносабатларни ўз хоҳишича тартибга солиш имконини беради. Бундай кенг ҳуқуқий мустақилликнинг (муносабат қатнашчиларига бериладиган) моҳияти шундаки, бунда томонларга ўзаро хуқуқ ва мажбуриятлар ҳақида келишиб олиш имкони берилади, у ҳолат юз бермаган тақдирда, маълум бир мажбурий хулқ-атвор қоидаси қўлланилади. Бу диспозитив нормалар баён қилинишининг ўзига хослигини ҳам шарт қилиб кўяди. Бу турдаги маълум бир хулқ-атвор қоидасининг баёни, одатда, қуйидаги сўзлар билан «агар бошқа қонунда ё шартномада кўзда тутилмаган, белгиланмаган бўлса...», деб ифодаланади.

Шундай қилиб, хуқуқ субъектларининг мустақиллиги ўз хоҳишига кўра иш кўришга оид уларга берилган имкониятда намоён бўлади.

Диспозитив нормалар хуқуқнинг кўпгина соҳаларида мавжуд. Масалан, меҳнат хуқуқида ўрнатилган нормага кўра: агар меҳнат шартномаси тугаганидан кейин ҳам меҳнат муносабатлари давом этаётган ва томонлардан бирортаси уни тўхтатишни талаб қилмаган бўлса, бу ҳолда шартнома ҳаракати номаълум муддатга узайтирилган ҳисобланади. Диспозитив нормалар кўпроқ фуқаролик хуқуқига хосдир, чунки бу соҳани хуқуқий тартибга солиш услуби субъектларнинг тенглиги тамойилига асосланади. Ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида бирон-бир муносабат бир эмас, балки бир неча хуқуқий нормалар таъсири объекти бўлиб қолиши мумкин ва бу вазиятда ўша нормаларнинг қайси бири билан ушбу муносабатни тартибга солиш масаласи зиддиятли бўлиб қолади. Бу ҳолатни ҳал этиш учун танланган нормалар + — **коллизия нормалар**, яъни бир-бирига қарама-қарши нормалар ҳисобланади. Шу боис *коллизия нормалар* «ҳакам — норма» деб юритилади. Масалан, биронта муносабат қонун нормаси ва ҳукумат қарори билан турлича тартибга солинадиган бўлса, у ҳолда ушбу муносабат юридик кучи юқори бўлган норма, яъни қонун нормаси билан тартибга солинади.

**Хуқуқ нормаларининг таснифи**



## **XIII Б О Б**

### **ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ**

#### **1-§. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият — ижтимоий онг тизимида**

Ҳуқуқ маънавий ҳаёт ҳодисаси сифатида ижтимоий онг соҳасига мансубдир. Ҳуқуқ, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш фаолияти ва бошқа юридик ҳодисаларга ўзига хос умумбашарий маданият ютуғи сифатида қараш мумкин бўлиб, уларни ифодалаш учун ҳуқуқшуносликка махсус тушунча киритилган. «Ҳуқуқий онг» категорияси ҳуқуқий воқеликнинг алоҳида ўлчовини ифода этувчи ана шундай тушунча сифатида хизмат қилади.

Ҳуқуқий онг жамият ва давлатда серқирра ҳаётий жараёнларнинг барчасини тартибга солишга фаол таъсир кўрсатади, оммани бунёдкорлик ишларига сафарбар этади, жамоат тартибини сақлаш ва мустақамлашга кўмаклашади. Жамият ҳуқуқий онгининг юқорилиги, фуқароларнинг қонунга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши демократик давлатнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизим самарали амал қилишининг гаровидир.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онг турларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий онгнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, одамлар улар ёрдамида атроф-табиатни, жамиятни англайдилар. Сиёсий, ахлоқий (маънавий), эстетик, этик, диний, ҳуқуқий онг мавжуд. Аммо реал ҳаётда кўпгина вазиятларга, шарт-шароитларга фақатгина ҳуқуқ, мажбурият, масъулият нуқтаи назаридан қаралади. Бу жиҳатлар ҳуқуқий онгда ўз инъикосини топади.

Ҳуқуқий онг, биринчи навбатда, ҳуқуқни, одамларнинг ҳам амалдаги, ҳам идеалдаги ҳуқуққа нисбатан муносабатини ифода этувчи тасаввурлар ва ҳис-туйғулар йиғиндисидир. Ҳуқуқий онг жамият аъзоларининг ҳуқуқ ҳақидаги, ижтимоий ҳаётда реал мавжуд бўладиган ҳуқуқий ҳодисалар ҳақидаги қарашлари, тасаввурлари, ҳиссиётлари, баҳолашлари, руҳий муносабатлари йиғиндисидир. Шу нуқтаи назардан мустақиллик йилларида Ўзбекистонда шаклланган ҳуқуқий онгнинг

табиати ва моҳиятига ёндашиладиган бўлса, унинг мазмунида жамиятда қарор топаётган демократик ҳуқуқий қадриятлар ва тамойиллар, ҳуқуқий тизимдаги ислоҳотлар ва модернизациялаш жараёнлари хусусидаги фуқароларнинг қарашлари, тасаввурлари, ҳиссиётлари, руҳий кечинмалари мажмуи акс этади. Ҳуқуқий онг ҳуқуқ билан умумий табиатга эга. Ҳуқуқий онг жамиятнинг объектив эҳтиёжлари ва манфаатлари, турли ижтимоий гуруҳларнинг таъсири остида шаклланади; ўзгариб боровчи ҳаётий шарт-шароитлар ва жараёнлар таъсири остида жўшқин ривожланади; ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлганлиги боис фалсафий, мафкуравий ва сиёсий қарашларнинг таъсирига учрайди.

Онгдаги (индивидуал онгдаги, гуруҳ онгидаги ва ҳоказо) ҳаётий шарт-шароитлар, эҳтиёжлар, манфаатлар билан зарур ёки амалда бўлган юридик ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ўзаро нисбати — ҳуқуқий онгнинг хусусият — белгисидир. Ҳуқуқ тўғрисидаги ғоялар, тасаввурлар бундай нисбатнинг натижаси ҳисобланади. Инсон — ҳеч бир фаолиятини индивиднинг онгидан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Демакки, бирор-бир ҳуқуқий ҳужжат, бирорта юридик муносабат ҳуқуқий психология ва ҳуқуқий мафкурадан ташқари амалга ошмайди.

Ҳуқуқий онг фалсафий назариялар, мафкуравий қарашлар, диний доктриналар билан чамбарчас боғлиқдир. Айрим мутафаккирларнинг фикрича, ҳуқуқ нормалари, улар бажарилишининг шартлиги ва мажбурийлиги комил инсонлар онгининг бир қисми бўлиши керак, шунинг учун ҳуқуқ маънавий ҳодиса ҳисобланади (Ал-Фаробий). Бошқа алломалар эса ҳуқуқнинг мажбурийлигини инсон эркинлигини тартибга солишнинг ташқи воситаси эканлигини таъкидлайдилар (И. Кант, Г.Гегель). Учинчи гуруҳ вакиллари эса ҳуқуқни ижтимоий муносабатларнинг синфий тартибга солувчи восита деб тушунганлар (К.Маркс, В.И.Ленин). Яна бир тоифа мутафаккирлар ҳуқуқни инсон табиий ҳуқуқларининг расмийлаштирувчи восита ва кафолати, деб эътироф этганлар (Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссо).

Ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир этиш механизмини аниқлаштиришда «ҳуқуқий маданият» категорияси алоҳида роль ўйнайди. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий онг билан узвий боғлиқ бўлиб, уни инсон, инсон онги ва фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди.



Ҳуқуқий онгнинг жамият ҳаётини ташкил этишга кўрсатадиган таъсири беқийёсдир. Зикр этилган таъсирни ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш воситаларидан бири сифатида ҳуқуқий онгни ҳуқуқий тартибга солиш механизмига киритилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Унинг ҳуқуқий тартибга солиш механизми таркибий қисми эканлигининг хусусияти шундан иборатки, ҳуқуқий онгнинг роли ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бирор-бир босқичи билан чекланмаган. Ҳуқуқий онг ҳуқуқ ижодкорлиги босқичида ҳам, ҳуқуқни амалга ошириш босқичида ҳам амал қилади. Ҳуқуқий онг ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг барча элементларида — ҳуқуқ нормаларида, ҳуқуқий муносабатларда, ҳуқуқни рўёбга чиқаришга доир ҳужжатларда у ёки бу даражада намоён бўлади.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқни амалга ошириш босқичида юридик ҳуқуқлар ва мажбуриятларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида айниқса яққол кўзга ташланади. Кишилар ҳаёти шуни кўрсатадики, онг, фикр, ирода кучи, турмуш тарзи ҳақиқатан ҳам одамларнинг хулқ-атворини бошқаради, у турмушнинг барча соҳаларида, шу жумладан, ҳуқуқий соҳаларида одамларнинг хатти-ҳаракатлари ҳамда фаолиятига туртки беради ва уларни тартибга солади.

Юридик адабиётларда қўлланиладиган «ҳуқуқнинг легитимлиги» деган атама ҳуқуқнинг амалдаги тизимини мамлакат аҳолисининг аксарият қисми тан олишини англатади. Қонунга риоя этишни англатувчи «ҳуқуқий онгнинг мўътадиллиги» (лоялиги) деган атама истеъмомга кириб бормоқда. Ҳуқуқий онгнинг мўътадиллиги дейилганида унинг сифат тавсифи, айрим элементлари жамият ҳуқуқий ҳаёти иштирокчилари хулқ-атворининг қонуний бўлишини, улар ўз субъектив ҳуқуқларидан фаол фойдаланиши ва уни ҳимоя қилишини, зиммадаги мажбуриятларни онгли равишда бажаришини, ҳуқуқий фаолиятни ижтимоий назорат қилишда иштирок этишини таъминловчи хусусиятлари тушунилади. Қонун устуворлигини тан олиш, қонунга итоат қилиш юксак ҳуқуқий онгнинг хусусияти ва ёрқин ифодасидир.

Ҳуқуқий фаолиятни қадрият сифатидаги англаниши таъсири остида шахснинг муайян ҳаракат тарзига мойиллиги юзага келади. Бинобарин, ҳуқуқий онг нафақат юридик воқеликни, одамларнинг ҳуқуқ

соҳасидаги хулқ-атворини ифодалайди, балки хулқ-атворни тартибга солишда, шунингдек ижтимоий ҳаётнинг объектив жиҳатдан ҳуқуқий меъёрлашга муҳтож бўлган муносабатларини белгилашда ҳам иштирок қилади. Шу маънода ҳуқуқий онг ҳуқуқнинг ғоявий манбаидир.

Фуқароларнинг юксак ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий фаоллиги маърифий жамиятда ҳуқуқ устуворлигининг, ҳуқуқий давлатнинг пойдеворидир. Фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш — ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашнинг зарурий талабидир.

Ҳуқуқий онг суст ривожланган бўлса, жамият ва унинг институтлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализм ана шундай салбий кўринишларнинг шакллари. Мана шу икки кўриниш ҳуқуқий онгни ўрганиш учун ниҳоятда муҳимдир, зеро, бўлғуси амалиётчи юрист ҳуқуқий нормалар ва талабларни амалга ошириш жараёнида жиддий роль ўйнайдиган мазкур ҳодисаларга дуч келиши табиий.

## 2-§. Ҳуқуқий онг тушунчаси ва тузилиши

Жамият ҳаётининг жадал ва жўшқин ривожланишида ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш йўли билан уларга уюшқоқлик ва батартиблик бахш этади. Ҳуқуқнинг муносабатларни тартибга солишдаги таъсир йўналиши ўта кўп қирралидир. У бир томондан, мажбур ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлайди ва барқарорлаштиради, иккинчи томондан, ҳаётда энди вужудга келаётган янги муносабатларнинг ривожига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Ижтимоий ҳаёт ривожига халақит берувчи, яъни ижтимоий муносабатлар учун номақбул бўлган ҳодисаларнинг олдини олишда ҳам ҳуқуқнинг аҳамияти катта.

**Ҳуқуқ** — эркинлик меъёрини белгилаб ёки чегаралаб, мажбурият юклаб ва аниқлаб, кишилар фаолиятини ижобий йўналтириш учун уларнинг феъли-атворига фаол таъсир кўрсатади. Ҳуқуқнинг тартибга солувчи хусусияти, унинг киши онгига таъсири орқали юзага чиқади. Ҳуқуқий талаблар дастлаб онгда акс этиб, шахс томонидан англаб

етилади, тушунилади ва рухан ўзлаштирилади, инсоннинг ҳуқуққа муносабатини белгиловчи таассуроти ва эътиқоди мураккаб билимлар натижасида шаклланади.

Ҳуқуқ ижтимоий ҳодиса сифатида онгдан ташқарида мавжуд бўла олмайди. У ҳақиқий воқеликнинг бошқа барча ҳодисалари каби, жамият онгида акс этиб, нафақат унинг инъикоси, балки билиш қуроли ёки усулига айланади. Ушбу мураккаб руҳий соҳада кечадиган фикрлаш ва тафаккур жараёни ҳуқуқий ҳақиқатнинг онгдаги аксини тушуниб етиш ва ҳуқуқ ҳақидаги билимларни шакллантириш билан боғлиқ. Ҳуқуқ ва онг ўртасида вужудга келадиган узвийликни назарда тутиб, аввало, ҳуқуқий онг тушунчасини ойдинлаштириб олиш лозим.

**Ҳуқуқий онг** деганда, кишиларнинг ҳуқуқ ҳақида тушунча ва билимларга эга бўлиши, шунингдек ҳуқуқ борасидаги тасаввурларнинг инсон онгида акс этиши тушунилади.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онг шаклларида биридир. Демак, у онгнинг ягона шакли эмас. Ҳаётнинг соҳалари ғоят хилма-хил бўлиб, уларнинг ҳар бири жамият ижтимоий онгида диний, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва бошқа аниқ шаклларда намоён бўлади. Ўрганадиган соҳасининг ўзига хослиги, алоҳидалигидан қатъи назар, ижтимоий онгнинг ҳар бир шакли бошқа шакллар билан узвий алоқада ривожланади. Гоҳо, ижтимоий онгнинг ҳар хил шакллари ўртасидаги ўзаро уйғунлик ҳолати муайян қийинчиликлар туғдиради ва уларни ажратиш осон бўлмайди.

Ҳамма биладиган — «Ўлдирма!», «Ўғирлама!» каби диний ақидалар ўзининг юксак ахлоқий талаб эканлиги билан ажралиб туради. Аммо шу талабларнинг ўзи ижтимоий онгнинг ахлоқий шакли тарзида кўринади.

Ҳуқуқда тақиқланган ўғирлик, жамоат мулкани талон-тарож қилиш ёки одам ўлдириш учун жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик ўзининг табиати билан ўша ахлоқий талабнинг намоён бўлиши ёки тимсоли эмасми? Яхшилик ва ёмонлик билан боғлиқ ҳодисаларни тушуниш жамият онгининг ҳар хил шакл ва даражаларида ҳамда юқори мураккаб ўзаро диалектик алоқадорликда намоён бўлади. Шу билан бир вақтда, уларнинг ҳар бири ижтимоий онгнинг алоҳида соҳасида ҳуқуқ ва ҳуқуқий

воқеликнинг хилма-хил ҳодисалари билан узвий боғлиқдир. Онгнинг бу шаклини ҳуқуқсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, ҳуқуқни ҳам ҳуқуқий онгсиз ақлга сиғдириб бўлмайди. Бири иккинчисидан келиб чиқади, биридан олдин иккинчиси юз берган бўлади, чунки бир ҳолда ҳуқуқ ҳуқуқий онгнинг ривожига ёрдам берса, бошқа ҳолда бунинг акси бўлиб, ҳуқуқий онг ҳуқуқнинг ривожига, унинг такомиллашувига кўмаклашади ва амалга киритилишини таъминлайди. Аммо, улар ўртасидаги мавжуд боғлиқлик, уларнинг ҳар бири инсон хулқ-атворида таъсир қилишига қарамай, ҳуқуқ ва ҳуқуқий онгни бир-бирига ўхшатиш учун асос бўла олмайди. Уларнинг ҳар бири алоҳида ҳуқуқий ҳодиса сифатида кишилар муносабатига таъсир этиши билан фарқ қилади. Масалан, ҳуқуқнинг кишилар муносабатига таъсирининг ўзига хослиги шундаки, унинг меъерий қоидалари умуммажбурий хусусиятга эга. Бу — ҳар ким ҳуқуқий талабга бўйсунмишга мажбур деганидир. Бўйсунмаслик ҳодисаси эса ҳуқуқий жавобгарлик билан боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқий онгга келганда, унинг тартибга солувчи таъсир кучи бошқа шаклда амалга оширилади. Гап шундаки, ҳар бир ҳуқуқий кўрсатма ҳуқуқий онг соҳаси орқали ўтганидан сўнггина, аниқ феъл-атворда ёки қилмишда амалга ошади.

Ҳуқуқий ирода, талаб ҳамма вақт, *шахснинг* онгига йўналтирилган бўлади. Чунки одилликнинг таъсир кучи шахсга қаратилган буйруқни инсон томонидан англаб олиб, қабул қилинишига мўлжалланган. Инсон ҳуқуқий ахборотни англаб қабул қилиш, руҳан тушуниб етишдек мураккаб жараёнга дуч келади. Ахир, ҳуқуқий онг, моҳияти бўйича ўзига хос «лабораторияни» ташкил қилади, унда ҳуқуқий ахборотни ўзлаштириш ва қабул қилиб олиш билан боғлиқ мураккаб жараён кечади. Ҳуқуқий онгнинг билиб олиш вазифаси, ҳуқуқий талабга нисбатан, ўзининг феъл-атвор *йўлини* ишлаб чиқишдаги баҳолаш фикри ёки мулоҳазасига айланади. Бошқача айтганда, мия ички фикрлаш функциясининг бутун жараёни инсоннинг ўзини-ўзи бошқариши, ўзини ўзи назорат қилишига, унинг феъл-атвор хусусиятини аниқлашга ёрдам беради. Ҳуқуқий талабни тушунишда, ҳуқуқий билим даражаси, адлия соҳасидан хабардорлиги, умумий ва ҳуқуқий маданиятнинг савияси шубҳасиз катта аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқ — қандай феъл-атвор

шаклида (қонуний ёки қонунсиз) амалга оширилмасин, у барча ҳолларда, аввало, инсоннинг онгига қаратилган бўлиб, у орқали феъл-атворни тартибга солишга таъсир кўрсатилади. Ҳуқуқ ва ҳуқуқий онгнинг юқоридагидек ўзаро таъсирида, шу мураккаб ижтимоий ҳодисанинг ижтимоий муносабатларга таъсир кучи ва тартибга солувчи таъсирининг моҳияти намоён бўлади. Ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг шундай соҳасики, у тушунча, таассурот, баҳолаш, фикр юритиш каби жараёнларни ўз ичига олувчи ҳуқуқий меъёрларни шакллантириш билан бирга ҳуқуқий тизимнинг хилма-хил қисмлари (судья, ҳакамлар иши, жазо бериш ҳуқуқи, ички ишлар органлари хизмати, нотариал идоралар, прокуратура ва бошқа кўп соҳалар) борасида тушунчаларни юзага келтиради.

Пировардида одамлар хулқ-атвори тамойилига сингиб кетадиган, хилма-хил ҳуқуқий ҳодисаларга жамият аъзоларининг муносабати, ҳуқуқ тўғрисидаги тушунчаси, ҳуқуқий билими — юқорида зикр этилган тарзда шаклланади.

Мураккаб руҳий ҳодиса бўлган ҳуқуқий онг икки қисмга: *ҳуқуқий мафкура* ва *ҳуқуқий руҳиятга* ажратилади. Бу категорияларнинг ҳар қайсисида ҳуқуқий ҳодисалар ўзига хос аксини топади. Масалан, улардан бирида, ҳуқуқий ҳодисалар илмий тушуниб етилган мафкура кўринишида акс этса, иккинчисида эса, ҳуқуқий ҳодисанинг таркибий қисмлари, хилма-хил ҳис қилиш, кайфият ва ҳолатлар шаклида намоён бўлади.

Ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий руҳиятларнинг ўзига хослиги улардаги мавжуд умумийлик ва ўзаро таъсирни мутлақо инкор этмайди. Чунки улар бир-бири билан чамбарчас боғлангандир. Уларнинг бири иккинчисини тўлдиреди, бири иккинчисидан келиб чиқади, шу тариқа ҳуқуқий воқелик тўғрисида илмий асосланган, ҳиссий тушуниб етилган, мураккаб йўлни ўтган тушунча ҳосил қилинади.

Ҳуқуқий онг руҳий жиҳатининг бойлиги, унинг одамлар хулқ-атворида, уларнинг ҳуқуққа муносабатига таъсири унга муайян куч бағишлайди.

**Ҳуқуқий мафкура** — ҳар хил ҳуқуқий ҳодисалар ҳақидаги нуқтаи назар, тушунча, ғоя ва қарашларнинг илмий умумлаштирилган тизи-

мидан иборат. Ҳуқуқий онгининг ҳуқуқий мафкура қисмида акс этган ҳуқуқий ҳодисалар ҳуқуққа бағишланган махсус назарий изланишларда ўз ривожини топиб, илмий даражада англаб етилади.

Бундай илмий асарларнинг мазмуни одамлар маънавий мулкига айланиб, уларнинг онгига аниқ ҳуқуқий билимларни, мулоҳазаларни, эътиқод ва кайфиятни олиб киради. Инсоннинг онгидаги ҳуқуқни англаш жараёни, юқорида зикр этганимиздек ёки шунга яқинроқ тарзда кечади. Инсон ҳуқуқий онги орқали ҳуқуқни англаш билан уни қўллаш жараёнида, суд ишларида, қонунийлик ва қонун тўғрисида ахборот олинади. Шундай ахборот асосида ҳуқуқий маданият даражаси юксалади, инсоннинг ҳуқуқий билими ривожланади ва теранлашади. Инсоннинг ҳуқуқий феъл-атвори қандайлиги, пировардида, унинг ҳуқуқий маданияти даражасига, ҳуқуқий билимининг кенглиги ва теранлигига боғлиқдир. Ҳуқуқий мафкура — шахснинг ҳуқуқий онгини илмий асосда шакллантира бориб, ҳуқуққа, инсоннинг унга бўлган муносабатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

**Ҳуқуқий руҳият** — онг доирасидаги ҳуқуқий ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда, онгда юзага келадиган ва унга сингиб кетган ҳис-туйғу, кечинмалар соҳасини ифодалайди. Ҳуқуқий руҳият — ҳуқуқий ҳодисаларни ҳиссиёт билан тиклаш соҳасидир. Инсон ҳиссиз, ўйламай ўз-ўзидан фикр юритадиган машина эмас, балки у фикр юритиш билан бирга сезадиган тирик зотдир. Шунинг учун, инсон ижтимоий ҳодисалар ва шу жумладан ҳуқуқий ҳодисаларни ҳам нафақат ақл, балки сезги билан ҳам англаб етади.

Ҳуқуқий ҳодисаларни тушуниб етиш жараёни инсоннинг иштирокисиз ривожлана олмайди, шу сабабли унда табиий тарзда ғоявий ва ҳиссий жараёнлар қўшилиб кетади. Масалан, лойиҳалаштирилаётган қонуннинг мазмуни билан шунчаки танишиб чиқиш, шахсда ҳар хил ҳаяжонланишни (шодланиш ва қаноатланиш, англашилмовчилик ва ачиниш, хафа бўлиш кайфиятини) келтириб чиқаради ёки унинг тўлқинланишига олиб келади. Инсон ўзининг руҳий ҳолатига кўра ҳуқуқни менсимаслик, ноқонунийлик, зулм ва инсон эркини камситиш билан боғлиқ салбий ҳуқуқий воқеликларга бефарқ, лоқайд қарай олмайди. Унинг ҳуқуқий кечинмалари ва кайфияти қаҳр-ғазаб ва норо-

зилик кўринишларида намоён бўлиб, ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётнинг салбий ҳодисаларига танқидий қараш учун руҳий асосни вужудга келтириб, инсонпарварлик ғоялари негизда инсонда қайта яратиш, бунёдкорликка интилиш ҳиссини келтириб чиқаради.

Ҳар қандай билимнинг ҳуқуқий онг доирасида шаклланиши идрок этиш жараёнини теранлаштира бориб, улар акс эттирган ҳодисаларни ўзлаштиришда ҳиссий тус олади. Ҳуқуқни такомиллаштиришда инсоннинг худди шу ҳиссиёти (буни эслатиб ўтиш жоиз) олдинги ўринлардан бирида туради. Жамиятда ижтимоий адолатга эришишга қаратилган ва ҳиссий тус берилган талаблар кучига ишониш учун қулликни бекор қилиш, табақавий имтиёз ва чеклаш, ирқий камситишга йўл қўймаслик, қонун олдида ҳамма фуқароларнинг конституциявий тенглигини тан олиш кабиларни эслашнинг ўзи кифоя. Ҳуқуқий онг соҳасида кечадиган фикрлаш жараёни одамлар талаби ва манфаатини ифода этувчи инсон ҳиссиёти билан йўғрилган ёки шу ҳиссиётдан тузилган. Ҳуқуқий онг соҳасида вужудга келадиган ҳуқуқий ғоялар, тушунчалар ва таассуротлар, ақл ва сезгининг шундай ноаниқ чалкашиб кетиши оқибатида, инсон феъл-атворини тартибга солишда катта таъсирчан кучга эга бўлади. Шунинг учун, ҳуқуқий онгни ўрганишга катта аҳамият берилади.

Ҳуқуқий онгнинг тузилишини таҳлил қилиш, бир томондан, ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий руҳият каби унинг табиий таркибий қисмларининг ўзаро таъсири табиати ва ўзаро нисбатини очади, бошқа томондан, ижтимоий ҳаётда бугун ҳодиса сифатида унинг вазифасини очиб беришга ёрдамлашади.

Ҳуқуқий фан ҳуқуқий онг соҳасини ижтимоий ва шахсий турларга ажратади. Аммо бу чегаралаш, улар ўртасидаги ўзаро диалектик боғлиқликни мутлақо инкор этмайди. Ҳуқуқий онг ҳар бир турининг нисбатан мустақиллигини тан олган ҳолда, уларга хос хусусиятларни очадиган ҳуқуқнинг умумий назарияси уларнинг ҳар иккиси ҳам жамият маҳсули бўлганлиги учун улар бирлигини ягона ижтимоий ҳодиса сифатида тан олишдан келиб чиқади. Ижтимоий онг ҳуқуқий онгнинг янада юқорироқ даражаси ҳисобланади, чунки унда ҳуқуқий воқеликка хос бўлган барча хусусиятлар мужассам. Унинг мазмуни ҳуқуқни

билиш ва ҳаётга татбиқ қилишда инсон тафаккурининг ижодий ютуқлари ва ижтимоий-ҳуқуқий амалиёти билан суғорилган.

Шахсий ҳуқуқий онгга келсак, у ўз мазмунига кўра катта ҳажмли ва кенг эмас. Бундан ташқари, у ҳуқуқий тафаккур тарихида тўплангани учун, ҳуқуқий билимлар йиғиндисини қамрай олмайди. Шахсий ҳуқуқий онг билиш имкониятлари жиҳатидан бир қадар чекланган. Ҳаммага маълумки, ҳар бир инсоннинг ҳаёти алоҳидадир. Бир шахсда ҳуқуқий билим олиш имконияти катта бўлса, бошқасида камроқ. Биринчисининг ҳуқуқий онги даражаси юқори бўлса, иккинчисиники — паст. Шунинг оқибатида, шахсий ҳуқуқий онг ҳар хил ривожланиш даражасига эга. Ҳуқуқий онг маълум даражада жамият аъзоларининг ҳуқуқий маълумотларига ҳам боғлиқдир. Шунга кўра, фуқароларнинг ҳуқуқий маданият даражасини кўтаришга кўмак берадиган ҳуқуқий ахборот тизимини ташкил қилиш масаласи алоҳида амалий аҳамият касб этади. Ҳуқуқий маданият даражасига қараб, *ҳуқуқий онг турлари* учга ажратилади: *оддий, илмий ва касбий*. Оддий ҳуқуқий онг, одатда, ўз-ўзидан вужудга келади ва инсоннинг шахсий тажрибаси ва ҳуқуқий ҳодисалар билан боғлиқ бўлган ҳаётий вазиятлар ҳақидаги тушунчаси билан белгиланади. Бунга унинг ишга жойлашув пайти ёки олий ўқув юртига кириш қоидалари ёхуд йўл қоидасини бузгани учун жавобгарлиги ҳақидаги билимлар мисол бўла олади.

Шахсий тажриба, кундалик ҳаёт доирасида кечиб, тор бўлганлиги сабабли ҳуқуқий онг жуда чегаралангандир. Ҳуқуқий онг бизни ўраб турган борлиқ ҳақидаги оддий тушунчалар чегарасида муттасил қола олмайди ва доимо ривожлана бориб, табиий ижтимоий қонуниятлар даражасига чиқади, шу билан назарий, илмий тушунчага айланади.

Илмий ҳуқуқий онг ижтимоий-ҳуқуқий ҳақиқатни у ёки бу даражада тўғри акс эттирувчи билимлар тизимини ўз ичига олади. Илмий ҳуқуқий онг ҳуқуқни ижод қилиш фаолиятининг биринчи даражали манбаи бўлгани учун ҳуқуқий амалиётни такомиллаштиради. Унда ҳуқуқий назария ва ҳуқуқий ғоялар, тасаввурлар ва тушунчалар тизими билан бир қаторда, ҳуқуқшуносларнинг касбий ҳуқуқий онги ҳам ажратилади.

Ҳуқуқшунослар ҳуқуқий онг жиҳатидан қонунга бўйсунувчи фуқа-



роларнинг ҳуқуқий мулоҳазаларидан ўзларининг ҳуқуқий меъёр ва нуқтаи назарлари, билимининг теранлиги ҳамда катта ҳажми ва энг муҳими, ҳуқуқ қоидалари ва меъёрларини қўллашни билишлари билан фарқ қиладилар. Ҳуқуқшунослар ҳуқуққа, шунингдек унинг амалда қўлланилишига касбий малака билан ёндашадилар. Бу қонунчилик билан юқори даражада мос келиш, ҳуқуқни қўллаш фойдалилиги ва уни чуқур тушуниш зарурлигини назарда тутати. Касбий ҳуқуқий онг ҳуқуқий олий ўқув юртларида таълим олиш натижасида шаклланади, сўнгра ҳуқуқий амалиёт жараёнида сайқалланади.

Ҳуқуқшунос-олимлар **ҳуқуқий онг функциялари** масаласини ҳам кўриб чиқадилар ва ҳуқуқий онгнинг ахборот олиш, баҳолаш ва тартибга солиш функцияларини кўрсатадилар. **Ахборот олиш функцияси** жамият барча аъзоларининг турли шаклдаги ҳуқуқий билимларга эга бўлишида намоён бўлади. Ҳуқуқий онгнинг ахборот олиш функцияси кетма-кет пайдо бўлувчи руҳий ҳодисалардан тузилган: *биринчидан*, у асосан сезиш, эшитиш ва кўришдан вужудга келади; *иккинчидан*, қабул қилиш, хотира, эсда сақлаш, хотирадагиларни қайта тиклаш, таниш жараёнлари воситасида ҳуқуққа оид билимларни тўплайди ва уларни ҳар хил ҳуқуқий тасаввурлар шаклида ифода этади; *учинчидан*, тафаккур олий даражадаги билиш жараёни ҳисобланиб, ҳуқуқий ғоялар, тушунча ва эътиқодлар унинг маҳсулидир.

**Баҳолаш функцияси** ҳуқуқий онгнинг ўсиши натижасида инсонларнинг ҳуқуқий ва ҳуқуққа зид бўлган кўринишларни бир-биридан ажрата олишига эришишига хизмат қилади.

**Тартибга солиш функцияси** эса, шахсларнинг юқори даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлиши, уларни ҳуқуққа асосланган ҳолда ҳаракат қилишларини таъминлайди.

Айрим адабиётларда ҳуқуқий онгнинг гносеологик, бошқарув ва ҳуқуқий шакллантириш функциялари алоҳида шаклда ажратиб кўрсатилади<sup>1</sup>.

**Гносеологик функция** объектив борлиқдаги мавжуд ҳуқуқий ҳолатларни билишни тавсиф этади. Бошқарув — ўз феъл-атворини ҳуқуқ

<sup>1</sup> Саидов А.Х., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2001. 327-б.

талаблари билан қиёслаш воситасида ўз хатти-ҳаракатларини ўзгартиришидир.

**Ҳуқуқий онгнинг ўзини бошқариш функцияси** инсон орзу-интилишларини оқилона рўёбга чиқариш ҳуқуқий онгнинг амалий томони ҳисобланиб, у ирода орқали амалга оширилади. У ҳуқуқий билимларни аниқлаш, ички туйғулар билан мавжуд ҳуқуқий эътиқодлар, мавжуд объектив борлиқ, жамиятда амал қилаётган ҳуқуқий нормаларни мувофиқлаштириш, мақсадни аниқлаш, қарор қабул қилиш ва қарорни ижро этиш кабиларни ўз ичига олади. Ҳуқуқий онг қабул қилаётган ҳуқуқий ахборотни «қайта ишлаш» ва ўзлаштиришда инсон феъл-атворини бошқарувчи мураккаб механизмлар муҳим ўрин эгаллайди, у манфаатни англаш, мақсадни аниқлаш, асослар тизими ва истагини намоён этиш каби ҳолатларни ўз ичига олади.

**Ҳуқуқий онгнинг шакллантириш функцияси** — ўз хулқи хатти-ҳаракатларини шакллантириш, уюштириш, ташкил этишдан иборат бўлиб, у жуда муҳим ҳисобланади.

### 3-§. Ҳуқуқий тарбия ва уни амалга ошириш усуллари

Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданият соҳасида илмий фаолиятни ўрганиш тадқиқотчилар учун анъанавий тусга айланди. Яъни, ҳуқуқий тарбия масаласи кўпгина олимлар илмий тадқиқот ишларининг объекти сифатида хизмат қилган ва хизмат қилмоқда. Ҳақиқатда ҳам айни вақтда ушбу масала мамлакатимизнинг ривожланишидаги асосий долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди. «Тарбия» атамаси кундалик ҳаётда инсоният муомаласида кўп маротаба такрорланадиган ижтимоий категориядир. Жамиятдаги барча тарбияларнинг ягона тизимини *ижтимоий тарбия* ўзида мужассам этади ва у *сиёсий тарбия, маданий тарбия, маънавий тарбия, экологик тарбия, эстетик тарбия*, шунингдек, *ҳуқуқий тарбия* ва бошқа тарбия турларини ўз ичига олади.

Ижтимоий тарбия тизимида тарбиянинг бошқа турлари сингари ҳуқуқий тарбия алоҳида аҳамият касб этади. Ҳуқуқий тарбия ижтимоий тарбиянинг ахлоқий, эстетик, маънавий ва бошқа шу каби турлари

негизида шаклланади ва ривож топади. Яъни, ҳуқуқий тарбия ижтимоий тарбиянинг барча турлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Жумладан, юксак ривожланган ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган ҳар бир давлатнинг асрий орзуси ўз аҳолисининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтиришдир. Ҳар қандай давлатнинг ижтимоий ривожланиши ўша давлат фуқароларининг ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ бўлади. Зеро, юксак даражада ривожланган ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ажралмас белгисидир. Юксак даражадаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият эса ҳуқуқий тарбиянинг маҳсули. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришда ҳуқуқий тарбия асосий ўринни эгаллайди.

Президентимиз И.А. Каримов ҳам юқоридаги фикрларнинг исботи сифатида «ҳуқуқий маданиятни юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир»<sup>1</sup> деб таъкидлаган.

Буюк мутафаккир Абдулла Авлоний ҳам «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деб бежиз таъкидламаган. Чунки «ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданият» каби бир-бири билан узвий алоқада бўлган ва бир-бирини тўлдириб турувчи ушбу мантиқий изчилликда ва кетма-кетликда жойлашган ўхшаш категориялар жамият ҳуқуқий тизимининг ҳолатидан дарак беради.

Шахс ҳуқуқий онги энг аввало ҳуқуқий тарбия таъсирида шаклланади. Ҳуқуқий тарбия батартиблилик ва интизом даражасининг ошишига, бурч ҳиссининг мустаҳкамланишига ва шахс ҳуқуқий маданиятининг юксалишига ёрдам беради.

Ҳуқуқий тарбия — мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир, яъни уни бир маъноли қилиб таърифлаб бўлмайди. Ҳуқуқий тарбиянинг таърифи бу жараённинг қайси томонини, жумладан, умумижтимоий жиҳатини, ҳуқуқнинг ижтимоий амал қилиш тизими сифатида ёки давлатнинг ижтимоий бошқариш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш элемен-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. — Т., 1996. 322-б.

ти сифатидаги вазифаси ва шу кабиларни тадқиқ қилишимизга боғлиқ бўлади. Ҳуқуқий тарбия деганда шахснинг онгига ташкилий суратда ва аниқ мақсадни кўзлаб таъсир кўрсатишнинг махсус юридик тури тушунилади.

«Ҳуқуқий тарбия» категорияси олимлар томонидан турлича талқин қилинган ва изоҳлар берилган. «**Ҳуқуқий тарбия** — шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқий онгига кўрсатиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган, режалаштирилган ва махсус ҳуқуқий тарбия усуллари воситасида амалга ошириладиган педагогик таъсир жараёнидир»<sup>1</sup>.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси бўйича дарсликларда ҳуқуқий тарбияга кенг таъриф бериш учрайди, яъни «**ҳуқуқий тарбия** фуқароларнинг онги ва руҳиятига таъсир қилишга қаратилган, ҳуқуқий тарбия шакллари, воситалари ва услубларидан фойдаланиб, фуқаролар онгида чуқур ва барқарор ҳуқуқий билимлар, эътиқодлар, эҳтиёжлар, қадриятлар, қонунга мос феъл-атвор, одатларни шакллантириш жараёнидир»<sup>2</sup>.

Фикримизча, **ҳуқуқий тарбия** фуқароларга ҳуқуқий билимни сингдирувчи муҳим ижтимоий воситадир.

Тарбияни кенг ва тор маънода тушуниш мумкин.

*Тор маънодаги тарбия* — ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан махсус ташкил этилган жараён бўлиб, бунда шахснинг тарбиялаш учун тарбиянинг барча шакллари ва усуллари бир мақсадга қаратилади, йўналтирилади. Унинг ташкилотчилари, яъни асосий субъектлари — ота-оналар, ўқитувчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ва уларнинг бошлиқлари, жазони ижро этиш муассасаларининг ходимлари ҳисобланадилар.

*Кенг маънодаги тарбия* — шахснинг тарбияланишида унинг тарбиясига ижобий таъсир қила оладиган, шахслар томонидан махсус ташкил этилган ёки ташкил этилмаган тарбия жараёнларининг йиғиндиси. Бунда оила, боғча, мактаб, иш ва яшаш жойларида, бевосита профилактика нозири томонидан олиб бориладиган тарбиявий профилактик ишлар тушунилади. Мазкур жараёнларда кўпинча кузатилиши-

<sup>1</sup> Саидов А.Х., Таджиханов У.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-жилд. — Т., 2001. 187-б.

<sup>2</sup> Ўша ерда. 188 - б.

ча, муҳит тарбияга таъсир этади, муҳит ўзгарса, тарбиянинг моҳияти ва шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам ўзгаради. Шахснинг хатти-ҳаракати ижтимоий муҳит таъсирида шахснинг шаклланишига ёрдам беради.

Юқоридаги таърифларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий тарбияни ҳам тор ва кенг маънода изоҳлаш мумкин.

**Тор маънодаги ҳуқуқий тарбияда** шахсларнинг расман юридик ўқув юртларида оладиган ҳуқуқий билимларининг йиғиндиси тушунилади. Ҳуқуқий тарбия — шахснинг бир мақсад йўлида, онгли равишда жамият тараққиёти ва сиёсатидан келиб чиқиб, олиб борадиган бир тизимдаги ижобий фаолиятидир. Ҳуқуқий жиҳатдан шахснинг ўзини ўзи тарбиялаши — бу онгли равишда бир мақсад йўлида, ўз характерида ижобий-ҳуқуқий йўналишни шакллантиришидир.

**Кенг маънодаги ҳуқуқий тарбия** — шахснинг оила ва боғчада ҳуқуқий билим олиши, ўқиши, ўзининг ҳуқуқий билимларини мустақил бойитиши, умуман ўз устида мустақил ишлаши орқали олинадиган ҳуқуқий билимларининг йиғиндиси.

Юқорида ҳуқуқий тарбияга берилган изоҳларни таҳлил қилган ҳолда, фикримизча, **ҳуқуқий тарбия** — давлат органлари, нодавлат органлари, мансабдор шахслар ва алоҳида шахслар гуруҳининг аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган махсус фаолияти ҳисобланади.

Тарбия жараёнларининг йўналишларини фарқлашда қўлланиладиган муҳим мезонлардан бири — онг шаклларининг турлича эканлиги. Чунки алоҳида олинган тарбия жараёнларининг ҳар қайсиси, инсон онгининг ҳамма томонларини эмас, фақат унинг айрим кўринишларини қамраб олади. Масалан, сиёсий тарбия — сиёсий онгни; маънавий тарбия — маънавий онгни; эстетик тарбия — эстетик онгни қамраб олади ва ҳоказо.

Ҳуқуқий тарбия, онгнинг ўзига хос шакли бўлган, ҳуқуқий онг билан боғлиқ. Ҳуқуқий тарбия икки хил вазифани бажаради. Биринчиси — тарбияланувчиларга маълум миқдордаги ҳуқуқий билимлар, кўникмалар ва малаканинг берилиши. Иккинчиси — тарбияланувчиларда ҳуқуқий ғоялар, ҳиссиётлар, эътиқодни шакллантириш. Шу вазифа-

лардан келиб чиқиб ҳуқуқий тарбияда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш қуйидагича кечади: *биринчидан*, асосий ҳуқуқий қоидалар тизимини билиш, уларнинг мазмуни ва моҳиятини тўғри тушуниш; *иккинчидан*, ҳуқуқ, қонунлар, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни чуқур ҳурмат қилиш; *учинчидан*, ҳуқуқий билимларни амалда мустақил қўллаш олиш; *тўртинчидан*, ўз одатларини олинган ҳуқуқий билимлар билан мослаштириш; *бешинчидан*, ҳуқуқий нормаларнинг ҳар қандай бузишларига нисбатан қатъий муросасизлик кўникмасини ҳосил қилиш.

Ҳуқуқий тарбия жараёни одамлар орасида муайян муносабатлар орқали амалга ошади. Шу боис ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тарбия доирасига киради. Унда тарбияланувчилар (шахслар, ижтимоий гуруҳлар) ҳуқуқий онгининг шаклланиши рўй беради. Ҳуқуқий тарбия жараёнида кишиларнинг муайян ҳуқуқий билим даражасига эга бўлишига эришиш мақсад қилиб қўйилади. Уларнинг шахсий эътиқодидан келиб чиқадиган қонунга, ҳуқуққа бўлган ҳурматни шакллантириш ҳуқуқий тарбиянинг ўзагини ташкил этади.

Бу йиғиндига кирувчи ҳуқуқий онгнинг таркибий қисмлари шахсга нисбатан керакли психологик ва мафкуравий йўл-йўриқларни ташкил қилади, унинг ўз ҳуқуқий билимларини турмушда фаол татбиқ қила олишига имконият яратади. Мана шу тайёргарлик даражаси ҳуқуқий тарбия ишларининг самарадорлигини кўрсатадиган асосий кўрсаткичдир<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий тарбия-шахсга нисбатан ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий кўрсатмаларни, қонунга итоаткор хулқ-атвор кўникмалари ва одатларини шакллантирувчи, уюшган, бир тизимли, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда таъсир кўрсатишдир.

Шуни таъкидлаш керакки, яқин ўтмишда ҳам ҳуқуқий тарбияга унчалик жиддий эътибор берилмас эди. Педагогикага доир дарсликларда ҳам шахснинг ақлий камолоти, меҳнати, жисмоний, маънавий, эстетик тарбияси ҳақида сўз борар эди-ю, лекин ҳуқуқий тар-

<sup>1</sup> Ўша манба. 343-б.

бия хусусида эслатилмасди. Ҳуқуқий тарбиянинг тарбиявий ишнинг мустақил йўналиши сифатида белгилаб қўйилмаганлиги ўсиб келаётган авлоднинг айрим қисми ҳуқуқий онгига салбий таъсир кўрсатмай қолмади.

Шубҳасиз, ҳуқуқий, сиёсий, ва маънавий онгнинг ўзаро боғлиқлигини эсдан чиқармаслик керак, лекин шуни назарда тутиш лозимки, уларни бир-бири билан қўшиб юбориш ҳам мумкин эмас. Тарбиявий ишнинг ўзига хос йўналиши сифатида ҳуқуқий тарбиянинг мустақиллиги аввало унинг мазмуни билан боғлиқ. Ҳуқуқий тарбия мустақил ҳуқуқий онгни шакллантиради, бу эса тарбиянинг ўзига хос шакллари ва усулларини излаб топиш ҳамда қўлланиш заруриятини тақозо этади. Тарбиячилар зарур ҳажмдаги ҳуқуқий билимлар билан қуролланган, ҳуқуқий онги шаклланган, ҳуқуқий маданияти юксак бўлиши лозим. Ҳуқуқий тарбия тамойилларига илмийлик, амалиёт билан узвийлик, ўзига хосликни ҳам киритиш мумкин. Ҳуқуқий тарбиянинг илмийлиги уни амалга ошириш жараёнида ҳозирги замон ҳуқуқий ва бошқа фанлари, аввало, ҳуқуқий фаолият, шахс тарбияси (социология, руҳшунослик, педагогика ва бошқалар) билан бевосита муносабатдор ютуқлардан фойдаланишни ифодалайди. Айни вақтда ҳуқуқий тарбиянинг илмийлиги унинг мавжуд ҳолатини акс эттирмайдиган субъективизм билан, ҳуқуқий воқеликни баҳолашда мафкуравий андозалардан фойдаланиш билан чиқиша олмайди.

Ҳуқуқий тарбиянинг амалиёт билан муносабатдорлиги ушбу тизим ҳал қиладиган ҳуқуқий масалаларни ҳаётдаги мавжуд ҳодисалар билан узвийлаштириш зарурлигини ифодалайди.

Мустақил давлатимизнинг ривожланиш истиқболлари ҳар томонлама билимли, юқори малакали ёшлар қўлида бўлиб, бу улардан юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш ҳуқуқни пухта билишни талаб қилади. Бозор иқтисодига ўтиш ҳамда ҳуқуқий демократик давлат куриш, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолатнинг қарор топишини таъминлаш, аҳолини ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш ва унинг ҳуқуқий онгини ривожлантиришга боғлиқдир. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 26 июнда «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, ҳуқуқий маданият даражасини юксал-

тириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганишни яхшилаш ҳақида»ги фармони катта аҳамиятга эга. Мазкур Фармон асосида 1997 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиши тўғрисида» қарор қабул қилди. Юқоридаги қарорга асосан Тошкент Давлат юридик институти ҳузурида Республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва унинг жойлардаги минтақавий бўлимлари ташкил этилди. Бу марказ олдига ёшларни тарбиялашда, ҳуқуқий онгини ривожлантиришда ҳуқуқий таълимни кучайтириш ва бу жараёни методика жиҳатдан таъминлаш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, оммабоп ҳуқуқий адабиётлар ва дарсликлар тайёрлаш ҳамда бошқа кўпгина вазифалар қўйилди. Бунинг натижасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсатининг устун йўналиши бўлганлиги боис, бир қатор амалий ишлар қилинди.

Ёшларнинг ҳуқуқий онгини ривожлантиришда телевидение, радио ва матбуотнинг ўрни ўта муҳимдир. Бу ўринда Адлия вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг «Ҳуқуқ ва бурч» юридик журнали, «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси, «Постда» газетаси, «Фуқаролик жамияти» ва «Адвокат» журналлари ҳамда бошқа нашрлар аҳоли ҳуқуқий онгининг ўсишига муҳим ҳисса қўшмоқда.

Юридик амалиётда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида бир қанча **ҳуқуқий тарбия усуллари**дан фойдаланилади. Чунончи, ишонтириш, огоҳлантириш, рағбатлантириш, мажбурлаш ва жазолаш, шулар жумласидан.

#### 4-§. Ҳуқуқий маданият ва унинг таркибий қисмлари

Ҳуқуқшуносликда ҳуқуқ онг, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданият категориялари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу тушунчалар бир-бирини тўлдирди ва ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Ҳуқуқий маданият — ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий тарбиянинг маҳсули. «Ҳуқуқий маданият» тушунчасига тавсиф беришдан олдин «маданият» иборасининг мазмун ва моҳиятини тушуниб олиш мақсадга мувофиқдир, чунки



хуқуқий маданият «хуқуқ» ва «маданият» каби тушунчаларнинг бирлашмаси натижасида юзага келган ва шаклланган. Маданиятнинг умумий таърифига назар ташласак, бугунги кунда ижтимоий фанлар доирасида «маданият» тушунчаси турли-туман, қарама-қарши талқин ва фикрларга бой бўлган бошқа ижтимоий ҳодисани топиш қийин.

Мисол тариқасида шуни келтириш мумкинки, чет эллик олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 1919 йилга қадар «маданият» тушунчасига етгита таъриф берилган, 1950 йилга келиб бу сон 164 тага, 1970 йилларда эса — 250 тага етган<sup>1</sup>. Америкалик олимлар А. Кребер ва К.Клакхонлар эса 1950 йилларнинг бошида «маданият» тушунчасининг 257 та таърифи мавжудлигини таъкидлаганлар<sup>2</sup>.

Ижтимоий фанлар миқёсида маданиятга оид ёндашувларни антропологик, социологик ёндашув ва фалсафий ёндашув<sup>3</sup> каби уч гуруҳга бўлиш мумкин.

*Антропологик ёндашувда* маданият табиат яратган нарсалардан фарқли равишда, инсон томонидан яратилган неъматларнинг йиғиндиси деб тушунилади. *Социологик ёндашув* эса маданиятни маънавий қадрият деб талқин этади. Бу ерда маданият ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми сифатида қатнашади. *Фалсафий ёндашувда* маданий ҳодисалар ижтимоий ривожланишга боғлиқ бўлмаган, соф таҳлилий ҳолда ажратилиб кўрсатилади.

Антропологик ёндашишнинг ижобий томони унинг кенг кўламлилиги ҳисобланади. Чунки маданият ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил томонлари ва доираларининг намоён бўлишини кўрсатади. Унинг афзаллиги «маданий» ва «хуқуқий маданият» ни ҳаётда қўлланиш ҳолларига қараб таққослаганда янада аниқ кўринади. Хуқуқий маданият жамият ва шахснинг хуқуқий ҳолати тимсолида қабул қилиниши мумкин бўлган алоҳида ижтимоий ҳодисадир. Хуқуқий маданият назариясига оид барча муаммолар атрофлича ўрганилиши зарур. Шу билан бирга, ҳар бир

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Fischer Hugo*. Theori der Kultur. Das kulturelle Kraftsteld. Stuttgart, 1965; *Больш А.* Социология культуры. — М., 1973.

<sup>2</sup> *Kroeber A, Kluchonu C.* Cullture // Anaetical Review of Concepts and Debinifions. Cambride. — Mass., 1952.

<sup>3</sup> Қ а р а н г: *Сальников В.П.* Социалистическая правовая культура. Саратов, 1989. С. 5—12.

муайян ҳолатда маданиятнинг турлича кўринишларини тушунишда қатъий белгиланадиган у ёки бу жиҳати устун бўлади. Чунончи, ҳуқуқий ҳаётда, маърифатпарварликнинг шаклланишини таъминлашда, инсон омилини ошириш нуқтаи назаридан ёндашилганда, авваламбор, ҳуқуқий маданиятнинг мазмунига эътибор қаратиш зарурлиги намоён бўлади.

**Ҳуқуқий маданият** деганда, жамиятнинг қонунчилик даражаси, мавжуд қонунлардан аҳолининг хабардорлик даражаси, халқнинг ҳуқуқ нормаларига риоя қилиши ва уларни бажармаган шахсларга нисбатан муросасиз бўлиши тушунилади.

Ҳуқуқий маданият шартли равишда жамият ва шахс ҳуқуқий маданиятига ажратилади. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий онгнинг, қонунийликнинг, қонунларни такомиллаштириш ва ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун бойликларни қамраб оладиган ижтимоий маданиятнинг бир тури сифатида кўрилади. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти шахс эркинлиги ва хавфсизлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг ҳуқуқий ҳимоя этилиши ва ижтимоий фаоллигини кафолатлаш учун замин бўлиб ҳисобланади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти жамият ҳуқуқий маданиятининг узвий таркибий қисмидир. Бу фаолият ҳуқуқ соҳасида жамият тараққиётига ва унинг маданиятига мос келади, натижада шахс ва жамиятнинг доимий ҳуқуқий бойиши содир бўлади. Шубҳасиз, шахснинг юксак ҳуқуқий маданияти жамият тараққиётини таъминлайди.

Шундай қилиб, шахс ва жамиятнинг ҳуқуқий маданияти умуминсоний қадриятлар тушунчалари ва инсоният умумдемократик ютуқларининг муҳим натижаси ҳисобланади. Ҳуқуқий маданият — ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисмидир.

Ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисмлари қуйидаги элементлардан ташкил топади:

*биринчидан*, юридик нормалар тизими бўлмиш ҳуқуқ;

*иккинчидан*, ҳуқуқий муносабатлар, яъни қонун билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар тизими;

*учинчидан*, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва таъминлаш фаолияти би-

лан шуғулланувчи давлат ва жамият институтлари тизими бўлмиш юридик муассасалар;

*тўртинчидан*, ҳуқуқий онг, яъни ҳуқуқий воқеликни маънавий жиҳатдан акс эттирувчи тизим;

*бешинчидан*, ҳуқуқий хатти-ҳаракат (ҳам қонуний, ҳам қонунга ҳилоф).

**Ҳуқуқ** — ҳуқуқий маданиятнинг энг биринчи ва асосий таркибий қисми. Қонунларда, давлат-ҳуқуқий тузилишида, ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳуқуқий маданият институтлари ҳамда механизмларида кўз ўнгимизда юз бераётган чуқур ўзгаришлар, ҳуқуқий ривожланишнинг оламшумул, стратегик истиқболлари ва мақсадлари тўғрисида ўйлаш, мамлакатмизда юз бераётган ҳуқуқий ислоҳотларни жаҳондаги ҳуқуқий ривожланиш жараёни билан «мослаштириш», унда Ўзбекистоннинг ўрни ҳамда ушбу ўринга мос ислоҳотчилик йўналишлари ва мақсадларини аниқлаш зарур. Бизнинг миллий ҳуқуқий тизимимиз бутунлай янги асосда, жаҳон ҳуқуқий жараёнининг ютуғи бўлган демократик принциплар негизида янгидан яратилганлиги шубҳасиз. Конституциядан бошлаб деярли барча қонунларимиз туб ўзгаришга учради. Қонунларимизда ҳуқуқ мустақил демократик давлатнинг ҳуқуқи бўлган бугунги кун воқелиги ҳисобга олинди. Ўзбекистон қонунларида ҳалқаро ҳуқуқнинг жаҳонда тан олинган принциплари ва нормалари ўз ифодасини топди ва мустаҳкамланди. Улар ривожланган мамлакатлар ҳуқуқий тизимининг илғор ютуқларини давом эттирди, қадимий мамлакатимиз тарихий-ҳуқуқий тажрибасини қамраб олди.

**Ҳуқуқий муносабатлар** амалдаги ҳуқуқий маданият бўлиб, ҳуқуқий маданиятнинг иккинчи элементи ҳисобланади. Юридик адабиётларда ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлардир, деган фикр кенг тарқалган. Бинобарин, ҳуқуқий муносабат, биринчи навбатда, юридик нормаларни амалга оширишнинг, ҳуқуқ амал қилишининг натижасидир. Айнан ҳуқуқий муносабатлар орқали ҳуқуқ «яшайди», амал қилади. Ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий имкониятлари ва юридик мажбуриятларини амалга оширишнинг ҳақиқий манзарасини айнан ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши кўрсатади. Ҳуқуқий муносабатлар субъектларнинг

ҳуқуқий нуқтаи назари ва йўналишлари, юридик ташаббускорлиги ва фаолликлари, хатти-ҳаракатларнинг юридик шаклларини афзал би-лиш даражаси биргаликда уларнинг ҳуқуқий маданиятини белгилаб беради.

Ҳуқуқий муносабатлар, ижтимоий-фойдали ёки салбий юридик факт муносабати билан юзага келганлигига қараб, жамият ҳуқуқий маданиятининг кўрсаткичи бўлади. Масалан, оила қонунларида мус-таҳкамланган никоҳдан ўтиш имконияти камдан-кам ҳолларда аниқ ҳуқуқий муносабатларда амалга ошади ва ўз амалий ифодасини топади. Бу жамият ҳуқуқий маданиятининг нафақат юридик, балки ижтимоий қадрият бўлган мазкур нормани ҳали қабул қилмаганлигидан далолат беради.

Ҳуқуқий маданиятнинг учинчи элементи *юридик муассасалардир*. Ҳуқуқий ривожланиш ва ҳуқуқий маданиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи амалиётчи юристлар ва ҳуқуқшунос олимлар ҳамда ўқитувчилар-дан ташкил топган профессионал юридик жамоадан иборат. Юристлар ҳуқуқий тараққиёт эгалари, жамиятда юз бераётган ҳуқуқ ва эркин-ликлар ривожланиши, ҳуқуқий даъволар қилиш жараёнлари, шахс ва жамиятни ўзбошимчалик ва бошбошдоқликдан ҳимоя қилиш талабларининг ифодачиларидир. Пировард натижада, ҳуқуқшунослар қандай бўлса, ҳуқуқ ҳам шундай бўлади. Ҳуқуқ ва ҳуқуқшуносларнинг даража-си эса уларга берилган ҳуқуқий таълимга боғлиқ.

Юридик муассасалар, улар фаолиятининг самарадорлиги нафақат жамият, балки давлатнинг ҳам ҳуқуқий маданияти даражасини белги-лаб беради. Айнан Конституцияга мувофиқ равишда халқ иродасини ифодаловчи ва унинг манфаатларига хизмат қилувчи давлат ушбу му-ассасаларнинг фаолиятини ташкил этади ва таъминлайди. Жамият ва давлатнинг демократиклигига, ривожланганлик даражасига юридик му-ассасалар қандай ишлаётганлигига қараб ҳам баҳо берадилар.

Ҳуқуқий маданиятнинг тўртинчи элементи — *ҳуқуқий онг*. Ҳуқуқий онг шахс онгида, жамият ғояларида намоён бўлган ҳуқуқдир. Ҳуқуқий онг ҳуқуқ ва қонунийликка муносабатдаги эътиқодлар, тасаввурлар, баҳолар, ҳис-туйғулар ва маънавиятнинг бошқа таркибий қисмлари тизимидир.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг давлат ва жамиятнинг бошқарув таъсирига энг кам учраган элементиدير. Тезлик билан янги қонун қабул қилиш, давлат органини тузиш мумкин, аммо инсоннинг ҳуқуқий онгини тезда ўзгартириб бўлмайди.

Қонунга ҳурмат қонундан, унинг одиллигидан қониқиш ҳиссига, шунингдек, ўз хатти-ҳаракатларини ҳуқуқ принциплари ва нормаларига ихтиёрий равишда бўйсундиришга асосланган ахлоқий-ҳуқуқий категориядир. Бошқача айтганда, шахс ҳуқуқий мажбуриятларни анланган бурч сифатида, ҳуқуқ ва мажбуриятлари бирлиги принципининг тимсоли сифатида қабул қилади.

Криминологиядаги тадқиқотлар ҳуқуқбузарлик содир этилиши учун муайян ҳуқуқий нормаларини билиш ёки билмасликнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмаслигидан далолат бермоқда. Респондентларнинг каттагина қисми ҳуқуқбузарликларни қонунни ҳурмат қилганликлари учун эмас, жазодан қўрққанликлари туфайли содир этмасликларини тан олганлар. Бу ҳуқуққа ҳурматни шакллантиришнинг жуда муҳимлигини тасдиқлайди.

Ҳуқуқий маданият даражасини кўрсатувчи индикатор бўлган бешинчи элемент **ҳуқуқий хатти-ҳаракатдир**. Шундай ҳолат юзага келдики, юридик фан асосан қонунга хилоф хатти-ҳаракат, унинг сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш муаммолари билан шуғулланиб, ҳуқуқий хатти-ҳаракатнинг қонунга мувофиқ шакли кам тадқиқ этилган. Аини пайтда ҳуқуқий хатти-ҳаракатнинг ижтимоий фойдали турларини аниқлаш, таъминлаш ва ривожлантириш жамият ҳуқуқий маданиятини кўтаришнинг қудратли воситасидир. Қонунга мос хатти-ҳаракат ҳуқуқий нормалардаги мавжуд идеал ахлоқ билан мос келувчи юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга оширишни тақозо этади.

Ҳуқуқий маданиятнинг тараққиёти шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳажмининг кенгайиши, уларнинг ҳимояланганлик даражасининг кўтарилишидир. Ҳуқуқий тараққиёт марказида шахс, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳамда маданиятида унинг олий қадриятининг, яъни «барча нарсаларнинг мезони бўлган инсон»нинг мақомини мустаҳкамлашга қаратилган барча ҳуқуқий воситалар, механизмлар ва институтлар туради.

Вазифалар ва мақсадларни белгилаб олмай туриб жамиятнинг ҳуқуқий ривожланишини тасаввур этиб бўлмайди. Ҳуқуқий давлатни шакллантириш вазифасини юксак ҳуқуқий маданиятсиз амалга ошириб бўлмайди. Худди шунингдек, ҳуқуқ ўзига муносиб олий қадрият ўрнини олмас экан, демократик фуқаролик жамиятини яратиб бўлмайди. Ҳозирги вақтда халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда тан олинган принциплари ва нормаларининг миллий ҳуқуқдан устунлиги эътироф этилмоқда, бу ҳуқуқий маданиятимизга барча илғор тараққиёт ўзгаришлари учун йўл очмоқда, халқаро ҳуқуқда ўз ифодасини топган умуминсоний қадриятлар ва идеалларни ҳуқуқий маданиятимиз ривожланиши учун мезон ва йўналиш сифатида белгиламоқда.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жамият, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишни талаб қилади. Шунинг учун ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси — ҳуқуқий маданиятдир. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш учун кенг қўламли демократик ислохотларни амалга оширмоқда. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришни назарда тутаяди. Жамиятда кишилар қанчалик юқори маданиятли бўлса, ҳуқуқ нормаларини билса, қонунларни юридик адабиётларни ўқиб, уларга амал қилса, ҳуқуқ бузилиши ҳам шунчалик кам бўлади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» қабул қилинди. Унда мамлакат миқёсида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, оммабоп юридик адабиётларни кўпайтириш, халқнинг юридик соҳадаги билимларини оширишга катта эътибор қаратилиб, жамият ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш масаласи кун тартибига кўйилди.

Жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда муайян мақсадлар кўзда тутилади. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий маданият бир қанча функцияларни бажаради. Ҳуқуқий маданиятнинг регулятив (тартибга солувчи), норматив, социологик

(ижтимоий) ҳуқуқий, коммуникатив (алоқалар ўрнатиш), прогностик (башоратлаш) функциялари шулар жумласидандир.

**Ҳуқуқий маданиятнинг регулятив функцияси** демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва адолатли фуқаролик жамиятини вужудга келтиришни таъминловчи назарий ва ташкилий фаолият билан боғлиқ. Бу функция умумий ва шахсий манфаатларни инсоният ижтимоий ривожланишининг марказига қўйиш, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун муҳит яратиш, унга зарур меҳнат ва ҳаёт шароитини яратиш, сиёсий эркинлигини таъминлашга ёрдам беради. Бу функция умуминсоний аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ва маънавий кафолатларни, яъни ростгўйлик, инсоф, диёнат, эзгулик, шафқат, виждон, инсоний қадр-қиммат ва танлов эркинлигини қамраб олади.

**Ҳуқуқий маданиятнинг норматив функцияси** аксиологик (баҳоловчи) тавсифлар тизими ёрдамида акс эттирилади. У турли ҳодиса ва фактларда, маълум бир аҳамият касб этган онгли шахслар ҳаракатида ўз аксини топади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий нормалар бошқа жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини ташкил қилувчи элементларни баҳоловчи объект сифатида майдонга келади.

**Ҳуқуқий маданиятнинг норматив функцияси** ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган ҳаракат намуналарига мос ҳолда атрофдаги ҳуқуқий воқеликни ўзгартиришда эришилган натижага нисбатан муносабатда ўз аксини топади. Ҳуқуқий маданиятдаги баҳоловчи фаолият шахс, ҳуқуқ хизматчилари жамияти, қонунчилик, ҳуқуқий тартиб-интизом, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий бошқарув механизми (тегишли ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган) «ўлчовидан» ташкил топади.

**Ҳуқуқий маданиятнинг социологик функцияси** шахснинг ҳуқуқий сифатлари шаклланиши тизими орқали ўрганиб чиқилиши мумкин. Шубҳасиз, бундай жараёнга ҳуқуқий воқелик муайян даражада таъсир ўтказиши. Шу билан бирга, мақсадли ҳуқуқий тарбиявий ишларни олиб бориш, аҳолининг ҳуқуқий таълимини ташкил қилиш чорасини кўриш, уларга юридик ёрдам кўрсатиш, шахснинг ўзини ўзи тарбиялаш жараёнини фаоллаштириш зарур.

**Ҳуқуқий маданият коммуникатив функцияси** ҳам бажаради. У фуқароларнинг ҳуқуқий доирадаги мулоқотини таъминлар экан, шу му-

лоқот орқали мавжуд бўлади ва таъсир этади. Бу ерда фуқароларнинг фақат ҳуқуқий ҳаракат доирасидаги бевосита мулоқоти, шунингдек, бизга шахсан нотаниш бўлган, биздан макон ва замонда ажралиб турган тенглошларимиз, ўтмиш авлодларимиз билан бевосита «мулоқоти» назарда тутилмоқда. Бундай мулоқот ёзма юридик асарлар воситасида таъминланади. Бугунги кунда у оммавий ахборот воситаларининг такомиллашуви билан янада ривожланади. Ҳуқуқий мулоқот субъектлараро ўзаро таъсир формуласи бўлиб, ҳуқуқ доирасида эркин ва камёб моҳият сифатида намоён бўлади.

Бу функцияни ўзлаштириш ҳуқуқий маданий меросга, замонавий ҳуқуқий маданиятни унинг бошқа кўринишларига нисбатан ўзлаштиришга ёрдам беради. Ҳар бир жамиятнинг ҳуқуқий маданияти бошқа жамият ҳуқуқий маданиятининг ўзаро таъсирисиз муваффақиятли ривожлана олмайди. Советлар даврида мамлакатимизнинг маданиятини чеклашга уриниш, жумладан, унинг бой тарихий, ҳуқуқий меросидан узишга интилиш ва замонавий давлатлар маданий-ҳуқуқий ҳаёти билан ҳар қандай алоқани чеклашга уриниш қандай ачинарли оқибатларга олиб келгани маълум. Ҳуқуқий маданият ўзида ҳозирги ва ўтмиш давр ҳуқуқий маданиятининг илғор ютуқларини ўзида мужассамлаштириши лозим. Ҳуқуқий маданиятнинг коммуникатив функцияси фақат «бугунги» ҳуқуқий бошқарув доирасида ташкил топиш билан чекланмайди. У ҳуқуқий маданиятнинг ривожланишини режалаштириш ва башорат қилиш, ҳуқуқий маданиятни вужудга келтириш ва уни ривожлантириш учун зарурий элемент сифатида намоён бўлади.

**Ҳуқуқий маданиятнинг прогностик (башорат қилиш) функцияси** ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш, қонунлар ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуққа мос хатти-ҳаракати, фаоллигини, бутун ҳуқуқий тизим учун хос бўлган анъаналарни ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда илмий башорат қилиш ва режалаштиришнинг элементлари қонунчилик фаолиятида кучайиб бормоқда. Чунки қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни режали равишда амалга ошириш зарур.

Ҳуқуқий маданият башоратлар эҳтимоли бўлган ўзига хос кадриятлардан иборат. Бундай ҳолларда ҳатто маълум даражадаги ноаниқлик



етарли асосланган башорат қилиш имкониятини чеклаб қўяди. Ҳуқуқий маданиятга бевосита алоқадор бўлган жуда кўп қарама-қаршиликларга дуч келиш мумкин. Буларнинг барчаси албатта, ҳуқуқий маданиятга таъсир қилади.

### 5-§. Ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализм

Ҳуқуқий нигилизм тўғрисида гап бошлашдан олдин умумий ижтимоий ҳодиса сифатида нигилизм тушунчасига аниқлик киритиш керак бўлади. Умуман олганда нигилизм (лотинчадан nihil сўзидан олинган бўлиб, ҳеч нима, ҳеч нарса деган маънони англатади). Ҳар қандай нормалар, принциплар ва қонунларни рад этиш деган маънони билдиради ва субъектнинг муайян қадриятлар, нормалар, қарашлар, идеаллар, инсон турмушининг айрим томонларига, баъзида эса ҳамма томонларига нисбатан салбий муносабатини ифода этади. Бу — дунёни ҳис қилиш ва ижтимоий хулқ-атвор шаклларида бири. Нигилизм серқиррадир. Нигилизм қандай қадриятларни рад этилишига, билим ва ижтимоий амалиётнинг қайси соҳаси — маданият, ҳуқуқ, ахлоқ ҳақида гап бораётганлигига қараб, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, мафкуравий нигилизм ва шу каби бошқа кўринишларга эга бўлиши мумкин. Умуман, нигилизмга анъанавий ва энг умумий тарзда деструктив, ижтимоий зарарли ҳодиса сифатида қаралади. Нигилизм кўпинча вайрон қилувчи шаклга эга бўлади. Нигилизм энг юқори чўққига чиққан вақтда анархизм, экстремизм билан уйғунлашиб кетади. Бу ўринда муайян қадриятлар ва принципларга нисбатан гипертрофик шубҳада намоён бўлади. Бундай ҳолларда одатда, унинг жамиятга қарши хулқ-атвор, жинсий ҳаракатлар, ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларни бузишга яқин энг нобоп усуллари танланади. Ҳуқуқий нигилизм ҳуқуқ ва қадриятларга нисбатан фаол қаршилик кўрсатиши билан ажралиб туради. Ҳуқуқий нигилизм — ҳуқуқни, унинг қадриятларини, умуман, ҳуқуқ ва унинг айрим институтларини фаол рад этишдир.

Ҳуқуқий нигилизмнинг икки асосий сабабини кўрсатиш мумкин. Биринчи сабаби шундан иборатки, бизнинг мамлакатда узоқ йиллар нодемократик режим ҳукмрон бўлган, яъни давлат фаолияти ҳуқуққа

асосланмаган. Иккинчи сабаби кўп йиллар ҳуқуқни норма сифатида тушуниш ҳукмронлик қилганлиги боис бунда ҳуқуқ давлатнинг хоҳиш-иродаси билан боғлиқ қилиб қўйилган. Бошиқача айтганда, ҳуқуқ давлат хоҳиш-иродасининг ҳукмрон ифодаси бўлиб, ҳар қандай норматив ҳужжат давлатнинг амрига ҳамоҳанг бўлган, шу туфайли ҳуқуққа нисбатан салбий муносабат келиб чиққан ва ҳуқуқ фаол инкор этилган.

Ҳуқуқий нигилизмни ифода этишнинг турли шакллари мавжуд. **Биринчи шакли** — амалдаги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни тўғридан-тўғри бузиш. Бу ҳуқуқий нигилизм намоён бўлишининг яққол шакли. Бунга, энг аввало, жиноий жазоланадиган қилмишларни, шунингдек, фуқаровий, маъмурий ва интизомий жиҳатдан ноҳўя хатти-ҳаракатларни киритиш мумкин.

Ҳуқуқий нигилизмнинг **иккинчи шакли** барча жойларда ва оммавий тарзда юридик кўрсатмаларни бажармаслик ҳамда уларга риоя қилмаслик. Бунда субъектлар (фуқаролар, мансабдор шахслар, давлат органлари, жамоат ташкилотлари) ўз хулқ-атворида ҳуқуқий нормаларнинг талабларига очикдан-очик риоя қилмайдилар, балки аксинча, «ўз қоидалари» бўйича яшаш ва ҳаракат қилишга интиладилар. Қонунларга бўйсунмаслик жамиятга катта зиён келтиради. Қонунлар осонликча четлаб ўтилади. Уларга бўйсунилмайди, «қонун бор-ку» деб ўйлаб ҳам кўрилмайди. Бунда қонун жуда кўпчилик учун «менга маъқул бўлса, бўйсунаман, маъқул бўлмаса, инкор қиламан» деган шартли тушунчага айланиб қолди. Бундай итоатсизлик — ҳуқуқий онгнинг ўта паст даражада эканлиги ва бузилганлиги, лозим даражадаги ҳуқуқий маданиятнинг йўқлиги ҳамда умумий тартибсизлик ва масъулиятсизликнинг оқибатидир.

Ҳуқуқий нигилизм намоён бўлишининг **учинчи шакли** бир-бирига зид, бир-бирини такрорловчи ёки бир-бирини истисно этувчи ҳужжатларни нашр этишдан иборат бўлиб, бундай ҳужжатлар бир-бирини нейтрал, беқарор ҳолатга келтириб қўяди. Кўпинча, қонун ости ҳужжатлари қонундан «юқори» бўлиб қолади. Жорий этилаётган катта миқдордаги юридик нормаларнинг бири бошқасига мос келмайди, бири иккинчисини тўлдириш ўрнига ўзаро зид келиб қолади. Айни вақтда

ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқ йўли билан тартибга солинишга муҳтож қатламлари мавжуд бўлса-да, аммо бу борада ҳеч бир иш қилинмайди. Натижада ҳуқуқий бўшлиқлар, вакуумлар, нуқсонлар юзага келади. Буларнинг барчасини биргаликда олганда ҳуқуқий шов-шувларга, чалкашликларга сабаб бўлади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилиши ҳамда уларга риоя этилмаслиги ҳуқуқий нигилизмнинг *тўртинчи шаклидир*. Инсон ҳуқуқларининг, яшаш, ҳурмат қилиш, қадр-қиммат, мол-мулк, хавфсизликка бўлган ҳуқуқларини бузиш ёки уларга риоя этмаслик, шахснинг ҳуқуқий жиҳатдан яхши ҳимоя қилинмаганлигига, қонунга давлатнинг жамиятдаги тартибни таъминлашга, кишиларнинг жинсий тажовузлардан ҳимоя қилишга қодир эканлигига бўлган ишончга путур етказди. Қонун тимсолида ўзининг кафолати ва таянчини кўрмас экан, инсон уни қадрлаш, ҳурмат қилиш ва эъзозлашдан йироқлашади. Ўз ҳуқуқини амалга оширишдаги иложсизлик эса шахсни ўз ҳуқуқидан бегоналаштиради. Унинг ҳуқуқдан ихлоси қайтади, скепсис пайдо бўлади. Ваҳоланки, инсон ҳуқуқлари ғояси кучли давлат ғоясига зид эмаслиги азалдан маълум.

Шундай қилиб, *ҳуқуқий нигилизм* — ҳуқуқий онгнинг салбий, бузилган тарафидир. Унинг ҳуқуқий онгнинг ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва унга риоя этиш талабларига нисбатан кескин танқидий, инкор этиш муносабатида бўлган мафкуравий ва психологик қисмидир. Агар ҳуқуқий нигилизм ҳуқуқ ва унинг қадриятларига салбий муносабатда бўлиш, ҳуқуқнинг кучига ишонмаслик билан тавсифланса, ҳуқуқий идеализм бунинг акси, яъни ҳуқуқнинг кучига ортиқча баҳо бериб юборади. Мазкур ҳар иккала ҳодисанинг илдизи бир ва у юридик жоҳиллик, ҳуқуқий онгнинг ривожланмаганлиги ва бузилганлиги, сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг етишмаслигида намоён бўлади. Юқорида сўз юритилган кўринишлар ўзаро тескари йўналишга эга бўлиб туюлса-да, пировард натижада бир-бири билан уйғунлашиб, жамиятга зарар келтиради.

*Ҳуқуқий идеализм* — ҳуқуқ имкониятларини ўринсиз ва асоссиз ошириб юбориш бўлиб, унинг зиммасига жамиятга беришга қодир бўлмаган вазифаларни юклашдан иборат.

Баъзилар муаммоларни ҳал этиш учун эски қонунларни бекор қилиб, янгиларининг қабул қилиниши кифоя деб ҳисоблайдилар. Ҳуқуқ зиммасига амалга ошмайдиган орзу-умидларни юклаб бўлмайди, зеро, ҳуқуқнинг қудрати чексиз эмас. Ҳуқуқдан унинг қодир эмаслиги олдиндан маълум бўлган нарсаларни талаб қилиш гўлликдан бошқа нарса эмас. Ҳуқуққа муайян институтнинг объектив имкониятларидан келиб чиқадиган ўрин ва роль ажратилиши зарур. Худди ҳуқуқий нигилизм каби ҳуқуқий идеализм ҳам турли кўринишларга эга. Ҳуқуқий идеализмнинг асосий шакллари устида тўхталиб ўтамиз.

**Биринчи шакл**, қонунчиликнинг илдамлаб кетиши, яъни жамиятда ҳали юзага келиб улгурмаган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалар. Жамиятдаги мавжуд объектив ва субъектив шарт-шароитларни ҳисобга олмаган ҳолда ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш уларнинг ижро этилмаслигига олиб келади.

**Иккинчи шакл** — юридик нормани рўёбга чиқариш учун реал механизмнинг йўқлигидан иборат. Агар қонун чиқаруви муайян норма ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш механизмини батафсил тартибга соладиган органни кўрсатмаса, бундай норма қоғозда қолиб кетади. Пировард натижада ҳуқуқий тартибга солишга муҳтож бўлган ижтимоий муносабатлар қонун чиқарувчи томонидан кўрсатиллади, бироқ ҳуқуқ орқали амалга оширувчи кўрсатилмаганича амал қилмай қолаверади.

Қабул қилинган юридик нормаларнинг рўёбга чиқарилиши учун иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-психологик шарт-шароитларнинг етарли даражада ҳисобга олинмаслиги ҳуқуқий идеализмнинг **учинчи шакли**ни ташкил этади. Қонун чиқарувчи юридик норма яратиш вақтида ушбу норма амал қилиши керак бўлган барча шарт-шароитларни ҳисобга олиши, ҳуқуқий ривожланиш тамойилининг тахминий таҳлилидан фойдаланиши керак. У бошқа мамлакатларнинг шу соҳадаги қонун чиқарувчи органларининг тажрибасини ўрганиши, ҳуқуқни тартибга солишнинг муайян соҳасидаги фан ютуқлари ва ечимларни кўриб чиқиши ва шу асосда ҳақиқий амал қиладиган норма яратиши лозим.

## XIV Б О Б ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

### 1-§. Ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси, тузилиши ва турлари

Ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга таъсир этиши ва уларни тартибга солиши масаласи давлат ва ҳуқуқ назарияси учун муҳим методологик аҳамият касб этади. Жамият ҳаётида кишилар ва уларнинг турли-туман ташкилотлари ўртасида сон-саноксиз моддий, молиявий, сиёсий, маданий ва бошқа муносабатлар (алоқалар) мавжуд бўлади. Маърифий жамиятда ушбу муносабатлар ахлоқий, диний, корпоратив ва бошқа кўплаб ижтимоий нормалар билан батартиблаштирилади, ташкиллаштирилади ва йўналтирилади. Ижтимоий муносабатларнинг муайян қисми ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниб, уларга барқарорлик, изчиллик, мақсад сари йўналтирилганлик хусусиятлари бахш этилади. Ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқ нормалари ёрдамида тартибга солинадиган қисми *ҳуқуқий муносабатларни* ташкил қилади. Ҳуқуқ нормалари ўз вазифа ва функцияларини ҳуқуқий муносабатлар орқали амалга оширади; ҳуқуқ талаблари ижтимоий муносабатлар шаклига айлантирилади ва тариха муносабатлар тартибга солиниб, ҳуқуқ ҳаётга татбиқ этилади.

**Ҳуқуқий муносабат** — ўзаро субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ шахслар (яъни, фуқаролар ва юридик шахслар) ўртасидаги ҳуқуқ нормалари ва муайян юридик фактлар асосидаги алоқадир. Ҳуқуқий муносабат таърифидаги асосий нарса, аввало, бу томонлар ўртасидаги алоқадорликни акс эттиришдир. Бундай муносабатларда камида икки томон — ҳуқуқ соҳиблари иштирок этиб, ўзаро мулоқотга киришадилар.

Ҳуқуқ соҳиблари бир-бирлари олдида тегишли субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтайдилар. Ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир-бири билан ўзаро мутаносиб тарзда боғлиқ; бир томоннинг ҳуқуқига иккинчи томоннинг мажбурияти мувофиқ келади; ҳар доим ҳуқуқ субъекти бўлган шахс қаршисида мажбурият ўтов-

чи шахс гавдаланади. Масалан, ишга кириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатни олайлик. Бунда, ишга қабул қилинган ходим зиммасида муайян меҳнат фаолиятини амалга ошириш мажбурияти, корхона маъмуриятида эса меҳнат интизомига риоя қилишни талаб этиш ҳуқуқи ва бажарилган иш учун тегишли иш ҳақи тўлаш мажбурияти (бу айтилиш вақтда ҳуқуқ ҳамдир) пайдо бўлади. Айтилиш пайтда, иккала субъект ҳам қонунда белгиланган қатор ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Юридик адабиётда ҳуқуқий муносабатларнинг табиати масаласи анча мунозарали. Бир гуруҳ олимлар ҳуқуқий муносабатларни ижтимоий муносабатларнинг алоҳида бир тури, деб ҳисоблайдилар (Л.С. Явич<sup>1</sup>, В.К.Бабаев<sup>2</sup>, Ю.И.Гревцев<sup>3</sup> ва бошқалар). Бошқа мутахассисларнинг таъкидлашича: «Ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тури эмас, яъни улар мулкӣ, меҳнат, оилавий, бошқарув муносабатлари силсиласида мустақил ўрин тутмайди: ҳуқуқий муносабатлар фақат уларнинг юридик шакли, ташқи ифодаси сифатида намоён бўлади... Ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий шаклга эга бўлиши мумкин, бунда улар ҳуқуқий муносабатлар, деб аталади»<sup>4</sup>. Тўғри, ижтимоий муносабатларнинг ҳаммаси ҳам ҳуқуқий нормалар воситасида тартибга солинмайди. Одатда, давлат ва жамият манфаатлари нуқтаи назаридан энг муҳим ижтимоий муносабатлар ҳуқуқ билан тартибга солинади. Ижтимоий муносабатларнинг қолган қисми ахлоқ нормалари, сиёсий нормалар, жамоат бирлашмалари нормалари, одат қоидалари, диний нормалар ва ҳоказолар билан тартибга солинади.

Ҳуқуқий муносабатлар қўйидаги хусусият ва махсус белгилар билан тавсифланади:

**а) ҳуқуқий муносабат — ижтимоий тусдаги муносабат**, яъни инсонлар ўртасидаги муносабат бўлиб, бу уларнинг фаолияти, хулқ-атвори билан бевосита боғлиқдир. Масалан, мулкдор буюмга нисбатан маълум ҳуқуқларга эга. Бироқ, бу ҳуқуқлар кундалик ҳаётда амалга ошириши учун мулкдор мазкур буюм устидан бошқа одамлар билан

<sup>1</sup> Явич Л.С. Право и общественные отношения. — М., 1987. С. 11—23.

<sup>2</sup> Общая теория права. Подред. В.К.Бабаева. — Н.Новгород, 1993. С. 405—407.

<sup>3</sup> Гревцев Ю.И. Правовые отношения и осуществление права. — Л., 1987. С. 29—42.

<sup>4</sup> Қ а р а н г: Лазарев В.В., Липень С.В. Теория государства и права. — М., 1998. С. 290—291.

муносабатга киришиши лозим. Хусусан, мулкдор шахс буюмни бошқа кишига сотиши, ўзининг мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини бировга ўтказиши, мулкни ҳадя қилиши мумкин. Айни пайтда, улардан ўзининг мулк ҳуқуқига риоя этишларини талаб қила олади.

Ҳуқуқий муносабат ҳар қандай ижтимоий муносабат каби инсонларнинг онгли фаолияти натижасидир. Одатда, ҳуқуқий алоқалар кишиларнинг онгли ва оқилона фаолияти натижаси ҳисобланади. Ҳуқуқий муносабат ижтимоий муносабатнинг махсус кўриниши сифатида рангбаранг, ҳаётнинг бутун борлиғи ва бойлиги билан узвий боғлиқ ҳамда мазмунан у билан белгиланади. Ҳар қандай устқурма ҳодиса каби ҳуқуқий муносабатлар ҳам моддий (иқтисодий) муносабатларга таянади. Бу фикрга яна шуни қўшимча қилиш мумкин: ҳуқуқий муносабатлар, нафақат, иқтисодий муносабатларга, балки ҳаётда ҳуқуқнинг мавжуд бўлишини тақозо этадиган барча ҳолатларга (омилларга) ҳам таянади.

Ҳуқуқий муносабатларни таърифлаганда ҳамиша эътибор бериладиган муҳим сифатлардан бири уларнинг *мафкуравий табиатидир*. Мафкуравийликни собиқ тоталитар тузумдаги синфийлик билан аралаштириб юбормаслик лозим. Ўз моҳиятига кўра, мафкура ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид турли қарашлар, фикрлар ва назариялар тизимидир. Масалан, эркин бозор ва тадбиркорлик муносабатларига ўтиш ғояси, фалсафаси мафкурадир; давлат ва жамиятнинг динга муносабати ифодаси ҳам мафкура; аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам мафкура ва ҳоказо. Шунингдек, ҳуқуқ ва унга мос ҳуқуқий муносабатлар ҳамиша мафкуравий ҳодисалар бўлиб қолаверади. Мафкуравийликнинг яна бир хусусияти шундаки, ҳуқуқий муносабатлар авваламбор кишилар онги орқали ўтиб (ҳуқуқий онг сифатида мавжуд бўлиб) сўнг реал воқеликка айланади.

**б) ҳуқуқий муносабат** — *ҳуқуқ нормаларининг инсонлар хулқ-атворида таъсири натижасида вужудга келадиган муносабат*. Ҳуқуқ нормаси билан ҳуқуқий муносабат ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Ҳаётда фақат юридик нормаларда назарда тутилган ҳуқуқий муносабатларгина мавжуд. Кишилар ўртасидаги муайян муносабатларга ҳуқуқий норма қўлланилгач, улар ҳуқуқий муносабатларга айланади. Ижтимоий муно-

сабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинишини ихтиёрий ҳодиса эмас, балки қонуниятли жараён деб тушуниш лозим. Бунинг шарти шуки, ҳуқуқий нормалар тартибга солинувчи ижтимоий муносабатлардан, бевосита ҳуқуқий воқелиқдан келиб чиқиши керак, чунки ҳуқуқий нормалар муносабатларни туғдирувчи *сабаб* бўлишдан аввал ушбу муносабатлар ички ривожланишнинг *оқибати*, уларнинг зарурий, моҳиятига оид махсус белгиси бўлганлигидир<sup>1</sup>.

**в) ҳуқуқий муносабат — бу кишиларнинг ўзаро субъектив ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятлар воситасидаги алоқаларидир.** Бу ижтимоий алоқанинг алоҳида шакли. Яъни, ҳуқуқ нормалари билан мустаҳкамланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали амалга ошадиган алоқадир. Субъектив ҳуқуқ эгаси — ҳуқуқдор, ваколатли шахс; юридик мажбуриятлар эгаси — мажбурият ўтовчи шахсдир. Ҳар қандай ҳуқуқий муносабатда ҳуқуқдор шахс қаршисида мажбурият ўтовчи шахс (инсон, ташкилот, давлат идораси) ҳозир бўлади. Худди шу маънода ҳуқуқий муносабат индивидуаллашган (яъни, шахси аниқланган) алоқа ҳисобланади.

Шахсини белгилаш *номма-ном ва ижтимоий вазифани бажаришдаги ролига* қараб икки кўринишда бўлади.

*Шахсини номма-ном белгилашда* ҳуқуқ соҳиблари ўз исми-шарифлари, ташкилотлар эса ўзларининг тўлиқ унсурлари билан номландилар. Масалан, никоҳ муносабатларига киришувчи шахсларнинг аниқ исм-шарифлари ифода этилади. Ёки маҳсулот етказиб бериш, юк ташиб бериш муносабатларига киришган ташкилотларнинг барча унсурлари, тўлиқ номланиши ва бошқа муҳим белгилари аниқ кўрсатилади.

Иккинчи ҳолатда субъектларни номма-ном ёки унсурлар (реквизитлар) га қараб белгилаш талаб этилмайди. Фақат уларнинг *ижтимоий роли, вазифаси таъкидланади*. Масалан, олди-сотди муносабатларида бир томон — сотувчи, иккинчи томон — харидор. Ёки маъмурий ҳуқуқ бузилиши муносабатларида бир томонда — милиция ходими, иккинчи томонда — фуқаро ва ҳоказо.

<sup>1</sup> Дудин А.П. Диалектика правоотношения. — Саратов, 1984. С.13.



г) **ҳуқуқий муносабат** — **иродавий муносабатдир**. Маълумки, ҳуқуқий нормаларда давлат иродаси ифода этилади. Шу билан бирга ҳуқуқий муносабат вужудга келиши учун уни иштирокчиларининг ҳам истаги, хоҳиши талаб қилинади. Шундай ҳуқуқий муносабатлар борки, уларнинг вужудга келиши учун барча иштирокчиларнинг хоҳиш-иродаси баён этилиши лозим. Масалан, никоҳга кираётган ҳар икки томон ўз хоҳишини билдириши лозим ёки олди-сотти муносабати сотувчи билан харидорнинг хоҳиш-иродаси туфайлигина амалга ошиши мумкин. Баъзи ҳуқуқий муносабатларда бир томон иродани баён этса, етарли ҳисобланади. Бундай ҳуқуқий муносабатлар, масалан, маъмурий ишлар ёки ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар амри билан қўзғатиладиган жинойт ишлари бўлиши мумкин.

д) **ҳуқуқий муносабат** — **давлат томонидан қўриқланадиган муносабатдир**. Юридик нормаларда давлат иродаси ва жамият манфаатлари акс этирилганлиги боис давлат уларнинг талаблари тўла-тўқис бажарилишини назорат қилиб боради. Ҳуқуқий қоидалар ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда давлатнинг мажбурлаш кучи ишга солинади. Давлат ҳуқуқни қўриқлаш орқали, айтилиши вақтда, ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатларни ҳам қўриқлайди. Ҳуқуқий муносабатлар давлат томонидан махсус тарзда қўриқланиши билан ижтимоий муносабатларнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Давлат томонидан қўриқланадиган ҳуқуқий муносабатлар тизими жамиятдаги ҳуқуқий тартибнинг асосини ташкил этади.

Шундай қилиб, **ҳуқуқий муносабат** — ҳуқуқий нормаларнинг кишилар хатти-ҳаракати, ҳулқ-атворига таъсир этиши оқибатида вужудга келадиган, давлат томонидан қўриқланадиган ҳамда унинг иштирокчиларида субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар мавжудлиги билан тавсифланадиган ижтимоий муносабатлардир. Жамият ҳаётида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар ниҳоятда турли-тумандир. Уларни бир қанча мезонлар асосида таснифлаш мумкин. Ҳуқуқий муносабатларни қўйидаги мезонлар асосида гуруҳлаш, *турларга ажратиш*, яъни *таснифлаш* мақсадга мувофиқ:

**Ҳуқуқ соҳаларига кўра**, яъни ҳуқуқ нормаларининг муайян ҳуқуқ соҳасига тегишлилигига қараб ҳуқуқий муносабатлар қўйидаги турлар-

га бўлинади: давлат-ҳуқуқий (конституциявий) муносабатлар; фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар; жиной-ҳуқуқий муносабатлар; меҳнат-ҳуқуқий муносабатлари; молиявий-ҳуқуқий муносабатлар ва ҳоказо. Шунингдек, мазкур таснифлаш доирасида моддий ва процессуал ҳуқуқий муносабатлар; хусусий-ҳуқуқий ҳамда оммавий-ҳуқуқий муносабатлар ҳақида гапириш лозим.

*Ҳуқуқий муносабатлар ўз мазмунига кўра*, тартибга солувчи (регулятив) ва кўриқловчи (негатив) турларга ажратилади. Бу ерда таснифлаш мезони — ҳуқуқнинг динамик ва статик, яъни тартибга солувчи функцияларидир. *Тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар* ҳуқуқ субъектларининг мўътадил хулқ-атвори, яъни ҳуқуққа мувофиқ хатти-ҳаракатлари натижасида юзага келадиган муносабатлардир. *Кўриқловчи ҳуқуқий муносабатлар* — ҳуқуқбузарлик содир этиш ва бунинг учун жазо тарзида давлат мажбурлов чорасини қўллаш зарурияти асосида келиб чиқадиган муносабатлардир.

*Ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглиги ёки ҳокимлик-бўйсуниш (иерархик) тарзидалигига қараб* бу муносабатлар фарқланади. Томонлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглигига асосланган ҳуқуқий муносабатлар, масалан, фуқаровий-ҳуқуқий, оилавий-ҳуқуқий муносабатлар кўринишида бўлиши мумкин. Ҳокимлик ва бўйсуниш (яъни, авторитар) мазмунидаги ҳуқуқий муносабатлар, жумладан, жиной-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар шаклида бўлади. Бунда бир тараф устувор ҳуқуққа, ҳокимият ваколатларига эга. Иккинчи тараф эса бўйсуниш ҳолатида бўлиб, асосан мажбурият ўтайди.

*Адабиётларда комплекс ҳуқуқий муносабатлар ҳақида ҳам сўз юритилади.* Бундай муносабатлар узоқ давом этувчи, нисбатан турғун, мураккаб таркибли бўлиб, улардаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар кўп қирралилиги билан намоён бўлади. Ушбу турдаги муносабатларга эрхотин ўртасидаги ёки корхона маъмурияти билан ходим ўртасидаги муносабатлар ва бошқалар мисол бўла олади. Комплекс ҳуқуқий муносабатлар, ўз навбатида, бир неча оддий ҳуқуқий муносабатларга бўлинади. Комплекс ҳуқуқий муносабатлар улар таркибига кирувчи оддий ҳуқуқий муносабатлардан ўзининг вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи асосларига кўра фарқ қилади.

**Ҳуқуқий муносабатлар умумий ва аниқ (конкрет), мутлақ ва нисбий турларга ҳам бўлинади.** Умумий ҳуқуқий муносабатлар деганда, аввало, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларини мустаҳкамловчи конституциявий нормалар асосида вужудга келувчи муносабатлар тушунилади. Фуқаролар қонунда назарда тутилган ваколатларга эга бўлгач, барча у ёки бу ҳуқуқ субъектлари билан ҳуқуқий алоқадорликда ҳисобланадилар. Башарти, мазкур ҳуқуқ ва эркинликлар амалга оширилса, **аниқ ҳуқуқий муносабат** вужудга келади. Аниқ ҳуқуқий муносабатлар жиноят, фуқаролик, меҳнат, оила, солиқ, уй-жой ва бошқа кодекслар махсус қисмидаги моддаларнинг қўлланиши асосида келиб чиқиши мумкин. Бунда қонунда мустаҳкамланган аниқ ҳуқуқнинг таъминланиши учун муайян субъект тегишли юридик мажбуриятни адо этади.

**Мутлақ ҳуқуқий муносабатларда** бир тараф аниқ маълум бўлади — бу субъектив ҳуқуқ эгасидир. Қолган барча субъектлар мажбурият ўтовчи томон бўладилар, яъни ваколатли шахс субъектив ҳуқуқларнинг амалга оширилишига қаршилик қилмаслиги лозим. Бундай ҳуқуқий муносабатга мулкчилик муносабатлари мисол бўлади.

**Нисбий ҳуқуқий муносабатларда** барча иштирокчилар (тарафлар) аниқ белгиланган бўлади, яъни ҳуқуқ эгаси ҳам, мажбурият ўтувчи томон ҳам маълум бўлади. Масалан, сотувчи ва харидор, буюртмачи ва пудратчи, маъмурият раҳбари ва ходим.

Ҳуқуқий муносабатлар ўз ички тузилишига кўра қуйидаги таркибий қисмлар (элементлар) дан иборат:

- а) ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари (иштирокчилари);
- б) ҳуқуқий муносабатларнинг объекти;
- в) ҳуқуқий муносабатнинг мазмунини ташкил этувчи субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар.

## 2-§. Ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари

Ҳуқуқий муносабат, авваламбор, инсонлар (кишилар жамоаси) ўртасидаги алоқа, боғланиш, муносабат бўлиб, ўз иштирокчиларига, тарафларига эга. Ҳар қандай муносабат икки ёки ундан ортиқ шахслар

ўртасидаги алоқа, мулоқот сифатида талқин этилади. Тегишли субъектларнинг мавжуд бўлиши ҳуқуқий муносабатлар амалга ошишининг муқаррар шарти ҳисобланади.

**Ҳуқуқий муносабатлар субъектлари** — ҳуқуқий нормалар туфайли муайян муносабатлар иштирокчиси ҳамда субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар эгаси бўлган инсонлар ёки ташкилотлардир. Ушбу таърифдан маълум бўлишича, ҳуқуқий муносабатлар субъектлари икки тоифага бўлинади: инсонлар (жисмоний шахслар) ва ташкилотлар (жамоавий субъектлар). Жисмоний шахсларга тегишли давлатнинг фуқаролари, шу мамлакат ҳудудида турган хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар киради. Ҳуқуқнинг жамоавий субъектларига турли-туман давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда идоралар, шунингдек, давлатнинг ўзи ҳам киради. Жамоавий субъектлар сифатида баъзан ижтимоий биргаликлар ҳам тушунилади: масалан, референдум ёки сайловлар ўтказилган чоғда — халқ, сайловчилар (электорат) ана шундай субъект ҳисобланади. Фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда жамоавий субъектлар *юридик шахслар* сифатида майдонга чиқадилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига жисмоний ва юридик шахслар таърифи берилган. Фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади. Қонун барча фуқароларнинг тенг равишда ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш қобилиятини (*ҳуқуқий лаёқатини*) эътироф этади. Кодекснинг 39-моддасида юридик шахс тушунчаси баён этилган. Унга мувофиқ, ўз мулкига, хўжалик юритишида ёки кундалик бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан жавоб бера оладиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот *юридик шахс* ҳисобланади.

Юридик шахснинг *ҳуқуқий лаёқати* ва *муомала лаёқати* бир вақтда, яъни у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади ва уни тугатиш яқунланган пайтдан эътиборан тугатилади. Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади. Юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс

томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади. Юридик шахслар — давлат, давлат идоралари, жамоат ва ширкат ташкилотлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, хўжалик бирлашмаларидир.

Давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар қуйидаги ҳолларда ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси бўладилар:

- а) ўзларининг ҳокимият ёки қонунда белгиланган ваколатларини амалга ошириш орқали;
- б) жамият ва давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида (фаолиятида) иштирок этиш орқали;
- в) хўжалик ва мулкӣ муносабат билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш орқали.

Давлатнинг ўзи тўлиғича ҳуқуқ эгаси бўлиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Масалан, *халқаро ҳуқуқий муносабатларда*, яъни хорижий давлатлар билан мулоқотга киришганда; *давлат-ҳуқуқий муносабатларда*, яъни федерация билан унинг субъектлари ўртасида алоқалар амалга ошганда, ёки давлат фуқаролигига қабул қилишда, ёхуд давлат ўз фуқаросига фахрий унвонлар берганда ва ҳ.к.; *фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда*, яъни давлат мулки билан боғлиқ муносабатларда, ижтимоий хусусиятга эга бўлган тарихий, миллий, илмий, маданий ва моддий бойликларга давлат меросхўр (ворис) бўлган ҳолларда; *жиноий-ҳуқуқий муносабатларда*, яъни жиноий иш бўйича ҳукм ёки фуқаролик иши бўйича ҳал қилув қарори давлат номидан эълон қилинади.

Давлат иштирок этадиган мулкӣ муносабатлар давлат мулки, ташқи савдо, кредит, бож ва қарз масалаларида вужудга келади. Баъзи ҳолларда давлат ягона ҳуқуқ субъекти сифатида майдонга чиқади. Масалан, Конституция ва амалдаги қонунларга мувофиқ, Ўзбекистонда ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмон, темир йўл, ҳаво ва сув транспортга, алоқа воситаларига эгалик қилиш ҳуқуқи фақат давлатга тегишлидир. Ўзбекистон Республикаси — халқаро ҳуқуқий муносабатлар субъекти, яъни маълум ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгасидир.

Ҳуқуқий муносабатнинг субъекти бўлиш учун ташкилот ёки жисмоний шахс ҳуқуқдорлик мақомига эга бўлиши лозим. Фақат ҳуқуқдор,

яъни ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатига эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар **ҳуқуқий муносабат иштирокчиси** деб тан олинади.

**Ҳуқуқдорлик** — ҳуқуқ соҳиби, ҳуқуқий алоқалар иштирокчиси бўлиш қобилиятидир.

**Ҳуқуқий лаёқат** — шахснинг ҳуқуқ нормаларига мувофиқ субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларга эга бўла олиш қобилиятидир. Бошқача айтганда, ҳуқуқий лаёқат жисмоний ва юридик шахсларнинг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларга эга бўлиш имконияти, қонунда назарда тутилган турли муносабатларга кириши қобилиятидир. Инсонларда ҳуқуқий лаёқат улар туғилган пайтда пайдо бўлиб, вафот этгунича мавжуд бўлади. Ҳуқуқ нормалари ҳуқуқий муносабат субъектларининг улар ҳуқуқий лаёқатига мос тарздаги ҳаракатланиш мезони ва чегарасини белгилайди. Ҳуқуқ назариясида ҳуқуқий лаёқатнинг уч тури фарқланади: умумий, соҳавий ва махсус.

**Умумий ҳуқуқий лаёқат** — ҳар қандай шахснинг, ёки ташкилотнинг умуман ҳуқуқ субъекти бўла олиш имкониятидир. Бу имконият туғилган (ташкил топгандан) бошлаб мавжуд бўлади.

**Соҳавий ҳуқуқий лаёқат** — шахс ёки ташкилотнинг у ёки бу ҳуқуқ соҳасида субъект бўла олиш юридик қобилияти. Турли ҳуқуқ соҳаларида субъект бўлиш учун ҳар хил талаблар белгиланган. Махсус ҳуқуқий лаёқат — муайян лавозимни президент, судья, прокурор ва ҳ.к. эгаллаш муносабати билан вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси бўлиш қобилияти. Бундай лаёқат шахснинг муайян ҳуқуқ субъекти тоифасига мансуб бўлиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин (масалан, ҳуқуқни муҳофаза этиш органи ходими).

**Ҳуқуқий муомала лаёқати** — жисмоний ва юридик шахснинг ўзига тегишли ҳуқуқини ўзи бевосита амалга ошириш қобилиятини англатади. Муомала лаёқати қонунда белгиланган шахслар томонидан ўз ҳаракатлари билан субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларга эга бўлиш қобилиятидир. Муомала лаёқатининг мазмуни, кўлами ва амалга ошириш шартлари ҳуқуқ нормалари билан белгиланади.

Демократик жамиятда ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати уни чиндан ҳам амалга ошириш имкониятлари билан таъминланади. Умумий қоидага кўра, барча фуқаролар ҳуқуқ лаёқатига эга ҳисобланадилар.

Бироқ ҳар бир фуқаро ҳам муомала лаёқатига эга бўлавермайди. Хусусан, Ўзбекистонда муомала лаёқати балоғат чоғи, вояга етиш кунидан бошлаб юзага чиқади. Айрим ҳуқуқ тармоқларида ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати бир вақтда пайдо бўлади. Масалан, конституциявий ҳуқуқ соҳасида асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш ўн саккиз ёшдан бошланади.

Меҳнат-ҳуқуқий муносабатларида ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати 16 ёшдан, оила-никоҳ муносабатларида 18 ёшдан (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига кўра аёллар 17 ёшдан) қатнаша оладилар. Жиноий-ҳуқуқий муносабатларда жиноий жавобгарликка тортилиш 16 ёшдан, оғир жиноятларда ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати 14 ёшдан, баъзан ҳатто 13 ёшдан пайдо бўлади (масалан, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатда қасддан одам ўлдириш жиноятида).

Фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабатларда ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати ҳар доим ҳам бирга (бир вақтда) вужудга келмайди. Фуқаронинг ўз ҳаракати билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши ва уларни амалга ошириши, ўзи учун фуқаролик мажбуриятларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади. Айтиш жоизки, вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла муомала лаёқатига эга бўлади (Фуқаролик кодексининг 22-моддаси). Шунингдек, ушбу қонунда ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача ва ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг муомала лаёқати кўлами белгиланган (27 ва 29-моддалар).

Ҳуқуқий муносабат субъекти ўз хатти-ҳаракати, ножўя хулқ-атвори ва ҳуқуқбузарлик оқибати, етказилган зарар учун жавобгарликни ўтай олиш қобилиятига ҳам эга бўлиши лозим. Гап *деликт лаёқати* ҳақида бормоқда. «Деликт» (лот.) — ҳуқуқбузарлик, ноқонуний хатти-ҳаракат, яъни шахсинг содир этилган ҳуқуқбузарлиги, жинояти учун жавоб бера олиш лаёқатини англатади. Мазкур лаёқат соҳиби ҳисобланаётган шахс ақли расо, руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши ва ўз хатти-ҳаракатлари оқибати учун тўла жавобгарликни зиммасига олишга лаёқатли бўлиши лозим.

Ҳуқуқдорлик тушунчаси таркибида ҳуқуқий лаёқат муҳим белгиловчи ўринни эгаллайди. Муомала лаёқати билан деликт лаёқати эса ундан келиб чиқади. Чунки шахс ҳуқуқ лаёқатига эга бўлмаса, ҳуқуқни амалга ошириши ёки тегишли жавобгарликни ўташи ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

### 3-§. Ҳуқуқий муносабатларнинг объекти

Ҳуқуқий муносабатлар таркибий тузилишининг зарурий қисмларидан яна бири — уларнинг объектидир. «Объект» — лотинча сўздан олинган бўлиб, «нарса», «мавзу» деган маънони англатади. Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат унинг замирида ётган ҳаётий ҳодисаларни, нарса ва жараёнларни тартибга солиш вазифасини ўтайди. Шу боис, объектсиз, яъни ҳеч нарсага қаратилмаган, ҳеч нарсага таъсир кўрсатмайдиган ҳуқуқий муносабатлар бўлмайди.

Ҳуқуқий муносабатда иштирок этаётган субъектларнинг диққат-эътибори, манфаати, хатти-ҳаракати қаратилган реал неъмат, аниқ нарса, жараён, ҳаракатлар **ҳуқуқий муносабатнинг объекти** деб аталади. Масалан, уй-жой олди-сотди шартномавий муносабатининг объекти — уй-жой ташкил этади; одам ўлдириш жиноятининг объекти — инсоннинг ҳаёти; бировни ҳақорат қилиш фуқаровий, маъмурий ва жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳуқуқий муносабатлар объектини шахснинг шаъни, қадр-қиммати, обрў-эътибори ташкил этади.

Ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳаёт ҳодисалари каби турлитумандир. Уларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

**Моддий олам неъматлари.** Уларга буюм, ашёлар киради. Юридик маънода буюмлар — табиат неъматлари ва меҳнат фаолияти жараёнида яратилган нарсалар бўлиб, улар юзасидан ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқади. Буюм (ашё) лар тоифасига: ишлаб чиқариш қурол-воситалари, истеъмол моллари, пул, қимматли қоғозлар, моддий маҳсулотлар ва бошқалар киради. Масалан, моддий олам неъматлари объекти бўлувчи ҳуқуқий муносабатларга олди-сотди, маҳсулот айирбошлаш, ҳаля, мерос каби муносабатлар киради.



**Маънавий ижод маҳсулотлари.** Бу интеллектуал-ақлий фаолият натижасидир. Унга маданият, санъат, тасвирий ижод, кино, адабиёт асарлари ва бошқалар киради.

Интеллектуал-ақлий ижод маҳсуллари юзасидан ҳам турли-туман ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқади. Санъат ва адабиёт асарларини яратган шахс муаллифлик ҳуқуқига даъвогар бўлади. Музей, кўргазма, шеърят кечасига борган шахсларда ана шу ижод маҳсулотларига қизиқиш пайдо бўлади. Бу манфаатнинг объекти — маънавий бойликлардир. Ижод маҳсулотлари олди-сотди, ҳадя, ижара, фойдаланиш каби ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлиши мумкин.

**Ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг хулқ-атвори ва унинг оқибатлари.** Инсон фаолияти, хулқ-атвори ҳуқуқий муносабатлар воситасида тартибга солинувчи объект сифатида намоён бўлади. Аксарият ҳолларда мажбурият ўтовчи субъектнинг хулқ-атвори ҳуқуқий муносабат объекти бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ, ички ишлар идоралари жазони ўтаб қайтган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатади ва уни амалга оширади. Бунда назорат остида бўлувчи шахснинг фаолияти, юриш-туриши, хулқ-атвори ички ишлар органи билан жазо ўтаб чиққан шахс ўртасидаги ҳуқуқий муносабатнинг объекти бўлади.

Хулқ-атворнинг натижаси деганда, у ёки бу ҳаракат (ҳаракатсизлик) келтириб чиқарадиган оқибат тушунилади. Кўпгина ҳуқуқий муносабатлар муайян оқибатга эришиш учун ўрнатилади ва амалга оширилади. Бу ҳолатда хулқ-атвор эмас, балки унинг натижаси ҳуқуқий муносабатнинг объекти саналади. Масалан, юк ташиш шартномаси асосида келиб чиқувчи ҳуқуқий муносабатни олайлик. Бунда ҳуқуқдор шахсни (юк қабул қилиб олувчи томонни) мажбурият ўтовчи шахснинг қандай хатти-ҳаракатлар содир этиши қизиқтирмайди. Балки унинг ҳаракатлари натижаси, яъни юкни муайян муддатда белгиланган жойга етказиб бериши қизиқтиради.

**Шахсий номулкий неъматлар.** Ҳуқуқий муносабатнинг шахсий номулкий объекти деганда номоддий неъматлар, инсоннинг бевосита шахсияти билан боғлиқ нарсалар тушунилади. Булар — инсоннинг ҳаёти, қадр-қиммати, шаъни, соғлиғи кабилар. Инсонни ҳаётдан маҳ-

рум этиш жиноятдир. Деярли барча давлатларнинг жиноят қонунчилигида инсон ҳаётига тажовуз қилиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Шунингдек, инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, обрў-эътибори, қадр-қиммати фуқаролик, маъмурий, никоҳ ва оила ҳамда бошқа қонунчилик соҳалари нормалари билан муҳофаза этилади.

#### 4-§. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар

Ҳуқуқий муносабат унинг иштирокчиларида ўзаро субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжуд бўлишини англатади. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар ҳуқуқий муносабатларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Чунки уларни ўзаро боғлиқликда таҳлил этиш орқали ҳуқуқий муносабатнинг табиати ва мақсади ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

**Субъектив ҳуқуқ** — ҳуқуқдор (ваколатли) шахснинг ҳуқуқ нормалари доирасида ҳамда муайян юридик фактлар асосида вужудга келувчи хатти-ҳаракати, феъл-атворининг меъёридир. Шунингдек, субъектив ҳуқуқ — ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг тегишли ҳуқуқ нормасига асосан унда назарда тутилган ҳаракатни содир қилишга ҳақли эканини ёки уларнинг маълум ҳаракатларнинг амалга оширилишини талаб қилиш ваколатини билдиради. Субъектив ҳуқуқ қонун билан бериладиган ва давлат томонидан муҳофазаланадиган хулқ-атворнинг мумкин бўлган (руҳсат этилган) чегараси, кўлами бўлиб, у асосан шахснинг имконияти сифатида баҳоланади ва унинг қонуний манфаатларини қондиришга хизмат қилади.

Субъектив ҳуқуқнинг мазмунини акс эттирувчи жиҳат — **ҳуқуқий ваколат** ҳисобланиб, у уч хил бўлади:

**Ўз хатти-ҳаракатларини амалга ошириш юзасидан бўлган ҳуқуқий ваколатлар.** Бунга мисол: мулкдор ўзига тегишли мулкка нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларига эга эканлигидир; ўз ҳаракатларини содир этиш ҳуқуқи қонунчилик нормалари ёки бошқа шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари билан чекланиши мумкин.

**Ўзгаларнинг хатти-ҳаракатига бўлган ҳуқуқий ваколат.** Бунда субъектив ҳуқуқ жавобгар шахс томонидан муайян ҳаракатлар содир

этилган тақдирдагина амалга ошади. Масалан, қарз шартномаси бўйича пулни қайтаришни талаб этиш ҳуқуқи.

**Талаб тарзидаги ҳуқуқий ваколат.** Бу ваколатли давлат органига мурожаат этиб, муайян мажбуриятнинг бажарилишини талаб этиш имкониятидир. Масалан, судга мурожаат этиб, алимент тўланишини талаб қилиш ҳуқуқи. Шундай қилиб, субъектив ҳуқуқнинг амалга ошиши ҳуқуқий ваколат эгаси бўлган шахснинг ихтиёри, истаги ва иродасига боғлиқдир.

Субъектив ҳуқуқ ҳамisha эркинлик (озодлик) билан узвий боғлиқ. У — эркинлик меъёри. Мабодо, эркинликнинг бу меъёри нолга тенг бўлса, ҳар қандай муносабат ўзининг ҳуқуқий табиатини йўқотади<sup>1</sup>. Башарти, субъектив ҳуқуқ ўзга шахс ёки ташкилот томонидан бузилса, ҳуқуқий ваколат эгасида бузилган ҳуқуқини муҳофаза этилишини талаб қилиб, мурожаат этиш имконияти пайдо бўлади. Мазкур вазиятда давлатнинг ҳуқуқни қўриқлаш фаолияти намоён бўлади.

**Юридик мажбурият** — ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг тегишли ҳуқуқий нормага асосан ўзларининг бурчи (мажбурияти) бўлган ҳаракатни амалга оширишлари ёки баъзи ҳаракатни содир этишдан ўзларини тийишларидир.

Шахс юридик мажбуриятларни ўташ туфайли ҳуқуқий муносабатнинг иккинчи иштирокчиси субъектив ҳуқуқи амалга ошишини таъминлайди. Агар ҳуқуқимизга муқобил турувчи мажбурият ўтовчи шахс бўлмаса ва у субъект қонун талаб этган хатти-ҳаракатларни содир этмаса (ёки бирон-бир ҳаракатдан ўзини тиймаса), бизнинг ҳуқуқимиз куруқ гапдан бошқа нарсасиз эмас.

Юридик мажбурият қонунга мувофиқ талаб этиладиган, бажарилиши лозим бўлган хатти-ҳаракатдир. Агар субъектив ҳуқуқдан фойдаланиш ихтиёрий бўлиб, ундан фойдаланмаслик ҳам мумкин бўлса, юридик мажбуриятни бажармаслик мумкин эмас.

Г.Ф.Шершеневич юридик мажбурият нима деб савол қўяди ва унга шундай жавоб беради: бу энг аввало, «ўз ироданг чегараланганлигини,

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Варламова Н.В.* Правоотношения: философский и юридический подходы. — Правоведение. 1991, №4. 51-6.

ўзганинг манфаати билан боғланганлигини англашдир». Инсон ўз хулқ-атворини унга ташқаридан бўладиган талабларга мувофиқлаштиришга мажбур қилинади. Мажбуриятнинг моҳияти ана шундадир. Ҳуқуқнинг талаби кимга қаратилган бўлса, ўша шахсни юридик мажбурият ўтовчи деб ҳисоблаш лозим. Ўз табиати ва таъбига кўра ҳаракат қилмоқчи бўлган шахснинг иродасига қонунда назарда тутилган омиллар таъсир этиб, уни ўз мажбуриятини англашга мажбур қилади<sup>1</sup>.

Субъектив юридик мажбурият қуйидагиларда ифодаланади:

— *тақиқланган хатти-ҳаракатларни содир этишдан тийилиш* (бунда мажбурият ўтовчи шахс пассив бўлиб, субъектив ҳуқуқ амалга ошишига ҳалал бермайди);


— *муайян хатти-ҳаракатларни содир этиш* (бунда мажбурият ўтовчи шахсдан фаол ҳаракат қилиш талаб этилади, токи ҳуқуқий муносабат бошқа иштирокчисининг субъектив ҳуқуқи рўёбга чиқиши учун шароит яратилсин).

Юридик мажбуриятни бажармаслик оқибатида юридик жавобгарлик келиб чиқади. Юридик мажбуриятни бажармаган шахсга нисбатан давлат мажбурлов чорасини қўллайди, яъни жазога дучор этади.

Шундай қилиб, субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Ҳуқуқ мажбуриятсиз мавжуд бўлмайди. Ва аксинча, бирон-бир ҳуқуққа мос келмайдиган мажбурият бўлмайди. Айнан бир фактик хулқ-атвор, хатти-ҳаракат бир вақтнинг ўзида бир томон учун — ҳуқуқ, иккинчи томон учун — мажбурият ҳисобланади. Масалан, иш вақтидан ташқари ишлаганлик туфайли оширилган ҳақ тўлаш маъмурият учун — мажбурият, ходим учун — ҳуқуқдир.

<sup>1</sup> Қ а р а н г. *Шершеневич Г.Ф.* Общая теория права. Вып.3.1911. С. 619—620.

Хуқуқий муносабат таркиби



## 5-§. Юридик фактлар

Барча ижтимоий ҳаёт ҳодисалари сингари ҳуқуқий муносабатлар ҳам тараққиёт қонуниятларига итоат этади. Инсонлар ўртасидаги алоқаларнинг юридик шакли бўлмиш ҳуқуқий муносабатлар мунтазам равишда пайдо бўлиб, ўзгариб ва барҳам топиб туради.

Ҳуқуқий муносабатлар юридик нормалар асосида келиб чиқади. Бироқ ҳуқуқий нормалар ўз-ўзидан, бевосита ҳуқуқий муносабатларни пайдо қилмайди. Нормалар фақатгина ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишининг шартларини, ҳолатларини ва чегараларини белгилаб беради. Ҳуқуқий муносабатларнинг мавжудлиги *юридик фактлар*, деб аталувчи муайян ҳаётий ҳодисалар билан боғлиқ. Юридик фактлар ҳуқуқий муносабатларнинг зарурий шарти, аниқ талаби сифатида майдонга чиқади.

Хўш, юридик фактлар дегани қандай ҳодиса? Турмушдаги барча воқеликлар мана шундай ҳодисалар ҳисоблана оладими? Чамаси, йўқ. Ҳаётда турли-туман фактлар, ҳолатлар, шарт-шароитлар бор. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам юридик факт бўлавермайди. Муайян ҳодиса ва ҳолатларни юридик факт деб эътироф этиш давлатнинг хоҳиш-ирода-сига боғлиқ. Юридик факт ҳуқуқий муносабатни келтириб чиқаради, томонларда ҳуқуқ ва мажбурият вужудга келтиради. Ҳуқуқий нормалар таъсирида у ёки бу ҳаётий ҳолатлар юридик фактга айланади.

*Юридик фактлар* — ҳуқуқий нормалар асосида ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва барҳам топтирувчи ҳаётий ҳодисалардир. Юридик фактлар ҳуқуқий тизимда, ҳуқуқий тартибга солиш механизмида муҳим роль ўйнайди ва катта аҳамият касб этади. Улар ҳуқуқий норма билан аниқ ҳуқуқий муносабат ўртасидаги боғловчи бўғиндир.

Юридик фактлар ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқдорлик (ҳуқуқ субъекти), субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият билан биргаликда ҳуқуқий муносабатларнинг зарурий шарти ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасига мувофиқ, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Фуқаронинг олий ўқув юртига кириб ўқиш ҳуқуқи амалга ошиши учун у балоғат ёшига етганлиги ҳамда муомала

лаёқатига эгалигидан ташқари тегишли юридик факт мавжуд бўлиши лозим. Бу юридик факт — унинг кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириши, танловдан ўтиши ва буйруқ билан ўқув муассасасига қабул қилинишидир. Ана шундагина талаба билан ўқув юрти маъмурияти ўртасида ҳуқуқий муносабат келиб чиқади.

Юридик фактлар ҳуқуқ нормаларида назарда тутилади, мустаҳкамланади. Масалан, никоҳни ФХДЁ (ЗАГС) идораларида рўйхатдан ўтказиш факти — юридик фактдир, чунки бу ҳолат Фуқаролик кодекси ва Оила кодексига мустаҳкамланган. Айни вақтда, масжидда ҳам никоҳ ўқиш фактлари (урф-одати) мавжуд. Бироқ бу факт қонунда назарда тутилмаган. Шу боис у юридик факт бўла олмайди.

Юридик фактлар хилма-хилдир, улар моҳиятан бир неча турларга бўлинади. Юридик фактлар улар келтириб чиқарадиган ҳуқуқий оқибатларга қараб: *ҳуқуқни яратувчи, ҳуқуқни ўзгартирувчи* ва *ҳуқуқни бекор қилувчи фактларга* бўлинади.

Айни бир юридик ҳодиса бир вақтнинг ўзида ҳам ҳуқуқ яратувчи, ҳам ҳуқуқни ўзгартирувчи, ҳам ҳуқуқни бекор қилувчи факт бўлиши мумкин. Масалан, инсоннинг ўлими факти мерос ҳуқуқий муносабатларининг келиб чиқишига сабаб бўла олади, ҳуқуқий муносабат иштирокчилари таркиби ўзгаришига олиб келади (яъни, ўлган шахс бу муносабатдан чиқиб кетади), мавжуд қатор (оилавий, меҳнат, нафақа) ҳуқуқий муносабатларнинг барҳам топишига асос бўлади.

Юридик фактлар иродани ифодалашига қараб, икки асосий гуруҳга: *юридик ҳодисалар* ва *юридик ҳаракатларга* бўлинади.

*Ҳодисалар* — табиат ва жамиятдаги шундай фактларки, уларнинг юз бериши кишиларнинг эрку иродаси, онги ва эҳтиёжига боғлиқ эмас. Масалан, ер қимирлаши, бола туғилиши, инсоннинг вафот этиши, ёнғин, сел каби табиий офатлар ва бошқалар. Мазкур ҳодисалар ҳуқуқ билан тартибга солинувчи ижтимоий муносабатларга муайян таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабдан улар юридик фактлар, деб тан олинади. Одатда, ҳодисалар ҳуқуқий муносабатнинг объектига таъсир этади. Масалан, ёнғин туфайли уй-жойига зарар етган шахс билан тегишли давлат идоралари, жумладан, суғурта идоралари ўртасида ҳуқуқий муносабат келиб чиқади.

*Ҳаракатлар* — ҳуқуқий муносабат иштирокчилари иродаси билан боғлиқ фактлар. Улар бир неча турга ажралади: *ҳуқуққа мувофиқ* ва *ҳуқуққа хилоф* ҳаракатлар. Амалдаги қонун нормалари асосида вужудга келадиган ҳамда шу нормалар билан тартибга солинадиган ҳаракатлар *ҳуқуқий* (*ҳуқуққа мувофиқ*) ҳаракатлар, деб аталади. Ҳуқуқий нормалар талабларига зид, уларни бузувчи ҳаракатлар *ҳуқуққа хилоф* (*ғайриқонуний*) ҳаракатлар ҳисобланади.

Ҳуқуққа зид ҳаракатлар ўз мазмуни ва хусусиятига қараб *жиноий*, *маъмурий*, *фуқаролик* ва *интизомий-ҳуқуқий бўлмаган ҳаракатларга* бўлинади. Ҳуқуқий бўлмаган ҳаракат қонунга биноан юридик жавобгарликни келтириб чиқаради. Масалан, жиноят содир қилинганлик учун жиноий жавобгарлик келиб чиқади.

Ҳуқуққа мувофиқ ҳаракатлар ўз навбатида икки турга бўлинади:

- *юридик актлар*;
- *юридик хатти-ҳаракат*.

*Юридик актларда* ҳуқуққа мувофиқ ҳаракатлар муайян ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтириши назарда тутилиб содир этилади. Бундай ҳаракатларда ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириш, ўзгартириш ва барҳам топтиришга қаратилган хоҳиш ифодаланди. Масалан, фуқаролик ҳуқуқий битимлари, маъмурий актлар шундай актлар сирасига киради.

Юридик хатти-ҳаракат кишилар томонидан ҳуқуқий оқибатларга олиб келишини атайин кўзда тутмаган ҳолда содир этилади, бироқ бундай оқибатлар қонунда назарда тутилганлиги туфайли келиб чиқади. Масалан, ижодкор илмий ёки бадиий асар яратди, дейлик. Бунда ижодкорнинг ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиришни истагани ёки истамаганидан қатъи назар, қонун муаллифлик ҳуқуқий муносабатлари пайдо бўлишини шарт қилиб қўйган. Демак, ижод маҳсулининг яратилиши — юридик фактдир.

Юридик актларнинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, уларда юридик аҳамиятга молик асосий шарт — юридик оқибатларни кўзлаб ўзича иш кўришдир.

Шундай қилиб, юридик фактлар ҳуқуқий муносабатлар ўрнатишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Улар, одатда, ҳуқуқий



муносабат субъектларининг манфаатларига мос келади. Юқоридаги таҳлилларга яқун ясаб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1) ҳуқуқий муносабатлар — ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тури бўлиб, улар устқурманинг таркибий қисми сифатида иқтисодий тизим, ишлаб чиқариш муносабатлари замирида вужудга келади ва такомиллашиб боради;

2) ҳуқуқий муносабатлар, ўз навбатида, жамият ҳаётига, ишлаб чиқариш жараёнига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин;

3) ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқ нормалари асосида пайдо бўлади (ўзгаради ёки барҳам топади) ҳамда ўз табиатига кўра иродавий характерга эга бўлади;

4) фақат ҳуқуқий нормаларгина ижтимоий муносабатларга қонуний шакл бахш эта олади;

5) ҳуқуқий муносабатлар — давлатли жамиятга хос ҳодиса. Улар давлат сиёсати, хоҳиш-иродаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳуқуқ воқитасида давлат ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади; зарур ҳолларда ҳуқуқий муносабатларни рўёбга чиқариш, муҳофаза этиш учун давлатнинг мажбурлаш кучи ишга солинади;

6) демократик жамиятда ҳуқуқий муносабатлар, асосан, ихтиёрий, онгли равишда амалга оширилади. Бироқ шундай бўлса-да, ҳуқуқий муносабатлар доимо давлатнинг мададига (кучига) таянади;

7) ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги тўрт унсурли таркибий тузилишга эга: ҳуқуқий муносабат субъекти, унинг объекти, ҳуқуқдорлик, юридик мажбурият;

8) ҳуқуқий муносабатлар вужудга келтириладиган, ўзгартирадиган (ривожлантирадиган) ёки барҳам топтирадиган ҳаётий ҳодисалар (шунингдек, табиат ҳодисалари) юридик фактлар ҳисобланади (чизмага қаралсин);


9) юридик фактлар ҳаётда ҳуқуқдан алоҳида, мустақил бўлиб, давлат хоҳиш-иродаси туфайлигина ҳуқуқий маънога эга бўлади;

10) ҳуқуқий муносабатлар объектив ва субъектив ҳуқуқни амалга оширишнинг алоҳида шаклидир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий муносабатлар фуқаролар, жамоат бирлашмалари, давлат органлари ва бошқа юридик шахслар ўртасида-

ги турли-туман алоқаларни тартибга солиш орқали жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини қарор топтириш, шунингдек, инсон, жамият ва давлат манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан уйғунлаштиришга самарали хизмат қилади.

### Юридик фактларнинг таснифи



## XV Б О Б

### ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ВА ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИ. ҚОНУНЧИЛИКНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ

#### 1-§. Ҳуқуқ тизими тушунчаси ва унинг таркибий қисмлари

Жамият турли-туман ижтимоий муносабатлар мажмуидан иборатдир. Ижтимоий муносабатлар хилма-хил бўлишига қарамай, айна пайтда, мазмунан муайян гуруҳларга бирлашади. Улар яхлит бир ижтимоий макротизимни ташкил этади. Бу, ўз навбатида, ушбу муносабатлар тизимини тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларининг ҳам тегишлича гуруҳланишини, тизимли хусусиятга эга бўлишини белгилайди.

**Ҳуқуқ тизими** — бу ҳуқуқнинг ботиний тузилиши, унинг ички архитектураси, таркиби бўлиб, у ҳуқуқнинг қандай қисмлардан иборат эканлиги ва қисмлари ўртасидаги муносабат ҳамда нисбатни ифода қилади. Ҳуқуқ тизими объектив табиатга эга. Бунинг маъноси шуки, мавжуд ижтимоий муносабатлар ва уларнинг реал манзараси ҳуқуқ тизимини белгиловчи омил ҳисобланади. Ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши, янгиланиши ҳуқуқ тизимида ўзининг айнан аксини, ифодасини топади, шу жиҳатдан ҳар бир давлатнинг ҳуқуқ тизими мазкур жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг инъикоси, ифодаси ҳисобланади. Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқ давлат томонидан ўрнатилган ва бажарилиши ҳокимият воситалари билан таъминланадиган нормалар мажмуидан иборат. Айна вақтда, бу нормалар мажмуи бетартиб тарзда жамланган бўлмай, балки унинг қисмлари ўзаро мувофиқлик, боғлиқлик асосида бирлашади. Бу тизим бир пайтда умумийлик ва алоҳидалик, мустақиллик ва боғлиқлик, ўхшашлик ва фарқланиш хусусиятларига эгадир. Ҳуқуқ тизимини ташкил этган нормаларнинг умумийлиги ва бирлиги уларда ифодаланган давлат иродасининг ягоналиги, ҳуқуқий нормалар амал қилиб турган «ҳуқуқий замин» нинг, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизми ва бу механизм асосланадиган умумий қоидаларнинг яхлитлиги, шунингдек, вазифалари ва мақсадларининг муштараклиги билан белгиланади.

Ҳуқуқ тизими қуйидаги хусусиятларга эга:

— *биринчидан*, ижтимоий муносабатларнинг мазмунидан келиб чиқиб объектив равишда шаклланади;

— *иккинчидан*, у яхлит тизим сифатида ҳуқуқнинг ички тузилишини, яъни бу тизим қандай ички «қурилма»дан иборатлигини кўрсатади;

— *учинчидан*, ҳуқуқ тизими уни ташкил этувчи юридик нормаларнинг муайян гуруҳларга бирлашишини ифодалайди;

— *тўртинчидан*, ҳуқуқ тизимини ташкил этувчи юридик нормалар ва улар бирлашган гуруҳларнинг ўзаро фарқланишини кўрсатади;

— *бешинчидан*, ижтимоий муносабатларнинг хусусияти ва ўзига хослиги юридик нормаларнинг ҳам маълум даражада ихтисослашувига сабаб бўлади.

«Тизимлар назарияси» га кўра, ҳар қандай тизимнинг таркибий тузилиши муайян қоидалар ва мезонлар асосида ташкил топади. Бирон-бир тизимни чуқурроқ англаш учун тизим асосида ётадиган ушбу мезонларни аниқлаш лозим. Бу ҳуқуқ тизимини ўрганиш учун ҳам зарур бўлиб, унинг натижасида ҳуқуқнинг нималарга асосланиб «қурилганлиги», ҳуқуқ нормаларининг жамланиши ва гуруҳларга бўлиниши асосида нима ётганлигини билиб оламиз. Шу мақсадда адабиётларда қатор ёндашувлардан фойдаланилади. Генетик ёндашув асосида бирламчи ва иккиламчи (ҳосила) мезонлар ажратилади. Ҳуқуққа нисбатан аввало, инсон бирламчи мезон бўлиб ҳисобланади. Шу маънода ҳуқуққа нисбатан турли йўллар билан шаклланган ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий тузилмалар, энг аввало, давлат ва жамият иккиламчи мезон бўлиб ҳисобланади. Тарихий ёндашувга асосан эса ҳуқуқнинг тизим сифатида шаклланишининг бутун ривожланиш йўлини кузатиб таҳлил этиш мумкин, бу жараёнда энг муҳим мезон сифатида ҳуқуқнинг шакли (манбаи) олдинги ўринга чиқади. Ҳуқуқ шакларини таҳлил этиш орқали биз у ёки бу ҳуқуқ тизими учун хос бўлган тизим ҳосил қилувчи мезонларни аниқлашимиз мумкин. Тарихий ёндашув ҳуқуқ тизимининг генетик алоқаларини очиб бериши билан бир қаторда, тарихий ривожланиш жараёнида ҳуқуқ тизимида бўлган жўшқин ўзгаришларни ҳам кузатиш мумкин. Бу аввало инсоннинг ўзининг индивид сифатида ва турли ижтимоий-сиёсий тузилмалар аъзоси сифатида ривожланиши билан боғ-

лик. Бундан ташқари, ҳуқуқ тизимига турли диний, этник, ғоявий омиллар ва уларнинг ўзаро нисбати таъсири ҳам намоён бўлган.

Ҳуқуқ тизимига тизимли-тузилмавий ёндашув унинг ички тузилишида ҳуқуқ нормаларининг маълум тартибда жойлашганлигини кўрсатади. Ҳуқуқ тизимида жойлашган нормаларнинг тартибга солинганлиги, ўзаро мувофиқлиги ва алоқадорлиги ҳамда айни пайтда, фарқланиши ижтимоий муносабатларнинг ҳам худди шундай тузилмавий хусусияти ва уларни ҳуқуқий тартибга солишга боғлиқлиги билан белгиланади.

Ҳуқуқнинг тизимлилиги бир неча даражаларни ўз ичига олади. Улардан *биринчиси* ўз ички тузилиши ва алоқаларига эга бўлган ҳуқуқ нормасидир. Шу алоқадорлик туфайли у аниқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Шу билан бир қаторда, айнан бир муносабат бир неча нормалар билан тартибга солинади ва бу уларни ҳуқуқ тизимли-лигининг *иккинчи* поғонаси ҳисобланган ҳуқуқ институтига бирлаштиришга асос бўлади. Бу бирлашув ҳуқуқ нормасининг ташқи алоқалари натижаси сифатида амалга ошади. *Учинчи*, ҳуқуқ тизимлигининг анча юқори даражаси бўлиб, ҳуқуқнинг тармоқларга бўлиниши ҳисобланади.

Ҳуқуқ тизимидаги таркибий тузилмалар ўзининг ташкилий қурилиши ва алоқаларининг мураккаблиги билан бир-биридан фарқ қилади (масалан, горизантал, вертикал, матрицали ва тўғри йўналишли алоқалар ва ҳоказо). Тараққиётнинг ҳозирги ҳолатига мос келадиган таснифга кўра, ҳуқуқ тизими — ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ тармоқлари (соҳалари)дан иборат.

**Ҳуқуқ нормаси** ҳуқуқ тизимининг бирламчи элементи бўлиб, у давлат томонидан ўрнатиладиган, ҳокимият хусусиятига эга бўлган ҳуқуқ-атвор ва хатти-ҳаракат қондасидир. Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ тузилмаси ичида бошланғич ўринда бўлиб, бутун ҳуқуқ тизимида бўладиган ўзгаришларни ўзидан ўтказиши. Шу боис унинг ҳуқуқ тизимининг бошқа тузилмаларига таъсири анча салмоқли. Таъбир жоиз бўлса, уни ҳуқуқнинг «ўлчов бирлиги», «бирламчи мезони» дейиш мумкин.

**Ҳуқуқ институти** ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади. Одатда,

ҳуқуқ институти ҳуқуқий нормаларнинг унча катта бўлмаган барқарор гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг маълум бир турини тартибга солади. Демак, агар ҳуқуқий норма ҳуқуқий материянинг бирламчи элементи бўлса, ҳуқуқ институти эса унинг дастлабки ҳуқуқий умумлашмасидир. Ҳар бир тармоқ ўз ичига бир қатор институтларни қамраб олади ва улар тармоқнинг таркибий қисми, бўлаги, бўғини сифатида намоён бўлиб, айни пайтда, муайян мустақилликка эга. Зеро, улар маълум даражада мустақил масалаларни тартибга солади. Ҳуқуқ институтларига мисол қилиб, маъмурий ҳуқуқда — мансабдор шахс институти; фуқаролик ҳуқуқида — даъво муддати, шартномалар, олдисотди институтлари конституциявий ҳуқуқда — сайлов тизими, фуқаролик институти; жиноят ҳуқуқида — зарурий муҳофаа институти, оила ҳуқуқида — никоҳ институти ва бошқаларни келтириш мумкин.

Ҳуқуқ институтларини турлича гуруҳлаштириш мумкин. Энг аввало, биз уларни ҳуқуқ тармоқлари бўйича ажратамиз: маъмурий ҳуқуқ институтлари, фуқаролик ҳуқуқи институтлари ва шу кабилар. Демак, қанча ҳуқуқ тармоғи бўлса, шунча йўналишдаги ҳуқуқ институтлари мажмуи мавжуд. Бунда ҳуқуқ тармоқлари институтларни турларга ажратиш мезони вазифасини ўтайди. Ҳаётда шундай бўладики, муайян бир ижтимоий муносабат бир ҳуқуқ тармоғига оид институт билан тартибга солиниб қолмай, бир неча тармоққа тегишли институтлар билан тартибга солиниши мумкин. Шу муносабат билан улар тармоқ институтлари ва тармоқлараро институтлар ҳамда *оддий* ва *мураккаб* (комплекс-мажмуавий), *регулятив* (тартибга солувчи), *қўриқловчи* ва *таъсис этувчи* (мустақкамловчи) институтларга ажралади.

**Ҳуқуқ тармоғи** — бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар ва ҳуқуқ институтларининг умумий мажмуи. Ҳуқуқ тармоғи ҳуқуқни тизимлашнинг анча юқори даражаси ҳисобланади ва у маълум яхлитлик ва мустақиллик билан тавсифланади. Таъкидлаш жоизки, баъзи адабиётларда ҳуқуқ тизимининг юқориди кўрсатиб ўтилган таркибий элементларидан ташқари яна ҳуқуқ тармоқчаси ва субинститутлар ҳам ажратилади. Ҳуқуқ тизимида тармоқларнинг ажралиб чиқишига унга бўлган объектив зарурат асос бўлиб ҳисобланади, давлат эса бу заруратни ўз вақтида англаб, уни расмий-

лаштиради, холос. Ҳуқуқ тармоғи қонун чиқарувчи орган томонидан ўйлаб топилмай, балки ижтимоий ва амалий эҳтиёж маҳсули сифатида шаклланади. Ижтимоий муносабатлар у ёки бу соҳасининг сифат жиҳатидан турдошлиги муайян ҳуқуқ тармоғининг шаклланишини тақозо этади. Шу боис у ёки бу ҳуқуқ тармоғининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳуқуқий тартибга солишга муҳтож бўлган ижтимоий муносабатларнинг тегишли соҳаси мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ бўлади. Айни пайтда, ҳуқуқ тармоқлари ҳам ўзларининг ҳажми, ижтимоий муносабатларга таъсири ва умуман ҳуқуқий тартибга солишда тутган ўрни билан фарқланади ҳамда бу фарқ кўп жиҳатдан улар тартибга соладиган ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва аҳамияти билан белгиланади. Мустақил ҳуқуқ тармоғи ташкил топиши учун қуйидаги шартлар бўлиши лозим:

- ижтимоий муносабатларнинг ўзига хослиги;
- бу муносабатларнинг ҳажми ва мураккаблиги;
- вужудга келган муносабатларни бошқа ҳуқуқ тармоқлари нормалари ёрдамида тартибга солишнинг имкони йўқлиги;
- бу муносабатларни тартибга солишнинг алоҳида усулини қўллаш зарурлиги.

Адабиётларда ҳуқуқнинг конституциявий, маъмурий, молиявий, меҳнат, фуқаролик, оила, жиноят ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи, экология ҳуқуқи, фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал ҳуқуқи ва бошқа тармоқлари кўрсатилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ тизими мураккаб, кўп қиррали ҳаракатдаги яхлит тузилма бўлиб, профессор С. С. Алексеев таъкидлаганидек, қуйидаги бир неча даражаларни ўз ичига олади:

- 1) алоҳида норматив қоида тузилмасини;
- 2) ҳуқуқий институт тузилмасини;
- 3) ҳуқуқий тармоқ тузилмасини;
- 4) ҳуқуқнинг яхлит умумий тузилмаси.

Буларнинг ҳаммаси бир бутун яхлит ҳолда анча мураккаб ижтимоий таркибни ташкил этади. Айни пайтда, ҳуқуқ тизими даражалари мантиқан ва мазмунан ўзаро боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини сабаб ва оқибат нисбати тарзида тақозо этади.

**Оммавий ва хусусий ҳуқуқ.** Таъкидлаш жоизки, жаҳон ҳуқуқий тизимларининг кўпчилигига у ёки бу тарзда ҳуқуқнинг хусусий ва оммавий ҳуқуққа ажратилиши хос. Хусусий ҳуқуқ алоҳида шахсларнинг эҳтиёжини қондириш ва манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, оммавий ҳуқуқ эса давлатнинг умумий манфаатларини муҳофаза этади. Хусусий ва оммавий ҳуқуқнинг шаклланиши қадимги Римга бориб тақалади. Унда *jus publicum* ва *jus privatum* ажратилган бўлиб, уларга Рим юристлари тавсиф беришган. Масалан, Ульпианнинг фикрига кўра, оммавий ҳуқуқ Рим давлатининг ҳолатига, мақомига тааллуқли «*ad statum rei Romanae spectat*»; хусусий ҳуқуқ эса алоҳида шахслар фойдасига тааллуқлидир «*ad Singulorum utilitatem*»<sup>1</sup>. Ҳуқуқ ҳимоя этилган манфаатлар мазмуни, характери хусусий ва оммавий ҳуқуқ соҳаларини ажратишнинг мезони ҳисобланади. Оммавий ҳуқуқ доирасига давлат манфаатини муҳофаза этувчи ҳуқуқий нормалар, хусусий мулк соҳасига эса алоҳида шахслар манфаатини ҳимоя қилувчи нормалар кирган. Шуниси эътиборга моликки, Римда оммавий ва хусусий ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг хусусиятига кўра анча фарқланган. Хусусан, оммавий ҳуқуқ учун *jus publicum privatorum pactis mutari non protest*, яъни оммавий ҳуқуқ нормалари алоҳида шахсларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас, деган тамойил хос бўлган. Бундай нормалар императив нормалар, деб аталган. Яъни, сўзсиз, мажбурий, ҳокимона буйруқ хусусиятига эга бўлган нормалар.

Хусусий ҳуқуқ учун эса ваколат берувчи нормалар хос бўлган.

**Моддий ва процессуал ҳуқуқ.** Ҳуқуқ тизимидаги тармоқлар моддий ва процессуал ҳуқуқ турларига ҳам бўлинади. Конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молиявий ҳуқуқ, ер ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ва меҳнат ҳуқуқи ўз мазмунига кўра моддий ҳуқуқ ҳисобланади ва улар инсонлараро, уларнинг хилма-хил тузилмалариаро реал таркиб топадиган муносабатларни тартибга солади. Бу муносабатлар мулк шакллари, мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш, мулкни олиш ва сотиш, давлат бошқаруви соҳа-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Новицкий И.Б. Основы Римского гражданского права. — М., 1972.



сидаги муносабатлар, фуқароларнинг меҳнат фаолияти, ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Процессуал ҳуқуқ тармоқларига эса жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал ва ҳўжалик-процессуал ҳуқуқ тармоқлари киради. Улар турли низолар, келишмовчиликларни ҳал этиш, жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш ва судда кўришнинг ташкилий масалаларини тартибга солади. Масалан, жиноят ҳуқуқи нормалари қандай қилмиш жиноят эканлиги ва шу хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун бериладиган жазонинг умумий асосларини белгилаб берса, жиноят-процессуал ҳуқуқи уни тергов қилиш, судда кўриш каби қатор масалаларни ўз нормаларида мустаҳкамлайди. Моддий ҳуқуқ билан процессуал ҳуқуқ ўртасида узвий боғлиқлик борлиги яққол кўриниб турибди. Улар бир-бирини тақозо этади ва узвийликда бир бутун яхлитлик касб этади.

Шундай қилиб, **ҳуқуқ тизими** — ҳуқуқнинг объектив равишда шакланган ички тузилиши бўлиб, у ҳаракатдаги, ўзаро бир-бири билан боғланган барча юридик нормалар, институтлар ва ҳуқуқ тармоқларини ўз ичига олади, ички узвийлик ва айни пайтда, тартибга соладиган муносабатларнинг хусусиятларидан келиб чиқадиган фарқлар билан тавсифланади.

Ҳуқуқ тизими таркибидаги энг йирик тузилма — *ҳуқуқ тармоғидир*. Ҳуқуқни тармоқларга ажратиш икки мезон, яъни *ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети* ва *ҳуқуқий тартибга солишнинг усули (методи)* орқали амалга оширилади.

## **2-§. Ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва услуги — ҳуқуқни тармоқ ва институтларга ажратиш мезони**

Ҳуқуқ тизимини тармоқларга ва институтларга бўлиш кимнингдир хоҳиши ёки олимлар ва давлат арбобларининг истаги эмас. Бу жамиятда мавжуд турли-туман ижтимоий алоқалар табиатидан келиб чиқувчи объектив заруриятдир. Объектив ҳуқуқни нима учун таркибий қисмларга бўлиш зарур, деган саволга XX аср бошларида Г.Ф. Шершеневич шундай жавоб берган эди: «Назарий жиҳатдан ёндашганда, ҳуқуқ нор-

маларининг табиатидан келиб чиқувчи ички фарқланиш (бўлиниш) мавжуд ва у тегишли таснифлашни талаб қилади. Педагогика нуқтаи назаридан эса улкан ва доимо кенгайиб борадиган ҳуқуқий материални қисмларга ажратмасдан ўрганиш мумкин эмас. Ва ниҳоят, амалий нуқтаи назардан қараганда, турли бошқарув органлари, айниқса, судлар турлича нормалар билан иш кўрганда уларнинг муайян тааллуқлилигини белгилаш учун қатъий мезонлар зарур бўлади. Ушбу сабабларнинг барчаси фан томонидан ҳуқуқни таснифлашга бўлган интилишни оқлайди»<sup>1</sup>.

Ўтган XX асрда ҳуқуқнинг оммавий ҳуқуққа ва хусусий ҳуқуққа бўлиниши бутун дунёда (собик Совет Иттифоқидан ташқари) эътироф этилди. Айни вақтда, уни тармоқлар ва институтларга ажратиш ҳам сақланиб қолди. Бу тасниф мезонлари ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети ва методидир.

Ҳуқуқий тартибга солиш предмети деганда, ҳуқуқ бевосита тартибга соладиган нарса, яъни, ижтимоий муносабатлар тушунилади. Ижтимоий муносабатлар ўз хусусиятига кўра, юридик нормалар ўртасида алоҳида алоқадорликни вужудга келтиради, уларни яқинлаштиради. Шу боис ҳуқуқий тартибга солиш предмети ҳуқуқ нормаларини маълум тармоққа ажратиш, гуруҳлашда асос бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқий тартибга солиш предмети тузилмаси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

а) ҳуқуқий тартибга солиш предмети субъектлари (индивидуал ва жамоа);

б) субъектларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати;

в) атроф-муҳит объектлари: нарсалар ва ҳодисалар — булар юзасидан инсонлар бир-бирлари билан муносабатга киришадилар ва маълум манфаат юзасидан уларга қизиқиш билдирадилар;

г) муайян муносабатнинг пайдо бўлиши ва барҳам топишининг бевосита сабабчилари бўлган ижтимоий фактлар: ҳодиса ва ҳаракатлар.

Демак, **ҳуқуқий тартибга солиш предмети** — ҳуқуқий таъсир дои-

<sup>1</sup> Шершеневич Г.Ф. Общая теория права. Вып. 3. — М., 1912. С. 514 — 515.

расидаги барча ижтимоий муносабатлардир, бошқача айтганда, ҳуқуқий майдон кўламидаги муносабатлардир.

Ҳуқуқий тартибга солиш предмети — жамият аъзолари бўлмиш инсонлар ўртасида вужудга келадиган ва таркиб топадиган фактик, реал муносабатлар бўлиб, улар объектив равишда ҳуқуқий тартибга солинишга муҳтож бўладилар. Бундай муносабатлар хилма-хил ва кўп сонли, яъни, бошқарув, меҳнат, мулк, оила ва бошқа соҳаларда бўлиши мумкин. Улар мазмунан турлича бўлгани ҳолда, муайян умумий хусусиятлардан ҳам холи эмас. Умумийлик эса қуйидагиларда кўринади:

1) аввало, инсонлар ва уларнинг турли жамоалари, бирлашмалари учун ҳаётий муҳим бўлган ижтимоий муносабатлар;

2) стихияли тарзда бўлмай, балки доимо аниқ мақсадга йўналтирилган, продавий муносабатлар;

3) барқарор, қайта-қайта такрорланадиган, типик (хос ва мос) муносабатлар;

4) инсонларнинг хатти-ҳаракати орқали ифодаланган муносабатлар ва шу боис уларнинг кечиши жараёни устидан четдан назорат олиб бориш мумкин.

Шундай қилиб, ижтимоий муносабатлар, аниқроғи, уларнинг мазмуни, ҳажми, ихтисослашганлиги, гуруҳлашганлиги ҳуқуқ тизимининг ҳам таркибий тузилишини, унинг ички «қурилмаси»ни белгиловчи бош омил ва асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир ҳуқуқ тармоғининг ҳуқуқий тартибга солиш предмети ўз хусусиятига эга. Шу боис бу ҳолат мазкур тармоқ объекти бўлган ижтимоий муносабатларнинг маълум турини тартибга солишнинг усули ҳам ўзига хос бўлишини тақозо этади. Ҳуқуқни тармоқларга ажратишнинг яна бир муҳим мезони ҳуқуқий тартибга солиш усулидир.

**Ҳуқуқий тартибга солиш усули** — жамиятдаги мавжуд ижтимоий муносабатларга ҳуқуқ воситасида қўлланиладиган усул, восита ва йўллар мажмуи. Ҳуқуқий тартибга солиш усули узоқ тарихий жараёнда шаклланган ҳодиса бўлиб, давлат ундан ҳуқуқий нормаларни яратишда ва ижтимоий муносабат иштирокчилари ўртасидаги ҳуқуқий алоқаларни тартибга келтиришда фойдаланади. Агар ҳуқуқий

тартибга солиш *предмети* ҳуқуқ нимани тартибга солади, деган саволга жавоб берса, ҳуқуқий тартибга солиш *усули* эса ҳуқуқ шу ижтимоий муносабатларни қандай, қайси йўл ва усул билан тартибга солади, деган саволга жавоб беради.

Ҳуқуқий тартибга солиш усули ҳуқуқни тармоқларга ажратишнинг иккиламчи (қўшимча) асоси бўлса-да, унинг ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини оширишдаги роли беқиёсдир.

Таъкидлаш жоизки, дарслик ва илмий адабиётларда ҳуқуқий тартибга солиш усулларининг турлари ва уларнинг таснифлари тўғрисида яқдиллик йўқ. Бироқ, турлича таснифларнинг мавжудлигига қарамай, уларнинг барчасини мазмунан икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- *автономия усули (диспозитив)*;
- *авторитар усул (императив)*.

Автономия усули асосан фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, меҳнат ва савдо ҳуқуқи, яъни хусусий ҳуқуқ таъсири дахлдор бўлган соҳаларда қўлланилади.

Авторитар усул эса давлат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, яъни оммавий ҳуқуқ таъсири дахлдор соҳаларда қўлланилади.

### **3-§. Ўзбекистон Республикасидаги асосий ҳуқуқ тармоқларининг қисқача тавсифи**

Юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқ тармоқлари — ижтимоий муносабатларнинг йирик яхлит бир соҳасини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуидан иборат ҳуқуқ тизимининг таркибий қисмидир. Ўзбекистонда ҳозирги пайтда мавжуд энг асосий ҳуқуқ тармоқлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатларига, предмети ҳамда тартибга солиш усули хусусиятларига, ҳар бир тармоқнинг ҳуқуқ тизимида эгаллаган ўрни ва уларнинг ўзаро фарқларига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакат ҳуқуқ тизимида етакчи ўринни *конституциявий (давлат) ҳуқуқ* соҳаси эгаллайди. Бу ҳуқуқ тармоғи давлатга оид энг муҳим, асосий муносабатларни тартибга солади ва шу боис унинг нор-

маларида бошқа ҳуқуқ соҳалари учун негиз — пойдевор бўладиган қоидалар мустақкамланган. Унинг асосий нормалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида мустақкамланган. Конституциявий ҳуқуқ нормалари Ўзбекистоннинг конституциявий тузуми асосларини, шахснинг ҳуқуқий ҳолати, давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти асосларини ва давлат тузилишига оид бошқа масалаларни мустақкамлайди. Давлат тузумига оид муносабатлар бевосита конституциявий ҳуқуқнинг объекти ҳисобланади. Бу ҳуқуқ тармоғи усулининг мазмуни — таъсис этиш, мустақкамлашдан иборатдир. Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳуқуқ нормалари, асосан, гипотеза ва диспозициядан иборат тузилмага эга бўлиб, уларда аниқ санкция мустақкамланмаган. Айни пайтда, Конституциянинг баъзи нормалари тўғридан-тўғри амал қилиши, қўлланиши мумкин.

**Маъмурий ҳуқуқ** конституциявий ҳуқуқ билан мустақкам боғлиқ бўлган ҳуқуқ тармоғи ҳисобланади ва у ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширишда вужудга келадиган бошқарув муносабатларини тартибга солади. Бу ҳуқуқ тармоғи нормалари давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг бошқарув, ижро этиш ҳамда фармойиш бериш билан боғлиқ фаолиятини тартибга солади. Бошқарув, ижро этиш ва фармойиш бериш функциясини амалга оширувчи органлар, жумладан, Президент девони, Ҳукумат, вазирликлар, давлат кўмиталари, маҳаллий органлар маъмурияти тегишлича ваколатлар билан таъминланган. Иқтисод ва маданиятнинг соҳалари, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маориф, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, муҳофаза ва хавфсизлик каби масалалар бу ҳуқуқ тармоғининг объекти бўлиб ҳисобланади.

Мазкур тармоқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишда қўллайдиган усули ҳокимият ва бўйсунуш, императив характердаги буйруқлар, лавозими ва даражасига асосланган поғонама-поғона бўйсунуш, топширилган соҳа учун яқка тартибдаги жавобгарлик кабилардан иборат.

**Молия ҳуқуқи** давлатнинг молия ва бюджет фаолиятини амалга ошириш соҳасида, банклар ва бошқа молиявий муассасалар фаолия-

тида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солади. Ушбу тармоқнинг предмети бўлиб молиявий муносабатлар, давлат бюджетини шакллантириш ва ижросини таъминлаш, пул муомаласи, банк операциялари, кредитлар, солиқларга оид муносабатлар ҳисобланади. Молиявий фаолият, кўпинча, ижро этиш, фармойиш бериш хусусиятига эга ва шу боис у маъмурий ҳуқуқ билан анча яқин алоқада бўлади. Бу фаолият, шунингдек, давлат — ҳокимият хусусиятига ҳам эга. Шунинг учун у конституциявий ҳуқуқ билан узвий боғлиқ. Бу тармоқнинг тартибга солиш усули — текшириш, назорат, бажарилиши мажбурий бўлган фармойишлар бериш йўли билан ижтимоий муносабатларга таъсир этишдан иборат.

**Ер ҳуқуқи** ердан фойдаланишга доир муносабатларни тартибга солади. Унинг нормалари ердан унумли фойдаланиш ва ер тузилиши, ер фондини сақлаш ва тақсимлаш, турли ер шакллари уларнинг маъмурий-хўжалик аҳамиятига қараб, ҳуқуқий ҳолатини аниқлашга доир муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Ер ҳуқуқи ўз ичига ўрмон, сув ва тоғ ҳуқуқи тармоқчаларини ҳам қамраб олади. Бу ҳуқуқ тармоғининг асосий норматив акти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ҳисобланади. Ер ҳуқуқи ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ваколат бериш, рухсат бериш ва ман этиш усулларидан фойдаланади.

**Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи** — қишлоқ хўжалиги ширкатлари, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, ижара хўжалиқларининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши, уларнинг бошқа хўжалик субъектлари ҳамда давлат органлари билан ўзаро муносабатлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнатдан фойдаланиш ва унга ҳақ тўлаш тартиби, даромадни тақсимлаш тартибига доир муносабатларни тартибга солувчи нормалар мажмуидан иборат. Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўзига хос хусусиятларга эга. Бундан ташқари, бозор муносабатларининг қишлоқ хўжалигига тобора кириб бориши ва мустақамланиши бу ҳуқуқ тармоғининг аҳамиятини янада оширмақда.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи нормалари қонунларда, норматив ҳужжатларда ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ташкилий шакллари-

нинг Намунавий низомларида мустақкамланган. Бу нормалар ҳали кодекслаштирилмаган. Мазкур ҳуқуқ тармоғининг асосий усули диспозитив хусусиятга эга бўлиб, у қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасидаги муносабатларни мустақкамлаш, муҳофаза қилиш, тавсия этиш, ёрдам кўрсатиш йўллари билан амалга оширилади.

**Меҳнат ҳуқуқи** нормалари меҳнат муносабатларининг вужудга келиши, ўзгариши ва барҳам топишининг шартларини, иш вақти ҳамда дам олиш вақти муддатининг давомийлигини белгилаш, меҳнат муҳофазаси, меҳнат интизомига доир муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Меҳнат муносабатлари субъектларига ишчи ва хизматчилар, давлат органлари, муассасалари, корхоналари ва жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари киради. Меҳнат ҳуқуқининг меҳнат муносабатларини тартибга солишда қўллайдиган услулари бўлиб, рағбатлантириш, тегишли шартномаларга норматив ҳужжат тусини бериш ҳисобланади.

**Фуқаролик ҳуқуқи** мулкӣ муносабатларни, шунингдек, шахсий номулкӣ муносабатларни (масалан, исмга бўлган ҳуқуқ, муаллифлик ҳуқуқи, шаън ва қадр-қимматни ҳимоя қилиш кабилар) тартибга солади. Мулкӣ муносабатлар, мерос ва ворислик муносабатлари ҳам фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади. Бу ҳуқуқ нормалари ўз таъсири билан корхона, муассаса, ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг барча фуқаролик обороти (айланмаси), хўжалик фаолиятини, жумладан, мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш, мулкни сотиб олиш ва сотиш, ҳадя қилиш, мерос қолдириш, мулкни ижарага сақлаб туришга бериш, гаровга бериш, маҳсулот етказиб бериш каби муносабатларни ўз ичига олади.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик ҳуқуқи нормалари ҳар қандай мулкӣ муносабатларни ҳам тартибга солавермайди. У фақат тарафлар ҳуқуқӣ жиҳатдан тенг бўлган мулкӣ муносабатларни тартибга солади. Масалан, даъвогар ва жавобгар, кредитор ва қарздор, буюртмачи ва пудратчи кабилар шартнома муносабатларининг тенг иштирокчилари саналадилар. Бу ҳуқуқ тармоғига ҳокимият ва бўйсунуш тарзидаги маъмурий ва молиявий ҳуқуқлар учун хос бўлган муносабатлар ётдир.

Фуқаролик ҳуқуқи ҳуқуқ тизими тармоқлари ичида энг йириги бўлиб, у ҳажм жиҳатидан салмоқли ҳуқуқ тармоғи ҳисобланади. Айниқса, бозор муносабатларининг ривожланиши, турли мулк шакллари-нинг вужудга келиши муносабати билан унинг объекти яна ҳам кенгаймоқда. Шу боис мазкур ҳуқуқ тармоғи мерос ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, турар жой ҳуқуқи, патент ҳуқуқи ва бошқа шу каби бир қатор ҳуқуқ тармоқчаларини ўз ичига олади. Фуқаролик ҳуқуқининг бош норматив ҳужжати, асосий манбаи — Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексидир. Бундан ташқари, ушбу ҳуқуқ тармоғи ичига кирадиган баъзи ҳуқуқ тармоқчалари нормалари ҳам кодекслаштирилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, Уй-жой кодекси.

Мазкур ҳуқуқ тармоғи тартибга соладиган муносабатлар мазмуни учун тарафларнинг тенглиги хосдир. Шу боис фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш усули автоном ва диспозитив хусусиятга эга. Яъни, қонунда белгиланган қоидалар доирасида шартномада ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг муайян хатти-ҳаракат вариантларини мустақамлаш ва уларга асосланиб иш юритиш ҳуқуқининг мавжудлигидир.

**Оила ҳуқуқи** ҳуқуқ тармоғи сифатида мазмунан фуқаролик ҳуқуқига яқин туради. Ушбу ҳуқуқ тармоғи оила-никоҳ муносабатлари соҳасидаги мулкӣ ва шахсий-номулкий муносабатларни тартибга солади. Унинг нормалари никоҳ тузиш ҳамда уни бекор қилиш, эр-хотинлар, ота-оналар ва болалар ўртасидаги, шунингдек, фарзандликка олиш, вассийлик ва ҳомийликка оид муносабатларни, оила аъзоларининг мулкӣ аҳволига, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалаларни тартибга солади. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси оила ҳуқуқининг асосий норматив ҳужжати ҳисобланади. Бу ҳуқуқ тармоғининг тартибга солиш усули тарафларнинг тенглигига асосланади ва диспозитив хусусиятга эга бўлади.

**Жиноят ҳуқуқи** ёрдамида давлат томонидан қандай ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатнинг жиноят деб ҳисобланиши ва унинг учун қандай жазо тайинланиши белгиланади. Жиноят ҳуқуқи жиноят содир этган шахсларга нисбатан мутасадди давлат органининг ваколатларини, жи-



ноятчиларни жиноий жавобгарликка тортиш асослари ва шартларини, уларга нисбатан давлатнинг қоралов сиёсати принципларини, аниқ жиноятлар таркиби ва уларга белгиланадиган жазолар тизими ҳамда турларини, айбнинг шаклларини, турларини ўз нормаларида мустақамлайд.

**Жиноят ҳуқуқининг бош норматив ҳужжати** — Ўзбекистон Республикасининг **Жиноят кодексидир**. Бу ҳуқуқ тармоғининг ижтимоий муносабатларга таъсир ўтказиш усули жамият учун хавfli муносабатларни қатъий ман этиш, давлат мажбурловини амалга оширишдан иборатдир.

**Жиноят-ижроия ҳуқуқи** — маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати, жазолар ва бошқа жиноий - ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар тизими, уларнинг фаолиятини текшириш ва назорат этиш, жазо турларини ижро этиш тартибига доир нормаларни ўз ичига олади.

Мазкур ҳуқуқ тармоғининг усули — тарбиялаш ва рағбатлантириш жараёнларини ҳокимият ва бўйсунуш усули билан кўшиб олиб боришга асосланган. Асосий ҳуқуқ нормалари Ўзбекистон Республикасининг **Жиноят-ижроия кодексиди** жамланган.

**Жиноят-процессуал ҳуқуқи** — процессуал ҳуқуқ тармоқларидан бири бўлиб, у жиноят ишларини кўзғатиш, уларни судда кўриш бўйича суд, прокуратура ва суриштирув ҳамда дастлабки тергов органларининг фаолиятини, шаклларини тартибга солувчи нормаларни ўз ичига олади. Жиноят - процессуал ҳуқуқи жиноят жараёнининг иштирокчилари бўлмиш гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, айблов ва ҳимоя томони вакилларининг процессуал ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини, уларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилайди. Ҳуқуқ тармоғининг бош норматив ҳужжати — Ўзбекистон Республикасининг **Жиноят-процессуал кодексидир**. Бу ҳуқуқ тармоғи ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳам императив, ҳам тарафлар тенглигига асосланган усуллардан фойдаланади.

**Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи** фуқаролик, оила, меҳнат, ер ва молиявий соҳаларда вужудга келадиган низоларни кўриб чиқиш юзасидан суд фаолиятини тартибга солади. **Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи**

суд жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ушбу ҳуқуқ тармоғи нормалари билан белгиланган бошқа масалаларни тартибга солади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси ушбу ҳуқуқ тармоғининг асосий норматив ҳужжати ҳисобланади. Фуқаролик-процессуал ҳуқуқига жуда яқин турадиган ҳуқуқ тармоғи — *хўжалик-процессуал ҳуқуқи* бўлиб, у хўжалик судлари томонидан судда мулкчиликнинг турли шакллариغا мансуб хўжалик субъектлари ва улар билан фуқаролар ҳамда тадбиркорлар ўртасида вужудга келадиган хўжалик низоларини кўриб, ҳал этади. Унинг асосий манбаи — Хўжалик-процессуал кодекси.

Юқоридагилардан ташқари, Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида хўжалик ҳуқуқи, экология ҳуқуқи, савдо ва тадбиркорлик ҳуқуқи кабилар ҳам шаклланмоқда. Мамлакатимиздаги асосий ҳуқуқ тармоқлари шулардан иборат.

*Халқаро ҳуқуқ* — халқаро, энг аввало, давлатлараро муносабатларни тартибга солади. Шу сабабли у биронта ҳам давлатнинг миллий ҳуқуқ тизимида кирмайди. Халқаро ҳуқуқда унинг субъектларининг жамоавий иродаси мустақамланган ва мужассамлашган. Турли халқаро шартномалар, битимлар, келишувлар, конвенциялар, декларациялар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳужжатлари ушбу ҳуқуқнинг норматив асосини ташкил этади. Бу ҳужжатларда халқаро муносабатларни тартибга солувчи норма ва принципларнинг яхлит, мукамал тизими ўз ифодасини топган бўлиб, улар халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳисобланмиш давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи оммавий ва хусусий халқаро ҳуқуққа бўлинади. Халқаро хусусий ҳуқуқ турли давлатлар фуқаролари ҳамда ташкилотлари ўртасидаги мулкӣ ва бошқа номулкӣ муносабатларни, уларнинг ҳуқуқий ҳолатини, юрисдикциясини, яшаб турган давлат қонунчилигини қўллаш тартиби ва шартларига доир муносабатларни тартибга солади.

Давлатлар, халқлар ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар халқаро ҳуқуқнинг субъектлари ҳисобланади.

#### 4-§. Қонунчилик тизими

Мамлакатда амал қилувчи ҳуқуқ тизими тўғрисидаги билимларимиз батафсил бўлиши учун «қонунчилик тизими» тушунчасини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. «Ҳуқуқ тизими» ва «қонунчилик тизими» тушунчалари ўзаро боғлиқ, лекин бир-биридан фарқ қиладиган илмий категориялардир. Улар ҳуқуқнинг икки жиҳатини акс эттиради ва унинг моҳиятини чуқурроқ англаб етишга кўмаклашади. «Ҳуқуқ тизими» ва «қонунчилик тизими» тушунчалари мазмун билан шаклнинг ўзаро нисбати тарзида майдонга чиқади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг моҳиятини, *мазмунини* ифодаласа, қонунчилик тизими ҳуқуқнинг баён этилиш *шаклини* ифода қилади. Ҳар қандай воқеа, ҳодиса ва предметнинг маъно-моҳияти, ижтимоий вазифаси ва функциясини унинг шакли ўзида мужассам этади. Яъни, шакл ҳодиса ва предмет мазмунининг мавжудлигини таъминлаш воситасидир. Шунга кўра, «қонунчилик» ҳуқуқнинг мавжудлигини, «қонунчилик тизими» эса ҳуқуқ тизими мавжудлигини таъминлайди. Ҳуқуқий нормалар қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланади, расмийлаштирилади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг ички тузилиши, ички таркибий қурилиши бўлиб, унинг мазмуни ўзи тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар хусусияти билан белгиланади. Қонунчилик тизими ҳуқуқ тизимининг ташқи шакли сифатида ҳуқуқ манбалари тузилишини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндисини (уюшмасини) акс эттиради. Ҳуқуқ, ҳуқуқий нормалар қонунчиликдан ташқарида мавжуд бўла олмайди, амал қила олмайди.

**Қонунчилик тизими** деганда ҳуқуқнинг мазмуни ва ички таркибий тузилишини мустаҳкамловчи, расмийлаштирувчи, моддийлаштирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндиси тушунилади. Қонунчилик тизими ҳуқуқ (қонун) ижодкорлиги фаолияти орқали ҳуқуқ нормаларининг яратилиши, расмий ҳужжатларда мустаҳкамланиши ва тизимлаштирилиши (системалаштирилиши) натижасида вужудга келтирилади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг ички тузилиши, ички таркибий қурилиши бўлиб, унинг мазмуни ўзи тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар табиати билан белгиланади. Қонун-

чилик тизими ҳуқуқ тизимининг ташқи шакли сифатида ҳуқуқнинг манбалари тузилишини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндисини (уюшмасини) акс эттиради. Ҳуқуқ, ҳуқуқий нормалар қонунчиликдан ташқарида мавжуд бўла олмайди, амал қила олмайди. Қонунчилик ҳужжатлари мураккаб таркибий тузилишга (структурага) эга. Уларни турли мезонлар асосида горизонталь, вертикал ва комплекс турдаги қонунчилик тизими сифатида таснифлаш мумкин.

**Қонунчилик тизимининг горизонталь тузилиши** соҳавий (тармоқ) таснифлаш бўлиб, ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети, яъни ижтимоий муносабатлар йўналиши ва мазмунига асосланади. Бу мезонга мувофиқ, ҳуқуқ тармоқларига мос келувчи қонунчилик тармоқлари ажратилади (масалан, конституциявий ҳуқуқ — конституциявий қонунчилик, фуқаролик ҳуқуқи — фуқаролик қонунчилиги, жиноят ҳуқуқи — жиноят қонунчилиги, меҳнат ҳуқуқи — меҳнат қонунчилиги, маъмурий ҳуқуқ — маъмурий қонунчилик). Ҳар бир ҳуқуқ тармоғига мос равишда қонунчилик тармоғи шаклланади, масалан, фуқаролик — процессуал ҳуқуқига — фуқаролик процессуал қонунчилиги мос келади, ер ҳуқуқига — ер қонунчилиги мувофиқ бўлади.

**Қонунчилик тизимининг вертикал (поғонама-поғона, иерархик) тузилиши** давлат ҳокимияти органларининг ваколатига кўра поғонама-поғона жойлашувини ва норматив-ҳуқуқий актларнинг юридик кучига кўра жойлашувини акс эттиради. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими марказида Конституция туради, ундан сўнг конституциявий қонунлар, жорий қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, вазирлик ва давлат қўмиталарининг норматив ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив ҳужжатлари жойлашади. Санаб ўтилган ҳужжатларнинг мана шу жойлашуви уларнинг юридик кучини ҳам акс эттиради. Барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда энг олий юридик кучга эга бўлган Конституцияга мос бўлиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 16-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, бирорта ҳам қонун ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

**Қонунчилик тизимининг комплекс тузилмалари** ҳуқуқий тартибга

солиш объектнинг хусусияти ва давлат бошқарувининг мазмунидан келиб чиқиб шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизими ўз ички мантиғига кўра, қуйидаги қонунчилик тузилмаларини қамраб олади. *Биринчиси* — **қонунчилик соҳалари** бўлиб, муайян ҳуқуқ соҳасининг предмети ҳисобланган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндисидан иборат. Бунинг маъноси шуки, қонунчилик тизимининг ички тузилиши ҳуқуқий тартибга солиш объектлари, яъни ижтимоий муносабатларнинг мазмунига кўра таснифланишидан келиб чиқади. Масалан, инсон ва давлат (унинг ижроия ҳокимият органлари тимсолида) ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳақида сўз юритганда, маъмурий ҳуқуқ қоидалари (нормалари) амал қилади, мулкый муносабатларни тартибга солиш ҳақида сўз юритганимизда эса фуқаролик ҳуқуқи соҳасига оид нормалар амал қилади ва ҳоказо. *Иккинчиси* — қонунчилик соҳаси ичидаги йирик тузилма, соҳавий ижтимоий муносабатларнинг муайян турларини тартибга солувчи **қонунчилик институтини** ифодалайди (масалан, фуқаролик қонунчилиги соҳасининг таркибига кирувчи муаллифлик, мерос, ҳадя, олди-сотди, ижара институтлари). *Учинчиси* — қонунчилик тизимининг асосини, унинг соҳалари ва институтлари ташкил топишининг бошланғич бўғинини юридик норма, яъни қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг нормаси (қоидаси) ташкил этади. Қонунчилик тизимининг ушбу бошланғич қисмини шартли равишда **қонунчилик нормаси** деб аташ мумкин. Қонунчилик нормаси деганда, Конституциянинг нормасини, қонуннинг нормаси (моддаси)ни, фармоннинг нормасини, ҳукумат қарорларининг нормасини тушуниш лозим.

*Тўртинчиси* — ўз мазмунига кўра ижтимоий ҳаётнинг нисбатан мустақил соҳаларини ташкил этувчи ҳар турли ижтимоий муносабатлар мажмуини тартибга солувчи, бир неча ҳуқуқ соҳаларига оид ҳуқуқ нормаларини ўз ичига оловчи норматив тузилма **қонунчиликнинг комплекс соҳаси** (масалан, транспорт, балиқчилик хўжалиги, ҳарбий, темир йўл муносабатларига оид қонунчилик) деб аталади<sup>1</sup>. Масалан,

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.12. — Т., 2006. 205-6.

қонунчиликнинг комплекс соҳаси сифатида ҳарбий қонунчилик Куролли Кучларнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий хизмат ўташ тартиби, ҳарбий хизматчилар ҳамда улар оилаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва қўриқлаш билан боғлиқ давлат, маъмурий, ер, молия, жиноят ва бошқа ҳуқуқ соҳаларига тегишли нормаларни ўз ичига олади.

Қонунчиликнинг комплекс соҳаси тўла шаклланиб, амал қилиши учун комплекс норматив ҳужжатларнинг тизими (йиғиндиси) мавжуд бўлиши лозим. Шундай қилиб, комплекс мазмундаги ҳужжатларнинг йиғиндиси, мажмуаси қонунчиликнинг комплекс соҳасини ҳосил қилади. Битта қонунчилик ҳужжатида турли ҳуқуқ соҳаларига тегишли нормаларни жамлаш қонун чиқарувчи органга масалаларни кенг қамровли, яъни комплекс тарзда ҳал қилиш имкониятини беради. Масалан, битта қонунчилик ҳужжатида ижтимоий муҳим масаланинг ҳам фуқаровий-ҳуқуқий, ҳам маъмурий, ҳам жиноий-ҳуқуқий ва бошқа жиҳатлари комплекс тарзда акс эттирилади.

Қонунчиликнинг комплекс (мажмуий) тузилмалари қаторига, масалан, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги, транспорт қонунчилиги, капитал қурилиш соҳасига оид қонунчилик, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига оид қонунчилик, хўжалик қонунчилиги кабиларни киритиш мумкин. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтаётган бир шароитда янги ҳуқуқ тармоқлари пайдо бўлмоқда. Масалан, корпоратив ҳуқуқ, бюджет ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи, парламент ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, суғурта ҳуқуқи ахборотлаштириш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, муниципал ҳуқуқ ва бошқалар шулар жумласидандир.

Қонунчилик тизимини янада чуқурроқ таърифлаш мақсадида уни ҳуқуқ тизими билан қиёслаб таҳлил юритамиз.

Аввало, ҳуқуқнинг таркибий тузилиши (структураси) жамиятнинг иқтисодий тизими мазмуни билан белгиланади. Ҳуқуқ тизими қонун чиқарувчи органнинг хоҳишига кўра шакллантирилмайди. Юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқ тизимининг элементлари куйидагилардан иборат: ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ институтлари, ҳуқуқ тармоқлари (баъзан у ёки бу ҳуқуқ тармоғи ичидаги бир турдаги йирик тузилмани «тармоқ

ости ҳуқуқ соҳаси» деб юритилади). Ҳуқуқ тизимининг ривожланиши ва янгилааниши ижтимоий муносабатларнинг такомиллашувига боғлиқ.

Қонунчилик ҳуқуқ нормаларини ўрнатиш, расмийлаштириш ва ҳаётга жорий этиш воситаси ҳисобланади. Қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқий нормаларни умумлаштиради ва расмий ифода этади. Бироқ, қонунчилик тизими норматив-ҳуқуқий актларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки бундай ҳужжатларнинг мантиқий мутаносиб ва уйғунлаштирилган тизимидир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини шакллантиришда тартибга солинадиган муносабатларнинг хусусиятлари ва қонун чиқарувчи органнинг истаги, манфаати ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ҳуқуқнинг ички тузилиши (структураси) қонунчилик тизимини шакллантириш учун объектив асос бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқни ижод этиш ёки қонун чиқариш жараёнида ваколатли орган ҳуқуқ тармоғи ва ҳуқуқ тузилмаларининг хусусиятларидан келиб чиқиб иш тутиши лозим.

Қонунчилик тизими билан ҳуқуқ тизими ўртасида қуйидаги фарқлар мавжуд:

*биринчидан*, ҳуқуқ тизимининг бирламчи, бошланғич элементини ҳуқуқий норма ташкил этади; қонунчилик тизимининг бошланғич элементини қонуннинг моддаси ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат ташкил этади;

*иккинчидан*, қонунчилик тизими ўз мазмунига кўра баъзан ҳуқуқ тизимидан кенгроқ бўлиши мумкин. Масалан, қонунчилик ҳужжатларида дастурий, мақсадни ифодаловчи қоидалар баён этилади. Булар ҳуқуқий норма ёки институт мазмуни учун аҳамият касб этмайди;

*учинчидан*, ҳуқуқ тизимини тармоқларга ва институтларга бўлиш асосида ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва методи ётади; қонунчилик тармоқлари давлат ҳаётининг йўналишлари ва ўз предмети мавжудлиги билан изоҳланади, аммо ягона тартибга солиш методига эга бўлмайди;

*тўртинчидан*, ҳуқуқ тизими, унинг тармоқлари бир турли бўлади; қонунчилик тизими ва тармоқлари эса турли йўналишдаги ҳамда характердаги муносабатларни тартибга солади;

*бешинчидан*, ҳуқуқ тизимининг ички тузилиши қонунчилик тизимининг ички тузилиши билан айнан мос келавермайди. Қонунчилик

тизимининг вертикал тузилиши давлат органлари иерархиясини акс эттирса, ҳуқуқ тизимининг вертикал тузилиши — унинг нормаларига, институтларига, соҳаларига бўлинишини акс эттиради;

*олтинчидан*, ҳуқуқ тизими объектив хусусиятга эга бўлса, қонунчилик тизими субъектив омилга, яъни қонун чиқарувчи органнинг хоҳиш иродасига боғлиқ.

Шундай қилиб, ҳуқуқ тизими билан қонунчилик тизими ўртасидаги тўғри муносабатни аниқлаш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Бу вазифанинг муваффақиятли ҳал этилиши ҳуқуқ тизими билан қонунчилик тизимини бир-бирига яқинлаштиради, ҳаётда қўлланишига самарали таъсир кўрсатади.

## **5-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш тушунчаси ва турлари**

Икки палатали парламент самарали ишлаган шароитда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳажмининг кескин кўпайиши табиий. Бундай вазиятда қабул қилинган юзлаб қонунчилик ҳужжатлари ўртасида келиб чиқаётган зиддиятлар, номутаносибликлар ва қоллизияларни барта-раф этиш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ички мунтазамлигини барқарор таъминлаш мақсадида уларни мантиқий тизимлаштириш (системалаштириш) катта аҳамият касб этади.

**Қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш** ҳуқуқий тизим амал қилишининг, мунтазам ривожланиб боришининг шарти ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатларини тартибга солиш, мантиқий умумлаштиришнинг шаклидир<sup>1</sup>. Қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш — демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида Конституция ва қонун устунлиги, ҳокимиятлар тақсимланишининг ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлаш механизмини таъминлашга, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади. Мавжуд қонунчилик ҳужжатларини *кодекс* шаклида тар-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Проблемы общей теории права и государства / Под. общ. ред. проф. В.С. Нерсесянца. — М., 2008. С. 347; Теория права / Под. ред. проф. М. Н. Марченко. — М., 1998. С. 197—198.



тибга солинган ҳужжатлар билан алмаштириб бориш, қонунлар мажмуини яратиш, мамлакат ҳуқуқий классификаторини такомиллаштириш, қолаверса, қонунчилик ресурсларидан фойдаланиш тизимини замонавий глобал электрон ахборот тармоғи имкониятлари билан таъминлашга қаратилган яхлит, узлуксиз илмий-назарий ҳамда амалий фаолиятдир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш давлат механизми ва ҳуқуқий тизим жўшқин маромда ишлашининг зарурий шартидир. Мазкур фаолиятни оқилона йўлга қўйиш унинг назарий ва методологик асослари ҳамда мукамал механизминини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу ишга давлат ҳокимияти органлари, муассасаларинини ва ҳуқуқшунос олимларни фаол жалб этиш зарур. Қонунчилик ҳужжатларинини тизимлаштиришнинг реал вазифаларинини белгилаш учун, биринчи навбатда, *ҳуқуқ тизими* ва *қонунчилик тизими* ўртасидаги муносабатни чуқур тадқиқ этиш зарур. Кўп йиллар давомида МДХ давлатлари ва мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан бу масалада муайян тадқиқотлар олиб борилиб, уларнинг кўпчилиги қонунчилик амалиётида ўзининг муносиб тасдиғини топган, баъзилари эса қонунчиликда баҳс-мунозаралигича қолиб келмоқда. **Объектив ҳуқуқ тизимининг элементини ҳуқуқ нормаси, қонунчилик тизимининг элементини эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг (қонуннинг) нормаси** ташкил қилади. Қонунчиликни тизимлаштиришни аниқ ташкил этишда, шунингдек ҳуқуқ институти ва қонунчилик институти, ҳуқуқ тармоғи ва қонунчилик тармоғи ўртасидаги нисбатни аниқлаш ниҳоятда муҳимдир.

*Ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизими ривожланишининг тенденцияларини* тадқиқ этиш нафақат назарий, балки амалий муносабатлар учун ҳам долзарб ҳисобланади. Бундай масалаларнинг илмий ечими, авваламбор, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни рўйхатга олиш ва тизимлаштириш, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мажмуини яратиш учун биринчи даражали аҳамият касб этади. Қонунчилик ҳужжатларинини тизимлаштириш амалдаги ҳуқуқ тизимига қанчалик мувофиқ келса, ундан кутилаётган натижалар шунчалик юқори бўлади.

Ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизими ўртасидаги муносабатни тадқиқ этиш давомида «қонунчиликнинг тизимлилиги», «қонунчиликни

тизимлаштириш», «қонун ҳужжатларининг систематикаси» каби тунчалар ўртасидаги алоқадорлик ва фарқли жиҳатларнинг аниқланиши долзарб муаммолардан биридир.

Қонунчиликни тизимлаштириш, биринчи навбатда, инсон ва фуқароларнинг қонунлардан унумли фойдаланишига имкон беради. Шу жиҳатдан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришни мамлакат Конституциясидан келиб чиқиб ташкил этишни ҳам ўйлаб кўриш лозим. Масалан, фуқарода банкка қўйилган омонатларнинг сир тутилишига оид муаммо келиб чиқди, дейлик. Фуқаро эса банк ва молия ҳуқуқи соҳаси бўйича етарли малакага эга эмас. У ўзининг ҳуқуқий саводхонлиги имкониятидан келиб чиқиб, ҳуқуқларининг бузилишига оид тегишли ҳуқуқий нормани қидириб топа олмаслиги мумкин. Шу боис, фикримизча, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини тартибга солишга қаратилган нормалар гуруҳини қонунчилик тизимида алоҳида бўлим сифатида ажратиш мақсадга мувофиқ. Чунки фуқаронинг ўзи излаган қонунни тез ва осон топишига эришиш қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштиришнинг энг асосий мақсадидир. Юридик адабиётларда тизимлаштиришнинг қўйидаги икки анъанавий тури — **кодекслаштириш** ва **инкорпорация** ҳақида сўз юритилади.

**Кодекслаштириш** — қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштиришнинг энг юқори шаклидир. Мазкур амал туфайли қонунчилик тармоғидан муҳим ҳуқуқий нормаларни мантиқий бирлаштирувчи комплекс ҳужжат (кодекс) вужудга келтирилади. Кодекслаштиришда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шунчаки, оддийгина тўплаб бирлаштирилмайди, балки ҳуқуқий тизимнинг умумий принципларидан келиб чиқиб, тармоқдаги барча норматив материал ички мутаносиб, бир бутун ва илмий тизимлаштирилган ягона акт кўринишида баён этилади.

**Кодекслаштириш** — амалдаги қонунчилик нормаларини чуқур ва ҳар томонлама қайта ишлаш ҳамда зарур бўлса, унга жиддий ўзгаришлар киритиш орқали янги, комплекс, тизимлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат яратишдир. Кодекслаштиришнинг муҳим хусусияти ва инкорпорациядан фарқи шундаки, у фақат ижод этувчи орган томонидан амалга оширилади. Шу жиҳатдан у ҳуқуқ ижодкорлигининг бир тури ҳисобланади.

Кодекслаштиришда норматив-ҳуқуқий актнинг мазмуни ўзгаради; яъни эскирган ҳуқуқий норма бекор қилинади, янгиси яратилади; кўпчилик нормалар қайта баён қилинади; нормалар ўртасида қарама-қаршиликлар, такрорлашлар ҳамда ҳуқуқдаги камчиликлар бартараф этилади.

**Кодекс** — муайян ҳуқуқ (қонунчилик) соҳасидаги устувор нормаларни ифода этувчи, мужассамлаштирувчи қонундир. У катта миқдордаги турли хил нормаларни қамраб олса ҳам, ички мувофиқликка эга бўлган ягона бутун актдир. Унинг таркибий қисмлари (нормалар, институтлар) ўзаро узвий алоқадор бўлиб, муайян тизим тарзида жойлаштирилади. Анъанага кўра, қонунчилик соҳаларида тегишли кодекслар уйғунлаштирувчи ва бошқарувчи фаол марказ ролини ўйнайди. Кодекс бир қонуннинг мукамаллиги, сайқал топганлиги, барқарорлиги билан фарқ қилади. Агар муайян қонунчилик соҳасида бир вақтнинг ўзида кодекс ва бир неча қонунчилик ҳужжатлари бўлса, улар ичида кодекс юридик кучи ва тартибга солиш имконияти жиҳатидан устунлик қилади. Кодекслар ички мантиғининг пишиқлиги, нормаларининг ўзаро мувофиқлаштирилганлиги билан ажралиб туради. Кодекслаштирилган актлар ўзининг ҳуқуқий тартибга солувчи таъсир кучи ва аҳамиятини узоқ муддат давомида сақлаб қолади.

Кодексдан ташқари кодекслаштирилган ҳужжатларнинг **устав** ва **низом** шакллари мавжуд. Улар ўз мазмуни ва вазифасига биноан бири-биридан фарқ қилади.

**Устав** — бошқарувнинг у ёки бу соҳасидаги муайян идора, вазирлик ва ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи нормаларни ўзида акс эттирувчи кодекслаштирилган актдир. Масалан, Қуролли Кучлар интизомий устави.

**Низом** — муайян давлат тузилмаларининг (жамоат бирлашмаларининг) ташкил этилиш тартиби, тузилиши, вазифаси, функциялари ва ваколатларини белгиловчи комплекс кодекслаштирилган ҳужжат.

**Низом** — кодекслаштирилган ҳужжатнинг энг кенг тарқалган тури. У муайян ҳуқуқ ижодкорлик органи ёки ваколатли мансабдор шахс томонидан тасдиқланади. Энг аҳамиятли соҳаларга тегишли ва юридик кучи юқорироқ бўлган низомлар республика Президенти, Олий

Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони тўғрисида низом» — мамлакат Президенти томонидан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталари тўғрисида низом» — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан тасдиқланган ва ҳоказо.

**Инкорпорация** — қонунчиликни тизимлаштиришнинг бир тури бўлиб, бунда қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорлари, фармойишлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунига ҳеч қандай ўзгартириш киритмай алифбо, хронологик, мавзу бўйича ва бошқа тарзда тизимга солиб нашр этилади.

Қонунларни инкорпорация қилиш орқали тизимлаштириш деярли барча давлатларда амалга оширилади. Улар кўп жилдли ҳолда нашр этилиб, қонунларнинг чиқарилган вақтига қараб (хронологик), алифбо тартибда ва бошқа сифат ҳамда белгиларига қараб жойлаштирилади. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб чиқарилган қонунларни «Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари» деган кўп жилдли хронологик тўплам сифатида нашр этиб келмоқда.

Инкорпорациянинг уч тури мавжуд:

а) **расмий инкорпорация** — қонунчилик ҳужжатларини уларни чиқарган органлар томонидан тўплам ва мажмуа шаклида тизимлаштириш;

б) **норасмий инкорпорация** — бунда тизимлаштирилган тўпламлар тузиш унга махсус ваколатли бўлмаган идора ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади (масалан, юридик нашриётлар томонидан ёки илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тизимлаштириш);

в) **официоз инкорпорация** — қонунчилик ҳужжатларининг уларни тизимлаштириш ваколатига эга бўлган идоралар томонидан тўплам ё мажмуа қилиб чиқарилиши (одатда, бундай тизимлаштириш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади).

**Қонунлар мажмуини** тузиш, қонунлар ва бошқа муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўплаб, қатъий тартиб асосида мавзули (предметли) тизимлаш — инкорпорациянинг энг юқори кўринишидир.

Конституция асосида мамлакат қонунлари мажмуини тайёрлаш ва чоп этиш қонунлар мазмуини аҳолига етказиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қўриқлашни кучайтириш, давлат ва жамият ҳаёти ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашга, омманинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **жамлаш** (консолидация қилиш) усули қонунчиликни тизимлаштиришга яқин туради. Қонунчиликни жамлаш норматив-ҳуқуқий актларни тизимлаштиришдан олдин, дастлабки босқич сифатида майдонга чиқади. Бунда у ёки бу масалага оид ҳуқуқий ҳужжатлар тўпланади, бирлаштирилади ҳамда умумлаштирилади.

## 6-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тили ва услуби

Тил одамлар ўртасида алоқа қилиш, бир-бирини тушуниш, инсон фаолиятининг барча соҳаларида биргаликда фаолият юритишнинг муҳим воситасидир. Норматив ҳужжатлар тили муайян хусусиятлар ва қонуниятларга эга бўлиб, улар мустақил илмий тадқиқотлар мавзуини ташкил этади<sup>1</sup>. Қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва талқин этиш амалиёти учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммо бўйича асосли ва чуқур тадқиқотлар ўтказиш зарур. Бундан ташқари, асосий юридик атамаларни бир хилда тушуниш ва қўллаш учун уларнинг умумий рўйхатини тузиш фурсати етди. Бу юридик атамаларнинг ривожланиш йўллари тўғрисида маълум хулосалар чиқариш, юридик амалиётда атамаларни қўллаш муаммоларини, ҳуқуқий атамаларни такомиллаштириш, стандартлаштириш ва бир хил ҳолга келтириш йўллари тадқиқ этиш имконини беради.

Норматив ҳужжат грамматик қоидаларга қатъий риоя этган ҳолда соф адабий тилда ёзилиши лозим. Келгусида англашилмовчиликлар келиб чиқмаслиги учун умумий қабул қилинган адабий тил шаклларидан четлашишга йўл қўйилмайди. Тил муттасил ривожланиб борувчи ҳодиса бўлгани боис, сўзларнинг маъноси ўзгариши мумкин. Шу

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Кўчимов Ш. Ўзбекистон Республикасида Қонунчилик техникаси. — Т., 1997.

боис сўзлар ва атамаларни норматив ҳужжат қабул қилинган пайтдаги маъносида қўллашни назарда тутадиган қоидага қатъий риоя этиш лозим. Маҳаллий шевага мансуб сўзлар ва жумлаларни ёки эскирган (архаик) сўзларни қўллаш мумкин эмас. Чунки, норматив ҳужжат ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, ҳокимиятнинг инсон ҳуқ-атворига таъсир кўрсатиш воситаси ҳисобланади. У бадий асардан фарқли ўлароқ, одамларнинг ҳис-туйғулари ва тасаввурига эмас, балки иродаси ва ақл-идрокига муурожаат этади. Норматив ҳужжатда ифодаланган ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ субъектлари амал қилиши шарт бўлган маълум ҳуқуқ-атвор қоидаларини белгилайди ва айна пайтда, мазкур қоидалар бузилган тақдирда таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини назарда тутайди. Бу ҳолатлар ҳуқуқ тилининг ўзига хос жиҳатларини белгилаб беради.

Матнни мумкин қадар аниқ, лўнда ва тўлиқ баён этишга катта эътибор бериш мана шундай жиҳатлардан биридир. Норматив ҳужжатда жумлалар ва ибораларни сунъий тарзда жуда қисқа ифодалаш амалиётда ноаниқликлар ва англашилмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин, тушунтиришлар бериш, қўшимчалар қилиш ва бошқа ҳужжатлар қабул қилиш заруратини келтириб чиқаради. Содда ва тушунарли баён этишга интилиш норматив қоидалар мазмунининг аниқлиги ва тўлиқлигига путур етказмаслиги, жўнликка ва, бинобарин, таърифларнинг мужмаллигига олиб келмаслиги лозим. Айрим норматив ҳужжатлар жуда мураккаб муносабатларни тартибга солади ва бу тегишли нормаларни баён этиш услубида ўз аксини топади. Норматив ҳужжатлар тилини ҳуда-беҳудага мураккаблаштирмаслик керак. Аммо айна вақтда, у омабоп рисолаани ҳам эслатмаслиги лозим. Ҳужжатда моддалар миқдорини сунъий тарзда камайтириш мумкин эмас, чунки бу ҳолда моддалар асосиз равишда узунлашиб ва катталашиб кетади.

Ҳуқуқшуносликда ишлаб чиқилган ва одатдаги нутқда учрамайдиган махсус атамалар норматив ҳужжатларда кенг қўлланилади, умумий муомалада кенг тарқалган аксарият атамалар нисбатан тор ва махсус мазмун касб этади. Ҳуқуқий кўрсатмаларнинг аниқлигини ошириш учун бир хил атама ва ибораларни инкор этмаслик, балки уларни кенг қўллаш ўринлидир. Айна бир тушунчани ифодалаш учун синонимлар-

дан фойдаланишда ҳам жуда эҳтиёт бўлиш керак. Зеро, синоним сўзларнинг ҳар бири ўз маъносига эга. Улардан нотўғри фойдаланиш норматив матнда ноаниқликларни келтириб чиқариши мумкин. Боз устига, аксарият синонимлар норматив ҳужжатларда ўзига хос маъно касб этади.

Айрим юристлар онгида ҳанузгача сақланиб қолган «оддий фуқаролар мутахассисларнинг ёрдамсиз қонунларнинг мазмунини тушуна олмайдилар», деган зарарли қарашга барҳам бериш керак. Қонун матни қандай тузилганига кўп нарса боғлиқ. Қонун талаблари ҳаммага тушунарли ва аниқ бўлиши лозим. Агар қонун ижтимоий муносабатларнинг тор ва махсус соҳасини тартибга солса ҳамда ходимларнинг алоҳида тоифасига мўлжалланган бўлса, унда махсус ва техник атамалар ҳамда ибораларни қўллаш ўринли бўлади. Борди-ю, қонун кенг аҳолига мўлжалланган бўлса, уни нисбатан содда ва тушунарли тилда баён этиш лозим. Бундай ҳужжатларда мураккаб ва махсус атама ҳамда ибораларни, махсус сўз ва жумлаларни тушунтирмасдан кенг қўллаш мумкин эмас.

Таърифларнинг ноаниқлиги, тушунчалар ва атамаларни бир хилда қўлламаслик норматив ҳужжатни нотўғри тушуниш ва қўллашга, унинг асл маъносидан чекинишга олиб келади. Норматив ҳужжатда ноўрин ёки нотўғри қўлланган атама ёки ибора, нотўғри тузилган ёки тушунарсиз жумла, хато пунктуация — буларнинг барчаси жиддий оқибатларга: кўп сонли сўровлар ва баҳсларга, қўшимча тушунтиришлар талаб этилишига, энг хавотирлиси — норматив ҳужжатлар маъносининг бузилишига ва уларни қўллашда хатолар бўлишига олиб келади. Норматив матн қанчалик аниқ ва тушунарли баён этилган бўлса, ҳуқуқ нормаларини қўллашда шунчалик кам қийинчиликлар келтириб чиқаради, қонуннинг мақсади ҳаётга шунчалик тўғри ва изчил татбиқ этилади. Норматив ҳужжатлар матнини баён этиш тилининг хусусиятлари махсус юридик тил мавжуд деган хулоса чиқариш имконини беради. Махсус атамалар сонининг кўплиги махсус билимлар ёки талқин қилишни тақозо этади. Ҳуқуқий ҳужжатлар матнини баён этиш хусусиятлари ҳуқуқий ҳужжатларнинг махсус тили мавжудлигидан далолат беради.

Юридик тил — расмий ўзбек адабий тилининг алоҳида тури. У ҳуқуқий кўрсатмаларни баён этишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ. Норматив ҳужжат тилининг содда, тушунарли, жонли ва сермазмунлиги қонунни амалга оширишнинг самарали воситасидир. Юридик таърифлар эслаб қолиш учун осон, тушунарли ва ифодали бўлиши, одамлар онгига чуқур кириб бориши, уларнинг юридик маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишга кўмаклашиши катта аҳамиятга эга. Баъзан норматив ҳужжатларда, суд қарорларида, ўқув адабиёти ва монографияларда учраб турадиган «ҳуқуқий жаргон»ни қўллашдан эҳтиёт бўлиш керак.

Сўнги йилларда қабул қилинган норматив ҳужжатлар тили анча яхшиланди. Лекин шунга қарамай, айрим ҳужжатларда тил ва услуб нуқтаи назаридан камчиликлар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Грамматик хатолар, грамматик шаклларни нотўғри қўллаш ҳоллари, ғализ жумлалар ва иборалар, ортиқча ҳамда кераксиз сўз ва атамалар норматив ҳужжатларда ҳозир ҳам учраб турибди. Норматив матнда иложи борица содда гапларни қўллаш лозим. Ҳар қандай норматив ҳужжат лойиҳасини расман тасдиқлашдан аввал умумий адабий таҳрирдан ўтказиш зарур. Ҳуқуқ нормаларини тузишда ўхшаш таърифлар ва жумлаларни, «намунавий конструкциялар» ва «схемалар»ни бир хилда изчил баён этиш муҳим. Турли ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланган ўхшаш кўрсатмаларни бир хил шаклда баён этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасида қонун тили муаммоларини муҳокама қилувчи комиссия тузилган. Комиссия таркибига депутатлар орасидан малакали юристлар, тилшунослар ва журналистлар киритилган. Комиссия қонунчилик ҳужжатлари тилидаги камчиликларни ўрганади, уларнинг юз бериши сабабларини аниқлайди ва уларни бартараф этиш йўллари белгилайди.

Норматив ҳужжатлар матнининг ихчам ва аниқ баён этилиши, уларнинг тушунарлилиги қонунчиликда қўлланилаётган атамаларга, уларнинг аниқлиги ва бир хиллигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Норматив ҳужжатда қўлланган ҳар қандай сўз ҳам атама ҳисобланавермайди. Фикримизча, атама — аниқ чегара билан ажратилган маълум тушунчани ифодаловчи сўз ёки бир неча сўздан иборат иборадир. Атамаларни



нотўғри, ноўрин қўллаш норматив ҳужжатни тушунарсиз ва зиддиятли қилиб қўйиши мумкин.

Ҳуқуқий ҳужжатларда атамаларнинг бир қанча турлари қўлланилади. Уларнинг биринчиси — *умумий қўлланиладиган атамалар*. Улар умумий фойдаланиладиган тилдан олинади, ўзининг умумий эътироф этилган маъносида қўлланилади ва ҳеч қандай махсус маънога эга бўлмайди. Мазкур атамаларни фақат уларнинг маъноси барчага тушунарли бўлган, ҳеч қандай эътироз туғдирмайдиган жойда қўллаш мумкин. Иккинчи туркум, яъни *махсус юридик атамалар* ҳуқуқшуносликда ишлаб чиқилади ёки қонун чиқарувчи орган томонидан яратилади (масалан, «даъвогар», «судланганлик», «суриштирув» ва ҳоказо). Умумий қўлланиладиган атамалардан махсус юридик атамаларнинг устунлиги шундаки, улар зарур тушунчани аниқ ифодалайди. Мазкур атамани норматив ҳужжатда биринчи марта қўллашда ҳаддан ташқари кенг, бинобарин, нотўғри талқин қилинишига йўл қўймаслик учун айни вақтда мазкур атама аниқ ва тор маънода қўлланилаётганини муайян тарзда эслатиб ўтиш лозим.

Баъзи ҳужжатларда кўпинча учинчи туркумни ташкил этувчи, яъни техника, фан ва санъатнинг турли соҳаларидан ўзлаштирилган техник атамалар қўлланилади. Ҳуқуқ нормалари жамият ҳаётининг турли тармоқларини қамраб олади. Ҳар бир соҳада ҳуқуқ нормаларини қўллаш ўз хусусиятларига эга. Шу боис норматив ҳужжатларни махсус техник атамаларсиз тузиш баъзан жуда қийин кечади. Махсус техник атамалар норматив кўрсатмаларни янада қисқа, аниқ ва лўнда қилиб баён этишга ёрдам беради. Бу эса уларнинг яхшироқ тушунилиши ва тўғрироқ қўлланилишига кўмаклашади. Шубҳасиз, техник атамалардан фойдаланиш норматив ҳужжатларни тушунишни қийинлаштиради, лекин юридик атамаларнинг аниқ, ихчам ва тўлиқ бўлишига жумладан мана шу атамалар ёрдамида эришиш мумкин.

Махсус атамаларни заруратга қараб, ўта эҳтиёткорлик билан қўллаш лозим; норматив ҳужжатларни уларга тўлдириб юбормаслик керак. Юридик ҳужжатларда атамаларни қўллашга қўйиладиган талабларни қуйидагича таърифлаш мумкин:

- 1) атама ифодаланаётган тушунчанинг мазмунини аниқ ва тушу-

нарли акс эттириши лозим; мужмал, қўп маъноли, эскирган ва тушунарсиз атамаларни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас;

2) кенг қўлланиладиган, умумэътироф этилган ва синовдан ўтган атамалардан фойдаланиш керак;

3) қўлланилаётган ҳуқуқий атамаларнинг барқарорлигини сақлаб қолиш зарур. Умуман, муомаладан мустаҳкам ўрин олган ва муваффақиятли қўлланилаётган атамалардан воз кечиш, асоссиз равишда янги атамаларни муомалага киритиш зарарли. Айни бир ҳуқуқий тушунчани ифодалаш учун янги атамалар киритиш, атамаларнинг мазмунини ўзгартириш ноаниқликлар ва англашилмовчиликларни келтириб чиқаради. Бу соҳада турғунликка йўл қўйиш, ҳуқуқий атамаларнинг барқарорлиги деб муваффақиятсиз атамаларни сақлаб қолиш ҳам ярамайди (масалан, «ижара» атамаси ўрнига маълум вақт «пудрат» атамаси қўлланиб келинди). Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги янги тамойилларни акс эттирувчи, ҳуқуқий ҳужжатларда илгари қўлланилмаган янги атамалар ишлаб чиқишни, аввало, юридик амалиёт талаб қилиши керак, шундан кейингина ҳуқуқ фани уларни қабул қилиши лозим;

4) атамаларни қўллашда бир хилликни сақлаб қолиш зарур. Айни бир тушунчани ифодалашда норматив ҳужжат матнида фақат битта атамани қўллаш лозим. Норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда ҳам мана шу талабга риоя қилиш керак. Бир тушунча барча қонунчилик ҳужжатларида айни бир атама билан ифодаланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

## **7-§. Қонунларни тизимлаштиришда юридик техниканинг аҳамияти**

Юридик техника — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар аниқ, тушунарли ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида уларни ишлаб чиқиш, расмийлаштириш ва тизимга солиш қоидалари, воситалари ва усуллари мажмуи<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Теория государства и права / Под ред. В. М. Корельского и В. Д. Первалова. — М., 1998. С. 313.

Ўз вақтида Ш. Л. Монтескье қонун чиқарувчи амал қилиши лозим бўлган бир нечта қонидани таърифлаб берган эди:

— қонун услуби содда ва аниқ, дабдаба ва жимжимадорликдан холи бўлиши лозим;

— тушунчалар аниқ бўлиши, ҳар хил талқин қилиш имкониятини истисно этиши лозим;

— қонунларда реал ва долзарб масалаларни кўтариш, рамзийлик ва мавҳумликлардан қочиб зарур;

— қонунлар матни мантиқ бўйича машқлар бўлмаслиги, ақлий салоҳияти ўртача бўлган одамларга мумкин қадар тушунарли бўлиши лозим;

— қонунни кўп сонли истиснолар, чеклашлар ва эслатмалар билан қалаштириб ташлаш ярамайди;

— қонунлар пухта ўйланган, асосланган ва амалиёт учун зарур бўлиши лозим.

Мазкур принциплар ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг синовдан ўтган усулларисиз илғор парламентаризмни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Қонунчилик техникасининг усуллари ва методлари кўп ва ранг-барангдир. Унинг асосий вазифаси қонунчилик ҳужжатларининг тушунарли ҳамда юридик амалиётда фойдаланиш учун қулай сифатли, лўнда ва ихчам баён этилган нормаларини ишлаб чиқишда энг яхши шарт-шароит ва имкониятлар яратишдан иборат. Бундан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартиби ва шаклига қўйилиши лозим бўлган қуйидаги асосий ва энг умумий талабларни белгилаш мумкин:

1) норматив-ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлиги, ҳуқуқий муносабатлар моделини тузиш, шунингдек юридик нормаларни таърифлашда камчилик ва нуқсонларнинг йўқлиги;

2) норматив-ҳуқуқий кўрсатмаларнинг аниқлиги, нормаларни ҳаддан ташқари умумий, мавҳум таърифлашга, ҳаддан зиёд чекловларга йўл қўймаслик;

3) мантиқий жиҳатдан қатъий ва изчил баён этиш, ҳуқуқий ҳужжатнинг норматив кўрсатмалари ўртасида узвий алоқани таъминлаш;

4) норматив ҳужжатда ҳам, бутун ҳуқуқ тизимида ҳам зиддиятларга йўл қўймаслик;

5) норматив материални иложи борича қисқа ва ихчам баён этиш (лекин ихчамликка интилиш ҳуқуқий кўрсатманинг барча асосий қоидаларини тўлиқ баён этиш зарурати билан зид келмаслиги керак);

6) норматив ва нонорматив кўрсатмаларни, муваққат ва доимий нормаларни аниқ ажратиш;

7) норматив ҳужжатлар тилининг содда, аниқ ва лўндалиги, осон эсда қолиши. Қонун аниқ ва лўнда бўлган тақдирдагина қоида реал мазмун касб этади. Қонунни билмасликни баҳона қилиш мумкин эмас. Дарҳақиқат, фуқаролар учун тушунарли бўлмаган, фақат юристларгина тушуниб, тўғри талқин қила оладиган қонунларга бўйсуншни фуқаролардан талаб қилиш беҳуда. Тушуниш учун мутахассислар ёрдами талаб этиладиган қонун самарасиздир;

8) норматив-ҳуқуқий ҳужжат ягона мазмун билан боғланган, битта тартибга солиш предметига эга бўлиши лозим. Бир-бирига бевосита боғланмайдиган икки ёки ундан ортиқ мустақил масалалар бўйича қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Қонун ҳуқуқнинг муайян тармоғи ёки бошқа институти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиши, ҳуқуқий тартибга солишнинг маълум предметини қамраб олиши лозим;

9) норматив-ҳуқуқий материални яхшироқ шарҳлаш, ундан фойдаланиш, уни ҳисобга олиш ва системалаштиришни енгиллаштириш мақсадида айни бир масала юзасидан бир нечта ҳужжат қабул қилинишига йўл қўймаслик керак. Ягона комплекс қонунда (қоида тариқасида, кодексда) ҳуқуқнинг маълум тармоғи, муҳим ҳуқуқий институтнинг барча масалалари тўлиқ тартибга солинишига, унда ҳуқуқий тартибга солишнинг муайян соҳаси доирасида ҳар қандай саволга жавоб бўлишига эришган маъқул. Ушбу масала юзасидан барча қўшимчаларни, қонунчиликни мураккаблаштириб янги мустақил ҳужжатлар қабул қилмаган ҳолда асосий ҳужжатнинг матнига киритиш лозим;

10) ҳуқуқ ижодкорлигининг техник усулларида бир хилда ва изчил фойдаланиш. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёр-

лаш ва расмийлаштиришда маълум техник қоида қўлланилган бўлса, уни шунга ўхшаш қолган барча ҳолатларда ҳам қўллаш зарур.

Юқорида зикр этилган барча талабларни қатъий ва изчил бажариш юридик маданият нуқтаи назаридан мукамал, сифатли ва самарали қонун қабул қилишга кўмаклашади. Талаблардан бирини бажармаслик ёки бирининг ҳисобига бошқасига ҳаддан ташқари берилиш (масалан, матннинг мазмунига зиён етказиш ҳисобига ихчамликка интилиш) ҳужжатнинг техник жиҳатдан номукамаллигидан, қонун ижодкорлари малакасининг етарли эмаслигидан далолат беради.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тузиш ишини режалаштириш ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Қонун ижодкорлиги органи маълум даврга мўлжалланган режа тузса, унда қайси масалалар юзасидан асосий қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиш лозимлиги, уларнинг ҳар бири қайси муддатларда тайёр бўлиши кераклиги, муайян ҳужжатни ўз вақтида тайёрлаш учун қайси кўмига (мансабдор шахс) бевосита жавоб беришини кўрсатса, мақсадга мувофиқ бўлади. Фикри-мизча, жорий (масалан, бир йилга мўлжалланган) ва истиқболли (тўрт-беш йилга мўлжалланган) режалаштиришни амалга ошириш зарур. Қонун ижодкорлиги фаолиятини режалаштириш қонунларни пухта ўйланган асосда, эҳтиёжга қараб қабул қилиш, қонунчилик ҳужжатларини тартибга солиш ва такомиллаштириш учун зарур шарт-шароит яратади.

Ҳуқуқий материални баён этиш усули қонунчилик техникасида катта аҳамиятга эга. Ҳуқуқий нормани шундай таърифлаш лозимки, уни икки хил талқин этиш мумкин бўлмасин, ҳужжат матнида таърифланган кўрсатманинг маъноси ва талабини тушуниш осон бўлсин. Ҳуқуқ тизими қанчалик мукамал, унинг қонунчилик техникаси савияси қанчалик юқори даражада бўлса, мазкур тизимнинг нормалари шунчалик мукамал бўлади. Айрим ҳолларда, агар муайян муносабат жуда кенг тарқалган бўлса, умумий қоидадан муайян истиснони белгилаш лозим бўлса ёки бундан ҳам умумийроқ қоида етарли даражада аниқ ва лўнда бўлмаса, ушбу таърифларни норматив ҳужжатларга киритиш ўринли бўлмайди.

Ўхшаш жиҳатларга эга ва битта умумлаштирувчи таърифда тавсифлаш мумкин бўлган ижтимоий муносабатлар мажмуини қамраб олиш учун анча кенг ҳуқуқий кўрсатмаларни таърифлаш норматив материал ҳажмини қисқартиради, таърифларнинг янада тўлиқ ва сермаъно бўлишига эришиш имконини беради, ҳуқуқий тартибга солишда камчиликлар юзага келиши эҳтимолини камайтиради. Айни пайтда, мавҳумлик даражаси чексиз бўлмаслиги керак. Ҳаддан ташқари умумлаштириш ва мавҳумлаштириш таърифларнинг ноаниқлиги ва мужмаллигига олиб келиши, ҳар хил, баъзан тесқари талқин қилиш, мазкур нормаларни қўлловчи шахслар ва органлар ваколатини кенгайтириш, бинобарин, қонунни бузиш учун замин яратади. Ҳуқуқ нормаларини баён этишда оқилона меъёрни сақлаш, ҳаддан ташқари мавҳумлаштиришга ҳам, ортиқча муфассаллаштиришга ҳам берилиб кетмаслик лозим.

Қисқартмаларни қўллашдаги ҳар хиллик ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлашнинг техник даражасига салбий таъсир кўрсатади. Ҳуқуқ нормаларини баён этишда қўлланилган ҳамда аҳолининг аксарият қисмига тушунарсиз бўлган ва кенг тарқалмаган қисқартмалар фақат англашилмовчиликлар ва нотўғри талқинларга олиб келиши мумкин. Умумэътироф этган, муомаладан мустаҳкам ўрин олган ва барчага тушунарли бўлган қисқартмалар (масалан, ва ҳ.к., ва б.)га келсак, улардан воз кечиш нотўғри бўлар эди. Зотан, улар норматив материални баён этишни қисқартиради, уни ихчамлаштиришга кўмаклашади. Қисқартмаларни қўллашда маълум тартиб ва бир хиллик ўрнатилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сарлавҳалари ҳаддан ташқари узун бўлса, бошқа ҳужжатларда уларга ҳавола қилишда сарлавҳаларини қисқартириб берган маъқул. Бунда сарлавҳалар қисқартмаларини қўллашнинг бир хил тартибини ўрнатиш, яъни айни бир ҳужжатга нисбатан бир хил қисқартмалар (масалан, ЖПК, ЖК, ФК) қўлланилиши керак.

Қатор ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, кичик сарлавҳаларда, қисқартмаларни таърифлашда, мақоланинг расмий манбаини кўрсатишда, хорижий сўзларни таржима қилишда, баъзан тушунчаларни таърифлашда, изоҳлар беришда, бошқа моддаларга ва норматив

ҳужжатларга ҳаволалар қилишда ҳамда айрим бошқа ҳолларда қавслардан фойдаланиш мумкин ва лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда рақамларни ёзишда бир хилликни таъминлаш катта аҳамиятга эга. Улар, қоида тариқасида, сўз билан ёзилади. Саналар, моддаларнинг рақамлари, графиклар, тарифлар ва бошқа кўрсаткичлардаги рақамлар бундан мустасно. Шундай қилиб, илмий таърифларни ва ҳуқуқ ижодкорлигининг бошқа техник воситаларини бир хилда қўллаш, мукамал ва маромига етган юридик конструкциялардан фойдаланиш қонун чиқарувчи ҳокимият органининг фикрини аниқ, тўғри ва мантиқан изчил баён этишда алоҳида аҳамият касб этади.

## XVI Б О Б

### ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ ВА ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ

#### 1-§. Ҳуқуқий тизим тушунчаси ва моҳияти

Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқий тизими жамиятнинг жўшқин ривожланаётган ижтимоий тизимларидан биридир. Ҳуқуқий тизимнинг тараққий этганлик даражаси, мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий вазият билан бевосита боғлиқ бўлиб, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятида намоён бўлади. Нафақат ҳуқуқшунослар, балки барча фуқароларнинг ҳуқуқий тизим тўғрисида муайян тасаввурга эга бўлишлари фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадларига эришиш учун ниҳоятда муҳимдир.

Мамлакатимиз миллий ҳуқуқий тизимининг мазмун-моҳиятини тўла тавсифлаш мақсадида «ҳуқуқий тизим» тушунчасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Умуман айтганда, «тизим» тушунчаси юнонча «systema» сўзидан олинган бўлиб, «қисмлардан иборат бутун» деган маънони англатади. Воқеа ва ҳодисаларни тизимли ўрганиш фалсафа фанининг алоҳида ютуғи бўлиб, бугунги кунда барча соҳаларга, жумладан, ҳуқуқ соҳасига ҳам жорий этилмоқда. Фалсафий нуқтаи назардан «тизим» ички изчиллик ва ўзаро алоқадорликни, муносабатларнинг бир бутунлигини англатади. Тизимнинг муҳим жиҳати унинг структуравий хусусиятга эга эканлиги, яъни воқеликнинг ички таркибий қисмларга эгаллиги, бу қисмлар орасида поғонали бўйсунтиришнинг юзага келиши ҳамда уларнинг нисбий мустақиллигидан иборат<sup>1</sup>.

Ҳар бир фан ўзи ўрганаётган объектнинг мазмун-моҳиятини очишга тобора чуқурроқ кириб борар экан, тадқиқ этилаётган ижтимоий ҳодисаларга тизимли ёндашув, тизимли таҳлил усуллари кенгроқ қўллай боради. Бу эса, инсоннинг ўзини ўраб турган ҳодисалар тўғрисидаги билимларини тобора кенгайтириб боришига имкон беради.

Тизимли тадқиқотларнинг долзарблиги икки муҳим ҳолат билан

<sup>1</sup> Қ а р а н г. *Блауберг И.В., Юдин Б.Г.* Понятие целостности и его роль в научном познании. — М., 1972. С. 16; *Афанасьев В.Г.* Системность и общество. — М., 1980. С. 21 — 31.



белгиланади. *Биринчиси*, табиий ва ижтимоий ҳодисаларни тизимли, яхлит тарзда англаш эҳтиёжи ўсиб бораётганлиги бўлса; *иккинчиси*, замонавий назарий билим ва амалий фаолият чуқурлашиб бораётганлиги туфайли уларни яхлитликда ўрганиш зарурияти юзага келаётганлигидир. Шу сабабли билим ва ижтимоий фаолиятни тизимлаштириш, улар орасидаги боғлиқликларни очиб бериш эҳтиёжи вужудга келади. Бу вазифани айнан тизимли тадқиқотлар ҳал этади.

Ҳуқуқий ҳодисаларга тизимли ёндашув уларни мукамал ўрганишга қўмаклашади. Ҳуқуқий ҳодисалар — инсонлар иродасининг маҳсули. Айнан инсонлар, уларнинг уюшмалари сиёсий институтларни вужудга келтиради ҳамда ҳуқуқий ҳодисаларни расмийлаштиради. Мазкур сиёсий институтлар ва ҳуқуқий ҳодисалар йиғиндиси ўзаро алоқада бўлади ва яхлит бир бутунни ташкил этади. Тизимнинг хусусияти шунда ифодаланадики, унинг тегишли қисмлари бир бутунга бирлашади. Қисмлар яхлитликни ҳосил қилади ва аксинча яхлитлик қисмларни бирлаштиради, уларнинг моҳияти, мазмуни ва шакллари, тизим таркибидаги ўрни ва вазифасини белгилаб беради.

«*Ҳуқуқий тизим*» тушунчаси юридик фанга XX асрнинг сўнгги чорагида кириб келган бўлиб, у бугун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тизимлар билан бир қаторда намоён бўлмоқда. Ҳуқуқий тизим ҳуқуққа оид тушунчалар, ҳуқуқий институтлар, ҳуқуқий жараёнлар ва бошқа барча ҳуқуқий воқеликни ўзида мужассамлаштирган ҳолда улар ўртасидаги алоқадорликни ифодалайди. Ҳуқуқий тизим, ўз навбатида, давлат ва жамиятнинг ҳуқуққа муносабатини акс эттиради. Юқори даражада ривожланган ҳуқуқий тизим нафақат ҳуқуқни ижод қилувчи, уни амалга оширувчи ҳамда муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қулайликлар яратади, балки бутун жамиятни ҳуқуқ талаблари доирасида ҳаёт кечиришини таъминлайди.

Ҳуқуқий тизимни алоҳида ўрганиш ва унга баҳо беришда қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

- ҳуқуқий тизим тушунчаси (мазмуни);
- ҳуқуқий тизимнинг таркиби (тузилиши);
- ҳуқуқий тизимнинг амал қилиш доираси (маконда ва замонда);
- ҳуқуқий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари (белгилари).

Ҳуқуқий тизим тушунчасини таҳлил этишда, мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимларининг фикрларига эътибор қаратиш лозим. Ушбу тушунча ҳуқуқшунослар томонидан турлича талқин этилади. Баъзи муаллифлар «*ҳуқуқий тизим*»ни «*ҳуқуқ тизими*» ибораси билан бир хил деб тушунадилар, бошқа олимлар эса, мазкур тушунча доирасида ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқий муносабатларнинг ўзаро дахлдорлигини назарда тутадилар. Учинчи гуруҳ мутахассислар «*ҳуқуқий тизим тушунчаси*» норматив тузилма сифатида ҳуқуқнинг тузилишини, ваколатли органларнинг ҳуқуқ ижодкорлик ва ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги фаолиятларини қамраб олади», деб таъкидлайдилар<sup>1</sup>. Академик В.С.Нерсесянцнинг фикрича, ҳуқуқий тизимни таърифлаш, ўз моҳиятига кўра, ҳуқуқни умумий тушунишни, шартли равишда «*ҳуқуқий тизим*» сўзи билан алмаштирилишини билдиради<sup>2</sup>.

«*Ҳуқуқий тизим*» тушунчасини талқин этиш орқали ҳуқуқнинг очилмаган янги қирраларини билиб олиш ва шу билан бир қаторда ҳуқуқ тўғрисидаги тасаввурларни ривожлантириш мумкин. «*Ҳуқуқий тизим*» билан «*ҳуқуқ тизими*»ни қиёслаб кўрайлик. Тўғри, ҳуқуқ тизими ўз таркибига ҳуқуқ соҳалари, ҳуқуқ институтлари, ҳуқуқ нормаларини қамраб олгани ҳолда, ҳуқуқий тизимнинг норматив ўзагини ташкил этади. Лекин фақат ҳуқуқий нормаларнинг ўзи ҳуқуқий тизимнинг ҳажмини тўлиқ ифодамайди. *Ҳуқуқий тизим* ҳуқуқ нормаларидан иборат бўлган объектив ҳуқуқдан фарқ қилиб, нафақат бир турдаги элементларни, балки турли йўналиш ва ҳаракатда бўлган ҳуқуқий тузилмаларни, ғояларни, принципларни, жараёнларни ўзида мужассамлаштиради. Ҳуқуқий тизимга ҳаракатдаги (функционал) ҳодиса сифатида қараш лозим. Ҳуқуқий тизим кенг қамровли тушунча бўлиб, муайян макон ва замонда амал қилаётган ҳуқуқий ҳодисалар, ҳуқуқий принциплар, институтлар, ҳуқуқ нормалари ҳамда ҳуқуқий жараёнларнинг муштарак бир бутунлиги, ўзаро узвий боғлиқлиги ва алоқадорлигидир.

Проф. М.Н.Марченконинг нуқтаи назарига кўра, ҳуқуқий тизим

<sup>1</sup> Алексеев С.С. Общая теория права. Т.1. — М., 1981. С. 87—88.

<sup>2</sup> Проблемы общей теории права и государства / Отв. ред. В.С. Нерсесянц. — М., 2000. С. 450.

деганда, бирор-бир мамлакат доирасида амал қилувчи барча юридик институтлар ва муассасаларнинг йиғиндисидан иборат мамлакатнинг бутун ҳуқуқий тузилмаси, жамиятнинг ягона вужуд сифатида ҳуқуқий жиҳатдан ташкил этилганлиги тушунилади. Бу нафақат ҳуқуқий нормалар, шу билан бирга, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий амалиёт ва ҳоказоларни қамраб олади<sup>1</sup>.

«Ҳуқуқий тизим — ўзаро боғлиқ бўлган, мутаносиб ва бир-бирига таъсир қилувчи ҳуқуқий воситалардан иборат бўлиб, ижтимоий муносабатларни, шунингдек, у ёки бу мамлакатдаги ҳуқуқий ривожланиш даражасини тавсифловчи таркибий қисмларни бирлаштиради»<sup>2</sup>. Ушбу таъриф ҳам ҳуқуқий тизим мазмунини ёритишда муайян аҳамият касб этади.

Проф. Н.И.Матузовнинг эътирофига кўра, «Ҳуқуқий тизимни ички мувофиқлашган, ўзаро боғланган, ижтимоий бир турдаги юридик воситаларнинг йиғиндиси сифатида таърифлаш мумкин. Давлат уларнинг ёрдамида ижтимоий муносабатларга зарур норматив таъсир (мустаҳкамлаш, тартибга солиш, қўриқлаш, муҳофаза қилиш каби) кўрсатади»<sup>3</sup>. Лекин фанда «ҳуқуқий тизим» тушунчасини «ҳуқуқ тизими», «қонунчилик тизими», «юридик нормалар тизими» тушунчалари билан айнан бир хил, деб ҳисоблаш учраб турибди. Ҳуқуқий тизимни тушунишда, «ҳуқуқ тизими» ва «ҳуқуқий тизим» категорияларининг бир-биридан фарқини ажратиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқ тизими — ҳуқуқнинг ички тузилиши, ички қурилиши — таркиби бўлиб, у ҳуқуқнинг қандай қисмлардан иборат эканлигини ва қисмлар ўртасидаги муносабат ҳамда нисбатни кўрсатади. Ёки, ҳуқуқ тизими — ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқнинг ички тузилиши билан боғланган, ҳуқуқий нормаларни изчил тарзда жойлаштирилишининг ифодасидир. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг ички таркибий тузилишидир. Унинг

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Марченко М.Н.* Теория государства и права в вопросах и ответах. — М., 2001. С. 131.

<sup>2</sup> *Саидов А., Таджихонов У.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Икки жилдли. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. — Т., 2001. 48-б.

<sup>3</sup> *Матузов Н.И.* Правовая система и личность. Саратов. 1987. С. 26.

таркибига: ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ соҳалари (тармоқлари) киради. Демак, *ҳуқуқ тизими* — ҳуқуқнинг ички тузилиши, унинг таркибий қисмларини ташкил этилиши ва жойлашишининг муайян тартибини ифодалайди.

Ҳуқуқий тизим эса, мамлакат ҳудуди доирасида амал қиладиган барча юридик воситалар, ҳуқуқий жараёнлар, институтлар ва муассасаларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, жамиятнинг ҳуқуқий тузилиши, унинг бутун ҳуқуқий ҳаёти ва ҳуқуқий жиҳатдан ташкил этилишини ифодалайди.

Ҳуқуқий тизим нафақат ҳуқуқ нормаларининг ўзи, балки уларни ҳаракатга келтирувчи, ўзаро боғлиқ ҳуқуқий ҳодисалар ёки воситалар ҳамда уларнинг бир бутун ҳаракатдаги кўринишидир. Ҳуқуқий тизим таркибига ҳуқуқ нормалари билан бир қаторда, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқий амалиёт, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий сиёсат, ҳуқуқий тамойиллар, юридик муассасалар ва бошқалар киради. Ҳуқуқий тизим асосан муайян мамлакат ва давлат миқёсида амал қилади. Чунки, давлатларда ҳокимиятни амалга ошириш усули, давлат органларининг ташкил этилиши ва шу каби давлатнинг асосий сиёсий хусусиятларига қараб, унинг қонунчилиги ва ҳуқуқий тизими яратилади.

Ҳуқуқий тизим тушунчасини муайян давлатлардаги ҳуқуқий воқеликка нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бир қатор ҳуқуқий тизимларга хос бўлган умумий хусусиятларни белгилаб олиш, уларни ҳуқуқ оилалари бўйича таснифлаш имконини беради<sup>1</sup>. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, жамиятда мавжуд ҳуқуқ тавсифига тизимли ёндашилганда, унинг барча таркибий қисмлари халқнинг манфаат ва иродасини ифодалашида намоён бўлади. Ҳуқуқий тизимнинг алоҳида таркибий қисмлари тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида ўзаро чамбарчас боғланган бўлади ва бир-бирига фаол таъсир кўрсатади. Бундай тартибга солиш ягона мақсадга, яъни жамият барқарорлигини таъминлаш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Вишневский А.Ф.* Общая теория государства и права // А.Ф.Вишневский, Н.А.Гарбатов, В.А.Кучинский; Под общ. ред. проф. В.А.Кучинского. — М., 2004. С. 280.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизими — мамлакатимиздаги ҳуқуқий воқеликни, ижтимоий борлиқнинг таркибий қисми сифатида ифодаловчи нисбатан янги ҳуқуқий категориядир. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, моҳият ва мазмун жиҳатдан мутлақо янги миллий ҳуқуқий тизимни шакллантиришга киришилди. Албатта, ҳуқуқий тизимни яратиш бир қанча йўналиш бўйича амалга оширилмоқда. Замон руҳига ёт, ягона мафқурани ўрнатувчи, бозор муносабатларига тўсқинлик қилувчи нормалар бекор қилинди, баъзилари эса моҳиятан ўзгартирилди ва аксарият қоидалар мутлақо янгидан қабул қилинди. Бу нормалар яхлит тизимнинг таркибий қисмларига айланди, янги ҳуқуқий тизим ҳосил қилди.

*Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизими* — бу умумэътироф этилган талаблар ва халқ манфаати ҳамда фуқароларимизнинг эркин ҳаёти, фаровон келажагини ҳисобга олган ҳолда яратилган, унга мувофиқ ҳаракатда бўлган ҳуқуқий ҳодисалар, воситалар, жараёнлар, принциплар, институтлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро мантиқий боғлиқ ҳолдаги ифодасидир.

Мамлакат ҳуқуқий тизими муайян давлатнинг ички ҳуқуқий ҳаёти, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий тизими билан бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий мафқура, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий амалиёт ва юридик фанни қамраб олувчи, ўзига хос амал қилиш хусусиятларига эга бўлган ҳамда доимий ривожланишда бўлган ижтимоий-ҳуқуқий воқелиқдир.

Шундай қилиб, ҳуқуқий тизим ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятлари: географик жиҳатдан жойлашуви, тарихи, тили, дини, халқининг ижтимоий табиати, менталитети, урф-одатлари, шунингдек миллий қадриятларини инobatга олган ҳолда шаклланиб, жамиятнинг, шу мамлакат фуқароларининг манфаатларини ўз мазмунида акс эттиради.

## **2-§. Ҳуқуқий тизимнинг таркибий элементлари**

Тизим муайян таркибий қисмлар, бўлинмаларнинг бир бутун шаклидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий тизим алоҳида ижтимоий ҳодиса сифатида бир қанча таркибий қисмлар (элементлар)ни бир-

лаштиради. Ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисмлари бир-биридан ўз мазмуни ва моҳияти, мақсад ва вазифалари, тузилиши ва шакли, ҳаракат доираси ва майдони ҳамда бошқа хусусиятлари билан фарқ қилади. Ҳуқуқий тизим тузилишининг мураккаблиги уни ташкил этувчи таркибий қисмларнинг кўплиги, ҳар бирининг алоҳида функцияси мавжудлиги ва ўзаро муносабатда ҳамда узвий алоқадорликда ҳаракатланишида намоён бўлади.

Жамиятнинг ҳуқуқий тизими ўзининг муайян мантиқий ички таркибий тузилишига эга бўлган мураккаб ижтимоий ҳодисадир. «Ҳуқуқий тизим» ўз таркибий қисмларининг тизимли мажмуи тарзида гавдаланади ва нормалар йиғиндиси ҳисобланмиш объектив ҳуқуқдан жиддий фарқ қилади. Мазкур фарқ шундаки, ҳуқуқий тизим бир турдаги элементларнигина эмас, балки турли йўналиш ва мақомдаги тузилмаларни қамраб олади, бирлаштиради. Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий тизим таркибига:

1) *фалсафий* ёки *мафкуравий* (ҳуқуқнинг талқини, ҳуқуқий тушунча ва категориялар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий маданият);

2) *норматив* (жамиятда амал қилаётган ҳуқуқий нормалар мажмуи);

3) *институционал-ташкилий* (ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёни билан боғлиқ юридик муассасалар);

4) *социологик*, яъни *ижтимоий* (ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқни татбиқ этиш, қонунийлик муҳити, юридик амалиёт) элементлар киради.

Ҳуқуқий тизим ҳаракатдаги «жонли» ҳодиса сифатида талқин этилиши лозим. Зеро, у ижтимоий ҳаётнинг фаол таркибий қисми сифатида кишилар ўртасидаги муносабатларни узлуксиз тартибга солиш вазифасини бажаради. Амалий жиҳатдан ҳуқуқий тизим ҳаракатланишининг динамик талқини муҳим аҳамият касб этса, илмий нуқтаи назардан уни статик (ҳаракатсиз) тарзда ажратиб олиб ифодалаш муайян мазмунга эга. Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқий тизим структурасини *статик* ва *динамик* жиҳатдан тавсифлаш мумкин.

Статик ҳолатда унинг таркибий қисмлари қуйидагилардир: 1) юридик нормалар; 2) ҳуқуқий принциплар ва институтлар; 3) ҳуқуқий муассасалар йиғиндиси; 4) ҳуқуқий ғоялар, қарашлар, тасаввурлар.

Динамик ҳолатда: 1) ҳуқуқ ижодкорлик жараёни; 2) ҳуқуқни амалга ошириш (қўллаш) жараёни; 3) ҳуқуқий муносабатлар; 4) ҳуқуқий тар-

тибга солиш механизми; 5) ҳуқуқий тафаккур (ҳуқуқий онгнинг ривож, ижтимоий ҳаётга фаол таъсири). Ҳуқуқий тизимнинг динамик кўриниши бу мазкур тизим элементларининг ҳаракатланиш жараёни, унинг мақсадли йўналиши ва пировардида кўрсатадиган самарасидир.

Шундай қилиб, жамият ҳуқуқий тизими таркибига қуйидаги асосий элементларни киритиш мумкин:

- ҳуқуқий нормалар йиғиндиси (ҳуқуқий тизимнинг ўзаги);
- ҳуқуқий принциплар (раҳбарий ғоялар);
- ҳуқуқ ижодкорлик жараёни (ваколатли идораларнинг фаолияти);
- ҳуқуқни амалга ошириш, қўллаш жараёни;
- ҳуқуқий муносабатлар (ҳуқуқий норманинг амалга оширилиш шакли);
- ҳуқуқий тартибга солиш механизми;
- юридик муассасалар тизими;
- юридик амалиёт (суд амалиёти, тергов амалиёти, адлия амалиёти ва ҳоказо);
- ҳуқуқий онг (ҳуқуқий ҳодисаларнинг ижтимоий онгдаги инъикоси);
- ҳуқуқий сиёсат (стратегия);
- ҳуқуқий мафкура (ғоявий-маънавий жиҳат);
- ҳуқуқий маданият (ҳуқуқий маънавият ва тарбиянинг ифодаси);
- қонунийлик муҳити ва ҳуқуқий тартибот режими;
- ҳуқуқнинг манбаи (қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи).

Юқорида санаб кўрсатилган ҳуқуқий ҳодисалар ягона бир тизим ҳосил қилиб, ўзаро алоқадорликда, муносабатда бўлади. Ҳар бир ҳуқуқий институт (ҳодиса) қолганларининг мавжуд бўлишини тақозо этади. Бу тизимдаги бир элементнинг ҳаракатланиши қолган элементларнинг ҳаракатга келишига сабаб бўлади. Демак, *жамиятнинг ҳуқуқий тизими* — муайян макон ва замонда амал қилаётган ҳуқуқий ҳодисалар, ҳуқуқий принциплар, институтлар, нормалар ва ҳуқуқий жараёнларнинг муштарак бир бутунлиги, ўзаро узвий боғлиқлиги ҳамда алоқадорлиги бўлиб, уларнинг мақсадли ҳаракатланиши натижасида ижтимоий муносабатларнинг юксак савияда ҳуқуқий тартибга солинишига эришилади. Ҳуқуқий

тизим яхлит ҳодиса бўлиб, таркибий қисмларининг ўзаро ички алоқадорлиги, боғлиқлиги, мутаносиблиги, изчиллиги ва барқарорлиги билан тавсифланади.

Баён этилган таркибий қисмлар ҳуқуқий тизимнинг мураккаб ижтимоий ҳодиса эканлигини кўрсатади. Шунга ўхшаш фикрни давлат ва ҳуқуқ назариясига оид дарсликларда ҳам кўриш мумкин. Унга кўра, ҳуқуқий тизимнинг асосий қисмлари сифатида қуйидагилар алоҳида ажратиб кўрсатилади: 1) ҳуқуқий тушунчалар; 2) ҳуқуқий жараёнлар; 3) ҳуқуқ принциплари; 4) ҳуқуқий маданият; 5) ҳуқуқий сиёсат; 6) ҳуқуқ ва уни ифода этувчи қонунчилик; 7) ҳуқуқий муносабатлар; 8) юридик амалиёт; 9) юридик техника; 10) юридик фан.

Проф. Н. И. Матузов эса, ҳуқуқий тизимни мураккаб, серқирра тушунча эканлигини таъкидлаб, уни жамиятда мавжуд бўлган барча юридик ҳодисалар, ҳуқуқий воситалар йиғиндиси сифатида таърифлайди<sup>1</sup>. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, олим ҳуқуқий тизим таркибини барча ҳуқуқий ҳаёт, ҳуқуқий устқурма элементлари билан изоҳлайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳуқуқий тизим — мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида ўз таркибида мамлакатдаги мавжуд барча ҳуқуқий воқеликларни, яъни, ҳуқуқий воситалар, ҳодисалар, институтлар, муассасалар, бинобарин ҳуқуқий ҳаётни акс эттирувчи бутун бир реалликни ифодалайди.

Ҳуқуқий тизимнинг таркибий элементларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

**1. Норматив хусусиятга эга бўлган таркибий элементлар:**

а) ҳуқуқ; б) ҳуқуқ тизими; в) ҳуқуқий принциплар; г) ҳуқуқнинг манбалари.

**2. Ҳаракатда (муайян жараён орқали) ифодаланадиган таркибий элементлар:**

а) ҳуқуқ ижодкорлиги; б) ҳуқуқни амалга ошириш, қўллаш жараёни; в) ҳуқуқий муносабатлар; г) ҳуқуқий тартибга солиш механизми;

**3. Ҳолий-мафкуравий мазмунга эга бўлган элементлар:**

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Матузов Н.И. Правовая система и личность. Саратов. 1987. С. 26.



а) ҳуқуқий онг; б) ҳуқуқий маданият; в) ҳуқуқий мафкура; г) ҳуқуқий сиёсат; д) юридик фан (ҳуқуқий тафаккур); е) қонунийлик муҳити ва ҳуқуқий тартибот режими.

#### **4. Ташкилий таркибий элементлар:**

а) юридик муассасалар: ҳуқуқий фаолият билан шуғулланувчи давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар.

Ҳуқуқий тизимни тушунишда унинг таркибий қисмлари мазмунини чуқур билиш муҳим аҳамият касб этади. Қуйидаги элементлар бир бутун яхлит ҳолда ҳуқуқий тизимни ташкил этади: ҳуқуқ, ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий тамойиллар, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни амалга ошириш, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий тартибга солиш механизми, юридик муассасалар тизими, юридик амалиёт, ҳуқуқий сиёсат, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва бошқалар. Ҳуқуқий тизимнинг ҳар бир элементида алоҳида тўхталамиз.

**Ҳуқуқ** — жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, фуқароларнинг ҳаётий фаолиятини белгилаб берувчи, давлат томонидан қабул қилинган ёки маъқуланган яшаш қоидалари тизимидир.

Юқорида таъкидланганидек, **ҳуқуқ тизими** — бу ҳуқуқнинг таркибий тузилиши бўлиб, ўз таркибига ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ соҳаларини қамраб олади. Ҳуқуқ тизими ҳуқуқ нормаларининг ташкилий тузилиши бўлиб, унинг мавжуд бўлиши объектив шарт-шароитларга (миллий, маданий, тарихий ва ш.к.) боғлиқ ва ҳуқуқнинг ички тузилишини ифодалайди. Ҳуқуқ тизими ҳуқуқий тизимнинг норматив асоси ҳисобланиб, бошқа таркибий элементларнинг шакллантирувчи ва ҳаракатини тартибга солувчи бирламчи омил сифатида намоён бўлади.

**Ҳуқуқий принциплар** ҳуқуқий тизим доирасидаги раҳбарий ғоялар йиғиндисини ташкил этади. Мазкур тушунча комплекс хусусиятга эга. Чунки, ҳуқуқий тизимнинг ҳар бир элементи ўз принципларига эга.

Ҳуқуқий принциплар — йўналтирувчи, дастлабки ғоя бўлиб, инсонларнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун хизмат қиладиган, асосий йўналишни кўрсатиб беради. Ҳуқуқий тизимни шакллантиришда ҳуқуқий принциплар (раҳбарий ғоялар)нинг фаол ҳаракатини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади.

**Ҳуқуқ ижодкорлиги** — жамият ва давлатнинг ҳуқуқий эҳтиёжларини аниқлаш ва баҳолаш, ваколатли органларнинг ҳуқуқий ҳужжатларни шакллантириш ва қабул қилиш фаолиятини қамраб олувчи жараён.

**Ҳуқуқни амалга ошириш** — ҳуқуқ нормалари орқали ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ёки ҳуқуқни амалда татбиқ этишда намоён бўлади. Ҳуқуқни амалга оширишнинг бирламчи шакли қонун чиқариш бўлса, иккиламчи шакли улар орқали ижтимоий муносабатларга таъсир этишдир.

**Ҳуқуқий муносабатлар** — ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар. Ҳуқуқ соҳаларига кўра улар: конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар, жиноий-ҳуқуқий муносабатлар, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар ва бошқа турларга ажралади.

**Ҳуқуқий тартибга солиш механизми** жамиятда турли-туман ижтимоий муносабатларга мунтазам равишда ва муайян кетма-кетликда таъсир этиш жараёнидир. Ижтимоий муносабатлар мазмуни ҳамда ҳуқуқий нормалар руҳи мамлакат интилаётган мақсад ва вазифалар, яъни: бозор иқтисодиётига ўтиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ.

**Юридик муассасалар** — ҳуқуқий тизимнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Юридик муассасалар деб — ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни татбиқ этиш, уни муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқ бузилишларига қарши кураш билан шуғулланадиган давлат ва бошқа ижтимоий ташкилотлар тизимига айтилади.

Ўзбекистон Республикасида юридик муассасалар тизимига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси прокуратура, божхона ва солиқ органлари, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, шунингдек вакиллик ҳамда давлат бошқарув органлари, адвокатура ва ҳоказолар киради.

**Ҳуқуқий амалиёт** ҳуқуқ ва ҳуқуқий онг билан бирга жамият ҳуқуқий тизимининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Ҳуқуқий амалиётсиз ҳуқуқий тизим ташкил топиши, ривожланиши ва амал қилиши

мумкин эмас. Ҳуқуқий амалиёт тўпланган ижтимоий-ҳуқуқий тажриба-лар асосида ҳуқуқий нормаларни яратиш, шарҳлаш ва амалга ошириш фаолиятидир. Ҳуқуқий тизимнинг «система» ташкил этувчи таркибий қисмларидан ҳисобланган ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият муҳим ижтимоий ҳодиса бўлиб, ҳуқуқ билан чамбарчас боғлиқдир.

**Ҳуқуқий онг** ижтимоий онгнинг бир шакли ҳисобланиб, нисбатан мустақилдир. Ҳуқуқий онг жамият аъзоларининг ҳуқуққа, қонунга муносабати ҳамда давлат механизми фаолияти хусусидаги тасаввурлари, қарашлари, таърифлари, ҳис-туйғу ва кайфиятларининг мужассам ифодасидир. Жамият ҳуқуқий тизимида катта аҳамиятга эга бўлган, ҳуқуқнинг инсонлар хатти-ҳаракатида мужассамлашиши, кишиларнинг ҳуқуққа нисбатан ҳурмати, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлигини англатувчи тушунча — ҳуқуқий маданият ҳисобланади.

**Ҳуқуқий маданият** фуқаролик жамияти маънавий камолотининг, давлатчилик биноси ривожини ва ҳуқуқий тизим етуқлигининг муҳим кўрсаткичидир. Ҳуқуқий маданият деганда, жамиятда қарор топган ҳуқуқий тизимнинг даражаси, халқнинг бу ҳуқуқ тизимидан хабардорлик даражаси, фуқароларнинг қонунга ҳурмати, ҳуқуқий нормаларнинг ижро этилиши даражаси, ҳуқуққа риоя қилмаганларга муросасиз бўлиш, қонунга итоаткорлик даражаси тушунилади.

**Ҳуқуқий сиёсат** — ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асослари, принциплари, йўналишлари, вазифалари, стратегияси ва тактикасидир. У давлат томонидан шакллантирилади ва амалга оширилади.

**Ҳуқуқий мафкура** давлатчилик, сиёсий тизим ва ҳуқуқий ҳаёт ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий ғоялар, қарашлар ва билимларнинг умумлаштирилган тизимидир.

### 3-§. Ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари

Ҳуқуқий тизимининг мазмун-моҳияти, уни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш хусусида гап борганда, аввало икки ўзаро уйқаш тушунча: — «*ҳуқуқий ислоҳотни таъминлаш*» ва «*ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш*» ибораларининг маъносини аниқлаб олиш лозим. Мамла-

катда амалга оширилаётган ислоҳотлар барча иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-маданий, маънавий соҳаларни қамраб олган. Ҳар бир йўналишда ислоҳотларни рўёбга чиқариш учун тегишли ҳуқуқий базани яратиш, режалаштирилган ислоҳий тадбирларни рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий механизмини вужудга келтириш катта аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов «Ислоҳотимиз тамойиллари» номли асарида шундай деган эди: «Биз, энг аввало, ҳуқуқий асосни тайёрладик. Жамиятимизнинг асосий ақидалари, унинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий йўналишлари белгилаб берилган Конституциямиз ҳам ана шу асосга қурилган. Биз қонунчилик базасини барпо этиб, бутун давлат тузилмасини ўзгартирдик. У бозор мақсадларига жавоб беради. . . »<sup>1</sup>.

Юртимизда очиқ ва одил демократик жамиятни барпо этиш, бозор муносабатларини вужудга келтириш халқаро эътироф этилган конституциявий ҳамда ҳуқуқий асосларда амалга оширилмоқда. Бу асослар иқтисодиётни ислоҳ қилиш, унинг кенг қўламда жаҳон ҳам-жамиятига интеграциялашуви учун кучли ҳуқуқий кафолатлар ва шарт-шароитларни таъминлаб беради. Конституция ва мустақиллик йиллари мобайнида қабул қилинган фундаментал қонунлар ҳаётимизнинг барча жабҳаларини демократлаштиришнинг, жамиятни тубдан янгилаш, уни модернизация қилишнинг қудратли кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Демократик жамият, бозор иқтисодиёти сари бошланган саъй-ҳаракатнинг ортга қайтмаслиги ва барқарорлиги унинг ҳуқуқий асосларини мукамал тарзда шакллантиришга бевосита боғлиқдир. «Мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлгандагина, ўз умрини яшаб бўлган тузумни тўла ишонч билан қайта қуриш, ривожланган юқори самарали бозор иқтисодиётига эга янги жамиятни қуриш мумкин бўлади»<sup>2</sup>.

Юқоридаги мулоҳазалар ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг зарурлиги ва аҳамиятини тўла тасдиқлайди. Шунга кўра, қабул

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. — Т., 1996. 135-6.

<sup>2</sup> Ислам Каримов Конституция тўғрисида /Тузувчилар А.Саидов, У.Таджиханов. — Т., 2001. 116—117-б.

қилинган қонунлар ва ҳуқуқий нормаларни уч йўналишда гуруҳлаштириш мумкин:

- сиёсий ислоҳотларни, давлат қурилишига оид фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш;
- иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш;
- суд-ҳуқуқий тизим соҳасидаги ислоҳотларни, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини ислоҳ қилишни ҳуқуқий таъминлаш.

Бошқача айтганда, *ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш* деганда, барпо этилаётган демократик давлатчилик қурилишини, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни, мустақил суд ҳокимияти қарор топиши ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш механизмини ҳуқуқий расмийлаштириш назарда тутилади.

Бугунги шароитда мамлакатда ислоҳотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси вужудга келтирилди. Булар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ҳуқуқнинг асосий соҳалари манбаи бўлмиш 15 та кодекс, 500 дан зиёд қонунлар, 4000 дан ортиқ Президент фармонлари ва 950 дан зиёд қарорлари, 8500 дан ортиқ Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, 1840 дан ортиқ вазирлик ва давлат қўмиталарининг норматив ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий актлардир.

«*Ҳуқуқий ислоҳотлар*» ибораси замирида эса жамият ҳуқуқий тизимини ислоҳ этиш, уни маърифий дунё қадриятлари ва умумэътироф этилган тамойиллар асосида демократик тарзда янгилаш ҳамда такомиллаштириб бориш тушунилади.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикасининг ўз ҳуқуқий тизими қарор топди. У вужудга келиш, шаклланиш ва такомиллашиш жараёнларини «бошидан» кечирмоқда. Айтиш жоизки, ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи барча ҳуқуқий институт ва ҳодисалар бирдек юксак маромда ривож топаётгани йўқ. Айрим элементлар масалан, қонунчилик жадал ривожланаётган бўлса, бошқа элементлар сустроқ ривожланмоқда ёки ҳали эски шакл ва қолиплардан тўла халос бўла олгани йўқ, хусусан, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳоказо. Бу эса ҳуқуқий тизимнинг барча таркибий элементлари тубдан ислоҳ этилиши, давр талабларига мослаштирилиши лозимли-

гини англатади. Ҳуқуқий тизимнинг таркибий бўғинларини инобатга олган ҳолда *ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари* қуйидагича талқин этилиши мумкин:

***Ҳуқуқий тизимни либераллаштириш (эркинлаштириш).***

Бугунги кунда бутун дунё миқёсида ҳуқуққа ва у билан боғлиқ барча ҳодисаларга баҳо беришда «**либеритар**» (яъни, ҳуқуққа эркинликни таъминлаш воситаси сифатида қараш) ёндашув устувор мавқеани эгалламоқда. Бу концепцияга асосан **ҳуқуқ** — авваламбор **эркинлик, адолат ва тенглик мезони**, уларни таъминлаш воситаси, аҳоли хавфсизлиги ҳамда ҳар бир фуқаронинг мулкӣ мустақиллиги (дахлсизлиги)ни таъминловчи норматив тизимдир.

Мазкур доктрина икки асосий жиҳат билан таърифланади. *Биринчиси*, шахс эркинлиги ва унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини эркинлаштириш (либераллаштириш) бўлса, *иккинчиси* — ижтимоий адолат принципнинг устуворлигини таъминлаш, уни жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларига сингдиришдан иборат.

Республикамининг мустақилликка эришиши ижтимоий-ҳуқуқий вазиятни тубдан ўзгартириб юборди. Қонунчилик моҳият эътибори билан тубдан ўзгарди, бутун ҳуқуқий тизимни либераллаштириш сари йўл олинди, айниқса, жиноятчиликка қарши кураш сиёсати эса либераллаштириш ва инсонпарварликка юз тутди. Бироқ, тоталитар тузумнинг қолдиқлари ва айрим андозаларидан бирданига қутулишининг иложи йўқлигини назардан қочирмаслик лозим.

Маълумки, бу мақсадга фақатгина барча узвий боғлиқ масалаларнинг комплекс тарзда ҳал қилиниши орқали эришиш мумкин.

*Биринчидан*, давлатнинг жиноий-ҳуқуқий сиёсатининг қонуний заминини яратиш борасида амалдаги қонунларга жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи зарурий ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

*Иккинчидан*, жиноят юстициясининг барча тизимларини қайта ташкил қилиш ва такомиллаштириш, унинг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш борасида фаолият олиб борилмоқда.

*Учинчидан*, аҳолининг, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофза қилувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оши-

риш, жамиятнинг тўғри йўлдан адашган аъзоларига нисбатан юсак маърифий, инсонпарварлик муносабатини шакллантириш, жиноятга оид кўрсатма берган одамларни таъқиб қилмай, аксинча, уларга ёрдам бериш, уларнинг қонуний муҳофазасини таъминлаш, айбсизлик презумпцияси принципини тўла жорий этиш чораларини кўриш ва бошқалар.

Жиноий-ҳуқуқий сиёсатни эркинлаштириш шахс эрки ва ҳуқуқларини устувор қадрият сифатида баҳолашни белгилаб берди. Дарҳақиқат, жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг ҳар қандай йўналиши мақсад мазмунида инсон ва унинг манфаатларига эътибор мавжуд. Мазкур сиёсатнинг асосий мақсади — бутун жамиятнинг, хусусан, ҳар бир инсоннинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашдан иборат.

Либераллаштириш тенденцияси ҳуқуқий тизимнинг барча элементларини, шунингдек, ҳуқуқнинг ва қонунчиликнинг барча соҳаларини қамраб олаётганлиги мантиқий ҳолдир. Фикримизни далиллаш учун қуйидаги мисоллар кифоя қилади: 1995 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва 1995—1996 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 1998 йилда кучга киритилган Оила кодекси ва бошқа салмоқли соҳавий қонунлар халқаро ҳуқуқий стандартларга мос ҳолда, шунингдек инсон ҳуқуқларини тўла-тўқис таъминлашга йўналтирилган демократия, инсонпарварлик ҳамда адолат принципларига, таяниб ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Меҳнат муносабатлари соҳасида иш берувчи билан ходим ўртасидаги шартнома муносабатларининг эркинлашуви, фуқаролик қонунчилигида шартномага киришувчи субъектларнинг мустақиллиги, хусусий мулк дахлсизлиги; оила қонунчилигида никоҳ тузишнинг ихтиёрий ва эркинлиги, никоҳ шартномаси асосида эр ва хотин муносабатларининг мўътадиллашуви ушбу соҳаларнинг либераллашувига оид айрим ёрқин мисоллардир, холос. Либераллаштириш шабадаси маъмурий, божхона, солиқ қонунчилигини ҳам қамраб олди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28—29 январдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида 1997 йилда қабул қилинган Солиқ кодексини иқтисодий ислохотларнинг янги устувор вазифаларидан келиб чиқиб янгилаш

лозимлигини, уни соддалаштириш (*либераллаштириш* — таъкид муаллифни), солиқларни унификация қилиш, солиқ юкни енгиллаштириш, солиқ бошқарувини такомиллаштириш ва эркинлаштиришни назарда тутувчи янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлаган эди<sup>1</sup>.

Мазкур ғоя 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган янги Солиқ кодексда ўз аксини топди. Янги Солиқ кодекси тузилиши ва мазмуни жиҳатидан олдингисидан анча эркинлашгани ва либераллашгани билан фарқ қилади<sup>2</sup>.

### ***Қонун чиқариш жараёнини демократлаштириш.***

Ушбу йўналишда эътибор қаратиш лозим бўлган қуйидаги жиддий масалалар мавжуд:

— Ўзбекистоннинг *қонунчилик* (кенгроқ доирада олинадиган бўлса, ҳуқуқий ислоҳотлар дастури) *стратегиясини* аниқлаб, алоҳида расмий ҳужжат сифатида шакллантириш ва қабул қилиш лозим;

— қонун ижодкорлик жараёнининг социологик жиҳатларига эътибор қаратиш, қонун билан тартибга солиш эҳтиёжини ўрганиш ва шу асосда бўлғуси қонун ижодкорлик ишларининг эмпирик базасини вужудга келтириш зарур. Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳузурида қонунчилик муаммоларини социологик тадқиқ этиш институтини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди;

— қонун лойиҳалари ишларини режалаштириш ва башоратлаш масалаларига жиддий эътибор қаратиш лозим;

— қонунчилик техникасини такомиллаштириш ва бу борада депутатларнинг тегишли малакасини ҳосил қилиш механизминини йўлга қўйиш лозим ва ҳоказо.

Қонун чиқариш жараёнини демократлаштиришнинг бир қатор резервлари бор. Жумладан, қонун лойиҳаларининг муҳокамасига манфатдор ташкилотларни, фуқаролар, экспертларни кенгроқ жалб этиш, умумхалқ муҳокамаларидан самарали фойдаланиш, унинг механизмла-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсалимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т., 2005. 88 — 90-б.

<sup>2</sup> Одилқориев Х.Х. Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик тизими. — Т., 2008. 65-б.



рини такомиллаштириш, қонун лойиҳаларининг муҳокамаларида депутатларнинг фаоллигини ошириш, қонунчилик жараёнининг ошкоралигини кучайтириш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

**Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида қонуннинг устуворлигини таъминлаш.** Қонуннинг мазмуни халқчил, инсонпарвар, демократик ва адолатли бўлишига эришиш, унинг сифатини мутгасил яхшилаб бориш ҳамиша ўз долзарблигини сақлаб қолаётган мавзудир. Мазкур йўналишда, аввало:

— амалдаги қонунларни инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларга мослаштириш бўйича мунтазам ишни йўлга қўйиш ва шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолиятини янада фаоллаштириш лозим;

— қабул қилинган ва энди яратиладиган қонунлар мазмунини «Қонун билан тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат этилади» (фуқаролар учун) ва «Қонунда белгиланган нарсаларгагина рухсат этилади» (давлат органлари ва мансабдор шахслар учун) принциплари асосида қайта кўриб чиқиш керак;

— инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устувор таъминланиши принципидан келиб чиқиб, қонунчилик мазмунидаги этатизмдан воз кечиш ва инсон манфаатларини ёқловчи ҳуқуқий тартибга солиш механизминини жорий этишга босқичма-босқич ўтиш;

— Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлашнинг юридик, ташкилий, маънавий-ахлоқий механизмларини вужудга келтириш. «Қонуннинг устуворлиги бизнинг ислоҳотлар моделимиздаги етакчи тамойилдир, — дейди Президент И.Каримов. — У ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонларидан бири бўлиб хизмат қилади»<sup>1</sup>;

— Конституция ва қонунларнинг амал қилиш механизминини ва уларни аниқ ҳамда оғишмай қўллаш амалиётинини жорий этиш лозим.

Конституциявий ислоҳотлар — ҳуқуқий ислоҳотларнинг марказий бўғини. Жамият эҳтиёжлари ва тараққиёт манфаатларига мос тарзда Конституциянинг такомиллаштирилиши мамлакат конституциявий ту-

<sup>1</sup> Ислом Каримов Конституция тўғрисида. 417-6.

зумини, сиёсий тизимни барқарорлаштириш гарови ҳисобланади. Ўзбекистонда амалга ошаётган конституциявий мазмундаги муҳим ўзгаришлар пировардида Конституциянинг ўзини ҳам такомиллаштиришга сабаб бўлмоқда. Масалан, 2002 йил 27 январда бўлиб ўтган умумхалқ референдумида мамлакатда икки палатали парламент тузиш ғояси ёқлаб овоз берилди. Шу асосда 2002 йил 4 апрелда «Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари тўғрисида» ги конституциявий қонун қабул қилинди. Ушбу конституциявий қонуннинг аҳамиятини изоҳлаб, Президент И.А.Каримов: «... у референдум натижаларини қонунчилик тилида ифодалаб — муҳрлаб беради ва Конституциямизга тегишли ўзгартиришлар киритишга асос бўлади»<sup>1</sup>, — деди. Ушбу башорат тез орада қонун ижодкорлиги амалиётида ўз тасдиғини топди. 2002 йил 12 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ги конституциявий қонунлар, 2003 йил 24 апрелда Конституциянинг давлат ҳокимияти органлари ташкил этилишига оид бобларига икки палатали парламент жорий этилиши билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги конституциявий қонун қабул қилинди<sup>2</sup>. Бунда парламент палаталарининг ваколатлари мустақкамланди, Президент ва Ҳукуматнинг ваколатлари қайта шакллантирилди, сайлов қонунчилигига оид конституциявий нормалар такомиллаштирилди.

2007 йил 11 апрелда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида» ги конституциявий қонун қабул қилинди.

Қонун аҳолининг ижтимоий, сиёсий фаоллигини кучайтиришда, чинакам кўппартиявийликни ривожлантиришда, демократик ислохотларни чуқурлаштиришда ғоят муҳим роль ўйнади. Ушбу Қонун парламентдаги турли сиёсий йўналишларга амал қилувчи партиялар фракцияларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб берди, уларнинг қонун

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. Т.10. — Т., 2002. С. 319-6.

<sup>2</sup> Халқ сўзи, 2003. 25 апр.

ижодкорлиги иши самарадорлигини оширишда тутган ўрни, фракциялараро соғлом тортишувни сезиларли даражада оширди. Парламентдаги кўпчиликнинг ва парламентдаги муҳолифатнинг ҳуқуқлари қонунчилик йўли билан мустақамлаб қўйилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида учта партия — ЎзЛиДеП, «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияларининг Демократик блоки тузилган ва самарали ишлаб турибди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси тимсолида парламент муҳолифати фаолият кўрсатмоқда. Қонун сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг шакллантирилишига, уларнинг фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати йўлга қўйилишига фаол таъсир кўрсатиши учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратди. Буларнинг барчаси демократик ислоҳотларнинг бутун жараёнига, кўппартиявийлик тизимининг тадрижий ривожланишига, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари мустақамланишига улкан таъсир кўрсатди<sup>1</sup>.

2008 йил 4 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги қонун маъқулланди. Мазкур қонун мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигини изчил демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Қонуннинг янги қоидалари қўйидагилардан иборат:

**Биринчидан**, қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 77-моддасининг 1-қисмига Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари сонини 120 тадан 150 тага қўпайтиришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда. Бунда 135 депутат ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланади. Шу аснода сиёсий партияларнинг парламент қўйи палатасидаги вакиллиги кенгаяди, бу эса сиёсий партияларнинг парламент фаолиятини ташкил этиш, мамлакатимизда руй бераётган ижтимоий, иқтисодий,

<sup>1</sup> *Исмоилов Н.М.* Сайлов тизимини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлида. — Халқ сўзи. 2008, 6 дек.

ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг самарали қонунчилик базасини шакллантиришдаги роли ва таъсирини янада ошириш манфаатларига мос тушади.

Ўн бешта депутатлик ўрни (бу миқдор мамлакатимизнинг маъмурий-худудий бўлиниши ҳисобга олинган ҳолда белгиланган) ўз сафига кенг жамоатчиликни, мутахассислар, олимлар, шунингдек, шу соҳада фаолият юритаётган нодавлат ташкилотларни бирлаштирган оммавий жамоат ташкилоти — Ўзбекистон экологик ҳаракатига ажратилди. Шу тариқа, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига янги институт — депутатлик ўринларини квоталаш институти киритилди. Бу ҳозирги босқичда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш учун кураш олиб бориш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш масалалари ғоят долзарблиги билан боғлиқдир.

Қонунда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига депутатлар сайлаш тартиби, Экологик ҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатлари этиб сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар ва уларнинг парламентдаги фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалалар белгилаб берилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон экологик ҳаракатидан депутатлар ушбу оммавий ижтимоий ҳаракатнинг республика конференциясида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Экологик ҳаракатдан депутатлар сайлаш муддатлари ва сайловни ўтказиш, шунингдек, сайланган депутатларни рўйхатга олиш тартибини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилади. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очиқ ҳамда ошкора амалга оширилади.

**Иккинчидан**, сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларидан ҳокимият вакиллик органларига фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қонуннинг чиқариб ташланиши сайловга доир қонунчиликдаги яна бир муҳим янгиликдир.

**Учинчидан**, сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига сайловларни анча сезиларли равишда эркинлаштириш ва демократлаштиришга кўмаклашадиган бир қатор ўзгартишлар киритилди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун-

га янги «Сиёсий партиянинг ваколатли вакили» институти киритилмоқда (17<sup>1</sup>-модда).

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текшириш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 23<sup>1</sup>-моддаси). Ушбу норма ҳолисликни янада кўпроқ таъминлаш ва сайловларнинг очиқ бўлиши, уларни ўтказиш жараёнида сиёсий партиялар ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг қўшимча кафолатларини яратиш имконини беради.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сони аввалги 5 нафар ўрнига 10 нафаргача кўпайтирилди. Ушбу норма сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларга ўз сайловолди кампанияларини сайловчиларнинг янада кенгроқ доирасини қамраб олган ҳолда фаол ўтказиш имконини беради.

Қонун орқали айрим тоифадаги фуқароларнинг сайловда иштирок этишига доир бир қатор чекловлар олиб ташланди. Масалан, аввал амалда бўлган қонунга мувофиқ, жиноятнинг ва тайинланган жазонинг қай даражада оғирлигидан қатъи назар, содир этган ҳар қандай жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас эди. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгартишларга мувофиқ мазкур чекловлар қайта кўриб чиқилди. Эндиликда фақат содир этган оғир ва ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқароларгина депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайди<sup>1</sup>.

**Тўртинчидан,** бозор иқтисодиёти талабларини инобатга олиб юридик техника қойдаларига риоя этган ҳолда қонунчиликни системалаштириш, айниқса кодекслаштириш.

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 2008, 6 дек.

Ҳозирга қадар Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, Божхона кодекси, Ер кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Оила кодекси, Жиноят кодекси ва бошқа кодекслар қабул қилинди. Бироқ, барча кодексларимиз ва жорий қонунларимиз бозор муносабатларига тўла мослаштириб бўлинди, дейишга ҳали эрта. Бу борадаги халқаро тажрибани пухта ўрганиш ва ўз миллий хусусиятларимизни, ҳуқуқий қадриятларимизни эътиборга олган ҳолда қонунларимизни янада такомиллаштириш зарур бўлади. Қонунчиликни системалаштириш билан бир вақтда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иерархиясида мутаносиблик ва батартибликни таъминлаш лозим. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунга мослигини таъминлаш соҳасидаги ишларни давом эттириш ўринлидир.

**Бешинчидан**, ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари фаолияти ҳам демократик ислоҳотлар қамровига олинган.

2001 йил 29 августда Олий Мажлиснинг VI сессиясида «Прокуратура тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Бунда хусусан, прокуратура фаолиятидан умумий назорат йўналиши чиқариб ташланди. Шунингдек, прокуратура энди ишларни судда кўрилиши чоғида қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат муносабати билан судларнинг ишига аралашмайди, балки суд муҳокамасининг барча босқичларида ва қонунчилик ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги масалалар суд томонидан кўриляётганда иштирок этади.

2001 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармон ИИВ барча тузилмалари фаолиятини аниқлаштириш ва такомиллаштиришнинг стратегик йўналишларини белгилаб берди.

Зикр этилган ҳуқуқий ҳужжатларда прокуратура ва ички ишлар органлари фаолиятида, айниқса уларнинг тергов фаолиятида, инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари устувор таъминланишига алоҳида эътибор қаратилди. Суд — ҳуқуқий тизимда туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг ҳимояга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлаш мақсадида адвокатуранинг фаолияти такомиллаштирилмоқда. Прокуратура, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари тизимида инсон ҳуқуқла-

рини муҳофаза қилиш билан бевосита шуғулланувчи махсус тузилмалар ташкил этилди. «Адвокатура тўғрисида» ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» ги қонунларнинг қабул қилиниши ва кучга кирганлиги ҳуқуқни муҳофаза этиш механизмлари такомиллашиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

**Олтинчидан**, шахснинг ҳуқуқий муҳофазаланиши кафолатларини кучайтириш.

Бу масала барча давлат органлари ва мансабдор шахсларга тааллуқли бўлиб, унинг эътиборга молик жиҳати шундаки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш институтларининг муайян тизими вужудга келтирилди. Яъни, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази, Амалдаги қонунчилик мониторинги институти ва ҳоказо.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлиснинг вакили (Омбудсманнинг) фаолияти йилдан-йилга фаоллашиб ҳамда тобора самарали бўлиб бормоқда. Унинг фаолияти асосан қуйидаги йўналишларда намоён бўлаётир:

— Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат (мониторинг)ни амалга ошириш;

— фуқароларнинг инсон ҳуқуқларига оид ариза ва мурожаатлари билан ишлаш;

— Омбудсманнинг минтақавий (вилоятлардаги) вакиллари фаолияти;

— Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва ноҳукумат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги;

— Омбудсманнинг ахборот-маърифий ва халқаро соҳадаги фаолияти.

Эътироф этиш жоизки, омбудсманнинг фаолияти фуқаролар учун фойдали бўлиб бормоқда.

Шу билан бирга сўнгги йилларда республика Президенти ва Ҳукуматининг ёш авлодга, болаларнинг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлашга алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганлигидан келиб чиқиб, Ўзбе-

кистон Республикасида Болалар ҳуқуқлари бўйича махсус омбудсман лавозими (институти) таъсис этилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу ташаббуснинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенцияни (1989 йил 20 ноябрь) бажаришдаги фаоллигини янада оширган бўлур эди.

Шунингдек, Ўзбекистонда экология масалалари бўйича махсус омбудсман лавозимининг таъсис этилиши ҳам давр талабига мос бўлиб тушган бўлур эди. Фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза этишда адвокатура алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги қонуни ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши адвокатуранинг ҳуқуқий мақомини бирмунча мустаҳкамлади. Аммо, фуқароларнинг ушбу конституциявий ҳуқуқини амалда юксак савияда таъминлаш учун яна кўп ишлар қилинишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда<sup>1</sup>.

2008 йилнинг май ойида «Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қабул қилиниши давлатимиз раҳбарининг инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратаётган эътиборининг ифодаси бўлди. Унда адвокатура институтини жамиятни демократик янгилаш жараёни билан узвий боғлиқ равишда ислоҳ қилишга доир кенг қамровли масалалар ўз аксини топган<sup>2</sup>.

**Еттинчидан**, ҳуқуқий ислохотни билимдон ва малакали кадрлар билан таъминлашнинг мукамал тизимини ташкил қилиш. Ҳуқуқшунос-юристарлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш ва илмий тавсияларни ҳуқуқий ислохот манфаатларига, унинг самарасини оширишга хизмат қилишга йўналтириш ўта муҳим вазифалардан биридир. Ҳозирги пайтда Адлия вазирлиги қошида судьялар ва адлия идоралари ходимларининг малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузурида прокурор ва тергов ходимларининг малакасини ошириш маркази фаолият кўрсатмоқда; Ички ишлар вазирлиги Академиясида раҳбар хо-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Одилқориев Х.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. 128—129-б.

<sup>2</sup> Қ а р а н г: *Одилқориев Х.Х.* Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик тизими. — Т., 2008. 92-б.



димларнинг малакасини ошириш факультети иш олиб бормоқда. Бу борада таълим ва малака оширишнинг узлуксизлиги ҳамда мунтазамлиги таъминланишига катта эътибор берилмоқда<sup>1</sup>.

Мамлакатда давлат қурилишини эркинлаштиришга, бошқарув тизимини демократлаштириш ҳамда унинг оқилона шакллариини ишлаб чиқишга, давлатнинг марказий органлари функцияларини маҳаллий ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишга йўналтирилган *маъмурий ислоҳотлар* ҳам ҳуқуқий ислоҳотларнинг муҳим бўғинидир.

*Саксизинчидан*, аҳолининг кенг қатламлари ичида ҳуқуқий умумтаълимни жорий этиш. Миллий истиқлол руҳи билан суғорилган ҳуқуқий мафқурани ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартидир. 1997 йил августидан бошлаб мамлакатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» ҳаётга жорий этилмоқда. Республикада ҳуқуқий тарғибот марказлари фаол ишлаб, аҳоли ҳуқуқий маданиятини оширишга сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши катта воқеа бўлди. Мақсад аҳолининг конституциявий ва умумий-ҳуқуқий саводхонлигини оширишдир. Қонунни, унда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва бурчларини мукамал билган ҳар бир шахс ўзини эркин ҳис этади, ўз қадр-қиммати учун мустақил кураша олади.

Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш янгича ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳуқуқий маданиятни ижтимоий онгга синдириш ҳамда аҳолининг юриш-туриши ҳамда феъл-атворида тегишли кўникмаларни шакллантириш жўнгина уддаланадиган иш эмас. Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилот-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Одилқориев Х.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. 129-б.

лар, маҳалла жамоалари, мактаб, оила, ўзини ўзи бошқариш органларининг баҳамжиҳат, мақсадга йўналтирилган улкан маърифий-ташкиллий фаолияти натижасида амалга ошадиган ишдир.

**Ҳуқуқий маданият даражаси** қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг бажарилиш савияси ва самараси билан белгилашни яхши маълум. Бозор иқтисодиёти сари бораётган йўлимиз биз учун ҳуқуқий тарбия мактаби бўлмоғи даркор. Бинобарин, бундан келиб чиқадиган муҳим сабоқ шуки, қонунга амал қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилишни ўрганишимиз, ўз ҳуқуқ ва эркинликларимизни қонун орқали ҳимоялашни, ўз мажбуриятларимизни оғишмай бажаришни ўрганиб олишимиз керак. Бошқа одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига ҳурмат билан муносабат бўлишни ўрганиб олиш лозим<sup>1</sup>.

**Тўққизинчидан**, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, одил судловни демократлаштириш, суд — ҳуқуқий ислоҳотини амалга ошириш. Суд ислоҳоти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти умумий шаклланиш жараёнининг ажралмас зарурий таркибий қисмидир. Суд-ҳуқуқий ислоҳоти мамлакатда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари билан тенг, мустақил кучли суд ҳокимиятини вужудга келтиришнинг муҳим омилидир.

Суд ҳокимияти — уч ҳокимиятнинг бири, унинг юксак нуфузли ҳуқуқий ҳолати жамият ва давлат ҳаётида инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийлик барқарор бўлишининг асосий шартидир. Зеро, суд ҳокимиятининг вазифаси — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мамлакат конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш, қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни ижро этиш ва қўллашда қонунийлик ҳамда адолат учун курашишдан иборат.

Мустақил Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг тақсимланиши реал жорий этилиши билан чинакам том маънодаги суд ҳокимиятининг қарор топишига йўл очилди. Бу ўринда ўта муҳим нарса — суднинг давлат ҳокимиятининг бир бўғини сифатида тегишли қатъий ваколат-

<sup>1</sup> Ислом Каримов Конституция тўғрисида, 94-бет.

лар соҳиби эканлигини тан олишдир. Жамият ижтимоий онги суд ҳокимиятини эътироф этиши, унга кўникиши лозим. Суд ҳокимияти давлатнинг муайян судлов сиёсатини шакллантиради ва рўёбга чиқаради. Судлов сиёсатининг асослари қонунда ўз аксини топади ва суд муассасалари фаолияти орқали ҳаётга татбиқ этилади.

Ўзбекистонда мустақил, адолатли суд ҳокимиятини қарор топтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Маълумки, собиқ тоталитар тузум шароитида суд маъмурий-буйруқбозлик тизимининг тўқмоғига айлантирилган эди. Одамлар кўз ўнгида суд жазоловчи, қораловчи, озодликдан маҳрум этувчи орган сифатида гавдаланди. Эндиги ислохотларнинг бош вазифаси эса судни адолат ва ҳақиқат посбонига айлантиришдан иборат. Пировардида судга муносабат тубдан ўзгариб, унга ҳурмат шаклланиши лозим. Бу ўринда қуйидаги сўзлар муҳим методологик, йўналтирувчи аҳамиятга эга: «Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган, орган деб эмас, аксинча уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиши керак. Бу ўта муҳим... Одамлар суд органларини ўзларининг ҳимоячиси, адолат посбони деб билиши керак»<sup>1</sup>. Бунинг учун суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини қадам-бақадам такомиллаштириб бориш зарур. Мазкур ҳуқуқий асос суд ва судьяларнинг ҳокимиятнинг бошқа барча тармоқларидан ҳақиқий мустақиллигини, суд қарорларини қабул қилишда уларнинг фақат қонунга бўйсунганини таъминлаши лозим. Бу ҳуқуқий асос демократизмни, холисликни, суднинг ҳаммабоб бўлишини, суднинг ҳимоя доираси кенгайишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июнда «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. У Ўзбекистонда мустақилликка эришилган кундан бошлаб суд-ҳуқуқ тизимида амалга ошириб келинаётган чуқур демократик ислохотларни давом эттиради ва ҳуқуқни кўллаш ҳамда суд амалиётини такомиллаштириш, суд обрўсини мус-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Кўрсатилган асар. 186-б.

таҳкамлаш, унинг қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини пухта ҳимоя қилишга оид фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган. Қарорда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида ташкил этилаётган муассаса, авваламбор, тадқиқот маркази ҳисобланади ва унинг вазифаси Олий суд органлари тизимида суд-ҳуқуқ муносабатларини янада ислоҳ қилишнинг иккита муҳим йўналишини амалга ошириш — уни либераллаштириш ва демократлаштириш, шунингдек, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ҳолатини тадқиқ этиш ҳамда улар бўйича таклифлар тайёрлашдан иборат<sup>1</sup>.

Юқорида баён этилган барча ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар жамиятимизда суднинг юксак нуфузини таъминлашга, унинг самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган. Мустақил, холис, демократик суд тизимини вужудга келтириш пировардида инсон манфаатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли муҳофаза этишга хизмат қилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий тизим соҳасидаги ислоҳотлар катта масъулият талаб этади. Ислоҳотлар ҳуқуқий тизим таркибига кирувчи барча бўғинларни қамраб олади. Демак, ҳар бир бўғинда рўй бераётган ўзгариш ва жараёнлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Ҳуқуқий ислоҳотларга кенг қамровли ва комплекс ёндашиш лозим. Ана шундагина ислоҳий куч-ғайратимиз ва ижодий фаолиятимиз ижобий самаралар беришига умид боғлаш мумкин<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 2008, 24 июнь.

<sup>2</sup> Қ а р а н г: *Одильқориев Х.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. 137-б.

## XVII Б О Б ХУҚУҚНИНГ ҲАРАКАТЛАНИШИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ

### 1-§. Хуқуқни амалга ошириш тушунчаси ва босқичлари

Ижтимоий ҳаётни батартиблаштириш — мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, уни аниқ татбиқ этиш фаолиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хуқуқ нормалари бевосита амалга оширилган тақдирдагина жамият, инсонлар учун фойдали ва манфаатли бўлади. Ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солишнинг самараси, унумдорлиги кўп жиҳатдан хуқуқни тўғри амалга оширишга боғлиқ. Агар хуқуқ татбиқ этилмаса, инсонлар хатти-ҳаракатида ўзининг мужассам ифодасини топмаса, ижтимоий тартибга солувчи восита сифатидаги қийматини йўқотади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, қонунларни кўплаб қабул қилиш мумкин, лекин энг муҳим масала уларни ҳаётга татбиқ этишдир.

Хуқуқни ҳар жиҳатдан тушуниш охир-оқибатда унинг ижтимоий муносабатларнинг регулятори бўла олишига, тартибга солиш қобилиятига бориб тақалади. Хуқуқнинг қадрият сифатидаги мантиғи — унинг инсонларнинг онги ва иродасига таъсир ўтказа олиш қобилиятидир. Айнан шу нарса хуқуқнинг ҳаракатланиши масаласини долзарб мавзуга айлантиради.

*Хуқуқнинг ҳаракатланиши ёки амал қилиши* — хуқуқнинг муайян макон, замонда тегишли шахслар доирасидаги ижтимоий муносабатларга қадриятлар нуқтаи назаридан мақсадли, ахборот етказувчи омил ва бевосита тартибга солувчи таъсир этишидир.

Агар хуқуқ фаол ижодий асос (ибтидо) сифатида майдонга чиқмаса, ижтимоий муҳитни шакллантирмаса ва уни ўзгартирмаса, ижтимоий муносабатлар иштирокчилари хулқ-атворининг йўналишлари ва шаклларини белгиламаса ўзининг бутун маъносини тамомила йўқотган бўларди. Хуқуқ барча жабҳаларда: ҳам қонун яратиш соҳасида, ҳам қонунчилик қоидаларини фаол амалга ошириш соҳасида, ҳам мавжуд норматив-хуқуқий ҳужжатларни муҳофаза этиш борасида ҳаракатланади.

Ҳуқуқнинг ҳаракатланиши (амал қилиши) ижтимоий моделларни ва абстракт қадриятларни реал ҳаётга ўтказишда (айлантиришда) намоён бўлади. Ҳуқуқнинг ҳаракати унинг алоҳида шахслар, гуруҳлар хулқ-атворида, жамият ҳаёт тарзида адолат мезонларини таъминлашга оид моҳиятини рўёбга чиқариш (моддийлаштириш) дир. Ҳуқуқ жиддий ижтимоий куч сифатида ижтимоий муносабатларга таъсир этиш жараёнида ўз салоҳиятини намоён қилади.

Ҳуқуқнинг ҳаракатланишини давлатдан ажратилган ҳолда талқин этиш мумкин эмас. Ҳозирга қадар ҳеч бир жамият давлатнинг иштирокисиз адолат муҳитини таъминлай олган эмас. Ҳамма ерда давлат ҳуқуқий нормаларнинг ҳаракатланишини, амалга ошишини таъминлайди. Давлат ҳуқуқий тартибга солиш воситаларини (механизмларини) яратади, ҳуқуқнинг пировард мақсадларига эришиш учун ушбу воситаларни (механизмларни) ишга солади.

**Ҳуқуқни амалга ошириш** — давлат томонидан юридик мустаҳкамланган ва кафолатланган имкониятларни рўёбга чиқариш, уларни одамлар ва уларнинг ташкилотлари фаолиятига ҳаётга татбиқ этиш демакдир. Юридик адабиётларда «ҳуқуқий нормани амалга ошириш», «ҳуқуқни татбиқ этиш», «ҳуқуқий нормаларни татбиқ этиш», «ҳуқуқий нормани қўллаш» каби тушунчалар юзасидан яқдил фикр йўқ. Лекин, ҳуқуқий нормаларни татбиқ этиш — ҳуқуқий нормаларни амалга оширишни англатиши, аксарият назарий олимлар томонидан тан олинади.

«Амалга ошириш» маъносини билдирадиган «реализация» атамаси лотинчадан олинган бўлиб, «realis» — моддий ёки моддийлаштириш деган маънони англатади. Ҳозирги кунда бу сўз кўпроқ у ёки бу режа, дастур ва лойиҳаларни, мақсадлар ва ҳоказоларни ҳаётда амалга ошириш ёки уларни татбиқ этиш маъносида қўлланилади. Ҳуқуқ идеал, мафкуравий ҳодиса бўлиб, муайян имконият сифатида одамлар ҳаракатида, фаол хулқ-атворида, моддий ва маънавий бойликлар, неъматлардан фойдаланишда рўёбга чиқади, моддийлашади. Айни вақтда, уни амалга ошириш яна бир маънога эга: бошқа имкониятлар (режалар, дастурлар, ниятлар ва ш.к.)дан фарқли ўлароқ, ҳуқуқ амалга ошириш имкониятининг кўпроқлиги билан тавсифланади, кафолатлар билан таъминланади. Таҳлил қилинаётган тушунчани изоҳловчи яна

бир ҳолат шундан иборатки, ҳуқуқ табиий ва ижобий, объектив ва субъектив ҳуқуқни ўз ичига олувчи серқирра ҳодисадир. Ҳуқуқни амалга ошириш унинг серқирра мазмунини ҳисобга олган ҳолда талқин этилиши лозим.

«Ҳуқуқни амалга ошириш» атамаси юқоридаги мазмунга мос келади. Дарҳақиқат, ҳуқуқ номоддий кўринишга эга бўлса ҳам, у кишиларнинг фаолиятида, фаол хулқи ва юриш-туришларида, уларнинг моддий ва маънавий қадриятлардан фойдаланганларида моддийлашади. Демак, ҳуқуқни амалга ошириш — унинг талабларини ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари фаолиятида намоён бўлиши, унинг кўрсатмаларини ҳуқуқий хатти-ҳаракатга айлантиришни билдиради.

Ҳуқуқни амалга ошириш ўзаро ички боғланган, таркибий қисмлари бир-бирини тақозо этадиган мураккаб механизм сифатида майдонга чиқади. Мазкур механизм бирор-бир элементининг оқсаши ёки етарли даражада ишламаслиги ҳуқуқни рўёбга чиқариш жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Ҳуқуқни амалга ошириш натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофаза этилади, халқнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштироки таъминланади, мулк қўриқланади, талбиркорлик ривожлантирилади ва қўллаб-қувватланади, ижтимоий ва ҳуқуқтартибот мустаҳкамланади. Ҳуқуқ амалга оширилган тақдирдагина шахс ва жамият учун маъно ва аҳамият касб этади. Агар ҳуқуқ ҳаётга татбиқ этилмаса, у муқаррар тарзда жонсиз ҳолда қолади. Ҳуқуқ нормаларининг бош вазифаси шундан иборатки, улар шахс ҳуқуқларининг мазмунини аниқлашга ёрдам беради ва шу тариқа уни амалга оширишга имконият яратади.

Ҳуқуқни амалга ошириш — замон ва маконда юз берувчи мураккаб жараён. Унда нафақат тарафлар, субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг эгалари, балки давлат ўзининг ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни ижро этувчи, ҳуқуқни қўлловчи органлари орқали иштирок этади. Ҳуқуқни амалга ошириш, ҳуқуқни ҳаётга татбиқ этиш жараёни сифатида, *биринчидан*, ҳуқуқни амалга оширишнинг юридик механизмларини, *иккинчидан*, ҳуқуқни бевосита амалга оширишнинг шаклларини ўз ичига олади. Ҳуқуқни амалга оширишнинг юридик механизмлари хилма-хил бўлиб, уларнинг мазмуни у ёки бу мамлакат ҳуқуқий тизи-

мининг хусусиятлари билан белгиланади. Роман-герман ҳуқуқий тизи-мида ҳуқуқни амалга ошириш жараёни қуйидаги босқичлардан таш-кил топади.

**Биринчи босқич** — табиий ҳуқуқни қонун даражасига кўтариш (ижо-бий ҳуқуқ), уни норматив шаклда ифодалаш. Табиий ҳуқуқнинг ўзаги-ни инсон ҳуқуқлари, унинг инсон ва жамият табиатидан келиб чиқув-чи ижтимоий-ҳуқуқий талаблари ташкил этади. Бу талабларни қаноат-лантириш учун давлат уларни қонун йўли билан, норматив даражада тан олиши керак. Инсон ҳуқуқларини қонун даражасига кўтариш: а) уларни конституцияда мустақкамлаб қўйишни; б) уларни амалдаги қонунчилик ҳужжатларида мустақкамлашни назарда тутати.

**Иккинчи босқич** — қонунни амалга оширишнинг ҳар хил механизм-лари ишга солинади. Бу механизмлар ёрдамида қонун қоидаларини субъектив ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятларнинг муайян мазмунига ўтказиш амалга оширилади. Бу механизмлар ранг-барангдир, чунончи, унга қонунни ҳукумат, вазирликлар, идоралар, ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ости норматив ҳужжатларида ва маҳаллий аҳами-ятга молик бошқа норматив ҳужжатларда аниқлаштириш; қонун нор-маларини расмий шарҳлаш, ҳужжатлар орқали тушунтириш; қонунни қабул қилиш, қўллаш ва мажбурий ижро этиш таомилларини тартибга солувчи процессуал нормалар; ҳуқуқ нормаларини қўллашга доир ҳар хил ҳужжатлар киради. Давлат органларининг ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш борасидаги фаолияти ҳам шу босқичга ки-ради.

**Учинчи, яқунловчи босқич** — ҳуқуқни бевосита амалга оширишдан иборат. Айнан шу босқичда ҳуқуқлар абстракт имкониятдан борлиққа айланади ва бу ҳуқуқ соҳибининг хоҳиш-иродасига кўра юз беради, яъни ҳуқуқнинг амалга ошиш-ошмаслиги, агар амалга оширилса, бу қачон ва қай даражада юз бериши ҳуқуқ субъектига боғлиқ бўлади.

Англосаксон ҳуқуқий тизимида ҳуқуқни амалга ошириш жараёни бошқача кечади. Ҳуқуқий талабларни, яъни табиий ҳуқуқни мажбурий норма даражасига кўтариш суд томонидан амалга оширилади. Суд му-айян юридик ишни кўриб чиқар экан, юзага келган низонинг ҳақиқий ҳолатлари, тарафларнинг даъволарини муфассал таҳлил қилади ва улар-



нинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаб, жанжални ҳал қилади. Ишни ҳал қилиш чоғида прецедент — ўхшаш иш бўйича илгари чиқарилган суд қарори норматив асос сифатида майдонга чиқади.

Англосаксон ҳуқуқий тизимида ҳуқуқий талабни амалга ошириш механизми роман-герман ҳуқуқий тизимидаги шундай механизмга қараганда соддароқ, чунки олдиндан қонун йўли билан мустақамлаб қўйишни тақозо этмайди. Судьянинг ўзбошимчалиги хавфини ошириб кўрсатиш ярамайди, чунки суд қарори устидан юқори судга шикоят бериш имконияти доимо мавжуд бўлади. Масалан, англосаксон ҳуқуқи вужудга келган Англияда олий суд инстанцияси вазифасини Англия Парламентининг юқори палатаси — Лордлар палатаси бажаради.

Шундай қилиб, ҳуқуқни амалга ошириш нималигини тушуниш учун қуйидагиларни англаб олиш керак: ҳуқуқни татбиқ этишдан амалда субъектив ҳуқуққа эга бўлган шахс, яъни ҳуқуқ субъектигина манфаатдордир. Бошқа барча шахслар — мажбурият олган тараф, ҳуқуқни қўлловчи, қонун чиқарувчи орган пировард натижада ваколатли шахс манфаатларини кўзлаб иш кўради. Кўрсатилган шахслар ва органлар фаолияти, бу фаолиятни тартибга солувчи юридик нормалар жамулжам ҳолда ҳуқуқни амалга оширишнинг мураккаб ва кўп жиҳатли механизмини ташкил этади. Бинобарин, ҳуқуқни амалга ошиш-ошмаслиги масаласининг ечими бу ҳуқуқ соҳибига боғлиқ бўлади. Ҳуқуқни амалга ошириш механизми фақат унинг хоҳиш-иродасига кўра ишга солиниши мумкин. Мазкур механизм мавжудлиги, у сифатли ва самарали ишлашга қодирлиги муҳимдир. Субъектив ҳуқуқни ҳимоя қилиш механизмлари, яъни юридик жавобгарлик механизмлари ҳуқуқни амалга ошириш механизмининг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳимоя қилиш жараёнида ҳуқуқ тикланади ва яна уни амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Юридик жавобгарлик субъектив ҳуқуқларни гайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни муайян даражада таъминлайди ва шу тариқа уларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароит яратади.

## 2-§. Ҳуқуқни амалга ошириш усуллари ва шакллари

Ҳуқуқни амалга ошириш мураккаб жараён бўлиб, маълум муддат мобайнида босқичма-босқич амалга оширилади. Бу жараёнда субъектив ҳуқуқ ва мажбурият соҳиблари бўлган шахслар билан бир қаторда, давлат ҳам ўзининг ҳуқуқ ижод қилувчи, ҳуқуқни ижро этувчи, ҳуқуқни қўлловчи органлари орқали иштирок этади. Ҳуқуқни амалга ошириш жараёни ҳуқуқни ҳаётга жорий этиш усуллари ва шаклларининг уй-ғунлигидир. Маълумки, ҳуқуқ нормалари — бу гипотеза, диспозиция ва санкцияларнинг бирлиги ҳисобланиб, унинг мазмуни амалга оширишнинг икки даражаси ёки усулини талаб этади: *биринчиси*, нормал татбиқ этиш — ҳуқуқий хатти-ҳаракатда диспозицияни татбиқ этиш; *иккинчиси*, ҳуқуқбузарга, давлат ҳокимияти томонидан мажбурий хулқ-атвор чорасини қўллаш орқали санкцияни татбиқ этиш — ҳуқуқни қўриқлаш нуқтаи назаридан татбиқ этиш.

Ҳуқуқни нормал амалга ошириш усулларида бири — ҳуқуқий хатти-ҳаракат ҳисобланади. Бу ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ нормаларига мос келадиган, юридик оқибатларни келтириб чиқарадиган, ижтимоий фойдали аҳамиятга эга бўлган, онгли равишдаги хулқ-атворидир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган қоидаларни қўлланиш даражасига кўра, ҳуқуқни амалга оширишнинг уч хил шакли фарқланади:

а) ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари учун умумий вазифалар ва принциплар ўз ифодасини топган қонунларнинг муқаддималарида кўзда тутилган талабларни рўёбга чиқариш;

б) ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда ваколатлари доирасини ўрнатувчи умумий нормаларни татбиқ этиш;

в) муайян ҳуқуқий муносабатларга тегишли бўлган ҳуқуқий нормаларни жорий этиш.

Ҳуқуқни амалга ошириш ҳуқуқий муносабатлар субъектлари доирасига кўра ҳам таснифланади. Ҳуқуқни амалга оширишда иштирокчиларнинг жуда кўп гуруҳи қамраб олинади. Ҳуқуқни амалга ошириш субъектларига кўра, индивидуал ва жамоа томонидан ҳуқуқни татбиқ

этиш фарқланади. Ҳуқуқ нормаларининг иштирокчилар хулқ-атворида мужассамланиши учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг муайян даражадаги амалий фаолияти талаб қилинади. Ҳуқуқ нормалари кишиларнинг муайян муносабатларига нисбатан татбиқ қилинади ва шунга кўра аниқ ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки тўхташи содир бўлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни амалга оширишда Ўзбекистон халқи, миллий давлат тузилиши билан боғлиқ муносабатларда миллатлар ва элатлар, Қорақалпоғистон Республикаси давлат органлари, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар, фуқаролар иштирок этади. Ҳуқуқий тартибга солиш пировард натижада ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқда ўз ифодасини топган талаблар ва имкониятлар мужассамлашувчи хулқ-атворида намён бўлади. Ҳуқуқни амалга оширувчи субъектлар фаолияти хусусиятига кўра, ҳуқуқни амалга оширишнинг уч хил шаклини кўрсатиш мумкин — ҳуқуқ нормасига риоя қилиш, ҳуқуқ нормасини бажариш ва ҳуқуқ нормасидан фойдаланиш:

**Биринчи шакл** — **ҳуқуқ нормаси талабларига риоя этиш**. Бу ерда тақиқловчи ва муҳофаза қилувчи нормалар амалга ошади. *Риоя этиш* амалга оширишнинг бир шакли бўлиб, у субъектларнинг юридик тақиқларга мос равишда иш кўришида ифодаланади. Бу шаклга субъектларнинг пассив хулқ-атвори хосдир. Улар юридик нормалар билан ман этилган ҳаракатларни бажармайди, яъни ўзларига юкланган пассив мажбуриятларни бажарадилар. Муҳофаза қилувчи нормаларнинг барчасида тўғридан-тўғри кўрсатилмаса-да, норма маъносидан мантиқан келиб чиқувчи тақиқ ифодаланади: агар бирон-бир ҳаракат учун норма санкциясида юридик жавобгарлик назарда тутилган бўлса, ўз-ўзидан равшанки, бундай ҳаракатни қонун чиқарувчи орган ман этган. Масалан, бундай тақиқлар Жиноят кодекси Махсус қисмининг нормалари ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормалари билан белгиланган.

**Иккинчи шакл** — **мажбуриятларни бажариш**. *Бажариш* ҳуқуқни амалга оширишнинг шундай бир шаклики, у ҳуқуқий қонуннинг бажарилишида ифодаланади. Амалга оширишнинг мазкур шаклида субъектлар

хулқ-атвори фаол хусусиятга эга бўлади: улар юридик нормалар билан белгиланган ҳаракатлар содир этади, яъни ўзларига юкланган фаол ҳаракат қилиш мажбуриятларини бажарадилар. Ижобий мажбуриятларни назарда тутувчи мажбурият юкловчи нормаларни амалга ошириш учун фаол хулқ-атвор, чунончи: солиқ тўлаш, харидорга маҳсулот етказиб бериш, меҳнат шартномаси бўйича ишни бажариш кабилар талаб этилади.

**Учинчи шакл — субъектив ҳуқуқдан фойдаланиш.** Диспозицияларида субъектив ҳуқуқлар назарда тутилган ваколат берувчи нормалар шу шаклда амалга оширилади. **Фойдаланиш** амалга оширишнинг шундай бир шаклики, у берилган рұхсатлардан келиб чиқувчи имкониятларни амалга оширишда ифодаланади. Субъектларнинг фаол хулқ-атвори бу шаклга хос хусусиятдир. Айни ҳолда субъектив ҳуқуқлар, ўз фаол хулқ-атвори, ҳуқуқ орқали берилган юридик имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқлари (масалан, ҳимояланиш ҳуқуқи, мулк объектларини юридик жиҳатдан тасарруф этиш ҳуқуқи, сайлов ҳуқуқидан фойдаланиш) тўғрисида сўз юритилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 164-моддасида шундай дейилган: «Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишдан иборатдир». Субъектив ҳуқуқ ҳам фаол, ҳам пассив хулқ-атворни назарда тутади. Субъект ўз ҳуқуқидан фойдаланишдан бош тортса, ўзини пассив тутади. Субъектив ҳуқуқ ваколатли шахснинг ўз ҳаракатлари орқали (ашё эгаси ундан ашёнинг бевосита вазифасига кўра фойдаланади), юридик ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан (ашёни гаровга бериш, уни ҳадя қилиш, сотиш ва ҳоказо), мажбурият олган шахсга талаб қўйиш орқали (қарздордан қарзни қайтаришни талаб қилиш) ва даъво шаклида, яъни ваколатли давлат органига поймол этилган ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат этиш йўли билан (агар қарздор қарзни қайтаришдан бош тортса, қарз берувчи қарзини мажбурий тарзда ундиришни сўраб судга мурожаат этади) амалга оширилиши мумкин.

Ҳуқуқни амалга ошириш тўғрисида энг аниқ маънода бажариш шакли билан боғлиқ ҳолда сўз юритиш мумкин. Ҳуқуқни амалга оши-

ришнинг қолган икки шакли (фойдаланиш ва риоя этиш)га келсак, бу ерда ҳуқуқни амалга ошириш ҳақидаги умумий қоидалар аниқлик киритишга ва ҳатто эслатмаларга, изоҳларга муҳтождир. Авваламбор, кўрсатилган бу икки шаклга бирликда, уйғунликда ва тартибга солиш турига кўра қаралиши лозим. Фойдаланишда доим риоя этиш ҳам бўлади: умумий рухсат берувчи ҳуқуқий тартибга солишда — муайян ман этувчи нормаларни бузмаслик тарзида, рухсат берувчи тартибга солишда — субъектив ҳуқуқ белгилаган хулқ-атвор чегарасига қатъий риоя қилиш, бу чегарадан четга чиқувчи ҳаракатлар содир этмаслик тарзида намоён бўлади.

Бироқ энг муҳими бунда эмас. Умумий рухсат берувчи ҳуқуқий тартибга солишда ҳам, аниқ рухсат берувчи тартибга солишда ҳам ваколатли субъект фаол ҳаракат қилади. Бу фаол хулқ-атворга фақат шартли равишда ҳуқуқни амалга ошириш сифатида қаралиши мумкин. Субъектларнинг фаол хулқ-атворида асосан ижтимоий ҳаётнинг объектив белгиланган эҳтиёжларига асосланган моддий, сиёсий, маънавий ва бошқа манфаатлар амалга ошади. Тегишли — ваколат берувчи ва ман этувчи юридик нормаларни, шунингдек умумий рухсат ва тақиқларни амалга ошириш эса, амалда намунавий конструкциялар, умумий ва мутлақ ҳуқуқий муносабатларнинг яратилиши ва субъектларнинг уларга мувофиқ ижтимоий эҳтиёжлари билан белгиланган ўз фаол хулқ-атворини амалга оширишидан иборат бўлади.

Ҳуқуқни амалга ошириш аксарият ҳолларда давлат ва унинг органлари иштирокисиз юз беради. Фуқаролар ва ташкилотлар ўз ихтиёри билан, мажбурловсиз, ўзаро келишувга кўра ҳуқуқий муносабатларга киришадилар ва бу муносабатлар доирасида субъектив ҳуқуқлардан фойдаланадилар, мажбуриятларни бажарадилар ва қонунда белгиланган тақиқларга риоя қиладилар. Шу билан бирга, айрим ҳолларда, давлатнинг аралашувига зарурат туғилади, бундай аралашувсиз ҳуқуқни амалга ошириш мумкин бўлмайди. Ҳуқуқий тартибга солиш жараёнига унинг яқунловчи босқичида (айрим ҳолларда ҳуқуқий муносабатлар юзага келганида ҳам) **ҳуқуқни қўллаш** қўшилади.

*Биринчидан*, айрим нормаларни амалга ошириш механизмида давлатнинг иштироки назарда тутилади. Бу, аввало, моддий неъматларни

давлат томонидан тақсимлаш назарда тутилган нормалардир. Масалан, пенсия ҳуқуқини амалга ошириш ижтимоий таъминот органи комиссиясининг айрим фуқарога пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарорини зарур элемент сифатида ўз ичига олади. Давлат ер фондидан ер участкаси ажратиш тегишли давлат органининг алоҳида ҳокимият қарорини талаб қилади. Шу тартибда, яъни алоҳида ҳокимият қарори чиқариш йўли билан фуқаролар ва ташкилотларга фойдаланиш учун давлат мулкига кирувчи ер участкалари ажратилади.

*Иккинчидан*, давлат аппарати доирасида давлат органлари ва мансабдор шахслари ўртасидаги ўзаро алоқалар асосан ҳокимият ва бўйсунуш хусусиятига эга бўлади. Мазкур ҳуқуқий муносабатлар зарурий элемент сифатида ҳокимият қарорларини, яъни ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини (масалан, Президентнинг вазирни лавозимдан олиш тўғрисидаги фармонини) ўз ичига олади.

*Учинчидан*, ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ тўғрисида низо чиққан ҳолларда қўлланилади. Агар тарафлар ўзаро ҳуқуқлари ва мажбуриятлари хусусида бир тўхтамга кела олмасалар, улар низоли ҳал қилишни сўраб ваколатли давлат органига мурожаат этадилар (масалан, ташкилотлар ўртасидаги низоларни хўжалик судлари кўриб чиқади).

*Тўртинчидан*, ҳуқуқни қўллаш содир этилган ҳуқуқбузарлик учун юридик жавобгарлик чорасини аниқлаш, шунингдек тарбиявий, тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш учун зарур бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, **ҳуқуқни қўллаш** — ваколатли органлар ва шахсларнинг юридик иш бўйича юридик фактлар ва муайян ҳуқуқий нормалар асосида алоҳида қарорни тайёрлаш ва қабул қилиш борасидаги ҳокимият мазмунига эга бўлган фаолиятидир.

### **3-§. Ҳуқуқни қўллаш — ҳуқуқни амалга ошириш шакли сифатида**

Ҳуқуқни қўллаш ҳуқуқий тартибга солишнинг ўз аҳамиятига кўра ҳуқуқ ижодкорлигидан кейин иккинчи ўринда турувчи муҳим омилидир. Алоҳида қарорлар юридик нормаларни ҳаётга татбиқ этишни таъ-

минловчи, уларни ўз ҳукми билан мустаҳкамловчи юридик кучга эга ва хулқ-атворнинг қонунийлик мезони бўлиб хизмат қилади.

Хуқуқни қўллаш қуйидаги *белгиларга* эга:

1) давлат ҳокимиятини амалга ошириш ваколати берилган органлар ёки мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади;

2) индивидуал хусусиятга эга бўлади;

3) муайян ҳуқуқий оқибатлар — субъектив ҳуқуқлар, мажбуриятлар, жавобгарликни белгилашга қаратилади;

4) махсус назарда тутилган процессуал шаклларда амалга оширилади;

5) алоҳида юридик қарор чиқариш йўли билан яқунланади.

Хуқуқни қўллаш ҳуқуқни амалга оширишнинг бош *функцияси* — ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида *давлат мажбурловидан* фойдаланган ҳолда юридик таъминлаш фаолиятининг зарурлигини ифодалайди. Хуқуқни қўллаш бўйича махсус фаолиятга бўлган эҳтиёж асосан давлат мажбурловидан фойдаланиш зарурати билан белгиланади. Хуқуқ соҳасида давлат мажбурлови қонунийлик режими шароитида ўз-ўзидан амалга киритилмайди. Хуқуқ нормалари давлат мажбурловини қўллаш имкониятинигина назарда тутаяди. Амалда у ваколатли органлар томонидан қўлланилиши лозим. Бу органлар давлат мажбурлов чораларидан фойдаланишнинг қонунийлиги, ўринлилиги ва мақсадга мувофиқлигини текширишлари, зарур ҳолларда қонунда назарда тутилган доирада уларни муайянлаштиришлари, уларни қўллаш тартибини белгилашлари, яъни *индивидуал-ҳуқуқий тартибга солишни* амалга оширишлари шарт.

Бинобарин, ҳуқуқни қўллаш ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида (қатъий қонунийлик шароитида) давлат мажбурловини амалга оширишнинг бирдан-бир йўли ҳисобланади. Бу ҳуқуқни амалга оширишнинг ҳуқуқни қўллаш амал қиладиган барча шакллари — фойдаланиш, риоя этиш ва бажаришга тааллуқлидир.

Ҳуқуқий тартибга солишни таъминловчи фаолиятни ва шу муносабат билан давлат мажбурловининг қўлланилишини белгиловчи ҳақиқий ҳолатлар қаторига, одатда, қуйидагилар киради: а) субъектив ҳуқуқни амалга оширишга монелик қилувчи ҳолатларнинг мавжудли-

ги, юридик мажбуриятларни бажармаслик; б) юридик жавобгарликка тортишни талаб қилувчи ҳуқуқбузарлик содир этилиши.

Ҳокимиятнинг қонунчилик ва ижро тармоқларига мансуб органлари ёзилган ҳуқуқ нормаларига асосан иш кўришлари лозим. *Ҳуқуқни қўллаш* — ҳуқуқ ижодкорлиги ёки маъмурий органларнинг давлат-ҳокимият ваколатларига асосланган юридик нормаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ҳаракатларидир. Бу ерда ҳуқуқий тизимларнинг ўзига хослигига қараб муҳим хусусиятлар мавжуд бўлса-да (аввало, англосаксон гуруҳига кирувчи умумий прецедент ҳуқуқи тизимлари тўғрисида сўз юритилмоқда), бироқ ҳуқуқни қўлловчи орган ёзилган ҳуқуқнинг давлат томонидан белгиланган ёки қабул қилинган (тасдиқланган) амалдаги юридик нормалари билан иш кўради.

*Ҳуқуқни қўллаш фаолияти* — ҳуқуқни қўллашга доир ҳужжатларда ифодаланган асосий ва ёрдамчи хусусиятга эга ҳар хил ҳуқуқни қўллаш ҳаракатлари тизимидан иборат бўлган ҳуқуқни қўллашнинг ташкилий ифодаси. Бу ерда «юридик ишни ҳал қилиш», «алоҳида давлат-ҳокимият қарори» ва «ҳуқуқни қўллашга доир ҳужжат» тушунчаларининг маъноси ўртасида мавжуд фарқларни ҳисобга олиш лозим. Кўрсатилган тушунчаларнинг *биринчиси* — якунловчи ҳуқуқни қўллаш ҳаракатини қамраб олса, *иккинчиси* — ҳуқуқни қўллаш натижасига ишора қилади, *учинчиси* эса — юридик ишни ҳал қилиш натижасини ифодалайди, яъни юридик ҳужжат ҳисобланади.

Ҳуқуқни қўллаш натижасида ҳуқуқ нормаси талаблари аниқ ҳаётий ҳолатга нисбатан татбиқ этилади.

***Ҳуқуқни қўллаш ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланади:***

*Ҳуқуқ нормаси уни қўллаш ваколатига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади.* Ўзбекистон Ресубликасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ ҳуқуқни қўллаш ваколатини қонун чиқарувчи, ижро ва суд органлари, корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари, турли даражадаги мансабдор шахслар, муайян ҳолатларда жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари амалга ошириши мумкин. Ҳуқуқшуносликка оид адабиётларда эътироф этилганидек, мансабдор бўлмаган шахслар ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан шуғуллана олмайдилар.



*Хукуқни қўллаш давлат фаолиятининг муҳим бир шакли ҳисобланади.* Хукуқни қўллаш ўзининг ижтимоий табиатига кўра, бошқарувнинг бир шакли бўлган — бошқарув фаолиятини ташкил этади. Лекин хукуқни қўллаш умуман бошқарувдан иборат эмас, балки хукуқ нормаларида мустақкамланган умумий қоидаларни ҳаётга қатъий татбиқ этилишини таъминлашга қаратилган махсус характердаги бошқарувдир. Хукуқни қўллаш давлат-ҳокимият фаолияти сифатида ҳар доим давлат номидан амалга оширилади.

*Хукуқни қўллаш ҳар доим қонунларда аниқ белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.* Суд, маъмурий, тергов ва бошқа давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан хукуқни қўллаш фаолиятини амалга оширишнинг қатъий тартиби ўрнатилган. Хукуқни қўлловчи органлар хукуқ нормалари асосида, доирасида ва уларда кўзда тутилган тартибда, хукуқий тартибга солиш жараёнида фаол иштирок этади, хукуқий масалаларни ҳал этади, аниқ вазиятларда мазкур муносабатларни хукуқий тартибга солади<sup>1</sup>.

*Хукуқни қўлловчи давлат органлари ва мансабдор шахслар белгилаб қўйилган муайян принциплар асосида ўз фаолиятларини ташкил этадилар.* Буларнинг энг муҳимлари бўлиб: қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, мақсадга мувофиқлилик, асослантирилганлик принциплари ҳисобланади. *Муайян иш бўйича қарор қабул қилиш ёки уни расмийлаштириш давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг хукуқни қўллаш фаолиятининг якуни бўлиб ҳисобланади.* Хукуқни қўллашнинг мазкур жараёнида алоҳида олинган ҳаётий вазият ёки шахсга нисбатан хукуқни қўллашнинг юридик оқибатлари ишлаб чиқилади ва шакллантирилади<sup>2</sup>.

#### **4-§. Хукуқни қўллаш жараёни ва субъектлари**

Хукуқни қўллаш жараёни муайян кетма-кетликда босқичма-босқич амалга оширилади. Хукуқий адабиётларда хукуқни қўллаш босқичлари тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас. Аксарият адабиётларда хукуқни

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Алексеев С.С. Общая теория государства и права: В 2-х т. Т.1. — М., 1981 С. 326.

<sup>2</sup> Ўша асар. 320-6

қўллашнинг уч босқичи ажратиб кўрсатилади: *биринчиси*, ишнинг фактик томонини аниқлаш; *иккинчиси*, кўрилаётган юридик ишга мос келадиган ҳуқуқ нормасини танлаб олиш; *учинчиси*, ишни мазмуни бўйича ҳал этиш, яъни ҳуқуқни қўллаш актини чиқариш<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, ҳуқуқни қўллашнинг мустақил босқичлари сифатида қуйидагилар эътироф этилади: а) ишнинг ҳолатларини аниқлаш ва тадқиқ этиш; б) ҳуқуқ нормасини қонунийлик, замон, макон ҳамда шахслар бўйича амал қилиши нуқтаи назаридан танлаш ва таҳлил этиш; в) ҳуқуқ нормаси мазмунини таҳлил этиш ва қарор қабул қилиш (якка тартибдаги ҳужжат чиқариш); г) қабул қилинган қарор мазмунини манфаатдор давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахсларга етказиш<sup>2</sup>.

Ҳуқуқни қўллаш босқичларининг сони жиддий аҳамиятга эга эмас. Муҳими, ҳуқуқни қўллашнинг мазмун ва моҳиятини очиб беришдан иборатдир. Ҳуқуқни қўллаш босқичларининг ҳар бири қонунчилик талабларига жавоб берувчи маълум факт ва юридик ҳаракатларнинг содир бўлиши билан боғлиқ.

Ҳуқуқ нормаларини қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқ нормасининг қўлланишини талаб қилувчи ишнинг фактик томонини таҳлил этиш;
- кўрилаётган ишга мос келадиган ҳуқуқ нормасини танлаб олиш, унинг мазмунини аниқлаш ва шарҳлаш;
- ҳуқуқни қўллаш актини чиқариш ва унинг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;
- қўлланиш актининг амалда бажарилишини текшириш ва унинг устидан назорат ўрнатиш.

Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси қонунчилик талаблари асосида ваколатли давлат органлари, мансабдор шахслар ёки жамоат ташкилотлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида олиб борилиш лозим.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Профессорлар Ҳ.Бобоев ва Х.Одилқориевларнинг таҳрири остида. — Т., 2000.

<sup>2</sup> Қ а р а н г: Общая теория государства и права. Академический курс в 2-х томах. Под ред. Проф. М.Н.Марченко. Том 2. Теория права. — М., 2000. С. 319.

Ҳуқуқ нормаларини қўлланиш жараёни қуйидаги босқичлар орқали намоён бўлади:

**Биринчи босқичда** кўрилаётган ишнинг ҳуқуқ нормасини қўлланишни талаб этувчи фактик томонини таҳлил қилишда, аввало, ҳуқуқ нормасини қўллаётган субъект томонидан кўрилаётган ишнинг юридик аҳамиятга эгаллиги, мазкур масалани ҳал этиш жараёнида ҳуқуқ нормалари асосида иш кўришнинг лозимлиги ёки ҳуқуқ нормалари қўлламай бошқа ижтимоий нормалардан фойдаланган ҳолда ҳал этиш мумкинлиги аниқланади. Бунинг учун ҳуқуқни қўлловчи субъектнинг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билиши талаб этилади.

Кўрилаётган ишнинг юридик хусусиятини аниқлаш учун *биринчидан*, масалан, илгари жиноят қонунчилиги томонидан кўрилган, ҳозирги вақтда қонунчиликнинг янги талабларига ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ўзининг жиноийлик аҳамиятини йўқотиб, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик билан чегараланиш мумкинлигини аниқлаш лозим. Шунингдек, ишнинг юридик хусусиятини аниқлаш, мазкур иш ижтимоий нормаларнинг қайси категорияси орқали кўрилганини билишни тақозо этади. Зеро, ҳуқуқ нормаларини қўллаш ҳақида унинг юридик хусусияти аниқланганидан кейингина, кўрилаётган ишга ахлоқ ёки одат нормаларини эмас, балки ҳуқуқ нормаларини қўллаш зарурлиги ҳақида тўхтамга келиш мумкин. Ушбу ҳолатни аниқлаш мақсадида, шунингдек кўрилаётган ишнинг ижтимоий зарари қай даражада эканлиги аниқланиши лозим. Унинг ижтимоий зарари даражаси ва хусусияти орқали жиноятлар, маъмурий ва фуқаролик ҳуқуқларининг бузилиши аниқланади.

Ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг биринчи босқичини малакали олиб бориш кўп жиҳатдан сиёсий ва ҳуқуқий онглилик, қонунларни билиш даражасига, аниқ фактлар ва шароитларни таҳлил қила олиш, масаланинг моҳиятини тушуниш ва уни иккинчи даражали нарсалардан фарқ қила олиш қобилиятига боғлиқ.

Ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг **иккинчи босқичи** — кўрилаётган ишга тегишли бўлган ҳуқуқ нормаларини танлашдир. Агар ишнинг биринчи босқичида кўрилаётган иш юридик хусусиятга эга бўлган ҳуқуқ нормаларини талаб этади, деган хулосага келинадиган бўлса, шу

ишни олиб бораётган шахс, барча ҳуқуқ нормалари орасидан мазкур ишга мос келадиган аниқ ҳуқуқ нормасини танлаб олиши ва кўрилатган ишда уни қўллаши лозим.

Қонунчилик ҳуқуқни қўлловчи субъектнинг айтилишида кўрилатган ишни ҳал қилишида унинг шу пайтда амалда бўлган ҳуқуқ нормалари асосида иш олиб бориши ва айнан шу нормалар асосида қарорга келиши лозимлигини талаб қилади.

Ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг *учинчи босқичи* — танлаб олинган ҳуқуқ нормасининг маъносини аниқлашдир. Унда, авваламбор қонунчиқарувчи органнинг хоҳиши ва фикрини тушуниб олиш, ҳуқуқ нормасининг сиёсий-юридик мазмунини англаш тақозо этилади.

Ҳуқуқ нормасини қўллашга қонунларга қатъий амал қилишни талаб этувчи мураккаб мантиқий жараён деб қараш лозим. Бироқ, ҳуқуқ нормасини қўллашда формал мантиқнинг ролини жуда ҳам ошириб юбориш ярамайди, чунки ҳуқуқнинг ҳаётга самарали суръатда кириб боришини таъминлашдаги асосий усул — ҳуқуқ нормасини қўллашда тўғри ва адолатли иш кўришдир. Бу эса асосан диалектик методни кенг қўллаш, ундан унумли фойдаланиш натижасидагина амалга оширилади.

Умуман, ҳуқуқнинг таъсирчанлигини таъминлаш ва ҳуқуқ нормаларини татбиқ этиш жараёнини тушуниш учун уларни кимлар томонидан қайси вақтда қўллаш мумкинлигини аниқлаб олиш алоҳида аҳамият касб этади. Ҳуқуқ нормаларини амалда қўллаш давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва баъзи фуқароларнинг маълум муносабатларига нисбатан татбиқ қилинади. Шунга кўра муайян ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки тўхтатилиши содир бўлади.

Ҳуқуқ нормалари ўз хусусиятига кўра, фақат давлат органлари ёки шу ишга алоқадор бўлган шахслар томонидангина эмас, балки жамоат ташкилотлари (касаба уюшмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқалар) томонидан ҳам муайян шароитларда қўлланиши мумкин. Ҳуқуқ нормаларини қўллаш жараёнида айрим фуқаролар ҳам фаол иштирок этишлари керак. Демократик жамиятда қонунларни ҳаётга татбиқ этишда давлат органлари билан бир қаторда жамоат ташкилотларининг роли ҳам кун сайин ўсиб бормоқда. Маса-

лан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ўз иш фаолиятларида давлат органларидан мустақил ҳолда зиммаларига юклатилган функцияларни бажариш мақсадида ҳуқуқни қўллашга оид турли хил вазифаларни амалга оширмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг жамоат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жуда катта ваколатлар берилди. Жамоатчилик йўли билан таъсир кўрсатиш — жамоат ташкилотлари ва жамоанинг таъсири бўлиб, у халқнинг бирдамлигига, шахсий ўрнатилган кўрсатиш, обрў-эътибор ва ишонтириш кучига асосланади.

Ҳуқуқнинг жамоат ташкилотлари томонидан қўлланилишида жамоатчиликнинг бу ишга фаолроқ жалб этилиши ва яқиндан иштирок этиши ҳамда ҳуқуқий таъсир чоралари билан жамоат таъсири чораларининг бирлигини кўриш мумкин. Халқ вакиллари билан ташкилот топган жамоа кенг халқ оммаси билан кўпроқ боғланган бўлади, у ижтимоий онглилик ва ташаббусга кўпроқ таянади, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини яхшироқ ҳисобга олади. Демократик давлат шароитида жамоат ташкилотларининг давлат органлари топшириғига биноан ҳуқуқий нормаларни татбиқ этишдаги иштирокини кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ нормаларини татбиқ этишдаги мавқеи давлат органлари таъсир кучининг аҳамиятини пасайтирмайди, аксинча янада оширади.

Ҳуқуқ нормалари асосан давлат органларининг махсус қарори, фаолияти орқали татбиқ этилади. Ҳуқуқий норма диспозициясидаги ҳуқуқ ва бурчларни белгилаш, санкцияда назарда тутилган юридик жавобгарликни қўллаш бевосита ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Давлат ҳуқуқий нормани татбиқ этар экан, ижтимоий ҳаётни тартибга солиш, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ташкилий асосларини ўрнатиш мақсадида муайян масалаларни ҳал этишни тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари қўлида мужассамлаштиради.

**Ҳуқуқни татбиқ этиш** — давлат фаолиятининг шакллари билан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий нормани татбиқ этиш чоғида ҳар қандай ваколатли давлат органи давлатнинг номидан ҳаракат қилади. Ҳуқуқий

нормаларнинг тўғри татбиқ этилиши давлат томонидан назорат қилинади. Бир қатор ҳуқуқий муносабатлар давлат, унинг органларининг бевосита иштироки билан белгиланади (масалан, ҳарбий хизматга чақириш, орден билан тақдирлаш, давлат аппаратидаги у ёки бу мансабга тайинлаш ва ҳоказо). Давлатнинг ҳуқуқий нормаларни татбиқ этиш фаолияти ҳуқуқий мазмунга эга. Жамиятда ҳуқуқий нормаларни татбиқ этиш халқнинг манфаатларидан келиб чиқади ва қатъий қонунга мувофиқ равишда амалга оширилади.

Қонунчилик ҳуқуқий нормани татбиқ этиш жараёнига бир қанча талабларни қўяди, яъни ҳуқуқий нормани мўлжалланган объектив ҳолатлар бўлган тақдирдагина татбиқ этиш ва унга асос қилиб олинаётган фактлар объектив аниқланган бўлиши лозим.

Қонунийлик муҳити ҳукмрон бўлган шароитда ҳар бир инсоннинг агар у қонунларни бузмаса, фуқаролик ҳуқуқлари қўриқланади ва ҳеч қандай орган, ҳеч бир шахс томонидан тажовузга дучор бўлмайди. Шундай қилиб, ҳуқуқий нормаларни қўллаш субъектлари ваколатли давлат органлари, мансабдор шахслар ва жамоат ташкилотларидир.

## 5-§. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг натижаси бўлиб ҳисобланади. *Ҳуқуқни қўллаш ҳужжати* — давлат ҳокимиятини амалга ошириш юзасидан чиқариладиган якка тартибдаги муайян ҳужжат бўлиб, ваколатли субъект томонидан аниқ ҳуқуқий масалани мазмунан ҳал этиш юзасидан чиқарилади. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш механизмида тутган ўрни, зарурияти ҳамда фойдалилиги нуқтаи назаридан мустақил қийматга эга. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари кадр-қимматининг юқорилиги яна шу билан белгиланадигани, улар орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қаторда ижтимоий мақсадларни амалга оширишга эришилади.

*Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари қуйидаги бир қатор хусусиятларга эга:*

1) улар ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан чи-

қарилади. Бундан эса ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг давлат-ҳокимият хусусиятига эга эканлиги келиб чиқади;

2) бу ҳужжатлар қатъий индивидуаллашган бўлиб, улар аниқ шахслар ва ҳодисаларга қаратилган бўлади;

3) бу ҳужжатларнинг бажарилиши давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади;

4) ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари бир марта қўлланилади, шу билан у ўз кучини йўқотади.

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларида, улар судлов, маъмурий ёки бошқа давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан қабул қилинишидан қатъи назар, ҳар доим давлатнинг обрўси ва кучи намоён бўлади. Шунинг учун мазкур ҳужжатларда назарда тутилган кўрсатмаларни бажаришдан бош тортиш, уларни бузиш тегишли тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: а) мазкур ҳужжатлар қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида қабул қилинган бўлса, уларга аниқ мос келиши; б) ҳуқуқни қўлловчи орган ёки мансабдор шахснинг ваколати доирасида қабул қилиниши; в) чуқур ва ҳар томонлама асослантирилган бўлиши; г) ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларига расмий тус берувчи барча зарур реквизитларга (ҳужжатнинг номи, қабул қилиниш жойи ва вақти, мазкур ҳужжатни қабул қилган орган номи, тегишли муҳр, имзонинг мавжудлиги ва ҳоказо) эга бўлиши<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий адабиётларда ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари ҳуқуқнинг манбаи бўла олмаслиги қайд этилади. Сабаби, мазкур ҳужжатлар ўзларида умумий юриш-туриш қоидаларини эмас, балки алоҳида ҳаётий ҳолатга тааллуқли кўрсатмани мужассамлантиради. Ҳуқуқ назариясида ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини таснифлаш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини бир неча мезонлар асосида таснифлаш мумкин. Улар ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш шакли; уларни қабул қилган субъектлари; аҳамияти ва ҳоказоларга асосан гуруҳларга бўлинади.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Общая теория государства и права. С. 320—321.

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир этиш шаклига кўра иккига бўлинади: *ижро этувчи* ва *ҳуқуқни муҳофаза этувчи*.

Ижро этувчи ҳужжатлар ҳуқуқ нормасида мустақкамланган кўрсатмаларни алоҳида шахс ёки вазиятга нисбатан ижро этишни ташкиллаштиришга қаратилган. Масалан, мутахассислиги ва малакаси талабга жавоб берадиган шахсни ишга қабул қилиш тўғрисидаги, ўз вазифасини сидқидилдан ижро этган ходимни рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ ва ҳоказо.

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи ҳужжатлар амалдаги ҳуқуқ нормаларини турли хил тажовузлар ёки бузилишлардан сақлашга хизмат қилади. Улар, одатда, ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш ёки содир этилган ҳуқуқбузарлик юзасидан чиқарилади. Бундай ҳужжатларга судлов, тергов, прокуратура, солиқ, божхона органларининг ҳужжатлари мисол бўла олади.

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини қабул қилувчи субъектларга кўра, мазкур ҳужжатлар: қонунчилик ҳокимияти органлари ҳужжатлари; ижро ҳокимияти органлари ҳужжатлари; судлов органлари ҳужжатлари; ўзини ўзи бошқариш органлари ҳужжатлари; жамоат ташкилотлари ҳужжатлари; корхона, муассаса ва ташкилотлар маъмурияти томонидан чиқариладиган ҳужжатларга бўлинади. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг ифода этилиши шаклига кўра: расмий, тавсия характеридаги ва кўрсатма (резолуция) ҳужжатлари каби турлари мавжуд.

## **6-§. Қонун аналогияси ва ҳуқуқ аналогияси**

Жамиятнинг жўшқин ривожланиши, унда қонун чиқарувчи идора томонидан кўзда тутилмаган ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши, уларга нисбатан ҳуқуқни қўллаш эҳтиёжи билан ҳуқуқ яратувчилик фаолияти ўртасидаги фарқ ҳуқуқдаги бўшлиқни ташкил этади. Ҳуқуқдаги бўшлиқ, одатда, ҳуқуқни қўллаш жараёнида аниқланади. Ҳуқуқни қўлловчи орган муайян ишни ҳал этиш чоғида ҳар доим ҳам ушбу муносабатни тартибга солиб турувчи хулқ-атвор қонундасини топа олмаслиги мумкин. Ушбу ҳолат қуйидагича изоҳланиши мумкин: 1) қонун чиқарувчи идора (барча ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти субъект-



ларининг) онгли равишда тартибга солиш масаласини очиқ қолдирганлиги; 2) амалдаги ҳуқуқ тизимида бўшлиқ (ҳуқуқий ҳал этилмаган жиҳат) мавжудлиги<sup>1</sup>.

Қонун яратувчи идоранинг ушбу ҳолатларни тартибга солишни эътибордан четда қолдиргани вужудга келган ҳаётий масалалар ҳуқуқий аҳамиятга эга эмаслигини билдиради. Бундай ҳолатлар юзасидан ҳуқуқни қўллашни тақозо этувчи иш қўзғатиш мумкин эмас, қўзғатилган ишлар бўйича эса уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан кам аҳамиятлилигини инобатга олиб тегишли қарор чиқарилади.

**Ҳуқуқдаги бўшлиқ** деганда, амалдаги ҳуқуқнинг мазмуни ва у томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар хусусиятига кўра муайян ҳаётий ҳолатни тартибга солиш учун зарур бўлган аниқ норманинг йўқлиги тушунилади. Ҳуқуқдаги бўшлиқ фақат ҳуқуқ ижодкорлиги ваколатига эга бўлган орган томонидан бартараф этилиши мумкин.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнида ҳуқуқдаги бўшлиқни бартараф этиш учун махсус ҳуқуқни қўлловчи воситалар (усуллар) — **қонун аналогияси (ўхшашлиги)** ва **ҳуқуқ аналогияси (ўхшашлиги)** дан фойдаланилади.

**Қонун аналогияси** — ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган муносабатларга нисбатан шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи қонун нормасини қўллашдир. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 5-моддасида фуқаролик қонун нормаларини ўхшашлик бўйича қўллаш қоидалари мустақкамланган. Унга кўра, ушбу Кодекс 2-моддасининг биринчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган муносабатлар қонун ҳужжатлари ёки тарафларнинг келишуви билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаган ҳолларда фуқаролик қонунчилиқ ҳужжатларининг ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи нормаси қўлланилади (қонун ўхшашлиги).

Ҳуқуқни қўллаш жараёнида қонун ўхшашлигидан фойдаланишда тегишли муносабатларни ҳуқуқий квалификация қилишда шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солиб турувчи нормани, энг аввало, кўриб чиқиладиган муносабат қайси ҳуқуқ соҳасига тааллуқли бўлса, ўшандан

<sup>1</sup> Нерсесянц В.С. Общая теория права и государства. Учебник для юридических вузов и факультетов. — М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА. М, 1999. С. 490.

қидириш лозим. Мазкур соҳада топилмаган тақдирда — қонунчиликнинг яқин тармоқларини ва бутун қонунчилик тизимидан топиш керак бўлади.

Ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик нормаси бўлмаган пайтда, яъни қонун ўхшашлигидан фойдаланиши мумкин бўлмаганда, ҳуқуқ аналогияси (ўхшашлиги) ишлатилади.

**Ҳуқуқ аналогияси** — амалдаги қонунчилик нормалари билан тартибга солинмаган муносабатларга нисбатан ҳуқуқнинг умумий асослари, тамойиллари ва мазмунини қўллашдир. Ҳуқуқнинг умумий асослари, тамойиллари ва мазмуни деганда, умумҳуқуқий ва тармоқ ҳамда ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳуқуқий принциплари назарда тутилади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 5-моддаси 2-қисмида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида қонун ўхшашлигидан фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолларда, тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари фуқаролик қонунчилик ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмуни (ҳуқуқ ўхшашлиги)га ҳамда ҳалоллик, оқиллик ва адолат талабларига амал қилган ҳолда белгиланади.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнида қонун аналогияси ва ҳуқуқ аналогиясидан фойдаланишнинг битта муҳим хусусияти мавжуд: қонун ўхшашлиги ва ҳуқуқ ўхшашлиги жиноий-ҳуқуқий жазо ва маъмурий-ҳуқуқий жазо қўллашда ишлатилмайди. Ҳуқуқни қўлловчи идора учун ҳаётий муносабатларни тартибга солиб турувчи жиноий-ҳуқуқий ёки маъмурий-ҳуқуқий қонуннинг йўқлиги, ҳуқуқдаги бўшлиқни эмас, балки қонун чиқарувчи идоранинг ушбу ҳолатларни ҳуқуқий тартибга солишдан бош тортганлиги, уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан кам аҳамиятли эканлигини билдиради.

Қонун чиқарувчи идора эса, ҳуқуқий қонуннинг йўқлигини аниқлагандан сўнг, ушбу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдан бош тортиши ёки бундай қонуннинг мавжуд эмаслигини ҳуқуқдаги бўшлиқ деб ҳисоблаб, тегишли нормани қабул қилиш йўли билан бўшлиқни тўлдириши мумкин. Ҳуқуқни қўлловчи орган бундай ҳолда фақат қабул қилинган ҳуқуқий қонунда асосланиши лозим ҳамда ҳуқуқ ва қонун ўхшашлигини қўллаши мумкин эмас. Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ва жавобгарлик белгилайдиган нормаларни аналогия бўйича қўлланишга йўл қўйилмайди.

## XVIII Б О Б ХУКУҚ НОРМАЛАРИНИ ШАРҲЛАШ

### 1-§. Хукуқ нормаларини шарҳлаш тушунчаси ва моҳияти

Хукуқни шарҳлаш юриспруденцияда алоҳида аҳамият касб этади. Шарҳлаш фақат юридик фанларга тегишли бўлмай, балки ёзма манбалар билан ишлайдиган барча ижтимоий фанларда ҳам қўлланилади. Шарҳлашнинг тарих, адабиётшунослик ва бошқа ижтимоий фанларда билиш ва талқин қилиш усули сифатида тутган ўрни беқиёсдир.

«*Шарҳлаш*» — лотинча «interpretation» иборасидан олинган бўлиб, уни кенг ва тор маънода талқин этиш мумкин. Шарҳлашни кенг маънода тушунишда, табиий ёки ижтимоий ҳодисаларни тушунтиришга қаратилган ҳар қандай билиш жараёни назарда тутилади. Тор маънода эса — сўзлар, иборалар, формула ва рамзларни, яъни табиий ёки сунъий тил белгиларини аниқлаштиришни англатади. Ижтимоий фанларда «*шарҳлаш*» атамаси — «талқин қилиш», «изоҳлаш», «тушунтириш» каби сўзларнинг синоними тарзида қўлланилади.

Хукуқни шарҳлаш тушунчаси адабиётларда турлича талқин этилади. Баъзи бир муаллифлар, хукуқни шарҳлаш деганда — фақат хукуқ нормаси мазмунини аниқлаб олишни тушунсалар, бошқалар эса, хукуқий норма мазмунини тушунтиришни шарҳлаш деб ҳисоблайдилар. Учинчи ёндашув тарафдорларининг фикрича, хукуқни шарҳлаш — хукуқ мазмунини ҳам аниқлаш, ҳам тушунтириб беришдан иборат. Хукуқни шарҳлаш тушунчасини идрок этишда дастлабки икки ёндашувда бир томонламаликка йўл қўйилади. Аслида, *шарҳлаш* — хукуқ мазмунини аниқлаш ва уни тушунтириб беришдан иборат мураккаб ижодий жараён бўлиб, ҳар икки жиҳатнинг ягоналигида намоён бўлади.

Хукуқни шарҳлашнинг икки жиҳати қуйидагилардан иборат:

1. *Хукуқнинг маъносини аниқлаш ва тушуниш*, яъни шахснинг хукуқ нормасини англаш ва ўрганиш жараёнидир. Бунда шахс хукуқ ҳақидаги дастлабки тасаввурга эга бўлади, у ҳақидаги мавжуд маълумотларни ўзлаштиради.

2. *Ҳуқуқ нормасининг мазмунини тушунтириб бериш* — ваколатли давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мужассамланган давлат иродасини ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа иштирокчиларига баён этиш ва тушунтиришга қаратилган махсус фаолиятидир.

«Шарҳлаш — тушунтириш» фаолияти шарҳловчи шахс «ўзи учун» ҳуқуқ мазмунини аниқлаб олганидан сўнггина амалга оширилиши мумкин. Тушунтириш, *биринчидан* изоҳлашнинг ақлий жараёни сифатида, *иккинчидан*, ҳужжатни (қарор, йўриқнома ва ҳ.к.) таҳлил этиш кўринишида намоён бўлади. Тушунтиришнинг мақсади — шарҳланаётган нормаларнинг мазмунини ёритиш, ҳуқуқ талабларини аниқлантириш йўли билан уларнинг мазмунини оғзаки ёки ёзма талқин этишдан иборат.

Тушунтиришнинг ташқи кўринишидан қатъи назар, у ҳуқуқий нормаларни мазмунига кўра муҳокама қилиш ва баҳолашни ўз ичига олади. Бу муҳокама ва баҳолашлар шарҳланаётган нормаларнинг мазмунига кўшимча аниқликлар киритишнинг асосий усулидир. Юрист — амалиётчилар давлат органлари томонидан чиқарилган шарҳлаш ҳужжатларидан тез-тез фойдаланадилар. Ваколатли органлар томонидан чиқариладиган бу турдаги тушунтиришлардан фойдаланиш ҳуқуқий нормаларни тўғри қўллашнинг шарти ҳисобланади.

Шундай қилиб, *ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш* деганда, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари ва алоҳида фуқароларнинг ҳуқуқ нормалари мазмунини аниқлашга, уларда ифодаланган давлат ҳокимияти иродаси мазмунини тушунтириб беришга қаратилган махсус фаолияти тушунилади.

Шарҳлаш энг умумий ва мавҳум табиатга эга бўлган ҳуқуқ нормаларини, жамиятда вужудга келувчи алоҳида муносабатларга татбиқ этиш эҳтиёжи туфайли юзага келади. Проф. С.С. Алексеевнинг фикрича, қонун чиқарувчи идора норматив кўрсатмаларни шакллантирар экан, келажакка, ижтимоий ҳаётда вужудга келиши эҳтимол тутилдиган ўзгаришларни назарда тутаяди. Шундай қилиб, ҳуқуқ нормаларини, айниқса, юксак норматив умумлашганлик даражаси билан ажралиб турувчи нормаларни амалга оширишда, уларни айрим олинган

алоҳида ҳодисага нисбатан қўллашда бу нормаларни шарҳлаш зарурати юзага келади. Ҳуқуқни шарҳлаш натижасида унинг мазмуни, ижтимоий вазифаси, амалий аҳамияти аниқланади, англаб етилади ва тушунтириб берилади.

*Шарҳлашнинг мақсади* қонун чиқарувчи идоранинг ҳуқуқ нормасида мужассамлашган иродасини, ушбу норма билан боғлиқ деб ҳисоблаган тасаввурлар ва тушунчаларни ифодалашдан иборат. *Шарҳлашнинг асосий вазифаси* қонун чиқарувчи идора қонунчилик ҳужжатида баён этган қонуннинг мазмунини очиб беришдир. Ҳуқуқнинг мазмунини аниқлаш шарҳлашнинг махсус усул ва йўллари қўллаш орқали амалга оширилади. Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнидаги сўз ва ибораларни грамматик, мантиқий ва юридик жиҳатдан талқин этиш шарҳловчи субъектдан ижодий ва илмий ёндашувни талаб қилади. Ҳуқуқни шарҳлашнинг амалий аҳамияти кўпроқ суд, прокуратура, ички ишлар органлари каби ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан шуғулланувчи давлат идоралари учун муҳимроқдир, зеро, улар кундалик фаолиятида ҳуқуққа оид масалалар билан бевосита шуғулланади ҳамда ҳуқуқ нормаларини тўғри татбиқ этилиши учун масъулдирлар.

Яқин ўтмишда фақат мазмуни мавҳум бўлган қонунлар шарҳланиши керак деб ҳисобланиб, янги қонунларни шарҳлаш тақиқлаб қўйилган. Академик В.С. Нерсисянцнинг фикрича, агар шарҳловчи субъект томонидан шарҳлаш ёрдамида янги қоида ўрнатилмаса, у ўзгартирилмаса ёки бекор этилмаса шарҳлашни чеклаб қўйиш керак эмас. Ҳуқуқнинг мазмуни қонун сифатида расмийлаштиришдан олдин тушуниб олиниши; худди шунингдек алоҳида ҳуқуқ нормасининг мазмуни, у татбиқ этилишидан олдин аниқланиши шарт<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Проблемы общей теории права и государства. Учебник для вузов. Под общ. ред. члена-корр. РАН, доктора юрид. наук, проф. В.С.Нерсисянца. — М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА. М, 1999. С. 444.

## 2-§. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш усуллари

Ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш ўрганилаётган ҳодиса тўғрисида объектив ва илмий асосланган хулоса чиқаришга кўмаклашадиган, ҳаёт синовидан ўтган усуллар орқали амалга оширилади. Ҳуқуқни шарҳлаш усуллари орқали шарҳловчи субъект ҳуқуқ нормаси ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилади ва у ҳақида батафсил маълумотлар тўплайди, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларига етказди. Ҳуқуқни шарҳлаш усуллари яхши билиш ҳуқуқ нормаларининг мазмунини тўғри аниқлаш ва тушунтиришга ҳамда ушбу нормаларни келажакда татбиқ этишга хизмат қилади.

**Шарҳлаш усуллари** — шарҳловчи субъект томонидан ҳуқуқий қоидалар мазмунини аниқлантириш мақсадида, билишнинг илмий тафаккурга асосланган махсус йўллари дир.

Юридик адабиётларда шарҳлашга икки хилда: *статик ва динамик* ёндашув фарқланади: *статик ёндашувда* шарҳловчи субъект ҳуқуқнинг барқарорлигини сақлашга ҳаракат қилади; *динамик ёндашувда* шарҳловчи ҳуқуқнинг мазмунини ёритишда уни кўпроқ ҳаётий воқеликка яқинлаштиришга интилади.

Ҳуқуқни шарҳлаш усуллари бир-бирини тўлдирди ва қўллаб-қувватлайди. Агар ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш усуллари биргаликда фойдаланилса, ҳуқуқ нормаларини татбиқ этиш жараёнида ижобий натижалар беради. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш бир қатор махсус усуллар ёрдамида амалга оширилади. Ҳуқуқни шарҳлаш усуллари орқали ҳуқуқий нормаларнинг турлари ва уларнинг мазмунини, ҳуқуқ нормасини ифодалаш тили ва ҳуқуқ нормасини ҳуқуқ тизимида тутган ўрнини тушуниб олиш мумкин.

Ҳуқуқ нормаларининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини аниқлаш учун шарҳловчи субъектлар қуйидагиларни:

- ҳуқуқ нормасининг ўзини;
- унинг ҳуқуқий алоқаларини — ҳуқуқ нормасининг бошқа юридик қоидалар ва принциплар билан ўзаро алоқаларини;
- унинг ижтимоий воқелик билан бўлган бошқа алоқаларини тадқиқ этади.

Ҳуқуқшунослик фанида ҳуқуқни шарҳлашнинг қуйидаги усуллари фарқланади: *грамматик (филологик) шарҳлаш; тизимли (системали) шарҳлаш; тарихий-сиёсий шарҳлаш; мантиқий шарҳлаш; телеологик шарҳлаш; махсус юридик шарҳлаш.*

**Грамматик шарҳлаш** («тил бўйича», «филологик» каби иборалар билан ҳам ифодаланади) ҳужжат матнини морфологик ва синтактик тузилишини аниқлашга қаратилган махсус усулдир. Ушбу усул ёрдамида айрим сўзлар ва атамалар, бутун гаплар, гаплар гуруҳининг грамматик маъноси аниқлаштирилади. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатда қўлланилган от, сифат, сон каби гап бўлаклари, келишиқ қўшимчалари, феълларнинг шахси ва турлари; ишлатилган боғловчилар, тиниш белгилари ва шу кабиларнинг аҳамияти ўрганилади.

Грамматик шарҳлашда норматив ҳужжатдаги ҳар бир сўз ўрганилади, сўзнинг асосий аҳамияти, маъноси, грамматик шакли аниқланади. Қонунчиликда ишлатиладиган махсус атамаларни тадқиқ қилиш ҳуқуқ нормаларини шарҳлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Айрим сўзлар ва атамаларнинг маъноси аниқланганидан сўнг норма орқали ифода этилган гаплар маъноси, уларнинг умумий грамматик, этимологик ва луғавий тузилиши ўрганилади. Грамматик шарҳлаш натижасида ҳуқуқий норманинг матнида ифодаланган мазмуни аниқланади.

*Грамматик шарҳлашда қуйидагиларга эътибор берилади:*

— «шарҳлашнинг олтин қоидаси» — қонуннинг бирор-бир моддасини шарҳлаш жараёнида ҳамма учун тушунарли бўлган, адабий тилдан фойдаланиш лозим;

— қонун чиқарувчи идора қонуннинг матнида адабий тил меъёрларидан четга чиққан бўлса, шарҳлаш жараёнида ҳам худди шундай изоҳлаш лозим;

— ҳуқуқ нормасини шарҳлашда бир соҳага тааллуқли иборани иккинчи бир тааллуқли бўлмаган соҳада ишлатиш тақиқланади;

— агар қонун матнидаги ибора мазмуни аниқ ифодаланмаган бўлса, уни шарҳлашда ҳуқуқшунослик фани ва амалиётида кенг қўлланилаётган сўзлардан фойдаланиш лозим;

— агар қонун бирор-бир иборани турли маънода тушунишга «руҳсат» бермаса, уни ҳар хил талқин этиш мумкин эмас;

— турли ибораларни асоссиз равишда бир маънода қўллаш тақиқланади;

— қонуннинг бирор-бир сўзини ортиқча ибора сифатида талқин қилишга йўл қўймаслик керак<sup>1</sup>.

**Ҳуқуқий нормани тизимли (системали) шарҳлаш** — ҳуқуқий норманинг мазмуни бошқа нормалар билан ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликда, мазкур ҳуқуқий норманинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат, ҳуқуқ институти, ҳуқуқ тармоғида тутган ўрни ва аҳамияти аниқланади. Тизимли шарҳлаш ёрдамида нормалар ва ҳужжатлар ўртасидаги зиддиятлар (коллизиялар) аниқланади ва бартараф этилади.

Тизимли шарҳлаш усулида шарҳловчи субъект томонидан, *биринчидан*, ҳуқуқ нормасининг ҳуқуқ тизимидаги ўрни аниқланади (ҳуқуқ соҳаси, институти), *иккинчидан*, шарҳланаётган ҳуқуқ нормаси билан, мазкур норма татбиқ этилиши назарда тутилаётган аниқ ҳаётий муносабат ўртасида мантиқий боғлиқлик борлиги аниқланади, *учинчидан* эса шарҳланаётган норманинг мазмунини билишга эришилади.

Тизимли шарҳлаш расман бекор қилинмаган, бироқ амалда бошқалари билан алмаштирилганлиги сабабли аҳамиятсиз, фойдаланилмай қолган нормаларни ҳам аниқлаш имконини беради. Нормаларнинг ўзи мансуб бўлган ҳуқуқ тармоғининг умумий қисми билан алоқалари, тизимли шарҳлаш вақтида ҳисобга олиш зарур бўлган ҳолатлардан биридир. Бундай алоқани кўриб чиқиш, талқин қилинаётган норманинг маъносини ҳар томондан аниқлаштириш ва кенгроқ очиш, унинг умумий йўналтирилганлигини англашга имкон беради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 615-моддасида ижара шартномасини бекор қилиш тартиби мустақамланган. Шартномани бекор қилишнинг асослари Фуқаролик кодексининг 382-моддасида ҳам белгиланган. Ижара шартномаси бекор қилиниши чоғида ушбу моддалар бир-бири билан солиштирилиб, ижара шартномасини бекор қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 615-моддаси билан ҳал этилади.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Общая теория государства и права. Академический курс в 2-х томах. Под ред. проф. М.Н. Марченко. Том 2. Теория права. — М.: «Серцало», 1998. С. 328—329.



*Бунинг учун қуйидаги махсус қоидалардан фойдаланилади:*

*биринчидан*, умумий ва махсус нормаларнинг алоқадорлиги (махсус қонунлар муайян фактга тегишли умумий қонун ҳаракатларини бекор қилади, яъни махсус қонун нормалари мавжуд бўлган тақдирда, умумий қонун нормалари қўлланилмасдан, махсус қонун нормалари қўлланилади. Демак, махсус нормалар умумий нормаларнинг ҳаракат фаолиятини чеклайди);

*иккинчидан*, ҳавола этувчи моддаларнинг алоқадорлиги (ҳавола этувчи моддалар шарҳланаётган моддаларни аниқлаштириш учун мўлжалланган ёки мазкур норманинг моҳиятини ёритиш учун ҳавола этилаётган моддаларга мурожаат қилинади);

*учинчидан*, агар турли органлар томонидан чиқарилган ҳуқуқий нормаларнинг қарама-қаршилиги аниқланса, юқори турувчи органлар томонидан қабул қилинган нормага асосланиш лозим;

*тўртинчидан*, агар бир хил юридик кучга эга бўлган икки норманинг бир-бирига зидлиги аниқланса, у ҳолда норма қабул қилинган вақт эътиборга олинади ва кейинги қабул қилинган нормага асосланиши лозим.

**Тарихий-сиёсий шарҳлаш** усулида қонун чиқарувчи идора белгилаган ҳар бир норманинг мақсади ва маъносини аниқроқ тушуниб олиш учун, шарҳланаётган норма қабул қилинаётган пайтда юзага келган ижтимоий-сиёсий шароит инобатга олинади.

Тарихий-сиёсий усулда шарҳлашда татбиқ этилаётган ҳуқуқий норманинг мазмуни қандай тарихий шароитда, давлатнинг қайси органи томонидан, қандай мақсадда қабул қилинганлиги аниқланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган таҳририда 89-модданинг мазмуни қуйидагича эди: «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро ҳокимият бошлиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти айтилган вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади». Ушбу қоида Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, ўтиш даврида мамлакатда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашда мустаҳкам замин бўлди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, ҳокимиятлар тақсимланиши принципини янада чуқурлаштириш, олий ҳокимият органлари тизимида рўй берган муҳим ўзгаришлар тўғрисида маъмурий қоида тадрижий равишда ўзгариб борди. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)» конституциявий қонуни билан Конституциянинг 89-моддасига қуйидагича тузатишлар киритилди: «Ўзбекистон Республикасининг Президенти *давлат бошлиғидир (таъкид муаллифники)* ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди».

Шарҳланаётган норманинг тарихий келиб чиқиш шартлари, яъни ҳуқуқий норма маъносининг қабул қилиниши тарихига мурожаат қилиш орқали уни ҳуқуқий тартибга солиш тизимига киритишдан кўзланган мақсад аниқланади. Шарҳлашнинг тарихий-сиёсий усулида норматив ҳужжатнинг матни билан бирга тарихий ҳужжатлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасининг муҳокама қилиниши ва қабул қилиниши билан боғлиқ материаллар, бундай ҳужжатлар чиқарилиши вақтидаги урф-одатлар, юридик амалиётнинг илмий шарҳлари ва бошқа шу каби қўшимча манбалардан фойдаланилади. Шарҳловчи субъект ҳаёлан ҳуқуқий норманинг ҳаётга кириб келишига сабаб бўлган тарихий шароитларга қайтиб, ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муҳитни ўрганиб чиқади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари учун тарихий-сиёсий шарҳлаш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, шу фаолият давлат манфаатлари билан, уларни ҳимоя қилиш билан узвий боғлиқ. Шунинг учун қонун чиқарувчи идоранинг сиёсий мақсадини тушуниш, унинг тарихини билиш ишнинг сифатли ва муайян мақсадга қаратилган бўлишига ёрдам беради. Шарҳлашнинг тарихий-сиёсий усули, масалан, маъмурий, фуқаролик ёки интизомий ҳуқуқбузарлик чегарасида бўлган жиноий ишларни текширишда катта аҳамият касб этади. Терговчи ҳуқуқбузарликнинг таркибини таҳлил қилиб ва ҳуқуқий сиё-

сатнинг замонавий талабларини ҳисобга олиб, иш бўйича қонунлар доирасида мақсадга мувофиқ қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлади. Шу билан у ҳуқуқий норманинг мақсадга эришишини таъминлайди.

**Мантиқий шарҳлаш** — тафаккур жараёни бўлиб, ҳуқуқни талқин этаётган шахс шарҳлашнинг бошқа усуллариغا мурожаат этмасдан фақат мантиқ усуллари ёрдамида ҳуқуқ нормасини изоҳлаш усулидир. Бунда ҳуқуқий норманинг матнидаги ифодалар, тушунчалар бир-бири билан ички мутаносиблиги ва мантиқий жиҳатдан узвий боғланганлигига эътибор берилиб, ҳуқуқий норманинг мазмуни аниқланади. Мантиқий усул ҳуқуқий ҳолатларни билишда формал ва диалектик мантиқ воситаларидан фойдаланишни тақозо этади. Бунда шарҳлашнинг объекти норматив-ҳуқуқий ҳужжат ички қисмларининг ўзаро алоқадорлиги ҳисобланади. Мантиқий шарҳлашнинг *мақсади* ҳуқуқ нормаларининг мазмунини мантиқ қонуниятлари ва принципларига таянган ҳолда тушунтиришдан иборат бўлади.

Мазкур шарҳлаш усули ёрдамида ҳуқуқ нормасининг мазмуни мантиқий жиҳатдан қайта шакллантирилади, тушунчаси мантиқий таҳлил қилинади. Уларнинг ҳажми, белгилари ва алоқалари аниқланади. Ҳуқуқий қоида ҳаётий ҳолатга яқинлаштирилади, шунингдек, ўхшаш ва қарама-қарши жиҳатлар ўрганиб чиқилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 30-моддасида «спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяётган фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан фуқаролик-процессуал қонунда белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши мумкин»лиги белгиланган. Мазкур қоида талабига кўра, спиртли ичимликлар ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиб, ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяётган фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан чекланмаса, у мантиқан муомала лаёқатига эга, деб ҳисобланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **телеологик (мақсадли) шарҳлаш** уларни чиқаришдан кўзланган бевосита, яқин келажакдаги, пировардаги мақсадларни белгилашга қаратилган бўлади.

Телеология, яъни мақсадга мувофиқлик ва ҳаётдаги мақсадлар тўғри-

сидаги таълимотга мувофиқ, ҳуқуқ ва унинг айрим таркибий қисмлари тизимли ҳодиса сифатида аниқ мақсадга йўналтирилгандир.

*Телеологик шарҳлаш* қонун қандай мақсадни кўзлаганлиги билан боғлиқ ҳолда унинг маъносини аниқлашдир. Норма ва уни амалга оширишнинг объектив оқибатлари билан алоқаси телеологик шарҳлашни мустақил усул сифатида ажратиб кўрсатиш учун асос бўлади. Телеологик шарҳлаш жараёнида турли кўшимча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, биринчи навбатда, расман талқин қилинган ҳужжатларга ҳам мурожаат қилиниши мумкин. Ҳуқуқнинг барча субъектлари телеологик шарҳлаш субъектлари бўлиши мумкин. Ҳуқуқ субъектларининг ижтимоий-ҳуқуқий онги ҳуқуқ нормасини унинг мақсади бўйича шарҳлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Телеологик шарҳлашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, барча билимлар ва улардан фойдаланиш усуллари норманинг бевосита мазмунидан (мақсадидан) четга чиқиш билан боғлиқ бўлади. Мазкур усулда билиш воситаси сифатида мантиқ қонунларидан, тизимли объектлар тўғрисидаги фан қонунларидан, махсус юридик билимдан, тарих ва шу кабилардан фойдаланилади.

*Махсус юридик шарҳлашда* махсус атамалар, қонунчиликда қўлланилган юридик техника воситалари ва қонун чиқарувчи идоранинг хоҳиш-иродасини ифодалаш усуллари таҳлил қилинади. Қонун чиқарувчи идоранинг ҳуқуқ нормаларида акс эттириладиган хоҳиш-иродаси нафақат умумий истеъмолдаги сўзлар орқали, балки махсус юридик атамалар ёрдамида ҳам ифода этилади. Бунда турли техник-юридик воситалар ва усуллардан фойдаланилади, ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳар хил усуллари қўлланилади. Шарҳловчи шахс ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини, юридик конструкцияни, тартибга солиш усули ва бошқа шу кабиларни ҳисобга олиши керак.

Юқорида зикр этилган шарҳлашнинг усуллари ҳуқуқий норманинг мазмунини тўлақонли ёритишга катта ёрдам беради.

### 3-§. Ҳуқуқни шарҳлашнинг турлари

Ҳуқуқни шарҳлашнинг турлари тўғрисидаги масала ҳуқуқни тушунтириш фаолиятининг натижалари ва шарҳлаш ҳужжатларининг юридик табиатига оид масалалар жумласига киради. Ҳуқуқий нормалар мазмунини тушунтиришнинг муайян натижалари шарҳланаётган ҳужжатлар ҳисобланади. Уларнинг амалиёт учун юридик аҳамияти шарҳлаш субъектларининг ваколатларидан келиб чиқади. Ҳуқуқий нормаларни шарҳлашда шарҳловчи субъектларнинг роли катта.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш ваколатига эга бўлган субъектлар қуйидагилардан иборат: давлат ҳокимияти вакиллик органлари, давлат бошқаруви органлари, суд органлари, прокуратура ва бошқа органлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар. Мазкур субъектлар ҳуқуқий нормаларни шарҳлаганда уларнинг мазмунини тўғри тушуниб, ҳуқуқий нормаларни ҳаётга татбиқ этади.

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш уни амалга оширадиган субъектига қараб икки турга бўлинади:

*расмий шарҳлаш;*

*норасмий шарҳлаш.*

**Расмий шарҳлаш** — қонун билан шарҳлаш ваколоти берилган давлат органлари томонидан амалга ошириладиган шарҳлаш бўлиб, у ҳамма учун умуммажбурий аҳамият касб этади. Шарҳланаётган ҳуқуқ нормаларининг умуммажбурийлиги шарҳлаётган субъектнинг ҳолатига, ҳуқуқий мақомига боғлиқ бўлади.

Юриспруденцияда расмий шарҳлаш шартли равишда *норматив (умумий) ва казуал* турларга бўлинади.

**Норматив шарҳлаш** умумий характерга эга бўлиб, унинг натижалари ҳуқуқни қўллашда мажбурий аҳамиятга эга. Норматив шарҳлаш янги ҳуқуқий нормаларни яратмайди, балки ҳаракатдаги ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини тушунтиради. Бундай шарҳлаш натижалари ҳуқуқни татбиқ этиш жараёнида умумий қоида сифатида қабул қилинади, чекланмаган миқдорда ҳаётда вужудга келувчи ижтимоий муносабатларга қўлланади ҳамда ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг кенг дои-

расига тааллуқли бўлади. Норматив шарҳлаш таркибида **аутентик (муаллифлик)** ва **легал (рухсат берилган)** шарҳлаш фарқланади.

**Аутентик шарҳлаш** норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган томонидан шарҳлаш (масалан: қабул қилинган қонунга парламент томонидан берилган шарҳ). Аутентик — ҳақиқийликни, дастлабки манбаларга асосланганликни назарда тутди. Юридик адабиётларда аутентик шарҳ муаллифлик шарҳи ҳам деб аталади. Ўзбекистон Республикасида аутентик шарҳлаш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, унинг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат кўмиталари, халқ депутатлари вилоятлар, туман ва шаҳар Кенгашлари, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича берилган.

Ҳуқуқий амалиётда норматив шарҳлашнинг алоҳида тури ҳисобланган **легал (рухсат берилган)** шарҳлаш ҳам мавжуд. Легал шарҳлаш қонун билан бундай ваколат рухсат этилган орган томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 3-қисмига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди Конституция ва қонун нормаларига шарҳ берадиган ягона органдир. Бу шарҳлаш легал норматив бўлиб, барча давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

**Казуал шарҳлаш** умуммажбурий характер касб этмайдиган, балки ҳуқуқий нормани аниқ ҳодиса, ҳаётий ҳолатга қўллаш учун кўзланган расмий талқин этишдир. **Казус** — ҳодиса, ҳаётий факт. Казуал шарҳлаш суд ва бошқа ваколатли органлар томонидан кўриляётган ва ҳал қилинаётган аниқ ишлар бўйича тегишли нормага берилади ва фақат шу иш учун мажбурийдир.

Суд органлари ҳар бир фуқаролик, жиноий, маъмурий ва бошқа ишларни кўраётганда тегишли ҳуқуқий нормалар билан бу ишларни кўриб, ҳал қилиш чоғида ҳуқуқий нормаларни казуал шарҳлайди. Суднинг ҳар бир фуқаролик иши бўйича чиқарган қарори ёки жиноий ишлар бўйича чиқарган ҳукми ҳуқуқий нормани казуал (казус) шарҳлаш асосида амалга оширилади.

Ҳуқуқий нормаларни субъектга кўра шарҳлашнинг иккинчи тури *норасмий шарҳлашдир*. **Норасмий шарҳлаш** — ҳуқуқ мазмунини шундай шарҳлашни назарда тутадик, бунда шарҳлаш махсус ваколат берилмаган органлар ёки шахслар томонидан амалга оширилади, шарҳлаш натижалари мажбурий аҳамият касб этмайди, юридик оқибатларга сабаб бўлмайди. Норасмий шарҳлашнинг аҳамияти, унинг ишонарлилиги, илмий асосланганлиги ҳамда ушбу фаолиятни амалга ошираётган шахсларнинг шахсий обрў-эътиборига боғлиқдир. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳлар, Жиноят кодексига шарҳлар, Фуқаролик кодексига шарҳлар шулар жумласидандир.

Норасмий шарҳлашнинг *оддий*, *касбий* ва *доктринал* каби турлари мавжуд.

**Оддий шарҳлаш** ҳуқуқий фаолият соҳасида мутахассис бўлмаган фуқаролар кундалик ҳаётда юзага келадиган ҳуқуққа оид ҳодиса ва ҳаракатларга нисбатан ўзларининг субъектив фикрини билдириши ҳамда ўзининг ҳуқуқий билими даражасида ҳуқуққа оид масаланинг мазмунини аниқлашдир.

**Касбий шарҳлаш** деганда, кундалик амалиётда хизмат фаолияти нуқтаи-назаридан доимий равишда шуғулланадиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг мавжуд ҳуқуқ нормаларини мазмун ва моҳиятини ёритишга қаратилган фикри ва мулоҳазалари тушунилади. Касбий шарҳлаш билан асосан судья, прокурор, терговчи, адвокат, нотариус ва бошқа юридик касб вакиллари шуғулланиши мумкин.

**Доктринал шарҳлаш** деганда, кундалик фаолиятида бевосита ҳуқуқдаги муаммоларга дуч келувчи ва уларни бартараф этиш билан шуғулланувчи мутахассис, юрист-олимларни мавжуд ҳуқуқ нормаларининг моҳиятини ёритиб беришга йўналтирилган изоҳлари тушунилади. Татбиқ этилаётган нормаларни *илмий (доктринал) шарҳлаш* илмий ходимлар, олимлар, мутахассислар томонидан монографиялар, дарсликлар, маърузалар ва илмий мақолаларда амалга оширилиши мумкин. Бундай шарҳлар илмий характерга эга бўлиб, мажбурий (норматив) аҳамият касб этмайди.

Ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш мақсади қонун чиқарувчи идора назарда тутган ҳуқуқий меъёрнинг маъносини айнан аниқлашдан иборат.

рат. Қонун чиқарувчи идора ўз иродасини тил воситаларида ифодалайди. Шунинг учун унинг сўзлар ёрдамида ифодаланган иродаси ҳар доим ҳам унинг ҳақиқий мазмуни билан мос келмаслиги мумкин. Ҳуқуқ нормаси маъносининг бир хиллиги ва тўла аниқлиги шарҳлашнинг натижаси ҳисобланади. Шунга кўра, шарҳлашнинг ҳажмига кўра турлари фарқланади.

**Ҳажмига кўра шарҳлаш** — қонун чиқарувчи идора ҳуқуқий нормага жо этган ҳақиқий маънони англаш мақсадини назарда тутати. Шарҳлашнинг натижасига кўра *том маънода (айнан)*, *чекланган ва кенгайтирилган шарҳлаш* каби турлари фарқланади.

**Ҳуқуқни том маънода шарҳлаш** деганда, татбиқ этилаётган ҳуқуқ яратувчи идоранинг иродаси билан унинг ҳуқуқий нормада сўзда ифодаланган иродаси бир бўлганда қўлланадиган изоҳлаш тушунилади. Том маънода шарҳлаш фанда «айнан» шарҳлаш ҳам деб аталади. Бунга мисол қилиб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддасини кўрсатиш мумкин. Унда шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганлигидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир». Шунингдек, ҳуқуқий нормаларни сўзнинг том маъносида шарҳлашга мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасини келтириш мумкин. Унда «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолат»лаши мустаҳкамланган.

**Чекланган шарҳлаш** ҳуқуқий норманинг сўзда ифодаланган ва расмийлаштирилган маъноси унинг мантиқий маъноси ва мазмунидан кенг бўлган ҳолларда қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга» эканликлари мустаҳкамланган. Қонун чиқарувчи идора «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари» ибораси билан фақат вояга етган, муомала лаёқатига эга шахсларни назарда тутати. Ўз-ўзидан маълумки вояга етмаган, руҳий касал шахслар бундай ҳуқуқдан фойдалана олмайдилар.



**Кенгайтирилган шарҳлаш** қонун нормаси матнининг мазмуни унинг мантиқий маъносидан тор бўлганда қўлланилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида «Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар», дейилган. Бунда қўлланилган «судья» иборасининг ҳақиқий маъноси кенг тушунилади. Қонун чиқарувчи идора «судья» ибораси орқали фақат судьяларни эмас, шу билан бирга халқ маслаҳатчиларини ҳам мустақилигини ва фақат қонунга бўйсунишини назарда тутган.

Шундай қилиб, ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш, ҳуқуқ яратувчи органнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мужассамланган иродасининг ҳақиқий ифодаси билан ҳуқуқий норманинг сўзда ифодаланган маъносини аниқлаш ва тушунтириш орқали, ҳуқуқнинг тўлиқ татбиқ этилишига кўмаклашади. Аҳолининг ҳуқуқий нормалар мазмунини тегран англашга, уларга қатъий амал қилишга, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданиятнинг юқори савияда бўлишига олиб келади.

## XIX Б О Б

### ҲОЗИРГИ ДУНЁ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ

#### 1-§. Дунёнинг ҳуқуқий харитаси: асосий тушунчалар

Дунёвий ҳуқуқий тизимларни илмий мушоҳада қилиш ва талқин этиш масаласи бугунги кунда олимлар эътиборини ўзига жалб қилаётган долзарб мавзу ҳисобланади. Ҳозирги дунё ҳуқуқий харитаси жамият тараққиётининг мазкур босқичида мавжуд ва фаолият кўрсатаётган кўплаб миллий ҳуқуқий тизимларнинг йиғиндисидан иборат. Унинг муҳим жиҳати шундаки, ушбу ҳуқуқий тузилмалар турлича ривожланиш даражасида бўлса-да, улар ўртасида ўзаро алоқадорлик, ўзаро таъсир муносабатлари мавжуддир. Ушбу ўзаро алоқадорлик ва таъсир этиш даражаси турлича бўлишига асосий сабаб энг камида иккита: *биринчиси* — алоҳида миллий ҳуқуқий тизимлар бир қатор ўзаро умумий хусусият, белги ва ўхшашликларга эга; *иккинчиси* — ҳар бири аниқ миллий ҳуқуқий тизим бўлиб, аксинча, қолган бошқа ҳуқуқий тизимларга нисбатан устуворлик қилувчи хусусиятларга, ўзига хос белгиларга эга ҳолатда намоён бўлади.

Қиёсий ҳуқуқшунослик бўйича мутахассис М. Богдан шундай дейди: «ҳозирги дунёда мавжуд юзлаб ҳуқуқий тизимлар устувор ўхшаш белгиларга эга. Бу ўхшашликлар, одатда, *айнан бир* ёки «ўзаро жуда яқин жамият типлари билан», *умумий* ёхуд «жамият тараққиётининг жуда яқин (ўхшаш) тарихий шарт-шароитлари билан», *умумий* ё «жуда ўхшаш динлар билан», шунингдек бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар билан белгиланади»<sup>1</sup>. Ўхшаш белгилар миллий ҳуқуқий тизимларни интеграциялашга асос бўлади. Фарқли хусусиятлар эса уларни алоҳида, мустақил тизим сифатида талқин этиш имконини беради.

Жаҳон ҳуқуқий тизимларини тавсифлашда «тизим» тушунчаси марказий категория ҳисобланади. «Тизим», («система») тушунчаси аввал таъкидланганидек, «қисмлардан ташкил топган мажмуа» деган маънони англатади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Bogdan M. Comparative Law. Kluwer, 1994. P. 82; Проблемы теории государства и права. Учебное пособие. — М., 1999. С. 375.*

<sup>2</sup> Фалсафа: Қомусий луғат // Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. — Т., 2004. 398-б.

Фалсафий қомусий луғатда: «тизим, система (қисмлардан иборат бутун) — ўзаро муносабат ва алоқада бўлган, муайян яхлитликни ҳосил қилувчи кўп қисмлар (элементлар) мажмуи», — деб таъриф берилган<sup>1</sup>. Яна шу манбада қуйидаги изоҳларни учратиш мумкин. «Система» — яхлит бир бутунлик сифатида ташкил топган объектни ифодаловчи ижтимоий-фалсафий категория. Одатда, системани энг умумий тарзда элементлар ўртасидаги ўзаро алоқалар бирлиги сифатида таърифлайдилар. «Система» тушунчаси ўз маъносига кўра «алоқа», «элемент», «бутун», «бирлик», «структура» (элементлар ўртасидаги алоқалар схемаси) тушунчалари билан боғлиқ. Ушбу ўринда системали тадқиқ этишнинг асосий вазифалари: система элементлари, алоқалари ва структурасини, элементлар ўртасидаги боғлиқликни ажратишдир. Системанинг моҳиятини методологик тушунишга кўра системалилик объект ва ҳодисаларнинг ўз хоссаси деб эмас, балки фаолиятнинг аниқ бир мақсадга йўналтирилиши, тафаккурни ташкил этиш сифатида таърифланади<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, система атроф-муҳитдан, ижтимоий ҳаётдан ажралиб олинган ўзаро ички муносабат ва алоқалар асосида бирлашган бир қанча элементлар ва улар таркибий тузилмаларининг яхлит бир бутунлигидир<sup>3</sup>.

Юридик адабиётда ер юзасида мавжуд миллий ҳуқуқий тизимларни умумий тарзда ифодалаш учун «*дунёнинг ҳуқуқий харитаси*», «*дунёнинг юридик географияси*», «*ҳуқуқий тизимларнинг ҳамжамияти*» (уюшмаси) деган иборалар қўлланилади. Мазкур категориялар турли-туман йўналишдаги миллий ҳуқуқий тизимларнинг миқдор жиҳатдан катта қисмини ўз қамровига олиши — масаланинг бир томони. Уларнинг бунданда муҳим иккинчи томони шундаки, бу терминлар ижтимоий ва тарихий нотекис шаклланган ҳамда турлича ривожланиш босқичида бўлган ҳуқуқий тизимларни бир синхрон туркумга бирлаштириб ўрганиш имконини беради. Шу нарсага эътибор қаратиш жоизки, тур-

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 370-б.

<sup>3</sup> Қ а р а н г: *Одилқориев Х.Х.* Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик тизими. — Т., 2008. 16 — 17-б.

ли мамлакатларнинг ҳуқуқий тизими, айниқса, қонунчилиги турфа тилларда, турли юридик техника қоидалари асосида ва маънавияти, эътиқоди, таркибий тузилиши ҳар хил бўлган жамиятлар учун яратилади<sup>1</sup>. Булар уларни дифференциялашга, фарқлашга асос бўлувчи жиҳатлардир.

Афсуски, «ҳуқуқий тизим» категориясини таҳлил этганда баъзан олимлар «ҳуқуқ тизими» нинг тор доирасида фикр юритадилар. Аммо, ҳуқуқ тизими ўз таркибига ҳуқуқ соҳалари, ҳуқуқ институтлари, ҳуқуқ нормаларини қамраб олгани ҳолда ҳуқуқий тизимнинг биргина элементини ташкил этади. Маълумки, фақат ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндиси ҳуқуқий тизимни тўла акс эттира олмайди. Ҳуқуқий тизим «ҳуқуқ тизими» га нисбатан анча кенг, серқирра, мураккаб ижтимоий ҳодисадир.

Чехиялик олим, академик Имре Сабонинг талқинига кўра, «ҳуқуқий тизим тушунчаси муайян ҳуқуқ тилига тегишли бўлган алоҳида тизимларни ифодалашга хизмат қилади», бунда гап «ҳуқуқ нормаларининг оддий йиғиндиси эмас, балки мантиқий жиҳатдан тузилган ягона ҳуқуқий тизим тўғрисида боради»<sup>2</sup>. У «ҳуқуқий тизим» тушунчасини «ҳуқуқ тизими» категорияси билан аралаштириб юборишдан огоҳлантиради. М. Н. Марченко ҳам И. Сабо каби ҳуқуқий тизим категориясини ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизимидан фарқлайди. Ҳуқуқий тизим фақат ҳуқуқий нормалар йиғиндиси бўлмай, балки ўз ичига ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий сиёсат, ҳуқуқий маданият, юридик амалиёт каби бошқа ҳуқуқий ҳодисаларни қамраб олади. Рус олими Т. В. Кухарукнинг фикрича, «жамият ҳуқуқий тизими» шундай илмий категориялар сирасига кирадик, унинг фанда вужудга келишини фақат ижтимоий тараққиёт, жамият ҳуқуқий ҳаётида рўй бераётган ўзаро алоқадорлик, ҳуқуқий борлиқда тизимли хусусиятнинг мавжудлиги билан тушунтириш мумкин эмас. У воқеа ва ҳодисаларга фалсафий тизимлилик нуқтаи назаридан ёндашиш маҳсулидир.

<sup>1</sup> Қ а р а н г. Давид Р., Жоффри-Спинози К. Основные правовые системы современности. — М., 1996. С.18.

<sup>2</sup> Сабо Имре. Социалистическое право. — М., 1964. С. 128.

Миллий ҳуқуқий тизимни англашда «*ҳуқуқ тизими*», «*ҳуқуқий тизим*» тушунчаларидан ташқари «*ҳуқуқ оиласи*» категориясининг маъносини билиб олиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги фикрлардан маълум бўлишича, *ҳуқуқ тизими* ҳуқуқнинг ички таркибий тузилишидир. Улар: ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқ институти ва ҳуқуқ соҳаси (тармоғи) - ни ўз ичига олади. *Ҳуқуқий тизим* нафақат ҳуқуқ нормаларининг йиғиндиси, балки уларни ҳаракатга келтирувчи, ўзаро боғлиқ ҳуқуқий ҳодисалар ёки воситалар ҳамда уларнинг бир бутун организм сифатида ҳаракатдаги кўринишидир. Ҳуқуқий тизим таркибига ҳуқуқ нормалари билан бир қаторда, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни ва ҳуқуқни қўллаш жараёни, юридик мазмундаги барча ҳодисалар кирази.

«Ҳуқуқий тизим» тушунчаси кенг маънода «ҳуқуқнинг тарихий типини» тушунчасига ўхшаш тушунча сифатида қўлланилади. Бу тушунчаларнинг иккинчиси бир ижтимоий-иқтисодий формациядаги ҳуқуқий тизимларнинг барчасини қамраб олади ва, энг муҳими, шу тизимларга ҳам хослигини ифодалайди. Бироқ, «ҳуқуқнинг тарихий типини» тушунчаси ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларининг барча кўринишларини қамраб ололмайди<sup>1</sup>.

Турли-туман миллий ҳуқуқий тизимларнинг умумий ва ўхшаш белгиларининг мавжудлиги уларни гуруҳлаштириш, таснифлаш, алоҳида ҳуқуқий умумлашмаларга, ҳуқуқий оилаларга бириктириш имконини беради. Қиёсий ҳуқуқшунослик ҳуқуқий тизимларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини аниқлашдан ташқари, уларни турли типлар, гуруҳлар ва ҳуқуқ оилалари бўйича таснифлаш имконини беради. Миллий ҳуқуқий тизимларни турли жиҳатлари бўйича қиёслаш мумкин. Бундай жиҳатлар қаторида ҳуқуқнинг структураси (таркибий тузилиши), ҳуқуқнинг манбалари, ҳуқуқнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни, муайян ҳуқуқий тизим доирасида шаклланган юридик техника, ҳуқуқий тизимнинг принциплари ва бошқалар қабул қилиниши мумкин<sup>2</sup>. Қиёсий ҳуқуқшуносликда ва махсус юридик адабиётларда шаклланган таърифга биноан, *ҳуқуқий оила* деганда, турли хусусият ва

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Таджиханов У., Саидов А.* Ҳуқуқий маданият назарияси. Дарслик. / Масъул муҳаррир академик Ш.З. Ўразаев. 1-том. — Т., 1998. 80-б.

<sup>2</sup> *Общая теория государства и права. Академический курс. Т. 2.* — М., 1998. С. 99.

белгиларнинг умумийлиги асосида ажралувчи ҳамда фарқланувчи миллий ҳуқуқий тизимларнинг йиғиндиси тушунилади<sup>1</sup>. Халқаро ҳуқуқ фанида ҳам «миллий ҳуқуқий тизим» ибораси кенг қўлланилади. Бунда бир мамлакат миқёсида шаклланган ва амал қиладиган ҳуқуқий тизим назарда тутилади. Ҳар бир мамлакатда давлат тузилиши, давлат бошқарув шакл ва давлат органлари мажмуи турлича ва уларнинг ҳуқуқий мустақамланиши (расмийлашуви) ўзига хос бўлади. Шунга кўра, мамлакат ижтимоий-сиёсий воқелигига мос миллий ҳуқуқий тизим қарор топиши табиий. Аммо, тарихан ўзаро яқин ривож топган қатор жамиятларда (мамлакатларда) шаклан ўхшаш ва мазмунан яқин ҳуқуқий институтлар, ҳуқуқий анъана, қадрият ва нормалар қарор топади. Худди ана шу ҳуқуқий институтлар, воқеликлар ва нормалар турли миллий ҳуқуқий тизимларнинг бир ҳуқуқий оилага уюшишига асос бўлади.

Бундан ташқари, мамлакатда истиқомат қиляётган халқнинг менталитети, миллатнинг ўзига хос хусусиятлари, қадриятлари, урф-одати ва анъаналари ҳам ҳуқуқий тизимни шакллантиришга, унинг мазмунига таъсир ўтказди.

Демак, «**ҳуқуқ оиласи**» ҳуқуқ тизими ва ҳуқуқий тизимга нисбатан кенг маъноли тушунча бўлиб, уларни ўз таркибига қамраб олади. Ҳуқуқ оиласи баъзан юридик адабиётларда ҳуқуқий тизим тушунчаси билан айнанлаштирилади<sup>2</sup>. Қиёсий ҳуқуқшунослик билан шуғулланувчи олимлар томонидан «ҳуқуқ оиласи» атамаси турлича талқин этилади. Жумладан, Р. Давид «ҳуқуқий тизимлар оиласи», К.-О. Эберт ва М. Рейнстайн «ҳуқуқий доиралар», И. Сабо «ҳуқуқий тизимлар шакли», С. С. Алексеев «тузилмавий умумийлик», деб атайдилар.

Ҳуқуқ оиласи ҳуқуқий тизимларнинг пайдо бўлиши, ривожланишига асос бўлувчи, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган, тарихан шакланган, бир неча миллий ҳуқуқий тизимларнинг бирлигини ифодаловчи дунё ҳуқуқий воқелигининг энг катта таркибий қисмидир. Бир қатор ҳуқуқий тизимларга хос бўлган умумий хусусиятни белгилаб

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Синюков В.Н.* Российская правовая система. Введение в общую теорию. — Саратов, 1994. С. 166.

<sup>2</sup> Қ а р а н г: *Давид Р.* Основные правовые системы современности. — М., 1988.

олиш, уларни ҳуқуқ оилаларига ажратиш имконини беради. «Ҳуқуқ оиласи» категорияси юридик белгилари ўхшаш бўлган ҳуқуқий тизимлар гуруҳини ифодалашга хизмат қилади. Бу тушунча ўзаро ўхшаш юридик белгиларга эга бўлган ҳуқуқ тизимларининг нисбий бирлигини англатиш учун хизмат қилади ва айтиб ўтилган тизимларнинг муайян тарихий ривожланиш хусусиятларини, яъни тузилиши, ҳуқуқ манбалари, етакчи ҳуқуқ институтлари ва соҳалари, ҳуқуқий маданияти, анъанаси кабиларни акс эттиради. У «ҳуқуқнинг тарихий типи» тушунчасига нисбатан иккиламчи, ёрдамчи ҳисобланади, ҳуқуқ шаклининг нисбатан мустақиллигини, ҳуқуқнинг техник-юридик мазмунини, ўзига хослигини акс эттиради.

Шундай қилиб, ҳуқуқ оиласи деганда, бир ҳуқуқ чегарасида тарихий шаклланишининг ўхшашлиги асосида бирлашган миллий ҳуқуқ тизимларининг озми кўпми кенг мажмуи, ҳуқуқий манбалар тузилиши, етакчи ҳуқуқ соҳалари ва ҳуқуқ институтлари, ҳуқуқни қўллаш, юридик фаннинг умумий жиҳатлари тушунилади. Таҳлилларга ҳулоса ясаб, ҳуқуқий тушунчаларни «объект доираси» (ҳажми) ёки тартибга солиш жараёни бўйича тартиблаштиради, **дунё ҳуқуқий харитаси**: ҳуқуқ оиласи, ҳуқуқий тизимлар ва ҳуқуқ тизими каби иерархик кўринишга эга бўлади.

## 2-§. Дунё ҳуқуқий тизимларининг таснифланиши

Ҳозирги замонда икки юздан ортиқ мамлакатларда алоҳида миллий ҳуқуқий тизимлар амал қилмоқда. *Бир томондан*, барча ҳуқуқий тизимлар ўзаро ўхшаш жиҳатларга эга; *иккинчи томондан*, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги боис миллий ҳуқуқий тизимлар бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бир давлатда яшовчи халқларнинг ўз урф-одатлари, анъаналари, ўзига хос қонунчилик ҳужжатлари, юрисдикцион органлари, ҳуқуқий мафкураси, ҳуқуқий онги (менталитети) ва ҳуқуқий маданияти мавжуд. Мамлакатнинг ҳуқуқий жиҳатдан алоҳидалиги, унинг ўзига хослиги тегишли жамиятнинг алоҳида ҳуқуқий тизимга (ҳуқуқий онг, ҳуқуқий нормалар, анъаналар, муносабатлар ва муассасаларга) эга бўлишини тақозо этади. Бироқ

ҳозирги дунёда турли-туман миллий ҳуқуқий тизимлар бўлишига қарамай, уларни бир неча ҳуқуқий оилаларга бирлаштиришга (тақсимлашга), гуруҳлаштиришга имкон берувчи умумий жиҳатлар, ўхшаш белгилар мавжуд.

Мазкур умумий белги ва хусусиятлар ҳуқуқий тизимларни алоҳида ҳуқуқий гуруҳларга, ҳуқуқий оилаларга таснифлаш имконини беради. Таснифлаш усули деярли барча фанлар томонидан қўлланилади, масалан, лингвистикада — роман, славян, инглиз, туркий тил гуруҳлари; диншуносликда — ислом, насронийлик, буддизм, иудаизм ва ҳоказо; табиий фанларда (ҳайвонот ва жонзотлар борасида) — ўтхўрлар ва судралиб юрувчилар; қуруқликда яшовчилар ва сувда яшовчилар каби таснифлар учрайди. Ҳуқуқшунослик фанида таснифлаш орқали биз ҳуқуқий тизимларнинг айрим жузъий жиҳатларига берилмаган ҳолда уларнинг муҳим хусусиятларига кўра, ҳуқуқий оилаларга ажратиб моҳият-белгиларини тадқиқ этиш мақсадига эришамиз. Ушбу таснифлашга фалсафий ёндашиладиган бўлса, бунда *ҳуқуқий оила* — *умумийлик*, *ҳуқуқий гуруҳ* — *алоҳидалик* ва *миллий ҳуқуқий тизим* — *хусусийлик* ҳодисасини акс эттиради.

Ҳозирги дунё ҳуқуқий тизимларининг таркибий тузилиши жиҳатидан мураккаб бўлган ҳуқуқий оила, ҳуқуқий гуруҳ ва алоҳида миллий ҳуқуқий тизимлар тарзида таснифлаш илмий афзаллик ва мақбулликка эга. Бунда ҳуқуқий оиланинг таркибида янада аниқроқ таснифлаш ўтказиб, уни алоҳида ҳуқуқий гуруҳларга, ҳуқуқий тузилмаларга ажратиш мумкин. Масалан, роман-герман ҳуқуқий оиласи таркибида француз ҳуқуқи гуруҳини ва герман ҳуқуқи гуруҳини ажратиш мумкин; умумий ҳуқуқ оиласида — инглиз ҳуқуқи гуруҳини ва америка ҳуқуқи гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Турли мамлакатлардаги ҳуқуқий тизимларни таснифлашнинг бир қанча мезонлари мавжуд:

*Вужудга келиш ва ривожланиш генезисининг умумийлиги.* Ушбу тизимлар тарихан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, умумий давлат — ҳуқуқий илдиздан ўсиб чиққан (улар қадимги давлатлардан ўсиб чиққан ва ягона ҳуқуқий ибтидо, ҳуқуқий принциплар ва мезон-нормаларга таянади).



*Ҳуқуқий нормаларнинг мустаҳкамланиш ва ифодаланиш шакли (манбалари) нинг умумийлиги.* Гап ҳуқуқни ифодаланишнинг ташқи кўриниши ҳақида бормоқда. Бунда ҳуқуқ нормалари қандай ўрнатилади, қайси манбаларда ифодаланади (қонундами, суд қарори ёки шартномадами?), уларнинг роли ва аҳамияти, нисбати кабилар аниқланади.

*Структурасининг (таркибий тузилишининг) ягоналиги, ўхшашлиги.* Дунёнинг бир ҳуқуқий оиласига кирувчи ҳуқуқий тизимлар норматив-ҳуқуқий материални жойлаштиришнинг (шакллантиришнинг) ўхшаш структурасига эга. Бу ўхшашлик, одатда, *биринчидан*, бу микро даражада, яъни ҳуқуқий норманинг таркибий тузилиши даражасида, *иккинчидан*, макро даражада — норматив материал йирик тузилмалари (ҳуқуқ тармоғи, субтармоғи, қонунчиликнинг комплекс тузилмалари) нинг таркибий тузилиши (структураси) даражасида кўринади.

*Ижтимоий муносабатларни тартибга солиш принципларининг умумийлиги.* Бу принциплар баъзи давлатларда субъектларнинг эркинлиги, тенглиги ғояларида, одил судловнинг объективлигида ифодаланса, бошқа давлатларда диний асосларда намоён бўлади, учинчи мамлакатларда — миллий социалистик ғояларда ифодаланади.

*Юридик категория ва тушунчаларнинг, терминлар ва юридик техника қоидаларининг ягоналиги, ҳуқуқ нормаларини тизимлаштиришнинг бирлиги.* Ҳуқуқий жиҳатдан «қариндош», турдош бўлган мамлакатлар, одатда, ўз аҳамияти ва маъноси бўйича ўхшаш ибораларни, тушунчаларни ишлатадилар. Бу ҳол уларнинг келиб чиқиши умумийлиги билан боғлиқ<sup>1</sup>. Шу сабабли, бир ҳуқуқий тизимга (ҳуқуқий оиллага) кирувчи давлатларнинг қонун чиқарувчи органлари ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнини яратишда бир хил юридик конструкциялардан, норматив материални шакллантириш усулидан, уларни тартибга солиш ва тизимлаштиришнинг ўхшаш услубларидан фойдаланадилар.

Ҳозирги замонда фаолият юритаётган асосий ҳуқуқий тизимларни таснифлашда ҳуқуқшунос тафаккур юритиб, унча кўп бўлмаган ҳуқуқий тизимлар таҳлили билан чекланиши лозим. Чунки, кимки таснифлаш

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Теория государства и права / Под ред. В.М. Корельского и В.Д. Перевалова. — М., 1997. С. 509 — 510.

чоғида сайёрамиздаги барча ҳуқуқий тизимларни қамраб олишга интилса, у жуда катта эмпирик материал уммонига фарқ бўлиб кетади. Бугунгача мавжуд бирон-бир халқаро энциклопедияда дунёдаги барча ҳуқуқий тизимлар рўйхати тўла акс эттирилмаган.

Ҳуқуқий тизимлар таҳлили билан шуғулланадиган ҳуқуқшунос, энг аввало, тарихан таркиб топган асосий (шажарани бошлаб берувчи) ҳуқуқий тизимни аниқлаб олиши, сўнгра унинг географик ёйилишини, яъни рецепция қилинганлигини кузатиши (ўрганиши) лозим. Агар дунё ҳуқуқий харитасига эътибор билан разм солинса, давлатларнинг учдан икки қисми икки асосий ҳуқуқ тизимига (ҳуқуқий оилага): роман-герман ва инглиз ҳуқуқий тизимларига дахлдор ҳисобланади.

Таснифлаш мезони сифатида қуйидаги асослар олинади: *биринчидан*, ҳуқуқий тизимнинг географик жиҳатдан қанчалик кенг ёки тор ёйилганлиги, *иккинчидан*, ҳуқуқий тизимнинг тарихий илдиzlари ва ривожланиш йўллари; *учинчидан*, тизим таркибидаги юридик институтлар ва ҳуқуқий тармоқлар ҳисобга олинади. Ушбу мезонлардан фойдаланишда маданий, этник, миллий, географик, диний, ҳуқуқий-техникавий, ҳуқуқий-услубий ва ҳоказо омиллар ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Ҳуқуқий тизимларни таснифлашнинг мазмуни бунинг учун танлаб олинadиган мезонга боғлиқ бўлади. Бундай мезонлар яна формал — юридик, маърифий (цивилизацияли), маънавий, маданий-тарихий, ижтимоий-сиёсий (формациявий) бўлиши мумкин. Бу мезонларнинг турли комбинацияларда қўлланилиши замонавий қиёсий ҳуқуқшуносликда таснифлашнинг ўзига хос жиҳатидир. Чунки, битта мезон дунёнинг юридик харитаси ҳақида муфассал билим ҳосил қилиши мушкул. Масалан, ҳозирги Хитойнинг ҳуқуқий тизими *формал-юридик мезонга* кўра, роман-герман ҳуқуқий оиласига тааллуқли бўлса, *маърифий ва маънавий мезонга* мувофиқ — анъанавий (одат ҳуқуқи тизимига) тизимга, *ижтимоий-сиёсий мезонга* биноан — социалистик ҳуқуқий оилага мансубдир. Баъзи мамлакатларнинг ҳуқуқий тизими ўз тарихий ривожланиш хусусиятларига кўра ҳеч бир ҳуқуқий оилага мос келмайди. Масалан, Шотландиянинг ҳуқуқий тизими умумий (англо-саксон)

ҳуқуқ билан континентал (роман-герман) ҳуқуқ тизимларининг уйғунлашган кўриниши сифатида майдонга чиқади. Шунингдек, англо-саксон ва роман-герман тизимларининг уйғунлашган кўриниши АҚШ нинг Луизиана штати, Канаданинг Квебек провинциясида кузатилади. Ҳозирги Исроилнинг ҳуқуқий тизими уч ҳуқуқий оиланинг, яъни мусулмон, роман-герман ва англо-саксон ҳуқуқ оилаларининг таъсирида шаклланган<sup>1</sup>. Таҳлил жараёнида таъкидланган мезонлар ва омилларга таяниб ҳуқуқий тизимлар таснифланадиган бўлса, уларни икки асосий йўналишга ажратиш мумкин. Табиийки, мазкур йўналишлардан ҳар бири муайян ўзига хос хусусиятларга эга бўлган бир қанча турларга бўлинади.

*Биринчи йўналиш* француз олими Р. Давиднинг асарларида ўз аксини топган. Унинг уч томлик асарида учта (роман-герман, англо-саксон, социалистик) «ҳуқуқ оилалари» ажратиб кўрсатилади ва уларга дунё харитасининг бешдан тўрт қисмини ўз ичига оладиган ҳамда «диний ва анъанавий тизимлар» деб номланган бутун юридик дунё туташади<sup>2</sup>. Р. Давиднинг таснифи машҳур бўлиб, Франция университетларида «Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари» фанининг ўқитилиши худди шу таснифлаш асосида амалга оширилади.

*Иккинчи йўналишнинг* кўзга кўринган вакили буюк немис юристи К. Цвайгерт ҳисобланади. У таснифлашга беш омилни, яъни: 1) ҳуқуқий тизимнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти; 2) юридик фикрлашнинг ўзига хослиги; 3) ўзига хос ҳуқуқий институтлар; 4) ҳуқуқ манбалари ва уларни шарҳлаш усуллари; 5) мафкуравий омилларни назарда тутовчи «ҳуқуқий услуб» («ҳуқуқ услуби»)ни мезон қилиб олади.

Шу асосда К. Цвайгерт саккизта «ҳуқуқий доира»ни, ҳуқуқ оиласини, яъни роман-герман, англо-саксон, скандинавия, социалистик, мусулмон ҳуқуқи, одат ҳуқуқи, ҳинд ҳуқуқи, Узоқ Шарқ мамлакатлари ҳуқуқи, Африка ва Лотин Америкаси ҳуқуқий оилаларини ажратади.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Российская юридическая энциклопедия. — М., 1999. С. 756.

<sup>2</sup> Қ а р а н г: Давид Р. Основные правовые системы современности. — М., 1988. С. 39—48.

### 3-§. Ҳозирги замон ҳуқуқ оилаларининг умумий тавсифи

**Роман-герман ҳуқуқ оиласи.** Роман-герман ҳуқуқ оиласига Европа қитъасида рим ҳуқуқи ва маҳаллий анъаналар асосида юзага келган ҳуқуқ тизимлари киритилади. У рим ҳуқуқини итальян, француз ва немис университетларида ўқитиш йўли билан XII—XVI асрларда Юстиниан қонунлари тўплами асосида шаклланган, кўпгина Европа давлатлари учун умумий бўлган юридик фан сифатида юзага келган<sup>1</sup>.

Роман-герман ҳуқуқ оиласи учун ёзма ҳуқуқнинг мавжудлиги, ҳуқуқ асосларининг ягона иерархик тизими, унинг оммавий ва хусусий ҳуқуқ соҳаларига бўлиниши, шунингдек, ҳуқуқ тизимининг соҳаларга бўлинишига хосдир. Роман-герман ҳуқуқ оиласидаги барча мамлакатлар ҳуқуқи учун кодекслаштирилган қонунчилик хосдир. Бу мамлакатларнинг барчасида ёзма конституциялар мавжуд бўлиб, улардаги нормалар олий юридик кучга эга деб ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқ юридик доктринаси ва қонунчилик амалиёти одатдаги қонуннинг уч турини фарқлайди: кодекслар, махсус қонунлар ва нормаларнинг тўпланган матнлари.

Континентал ҳуқуқ тизимига оид аксарият мамлакатларда фуқаролик, жиноят, меҳнат, фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал ва бошқа кодекслар қабул қилинган ва амал қилади. Жорий қонунчилик тизими ҳам серқирра ва кўп тармоқлидир. Ушбу қонунлар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида турларини тартибга солади (масалан, банк фаолиятига, тadbиркорликка оид қонунлар). Роман-герман ҳуқуқ оиласи манбалари орасида қонун ижроси йўлида қабул қилинадиган ҳужжатларнинг: маъмурий циркулярлар, регламентлар, фармойишлар, декретлар алоҳида ўрин тутати ва уларнинг ҳиссаси ортиб бормоқда. Одатлар ҳам роман-герман ҳуқуқ оиласида ҳуқуқ манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. У баъзида қонунга қўшимча, қонундан ташқари ҳолларда ҳам қўлланилади, масалан, Италия денгиз ҳуқуқида денгиз одатлари катта ўрин эгаллайди. Умуман, бугунги кунда одатлар бу ҳуқуқ оиласида мустақил манба мавқеини йўқотмоқда.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Теория государства и права / Под ред. проф. В.К. Бабаева. — М., 2006. С. 593.

Суд амалиётининг роман-герман ҳуқуқ оиласи манбалари тизимидаги аҳамиятига келсак, бу ерда доктринанинг ёндашуви анчагина қарама-қарши мазмунга эга. Сўнги йиллар тенденциясига мувофиқ, суд амалиёти ушбу ҳуқуқий тизимнинг ёрдамчи манбаи сифатида эътироф этилмоқда. Аввало, бу «кассация прецеденти» билан боғлиқ. Зеро, кассация суди — юқори инстанция судидир. Бунда суднинг «оддий» қарори (масалан, ўхшаш ишлар бўйича умумий аналогия ёки умумий принципларга асосланган ишлар) кассация босқичидан ўтиб, ўхшаш ишларни ҳал этишда бошқа судлар фаолиятида фактик прецедент сифатида қабул қилиниши мумкин.

Роман-герман ҳуқуқ оиласида унинг асосий тамойилларини, назарий масалаларини ишлаб чиққан *доктрина* алоҳида ўрин эгаллайди. Доктрина қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятида анча муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, ундан ҳуқуқни қўллаш фаолиятида (қонунларни шарҳлашда ҳам) кенг фойдаланилади<sup>1</sup>.

Европадаги қатор давлатлар ҳуқуқининг роман-герман ҳуқуқ оиласига мансублиги миллий ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги маълум фарқларни истисно қилмайди. Шунинг эслатиб ўтиш лозимки, *бир томондан*, француз ҳуқуқи, *иккинчи томондан*, герман ҳуқуқи шу моделга хизмат қилишидики, бунинг асосида роман-герман ҳуқуқ оиласи ичида иккита ҳуқуқ гуруҳи ажратилади: 1) роман гуруҳи, бунга Бельгия, Люксембург, Нидерландия, Италия, Португалия, Испания киради; 2) герман ҳуқуқ гуруҳи, унга Австрия, Швейцария ва бошқа давлатлар тегишли. Роман-герман ҳуқуқи оиласида француз ҳуқуқида энг кучли деб танилган «рим (роман) ҳуқуқи» «герман ҳуқуқи» гуруҳидан фарқ қилади, «герман ҳуқуқи» га герман ҳуқуқи фани анча таъсир кўрсатган<sup>2</sup>.

**Англо-саксон ҳуқуқ оиласи.** Роман-герман ҳуқуқий тизими давлатларидан фарқ қилиб, англо-саксон ҳуқуқ оиласига кирувчи давлатларда судьялар томонидан шакллантирилган ва суд прецедентларида ифодаланган нормалар ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Инглиз-америка умумий ҳуқуқи (common law), рим ҳуқуқи каби «ҳимоя

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Теория государства и права / Под ред. проф. В.К. Бабаева. — М., 2006. С. 594.

<sup>2</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Масъул муҳаррирлар: проф. Х.Б.Бобоев ва проф. Х.Т. Одиқориев. — Т., 2000. 395—396 - б.

бор жойда ҳуқуқ бор» принципига асосан ривожланган «адолат ҳуқуқи» низомлари билан тўлдирилган ва такомиллаштирилган инглиз умумий ҳуқуқини кодификация қилишнинг барча уринишларига қарамасдан (И. Бентам), у судлар томонидан тузилган прецедент ҳуқуқидир. Бу статут (қонунчилик) ҳуқуқи ролининг ўсишини истисно қилмайди. Шундай қилиб, инглиз ҳуқуқи уч таркибий қисмдан иборат тузилишга эга бўлди: умумий ҳуқуқ — асосий манба; ушбу асосий манбани тузатувчи ва тўлдирувчи адолат ҳуқуқи; статут ҳуқуқи — парламент томонидан чиқарилган ёзма ҳуқуқ.

Инглиз-америка ҳуқуқ оиласида инглиз ҳуқуқи гуруҳини ва шаклланиш нуқтаи назаридан у билан узвий боғлиқ бўлган Америка Қўшма Штатлари ҳуқуқини фарқлаш лозим. Инглиз ҳуқуқи гуруҳига мансуб мамлакатларга Англиядан ташқари Шимолий Ирландия, Австралия, Канада, Янги Зеландия ҳамда Британия Иттифоқининг собиқ колониялари (ҳозирги пайтда 36 та давлат Ҳамдўстлик аъзоси ҳисобланади) киради. Маълумки, Англия кўп йиллар мобайнида йирик мустамлакачи давлат бўлган, мана шу қарам давлатларнинг ҳудудида инглиз умумий ҳуқуқи тарқалган. Шу боис бугунги кунда дунё аҳолисининг учдан бир қисми инглиз ҳуқуқи нормалари асосида яшамоқда.

Инглиз-америка ҳуқуқ оиласида Англия ҳуқуқи гуруҳини ва келиб чиқиши жиҳатидан у билан боғлиқ АҚШ ҳуқуқини фарқлаш керак. АҚШ ҳуқуқи инглиз умумий ҳуқуқига асосланган бўлса-да, ҳозирги пайтда тўла мустақилдир. Француз ҳуқуқи сезиларли роль ўйнайдиган Луизиана штати ҳудудида испан ҳуқуқи кенг тарқалган.

АҚШда ҳуқуқ тизими Англияга нисбатан бир оз фарқлироқ. АҚШ таркибидаги штатлар кенг ваколатларга эга бўлиб, бу ваколат доирасида улар ўз қонунларини ва прецедент ҳуқуқи тизимини яратди. Ҳар бир штат судлари ўз юрисдикциясини мустақил равишда амалга оширади. Шунинг учун штат суди қарорига штатдагилар риюя қилишга мажбур эмас. АҚШ статут ҳуқуқида инглиз ҳуқуқида бўлмаган кодекслар ҳам учрайди. Бир қанча штатларда Фуқаролик кодекси амал қилади, штатларнинг 25 тасида Фуқаролик-процессуал кодекси, ҳамма штатларда эса Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодекслари мавжуд.

Англо-саксон ҳуқуқ оиласида *юридик прецедент* асосий ҳуқуқ манбаи вазифасини ўтайди.

*Юридик прецедент* — маъмурий ёки суд органининг ёзма ёки оғзаки қарори бўлиб, келажакда худди шундай ишларни кўриб чиқишда намуна, эталон бўлиб хизмат қилади. Юридик прецедент суд ва маъмурий прецедентдан иборат бўлиб, бир-биридан фарқ қилади. Албатта, ҳуқуқий прецедент шакли сифатида суд ёки маъмурий органлар янги ҳуқуқий нормалар яратиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳуқуқ ўзининг мураккаблиги ва чалкашликлари билан фарқ қилади. Бундан ташқари, бунда мансабдор шахс томонидан суиистеъмолик қилиш эҳтимоли бор. Шундай қилиб, хусусий ишга тааллуқли бўлган суд қарорлари икки ёқлама аҳамиятга эга бўлиши мумкин: *биринчидан*, суд фаолияти натижасида маълум бир ҳодисани ҳал қилиши мумкин; *иккинчидан*, бу суд қарорини келгусида бўладиган ҳодисаларга ҳам қўллаш мумкин бўлади. Иккинчи ҳолда эса суд қарори ҳуқуқ нормаси бўлиб хизмат қилади, чунки у олдинги қабул қилинган қарорга (прецедентга) асосланади.

Суд қарорлари прецедент сифатида қуйдагича бўлади: *биринчиси*, ушбу норманинг маъносини тушунтириб беради, буни инглизлар *declaratory precedent* деб номлайди; *иккинчиси*, қонун ва одат нормалари тўғри келмай қолганда янги нормалар яратади, буни инглизлар *original precedent* деб номлайди. Иккинчи ҳолда кўришиб турибдики, янги норма ҳақида сўз юритилмоқда. Нима учун суд қарори прецедент сифатидаги нормага айланиши мумкин? Чунки, ҳаётда ҳуқуқдан ташқари прецедент ҳам катта роль ўйнайди. Ҳақиқатан ҳам, кишилар доимо бўлиб ўтган ҳодисага асосланади, ҳатто у бир марта содир бўлса ҳам кейинги ҳаракатлар учун намуна бўлиб қолади.

Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ соҳасида ҳам юқорида айтиб ўтилган ҳодисаларга, яъни олдин бўлиб ўтган ҳодисалар асосида масалаларнинг ҳал қилинганини кўриш мумкин. Аксарият халқаро ҳуқуқ қоидалари ҳам прецедент таъсири остида вужудга келади. Агар суд қарорлари асосида мажбурий нормалар аҳамияти тан олинса, бунинг учун тегишли асослар бўлиши керак. Бунда суднинг аҳоли орасида ҳурматга сазовор бўлиши, яъни, битта иш юзасидан қабул қилинган

қарорни иккинчи бир ишга ҳам таъсирини ўтказиш учун эмас, балки бошқа бир муҳим асослари бўлиши керак, чунки суд қарорлари шундай ишонч яратиши керакки, бу судга бўлган ҳурматни билдиради. Бу шундан гувоҳлик берадики, суд қарорининг обрўси унинг фақат ахлоқий асосга таянганлигидан эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам ўз фаолиятида асосланганидан далолат беради. Муҳими, суднинг қарори давлат ҳокимияти томонидан қўллаб-қувватланади ва унинг нуқтаи назарига мослашиши зарур, агар уни қўллаш оқибатида ноқулай ҳолат келиб чиқмаса, суд қарорига итоат этилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шу нарсага амин бўлиш мумкинки, суд қарорларига ҳар доим ҳам ҳуқуқ шакли сифатида қараш керак эмас. Ҳақиқатан ҳам, қабул қилинган қарорга кўра суд ўзининг хизмат вазифасини бузмаган ҳолда худди шундай иккинчи иш бўйича бошқача қарор қабул қилиши ёки ўша биринчи қабул қилинган қарорга қарама-қарши қарор қабул қилиши ҳам мумкин. Демак, прецедентдан воз кечиладиган бўлса, унда ҳуқуқ нормасига хос бўлган мажбурийлик йўқ, деб ҳисоблаш лозим ва яна бир ҳолатга эътибор қаратиш мумкин, агар прецедентнинг моҳияти олдин бўлиб ўтган ҳолатга асосланадиган бўлса, унда суд прецеденти одат ҳуқуқига ўхшаб кетади, масалан, инқилобгача князь Трубецкой шундай ёзган эди: «*Одат ўз моҳиятига кўра прецедентга ўхшаб кетади*», яъни, одат бу кўп марта қайтариладиган прецедентдир, ёки бошқача айтганда, прецедент кўп марта такрорланадиган одатдир. Масалан, Одат ҳуқуқига кўра одам ўлдирган шахс хун тўлаган, бундан кейин худди шундай ҳолатни такрорлаган шахсга нисбатан ҳам шу жазо қўлланилган. Юқорида таъкидланганидек, суд амалиёти, яъни суд прецеденти ҳуқуқ шакли бўлиб ҳисобланадиган мамлакат — Англиядир, шунинг учун ҳам ҳуқуқ прецеденти кўп ҳолларда *инглиз одат ҳуқуқи* деб ҳам аталади.

Ҳозирда ҳуқуқий прецедентга Англия ва унинг собиқ мустамлакалари, Шимолий Ирландия, Канада, Австралия, Янги Зеландиядан иборат Британия ҳамдўстлиги аъзолари амал қилади. Шу билан бирга прецедентга алоҳида гуруҳ — АҚШ давлати ҳам мансубдир, фақатгина Луизиана ва Калифорния штатлари бундан мустасно. XX асрда инглиз ҳуқуқи манбалари қаторида *берилган ваколат асосидаги қонунчиликнинг*



(делегированное законодательство) аҳамияти ва ҳиссаси кескин ортди. Бунда парламент бир қатор устувор соҳаларда (масалан, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва суғурта соҳасида) ҳукуматга қонунчилик ҳужжати қабул қилиш ваколатини беради. Баъзан шундай ваколат вазирликларга ҳам берилади. Статут ҳуқуқи билан берилган ваколат асосидаги қонунчиликнинг ривож топиши мамлакатнинг ички эҳтиёжлари сабабли эмас, балки халқаро иқтисодий ва бошқа тоифадаги ҳамкорлик сабабли юз беради. Бу борада Буюк Британиянинг Ҳамдўстлик мамлакатлари билан, шунингдек Европа иқтисодий ҳамжамияти билан алоқаларининг ривожланиши алоҳида аҳамият касб этади.

Инглиз ҳуқуқи билан АҚШ ҳуқуқи бир ҳуқуқий оилага кирса-да, улар ўртасида муайян фарқлар бор. Инглиз ҳуқуқида статутларнинг роли юқори бўлса, АҚШ да қонунчилик ҳужжатларига катта эътибор қаратилади; америка ҳуқуқида кодификацияга мойиллик устувор; АҚШ ҳуқуқий тизимида инглиз ҳуқуқига нисбатан суд прецедентига камроқ суянилади, лекин бу прецедентларнинг нуфузи пасайишини англатмайди.

**Мусулмон ҳуқуқ оиласи.** Мусулмон ҳуқуқи VIII асрларда Арабистон ярим оролида вужудга келган бўлиб, ҳозирда Судан, Ливан, Миср, Арабистон ярим ороли ва форс кўрфазларида амалда қўлланилмоқда. Илмий манбаларда таъкидланишича, ислом дини ўз мазмунига кўра, *биринчидан*, мусулмон киши нималарга эътиқод қилиши ва нималардан ўзини тийиши лозимлигини белгиловчи илоҳий ақидадан иборат; *иккинчидан*, мусулмон қандай амалларни бажариши ва қандай хатти-ҳаракатлардан тийилиши лозимлиги ҳақидаги қоидалардан иборат. Ислом динида бундай кўрсатмаларнинг йиғиндиси «шариат» («ҳақ йўл» маъносини англатади) деб номланиб, у аслида мусулмон ҳуқуқидир.

Шариат икки қисмдан — диний, яъни эътиқод қоидалари (ақида)-дан ва ҳуқуқ (фиқҳ)дан иборат.

Фиқҳ, яъни мусулмон ҳуқуқи икки қисмга бўлинади: биринчиси (муомала) мусулмонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади, иккинчиси эса (ибодат) мусулмоннинг Аллоҳ олдидаги мажбуриятини белгилайди. Бу иккала қисм ҳуқуқий мактаблар томо-

нидан қандай белгиланган ва ўрганилган бўлса, худди шундай кўри-нишда юридик фанлар предметини ташкил қилади. Фикҳнинг асосий вазифаси мусулмон давлати қонунчилиги билан унинг бирламчи ман-балари орасидаги узвий боғлиқликни сақлаб қолишдир. Мусулмон юри-дик фанлари билан дунёвий юридик фанлар ўртасидаги фарқ шундаки, мусулмон ҳуқуқий тизими Куръондан бошланиб, ҳуқуқни инсоният ақл-идроки ва ижтимоий шарт-шароитнинг маҳсули деб эмас, балки Аллоҳ томонидан берилган туҳфа, деб ҳисоблайди.

Ислом дунёвий динлар ичида энг ёши бўлса-да, жуда кенг тарқал-ган. Турли ҳисоб-китобларга қараганда, дунёда 750 миллиондан 1 мил-лиардгача киши Ислом динига эътиқод қилар экан. Улар 51 давлатда кўпчиликни ёки аҳолининг катта қисмини ташкил қилади. Бироқ, мусулмон ҳуқуқининг амал қилиш доираси мусулмон аҳолиси бор мамлакатларнинг жўғрофий чегараларига мос тушмайди. Исломга дин сифатида эътиқод қилувчи, лекин мусулмон ҳуқуқини қабул қилмаган миллатлар ва этник гуруҳлар ҳам мавжуд<sup>1</sup>.

Мусулмон юридик фанлари асосини казуистик услуб ташкил қилади. У «илм-ал-фуруъ» ёки ишларни ҳал қилиш (масъил) номи билан танилган. Суннийлар ва шиалар ҳамма мактаблари тармоқларининг бошида таълимотлари тан олинган — Мадина мактаби ва Ироқ мак-таблари туради. Ушбу қадимги мактаблар ўз назоратидаги худудларда илдиз отиб, оддий ҳуқуқдан фойдаланиб, уни янги динларнинг эҳти-ёжларига мослаштирганлар. Тарихий сабабларга кўра бугунга келиб мусулмон ҳуқуқининг тўртта суннийлар (ханафийлар, моликийлар, шофийлар, ҳанбалийлар) мактаби, шунингдек, учта шиалар (жаъфа-рийлар, исмоилийлар, зайдийлар) мактаби бор. Ҳар бир мактаб ўзи-нинг юридик услуби ва қарашлари тизимига эга, шунинг учун улар-нинг ҳар бири мусулмон ҳуқуқининг алоҳида тизими бўлиб ҳисобла-ниш учун даъвогарлик қилади.

Мусулмон ҳуқуқи мустақкам тизимга эга бўлган, рад қилиш мум-кин бўлмаган далилларга асосланади. Мусулмон ҳуқуқшунослари му-айян даражада тасодифий ёки ноаниқ бўлган ҳамма нарсаларни қора-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Теория государства и права / Под ред. проф. В.К. Бабаева. — М., 2006. С. 606.

лайдилар. Мусулмон ҳуқуқшунослари томонидан шакллантирилган ҳуқуқий нормалар ўз тузилишларига кўра доимо ташқи далилларга асосланади<sup>1</sup>.

Ислом ақидаларига мувофиқ, мусулмон ҳуқуқи Аллоҳ каломи асо-сида шаклланган қоидалар мужмуидир. Ислом диний доктринасида Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг шахси муҳим ўрин тутади. Унинг ҳаёти ва фаолияти мусулмон ҳуқуқининг маъно-мазмунини тушунтиришда белгиловчи аҳамият касб этади.

Исломшунос олимларнинг фикрича, мусулмон ҳуқуқи таркибида иккита ўзаро боғлиқ меъёрлар гуруҳи Қуръон ва Суннанинг юридик йўл-йўриқлари мавжуд.

Мусулмон ҳуқуқининг асосий манбаи сифатида Аллоҳнинг ўз пайғамбарлари ва элчиларидан охиргиси Муҳаммад алайҳиссаломга йўллаган ваҳийлардан нозил бўлган **Қуръон** эътироф этилади. Қуръон ҳуқуқ кодекси эмас. Қуръондаги юридик характердаги қоидалар, *бир томондан*, кодекс тузишга камлик қилади, *иккинчи томондан*, бу меъёрлар орасида мавҳум диний ва ахлоқий йўл-йўриқлар шаклидаги умумий қоидалар кўпчиликни ташкил этади. Унинг таъсир кўрсатиш чоралари ҳам талайгина бўлиб улар тилга олинса-да, айрим ҳоллардагина жазолайдиган даражага келтирилади.

Мусулмон ҳуқуқининг иккинчи манбаи Муҳаммад алайҳиссалом мулоҳазаларидаги илоҳийлаштирилган ҳодисалар таъсирида келиб чиққан оғзаки ривоятлар мажмуи — **суннадир**.

Мусулмонлар Қуръон ва сунна юридик меъёрларининг келиб чиқиши илоҳий бўлиб, асло ўзгармасдир, деб ҳисоблайдилар. Лекин, ҳаётда ижтимоий муносабатларнинг барчаси ҳам Қуръон ва суннага боғлиқ эмас. Қуръондаги 6200 дан ортиқ оятнинг аксарияти диний-ахлоқий масалаларга тааллуқли бўлиб, айрим маълумотларга кўра эса 250 таси ҳуқуқий хусусиятга эгадир. Бу номуносибликни тўлдириш ҳам мусулмон ҳуқуқий таълимотининг давомчилари бўлган мусулмон илоҳиётчи-фиқҳларига ишониб топширилган эди. Улар Қуръон ва сун-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Таджикханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Дарслик. / Масъул муҳаррир: академик Ш.З. Ўразасев. 1-том. — Т., 1998. 98 — 99-б.

нанинг моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда, Куръоннинг талқини (тавсир)ни бериб, ҳуқуқ соҳасида пайдо бўладиган баҳслар натижасида келишилган фикрлар (*ижмо*)ни бера бошладилар. Тафсир ва ижмо ҳам мусулмон ҳуқуқи манбаларига тааллуқлидир. Мусулмон ҳуқуқшуносларининг фикрича, ижмо мусулмон ҳуқуқига мослаштириладиган мавзулардан баҳс этади, у янгидан пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш имконини беради.

Мусулмон ҳуқуқининг тўртинчи манбаи бўлган *қийёса* ёки таққослаш бўйича хулоса чиқаришга янада катта аҳамият берилади. Бу усул маълум меъёрни, агар таққослашнинг мақсади ва асоси мазкур меъёр мақсади ва асосига мос бўлиб тушса, ўзи бевосита назарда тутган ҳодисага нисбатан қўллаш имконини беради. IX—X асрларда мазҳаблар мусулмон ҳуқуқи назарий йуналишлари асосини тузган энг нуфузли ҳуқуқшунос олимларнинг асарлари мусулмон ҳуқуқининг асосий манбаи бўлиб қолди. Куръон бугунги кунда мусулмон ҳуқуқининг гоъвий, диний асоси, унинг мафкуравий манбаи сифатида эътироф этилади. Р. Шарллнинг таъкидлашича, мусулмон ҳуқуқи тарихан бевосита Куръондан бошланмайди. У қўпинча муқалдас китобдан алоҳида шаклланган амалиёт асосида ривожланган. И. Шахднинг фикрича эса, «мусулмон ҳуқуқи» фикр ҳуқуқининг ажойиб намунасидир. Бу ҳуқуқ хусусий мутахассислар томонидан яратилган ва ривожлантирилган эди. Мусулмон ҳуқуқи меъёрларининг каттагина қисми — унинг назарий ишланиши якунидир. Бунинг устига, агар таълимот аввал бошида муайян ҳодисалар бўйича ечимлар берган бўлса, кейинчалик у ҳар қандай муайян ҳуқуқий нормани қўллашда бошланғич нуқта сифатида тан олинадиган умумий, мавҳум қоидаларни шаклантира бошлади.

Куръон, мусулмон ҳуқуқшунос илоҳиётчилар ижоди бўлган сунна, ижмо, қийёса — мусулмон ҳуқуқининг шубҳасиз, асосий манбаларидир. Айрим тадқиқотчилар бу ҳуқуқ манбаларига мусулмон ҳуқуқшунослари ишлаб чиққан шариат (ҳидоя), урф-одат, юриспруденция (амал), қонун нормаларини қўллаш бўйича қўлланмани ҳам киритадилар.

*Лотин Америкаси давлатлари ҳуқуқий тизими.* Бу давлатларнинг ҳуқуқи ўз асосига кўра кодекслаштирилган. Ҳозирда Европаникига ўхшаш кодекслар мавжудлиги учун Лотин Америкаси давлатлари

ҳуқуқий тизимларини роман-герман ҳуқуқий тизимига яқин, деб ҳисобланади. Бошқа ўхшаш томонлари йўқ. Масалан, уларда ҳуқуқ нормалари йўқ. Одат ҳуқуқининг Лотин Америкаси ҳуқуқининг манбаи сифатидаги роли давлатдан-давлатга ўтган сайин ўзгариб борган. Аргентинада у анча кўп, Уругвайда, аксинча, оз. Лекин умуман бу ёрдамчи ҳуқуқ манбаидир. Европа қитъасида у қонунда кўрсатилган ҳолларда ишлатилади. Лотин Америкасининг тўртта давлати: Аргентина, Бразилия, Венесуэла ва Мексика федератив давлатлар ҳисобланади. Уларнинг ҳуқуқ тизимида федератив қонунчиликнинг таркиби амал қилади. Лотин Америкаси давлатларининг конституциялари америкача бошқарув шакли, президентлик республикаси ва бошқа ҳолатларни ўзлаштирган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, АҚШдан фарқ қилиб, Лотин Америкаси давлатлари учун конституциявий барқарорлик тўла ҳос эмас. Масалан, Венесуэлада 168 йил ичида, яъни биринчи Конституция қабул қилинган вақт ичида 20 та, Боливияда эса, 152 йил ичида 21 та Конституция қабул қилинган. Лотин Америкаси давлатлари суд тизимини АҚШ тажрибасидан олиб шакллантирган, лекин АҚШдан фарқли равишда уларда суд амалиёти ҳуқуқ ҳисобланади.

**Скандинавия халқларининг ҳуқуқ тизими.** Скандинавиянинг Швеция, Норвегия, Дания ва Финландия давлатлари мазкур ҳуқуқ тизимига риоя қиладилар. Рим ҳуқуқи бошқа ҳуқуқ тизимига нисбатан Скандинавия ҳуқуқ тизимида кам ўрин тутди. Скандинавия давлатларида Франциянинг фуқаролик кодекси ёки герман фуқаролик тузуклари каби кодекслар мавжуд эмас ва бўлмаган ҳам. Уларда суд амалиёти Европа қитъаси мамлакатларига нисбатан муҳим ўрин тутган. 1683 йилда Данияда қабул қилинган «қирол Кристиан V кодекси» (у 1687 йилда Норвегияда «Норвегия ҳуқуқи» номи билан амал қилган) ва 1734 йилги «Швед давлатлари қонунлари кодекси» каби икки қонунчилик ҳужжати, икки кодекс Скандинавия ҳуқуқининг шаклланишида бошланғич нуқта бўлган.

Кодификацияланган қонунчилик Скандинавия ҳуқуқининг катта қисми бўлмаган. Масалан, Норвегия ва Дания суд амалиётининг ҳуқуқ манбаи сифатидаги катта аҳамиятини кўрсатувчи аниқ ёндашув кузатилади. Швецияда ҳам суд амалиёти катта ўрин тутган. Бу бевосита

роман-герман ҳуқуқидан умумий ҳуқуққа ёндашувни олиб келади. Бу минтақа давлатлари бир-бирига ижтимоий, маданий жиҳатдан бирлашиб кетган.

**Ҳинд ҳуқуқий тизими.** Икки минг йиллик тарихга эга бўлган бу ҳуқуқ тизими ҳозир ҳам ўзининг тартибга солувчи таъсир кучига эга. Ҳинд ҳуқуқининг бундай узоқ муддат давомида сақланиб қолишининг асосий сабаби, унинг жамоа ва варнавий-каставий табақаланиши ҳамда дин билан бирикиб кетганлигидир. Икки минг йиллик тарихда яратилган қадимий ведалар — ҳинд диний қўшиқлар тўплами, ибодатлар, мадҳияларда, алоҳида мисраларда юриш-туриш ва ахлоқ қоидалари ифодаланган. Булар ҳуқуқ манбаи сифатида камроқ таъсир кўрсатади.

Мусулмон дунёсида бўлгани каби XI—XII асрда аста-секинлик билан шаклланган ҳинд ҳуқуқий мактаблари уч муҳим масала: мерос ҳуқуқи, ягона оиладаги алоҳида аъзолар мулкининг ҳуқуқий тартиби, оила мулкининг тақсимланишини ҳал қилишга турличи ёндашувлари билан фарқ қилади.

Ҳинд ҳуқуқида ҳам мусулмон ҳуқуқи каби мактаблар иккига *даябаа* ва *митакшарага* бўлинади. Бундан ташқари, ҳинд ҳуқуқида айрим минтақа, каста, уруғ ёки оилада қадимдан сақланиб келаётган одат ҳуқуқининг манбаи сифатида қаралиши мумкинлиги тан олинган. Уларда қоҳин юристлари мавжуд. 1955 йилда «Никоҳ ҳуқуқи тўғрисида»ги, 1956 йилда учта «Вояга етмаганлар ва васийлик тўғрисида»ги, «Мерос ҳақида»ги ва «Фарзандликка олиш ва оила аъзоларини боққанлик учун тўлов тўғрисида»ги қонунлар кучга кирди.

«Ҳинд ҳуқуқи» бўйича юридик маълумотномаларда, қоида тариқасида, «шахсий ҳуқуққа» тааллуқли бўлмаганлиги учун табақаланиш масаласи ёритилмайди. Мамлакатда «табақа институтлари» ва «табақа автономияси» ҳақида гапириш қабул қилинган. Булар Ҳиндистон Конституциясининг 26-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра: «ҳар қандай диний оқим, мазҳаб, агар у жамоат тартибига, ахлоққа, соғлиқни сақлашга хилоф бўлмаса: а) диний ёки хайр-эҳсон мақсадида муассасалар тузиш ва сақлаш; б) диний масалаларда бошқарувни амалга ошириш ҳуқуқига эга». Бунда шундай маъно борки, каста диний ақида-

ларни бузган аъзоларига жазо белгилаши мумкин. Агар келишмовчилик диний хусусиятга эга бўлса, унда тартиббузар бўйсунушдан воз кечганлиги учун ҳайдалиши мумкин.

Бинобарин, каста ибодат қилиш, овқатланиш, никоҳ ва сифинишнинг бошқа масалаларига тааллуқли ички тартибни сақлаши мумкин. Суд каста қоидаларини қайта кўриши мумкин эмас, у ушбу қоидаларга риоя қилиниши ва тўғри қўлланилишини кузатиш ҳуқуқигагина эга. Агар касталар қарори мазмунан миллий судлов тартибига қарши чиқса, суд уни белгиласа, бекор қилиши мумкин. Шундай қилиб, «ҳинд ҳуқуқи» деганда, ҳиндларнинг қонунларида ва (масалан, Бирма, Малайзия, Сингапурда ҳали амалда бўлган) одатларида шаклан ўзгарган шахсий ҳуқуқлари тушунилади. Ҳинд ҳуқуқи ҳуқуқ тармоғи сифатида Ҳиндистонда, юқорида эслатиб ўтилган мамлакатларда, шунингдек, қонунларда ўзгарган шаклда Шарқий Африка мамлакатлари (Кения, Уганда)да ҳам бевосита ёки билвосита қўлланилмоқда<sup>1</sup>.

**Африка мамлакатларининг ҳуқуқий тизими.** Африка халқлари орасидаги катта фарқларга, уларнинг одатлари ва одат ҳуқуқининг турли-туманлигига қарамай, Африка ҳуқуқига ягона бир ҳуқуқ сифатида қарашга етарли асослар бор. Африка одат ҳуқуқи индивидлар (якка шахс) эмас, балки гуруҳ ёки уюшмаларнинг ҳуқуқи ҳисобланади. Масалан, одат ҳуқуқида никоҳ шартномаси ўзида икки шахсни эмас, балки икки оилани, икки қабила розилигини олиниб амалга оширилади. Уларда арбитраж ва суд тузилишидаги ишлар кўрилган. Суд тартибида бу ҳолатни аниқлаш учун у «қасам ичишга» мажбур қилиш ва «худо суди» томонидан синов ўтказишда намоён бўлади.

Одат ҳуқуқида иккита ҳолат мавжуд ва у икки ёқлама намоён бўлади:

1) уруғдаги бир шахс учун бутун уруғ жавобгардир (ўзганинг айбини ювиши);

2) шахснинг содир этган ножўя ҳаракати, унинг гуруҳ аъзоси сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғланади.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Теория государства и права / Под ред. проф. В.К. Бабаева. — М., 2006. С. 610—611.

Ҳар бир ҳукмдор мустамлакачи ўз ҳуқуқий талабларини қўл остидагиларга ўтказди. Француз ҳуқуқи — француз африкаси ва Мадагаскарга, Бельгия ҳуқуқи — Конгога, роман-голланд ҳуқуқи эса Жанубий Африкага киритилган.

Мустамлакачилар ўз ҳуқуқий институтларини татбиқ этиш билан бирга фикран ўз манфаатларига зид келмайдиган одат ҳуқуқи ва Африка судловининг айрим қисмларини сақлаб қолиш сиёсатини юргиздилар. Шундай қилиб, мустамлака бошқаруви натижасида ҳуқуқнинг аралаш тизими пайдо бўлди. У метрополитлар томонидан киритилган ҳуқуқ билан одат ҳуқуқини ўзида жамлади. Биринчиси имтиёзли равишда маъмурий ҳуқуқ, савдо, жиноят ҳуқуқини қамраб олди. Анъанавий соҳа — ерга эгалик, оила ва мерос ҳуқуқи (шахс ҳаётлигида мулкни, баъзи фуқаролик мажбуриятларини тақсимлаш) — одат ҳуқуқининг ҳаракат доирасида қолдирилди.

Мустамлака даврида одат ҳуқуқида юз берган тўртта асосий ўзгаришни қайд этиш мумкин: 1) низоларни тартибга солишнинг анъанавий усулларидан воз кечиш, яъни аста-секинлик билан суд тизимини татбиқ қилиб, қабилада ўрнатилган тартибдан суд қурилиши намунасига ўтиш; 2) маҳаллий судларда ишларни одат ҳуқуқи бўйича ҳал қилган судларнинг Европа нормаларини қабул қилиши; 3) одат ҳуқуқини бекор қилмай, африкаликларга ўз ҳуқуқий муносабатларини ҳуқуқ асосида тартибга солиш имкониятини берувчи қонунларнинг жорий этилиши; 4) варварлик деб тан олинган, масалан, қуллик ва жароҳат етказиш каби баъзи одатларнинг тўғридан-тўғри тақиқланиши.

Анъанавий Африка (ҳуқуқий) одат ҳуқуқи, шубҳасиз, бошланғич аҳамиятини йўқотмоқда, баъзи ҳолларда кўп қисмини йўқотган ҳам. У ўзининг сезиларли қисмида тизимлаштириш ва мажмуалаштириш объекти бўлди. Одат ҳуқуқига кенг маънода давлат органлари, шунингдек, судлар томонидан ривожлантирилган ҳуқуқ сифатида қаралмоқда<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси.* — Т., 1998. 107 — 108-б.



## XX Б О Б ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИ

### 1-§. Ҳуқуқий тартибга солиш тушунчаси

Ҳозирги замонда давлат ва ҳуқуқ назарияси икки асосий йўналишда ривожланмоқда: *биринчиси* — қонунчиликни такомиллаштириш, юридик нормаларни жамият эришган янги даражага мувофиқ ҳолга келтириш; *иккинчиси* — амал қилиб турган ҳуқуқ нормаларининг самарали ҳаракатланишини таъминлашдан иборат. Кейинги таъкидланган вазифа ҳуқуқий тартибга солиш механизмини муфассал ўрганишни тақозо этади. Давлатчиликни демократик ислоҳ қилиш ва модернизациялаш шароитида намоён бўлаётган янги тенденцияларни инобатга олган ҳолда жамият ҳуқуқий устқурмасини муттасил такомиллаштириб бориш лозим.

Маълумки, кишилик жамияти ўзининг муайян даражада батартиблиги ва уюшганлиги билан тавсифланади. Жамият ўз ривожланиши мобайнида кишилар хулқ-атворини тартибга солувчи, меъёрловчи усул ва воситалар тизимини шакллантиради. Ижтимоий тартибга солувчи воситалар орасида, аввало, ижтимоий нормалар муҳим ўрин тутаяди. *Ижтимоий нормалар* — ахлоқ нормалари, одат нормалари, ҳуқуқ нормалари, анъаналар, жамоат бирлашмаларининг нормалари, диний нормалар каби турларга ажралади. Улар турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ҳамда қатламлар томонидан вужудга келтирилади. Хусусан, давлат ўз функцияларини бажариш ва мақсадларига эришиш учун ҳуқуқ нормаларини яратади. Давлат ҳуқуқ нормалари ёрдамида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади.

Ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжи объектив заруриятдир. Зеро, мунтазам маромлилик ва батартиблик ҳар қандай ишлаб чиқариш усулининг талаби бўлиб, у шу туфайли ижтимоий барқарорлик ҳамда мустақилликка эга бўлади. Қатъий тартиб иқтисодий ривожланишни тасодифлардан ва бебошликлардан сақлаб туради. Бундай тартибни давлатнинг мажбурлов кучига таянувчи ҳуқуққина таъминлай олади. Ҳуқуқий нормаларда ижтимоий муносабат иштирокчилари фаолиятининг андозаси

(моделли), кишилар юриш-туриши, хатти-ҳаракатининг алгоритми, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари меъёри акс эттирилади. Ҳуқуқ инсонлар хатти-ҳаракатини субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар шаклида меъёрлаш (моделлаштириш) орқали ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Ҳуқуқ нормалари жамият ҳаётининг асосий жабҳаларини норматив тарзда тартибга солиб туради. Ҳуқуқий нормаларнинг ижтимоий муносабатларга таъсири, уларни тартибга солиши ҳуқуқни амалга ошириш жараёнининг бевосита натижасидир. Мазкур қоидани тушуниб олиш учун «**ҳуқуқий таъсир этиш**» ва «**ҳуқуқий тартибга солиш**» ибораларининг маъносини таҳлил қилиш лозим. Бунда энг аввало, «таъсир этиш» ва «тартибга солиш» тушунчаларини аниқлаш талаб этилади, чунки улар айнан бир маъноли сўзлар эмас. «Тартибга солиш» ибораси лотинча «*regulo*» сўздан олинган бўлиб, қоида, батартиблаш, йўлга қўйиш, бир нарсани иккинчисига мувофиқлаштириш маъносини англатади. «Таъсир этиш» ибораси эса бирор нарсага хатти-ҳаракатлар тизими воситасида ёндашиб, уни ўзгартиришга эришишдир. «Таъсир этиш» тушунчаси ўз ҳажмига кўра «тартибга солиш» категориясидан кенг. Таъсир этиш ҳам ҳуқуқий нормалар ёрдамида хулқ-атворни тартибга солиши, ҳам бошқа ҳуқуқий воситалар ва усуллар орқали кишилар хулқ-атворини ўзгартиришга эришиши мумкин.

Юридик адабиётда баъзи тадқиқотчилар ҳуқуқий тартибга солиш тушунчасига инсон онги ва хулқ-атворига ҳуқуқ таъсир этишининг барча турларини киритадилар, бошқа олимлар эса, мафкура ва тарбияни ҳуқуқий тартибга солиш мазмунидан ташқарига чиқарадилар. Иккинчи ёндашув тарафдорларининг фикри анча жўяли кўринади. Унга мувофиқ, ҳуқуқий тартибга солиш — ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга махсус юридик воситалар тизими ёрдамида таъсир этишдир. Чунки, ҳамма ҳуқуқий ҳодисалар ҳам ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қодир эмас. Демак, «ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир этиш» ибораси нисбатан кенг тушунча бўлиб, ўз мазмунига жамият ҳаётига ҳуқуқ таъсирининг барча йўналишлари ва шакларини қамраб олади. Ҳуқуқнинг бундай таъсири — норматив (умуммажбурий) регуляторлик, мафкуравий ва тарбиявий шаклларда намоён бўлади. Ҳуқуқ

ишлаб чиқариш (иқтисодий) муносабатларига ва уларга асосланган бошқа муносабатларга таъсир этиб, уларни мустақкамлайди, қўриқлайди ва ривожлантиради. Ҳуқуқий таъсир этиш натижасида илгор ва ижобий ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий ҳимоя қилинади ҳамда такомиллаштирилади. Жамият манфаатларига мос келмайдиган ёхуд эскирган муносабатлар эса ижтимоий турмушдан сиқиб чиқарилади.

Шуни назарда тутиш жоизки, ҳуқуқнинг ўзи бевосита ижтимоий муносабатлар тизимини яратиши, ўзгартириши ҳамда ривожлантириши мумкин эмас. Ҳуқуқ ушбу муносабатлар иштирокчиларининг онгига таъсир этиш орқали, шунингдек қатъий ҳаракат қоидаларини ўрнатиб, уларни тартибга солади. Ижтимоий муносабат (шу жумладан, ҳуқуқий муносабат) қатнашчилари онгли ва иродавий ҳаракатларни содир этадилар. Шу боис мазкур муносабатларга ҳуқуқий таъсир этиш, уларни йўлга солиб туриш мумкин бўлади. Ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқий таъсир этишнинг анча мустақил ва фаол кўринишларидан биридир. У махсус амалга ошириладиган фаолият ҳисобланади.

**Ҳуқуқий тартибга солиш** — ижтимоий муносабатларга ҳуқуқ ёрдамида уларни умуммажбурий, норматив тарзда тартибга солиш мақсадида таъсир этиш жараёнидир. Ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим хусусияти шундаки, у ижтимоий муносабат иштирокчиларининг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, ҳуқуқлар рўёбга чиқарилишини ва мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди.

Демократик жамиятда ҳуқуқий тартибга солиш ижтимоий тартибга солишнинг махсус тури бўлиб, ўзининг демократик қадриятларга таянганлиги, мақсадга йўналтирилганлиги ва самаралилиги билан ажралиб туради. Шунингдек, ҳуқуқий тартибга солиш ўзига хос таъсир этиш воситалари (механизми) орқали амалга оширилади. Қонун чиқарувчи идоранинг юридик нормалар яратишдан кўзлаган мақсади худди ана шу ҳуқуқий таъсир этиш воситалари ёрдамида рўёбга чиқарилади.

Ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатлар регулятори эканлиги ҳуқуқшунослик фанида узил-кесил тан олинган. Ҳуқуқнинг асосий вазифаси ҳам унинг регуляторлик (яъни, тартибга солувчилик) табиатидан келиб чиқади. Ҳуқуқ (қонун) ҳаётий муносабатларни тартибга солар экан, уларнинг амал қилиши ва ривожланиши учун аниқ меъёр ўрнатади.

Шу йўл билан уларни жамият ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан тартибга солади, меъёрлайди. Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиёт йўлига киргач, жамиятни тубдан янгилаш, модернизациялаш, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий-маънавий соҳада кенг қамровли ислоҳотлар йўлини тутди. Бундан кўзланган асосий мақсад — ижтимоий адолатни таъминловчи демократик давлатни қарор топтиришдир. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир»<sup>1</sup>.

Ана шу устувор мақсадлар мазмунидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, демократик ислоҳотлар ва ҳуқуқий давлатчилик барпо этишнинг ҳозирги босқичида давлат ҳамда жамият ҳаётининг қонуний заминини мустаҳкамлаш, янги тузумга хос ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш — стратегик йўналишдир. Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳолатига боғлиқдир. Ислоҳотлар ва модернизациялаш жараёнлари ривожланиб ва чуқурлашиб боргани сари, уларнинг ҳуқуқий негизи такомиллаштирилиб борилади, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритилади. Бу ҳол қонунларнинг таъсирчанлиги ва самарасини ошириш имконини беради.

Давлат қонун, фармон ва ҳукумат қарорларини қабул қилиш йўли билан иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотларнинг боришини ҳуқуқий жиҳатдан жадал ва қатъий тартибга солиш, иқтисодиётнинг ҳамда сиёсий тизимнинг муҳим бўғинлари жабҳаларини такомиллаштиришни амалга оширади.

Мустақиллик йилларида мамлакатда бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатлари инфратузилмасини шакллантиришнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида», «Тадбиркорлик тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Чет эл инвестициялари

<sup>1</sup> Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. — Тошкент, «Шарқ», 1998, 49-бет.

тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Банкротлик тўғрисида», «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида», «Лизинг тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» ги қонунлар, Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Меҳнат кодекси, Солиқ кодекси, Божхона кодекси ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Юридик адабиётда ҳуқуқнинг регуляторлик функцияси турлича талқин этилади. Баъзан юридик шаклга ортиқча ўрин берилиб, ҳуқуқий тартибга солиш механизми таркибига ҳуқуқ ижодкорлик жараёни ҳам қўшиб юборилади. Бу мантиққа мувофиқ эмас. Чунки гап иккита мустақил ҳуқуқий ҳодиса (институт) ҳақида бормоқда. Демак, худди «ҳуқуқ нормаси»ни «ҳуқуқий тартибот» тушунчасига қўшиб бўлмаганидек, ҳуқуқ яратиш жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш механизмига қўшиш мумкин эмас. Хулоса шуки, ҳуқуқнинг имкониятларини, юридик шаклнинг аҳамиятини ҳаддан ошириб, объектив ижтимоий муносабатларнинг устувор белгиловчи ролини, таъсисчи характерини назардан қочириш тўғри бўлмайди.

Ҳуқуқий тартибга солиш кўламини таърифлашда олимлар икки гуруҳга ажраладилар. Баъзи олимлар ҳуқуқий тартибга солишда юридик нормалар фақат ҳуқуқий муносабатлар (шакли, модели) орқали таъсир этади, деб ҳисоблайдилар. Бу фикр тарафдорлари субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларнинг мавжудлигини мутлақ ва нисбий ҳуқуқий муносабатлар мавжудлиги билан боғлайдилар. Профессорлар С. С. Алексеев ва Н. И. Матузовлар ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқий муносабатлар орқали амалга ошади, деган фикрни қувватлаб, айни пайтда, абсолют ва нисбий ҳуқуқий муносабатларга «умумий ҳуқуқий муносабатлар» ни ҳам қўшадилар. Бироқ, ҳуқуқий тартибга солиш фақат ҳуқуқий муносабатлар билан чегаралаб қўйилса, унинг тартибга солиш доираси торайтириб юборилиши мумкин.

Иккинчи гуруҳ олимлар фикрича, ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқий муносабатлар доирасидан ташқарига чиқади, анча кенгроқ кўламда ҳаракатланади. Бундай ёндашув сўнгги йилларда юридик илмий жамоатчилик томонидан устувор нуқтаи назар сифатида тан олинмоқда. Масалан, академик Ш. З. Ўразаев, профессорлар З. М. Исломов,

М. М. Файзиев, У. Тожихонов, С. Н. Братусь, А. В. Мицкевич ва бошқалар субъектив ҳуқуқ ҳуқуқий муносабатдан ташқарида ҳам мавжудлигини ишонarli тарзда исбот қиладилар.

Мазкур хулоса илмий жиҳатдан ниҳоятда муҳимдир. Биринчидан, бу хулоса барча субъектив ҳуқуқларнинг (айниқса, конституциявий ҳуқуқларнинг) нафақат ҳуқуқий муносабат орқали, балки ундан ташқари ҳам амалга ошиши ва улардан фойдаланиш мумкинлигини ҳимоя қилади. Иккинчидан, у ҳуқуқ-тартибот ҳуқуқий муносабатлар тизимидангина иборат эмаслигини, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқий мақомини ҳам қамраб олишини кўрсатади. Учинчидан, масалага бундай ёндашиш объектив ва субъектив ҳуқуқларни амалга оширишнинг ҳамма шаклига эътиборни қаратади, ҳуқуқий тартибга солиш механизмини тўла изоҳлайди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, ҳуқуқий тартибга солиш икки шаклда амалга ошади:

- *ҳуқуқий муносабат орқали;*
- *ҳуқуқий муносабатдан ташқарида.*

Ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг махсус тури ҳамда ҳуқуқий тартибга солишнинг алоҳида шаклидир.

Ҳуқуқий тартибга солишнинг ушбу икки шакли учун умумий жиҳат шундаки, улар фаолиятининг асосий предмети — ҳамиша субъектив ҳуқуқ бўлишидир. Ҳуқуқий тартибга солиш фақат кишиларнинг ҳаракатларига (фаолиятига), муносабатларига қаратилади. Ҳуқуқий тартибга солиш натижасида ҳамиша реал муносабатлар муайян тарзда меъёрланади, «қолип» га солинади, барқарорлик касб этади. Муҳими, бу муносабатлар давлат томонидан муҳофазаланади.

Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш аниқ усуллар ёрдамида амалга оширилади. Ҳуқуқий тартибга солиш усули **ҳуқуқий тартибга солиш предмети**га бевосита боғлиқ бўлади. Юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларга ҳуқуқий таъсир этишнинг йўллари йиғиндиси **ҳуқуқий тартибга солиш методи (усули)** деб аталади. Ҳуқуқий тартибга солиш методининг икки тури, яъни: *автономия методи* ва *авторитар (гетерономия)* методлари мавжуд.

<sup>1</sup> Явич Л.С. Сущность права. — Л: ЛГУ, 1985. С. 206.

**Автономия методи** асосида тартибга солинувчи муносабатларда тарафлар тенг ҳуқуқли бўладилар ҳамда улар қонунда белгиланган ваколатлар доирасида мустақил фаолият юритадилар. Мисол учун, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини олайлик, уларда иштирок этувчи субъектлар қонун белгилаган меъёр кўламида ўз хатти-ҳаракатларини мустақил келишув, шартнома асосида эркин белгилайдилар.

**Авторитар метод** деганда, ижтимоий муносабатларга ҳукмронлик, буйруқ (императив) тарзида қатъий таъсир ўтказиш тушунилади. Масалан, маъмурий-ҳуқуқий ва жиноий-ҳуқуқий муносабатларни олайлик. Бу муносабатларда бир томонда давлат (давлат идораси ёки ваколатли мансабдор шахс) намоён бўлади, иккинчи томондан эса фуқаро майдонга чиқади. Маъмурий ёки жиноий жавобгарликни қўлловчи ваколатли субъект давлат ҳокимияти номидан иш кўради, яъни авторитар методга таяниб ҳуқуқий тартибга солишни амалга оширади.

Демократик жамиятда ҳуқуқий тартибга солиш қуйидаги хусусиятларга эга:

- ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлиги;
- конституциявий тартибга солиш аҳамиятининг ошиши ва кўламининг кенгайиб бориши;
- иқтисодий, сиёсий, маданий ва мафқуравий ҳаёт соҳаларида ҳуқуқий тартибга солиш ролининг ўсиб бориши;
- ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида ижтимоий ўзини ўзи бошқариш ва ижтимоий муносабатларга жамоат таъсирининг ўсиши;
- ижтимоий ҳулқ-атворни олдиндан белгилаш моделлаштириш имкониятларининг ошиб бориши;
- ҳуқуқий тартибга солишнинг халқчиллиги ва самаралилиги;
- ҳуқуқий тартибга солишнинг фаол, ижтимоий характерга эгаллиги.

## **2-§. Ҳуқуқий тартибга солиш механизми ва унинг таркибий қисмлари**

*Ҳуқуқий тартибга солиш механизми* жамиятдаги турли-туман ижтимоий муносабатларга мунтазам равишда ва муайян кетма-кетликда таъсир этиш жараёнидир. Ижтимоий муносабатлар мазмуни ҳамда

ҳуқуқий нормалар руҳи мамлакат интилаётган мақсад ва вазифалар, яъни: бозор иқтисодиётига ўтиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш манфаатлари билан узвий боғлиқ.

**Ҳуқуқий тартибга солиш жараёни** — ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир этиш, уларни амалга ошириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг қатъий белгиланган тартибидир. Ҳуқуқий тартибга солиш ҳар қандай ижтимоий жараён сингари ўз бошланиш ва ниҳояланиш нуқталарига эга. Бу жараён давлат томонидан ҳуқуқий нормалар яратишдан бошланади. Ҳуқуқий норма халқнинг давлат идорасини ўзида ифодаловчи, уни ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига етказувчи восита сифатида вужудга келади ва амал қилади.

Ҳуқуқий тартибга солиш жараёнини **уч асосий босқичга** ажратиш мумкин:

1. ижтимоий муносабатларни меъёрга солувчи юридик норманинг яратилиш босқичи;

2. ҳуқуқий норманинг амал қилиш босқичи;

3. юридик нормада назарда тутилган ҳолатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келганда субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларнинг амалга оширилиш босқичи.

Кўрсатилган уч босқичдан ташқари яна бир боғловчи қўшимча (факультатив) босқич ҳақида гапириш лозим. Бу факультатив босқич **ҳуқуқни қўллашдир**.

Ҳуқуқий тартибга солиш жараёнининг уч босқичига урта муҳим элемент (ҳуқуқий ҳодиса) мувофиқ келади:

а) ҳуқуқий нормалар;

б) ҳуқуқий муносабатлар;

в) субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларни амалга ошириш ҳужжатлари.

Юқорида зикр этилган қўшимча босқичга мувофиқ тарзда ҳуқуқий тартибга солиш механизмида қўшимча (факультатив) элемент — **ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари** майдонга чиқади.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизмнинг ҳар бир элементи, ўз навбатида, ўзига хос кичик тизимни ташкил этади. Чунончи:

— юридик нормаларнинг яратилиш босқичига мувофиқ келадиган



тизимга — ҳуқуқий онг, ҳуқуқ ижодкорлиги ҳужжатлари, норматив юридик ҳужжатлар, ҳуқуқий нормалар, меъёрлар, ҳужжатларни тизимлаштириш, юридик техника ва бошқалар киради;

— юридик нормаларнинг амал қилиш босқичидаги ҳуқуқий муносабатлар тизимига — ҳуқуқ субъекти, юридик фактлар, умумий ва конкрет ҳуқуқий муносабатлар киради;

— ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш тизимига — ҳуқуқий муносабат қатнашчиларининг муайян хатти-ҳаракатлари, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари киради.

Юқорида санаб ўтилган тизимларни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнининг бўғинлари деб аташ мумкин. Ушбу жараёнда амал қиладиган элементларнинг бир бутунлиги ҳуқуқий тартибга солиш механизми ташкил этади.

**Ҳуқуқий тартибга солиш механизми** — ижтимоий муносабатларга жамият ва давлат олдида турган мақсад ҳамда вазифаларга мос равишда самарали ҳуқуқий таъсир этишни таъминловчи юридик воситаларнинг бир бутун тизимидир. Ҳуқуқий тартибга солиш жараёнидаги барча ҳуқуқий воситаларнинг «механизм» ибораси билан изоҳланиши бежиз эмас. «Механизм» — бир қанча мустақил ҳодисалар, қисмларнинг ўзаро алоқадорлик асосида, бир бутун агрегат сифатида ҳаракат қилишидир. Бунда ҳар бир элемент уйғун ва барқарор бирлашиб, бири иккинчисини ҳаракатлантиради. Механизмга аниқ, қатъий ва бир маромда ишлаш хосдир. «Механизм» унсурларнинг оддий йиғиндиси сифатида мавжуд бўлмайди. У таркибий қисмларнинг ўзаро алоқадорлик асосидаги жипслиги билан, бири иккинчисининг мавжудлигини тақозо этиши билан, айнан мана шу ўзаро муносабатлар негизида ҳаракатланиши, ривожланиши ва такомиллашиши билан тавсифланади. Ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида намоён бўлувчи қисмлар ягона бир бутун механизмни ташкил этади.

«Ҳуқуқий тартибга солиш механизми» тушунчаси «ҳуқуқий устқурма» (ёки устқурманинг ҳуқуқий қисми) тушунчасига яқин туради. Ҳар икки тушунча таркибига ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва бошқа ҳуқуқий воқеликлар киради. Бироқ, бу унсурлар ягона механизм-

нинг таркибий қисмлари сифатида таҳлил қилинганда эътиборни ҳуқуқий устқурманинг динамик томонга, ҳуқуқий таъсир этиш жараёнидаги юридик воситаларнинг бир бутун тизимдаги ўзаро ҳаракатига қаратиш лозим.

«*Ҳуқуқий тартибга солиш механизми*» тушунчаси ёрдамида ҳар бир ҳуқуқий институт (воқелик) нинг ҳуқуқий тартибга солиш тизимидаги ўрни ва ролини аниқлаб олиш мумкин. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, механизм таркибига кирувчи ҳуқуқий институт бутуннинг таркибий қисми сифатида янги хусусиятларга эга бўлади.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг дастлабки элементини — *ҳуқуқий нормалар* ташкил этади. Ҳуқуқий нормаларда давлат-ҳокимият иродаси баён этилади, ушбу норма орқали ўрнатилаётган ҳуқуқий талаб тартибга солинаётган ижтимоий муносабат иштирокчиларига етказилади. Ҳуқуқий нормада ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва бурчлари, ваколатлари доираси, шунингдек уларни амалга ошириш воситалари кўрсатилади.

Ҳуқуқий норманинг махсус функцияси шундаки, у норматив тарзда ҳуқуқий муносабат чегараларини ўрнатади. Унда хулқ-атвор ва юриш-туришнинг андозаси (моделли) белгиланади. Айнан ана шу юриш-туриш қоидалари ҳуқуқий тартибга солиш асоси бўлиб хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида фуқароларнинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Бу — умумий конституциявий — ҳуқуқий қоида. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 57, 72-моддаларида ишга жойлашиш ва қабул қилиш билан боғлиқ меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар назарда тутилган. Ишга қабул қилиш ёзма тарзда тузиладиган меҳнат шартномаси орқали амалга оширилади. Бу ерда юқоридаги конституциявий қоида аниқлаштирилаётганини кўрамиз. Бирок, у ҳали ҳаётга татбиқ этилаётгани йўқ. Меҳнат кодексининг юқоридаги моддалари ишга жойлашиш ва қабул қилиш билан боғлиқ меҳнат-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишни назарда тутди. Мазкур норманинг мавжудлиги ҳали юқоридаги меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар ҳал этилганлигини аниқламайди, албатта. Бу масаланинг ҳуқуқий ечимига эришиш учун муайян фуқарони ишга қабул қилиш тўғрисида иш берув-

чининг (корхона маъмуриятининг) аниқ индивидуал ҳужжати (буйруғи, фармойиши) чиқарилиши лозим (МК нинг 82-моддаси). Ушбу мисолимизда МК 57 ва 72-моддаларидаги ҳуқуқий нормалар тегишли меҳнат-ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш учун асос вазифасини ўтайди.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг иккинчи элементи — **ҳуқуқий муносабатлардир**. Ҳуқуқ нормаси айнан ҳуқуқий муносабат орқали ҳаётга жорий этилади, субъектив ҳуқуқ ва бурчларга риоя этилади, улардан фойдаланилади ва тегишли талаблар бажарилади. Муайян субъектив ҳуқуқ ва бурчларнинг хусусиятлари ҳуқуқий норманинг тартибга солишдаги таъсир этиш характериға боғлиқ. Ҳуқуқий нормаларнинг ваколат берувчи, мажбур этувчи ва ман қилувчи турларига мос равишда тартибга солувчи ва қўриқловчи ҳуқуқий муносабатлар турлари намоён бўлади. Тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар мажбур этувчи, ваколат берувчи ва ман этувчи муносабатларга бўлинади.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг учинчи элементи — **субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш ҳужжатлари (ҳаракатлари) дир**. Бу ерда сўз ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ нормаларига риоя этиш, бажариш ва фойдаланиш шаклидаги реал амалий хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори ҳақида бормоқда. Мазкур ҳаракатлар содир этилиши билан қонун чиқарувчи идора режалаштирган мақсад амалга ошади ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш механизми фаолияти якун топади.

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари ваколатли давлат идорасининг, мансабдор шахснинг давлат-ҳокимият характеридаги ҳужжатидир. Бу ҳужжатлар ҳуқуқий норма талабларини ҳуқуқий муносабат орқали бевосита ҳаётга жорий этади. Лозим бўлган ҳолларда ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг бажарилиши давлатнинг мажбурлаш кучи билан таъминланади. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари — қарор, фармойиш, буйруқ, ҳукм ва бошқа шакллардан иборат. Бу ҳужжатларда ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари аниқ кўрсатиб берилади.

### 3-§. Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш

Ҳуқуқий тартибга солишнинг энг олий шакли — *конституциявий тартибга солишдир*. Зеро, Конституция мамлакатнинг Асосий қонуни бўлиб, юксак мақомли, ўта нуфузли сиёсий-юридик ҳужжат саналади. У мўътабар ижтимоий-ҳуқуқий қадрият сифатида жамият ва давлат ҳаётининг бош мезони, ижтимоий муносабатларни барқарорлаштирувчи, равон тартибга солувчи таъсирчан воситадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, «...биз мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир»<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизмида Конституциянинг устуворлигини таъминлаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик масаладир. Конституция — мамлакат ҳуқуқий тизимининг ўзаги, унинг мустақкам пойдевори. Конституция нормалари бирламчи, таъсис этувчи характерга эга бўлиб, улар бевосита амал қилади. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас (16-модда, 2-қисм).

Конституция Асосий қонун сифатида мамлакат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида устуворлик қилади, «ҳукмрон» мавқени эгаллайди. Унинг нормалари бошқа қонунларнинг қоидаларидан ҳам юқори-роқ юридик кучга эга. Қолган барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида, унга мувофиқ тарзда ва унинг ижроси учун чиқарилади. Башарти, қонунлар Конституцияга зид келиб қолса, ёки унда белгиланган тартибларни бузиб ишлаб чиқилган ва қабул қилинган бўлса, улар ўз кучини йўқотиши шарт.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. — Т.: «Ўзбекистон», 2007. 96-б.

Конституция бутун ҳуқуқий тизимнинг уюштирувчи, ҳамжиҳатлаштирувчи маркази, «tizim» ҳосил қилувчи ўзаги бўлиб, барча ҳуқуқ тармоқлари ва қонунчилик соҳаларини шакллантирувчи ҳамда ривожлантирувчи юридик асосдир. Қонунчиликнинг ҳамма соҳалари бевосита Конституция қоидалари ва принципларига таянади. Бинобарин, Конституция қонунчилик тармоқлари вужудга келиши ва амал қилиши учун сарчашма — манба бўлиб ҳисобланади. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, конституциявий нормалар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётнинг энг муҳим томонларини ҳуқуқий тартибга солади. Ана шу маънода **конституциявий тартибга солиш** ҳуқуқий тартибга солишнинг бошқа турларидан фарқ қилади.

Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш мураккаб ички тузилиш (структура) га ва ижтимоий ҳаётнинг алоҳида соҳаларига таъсир этишнинг ўзига хос хусусиятларига эга. У ҳуқуқий тартибга солиш ягона тизимининг махсус қисми сифатида бир қатор хусусиятлар билан тавсифланади, яъни:

- мамлакат миқёсида ягона конституциявий тартибга солишнинг муайян тизимини ташкил этади;
- у умумий-мажбурий, норматив характерга эга;
- ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий сиёсий йўналишини, устувор принципларини белгилайди;
- ижтимоий муносабатларни конституциявий тартибга солиш давлат томонидан энг юксак даражада кафолатланади ва таъминланади.

Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишнинг муштарак тизимлик хусусияти конституциявий қонунчилик нормаларининг ички мутаносиблиги, баҳамжиҳатлиги, ўзаро мантиқий мувофиқлиги ва батартиблигида кўринади. Мамлакат конституциявий қонунчилиги тизими — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва барча конституциявий қонунлар (масалан, «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонун, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ги конституциявий қонунлар) киради.

Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишнинг нормативлик даражаси ҳамда сиёсий-юридик аҳамияти конституциявий қонунчиликни ўрнатиш характери ва тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг муҳимлиги билан белгиланади. Конституцияда мустаҳкамланган принципларнинг ҳаммаси норматив табиатга эга бўлиб, улар мавжуд ҳуқуқий тизим учун, давлат идораларининг ҳуқуқ ижодкорлик ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти учун, фуқаролар, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмалари фаолияти учун устувор, раҳбарий аҳамиятга эгадир. Конституциявий тартибга солишнинг умумий-мажбурий табиатига келганда шуни айтиш керакки, у энг олий даражадаги мажбурийликка эга ва ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг барчаси субъектлари учун бажарилиши шарт бўлган қатъий талабдир.

Мамлакатимизда Конституцияга амал қилиш мажбурияти конституциявий қонунчилик даражасида мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар (Конституциянинг 15-моддаси).

Конституциявий қонунчилик нормаларининг амалга оширилиши иқтисодий, сиёсий, ғоявий ва юридик *кафолатлар тизими* билан таъминланади. Бозор иқтисодиётига асосланган ишлаб чиқариш ривож топгани ҳамда хусусий мулкчилик муносабатлари қарор топгани сайин конституциявий нормалар амал қилишининг иқтисодий заминлари, кафолатлари мустаҳкамлана боради. Шунингдек, мамлакатимизнинг сиёсий тизими демократик тарзда такомиллашиб боргани сайин конституциявий тартибга солишнинг *сиёсий кафолатлари* кучайиб боради. Жамиятнинг ғоявий асослари ва маърифий-маънавий камолоти таъминланиб, тобора юксалиб боргани сайин конституциявий тартибнинг *ғоявий-маънавий кафолатлари* ривож топади. Конституциявий тартибга солишнинг юридик механизми эса Конституция амал қилишининг барча ҳуқуқий воситалари ҳамда усуллари йиғиндисини қамраб олади. Конституция нормалари қонунийлик принципига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Худди шу нарса конституциявий тартибга солишнинг *юридик кафолатини* ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси устуворлигини таъминлашнинг, унга риоя қилишнинг алоҳида муҳофаза механизми вужудга келтирилган. Бундай механизмнинг асосий ва марказий бўғинини *Конституциявий суд* ташкил этади. У қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ҳужжатларининг конституциявийлиги тўғрисидаги ишларни кўриб ҳал этади. Ўзбекистон Республикасининг «Конституциявий суд тўғрисида» ги (1995 йил 30 август) қонунига мувофиқ, Конституциявий суд мамлакатимизда конституциявий назоратнинг олий судлов органи ҳисобланади. Конституциявий суд барча давлат органлари томонидан чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг, Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари ва бошқа мажбуриятларининг Конституцияга тўла мос бўлишини кузатиб туради; Қорақалпоғистон Конституцияси, қонунлари ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради; Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас (Конституциянинг 109-моддаси).

Конституциявий тартибга солиш жамиятда етакчи ҳамда нуфузли ўринни эгаллайди. У олий даражадаги ҳуқуқий тартибга солишдир. Конституция нормалари ўз юридик кучи жиҳатидан бошқа оддий ҳуқуқий нормалардан сўзсиз устувор бўлганлиги учун конституциявий тартибга солиш юксак юридик мақомга, шунингдек муҳим ижтимоий-сиёсий мазмунга эга.

Ҳўш, конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш қандай ижтимоий муносабатларни қамраб олади? Бундай тартибга солишнинг предмети ни жамият ва давлат ҳаёт фаолиятининг энг муҳим жиҳатлари, шунга оид асосий ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Бу ижтимоий муносабатлар — жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, социал ва маданий ривожланишини, Ўзбекистон давлат ички ва ташқи сиёсати асосларини, республикада инсон (фуқаро) ҳуқуқлари ва эркинликларини устувор таъминлашни акс эттирувчи, хусусий мулкчиликка асосланган барқарор бозор иқтисодиётининг қарор топиши билан боғлиқ муносабатлардир. Ушбу муносабатлар жамият ва давлатимизнинг моҳиятини ҳамда асосий хусусиятларини ифода этади.

Конституциявий-ҳуқуқий тарзда тартибга солинувчи ижтимоий муносабатларни бир неча йирик мажмуаларга ажратиш мумкин:

— жамиятнинг иқтисодий тизими, хусусий ва бошқа шаклдаги мулкчилик ҳамда тадбиркорлик асосларини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар;

— мамлакат сиёсий тизими ва давлат тузуми асосларини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар;

— шахснинг ҳуқуқий мақоми асосларини белгиловчи инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш тизими оид ижтимоий муносабатлар;

— мамлакатимизнинг давлат тузилиши шакли, маъмурий-ҳудудий тузилиши, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқий мақоми асосларини белгилашга оид ижтимоий муносабатлар;

— сайлов тизими, Парламент, Президент, Ҳукумат, суд ҳокимияти, маҳаллий давлат вакиллик ва ижроия идораларининг ҳуқуқий мақоми, ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ва ҳоказо.

**Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш механизми** (аввалги параграфда таъкидланганидек) уч элемент: конституциявий нормалар; конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар; конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш ҳужжатлари ташкил этади. Ушбу механизмнинг норматив асосини ташкил этувчи юридик нормалар ўзининг энг олий сиёсий-юридик кучи, юксак барқарорлиги ва жамият ҳамда давлат томонидан қатъий таъминланиши билан ажралиб туради.

Конституциявий нормалар асосида таркиб топган ҳуқуқий муносабатлар умумий мазмун касб этади ва тармоқ ҳуқуқий муносабатлари (яъни, конкрет муносабатлар) учун асос вазифасини ўтайди. Улар ўзининг доимий барқарорлиги, узоқ муддатга мўлжалланганлиги ва субъектларнинг юқори умумий ҳуқуқий ҳолатини ифодалаши билан тавсифланади. Бундай муносабатларнинг субъектлари: давлат, халқ, миллатлар, Қорақалпоғистон Республикаси, давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, ва фуқаролар ҳисобланади. Конституциявий қонунчилик нормаларини амалга ошириш ҳар қандай ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш сингари **риоя қилиш, бажариш, фойдаланиш** ва **қўллаш** шаклида бўлиши мумкин.



Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг хусусиятларидан бири Конституция нормаларининг жорий қонунлар томонидан конкретлаштирилиши ҳамда бевосита амалга оширилишидир. Қонун нормалари, ўз навбатида, Президент фармони, Ҳукумат қарори, давлат бошқарув идоралари ва ҳуқуқни қўлловчи органлар ҳужжатлари орқали ҳаётга жорий этилади.

Шундай қилиб, жамият ва давлат ҳаётини конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш, унинг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг янада илдам қадамлар билан мустақиллик йўлидан олға қараб ривожланишининг ишончли гаровидир.

#### **4-§. Ҳуқуқий тартибга солишнинг ижтимоий ва руҳий механизми**

Ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир этиш жараёнининг ички тузилишини (структурасини) янада кенгроқ талқин қилиш мумкин. Зеро, бу ниҳоятда серқирра, мазмундор ва турфа хил намоён бўлиш жиҳатларига эга ҳодисадир. Ҳуқуқий тартибга солиш юридик механизмдан ташқари, ижтимоий (социал) ва руҳий (психологик) механизмларга ҳам эга.

Аёнки, ҳуқуқ ижтимоий муҳитда амал қилади. Унинг ҳаракатланишига турли ижтимоий омиллар, ҳаётий вазият ҳамда ҳодисалар таъсир кўрсатади. Илмий адабиётларда ҳуқуқнинг кундалик реал ҳаётда амал қилиш ҳодисаси **ҳуқуқ ҳаракатланишининг ижтимоий (социал) механизми** деб юритилади.

Ҳуқуқ ҳаракатланишининг ёки ҳуқуқий тартибга солишнинг ижтимоий механизми деганда, ҳуқуқий принциплар ва нормаларнинг талабларини ҳуқуқ субъектлари хулқ-атвори ҳамда юриш-туришига айлантириш (сингдириш) билан боғлиқ жараёнга таъсир этувчи ижтимоий ва бошқа ҳаётий омилларнинг ялпи умумий тизими тушунилади. Мазкур жараённинг асосий босқичларига қуйидагилар киради: ҳуқуқ принциплари ва нормалари мазмунини барчанинг эътиборига етказиш; ҳуқуқий актларда ижтимоий фойдали мақсадни ифодалаш орқали ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атворни йўналтириб туриш; ҳуқуқий кўрсатма-

лар ёрдамида ижтимоий фойдали ҳуқуққа мувофиқ ҳуқ-атворни шакл-лантириш; ижтимоий-ҳуқуқий назоратни амалга ошириш.

Ҳуқуқий тартибга солишнинг ижтимоий механизмини тавсифлашда унинг ушбу жиҳатлари алоҳида ўрин тутати:

а) **ҳуқуқий ахборотнинг даражаси ва характери.** Ҳуқуқнинг самарали амал қилиши кўп жиҳатдан ҳуқуқ субъектлари томонидан амалдаги юридик нормаларни билиш ҳамда англаб етиш даражасига боғлиқ. Табиийки, бунда ҳуқуқий қоидаларнинг барчанинг эътиборига қай йўсинда ва қай меъёردа етказилиши муҳимдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли томонидан ҳуқуқий принциплар ва аниқ юридик нормаларни билиш даражаси бир хил эмас. Аҳолининг турли қатламларига ҳуқуқий ахборот ҳар хил йўл ва воситалар орқали бориб етати. Ҳуқуқий ахборотнинг етказилишида оммавий ахборот воситалар — радио, телевидение ва матбуотнинг ўрни алоҳидадир;

б) **ижтимоий муносабат қатнашчиларининг ҳуқуқий эътиқоди ва йўналтирилганлиги.** Ҳуқуқнинг ижтимоий ҳаётдаги ҳаракатланиши шахснинг ҳуқуқий эътиқоди, ўй-фикрларининг йўналтирилганлиги билан боғлиқ. Зеро, ҳуқуқнинг амал қилиши ҳуқуқ соҳибларининг нафақат ахборотланганлик даражаси билан, балки ҳуқуқий норма талабларига риоя этиш ва уни бажаришга бўлган шахсий ички қатъиятнинг шаклланганлик даражаси билан ҳам боғлиқ. Янада аниқроқ ифода этадиган бўлсак, шахс ҳуқуқий мақсад, вазифа ҳамда идеалларни бажариш ва эгаллашга қанчалик йўналтирилганлиги назарда тутилмоқда;

в) **ҳуқуқ амал қилишининг ижтимоий оқибатлари.** Юридик нормалар амал қилишининг оқибати — ҳуқуқий талабни амалга оширишнинг якуний натижасигина эмас, балки ҳуқуқ ҳаракати кейинги босқичларининг бошланғич нуқтаси ҳамдир. Ҳуқуқнинг ижтимоий ҳаракати «қайта боғланиш» механизми (ҳуқуқий онг, юридик ва суд амалиёти, даврий ҳуқуқ ижодкорлиги) орқали ҳуқуқий тартибга солиш жараёнига, уни йўналтиришга ва тузатишга таъсир кўрсатади;

г) **ижтимоий муҳит.** Ҳуқуқнинг, шунингдек бутун юридик воситалар тизимининг ҳаракатланиши муайян ижтимоий муҳитда рўй беради. Бунда жамият, давлат, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари

ҳамда фуқаролар томонида ҳуқуққа, қонунийликка муносабат намоён бўлади. Мазкур муҳитда мавжуд муайян шарт-шароит, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг ва тартибий ҳолати майдонга чиқади. Ҳуқуқ ҳаракатланадиган ижтимоий муҳитнинг муҳим жиҳатларидан бири жамиятдаги қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот режимини қамраб олувчи умумий ҳолат — «ҳуқуқий иқлим»дир.

Таҳлил этилаётган механизмда ҳуқуқнинг ҳаракатланишига турли ижтимоий омиллар таъсир кўрсатади.

Ижтимоий омиллар ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжларини аниқлашга, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг хулқ-атвориغا, юридик норма қўлланаётган масаланинг мазмунига у ёки бу шаклда таъсир ўтказувчи ижтимоий ҳаёт ҳодисаларидир. Ижтимоий омиллар иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий тараққиётнинг объектив қонуниятларини ўзида намоён этади. Ижтимоий омилларни қуйидагича туркумлаш мумкин: иқтисодий, демографик, экологик, жўғрофий, сиёсий-ҳуқуқий, ғоявий-руҳий, ижтимоий-маданий, миллий, байналмилал, илмий, ташкилий-техникавий ва бошқа омиллар.

Ҳуқуқий тартибга солиш жараёнининг руҳий механизми ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шахснинг иродаси, ақлий салоҳияти (интеллекти), мотиви, мақсади, эътиқоди каби фазилатлари ҳуқуқ ҳаракатланишининг руҳий механизми замирида ётади. Қонун чиқарувчи идора ижтимоий муносабатларни тартибга солишда инсонларнинг руҳий хулқ-атвори хусусиятларини инобатга олади. Чунки ҳуқуқий тартибга солиш — бу онгга, иродага, эҳтиросга, мураккаб мотивли хулқ-атворга эга бўлган инсонларни бошқаришдир. Ҳуқуқ воситасида инсон хулқ-атворининг мотивлари («ички истак — интилиш») шакллантирилади. Юридик нормада ўрнатилаётган тақиқ, ман этиш ёки ижозат бериш, рағбатлантириш усуллари билан, аввало, инсон руҳиятига таъсир этилади. Шу тариқа инсон руҳиятининг ташқи ифодаси бўлмиш юриш-туриши, хулқ-атворининг ўзгаришига эришилади.

Ижобий хатти-ҳаракатларни содир этишга сабаб бўлувчи фаол хулқ-атворни рағбатлантирувчи **ундовчи мотивларни** шакллантириш ҳуқуқий тартибга солишнинг бош мақсадидир. Ундовчи мотивларни шакллантириш икки йўл билан амалга оширилади:

**биринчиси** — фаол хатти-ҳаракат содир этиш мажбуриятини юк-лаш;

**иккинчиси** — ижобий хатти-ҳаракатни содир этиш ҳуқуқини бериш (ижозат бериш).

Шундай қилиб, ҳуқуқий тартибга солишнинг юридик, ижтимоий, руҳий механизмлари жамулжам инобатга олинган тақдирдагина кўзланган самарага эришиш мумкин.

## XXI Б О Б ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБОТ. ИНТИЗОМ

### 1-§. Қонунийлик тушунчаси, моҳияти ва вазифалари

Қонунийликнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни беқиёс. Демократик давлат қонуннинг юксак ва мустаҳкам нуфузисиз бирор маъно касб этмайди. Қонунийлик ва қонун устуворлиги мамлакатдаги янгиланиш ва модернизациялаш сиёсатининг негизини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов уқтирганидек, «Қонуннинг устуворлиги — ҳуқуқий давлат фаолият кўрсатишининг зарурий шартидир»<sup>1</sup>.

**Қонунийлик** — кенг қамровли, мураккаб ҳодиса сифатида давлат ва ҳуқуқ назариясида муҳим ўрин тутади. Адабиётларда қонунийликнинг у ёки бу қирраларини ёритувчи таърифлар кўп тарқалган. Бунда қонунийликни давлат органларининг фаолияти принципи, ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос сиёсий-ҳуқуқий тартиби, қонун талабларининг аниқ бажарилиши сифатида тушуниш учрайди. Жумладан, «қонунийлик — ижтимоий ҳаётда ҳуқуқ ва қонун ҳукмронлигидан, ижтимоий муносабатлар барча иштирокчилари томонидан ҳуқуқий нормалар кўрсатмаларини оғишмай амалга ошириш, жамиятда тартиб ва уюшқоқликни таъминлашдан иборат ижтимоий-сиёсий режимдир»<sup>2</sup>. Академик В.Н.Кудрявцев эса, қонунийликни, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни қабул қилиш ва бекаму кўст амалга ошириш орқали ижтимоий муносабатларни ташкил этишдан иборат ижтимоий ҳаётнинг муайян тартиби, давлат бошқарув усули<sup>3</sup> сифатида талқин этади. Ҳуқуқшуносликка оид адабиётларда қонунийликни ҳуқуқ ҳодисасининг ниҳоятда муҳим жиҳати сифатида талқин этиш учрайди. Унга кўра, **қонунийлик** — давлат қонунларида, қонун ижодкорлигида, бош-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўз йўли. — Т., 1993. 63-б.

<sup>2</sup> Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т., 2007. 855-б.

<sup>3</sup> К а р а н г: Кудрявцев В.Н. Законность: содержание и современное состояние // Законность в Российской Федерации. — М., 1998. С. 4.

қа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратишга йўналтирилган ҳуқуқ ижодкорлигида ҳуқуқнинг аниқ расмийлаштирилиши ғояси, талаби ва тизими (тартиби)дир<sup>1</sup>.

Қонунийлик серқирра, турли шаклларга эга ҳодиса. Академик В.С. Нерсесянц қонунийликни қонунлар ва уларни ҳаётга татбиқ этиш муносабати билан алоқадор бир хил талаблар йиғиндиси сифатида таърифлайди. Ушбу талабларнинг энг муҳимлари сирасида куйидагиларни кўрсатиб ўтади: *биринчидан*, қонунларнинг улар йўналтирилган субъектлар томонидан аниқ ва бекаму кўст бажарилиши; *иккинчидан*, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иерархиясига риоя этилиши; *учинчидан*, қонунийлик ўзида қонуннинг қатъийлигини, яъни қонунни қабул қилган органдан ташқари, уни ҳеч ким бекор қила олмаслиги талабини мужассам этади<sup>2</sup>.

Жамиятда қонунийлик турли шаклларда намоён бўлади: *аввало*, Конституция ва қонунларни ўтмиш ва ҳозирги даврнинг илғор ғоялари билан суғорилганлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигининг таъминланганлиги, қонунларнинг адолатлилиги ва халқ манфаатига хизмат қилишга асосланганлигида; *иккинчидан*, қонуннинг устуворлиги, яъни қонунларнинг конституцияга, қонун ости норматив ҳужжатларнинг қонунларга мос келишида; *учинчидан*, давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга оғишмай, сўзсиз риоя қилишида.

Қонунийликни тор ва кенг маънода тушуниш мавжуд. *Тор маънода қонунийлик* — барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор ва юридик шахслар ҳамда фуқаролар томонидан амалдаги қонунларга аниқ ва оғишмай риоя қилиш.

*Кенг маънода қонунийлик* давлатнинг қонун яратувчилик ва уни ҳаётга татбиқ этиш фаолиятини ҳам қамраб олади. Қонун нормалари-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Витрук Н.В. Законность: понятие, защита и обеспечение. Конституционная законность и конституционное правосудие// Общая теория государства и права. Академический курс: В 2 т./ Под ред. М.Н.Марченко. — М., 1998. С. 15.

<sup>2</sup> Қ а р а н г: Проблемы общей теории права и государства. Учебник для вузов / Под общ. ред. проф. В.С.Нерсесянца. — М., 2008. С. 465.

нинг юқори савияда ижод этиш ишини ташкил этмай, қонунларни жамият тараққиёти даражасига мослаштириб боришга йўналтирилган фаолиятни йўлга қўймай туриб ижобий натижага эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳаёт талабларига жавоб берадиган янги қонунлар қабул қилиш, янги шарт-шароит ва талабларга жавоб беролмайдиган эски қонунларни бекор қилиш зарурияти туғилади. Қонун ижодкорлигини такомиллаштириш қонунийликни мустақкамлашдаги энг муҳим шартдир.

Қонунийлик ҳуқуқнинг мавжудлиги, жамиятда чинакам демократик муҳит ва ҳуқуқий тартибнинг ўрнатилганлигидан далолат беради. Зеро, Амир Темур таъкидлаганидек, «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади».

Демократик давлатда қонунийлик барчанинг қонун олдида тенглигини англатади. Барча тенг мажбурият олади ва қонунийлик бузилганда тенг жавобгарликка тортилади. Жамиятда қонунийликнинг бузилиши қўйидагича намоён бўлиши мумкин: *биринчидан*, давлат ҳокимияти органлари конституция ва қонунларга тўла риоя қилмаганда; *иккинчидан*, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунлар, қонун ости ҳужжатлари ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этмаганида; *учинчидан*, давлат органларининг конституция ва қонунларга зид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиб, улар асосида фаолият юритганида; *тўртинчидан*, ваколатли давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг амалдаги ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаганида ва ҳоказо.

Жамиятда қонунийликнинг таъминланишига эришиш, қабул қилинаётган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ келиши ва уларга зид бўлмаслиги ҳамда ҳуқуқий нормаларни қонунларга мувофиқ қабул қилинишини тақозо этади. Қонунлар қанчалик такомиллашса, ижтимоий ҳаёт талаблари қанчалик тўла акс эттирилса, улар кишилар онгига шунчалик кучли таъсир этади ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий нормаларни ўз ихтиёрлари билан амалга оширишларига эришиш мумкин.

## 2-§. Қонунийлик принципилари ва кафолатлари

Жамиятда қонунийликни таъминлашга бир қанча муҳим принципларга риоя қилиш орқали эришилади. Қонунийликнинг ўзига хос хусусиятлари унинг қуйидаги принципларида ифодаланади:

**1. Қонунийликнинг ягоналиги.** Қонунлар мамлакат ҳудудида бир хилда қўлланилади. Қонунийлик барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатнинг бутун ҳудудида ягона маъно касб этиши, бир хилда қўлланиши, ҳамманинг қонун олдида тенглиги, аҳолининг бирон-бир гуруҳи учун имтиёз ва чеклашлар йўқлигини билдиради. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар».

Республикада қонуннинг ягоналиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, *биринчидан*, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларини унинг бутун ҳудудида амал қилишини ва барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун асосида қабул қилиниб, уларга зид бўлмаслигини англатади. *Иккинчидан*, Ўзбекистон қонунлари унинг ижтимоий ва давлат тузумини, барча миллат ва элатларнинг манфаатларини кўриқлайди. *Учинчидан*, мамлакатнинг бутун ҳудудида қонунлар бир хилда қўлланилади.

**2. Қонуннинг устуворлиги ва ҳамма учун мажбурийлиги.** Жамиятда қонунлар олий юридик кучга эга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаммаси қонун асосида қабул қилинади. Бирор-бир ҳуқуқий норма қонунга зид бўла олмайди, агар қонун билан бошқа ҳуқуқий норма ўртасида шундай номувофиқлик пайдо бўлса, бундай ҳолда қонун амал қилади. Бу принцип Конституциямизнинг 15-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унда шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».



**3. Қонунийлик ва мақсадга мувофиқлик принципи.** Мамлакат ҳудудида амалдаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқ бажариш ҳар қайси давлат органи, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун шартдир. Аммо, барча фуқаролар ҳам амалдаги қонунларга бир хилда ихтиёрий ва виждонан риоя қилавермайдилар. Айрим фуқаролар қонун талабларини бажармайди ва амалдаги баъзи қонунларнинг эскириб қолганлиги ҳамда уларни ҳозирги давр талабларига жавоб бермаслигини рўкач қиладилар. Мамлакатда ўрнатилган қонунчилик тартибига кўра ваколатли орган томонидан амалдаги қонунлар расмий равишда бекор қилингунига қадар у юридик кучга эга бўлади ва унга риоя қилиш ҳамма учун мажбурийдир. Жамиятда ўзининг юридик аҳамиятини йўқотган бирор-бир қонун йўқ. Агар қонунларнинг бирортаси жамият манфаатларига зид ёки унинг талабларига тўғри келмайдиган бўлса, бундай ҳолда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар мазкур қонунларни бекор қилиш тўғрисидаги ташаббус билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига мурожаат этадилар. Қонун ўрнатилган тартибда бекор қилингандагина, ўзининг юридик кучи ва аҳамиятини йўқотган ҳисобланади.

**4. Қонунийликнинг аҳоли маданий даражаси билан боғлиқлиги.** Қонунийлик маданиятни оширишга, ўз навбатида, маданиятнинг ривожланиши эса қонунийликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Қонунийлик аҳолининг ҳуқуқий маданият даражаси билан бевосита боғлиқ. Жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражаси қанчалик юқори бўлса, қонунларга риоя қилиш ва уларнинг бажарилиши шунчалик самарали бўлади. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданият даражаси юқори бўлмаса, бунда қонунийликка эришиш амри маҳол. Башарти, фуқаролар қонун чиқарувчи органнинг қонунларда мустаҳкамланган эрки — иродаси, унда қўйилган талабларни билмас экан, бундан ижобий натижа кутиб бўлмайди. Асосийси, фуқаролар қонунларда қандай имтиёзлар берилганлиги ёки қандай ҳаракатлар тақиқланганлигидан беҳабар қолади. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» қабул қилинган

бўлиб, у ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий тафаккур ва маърифатни шакллантиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатда қонунийликни таъминлашда уларни кафолатлаш муҳим аҳамият касб этади. Қонунлар орқали кишилар ўртасидаги муносабатлар тартибга солинар экан, уларни ҳаётда тўғри татбиқ этиш учун қонунийлик тегишли усуллар воситасида амалга оширилади. Бундай усуллар давлат томонидан белгиланган бўлиб, *қонунийлик кафолатлари* деб аталади.

**Қонунийлик кафолатлари** деганда ҳуқуқлардан фойдаланиш ва юридик мажбуриятни амалга оширишга имкон берувчи ижтимоий тараққиётнинг объектив шарт-шароитлари ва давлат ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан махсус ишлаб чиқилган турли-туман усул ва воситалар тушунилади. Қонунийликни кафолатлаш жамиятда қабул қилинган қонунларни ижтимоий ҳаётга татбиқ этишнинг гарови ҳисобланиб, давлат уларни кўриқлаш ва мустаҳкамлашни таъминловчи иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, юридик, маънавий ва бошқа омилларга таянади. Агар қонунлар давлат томонидан кафолатланмаса, у ижтимоий муносабатларни тартибга солишда юридик аҳамиятга эга бўлмайди.

Қонунийликни амалга оширишнинг *иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, ижтимоий, жамоатчилик, ҳуқуқий* каби кафолатлари мавжуд.

**Иқтисодий кафолатлар** — жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, самарали солиқ тизими, юқори даражадаги ишлаб чиқариш, моддий неъматларнинг адолатли тақсимооти тизимининг мавжудлиги, иқтисодиётнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилганлиги билан белгиланади. Шунингдек, қонунийликнинг иқтисодий кафолати хилма-хил мулк шакларининг мавжудлиги, монополиянинг чекланганлиги, ижтимоий инқирознинг йўқлиги, фуқароларнинг юқори даражада ижтимоий ва моддий таъминланганлиги билан ҳам тавсифланади.

Жамиятда қабул қилинган ҳар бир қонун ўзининг иқтисодий негизига эга бўлиши лозим, чунки ҳуқуқий нормаларнинг амалиётга татбиқ этилиши учун муайян сарф-харажатлар талаб қилинади. Агар қонун қабул қилинса-ю, лекин у иқтисодий жиҳатдан таъминланмаса, амалиётга татбиқ этила олмайди. Аёнки, қонун нормаларини амалга ошириш бевосита иқтисодий манбаларга таянади.

**Сиёсий кафолатлар** — давлат ва унинг фаолиятини юқори даражада ташкил қилинганлиги, ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг жорий этилганлиги, давлат органларининг Конституция асосида тузилганлиги, демократик сиёсий тартибнинг мавжудлиги ва бошқаларда намоён бўлади. Сиёсий кафолатлар мазмунини демократиянинг мустақамланиши, давлат ва жамият қурилиши, ошкоралик тарзида жамоатчилик томонидан маъмурий органлар фаолиятини назорат қилишнинг кенгайиши, адолатли сиёсий тизимнинг шаклланиши ва ривожланишига эришиш ташкил этади. Конституцияда белгилаб қўйилган сиёсий нормаларни амалга ошириш учун фуқароларнинг эркин фикрлашига шароит яратилиши, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига нисбатан цензурага йўл қўйилмаслиги каби талаблар бажарилиши лозим.

**Мафкуравий кафолатлар** — жамиятда ҳурфикрлилик, сўз ва фикр, маънавий ривожланиш эркинлиги, диний бағрикенгликнинг амал қилиши ва инсонларнинг юқори маънавиятга эгалигида намоён бўлади. Аҳоли қонунларни муқаддас билиб, уни ҳурмат қилиши ҳамда унга сўзсиз бўйсунушига ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий тарбияни йўлга қўйиш, омманинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали эришиш мумкин.

**Ижтимоий кафолатлар** — бунда қонунлар қабул қилишда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг манфаатлари устувор инobatта олиниши лозим. Зеро, давлат томонидан қабул қилинган қонунлар олдида мамлакат барча фуқаролари тенг бўлиб, қонун талабларини жамиятнинг барча аъзолари бирдай қабул қилиши шарт. Шу боис қонун қабул қилиш жараёнида унинг нормаларида жамиятнинг барча ижтимоий қатламлари манфаатларининг инobatта олиниши қонунийликка эришишнинг гаровидир. Шунингдек, қонунийликка эришишда мамлакатда кучли ижтимоий сиёсатни, яъни аҳолининг бандлик даражаси юқорилиги, ишсизликдан ҳимояланишнинг кафолатланганлиги, аҳоли кам таъминланган қисмининг давлат томонидан ижтимоий ҳимояланганлиги катта аҳамият касб этади.

**Жамоатчилик кафолати** — қонунларни амалга оширишда фақатгина давлатнинг ташаббуси етарли эмас. Қонунларнинг ижросини таъ-

минлашда давлат органларидан ташқари, мансабдор шахслар, айниқса кенг жамоатчилик — маҳалла, мактаб ва бошқа таълим муассасалари, хотин-қизлар кенгаши, ёшлар ижтимоий ҳаракати, нодавлат ташкилотлар, касаба уюшмалари муҳим ўрин тутати. Шунинг учун мазкур жамоат бирлашмалари қонунларнинг амалга оширилиши ҳамда улар бузилишининг олдини олишда фаол иштирок этишлари лозим. Фуқаролик жамияти институтлари қанчалик фаол ва кучли бўлса, қонунийликнинг жамоатчилик томонидан кафолатланиши шунчалик таъсирчан бўлади.

**Ҳуқуқий кафолатлар** — қонунчилик фаолияти ва ҳуқуқий тизимнинг мукамаллиги, жамият, давлат ва фуқароларнинг юқори даражада ҳуқуқий онг ва маданиятга эгаллиги, юридик амалиёт ва юридик фан (таълим) нинг ривожланганлиги билан белгиланади. Ҳуқуқий кафолат қонунийликни таъминловчи кафолатларнинг бошқа турларидан кескин фарқ қилади ҳамда самаралироқдир. Чунки, ҳуқуқий кафолат қонунлар амал қилиши учун асосий гаров ҳисобланади. Бунда ҳуқуқий нормаларнинг такомиллашуви, уларнинг бекаму кўст татбиқ этилиши, шунингдек ҳуқуқий нормалар бузилишининг олдини олишда мансабдор шахсларнинг фаолияти ва масъулияти катта ўрин эгаллайди.

Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш ва қўриқлашда ҳуқуқий кафолат икки усулга, яъни: ишонтириш ва мажбурлаш усулларига таянади.

**Ишонтириш усули** кенг халқ оммасига қонунлар ва ҳуқуқий нормалар мазмунини тушунтириш орқали, улар онгига сингдириш ва бошқа тарбиявий чоралар қўриш йўли билан амалга оширилади. Бунда қонунларга ихтиёрий риоя қилинишига эришилади.

**Мажбурлаш усулида** қонунлар ва бошқа ҳуқуқий нормалар бузилган тақдирда, давлат органлари томонидан мажбурий чоралар қўллаш амалга оширилади. Шу тариқа қонуннинг бажарилишига эришилади. Умуман қонунийликни таъминлаш ва ривожлантиришда, авваламбор мажбурлаш эмас, балки ишонтириш усули асосий ўрин тутати. Қачонки ишонтириш кўзланган натижани бермаса, ҳуқуқбузар шахс амалдаги ҳуқуқий ва ижтимоий тартиботга қарши ўз ҳаракатини давом эттирса, шу вақтдагина мажбурлаш усули қўлланилиши мумкин. Маж-

бурлаш ҳамма вақт ишонтиришга асосланади. Ишонтириш усули ҳуқуқда мустаҳкамланган юриш-туриш қоидаларини таъминлаш мақсадида жамият аъзолари онгига давлат ва жамоат ташкилотларининг фаол таъсир қилишидир. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашда жамоатчиликка таяниш ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг устувор талабидир.

### **3-§. Қонунийликни таъминлашда Конституциянинг аҳамияти**

Конституциямиз — Асосий қонун сифатида, барча қонунларнинг, ҳуқуқий тизимнинг ўзагидир. У халқ манфаатини ифода қилади, халқ ҳокимиятчилигини таъминлайди. Унда халқнинг асосий иродаси ва интилиши ҳар томонлама ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдига олий мақсад қилиб қўйган ва ушбу мақсад йўлида жадаллик билан одимламоқда. Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари сифатида: ҳуқуқ ҳукмронлигининг тан олинганлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланганлиги, ҳокимиятларнинг тақсимланганлиги, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, ривожланган фуқаролик жамияти мавжудлиги ва бошқаларни эътироф этиш лозим.

Конституция ва қонунларнинг устунлиги — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ва ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг асосий принциплардан бири сифатида мустаҳкамланган. Бу ҳуқуқий давлат бош мезонининг амалдаги ифодасидир. Ушбу раҳбарий ғоянинг фаол ҳаракатини, ижросини таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳуқуқ ва эркинликлар фақат қоғозда эмас, балки, амалда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ҳар бир фуқаро конституциявий ҳуқуқларини тўла англаб, улардан амалий ҳаётда равон фойдаланиш имкониятига эга. Жамият аъзоларининг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ва фуқаролик мажбуриятларини чуқур англаб этишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» (1997 йил 29 август), Ўзбекистон Республикаси Президентининг

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши (2001 йил 4 январь) ва шу каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ҳуқуқни билиш ва англаш ҳуқуқий тарбияни тўғри йўлга қўйишни талаб қилади. Ҳуқуқий саводхонлик дастлаб конституциявий қоидаларни ўрганишдан бошланади. Мамлақатимизда Конституцияни ўрганиш, унда мужассамланган ғоя ва талабларни аҳоли, айниқса ёшлар онгига сингдириш фаолияти мунтазам тус олди. Оммавий ахборот воситаларида Конституциянинг мазмуни, моҳияти, жамият ҳаётида тутган ўрни, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги аҳамиятини ёритиш кенг ўрин эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-бобида Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи мустақамланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қўрадилар. Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормаларига ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас (15—16-моддалар).

Қонунийликнинг белгиларидан бири бўлган барча ҳуқуқ субъектлари учун қонун талабларининг истисносиз мажбурийлигини жамиятдаги демократик тенг ҳуқуқлилиқ принципидан ажратиб бўлмайди. Қонун ҳамма учун жорий қилинади. Қонун олдида ҳамма тенг. Қонунни бажармаганлик ёки бузганлик учун ким бўлишидан қатъи назар, жавобгарликка тортилади ва бунинг учун у асос ҳисобланади. Жамиятда давлат органлари ва жамоа ташкилотлари, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун қонун (ҳуқуқ) талабларига риоя этиш мажбурияти тенгдир.

Шундай қилиб, Конституция жамият ҳаётида қонунийликка риоя этилишининг негизи ҳисобланади. Фуқароларнинг умумий маданий савияси, давлат аппарати хизматчиларининг ҳуқуқий билим даражасининг юксақлиги қонунийликни таъминлашнинг муҳим омилидир.

#### 4-§. Ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартиботи. Интизом

Ҳуқуқни амалга ошириш ва ҳуқуқий норма талабларини бажариш қонунийликнинг асосий талабидир. Бу талабнинг амалга оширилиши, эркин ижтимоий муносабатларда шундай тартибни ўрнатишга олиб келиши керакки, бунда субъектив ҳуқуқ қаршиликсиз амалга оширилиши, юридик мажбуриятлар эса оғишмай бажарилиши лозим. Қонунийлик асосида ўрнатилган бундай тартибот *ҳуқуқий тартибот* дейилади. Демак, ҳуқуқий тартибот қонунийлик талабларини амалга ошириш асосида вужудга келган ижтимоий муносабатларнинг муайян ҳолатидир. Қонунийлик билан ҳуқуқий тартибот бир-биридан фарқ қилади: қонунийликнинг мазмуни ҳуқуқий нормаларга қатъий ва оғишмай риоя этишда ифодаланса, ҳуқуқий тартибот эса, ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-атвори, уларнинг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларига мувофиқ келишида ифодаланади. Давлат жамиятда ўрнатилган ҳуқуқий тартиботнинг бош қафолатидир. Шундай қилиб, ҳуқуқий тартибот — ҳуқуқий муносабатлар доирасида, мазкур муносабатларнинг иштирокчилари ўз субъектив ҳуқуқларини амалга оширишлари ва юридик мажбуриятларини бажаришлари натижасида вужудга келади.

Қонунийликни амалга ошириш ҳуқуқий тартиботни таъминлаш воситаларидан бири бўлса, ҳуқуқий тартиботни мустақкамлаш эса, ўз навбатида қонунийликни мустақкамлашга ёрдам беради.

*Ҳуқуқий тартибот* — ҳуқуқий нормаларни қўллаш натижасида ижтимоий муносабатларнинг тартибга солинганлигини ўзида ифодалайди. Ушбу тартибот қонунларнинг аниқ амалга оширилиши воситасида ўрнатилади. Бунда фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми сақланади ва уларнинг ҳуқуқий лаёқати қаршиликсиз амалга оширилиши мумкин бўлади.

Қонунларсиз қонунийлик бўлмаганидек, ҳуқуқий муносабатларсиз ҳуқуқий тартибот ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу билан бирга, ҳуқуқий тартибот билан ҳуқуқий муносабатларнинг йиғиндисини тенглаштириб бўлмайди. Маълум гуруҳдаги ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқ билан тартибга солиниши ҳуқуқий муносабатлар йиғиндисини ташкил

қилади, яъни шу муносабат иштирокчилари учун қонунда аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар кўрсатилган бўлади. Аммо ҳуқуқий тартибот учун бу етарли эмас, шу боис субъектив ҳуқуқларнинг амалга оширилиши, юридик мажбуриятларнинг қатъий бажарилишини таъминловчи кафолатлар бўлиши зарур. Ҳуқуқий тартибот ҳуқуқ бўлган жойда, ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилиши таъминланган жойда мавжуддир.

**Жамоат тартиби** — ҳуқуқий нормаларни амалга оширишни ва жамият турмуш қоидаларини (шу жумладан, ахлоқ, одоб ва бошқа ҳуқуқий бўлмаган ижтимоий юриш-туриш қоидаларини) ҳурмат қилишни талаб этади. Жамоат тартибини бузиш фақат ҳуқуқий нормаларни эмас, балки турмуш қоидаларини ҳурмат қилмаслик натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Жамоат тартиби ҳуқуқий тартиботга нисбатан кенг маънони англатади.

Жамиятда ҳуқуқий тартиботнинг ўрнатилиши ва амалга оширилиши муайян раҳбарий ғоялар, принциплар асосида амалга оширилади. Ҳуқуқий тартибот принциплари *қонунийлик*, *ҳуқуқий тартиботнинг ягоналиги*, *иерархияга асосланганлик*, *адолатлилик*, *ҳуқуқий тартиботнинг кафолатланганлиги*, *нормативлиги* кабилардан иборат.

**Қонунийлик** — давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга оғишмай амал қилишини англатади.

**Ҳуқуқий тартиботнинг ягоналиги** принципига кўра мамлакатнинг бутун ҳудудида ягона ҳуқуқий муҳит, ҳуқуқий тартиб ўрнатилади, мазкур ҳуқуқий тартиботга тўғри келмайдиган бошқа тарздаги тартиб ўрнатиш қатъиян ман этилади.

**Иерархияга асосланганлиги** — ҳуқуқий тартиботни амалга оширишда ижтимоий муносабатлар иштирокчилари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг поғонама-поғона жойлашганлиги принципига риоя этишини англатади.

**Адолатлилик** — ҳуқуқий тартиботнинг асосий принципи ҳисобланади. Жамиятда ўрнатилган ҳуқуқий тартибот адолат ғояси билан йўғрилган бўлиши лозим, шундагина жамият аъзолари бундай ҳуқуқий тар-



тиботга ихтиёрий риоя қилишлари мумкин. Ҳуқуқий тартиботнинг жамият барча аъзолари учун мақбул бўлиши талаб этилади.

**Ҳуқуқий тартиботнинг кафолатланганлиги** — жамиятда ўрнатилган ҳар қандай ҳуқуқий тартиб давлатнинг ташкилотчилик фаолияти ва мажбурлов кучи билан таъминланади. Ҳуқуқий тартиботни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар етакчи ўринни эгаллайди. Суд, прокуратура ва ички ишлар органлари ўзларининг кундалик фаолиятида жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган вазифаларини амалга оширадилар ва шу йўл билан жамиятда ҳуқуқий тартибот ўрнатадилар.

**Ҳуқуқий тартиботнинг нормативлиги** — жамиятда мавжуд ижтимоий муносабатларнинг амалга ошиши ҳаммага бирдек мажбурий бўлган ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солинади; ҳуқуқий муносабат субъектлари ва уларнинг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлари доираси ҳамда ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи юридик фактлар қонун билан белгиланади; ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳаракатлари аниқлаштирилади.

**Назоратга олинганлиги.** Ҳуқуқий тартибот давлат ва жамият томонидан ўрнатилади ва назоратга олинади. Ҳуқуқий тартибот ўрнатилган жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилади, фуқаролар ўз мажбуриятларини ихтиёрий бажарадилар. Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий хулқ-атворини амалга оширишга, қонун ва қонун ости ҳужжатларини сифатли тарзда яратишга ҳамда ҳуқуқни тўғри татбиқ этишга эришилади. Юқорида қайд этилган принципларга таянган ҳолда жамиятда ҳуқуқий тартибот ўрнатилади.

Юридик адабиётларда ҳуқуқий тартиботни турларга ажратиш, яъни таснифлаш мавжуд ва у бир неча шаклларда намоён бўлади:

*биринчидан, ҳудудий миқёсига кўра* мамлакат, вилоят ва туман миқёсида ўрнатилган ҳуқуқий тартибот;

*иккинчидан, ҳуқуқ соҳасига кўра:* конституциявий, молиявий, маъмурий, жиноий-ҳуқуқий ва бошқа ҳуқуқ соҳалари доирасида ўрнатилган ҳуқуқий тартибот;

*учинчидан, ҳуқуқий таъсирига кўра* умумҳуқуқий, соҳавий ва алоҳида нормалар билан ўрнатиладиган ҳуқуқий тартибот.

Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш муайян тартибни жорий қилиш, кишиларнинг ўзаро муносабатларида мустаҳкам интизомни қўллаб-қувватлашни назарда тутати. Жамиятда қонунийлик, жамоат ва ҳуқуқий тартиботнинг таъминланишига кучли интизом орқали эришилади.

**Интизом** — давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек корхона ва муассасаларда ўрнатилган, амал қилиниши лозим бўлган ички кун тартиби қоидаларидир. Ҳуқуқшуносликда интизомни таснифлашнинг кўп турлари бўлиб, уларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин. Булар *давлат интизому*, *ҳарбий интизом* ва *меҳнат интизому* каби турлардан иборат.

**Давлат интизому** — давлат томонидан ўрнатилган ва шу ҳудудда яшовчи барча фуқаролар учун мажбурий аҳамиятга эга тартиб-қоидаларга риоя этишдир. Давлат интизому муайян давлат ҳудудида ўрнатилади, мазкур давлат фуқаролари учун тааллуқли бўлади. Интизомни бузиш юридик оқибатларни келтириб чиқаради, ўрнатилган интизом давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

**Ҳарбий интизом** деганда барча ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий низомлар, командирлар (бошлиқлар) нинг буйруқлари билан белгиланган тартиб ва қоидаларга қатъий ва аниқ риоя этиши тушунилади. Ҳарбий интизомга ҳарбий бурч, шахсий масъулият ва мислсиз садоқат каби омиллар орқали эришилади.

Юксак ҳарбий интизомга эришишнинг асосий йўналишлари қуйидагиларда ифодаланади:

— ҳарбий хизматчиларда юксак ахлоқий-руҳий ва жанговар фазилатларни тарбиялаш, командирларнинг буйруқларига онгли тарзда бўйсунуш;

— ҳар бир ҳарбий хизматчининг ўз мажбуриятлари ва ҳарбий низомлар талабларини бажариш масъулияти;

— ҳарбий қисмда ички тартибга бўйсунуш, барча ҳарбий хизматчилар томонидан кун тартибига қатъий риоя қилиш;

— жанговар тайёргарликни пухта ташкил этиш ва у барча шахсий таркибни қамраб олиши.

**Ҳарбий интизом** қўмондонларнинг ўз қўл остидагиларга кундалик

талабчанлиги, хизматчиларнинг ижро интизомини назорат қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг шаънини ҳурмат қилиш ва бу ҳақда доимо ғам-хўрлик, ишонтириш, мажбурлаш, жамоатчилик таъсирини оқилона уйғунлаштириш ва ўринли қўллаш каби омилларга таянган ҳолда амалга оширилади.

**Меҳнат интизому** деганда, меҳнат жамоаларининг, ҳар бир ходимнинг меҳнатга муносабати, хатти-ҳаракатларининг белгиланган тартиби тушунилади.

Меҳнат интизому корхона (муассаса, ташкилот) раҳбарияти томонидан ўрнатилади ва унга барча ходимларнинг риоя этиши мажбурийдир. Ўрнатилган интизомнинг бузилиши ходимларни *танбех*, *ҳайфсан* ҳамда *меҳнат шартномасини бекор қилиш* каби интизомий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Демак, интизом қонунийлик, ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартибининг узвий, таркибий бўғини ҳисобланади. Жамият аъзоларининг алоҳида гуруҳлари фаолият кўрсатаётган ташкилот, корхона, ҳарбий қисмлар ва бошқаларда интизомнинг ўрнатилиши, бутун жамиятда қонунийлик, ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартибининг ўрнатилишига кўмаклашади.

Шундай қилиб, муайян давлат ва жамият тараққиёти инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг таъминланиши, қонунийлик талабларининг қатъий равишда бажарилиши, жамиятда ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартибининг қарор топиши билан чамбарчас боғлиқдир.

## XXII Б О Б

### ЮРИДИК ИХТИЛОФ (КОЛЛИЗИЯ)

#### 1-§. Юридик ихтилофлар тушунчаси, сабаблари ва оқибатлари

Мустаҳкам қонунийлик ва барқарор ҳуқуқий тартиботни таъминлаш ҳар қандай жамият ва давлатнинг диққат-эътибори марказида турган масаладир. Янги жамият барпо этишга йўналтирилган жўшқин ислоҳотлар ва модернизациялаш шароитида кенг қўламли ҳуқуқ ижодкорлиги, шу жумладан, қонун чиқариш фаолияти амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ҳуқуқнинг барча тармоқлари бўйича ниҳоятда катта ҳажмдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи вужудга келади. Бошқача айтганда, ўта мураккаб, кўп тармоқли қонунчилик тизими қарор топади. Шиддат билан ривожланиб, тез ўзгариб бораётган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжларига жавоб тарзида яратилаётган норматив ҳужжатлар ва уларда мустаҳкамланган ҳуқуқий қоидалар ўртасида баъзан номутаносибликлар, ноаниқликлар, келишмовчиликлар, ҳатто қарама-қаршиликлар (ихтилоф, зиддият, коллизиялар) учраши табиий.

Қолаверса, сўнгги йилларда ҳуқуқни талқин этишда социологик йўналиш устувор мавқега эга бўлиб бормоқда. Социологик ёндашув нафақат ҳуқуқнинг келиб чиқиш сабабларини, жамият ҳаётида адолат ва тенгликни таъминлашда ўйнайдиган ижобий ролини, балки унинг камчиликларини, салбий жиҳатларини салмоқли эмпирик асосга таянган ҳолда ҳолисона очиш имконини беради. Ижтимоий ҳодисаларни социологик таҳлил этиш воситасида уларнинг барча жиҳатларини комплекс тарзда аниқлаш мумкин. Социологиянинг мақсади барча ижтимоий ҳодисалар каби ҳуқуқнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини, унга батартиблик, барқарорлик, уюшқоқлик бахш этувчи қадрият эканлигини кўрсатишдан иборат. Огюст Контнинг эътирофича, тартиб ва барқарорлик жамият борлигининг намоён бўлишидир. Дюркгейм эса социологиянинг асосий хизматини жамиятнинг қадриятли норматив системаларини таҳлил қилиш ва тадқиқ этишнинг методларини ишлаб

чиқишда, деб билди<sup>1</sup>. Социология жамият ва ҳуқуқ амал қилишидаги зиддиятлар, камчиликлар ва салбий ҳодисаларни аниқлашга ёрдам беради.

Юридик зиддиятлар, ўз ечимини топмай қолаётган муаммолар ҳамда камчиликларнинг кўлами «*юридик коллизия*» ва «*юридик конфликт*» категориялари маъно-мазмунини илмий таҳлил этиш заруриятини келтириб чиқарди. Боз устига, қонунчилик ҳужжатларида «коллизия нормалар», «келишмовчиликларни бартараф этиш процедуралари» каби ҳуқуқий институтларнинг пайдо бўлаётганлиги ҳам мазкур воқеликлар хусусида илмий тадқиқотлар олиб бориш лозимлигини долзарб қилиб қўймоқда. Юридик адабиётда эса ҳуқуқнинг алоҳида тармоғи — *коллизия ҳуқуқ* вужудга келаётганлиги ҳақида назарий мулоҳазалар билдирилмоқда. Бу ҳол мазкур ҳуқуқ тармоғида асосий, система ҳосил қилувчи аҳамиятга молик бўлган тушунчалар: юридик ихтилоф ва юридик низонинг мазмуни ҳамда таърифини аниқлаш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Юридик энциклопедик луғатда тавсиф берилишича, *коллизия нормалар* (французча «*conflits de lois*», инглизча «*conflicts of laws*» сўзларидан олинган бўлиб низо, тўқнашув деган маънони англатади) халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида учрайдиган бир неча нормалар бўлиб, улар маълум бир масалани тартибга солиш жараёнида тўқнашади<sup>2</sup>.

Профессор Ю.А.Тихомировнинг фикрига кўра, *юридик ихтилоф (коллизия)* деганда, амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳуқуқий тартибот ва талаблар, уларни ўзгартириш, эътироф этиш ёки рад этиш бўйича ҳаракатлар ўртасидаги қарама-қаршилик (зиддият) тушунилади. *Юридик низо (конфликт)* эса сиёсий, ижтимоий кучлар билан давлат, жамоат тузилмалари ўртасидаги ғайриконституциявий қарама-қарши курашдир<sup>3</sup>.

Айни вақтда, ижтимоий ҳаётдаги низоларни ҳал этиш ва юридик амалиётдаги зиддиятлар, камчиликлар, номутаносибликларни ҳал этиш асносида янги илмий йўналиш — *юридик конфликтология* шаклланди.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Фалсафа: Қомусий луғат. — Т., 2004. 374-б.

<sup>2</sup> Российская юридическая энциклопедия. Глав. ред. А.Я.Сухарев. — М., 1999. С. 437 — 438.

<sup>3</sup> Қ а р а н г: Теория государства и права / Под ред. проф. В.К.Бабаева. — М., 2006. С. 503—504.

моқда. Унинг асосида юридик конфликт (низо) нинг ҳуқуқий белгила-ниши, ҳуқуқий шаклга эга бўлиши ётади. Бунда ҳар қандай низога хос элементлар (иштирокчилар, мотив-мақсад, сабаб, объект, жараён ва ҳоказолар) мавжуд бўлади. Юридик конфликтда низо (баҳс) томон-ларнинг ҳуқуқий муносабати билан боғлиқ, бунда субъектлар ва улар хатти-ҳаракатининг мотив-мақсадлари, объектлари ҳуқуқий хусусият-ларга, низонинг ўзи эса юридик оқибатларга эга бўлади.

Давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси бўйича академик курс муал-лифлари талқинига биноан, *юридик ихтилоф* деганда, айтиб бериш ёки ўхшаш ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги номутаносиблик ёки қарама-қаршилик, шунинг-дек ҳуқуқни қўллаш билан мутасадди давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида келиб чиқувчи қарама-қаршиликлар тушунилади<sup>1</sup>.

Маълумки, қонунчилик мураккаб, кўп тармоқли тузилма бўлиб, унда турли номутаносиблик, номувофиқлик, ҳар хиллик, ўзаро зид қоидалар, рақобатлашувчи нормалар ва институтлар мавжуд. Сўнги йилларда мамлакатимиз қонунчилиги бозор муносабатларини қарор топтириш йўналишида ривожланиб, миқдор жиҳатдан ўсиб бормоқда. Бунда ижобий силжишлар билан бир қаторда ислоҳот талабларидан, ижтимоий жараёнлардан ортда қолиш тенденциялари ҳам кузатилмоқ-да. Қонунларимиз ўтиш даври руҳини акс эттириб, муайян нобарқа-рорлик касб этмоқда, яъни улар тез-тез ўзгартирилиб, тўлдирилиб, янги таҳрирда қайта қабул қилиниб келмоқда. Давр талабларидан келиб чиққан ҳолда юридик нормаларнинг каттагина қисмини тузатиш, янги ҳаётий воқеликларга мувофиқлаштириш, халқаро стандартларга мослаштириш, самарадорлигини ошириш, батартиблаштириш лозим-лиги аёнди. Бундан ташқари, қонунчиликнинг умумий тизимида тур-ли даражадаги ва ҳар хил аҳамиятли, турли юридик кучга ҳамда ижти-моий йўналишга эга бўлган ҳужжатлар амал қилади, шунингдек *уни-фикация* (бир хиллаштириш) ва *дифференциация* (туркумлаштириш),

<sup>1</sup> Қ а р а н г. Общая теория государства и права. Академический курс / Под ред. проф. М.Н.Марченко. Том 3. — М., 2001. С. 405.

*бирлаштириш* ва *алоҳидалаш* жараёнлари кечмоқда, вертикаль ва горизонталь алоқа ва тенденциялар бирикиб кетиши юз бермоқда. Шу нуқтаи назардан хулоса қилганда, қонунчилик жўшқин, тигиз ривожланувчи, айна вақтда, зиддиятли ва асимметрик (номутаносиб) тизим сифатида намоён бўлиши ҳам мумкин.

Ижтимоий ҳаётда баъзан шундай вазиятлар бўладики, уларни ҳал этиш тартиби бир вақтнинг ўзида бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган бўлади. Масалан, боқувчининг вафот этганлиги муносабати билан зарарни тўлаш тартиби айна вақтда ҳам Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасида, ҳам Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1009-моддасида назарда тутилган. Аммо, ушбу моддалар масалани ҳал этишга бир хилда ёндашмаган. Фуқаролик кодексининг 1009-моддасининг 3-қисмига мувофиқ боқувчининг ўлими муносабати билан зарар: вояга етмаганларга — ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар; ўн саккиз ёшдан ошган ўқувчиларга — ўқувнинг кундузги шаклида ўқишни тугатгунга қадар, бироқ йигирма уч ёшдан ошмагунча тўланади. Бироқ, Меҳнат кодексининг 192-моддаси 5-қисмида ўн олти ёшдаги ва ундан катта ўқувчилар ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқишни тугатгунларича, лекин ўн саккиз ёшга қадар бўлган даврда, зарарни ундириш ҳуқуқига эгадирлар, деб белгиланган.

Бу икки юридик норма ўртасида зиддият мавжуд: 1009-модда зарар ундириш ёши чегарасини йигирма уч ёшгача, 192-модда — 18 ёшгача, деб белгилаган. Ушбу номувофиқлик (коллизия) ни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди кўриб чиқиб, 2008 йил 21 октябрда матбуотда ўз хулосасини эълон қилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг боқувчининг ўлими муносабати билан зарарни тўлаш тартибини белгиловчи нормаларидаги мазкур фарқ ушбу нормаларнинг амалиётда қўлланилишида жиддий қийинчиликларга олиб келмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди мазкур ихтилофли ишни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 192-моддасининг нормаларини Ўзбекистон Республи-

каси Фуқаролик кодекси 1009-моддасининг нормаларига мувофиқлаштириш лозим, деган хулосага келди ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосланган ҳолда Меҳнат кодексининг 192-моддасига ўқувнинг кундузги шаклида таълим олаётган шахсларнинг улар 23 ёшга етгунга қадар боқувчининг ўлими муносабати билан зарарни ундириш ҳуқуқини белгиловчи ўзгартиш киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибда киритиш тўғрисида қарор қабул қилди<sup>1</sup>.

Бунда ҳуқуқий тартибга солиш мавзесининг бир нуқтасида бир неча нормалар тўқнашуви юз беради. Баъзан эса бунинг акси бўлади, яъни муайян муаммоли муносабатни бевосита тартибга соладиган юридик норма мавжуд бўлмайди. Ҳар қандай ихтилофни бартараф этиш учун ҳуқуқни шарҳловчи ёки ҳуқуқни қўлловчи шахсдан юксак касб малакаси, иш ҳолатини аниқ таҳлил этиш, энг мақсадга мувофиқ қарор вариантини танлаб олиш талаб этилади. Қарама-қаршиликларни бартараф этишда, одатда, янги нормалар — яъни, коллизия нормаларни қабул қилиш ёрдам беради. Масалан, 1995 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 71-боби «Коллизия нормалар» деб аталиб, унда фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтлари бўйича кодексдаги моддаларни қўллашда зиддият келиб чиққанда қайси қонунларни қўллаш белгиланган.

Юридик ихтилофлар, шубҳасиз, ҳуқуқий тизимнинг барқарор ва батартиб фаолият юритишига халақит беради, аксарият ҳолларда фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, ҳуқуқий тартибга солишнинг самарасига, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботга, жамиятнинг ҳуқуқий онги ва маданиятига салбий таъсир кўрсатади. Улар ҳуқуқни қўллаш амалиётида ноқулайликлар келтириб чиқаради, оддий фуқароларнинг қонунчиликдан фойдаланишини қийинлаштиради, ҳуқуқий нигилизм илдиз отишига йўл очади. Башарти, битта ҳолатни тартибга солувчи икки, уч ёки ундан кўп ўзаро қарама-қарши ҳужжатлар бўлса, ижро этувчи субъектлар уларнинг ҳеч бирига риоя этмаслик

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 2008. 21 октябрь.



имкониятига эга бўлади. Шу боис бундай ихтилофларнинг олдини олиш, юмшатиш ёки баргараф этиш юридик фан ва амалиёт олдида турган муҳим вазифадир.

Ҳуқуқий нормаларнинг *ихтилофлашуvidан* уларнинг *рақобатлашу-вини* фарқлаш лозим. *Рақобатлашувчи нормалар* деганда, ўзаро қарама-қарши бўлмаган, фақат турлича аниқлик даражаси ва ҳажми жиҳатдан фарқланувчи икки, уч ва ундан ортиқ нормаларнинг бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиши тушунилади. Булар, одатда, турли юридик кучга эга бўлган, ҳар хил даражадаги ҳуқуқ ижодкорлиги органлари томонидан қабул қилинган нормалардир. Юридик нормаларнинг рақобатлашуви аслида нормал ҳолатдир. Бироқ, бундан фарқли ўлароқ нормалар ихтилофи салбий ҳолат бўлиб, кўпинча нохуш оқибатларга олиб келади. Ихтилофлашувчи нормалар ўзаро келиша олмайдилар, бир-бирини истисно этадилар.

Юридик ихтилофларнинг сабаблари ҳам объектив, ҳам субъектив хусусиятга эга. *Объектив сабаблар* қаторига ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг ички зиддияти, жўшқинлиги ва ўзгарувчанлиги, уларнинг тўлқинсимон нотекис ривожланиши киради. Бунда ҳуқуқ ижтимоий муносабатларнинг, умуман ҳаётнинг ривожланиш даражасидан ортда қолади (консерватив бўлиб, маънавий эскиради). Шу боис ҳуқуқ доимий равишда «тузатилиб», такомиллаштирилиб, янги ҳаётий вазиятларга мослаштирилиб борилади. Бунинг натижасида айрим нормалар бекор қилиниб, ўрнига янгилари пайдо бўлиб туради. Эскирган нормалар ўз вақтида бекор қилинмаган тақдирда, улар билан янги нормалар ўртасида ихтилофлар келиб чиқиши мумкин. Шу ўринда ижтимоий муносабатларнинг мазмунан турли-туманлигига, уларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда ҳуқуқий тартибга солинишига эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга ижтимоий муносабатлар доимо қонунлардан илдамроқ ривожланиб боришини эътироф этиш лозим. Қолаверса, ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий ва ноҳуқуқий тартибга солиш соҳалари ўртасидаги чегара ҳам ўзгариб туради. Ва ниҳоят, ҳар қандай миллий ҳуқуқий тизим халқаро стандартларга, маънавий-гуманистик мезонларга, демократия принципларига мувофиқ бўлиши керак.

Санаб ўтилган омиллар қайсидир маънода юридик ихтилофлар пайдо бўлишини табиий ва муқаррар қилади. Ю.А.Тихомировнинг фикрича, юридик ихтилофларни фақат салбий ҳолат сифатида қабул қилиш уларни холисона баҳолашга халақит қилади. «Коллизиялар қатор ҳолларда ижобий рағбат бериши, тараққиётга бўлган эҳтиёжни, янги ҳуқуқий ҳолатга ўтиш талабини ифода этиши мумкин»<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, диалектиканинг **қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши тараққиётга туртки беради**, деган қондасини ҳеч ким инкор этмайди.

Юридик ихтилофлар тараққиётга ижобий туртки бериши қуйидагиларда кўринади: *биринчидан*, юридик ихтилоф ҳуқуқий тизим ёки унинг айрим элементларидаги, давлат институтлари, хўжалик юритиш шаклидаги деформация (бузилиш) ни акс эттиради; *иккинчидан*, юридик ихтилоф давлат-ҳуқуқий институтлар ижобий фаолияти ва ривожланишидаги табиий қарама-қаршиликларнинг ифодаси сифатида намоён бўлади; *учинчидан*, юридик ихтилоф янги ҳуқуқий тартибга ўтиш ёки конституциявий тузумни ҳимоя этишга оид адолатли талабларни ифодаланиши ва шу тариқа бебошлик, ғайриқонуний ҳаракатлар ва ҳужжатлардан норозиликни баён этади.

Ўз даврида Гегель шундай деган эди: «... қонунларни қўллашда ихтилофларнинг келиб чиқиши тамомила зарур ҳолатдир, акс ҳолда ишларни юритиш механик хусусиятга эга бўлиб қолади. Агар юристлар масалаларни ҳал этишни судьялар ихтиёрига бериш билан ихтилофлардан қутилиш мумкин деган хулосага келган бўлсалар, буни маъқуллаб бўлмайди, зеро қарорларни фақат судьялар қабул қилишининг оқибати бебошлик бўлиши мумкин»<sup>2</sup>.

Ҳуқуқий ҳаётдаги ихтилофларнинг **субъектив сабаблари** сиёсатчилар, қонун яратувчилар ва ҳокимият вакилларининг, бир сўз билан айтганда, инсонларнинг иродаси ва онги билан боғлиқдир. Булар, масалан, қонун сифатининг пастлиги, ҳуқуқ соҳасида тартибга солинмаган бўшлиқларнинг мавжудлиги, норма яратиш фаолиятининг муво-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Тихомиров Ю.А. Юридическая коллизия: власть и правопорядок // «Государство и право», 1994. №1. С.4.

<sup>2</sup> Қ а р а н г: Гегель Г. Философия права. — М., 1990. С. 249.

фиқлаштирилмаганлиги, ҳуқуқий материалнинг тизимлаштирилмаганлиги, ҳуқуқий маданиятнинг саёзлиги, юридик нигилизм мавжудлиги, ижтимоий танглик ҳолатларининг пайдо бўлиши ва ҳоказолар.

Ҳуқуқшуносликка оид адабиётларда ҳуқуқнинг янги тармоғи — *коллизия ҳуқуқни* шакллантириш вақти етди, деган мулоҳазалар мавжуд. Таъкидланишича, коллизия ҳуқуқнинг ўз предмети, принциплари ва ҳуқуқий тартибга солиш тизими қарор топиб бормоқда. Чамаси, бу ҳуқуқ тармоғи юридик ихтилоф ва низоларнинг барча турларини ҳал этишни, уларнинг сабабларини, вужудга келиш ва намоён бўлиш динамикасини, ривожланиш босқичларини ўз қамровига олиши лозим.

Юридик ихтилофлар аксарият ҳолларда ижтимоий ҳаётда ва юридик амалиётда жиддий салбий оқибатларга олиб келади. Юридик қарама-қаршилик, номутаносиблик ва ихтилофлар ҳуқуқий тизимнинг бир маромда, баҳамжиҳат фаолият юритишига халал беради, қатор ҳолларда эса фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига, ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлиги пасайишига сабаб бўлади. Энг хавотирлиси шундаки, ҳуқуқ соҳасидаги ихтилофлар жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот режимига путур етказди, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳолатига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Бундай ихтилофлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида ноқулайликлар келтириб чиқаради, фуқаролар томонидан қонунчилик нормаларидан фойдаланишни қийинлаштиради, аҳоли орасида ҳуқуқий нигилизм кучайишига олиб келиши мумкин.

Юридик ихтилофларнинг салбий оқибатларини қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин: 1) ижтимоий-иқтисодий оқибатлар; 2) ижтимоий-сиёсий оқибатлар; 3) маънавий-руҳий оқибатлар; 4) ҳуқуқий оқибатлар.

Ижтимоий-иқтисодий оқибатлар субъектлар ўртасида мулкий низоларнинг келиб чиқишига, уларнинг моддий зарар кўришига, молиявий ва солиқ муносабатларида номутаносибликлар юз бериши билан ифодаланади. Ижтимоий-сиёсий оқибатлар давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини тўла ва лозим даражада адо этишларига халал бериш, мансаб лавозимларини суиистеъмол қилинишига, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари бузилишига, сиёсий тизимда зиддиятли ҳолатлар вужудга келишига олиб келиши мумкин.

Маънавий-руҳий оқибатлар жамиятда қарор топган маданий, маънавий ҳамда ахлоқий қадриятлар амал қилишига путур етказиши, шунингдек ҳуқуқ субъектларига маънавий зарар етказилиши билан ифодаланиши мумкин. Ҳуқуқий оқибатлар ҳам жиддий зарар билан ифодаланиши табиий. Бунда ҳуқуқий онгда деформация (бузилиш) ҳолатлари намоён бўлади, ҳуқуқий нигилизм илдиз отади, ҳуқуқий маданият завол топади, қонун устуворлиги етарли таъминланмайди, қонунчилик ҳужжатларининг самарадорлиги пасаяди ва ҳоказо.

Демак, юридик ихтилофларининг оқибатлари жамият тараққиёти жиддий салбий зарар келтириши мумкин. Шу боис бундай ихтилофларнинг олдини олишнинг самарали механизмларини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

## 2-§. Юридик ихтилофларнинг турлари

Юридик ихтилофлар нафақат кўп сонли, балки ўз мазмуни, хусусиятлари, кескинлиги, соҳавий мансублиги, ижтимоий-сиёсий йўналиши, шакли ва ҳал этилиш усулига кўра ниҳоятда турли-тумандир.

Илмий таҳлил йўналишини белгилаш маъносида, аввало, юридик ихтилофларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки алоҳида юридик нормалар ўртасидаги ихтилофлар; 2) ҳуқуқ ижодкорлигидаги ихтилофлар (тизимнинг йўқлиги ёки сустиги, мувозийлик, ўзаро бир-бирини инкор қилувчи ҳужжатларнинг чиқарилиши); 3) ҳуқуқни қўллаш жараёнидаги ихтилофлар (айни бир тоифа муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган бир неча ҳужжатлар ёки нормаларни қўллаш); 4) давлат органлари, мансабдор шахслар, бошқа ҳокимият тузилмалари ваколатлари ва мақомидаги ихтилофлар; 5) мақсадлар ўртасидаги ихтилофлар (турли даражадаги ёки турли идоралар қабул қилган норматив ҳужжатларда мустақамланган мақсадларнинг бир-бирига қарама-қаршилиги, баъзан эса ўзаро истисно этиши); 6) миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари ўртасидаги ихтилоф.

Юридик ихтилофларнинг таснифини икки йўналишда таҳлил этиш мумкин: *биринчиси* — ҳуқуқий нормалар, принциплар, кўрсатма (қоида) -

лар ўртасида вужудга келадиган ихтилофлар; *иккинчиси* — ҳуқуқий фаолият доирасида (ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва шу каби бошқа фаолиятда) вужудга келадиган ихтилофлар. Биринчи жиҳатни шартли равишда *институциявий*, яъни қонунчилик тизими элементлари ўртасидаги ихтилофлар, деб аташ мумкин. *Иккинчи жиҳатга* ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида, ҳуқуқ субъектларининг ўзаро муносабатларида намоён бўлувчи, яъни *процессуал-процедурага* оид ихтилофларни киритиш мумкин. Процессуал тартиб-таомиллар даражасидаги ихтилофлар ҳуқуқ субъектларининг манфаатлари ўртасидаги масалан, суд жараёни иштирокчилари, йўл ҳаракати тасодифлари иштирокчилари ўртасидаги низолар тарзида намоён бўлиши мумкин.

*Юридик ихтилофларнинг қуйидаги турларини кўрсатиб ўтиш мумкин:*

**1. Қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар ўртасидаги ихтилофлар.** Башарти мазкур турдаги ихтилофлар юзага келса, масала қонун фойдасига ҳал этилади. Чунки, қонун юқори юридик кучга эга ва унинг устунлиги таъминланиши лозим (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 ва 16-моддалари). Кодекс билан қонун ўртасида зиддият келиб чиққан тақдирда, масала кодекс фойдасига ҳал этилади. Бир мавзуга оид бир неча қонун (ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат) мавжуд бўлса ҳамда улар бирбирига зид бўлиб қолса, муддати бўйича кейинроқ қабул қилинган қонун (ҳужжат) қоидалари амал қилади<sup>1</sup>.

**2. Конституция билан бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги ихтилофлар.** Бундай юридик ихтилофлар Конституция фойдасига ҳал этилади, чунки Конституция барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан олий юридик кучга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддаси иккинчи қисмида мустаҳкамланганидек, «бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас».

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Одилқориев Х.Х.* Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик тизими. — Т., 2008. 111-б.

**3. Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган ихтилофлар.** Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас (74-модда). Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир. Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига тўла мос бўлиши шарт.

**4. Мамлакатнинг миллий қонунчилиги нормалари билан халқаро ҳуқуқ нормалари ўртасидаги ихтилофлар.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида мустақамланганидек, Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устуңлиги тан олинади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси 3-моддасида халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги белгиланган. Мазкур норманинг мазмуни қуйидагича: «Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади». Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида эса «Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш» деган бўлим мавжуд. Унда, хусусан, қуйидаги қоида мустақамланган:

— чет эл фуқаролари ёки чет эл юридик шахслари иштирокидаги ёхуд чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ ушбу Кодекс, бошқа қонунлар, халқаро шартномалар ва эътироф этилган халқаро таомиллар асосида, шунингдек тарафларнинг келишуви асосида белгиланади;

— тарафларнинг ҳуқуқни танлашга доир келишуви очиқ ифодаланган бўлиши ёки бевосита шартнома талабларидан ва ишнинг кўриб чиқиладиган барча ҳолатларидан келиб чиқиши лозим;

— агар ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ қўлланилиши

лозим бўлган ҳуқуқни аниқлашнинг имкони бўлмаса, чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар билан энг узвий боғланган ҳуқуқ қўлланади;

— чет эл ҳуқуқ нормаси оммавий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган-лигига асосланибгина уни қўллашни чеклаш мумкин эмас.

Халқаро ҳуқуқ нормаларини мамлакатимизда қўллашда ёки уларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилишда, аввало, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларидан келиб чиқиб иш тугилади.

Кундалик ҳаётда юридик соҳада юзага келиши мумкин бўлган ихтилоф ва зиддиятларнинг олдини олиш учун барча давлат органлари бундай номутаносиблик ҳамда низоларнинг келиб чиқиши сабабларини ва мазмунини ўз вақтида аниқлаб боришлари лозим. Бунинг учун улар ўз фаолият йўналишлари ва ваколатлари доирасида тегишли ахборотларни тўплаб, таҳлил этиб боришлари зарур:

а) турли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ваколатлари борасидаги келишмовчиликлар ҳақида;

б) ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар ва нодавлат жамоат бирлашмалари манфаатларининг қарама-қаршилиги ва таъсири ҳақида;

в) давлат органларининг ўзаро номувофиқ фаолияти (ҳаракатлари) тўғрисида;

г) давлат органлари ўз ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда қарор қабул қилганлиги, бошқа органнинг ваколоти соҳасига аралашганлиги ҳақида;

д) давлат органлари фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар ҳақида;

е) сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий кескинлик ҳамда низолар ҳақида маълумотларни аниқлаб, кузатиб ва таҳлил этиб бориш талаб этилади.

Давлат органлари ихтилоф ва низоларнинг олдини олиш мақсадида қонунийликнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган вазиятлар юзасидан тегишли идораларга (суд, прокуратура, ички ишлар идоралари ва бошқаларга) мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар. Шу билан бирга ўз имкониятлари доирасида зиддиятли вазиятни юмшатиш ҳамда муро-саи мадорага келишнинг бошқа чораларини излашлари лозим.

Тегишли давлат органлари ихтилофли вазият авж олишига чек қўйиш мақсадида бундай ҳолатларнинг сабабларини, иштирокчиларини, уларнинг ниятлари ва хатти-ҳаракатларини синчиклаб ўрганишлари даркор. Манфаатдор давлат идораларининг раҳбарлари низоли масалалар юзасидан музокаралар олиб бориши ёки ўзларининг ваколатли вакиллари ажратиб муҳокама қилиши ва келишувга эришиш чораларини кўришлари лозим. Ўзаро келишув асосида қабул қилинган қарор уларнинг кейинги фаолиятида дастуриламал бўлиши лозим. Шундай йўл тutilганда ҳуқуқий муносабатлар соҳасида ихтилофларнинг олди олинади ёки уларнинг анча камайишига эришилади.

### **3-§. Юридик ихтилофларни ҳал этиш тартиби ва усуллари**

Ижтимоий ҳаётда содир бўладиган ҳар қандай низо ҳуқуқий ўзанга солиниши лозим. Зеро, можаро ёки муаммоли вазиятга ҳуқуқ воситасида ечим излаш доимо ошқора тартиб-таомиллардан фойдаланиш ва энг оқилона қарорга келиш имконини беради. Бундай тартиб-таомилларни ижтимоий вазифаси ва фойдаланиш ўрнига кўра икки катта гуруҳга бўлиш мумкин: — *келишув тартиб-таомиллари* ва *суд тартиб-таомиллари* (процедуралари). Биринчи гуруҳ тартиблар келишмовчиликларни автоном, мустақил тарзда бартараф этиш, иккинчи гуруҳ тартиблар эса томонлар ўртасидаги низоли ваколатли орган иштирокида кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун қўлланилади. Дастлаб келишув процедураларини кўриб чиқамиз. Турмушда вужудга келувчи зиддиятларни, можароларни бартараф этишдаги биринчи қадам — томонлар (шериклар) ўртасида битимга, келишувга эришиш. Бунинг учун турли келишув процедураларидан фойдаланилади.

*Келишув процедураси* деганда, давлат ҳокимияти органлари, бошқа субъектлар ўртасидаги келишмовчиликларни кўриб чиқишнинг ихтиёрий эътироф этилган ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган тартиби тушунилади. Келишув процедураларининг қуйидаги турлари мавжуд.

*Биринчидан*, юридик ихтилофларни кўриб чиқиш ва бартараф этиш учун давлат органлари тенглик (паритет) асосида келиштирув комиссияларини тузадилар. Келишув комиссияларининг ишлаш тартиби ва



улар томонидан келишув қарорларини қабул қилиш шартлари томонларнинг (тегишли давлат органларининг) имзоси билан мустаҳкамланган баённомада ёки икки томонлама шартнома (битим) да белгиланади.

*Иккинчидан*, парламент палаталари ўртасида ихтилоф ёки келишмовчиликлар юзага келганида келишув комиссиясини тузиш қонунчиликда назарда тутилган институтдир. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида» ги конституциявий қонунларда, шунингдек палаталарнинг Регламентлари тўғрисидаги қонунларда келишув комиссиясига бағишланган қоидалар мавжуд. Масалан, қуйи палата тўғрисидаги конституциявий қонунда қуйидаги қоида мустаҳкамланган:

«Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Келишув комиссиясининг ҳар бир палатада кўрсатилган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссиянинг ҳамраисини сайлайди.

Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади. Келишув комиссияси қонуннинг Сенат эътироз билдирмаган айрим моддалари таҳририни ўзгартириш тўғрисида, агар бундай ўзгартиришни Сенатнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилган қонун моддаларининг таҳрири тақозо этадиган бўлса, қарор қабул қилишга ҳақли. Келишув комиссияси ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилинади. Келишув комиссиясини тузиш тартиби, комиссиянинг таркиби ва иши Регламентда белгиланади».

*Учинчидан*, ташкилотлар ўртасида низо келиб чиққанда ҳакамлик суриштирувлари ўтказиш ҳам мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳакамлик судлари тўғрисида» ги қонуни 2006 йил 8 февралда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, шу йил 25 августда Сенат томонидан маъқулланган. Мазкур қонунга бино-

ан, ҳакамлик суди фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тadbиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этувчи нодавлат органдир. Ўзбекистон Республикасида *доимий* фаолият кўрсатувчи ва *муваққат* ҳакамлик судлари ташкил этилиши мумкин. Доимий ҳакамлик суди юридик шахс томонидан ташкил этилиб, унинг ҳузурида фаолият кўрсатади. Муваққат ҳакамлик суди ҳакамлик битими тарафлари ўртасида келиб чиққан муайян низони ҳал этиш учун улар томонидан ташкил этилиб, низо кўриб чиқилганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

Ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмайди. Ҳакамлик судининг таркибини шакллантириш тартиби, ҳакамлик судьясига қўйиладиган талаблар, доимий ва муваққат ҳакамлик судлари фаолиятини тугатиш асослари, ҳакамлик тартибида низоларни ҳал этиш тартиб-таомиллари қонунда муфассал белгиланган<sup>1</sup>.

Юридик ихтилофлар, низо ва келишмовчиликларни ҳал этишда *суд процедуралари* ҳам муҳим ўрин тутатади. Хусусан, умумий юрисдикция судлари Фуқаролик-процессуал кодекси асосида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоясига оид ишларни кўриб, ҳал этадилар. Фуқаролик-процессуал кодексида белгиланган тартиб-таомиллар нафақат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга оид низоларни, балки меҳнат-ҳуқуқий, оилавий-ҳуқуқий, баъзи ер-ҳуқуқий муносабатларда, шунингдек хусусий ҳуқуқ соҳасига оид бошқа муносабатларда келиб чиқадиган низоларни кўриб ҳал этиш учун қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 1-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

---

<sup>1</sup> Ҳакамлик судлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2006. №10. 541-м.

Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас. Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари буйруқ тартибидаги ишларни, даъво тартибидаги ишларни, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларни ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибини белгилайди.

Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборатдир (ФПК нинг 4-м, 1-қ.).

Шу ўринда алоҳида эътиборга молик яна бир институтга тўхталиш лозим. Яъни: ишларни судда кўриш жараёнида келишув битимига эришиш. Хорижий мамлакатлар амалиётида сулҳпарвар судлар («мировые суды») ва икки томоннинг келишуви билан битимга эришиш институти мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ҳам келишув битими институти мустақамланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 100-моддасининг 4-бандига биноан тарафлар келишув битими тузган бўлсалар ва у суд томонидан тасдиқланган бўлса иш юритишни тугатиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексида ҳам иш юритишни тугатиш асослари тўғрисидаги моддада назарда тутилган бўлиб, унга кўра «келишув битими тузилиб, у хўжалик суди томонидан тасдиқланган бўлса», суд ишни кўриб чиқишни тугатади (86-модда). Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 583-моддасида ярашилганлиги муносабати билан иш юритишни тўхтатиш тартиби белгиланган.

Оммавий ҳуқуқ соҳасида келиб чиқадиган низоларни суд тартибида ҳал этиш механизмида Конституциявий суд муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 108—109 моддаларида, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисидаги қонуннинг 1 ва 2-моддаларида конституциявий суд кўриб ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлган ишлар кўлами белгиланган. Конституциявий суд: Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мослигини аниқлайди;

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан ўзининг ваколатлари доирасига киритилган бошқа ишларни кўриб чиқади. Конституциявий суд фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига амал қилган ҳолда ишларни ҳал этади ва хулосалар беради.

Юридик низоларни ҳал этишда хўжалик судларининг ҳам аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексига (1997 йил 30 август) мувофиқ хўжалик судида суд ишларини юритиш вазифалари кўйидагилардан иборат:

1) иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

2) иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш.

Хўжалик суди низоларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилади. Хўжалик суди ишни кўриш чоғида давлат органи ёки бошқа органининг ҳужжати қонунга тўғри келмаслигини, шу жумладан у ваколат доирасидан четга чиққан ҳолда чиқарилганини аниқласа, қонунга мувофиқ қарор қабул қилади.

Низоли муносабатни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари бўлмаган тақдирда хўжалик суди шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларини татбиқ этади, борди-ю бундай нормалар ҳам бўлмаса, қонунларнинг умумий асослари ва мазмунига таяниб низони ҳал қилади. Хўжалик суди қонунга ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ чет давлатларнинг ҳуқуқ нормаларини қўллайди.

Юридик ихтилофлар халқаро муносабатларда ва хорижий давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳам юзага келиши мумкин. Давлатлар ўртасидаги низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари орқали ечим топиши ягона ҳуқуқий усул ҳисобланади. Бундай усуллар рўйхати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг 33-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, халқаро низоларни ҳал этишнинг судлов тизимида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро суди, Европа суди, Европа Кенгашининг инсон ҳуқуқлари бўйича суди фаолият юритади. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти доирасида арбитраж жараёнлари қўлланилади. Булардан ташқари, халқаро кузатувчилар, тинчликпарвар кучлар ҳам ҳуқуқий макондаги низоларни ҳал этишга ҳисса қўшади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари, шартномалар ва битимлар доирасида келиб чиқувчи иқтисодий низолар махсус органлар томонидан кўриб ҳал этилади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида «Хўжалик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш тартиби ҳақидаги Келишув» имзоланган, шунингдек Иқтисодий суд фаолият юритади. Ҳуқуқий соҳадаги муайян низоларни ҳал этиш ишига халқаро савдо арбитражлари ҳам муҳим ҳисса қўшади.

Юқорида баён этилганларга хулоса қилиб, айтиш лозимки, юридик ихтилофларни ҳал этиш, одатда, қуйидаги тўрт турдаги қарорларни қабул қилиш билан яқунланади: а) қонун бузилишини бартараф этиш ва айбдорларни тегишли жавобгарликка тортиш; б) аввалги юридик ҳолатни ва ҳуқуқ субъектининг мақомини тиклаш; в) юридик режимни, тузилмани ўзгартириш; г) янги юридик ҳолатни ва ҳуқуқ субъектининг мақомини ўрнатиш.

Юридик ихтилофларни ҳал этиш усули ҳам алоҳида аҳамиятга молик масаладир. **Юридик ихтилофларни ҳал этиш усули** деганда, низо, зиддият ва келишмовчиликларни бартараф этишнинг муайян воситалари, услублари, механизмлари, таомил (процедура) лари тушунилади. Ихтилофнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, зиддиятни бартараф этишнинг, боши берк кўчадан чиқишнинг у ёки бу усули, у ёки бу шакли, воситаси қўлланади.

Юридик ихтилофларни ҳал этишнинг энг кенг тарқалган усуллари қуйидагилардан иборат: 1) шарҳлаш; 2) янги ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш; 3) эски ҳужжатни бекор қилиш; 4) амалдаги ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ёки аниқликлар киритиш; 5) ишларни суд тартибида, маъмурий процедура воситасида кўриш; 6) қонунчиликни тизимлаштириш, юридик нормаларни ўзаро мувофиқлаштириш; 7) музокаралар олиб бориш, келишув комиссияларини тузиш; 8) конституциявий одил судлов; 9) назария билан амалиётнинг оқилона алоқадорлигини ташкил этиш (таъминлаш); 10) халқаро процедуралар.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида тегишли органлар ва мансабдор шахслар ихтилоф, зиддиятларни аниқлаган тақдирда, одатда, қуйидаги қоидаларга риоя қиладилар:

а) башарти бир органнинг турли вақтларда қабул қилган бир неча ҳужжатлари ўртасида қарама-қаршилик мавжуд бўлса, кейинги қабул қилинган ҳужжатга амал қилинади;

б) агар ихтилофли ҳужжатлар бир пайтда бир неча органлар томонидан чиқарилган бўлса, юридик кучи юқори бўлган ҳужжат қўлланилади; бу ерда норматив ҳужжатларнинг иерархияси принципи амал қилади;

в) бир даражадаги (горизонталь) умумий ва махсус ҳужжатлар ўртасида ихтилоф чиқса, махсус ҳужжат қўлланилади; турли даражадаги (вертикаль) ҳужжатлар зиддиятли бўлиб қолса — умумий ҳужжат қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 93-моддаси 13-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти республика бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган (Конституция ва қонунларга хилоф бўлган) ҳужжатларини тўхтатади ва бекор қилади.

Юридик ихтилофларни бартараф этишда *шарҳлашнинг* ўрнига алоҳида тўхталиш лозим. Шарҳлаш расмий ва малакали амалга оширилган тақдирда яхши самара беради. Аммо, баъзан шарҳлаш оқибатида янги ихтилофлар пайдо бўлиши мумкин. Чунки, шарҳлаш тегишли субъектлар томонидан амалга оширилиб, бунда турли расмий ва норасмий тузилмалар айнан бир ҳужжатни, ҳодисани, фактни турлича талқин этишлари мумкин.

Шундай қилиб, юридик ихтилофлар, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги номуносибликлар жамиятдаги барқарорлик ва ҳуқуқий тартиботга путур етказди, ҳуқуқий онг бузилишига олиб келади. Шу боис аввало уларга йўл қўймаслик, доимо ихтилофларнинг олдини олиш (профилактика) чораларини кўриш лозим. Борди-ю, кўрилган чора-тадбирларга қарамай, юридик ихтилофлар юз берса, мавжуд механизмлар ва тартиб-таомиллар ёрдамида дарҳол уларни бартараф қилиш чораларини кўриш зарур. Акс ҳолда жамиятда ҳуқуқий лоқайдлик, нигилизм, маданиятсизлик ҳолатлари авж олади.

Юридик ихтилофлар нисбатан кенгроқ муаммо ҳисобланмиш *конфликтологиянинг* таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозирги кунда ижтимоий фанларда, хусусан сиёсатшуносликда жамиятдаги зиддият ва келишмовчиликларни ечишга хизмат қилувчи «можаролар назарияси» деган илмий йўналиш шаклланмоқда. Худди шунга ўхшаш ҳуқуқшунослик соҳасида *юридик конфликтология* фани ёки илмий йўналишини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. У, шубҳасиз, жамиятда ҳуқуқий барқарорликни, ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга, ҳуқуқий маданият ва маърифийликни юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшади.

## XXIII Б О Б

### ҲУҚУҚИЙ ХУЛҚ-АТВОР, ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК

#### 1-§. Ҳуқуқий хулқ-атвор тушунчаси, белгилари ва таснифи

Ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш воситаси сифатида кишилар хулқ-атворида таъсир этади ва шу тариқа уларнинг хатти-ҳаракатини ҳуқуқий хулқ-атворга айлантиради.

Таъкидлаш жоизки, шу чоққача юридик адабиётда асосий диққат-эътибор кишилар хулқ-атворининг ҳуқуққа зид жиҳатига, яъни ҳуқуқбузарликка қаратилиб, ҳуқуқий ҳаракатлар хусусида камроқ фикр билдирилади. Аслида жамиятдаги аксарият фаолият ва хатти-ҳаракатлар ҳуқуққа мувофиқ, яъни ҳуқуқийдир.

Ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар — шахс хатти-ҳаракатининг юридик нормаларга мувофиқ бўлишидир. Бу қонунга мос, юридик шаклда ифодаланган ижтимоий хатти-ҳаракат бўлиб, у туфайли ҳуқуқ амалга ошади. Ҳуқуқий хатти-ҳаракат доираси ва чегараси ҳуқуқий нормаларнинг диспозицияси билан белгиланади. Айнан у ҳуқуқий тартиботнинг моҳияти ҳисобланади.

Ҳуқуқий хатти-ҳаракат йўли билан жамият бошқарилади, унинг меъёрий ҳаёт — фаолияти тартибга солинади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга оширилади. Жамиятда вужудга келадиган ва амалда бўладиган ҳуқуқий муносабатларнинг асосий қисми ўз мазмунига кўра ҳуқуқий хатти-ҳаракатлардир.

*Ҳуқуқий хатти-ҳаракат* деганда, ҳуқуқ субъектларининг қонунга мос ижтимоий — фойдали ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги тушунилади. Бундай хулқ-атвор жамият ва давлат томонидан ижобий баҳоланади. Ҳуқуқий хулқ-атвор жамоалар ва якка шахсларнинг, умуман давлат, унинг органлари ва мансабдор шахсларининг ҳуқуқ нормалари асосидаги фаолияти бўлиб, бунда ҳуқуқий тақиқларга риоя этилади, юридик мажбуриятлар бажарилади, субъектив ҳуқуқлардан фойдаланилади, шунингдек ваколатли субъектлар томонидан ҳуқуқ ўрнатилади ва у амалга оширилади.



Кенг маънода фикр юритиладиган бўлса, ҳуқуқий хулқ-атвор доирасига ҳам ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳам ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бутун «ҳуқуқий макон» киради. Индивид (шахс) фаолиятининг иродавий хусусияти ва ижтимоий белгиланганлигини инобатга олган ҳолда, унинг ҳуқуқий хулқ-атворига қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Шахсининг ҳуқуқий хулқ-атвори** деганда, инсон фаолиятининг иродавий фаол ва норматив-ҳуқуқий жиҳати тушунилиб, бунда субъектнинг ҳуқуқий принциплар ва нормаларга ижобий муносабати намоён бўлади ва у ижтимоий аҳамият касб этади.

Жамиятда кишиларнинг хулқи-атвори турли шаклларда намоён бўлиб, уларнинг ифодаланиши, самараси, мотивлари, мақсадлари ва оқибатларига қараб турларга ажратиш мумкин. Ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвор ҳуқуқий норма билан ушбу норма таъминлаши кутилаётган ижтимоий самара (натижа) ўртаси боғловчи бўгин ҳисобланади. Мазкур хулқ-атвор турмушда қонунийлик режими талабларини амалга ошириш натижасидир, барча ҳуқуқий хулқ-атворлар йиғиндиси эса, моҳият-этиборига кўра жамиятда ҳуқуқий тартиботнинг тантана қилишидир.

*Ҳуқуқий хулқ-атворнинг ўзига хос белгилари:*

**Ижтимоий фойдалилиги** — бунда ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар жамият, шахс ва давлат учун фойдали бўлади ва бирор-бир шахсга зарар келтирмайди;

**Ихтиёрийлиги ва онглилиги** бунда жамият аъзоларининг асосий қисми ҳуқуқий ҳаракатларни жазо чораларидан қўрқишдан эмас, балки ўз ихтиёрлари билан ҳуқуқни ҳурмат қилиш асосида амалга оширади;

**Ҳуқуқ нормаларига мувофиқлиги** — шахсларнинг хатти-ҳаракатлари амалдаги ҳуқуқ нормаларига мос келиши ва ўрнатилган талабларга жавоб бериши, шунингдек, ҳуқуқ нормалари билан рухсат этилган чегараларда бўлиши талаб қилинади.

Ҳуқуқ қоидаларига амал қилиш, юридик мажбуриятларни бажариш, берилган ҳуқуқлардан фойдаланиш, махсус субъектлар томонидан ҳуқуқни қўллаш — буларнинг барчаси биргаликда ҳуқуқий хулқнинг моҳиятини ифодалайди.

Ҳуқуқ назариясида қарор топган талқинга кўра хулқ-атвор — *ҳуқуққа*

*мувофиқ, юридик бетараф ва ҳуқуққа зид келувчи хулқ-атвор бўлиши мумкин.*

Ҳуқуқий хулқ-атвор тузилишига кўра қуйидаги тўрт элементнинг бирлигидан иборат: субъект, объект, субъектив томон ва объектив томон.

**Субъектлар** сифатида қонунда белгиланган тартибда тан олинган жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланади.

**Объектлар** бўлиб моддий дунёнинг неъматлари, ижодий фаолият натижаси ва субъектларнинг хулқи ҳисобланади.

**Объектив томон** ҳуқуқий хулқнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклларида намоён бўлишидир.

**Субъектив томон** ҳуқуқий хулқ-атворнинг ички томонларини ифода-далаб, у ҳуқуқ субъектларининг ҳаракатлари мотивлари, руҳий ҳолати, ички кечинмалари ҳамда масъулиятлилиқ даражаси билан тавсифланади.

Ҳуқуқий хатти-ҳаракат жуда кенг маънога эга. У ўз хусусиятига кўра бир хил эмас. Шахснинг ҳуқуқий тартибга солиш жараёнига жалб этилиш даражасига кўра ҳуқуқий хатти-ҳаракат қуйидаги тўрт турга ажратилади:

**Фаол ҳуқуқий хатти-ҳаракат.** Бу фуқаролар ва юридик шахсларнинг ташаббуси, ақлий салоҳияти ва моддий имкониятларига таянган ҳолда ҳуқуқий нормаларни амалга оширишга қаратилган фаол ҳуқуқий фаолиятидир. Шахснинг ҳуқуқий фаоллиги — давр талаби. Ҳуқуқий фаолликнинг намоён бўлиш шакллари турлича. Бу жамиятга сидқидилдан фаол хизмат қилиш, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда қатнашиш, қонун лойиҳалари муҳокамасида бевосита иштирок қилиш, давлатнинг ҳар хил тузилмалари билан ҳамкорлик қилиш ва ҳоказо.

**Одатдаги ҳуқуқий хатти-ҳаракат.** У фаолликдан фарқ қилган ҳолда, ортиқча харажат ва ҳаракат билан боғлиқ бўлмайди. Бу кишининг доимий хизмат ва бошқа ҳаётий фаолиятидан келиб чиқади ва у, одатда, ҳуқуқий нормалар талабига мос келади. Фуқаролар ушбу хатти-ҳаракат доирасида ўзларининг юридик аҳамиятга молик у ёки бу ҳаракатларини амалга оширадilar. Лекин бу уларнинг фаоллигини ҳуқуқий талаб даражасидан оширишга олиб келмайди. Шахснинг ама-

лий ҳаётдаги фаолияти оддий ва зарурий ҳол ҳисобланади. Айнан шунга мувофиқ шахснинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари қаноатлантирилади.

**Конформистик (суст) ҳуқуқий хатти-ҳаракат.** Фуқаролар ўрнатилган ҳуқуқ нормаларига ижтимоий муҳит таъсирида, яъни ўз сафдошларининг, касбдошлари, раҳбарларининг кўз ўнгида риоя қиладилар. Бунда фуқаро ўзининг ташаббуси ва мустақил фикри билан эмас, балки ҳамма шу ҳаракатни амалга оширганлиги учун ҳам шундай қилишга мажбур бўлади. Конформистик хулқ-атвор ижтимоий фойдали хулқ-атворнинг энг қуйи даражасидир. Шунингдек, фуқаро ўзига тегишли ҳуқуқ ва эркинликлардан керакли мақсадда фойдаланмаслиги намоён бўлади. Масалан, фуқаро никоҳдан ўтишда, мулкка эгалик қилишда, сайловларда иштирок этишда сусткашликка йўл қўйиши мумкин. Бундай пайтда шахс ўз манфаатини қаноатлантириш имкониятидан фойдаланмаганлиги натижасида салбий оқибатлар келиб чиқади. Фуқаронинг сустиги сабабли сиёсий ва ҳуқуқий соҳада лоқайдлик юзага келади. Давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати пасаяди ва ҳоказо.

**Маргинал ҳуқуқий хатти-ҳаракат.** Маргиналлик лотинча «marginalis» сўзидан олинган бўлиб, чеккада, чегарада туриш маъносини англатади. Бунда шахс давлат томонидан ўрнатилган жазо тизимидан қўрқиши оқибатида ҳуқуқ талабига бўйсунди. Бу тоифа шахслар ижтимоий фаол ёки одатий ҳуқуқий хатти-ҳаракатни амалга оширмайдилар. Маргиналлик хулқ-атворнинг шундай шаклики, бунда индивид ғайриижтимоий кайфиятда, ўрнатилган ҳуқуқий тартиботни бузиш чегарасида бўлади, аммо муайян ҳадик ва қўрқув таъсирида салбий оқибат юз бермайди. Ушбу вақт оралиғида шахснинг хатти-ҳаракатларининг мотивига жазога тортилишдан хавотирланиш, ҳуқуққа риоя қилишдан манфаат қидириш, яқинлари ва жамоанинг дашномларидан, норозиликларидан чўчиш каби омиллар таъсир кўрсатади. Умуман олганда, маргинал хулқ-атвор ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвор ҳисобланади. Чунки, шахс ўз эътиқоди жиҳатдан ҳуқуқий талабларга хайрихоҳ бўлмаса-да, бироқ уларга риоя этади.

Ҳуқуққа мувофиқ хатти-ҳаракатларнинг бир қанча турларига бўли-

нади. Уларни турли мезонлар асосида таснифлаш мумкин. Масалан, ҳуқуққа мос хатти-ҳаракатларнинг ташқи намоён бўлиш хусусиятига кўра *фаол ҳаракат* ёки аксинча, *пассив хулқ-атвор* — *ҳаракатсизлик* турларига ажратилади.

Маълумки, ҳуқуққа мувофиқ хатти-ҳаракат муайян ҳуқуқ соҳаларига тегишли бўлган нормалар асосида амалга ошади. Шунга кўра, ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни *фуқаровий-ҳуқуқий*, *маъмурий-ҳуқуқий*, *меҳнат-ҳуқуқий*, *оилавий-ҳуқуқий* каби турга ажратилади. Ҳуқуқий қоидаларни амалга ошириш шаклига кўра, ҳуқуққа мувофиқ хатти-ҳаракатларни ҳуқуққа *риоя этиш*, *бажариш*, *фойдаланиш* ёки уни *қўллаш* билан боғлиқ хулқ-атвор сифатида гуруҳлаштириш мумкин.

Ҳуқуқий фаолият ва хатти-ҳаракатларни амалга оширилиш соҳасига қараб — *сиёсий*, *иқтисодий*, *ижтимоий* ва бошқа турларга таснифлаш мумкин. Ҳаракат ёки фаолиятни амалга оширувчи субъектга қараб — фуқаро, юридик шахс, мансабдор шахс, давлат ёки жамоат ташкилотини фарқлаш мумкин. Шундай қилиб ҳуқуқ мувофиқ хатти-ҳаракатларни турларга ажратиб ўрганиш уларнинг табиатини, хусусиятларини, аҳамиятини, сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётдаги ролини теранроқ тушуниш имконини беради.



## 2-§. Ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва моҳияти

Ҳуқуқий хатти-ҳаракатнинг тескариси (антиподи) ҳуқуқ бузилиши, яъни ғайриқонуний хатти-ҳаракат ҳисобланади. Ҳуқуқ бузилиши шахсга, мулкка, давлатга ёки умуман жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавfli, қонунга қарши ҳаракатдир.

**Ҳуқуқбузарлик** — ҳуқуқ субъектининг айбли, ҳуқуққа зид, жамият, давлат ва шахс манфаатларига зарар келтирувчи, юридик жавобгарликни келтириб чиқарувчи қилмишидир.

**Ҳуқуққа зид хатти-ҳаракат** — ўрнатилган ҳуқуқий қоидаларни фуқаролар ва юридик шахслар томонидан бажармаслик ёки уларга риоя қилмаслик ёхуд уларнинг талабларини бузиш йўналтирилган фаолият ва ҳаракат (ҳаракатсизлик). Субъектларнинг ҳуқуққа зид ҳаракатларни содир этиши уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасидаги салбий ўзгаришлар билан боғлиқдир. Чунки, ҳуқуққа риоя қилмаслик айрим шахсларнинг қабул қилинган қонунлардан хабардор эмаслиги ёки содир этилган хатти-ҳаракатини ҳуқуққа зид эканлигини билмаслиги, яъни ҳуқуқий жиҳатдан саводсизлиги ёхуд ҳуқуқни менсимаслиги натижасида юзага келади. Чунончи, айрим фуқаролар мавжуд қонунларнинг қабул қилинганлиги ва уларни бузиш мумкин эмаслигини билса-да, унга риоя қилмайдилар. Бундай шахсларнинг хатти-ҳаракатида уларнинг ҳуқуқий маданиятсизлиги ва ҳуқуқий нигилизми кўзга ташланади.

Ҳуқуқни бузиш — ўз хатти-ҳаракати оқибатини тушунадиган ва унга жавоб бера оладиган шахснинг ҳуқуққа зид айбли хатти-ҳаракати натижасида келиб чиқувчи зарарли оқибат. Бошқача айтганда, шахснинг ҳуқуққа қарши айбли қилмишидир. «*Ҳуқуқни бузиш*» ибораси кундалик ҳаётда, юридик амалиёт ва илмий адабиётларда кўп учраб туради. Лекин таъкидлаш жоизки, аслида ҳуқуқ норма сифатида бузилмайди, яъни ҳуқуқий норма юридик институт тарзида сақланиб қолади ва амал қилишини давом эттираверади. Ҳуқуқни бузиш — қонунга тажовуз эмас, балки қонун воситасида ўрнатилган қоидаларга (ҳуқуқий нормага) бўйсунмаслик, қонун талабларини бажармаслик ва қонун томонидан қўриқладиган ижтимоий муносабатларга (мулк, манфа-

ат, қадр-қиммат ва ҳоказоларга) тажовуз қилишдир. Ҳуқуққа хилофлик ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий зарарлилиги, унинг салбий (нохуш) оқибати билан тавсифланади. Ушбу тушунча ҳуқуқ бузилишининг қуйидаги беш муҳим белгисини ўз ичига олади:

**1. Ижтимоий хавфлилик** ҳуқуқбузарнинг жамият қадриятларига тажовуз қилишини, хусусий ва ижтимоий манфаатларни поймол этишини англатади. Ҳуқуқбузарликнинг зарарлилиги ёки хавфлилиги шундаки, у жамият ҳаётининг маромига, ҳуқуқий тартиботга салбий таъсир кўрсатади. Ҳуқуқбузарлик ижтимоий хавfli хусусиятга эга, яъни муайян зарар келтиради ёки шахс, мулк, давлат, жамият учун хавф туғдиради. Ҳуқуқий адабиётларда ноҳўя хатти-ҳаракат ижтимоий хавfli эканлиги ёки қонун бузилишининг жуда оғир тури эканлиги ҳақида мунозаралар мавжуд. Фикримизча, қонун бузилишининг ҳар қандай шакли ижтимоий хавfli ҳодисадир.

**2. Ҳуқуққа хилофлилик** — ҳуқуқбузарликнинг иккинчи белгиси. Бу ўринда сўз қилмиш оқибатида қонун, муайян ҳуқуқий норма талабининг бузилиши тўғрисида бормоқда. Бошқача айтганда, ҳуқуқбузар қонунда ёки ҳуқуқ нормасида белгилаб қўйилган тақиқни бузиши содир бўлади. Агар бундай тақиқ бўлмаса ва унга зид хатти-ҳаракат амалга оширилмаса, ҳуқуқбузарлик ҳам бўлмайди. Қонун кенгайтирилган ҳолда ёки аналогия бўйича шарҳланиши мумкин эмас. Ҳуқуққа хилофлик — ижтимоий хавfli қилмишнинг юридик ифодасидир. Ҳуқуқ бузилиши ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатдир.

**3. Ҳуқуқбузарлик фақат кишилар томонидан содир этилади.** Ҳуқуқбузарликнинг субъекти сифатида фақат жисмоний шахслар, одамлар тан олинади; жонивор, ҳайвон ва паррандалар ғайриҳуқуқий ҳаракатлари учун юридик жавобгарликка тортилмайди. Ҳуқуқ тарихидан маълумки, ҳайвонлар ҳам баъзи вақтларда қонун бузилишининг субъекти бўлиб ҳисобланган. Ўрта асрларда баъзи мамлакатларда тўнғизлар, сичқонлар, каламушлар, итлар ва ҳоказо жиноят содир қилганлар, шунга кўра барча юридик қоидаларга мувофиқ, уларни суд қилишган: бу ҳақда тергов олиб борилган, улар судга чақириқ варақаси орқали чақирилган, прокурор ва ҳимоячи судда нутқ сўзлаган, суд ҳукми чиқарилган ва ижро қилинган. Фақат ўз ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлари-

нинг оқибатларини англашга қобилиятли ва унга жавоб бера оладиган (деликт лаёқатли) шахсларнинг ҳуқуққа хилоф қилмишлари ҳуқуқбузарлик деб тан олинади. Шу боис ақли норасо, муомала лаёқатига (деликт лаёқатига) эга бўлмаган шахслар ва ёш болалар ҳуқуқбузарликнинг субъекти ҳисобланмайдилар. Ҳуқуқбузарлик шахснинг фикрлаш тарзи эмас, балки унинг *қилмиши*, *хулқ-атворидир*. Бундай хулқ-атвор эса, ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклида намоён бўлади. Ҳуқуқбузарнинг ижтимоий хавfli нияти фақат унинг хулқ-атворида, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) да ўз ифодасини топади. Гегель ўзининг «Ҳуқуқ фалсафаси» асарида кишилар эътиқодлари, ниятлари учун эмас, балки фақат қилмишлари учун жавоб беришлари лозимлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурган<sup>1</sup>.

**4 Айблилик** — ҳуқуқбузарликнинг тўртинчи белгиси. Ҳуқуқ нормасини бузишда айбланаётган шахс юридик жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлиши ва ўз ҳаракатларни қасдан ёки эҳтиётсизлик орқали содир этган бўлиши лозим.

Ҳуқуқбузарлик — айбли қилмишдир. Агар шахснинг ҳаракатида айб бўлмаса, унинг ҳаракати гарчи шахснинг ҳолати четдан қараганда ҳуқуқий тартиботга қаршидек кўринса ҳам ҳуқуқбузарлик ҳисобланиши мумкин эмас. Масалан, зарурий мудофаа ҳолатида одам ўлдириш.

*Айб* — шахснинг ўзи содир этган ҳуқуққа хилоф ҳаракатга ва унинг зарарли оқибатларига бўлган руҳий муносабати. Инсон олдида қарийб ҳар доим ҳуқуққа мос ёки унга зид ҳаракат қилишни танлаш имкони бўлади. Агар у иккинчи йўлни танласа, ҳуқуққа хилоф қилмишни айбли тарзда содир этган, деб ҳисобланади.

**5 Қилмишнинг жазога сазоворлиги** ҳуқуқ бузилишининг бешинчи белгисидир. Бу муайян ҳуқуқбузарлик учун уни содир этган шахснинг ваколатли давлат органи томонидан жавобгарликка тортилишини англатади. Ушбу жавобгарлик чораси ва чегараси ҳуқуқий норманинг санкциясида ифодаланади.

**Ҳуқуқбузарлик таркиби:** Ҳуқуқбузарлик юридик факт бўлиб ҳисобланади, у ўз навбатида, қўриқловчи характерга эга бўлган ҳуқуқий

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Гегель Г. — В.Ф. Философия права. — М., 1990, С. 141, 144, 145, 192.

муносабатларни ҳам юзага келтиради. Ҳуқуқбузарликнинг таркиби муайян ҳуқуқ нормасини шарҳлаш, унинг мазмунини очиш ҳамда дунёқараш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқбузарлик таркиби тўртта элементни ўз ичига олади: ҳуқуқбузарликнинг *объекти*, *субъекти*, *объектив томони* ва *субъектив томони*.

**Ҳуқуқбузарликнинг объекти** деганда ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ва қўриқланадиган ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида зарар етказиладиган ижтимоий муносабатларга тушунилади. Объект ҳуқуқий нормада аниқ ифодаланган бўлади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс нафақат жамиятда қарор топган ҳуқуқий тартиботга, балки фуқароларнинг ҳуқуқий онгига ҳамда уларнинг субъектив ҳуқуқларига зарар етказди.

Ҳуқуқбузарлик объекти ва предмети алоҳида тушунчалар бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилади. Масалан, ўғрилиқ жиноятининг объекти, ўзгалар мулки, яъни мулкӣ мазмундаги ижтимоий муносабат ҳисобланади, унинг предмети эса пул, видеотехника, мебель, транспорт воситалари ва бошқа шу каби турли хил моддий ашёлар бўлиши мумкин.

**Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони** ҳуқуқ бузилишининг ташқи тавсифи бўлиб, бунда шахснинг ҳаракати ва ҳаракатсизлиги оқибатида ҳуқуқнинг бузилиши ҳамда унинг ижтимоий хавфлилиги намоён бўлади. Мазкур жиҳатга қараб, ҳуқуқбузарлик тўғрисида, унинг қандай содир бўлганлиги ва қай даражада зарар келтирганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин.

Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказувчи ижтимоий хавфли қилмишнинг асосий белгилари йиғиндисидир. Шу боис қонун чиқарувчи орган, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарлик таркибининг объектив томони белгиларини қонунда тўлиқ таърифлашга ҳаракат қилади. Қилмишнинг объектив томонини таҳлил қилмай туриб, шахснинг қилмишида ҳуқуқбузарлик аломати бор ёки йўқлиги тўғрисидаги хулосага келиш мумкин эмас.

Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони элементлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: а) ҳуқуққа зид қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсиз-



лик); б) ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида ижтимоий муносабатларга етказилган зарар (оқибат); в) ҳуқуққа зид қилмиш билан зарарли оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш; г) ҳуқуққа зид қилмишнинг содир этилган жойи, вақти ва муҳити; д) ҳуқуқбузарликни амалга ошириш усули ва воситалари.

Ижтимоий хавfli қилмиш ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланadi.

**Ҳаракат** шахснинг қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказишга қаратилган ижтимоий хавfli, иродавий ва фаол хулқ-атворидир. Масалан, одам ўлдириш, ўғрилиқ, пора олиш, пора бериш, пора олиш беришда воситачилиқ қилиш, транспорт воситасини олиб қочиш каби жиноятлар ҳаракат орқали содир этилади.

**Ҳаракатсизлик** деганда, шахснинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бажариши шарт қилиб белгиланган муайян ҳаракатларни бажармаслигида ифодаланган ижтимоий хавfli, онгли ва суств хулқ-атворини тушуниш лозим. Масалан, хавф остида қолдириш, вояга етмаган фарзандни моддий таъминлашдан бўйин товлaш, ҳоқимият вақилининг ҳаракатсизлиги, суд қарорини бажармаслик каби жиноятлар ҳаракатсизлик оқибатида содир этилади.

**Ҳуқуқбузарликнинг субъекти** бўлиб, ҳуқуқбузарликни содир қилган ўз қилмишларининг оқибати учун юридик жавобгарлик ўтай оладиган (деликт лаёқатига эга) юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Субъектларнинг хусусиятлари ҳуқуқбузарликнинг турига боғлиқ бўлади. Масалан, жиноий ва маъмурий ҳуқуқнинг субъектлари бўлиб фақат жисмоний шахслар ҳисобланади. Ҳуқуқни бузишнинг субъектлари икки турга ажратилади: граждaнлар ва юридик шахслар. Юридик шахсларга — давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар киради. Юридик шахслар деб ўзларига хос мулкка эга бўлган, ўз номларидан мулккий ва мулккий характерда бўлмаган шахсий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва мажбуриятларни ўтай оладиган, судда ёки ҳақамлар судида даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотлар танилади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддаси).

Жиноят субъектининг умумий белгилари: 1) жисмоний шахс; 2) ақли расолик; 3) жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етганлик.

*Жисмоний шахс* бўлиб, Ўзбекистон фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда чет эл фуқаролари ҳисобланадилар. Ўзбекистон Республикасида юридик шахслар жиноят субъекти ҳисобланмайди.

*Ақли расо шахс* деганда, ҳуқуқбузарлик содир этган вақтда ўз қилмишининг ижтимоий хавfli эканлигини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган шахс тушунилади. Маст ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки одамнинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсирида жиноят содир этилса, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади ва шахс жавобгарликдан озод қилинмайди (ЖКнинг 19-моддаси).

*Ақли норасо шахс* деганда, ҳуқуқбузарлик содир этган вақтда ўз қилмишининг ижтимоий хавfli хусусиятини англай олмаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган, оқибатлари учун жавоб бера олмайдиган шахс тушунилади (масалан, шизофрения, эпилепсия, олигефрения ва бошқ.)

Шахс суд томонидан ақли норасо деб топилса, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилиши мумкин (ЖКнинг 18-моддаси).

*Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони* шахснинг (жисмоний ва юридик) ҳуқуққа қарши қаратилган ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибати-га, улардан келиб чиқадиган ижтимоий зарарга нисбатан руҳийонгли муносабатидир. Ҳуқуқбузарлик субъектив томонининг зарурий белгиси **айбдор**. Айб — ҳуқуқбузарнинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатига ва уларнинг ижтимоий хавfli оқибатига нисбатан *қасд* ёки *эҳтиётсизлик* шаклидаги муносабатидир.

*Қасд* — шахснинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатини содир қилаётган пайтида, шу ҳаракатнинг ҳуқуққа хилофлигини, ижтимоий хавfliлигини, унинг оқибатини англаши ёки тушунишидир ва бу хатти-ҳаракатнинг натижасида ижтимоий хавfli оқибатлар келиб чиқишини билгани ҳолда уларнинг келиб чиқишини истаб ҳаракат қилиши (тўғри қасд) ёки уларнинг келиб чиқишига йўл қўйишидир (эгри қасд).

*Эҳтиётсизлик* — шахснинг хатти-ҳаракатлари натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олишни назарда тутиб, бепарволик билан ўзига ишониб ҳаракат қилишидир.

Ҳуқуқбузарликлар ижтимоий хавфлилик даражасига кўра икки гуруҳга бўлинади.

1. **Жиноят** — содир этилиши Жиноят кодексида жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланган айбли ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик). Жиноят натижасида давлат, жамият ва шахс манфаатларига жиддий зарар етказилади.

Ҳар қандай жиноий-ҳуқуқбузарлик жиноятдир. Жиноят кодекси ва бошқа жиноят қонунчилигида назарда тутилмаган хатти-ҳаракатлар жиноят ҳисобланмайди.

2. **Ножўя хатти-ҳаракат** — *ножўя иш* ҳуқуқбузарликнинг кўп тарқалган кўриниши бўлиб, ижтимоий хавфнинг камлиги билан тавсифланади ва жазо чораларининг қўлланишига қараб жиноятдан фарқ қилади.

Жиноят — ҳуқуқбузарликнинг энг оғир туридир. Ножўя хатти-ҳаракат бу ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, бошқарув, меҳнат, мулкӣ ва бошқа муносабатларга путур етказувчи, лекин ижтимоий хавfliлик даражасига кўра жиноят ҳисобланмайдиган ҳуқуқ бузилишидир. Жиноят ва ножўя хатти-ҳаракатни аниқ чегаралаш лозим. Чунки у жазонинг ижтимоий-ҳуқуқӣ чора сифатидаги тури ва миқдори билан боғлиқдир. Улар ижтимоий хавfliлик даражасига кўра фарқланади. Ножўя хатти-ҳаракатга нисбатан жиноят оғир, ижтимоий хавfli ҳисобланади.

Ижтимоий хавfliлик даражасини аниқлашда қуйидаги мезонлар қўлланилади.

**Биринчидан**, қонунга хилоф равишда тажовузкорлик объекти бўлган муносабатларни ҳуқуқӣ тартибга солишнинг аҳамияти. Жиноий тажовуз объекти, одатда, энг муҳим ижтимоий муносабатлар, манфаатлар, моддий неъматлар ҳисобланади. Бу, энг аввало, шахснинг ҳаёти ва сихат-саломатлиги, унинг шаъни ва кадр-қиммати, мулки, давлат хавфсизлиги, унда ўрнатилган бошқарув тартиби ва бошқалардир. Ижтимоий муносабатларнинг меҳнат, табиатни муҳофаза қилиш, транспорт, уй-жой, коммунал хўжалиги ҳамда бошқа соҳалари бунчалик аҳамиятга молик эмас, чунки улардаги тажовузкорлик қонунда жиноят эмас, балки ножўя хатти-ҳаракат деб эътироф этилади.

**Иккинчидан**, келтирилган зарар ҳажми. Агар келтирилган зарар катта бўлса, одатда, хатти-ҳаракатни жиноят деб ҳисобланади. Жуда кичик бўлса, у ножўя хатти-ҳаракат деб айтилади. Масалан, ўзбошимчалик маъмурий ножўя хатти-ҳаракат соҳалари (қонунда белгиланган тартиб-қонидани ўзбошимчалик билан бузиш) фуқаро, давлат ёки жамоат ташкилотларига жиддий зарар келтирмаса, ножўя хатти-ҳаракат ҳисобланади. Агар у шахс, давлат ёки жамоат ташкилотларига зарар келтирган бўлса, бундай хатти-ҳаракат жиноят қонунларига мувофиқ жиноят деб ҳисобланади.

**Учинчидан**, ҳуқуққа зид қилмишнинг усули, вақти ва содир қилиш жойи. Масалан, ҳарбий хизматчи томонидан тинчлик вақтида буйруқни бажармаслик интизомий ножўя хатти-ҳаракат деб топилса, уруш вақтида бу оғир жиноят ҳисобланади.

Ножўя хатти-ҳаракатлар баъзи турларининг кенгайиб бориши улар ижтимоий хавфининг кескин ортишига олиб келади ва қонунчиликда назарда тутилмаган жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлади. Бундай пайтда Жиноят кодекси янги моддалар билан тўлдирилади.

**Тўртинчидан**, ҳуқуқбузарнинг шахси. Ножўя хатти-ҳаракатлар жиноятлардан фарқли ўлароқ, шахс томонидан ижтимоий хавф туғдирмайди ёки кам хавфли бўлади. Агар шахс ҳуқуқий нормаларни бир неча марта бузса, ижтимоий хавф туғдиради ва унинг кейинги хатти-ҳаракати ножўя ҳаракат тарзида эмас, балки жиноят тарзида баҳоланади. Маст ҳолатида транспорт воситасини бошқаргани ва яна шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар содир этгани учун (бунда унинг транспорт воситасини бошқаришга ҳуқуқи бўлмаса) маъмурий тарзда ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этилган шахс ўша ножўя ҳаракатларини қайта такрорласа, жиноий жавобгарликка тортилади.

*Ножўя хатти-ҳаракат қуйидаги турларга бўлинади:*

**Фуқаровий ҳуқуқбузарлик**, бунда фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бузилиши, яъни мажбуриятлар бажармаганлиги боис, мол-мулкка, кишининг шаънига ёки соғлиғига зиён етказилиши тушунилади. Мазкур турдаги ҳуқуқбузарлик мулккий ва шахсий номулкий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар талабини бузиш оқибатида келиб чиқади. Шахсий номулкий ҳуқуқлар бузилганида жа-

вобгарлик чоралари қуйидагича бўлиши мумкин, масалан, даъвогарнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказувчи маълумотларга нисбатан жавобгар томонидан раддия билдириш. Мулкий ҳуқуқбузарлик содир этилганда етказилган зарарни ундириш, неустойка тўлаш, қарздордан мулкни олиб қўйиш, битимни ҳақиқий эмас деб топиш каби жавобгарлик чоралари қўлланилади. Фуқаровий ҳуқуқий жавобгарлик чоралари суд, ҳўжалик суди, ҳакамлик суди томонидан қўлланилади.

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик** деб жамоат ёки давлат тартибига, давлатнинг ёки шахснинг мулкига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳамда содир этилгани учун қонунда маъмурий жавобгарлик назарда тутилган ғайриқонуний, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган) ҳаракат ёки ҳаракатсизликка айтилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик, худди жиноят каби, жамият учун хавфли бўлиб, ундан фақат ушбу хавфнинг даражаси билан фарқ қилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик маъмурий қонунчилик томонидан белгиланган умуммажбурий талабларни фуқаролар, хизмат мавқеи ва итоат этиш тартибидан қатъи назар мансабдор шахслар томонидан бузилишидир.

**Интизомий ҳуқуқбузарлик** — корхона, ташкилот ёки муассасаларнинг раҳбарияти томонидан ўрнатилган юриш -туриш ва ички меҳнат тартиб-қоидалари, хизмат интизомининг ходимлар томонидан бузилиши ҳамда хизмат вазифаларини бажарилмаслигидир. Мазкур ҳуқуқбузарлик интизомий жавобгарликка сабаб бўлади. Интизомий жазо чоралари юқори турувчи орган ёки мансабдор шахс (раҳбар) томонидан қўлланилади.

Баъзи юридик адабиётларда ҳуқуқбузарликнинг алоҳида тури сифатида процессуал ножўя хатти-ҳаракатлар (ҳуқуқбузарликлар) ажратиб кўрсатилади. **Процессуал ҳуқуқбузарлик** — қонун билан белгиланган одил судловни амалга ошириш, юридик ишларни ҳуқуқни қўллаш органларида ўтиши, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатини чиқариш тартиб-таомилининг бузилишидир. Масалан, гувоҳнинг суд мажлисига келмаслиги. Бундай ҳолда гувоҳ судга мажбуран олиб келиниши мумкин. Судланувчининг чақириқ қоғозига биноан судга келмай қолиши ҳам процессуал ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Бунда судья судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириши мумкин.

### 3-§. Юридик жавобгарлик тушунчаси, белгилари ва турлари

Ҳуқуқшунослик фанида юридик жавобгарлик масаласида турлича фикрлар мавжуд. Кўпчилик муаллифлар юридик жавобгарликни давлатнинг ўз ҳуқуқий талабларини бажаришга қаратилган мажбурлов чораларини қўллаши деб тушунсалар, бошқа баъзи олимлар унга амалдаги юридик категориялар доирасида ёндашиб, уни қўриқловчи ҳуқуқий муносабатлар, махсус юридик мажбуриятлар ёки ҳуқуқ нормалари санкциялари кўринишида талқин этишга интиладилар.

**Юридик жавобгарлик** — ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан процессуал тартибда қонунчиликда белгиланган давлат мажбурлов чораларини қўллашдир.

Ҳуқуқшунослик фанида юридик жавобгарлик масаласи юзасидан турлича фикрлар мавжуд. Кўпчилик муаллифлар юридик жавобгарликни баъзан давлатнинг ҳуқуқ талабларини бажаришга қаратилган мажбурлов чораларини қўллаши деб тушунсалар, бошқа баъзи бир олимлар унга амалдаги юридик категориялар доирасида ёндашиб, юридик жавобгарликни қўриқловчи ҳуқуқий муносабатлар, махсус юридик мажбуриятлар ёки ҳуқуқ нормалари санкциялари кўринишида талқин этишга интиладилар.

Юридик жавобгарликнинг табиати ва мазмунини аниқ белгилаш учун аввало жавобгарликнинг ўзи нима деган саволга жавоб бериш зарур. Жавобгарликни икки маънода: актив жавобгарлик ва ретроспектив жавобгарлик<sup>1</sup> маъносида тушуниш мумкин.

**Ижобий маънодаги жавобгарлик** — масъулиятлилиқдир, яъни шахснинг жамиятдаги ўз ўрнини, ижтимоий тараққиётдаги ролини ва жамият ишларидаги ўзининг иштирокини чуқур англаб ҳаракат қилишидир. Ҳуқуқ нормалари ва қонунчилик талабларига нисбатан масъулиятлилиқ кишилар ҳаракатининг ахлоқий ва сиёсий регулятори сифатида майдонга чиқади. Ижобий маънодаги жавобгарлик ҳуқуқ нормалари талабларини бузмаслик учун жавобгарликдир.

---

<sup>1</sup> *Ретроспектив* — ўтмиш, ўтмишга қайтиш демакдир. Юридик маънода ҳуқуқий нормани бузгандан кейинги жавобгарлик, яъни ўтган иш учун жавобгарлик.

*Ретроспектив маънодаги жавобгарлик* — шахс ўз ҳаракатларининг салбий натижалари учун, ҳуқуқни бузганлиги учун маълум ҳуқуқ ва бурчлардан маҳрум бўлиш формасида ўталадиган жавобгарликдир. Бу маънодаги жавобгарлик ҳуқуққа зид келувчи ва жамият манфаатларига зарар етказувчи хатти-ҳаракатни содир этганлик учун юкланадиган жавобгарликдир.

Жавобгарликнинг бу икки тури ўзаро узвий боғлиқдир. Ижобий жавобгарлик (масъулият) қанча юқори бўлса, турмуш қоидалари шунча яхши бажарилади ҳамда ретроспектив жавобгарликка тортилиш ҳолатлари шунча кам бўлади.

Ижобий ва ретроспектив жавобгарлик фақат юридик жавобгарлик учунгина хос элементлар бўлиб қолмасдан, балки умуман социал жавобгарлик учун ҳам хосдир. Социал жавобгарлик анча кенг тушунча бўлиб, барча социал нормаларни бузганлик (ёки бузмаслик) учун жавобгарликни назарда тутаяди. Социал жавобгарлик сиёсий жавобгарлик, юридик жавобгарлик, ахлоқий ва бошқа хил жавобгарликларни ўз ичига олади.

**Юридик жавобгарлик** — бир томондан, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқий норма талабларига тўлиқ амал қилиш масъулияти ва, иккинчи томондан, давлат билан ҳуқуқни бузган шахс ўртасида ҳуқуқий муносабат бўлиб, бунда айбдор шахс муайян ҳуқуқлардан маҳрум этилиб, ўзи учун нохуш оқибатлар келиб чиқишидан жабрланишидир. Бунда ҳуқуқ нормаси санкцияларини реализация қилиш моменти юридик жавобгарлик белгилаш моментига мос келади дейиш мумкин.

Юридик жавобгарликда ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатни содир этган шахсга нисбатан унинг эрки ва истагидан қатъи назар давлат мажбурлов чораси қўлланилади. Давлатнинг мажбурлаш кучи фақат ҳуқуқ нормалари талабларини бузган шахсларга нисбатангина қўлланилади.

*Юридик жавобгарлик* — ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаши бўлиб, бунда айбдор шахс муайян ҳуқуқлардан (шахсий, мулкӣ, ташкилий ва ҳоказо) маҳрум этилади.

Юридик жавобгарлик қуйидаги белгилари билан тавсифланади:

- 1) юридик жавобгарлик давлат мажбуурлов чоралари билан боғлиқ;
- 2) юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ;
- 3) юридик жавобгарлик ҳуқуқбузар учун салбий оқибатларни келтириб чиқаради (озодликдан, ота-оналикдан маҳрум бўлиш ёки содир этилган қилмиши учун жарима тўлаш ва ҳоказо);
- 4) ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган чораларнинг характери ва ҳажми ҳуқуқ нормаларнинг санкциясида ўрнатилган бўлади;
- 5) давлат томонидан қўлланиладиган мажбуурлов чоралари ҳуқуқни қўллаш фаолияти давомида тегишли ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ва процессуал шаклларга амал қилган ҳолда олиб борилади.

Юқоридаги хусусиятлари билан юридик жавобгарлик сиёсий, ахлоқий ва бошқа жавобгарликлардан фарқ қилади.

**Юридик жавобгарликка тортиш учун асоси** — ҳуқуқбузарликдир, яъни, ҳуқуқ нормалари талабини бузувчи муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир.

Табиийки, юридик жавобгарлик муайян мақсадларни кўзлайди. Бу ерда «мақсад» деганда юридик жавобгарликнинг жамиятда бажарилган вазифаси назарда тутилмоқда. Юридик жавобгарликнинг икки муҳим мақсади мавжуд: ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилиш ва фуқароларни тарбиялаш. Бу мақсадларга эришиш учун юридик жавобгарлик қуйидаги **функцияларни** бажаради: **жазолаш** (жарима солиш); **бузилган ҳуқуқни тиклаш** (масалан, мулкӣ жавобгарлик, етказилган зарарни ундириш); **огоҳлантириш**. Мазкур функциялар воситасида юридик мажбуриятлар бажарилиши таъминланади.

**Юридик жавобгарликнинг белгилари.** Юридик жавобгарлик қуйидаги ўзига хос белгилари билан ажралиб туради:

**Биринчидан**, у давлат мажбуурлови билан чамбарчас боғлиқ. Юридик жавобгарлик давлат томонидан ўрнатилади ва юридик нормаларда ифода этилганидек, ҳуқуқнинг талабларидан четга чиққан айбдор шахсларга нисбатан мажбурий таъсирнинг ўзига хос усули бўлиб ҳисобланади. Юридик жавобгарлик айрим ноҳўя хатти-ҳаракатга нисбатан жавоб сифатида алоҳида ҳолларда қўлланилади. Шунинг учун, қоидага



кўра, у ҳуқуқбузарлар учун қўлланадиган қатъий чекловлар тарзида намоён бўлади.

*Иккинчидан*, юридик жавобгарликнинг амалдаги асоси шундай ҳуқуқбузарлик, яъни шахснинг ички (онги ёки иродаси) ва ташқи ҳаракатларининг бирлигини мужассамлаштирган хатти-ҳаракати сифатидаги акт бўлиши мумкин. Бу ҳуқуқий кўрсатмаларни бузишда айбдор бўлган шахсина ҳуқуқий жавобгарликнинг субъекти бўлиши мумкинлигини билдиради.

*Учинчидан*, юридик жавобгарлик давлат томонидан айблаш, ҳуқуқбузарнинг хулқ-атвори учун танбеҳ бериш билан боғлиқ. Давлат томонидан айблаш — бир қатор хусусиятларга эга бўлган тушунча ҳисобланади: а) бундай қоралаш хулқ-атвори учун танбеҳ бериладиган субъектларга нисбатан ҳокимият таъсирини қўллаш билан боғлиқ; б) давлат томонидан айблаш ҳуқуқбузарни айбдор деб топиш, унга нисбатан аниқ жавобгарлик чораларини белгилаш ва уларни амалга оширишда намоён бўлади; в) бу ретроспектив хусусиятга эга. Бунда фуқаролар, мансабдор шахслар, ташкилотларнинг илгари содир этилган ҳуқуққа хилоф фаолияти ва ҳаракатлари салбий баҳога сазовор бўлади.

*Тўртинчидан*, юридик жавобгарлик ҳамма вақт ҳуқуқбузарга нисбатан маълум салбий (нохуш) оқибатларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ. Юридик жавобгарликни ҳуқуқбузарлик содир қилган шахс учун қонунда белгиланган қийинчиликлар ва чеклашларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

***Юридик жавобгарликнинг қуйидаги турлари мавжуд:***

***Жиноий жавобгарлик*** фуқаролар томонидан жамият ва давлат тузумига, турли шаклдаги мулкка, хўжалик тизимига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ва ҳоказоларга қарши тажовуз қилинганида келиб чиқади. Жиноят кодексида назарда тутилган талабларни бузиш жиноят ҳисобланади ва шу жиноий ҳаракат ёки ҳаракатсизликка нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланади. Жиноий жавобгарликка давлат мажбурлов чораларининг энг қаттиқ турлари киради. Уни амалга ошириш Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари билан тартибга солинган.

Жиноий жавобгарликда жазо асосий ва қўшимча турларга бўлинади. Ҳозирги кунга келиб жазо тизимини эркинлаштириш (либераллаштириш) бўйича ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Президент фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси 2008 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинди. Шу билан бир қаторда мол-мулкни мусодара қилиш жазоси қўшимча жазо тизимидан чиқариб ташланди.

**Маъмурий жавобгарлик** — маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, уларга — жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидаларни бажармаслик, масалан, йўл ҳаракати қоидаларини ва жамоат тартибини бузиш, табиатни муҳофаза этишга қарши ҳаракатлар ва бошқалар киради. Маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик бўйича қуйидаги жазо чораларини кўрсатиш мумкин: огоҳлантириш; жарима солиш; (ҳуқуқбузарлик қуроли ёки объекти бўлган нарсани) мусодара қилиш; махсус ҳуқуқлардан маҳрум этиш (ов қилиш, транспорт воситаларидан фойдаланиш ва ҳоказо); маъмурий қамоқ; ахлоқ тузатиш ишлари ва бошқалар.

**Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик** — фуқаролик қонунчилиги қоидаларини бузган шахсларга нисбатан жабрланувчига етказилган мулкий зарарни қоплаш билан боғлиқ мажбурий таъсир чораси қўлланилади.

Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик шартнома талабларини лозим даражада ёки умуман бажармаганлик учун келиб чиқади ва одатда, мулкӣ (моддий) мазмундаги таъсир чоралари қўлланиши билан тавсифланади. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўлувчи ҳуқуқбузарлик (мажбуриятни бажармаслик) икки хил бўлади: а) фуқаровий қонунчиликда назарда тутилган мулкӣ мажбуриятларни бажармаслик; б) фуқароларнинг соғлиги, ҳаёти, шаъни ва қадр-қимматида дахлдор номулкӣ мажбуриятларни бажармаслик. Мазкур жавобгарлик Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Ер кодекси, Меҳнат кодекси ва бошқа хусусий ҳуқуқ соҳасига оид қонунлар нормасини бузиш натижасида келиб чиқади.

Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик чораларига тегишли мажбуриятни мажбурий бажартириш, зарарни ундириш, неустойка, жарима, пеня ва бошқалар киради.

**Интизомий жавобгарлик** — корхона ва ташкилотларда белгиланган тартиб-қоидаларни бузиш оқибатида келиб чиқади. Интизомий-ҳуқуқий жавобгарликнинг белгиланиш ҳолатлари Меҳнат кодекси, корхона ва ташкилотларнинг ички меҳнат тартиб-қоидалари ҳамда махсус низомларда назарда тутилади. Интизомий жавобгарлик меҳнат ва хизмат интизомини, ҳарбий ва бошқа интизомни бузиш билан боғлиқ бўлиб, уларга идоранинг ички тартиб-қоидаларини бузиш, ишга кеч келиш ёки ишдан барвақт кетиш ва ҳоказо ҳолларда келиб чиқади. Интизомий-ҳуқуқий жазо чорасини қўллаш ички ишлар органлари, мансабдор шахслар ва тегишли ваколатга эга бўлган раҳбарлар (маъмурият) томонидан амалга оширилади. Меҳнат интизомини бузган ходимлар корхона, ташкилот ва муассаса маъмурияти томонидан жавобгарликка тортиладилар. Фуқаро авиацияси, темир йўл транспорти ходимлари, судьялар ва бошқа айрим тоифа ходимларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги масала махсус интизомий комиссиялар томонидан тегишли низомлар асосида кўриб чиқиб, ҳал этилади. Жиноий ва фуқаролик — ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш фақат суд ва хўжалик судлари томонидан амалга оширилади. Маъмурий ва интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик ички ишлар органлари, мансабдор шахслар ва тегишли ваколатга эга раҳбар шахслар (маъмурият) томонидан амалга оширилади.

**Юридик жавобгарликни белгилашнинг асосий мақсади** жазолаш эмас, балки ҳуқуқ умумий мақсадларининг муайян ифодасига қаратилган бўлиб, улар ижтимоий муносабатларнинг мустаҳкамланиши, тартибга солиниши ва ҳимоясида ўзининг ифодасини топади. Бу мақсадлар ўз навбатида ҳуқуқнинг тартибга солувчи (регулятив) ва қўриқловчи функциялари амалда бўлишини белгилайди. Юридик жавобгарликнинг асосий функцияси қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишдан иборат. Муайян ҳуқуқбузарга нисбатан жавобгарликнинг қўлланиши бирмунча тор мақсадни, яъни айбдорни жазолашни кўзлайди. Бу билан давлат ўзининг мажбурлов чораларини амалга ошира туриб, яна бошқа бир мақсадни кўзда тутди — бу мақсад келажакда ҳуқуқбузарликни содир этишнинг олдини олишга ёки бу ҳақда огоҳлантиришга қаратилган бўлади.

Бу мақсадлар, ўз навбатида, жавобгарликнинг ижтимоий вазифаларини белгилаб беради. Кўп йиллар мобайнида олимлар юридик жавобгарликнинг мақсади ва принциплар хусусида фикр-мулоҳаза юритиб, умумий тўхтамга келганлар, дейиш мумкин. Бу нуқтаи назарни Ч. Беккариа шундай баён этган: «... Ҳеч бир жазо алоҳида фуқаро ёки кўпчиликнинг бир киши устидан зўравонлик ишлатиши ифодаси бўлмаслиги учун у ошқора, тезкор, муқаррар, қонунда кўрсатилган барча қўлланиши мумкин бўлган чоралар ичида энг энгили, содир этилган жиноятга мутаносиб бўлиши лозим»<sup>1</sup>. Юридик жавобгарликни белгилашда қуйидаги принципларга амал қилинади:

*Одиллик* — айбдор бўлмаган шахсларнинг жавобгарликка тортилишига йўл қўймаслик ёки содир этилган қилмишнинг исботланиши зарурлигини талаб этади, шунингдек қўлланилаётган жазо содир этилган жиноятга мутаносиб бўлиши лозим.

*Қонунийлик* — ҳуқуқ қоидалари талабларини қатъий ва аниқ жорий этишдан иборат бўлиб, юридик жавобгарликка нисбатан бу талаб фақат ваколатли давлат органлари томонидан қонунда белгиланган асосларда ҳамда ўрнатилган тартибда амалга оширилади. Бунда муомалага лаёқатли шахсга нисбатан у ҳуқуққа зид хатти-ҳаракат қилган тақдиргина жазо қўлланилиши лозим.

*Гуманизм (инсонпарварлик)* — юридик жавобгарликка тортиш жараёнида қонунда назарда тутилмаган усуллар, яъни қийноққа солиш, жисмоний азоб бериш каби инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳолатларга йўл қўймасликни талаб этади, айниқса жазо тайинланаётган вақтда инсон ҳуқуқларининг олий қадрият эканлиги эътиборга олиниши лозим.

*Жазонинг асосланганлиги* — бунда жазо тайинлаш вақтида суд ишни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, таҳлил қилиб, айбини исботлаб кейин жазо тайинлаши лозим.

*Мақсадга мувофиқлик принципи* содир этилган қилмишга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини англатади, чунки белгиланган жазо юридик жавобгарликнинг мақсадига мувофиқ бўлиши лозим.

<sup>1</sup> Беккариа Ч. О преступлениях и наказаниях. — М., 1995. С. 247.

*Жавобгарликнинг муқаррарлиги* — юридик жавобгарлик фақат ҳуқуқбузарлик асосида келиб чиқади, у билан бевосита боғлиқ. Содир этилган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик (жазо) албатта қўлланилиши шарт, у муқаррар бўлмоғи лозим. Ҳеч бир ҳуқуқбузарлик жазосиз қолмаслиги шарт.

*Индивидуаллик принципига* биноан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун фақат айбдор шахснинг ўзига нисбатан жавобгарлик қўлланилади, жумладан, ота ёки онанинг ҳуқуқбузарлиги учун фарзанд ёки фарзанд учун ота-она жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Жамиятда ҳар бир шахс содир этган ҳуқуқбузарлиги учун ўзи жавоб беради.

**Юридик жавобгарлик функциялари.** Шахснинг содир қилган ҳуқуқбузарлиги учун давлат муайян юридик жавобгарликни амалга оширади. Ҳуқуқбузарлик учун қўлланилаётган ҳар бир юридик жавобгарликнинг ўзига хос вазифаси мавжуд. Юридик жавобгарликка тортишнинг асосий мақсади, ҳуқуқбузар шахсни жазолаш ёки унга бирор-бир жазо бериш билан кифояланиб қолмай, балки ундан бошқа юридик оқибатлар ҳам кутилади. *Жумладан:*

— *жазолаш функцияси* бу айбдор шахснинг ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун унга *шахсий* (озодликдан маҳрум қилиш), *мулкӣ* (жарима тўлатиш), *ташкилий* (ишдан бўшатиш, муайян фаолиятни чеклаш) жиҳатдан салбий таъсир этишдир;

— *ҳуқуқни тиклаш функцияси* — бунда ҳуқуқбузар шахс томонидан бузилган ҳуқуқларни тиклаш, етказилган зарарни қоплаш назарда тутилади;

— *махсус огоҳлантириш функцияси.* Унинг моҳияти шундаки, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни келажакда бу каби салбий оқибатларни келтириб чиқарувчи, давлат, жамият ва шахсга муайян зарар етказувчи хатти-ҳаракатларни содир этмаслик ҳақида огоҳлантирилади;

— *умумий огоҳлантириш* нафақат ҳуқуқбузар шахсни, балки жамиятнинг бирга аъзоларини ҳуқуқбузарлик содир этишнинг ёмон оқибатларга олиб келиши ҳақида огоҳлантириш ва бу каби салбий ҳаракатларни содир этишдан ўзларини тийишга, яъни ҳуқуқий ҳаракат қилишга чақиритишдир;

— *тарбиявий функция* икки хил моҳият касб этади, *биринчидан,*

жамият барча аъзоларини ҳуқуқбузарлик содир этмаслик, ҳуқуққа ҳур-мат руҳида тарбияласа, *иккинчидан*, бевосита ҳуқуқбузар шахсларни қайта тарбиялаш, келажакда ҳуқуққа риоя этиш ва уни ҳурмат қилиш-га сафарбар этади.

#### **4-§. Айбсизлик презумпцияси. Юридик жавобгарлик ва қилмишнинг ҳуқуққа хилофлигини истисно қилувчи ҳолатлар**

*Айбсизлик презумпцияси* — юридик жавобгарликка жалб этилган фуқаронинг айбсизлиги эҳтимолидир. Бу принципга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар улар айбсиз ҳисобланадилар.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Яъни у бунга мажбур эмас. Мазкур вазифа суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар зиммасига юкланади. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи мутасадди органлар шахсни юридик жавобгарликка тортиш бўйича якуний хулоса чиқаришдан олдин унинг айбдорлигини исботловчи ишончли далилларни тўплаш лозим. Агар бунинг уддасидан чиқилмаса, ушбу презумпцияга мувофиқ шахс айбсиз ҳисобланади ва жавобгарликдан озод этилади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак. Фуқаронинг айбсизлик презумпцияси — шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг мустақкам кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (26-модда) айбсизлик презумпцияси ўзининг ифодасини топган бўлиб, унда жумладан, шундай дейилади: «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади...»

Бу масала Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида ҳам ўзининг аниқ ифодасини топган.

Айбсизлик презумпцияси жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлаш кафолати ҳисобланади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 4-моддасининг 2-қисмида ҳеч ким суднинг ҳукми чиқарилмай туриб, жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга ҳилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмаслиги аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу қоидада айбсизлик презумпцияси моҳиятининг икки жиҳати очиб берилган. Яъни: биринчиси — жиноятнинг муайян таркибини белгилаш ва шахснинг жиноят содир этганликда иқроор бўлишини қонунга аниқ риоя қилган ҳолда амалга ошириш; иккинчиси — шахс фақат суднинг айблов хулосасига биноан айбдор деб топилиши ва қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий чора ёки жазога тортилиши мумкин. Демак, шахснинг айбдорлигини белгилаш учун фақат исботлаш тартиб-қоидаларига риоя қилишнинг ўзи камлик қилади, шу сабабли жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари етарлича мавжуд бўлиши талаб этилади.

Шахснинг ҳаракатларида Жиноят кодексида назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади.

Юридик жавобгарлик ва қилмишнинг ҳуқуққа ҳилофлигини истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд ва уларга қўйидагилар киради: *ақли норасолик, зарурий мудофаа, охириги зарурат, ижтимоий хавфлилик даражаси бўлмаган ҳуқуқбузарликлар содир этиш* ва ҳоказолар.

Юридик жавобгарлик ва давлат мажбурловининг бошқа турларини фарқлаш катта назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга. У шахс ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш учун таъсир ўтказишнинг мақсадга мувофиқ ва қонуний воситасини танлаш имконини беради.

Шундай қилиб, фуқаронинг айбсизлиги презумпцияси ўзбошимчалик, зўравонлик, ғайриқонуний босим ўтказиш ва қонунийлик бузилишининг олдини олувчи муҳим кафолатдир.

## XXIV Б О Б

### ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ, ҲУҚУҚ: ҲОЗИРГИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

#### 1-§. Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи тараққиётининг концептуал хусусиятлари

Давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг барча босқичларида ижтимоий фикр давлат ва ҳуқуқ муаммоларининг ечимини топишга, дунёқараш ва методологияга доир масалаларни таҳлил этишга қаратилади. Шу маънода давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш истиқболлари, тарихий ўрни ва тақдирига оид таҳлил ҳамда хулосалар, шунингдек давлат ва ҳуқуқ назариясининг янги категориялар ҳамда таърифлар билан тўлдирилиши бу борадаги билимларнинг жиддий ортиб бораётганидан далолат беради.

Турли мамлакатларда ва турли даврларда яшаган мутафаккирларнинг давлат, сиёсат ва ҳуқуқнинг истиқболлари тўғрисида билдирган кўплаб фикрлардан келиб чиқиб уларни ривожлантиришнинг ягона моделини ишлаб чиқиш, келгуси истиқболи тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилиш анча мушкул. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи доимо қарама-қарши мафкуралар учун кескин кураш майдони бўлиб келган. Бунда у фақат билимга қизиқиш, давлат ва ҳуқуқнинг мавжудлиги ҳамда ривожланиши сабабларини тушуниб етиш, балки унга қарши назарияни қатъий рад этиш, мафкурачи эса давлат ва ҳуқуқни қандай тушунса ёки тасаввур этса, худди шундай талқин қилиш, ҳуружларга учраётган давлат ва ҳуқуқни ўзгартириш ёки ҳимоя қилиш, жамият ва давлатни омманинг сиёсий-ҳуқуқий онгига таъсир кўрсатишига доир назарий фаолиятнинг асосий омили бўлган.

Башорат қилиш — фаннинг муҳим функциясидир. Маълумки, пухта ўйланган дастур, аниқ мақсад ва унга эришиш усуллари белгилаб олинмаса, давлат ва ҳуқуқнинг барқарор ривожланишига эришиб бўлмайди. Шунингдек, бундай ривожланишнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан бир қатор объектив ва субъектив омилларга боғлиқлиги ҳам маълум. Улар жумласига давлатнинг ўз имкониятлари, кучи ва салоҳи-



ятига, тарихан таркиб топган шарт-шароитларга, уларни ривожлантириш ва ўзгартиришнинг яқин ҳамда келгуси истиқболлари ҳамда бошқа шу кабиларга баҳо беришга қодирлигини киритиш жоиздир. Ушбу омилларнинг аҳамияти шу даражада каттаки, давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш кўламини қатъий белгилаб бўлмайди, фақат бундай ривожланиш йўналишларининг умумий жиҳатларини башорат қилиш мумкин, холос.

Давлат ва ҳуқуқнинг мақсади, истиқболи ҳамда ҳозирги ҳолати ҳақидаги масала ўртага қўйилганда тавсиф ва таснифдан баҳо беришга ўтилса, ҳар қандай сиёсий ва ҳуқуқий назария мафкурага айланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, баҳо беришда олий мақсадга интилишга таянишдан бошқа илож йўқ. Гарчи, ҳозир мавжуд нарсаларни сақлаш ёки ўтмишдагиларини қайта тиклаш ҳақида сўз юритилаётган бўлса ҳам, олий мақсаднинг ўзи — истиқболга интилишдир. Мафкура ва фаннинг функциялари турлича. Улар ўртасида ўхшашлик, мураккаблик йўқ. Мафкурага гносеологик тушунчалар доирасида эмас, балки социология (ижтимоий гуруҳлар ва синфларнинг ўзини ўзи англаши) доирасида таъриф берилади. Бундай ўзини ўзи англаш давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг реал жараёнлари ҳамда истиқболларини акс эттиради, манфаатлар ва эҳтиёжларнинг улкан тизимига асосланган ҳолда мақсад ва вазифаларни ўртага қўяди.

Ҳуқуқ ва давлатчилик — тарихан ривожланадиган ҳодисалар бўлиб, улар ўз тараққиёти жараёнида бир-бирига қарама-қарши, навбатманавбат келадиган босқичлардан ўтади. Жаҳон урушлари ва бу урушлар туфайли келиб чиқадиган ижтимоий бухронлар, инқилоблар, мустамлакачиликка қарши кураш кўпгина мамлакатлар давлат-ҳуқуқ тизимларининг тубдан ўзгаришига олиб келди. XX асрнинг сўнгги чорагида дастлаб Лотин Америкаси ва Жанубий Европадаги авторитар тузумлар, кейинчалик Шарқий Европада қарор топган тартиблар янги ўзгаришлар юз тутиши билан тарихда қолди. Умуман, жаҳондаги анчагина мамлакатлар давлат-ҳуқуқ тизимида туб ўзгаришларни бошдан кечирди. Таъкидлаш жоизки, XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларидаги воқеалар моҳиятан фанда башорат қилинмаган эди.

Кейинги давр тарихи таҳлилининг кўрсатилишича, собиқ Иттифоқ таркибидаги мамлакатларда давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиши ўтиш даврида ўзининг мисли кўрилмаган турли-туманлиги, юз бераётган ҳодиса ва жараёнларнинг турлича йўналишда эканлиги ва берқарорлиги билан бир-биридан фарқ қилади. Бундай вазиятда давлат ва ҳуқуқнинг бир сифат ҳолатидан бошқасига ўтишининг хос хусусиятлари ҳамда механизмларини тушуниш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. Учинчи минг йилликнинг бошида давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг эътибори нафақат Ўзбекистоннинг тарихий тажрибаси ва ҳозирги муаммоларига, балки давлат-ҳуқуқ ривожланишининг истиқболларига ҳам қаратилиши лозим эди.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг 90-йиллар бошида айтган башорати тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. Бинобарин, Президент давлат ва ҳуқуқнинг барқарор амал қилиши шароитларида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш учун давлатчилик ва ҳуқуқий тизимнинг янги турларига тинч, тадрижий йўл билан ўтишнинг афзаллигини таъкидлаган эди. Ҳозирги вақтда ҳам давлат ва ҳуқуқ энг муҳим институтларининг ривожланиш истиқболларини аниқлаш, уларнинг ўзгариши эҳтимолини башорат қилиш ҳам муҳимдир.

Давлат ва ҳуқуқнинг мақсадга мувофиқ, мақбул, олий даражадаги сифатида эътироф этилган ривожланиш йўналишларини белгилаб олиш муҳим методологик масаладир. Хорижий илмий адабиётларнинг кейинги нашрларида ҳозирги мамлакатларнинг муайян гуруҳида юз бераётган ижтимоий ўзгаришларни тушунтиришда «демократияга ўтиш» деган атамадан фойдаланиш расм бўлган. Ўтиш жараёнлари ривожланиш истиқболларининг турли вариантларга эга эканлигига асосланиб, демократлаштириш — ўтиш даври ривожланишининг белгиловчи принциpidир, деган хулосага келамиз. «Демократияга ўтиш» истиқболнинг телеологик (мақсадли) элементига эга, шу боис давлат ва ҳуқуқ соҳасида ўтиш жараёнлари ривожланишининг умумий мантиғини аниқлаб олиш муҳимдир.

Давлат элементларининг таҳлили давлат ва ҳуқуқ истиқболини кўриб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади, зеро, айнан давлатга берилган

тавсифлар давлат-ҳуқуқ тизимининг қайси жиҳатлари барқарор эканлигини, янги сифатга ўтиш нимадан бошланишини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш йўналишларини ўрганишда унга демократик давлат сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ривожланиш кўп қирралилик принципи асосида ва миллий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда анъаналарини ҳисобга олган ҳолда ўзгаришларнинг тадрижий шаклини мақсад қилиб қўйган, ва бу йўналиш ўзининг ижобий жиҳатларини кўрсатди. Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги давлат қурилиши назарияси ва амалиёти таҳлили мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, «Совет тузуми шакли» даги давлатдан демократик давлатга ўтишни муваффақиятли амалга оширди ва ҳозирги вақтда ҳуқуқий давлатни шакллантирмоқда, деб хулоса чиқариш имконини беради. Туб ўзгаришларни амалга оширишнинг тадрижий йўлига мустақилликка эришилган пайтдан бошлаб инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳақиқий таъминлаш мақсадида ўтиш даври ривожланишининг муқаррар талаби сифатида қаралди.

Давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш истиқболларини ўрганишга оид тадқиқот мавзуси унинг барча жиҳатлари ва ўзаро алоқалари билан бирга қамраб олиш имконини берадиган услубиётни талаб қилади. Давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиши — кенг кўламда комплекс ўрганишни тақозо этадиган кўп томонлама, мураккаб жараён дур. Алоҳида олинган ҳеч бир институт (масалан, давлат институти), у қанчалик муҳим бўлишидан қатъи назар, ўтиш даврининг манзарасини тўлиқ намоён эта олмайди. Чунки, янги давлат-ҳуқуқий тизими, янги жамият қурилиши ва янги қадриятлар тизимининг қарор топиши жараёни бир вақтда, узвий боғлиқ ҳолда кечади.

Жамиятнинг ҳозирги тараққиёти давлат ва ҳуқуқнинг белгиларини қатор янги жиҳатлар билан тўлдиришга олиб келади. Давлат томонидан ислоҳотларни амалга ошириш, яъни бутун ижтимоий тизимни ўзгартириш, давлат-ҳуқуқ институтларини ўзгартиришнинг конституциявий тузумни янгилаш борасида фаол иш олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси демократик ўзгаришларни тизимли олиб борилишини таъминламоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўтиш даври ўзга-

ришларининг тадрижий йўли нафақат Ўзбекистон учун, балки собиқ Совет республикаларининг барчаси учун ҳам ривожланишнинг энг мақбул варианты бўлиб қолди, ҳозирги вақтда эса, умумжаҳон та-мойилларида устунликка эга бўлиб бормоқда. Туб ўзгаришларнинг тад-рижий шакли давлат ва ҳуқуқнинг бир шаклидан бошқасига тинч йўл билан, секин-аста ўтиш учун шарт-шароитлар яратиб беради, табиийки, бу ўринда тарихий йўл билан амалга ошириладиган ўтиш даври назарда тутилмоқда. Айни вақтда, тарихий изчиллик ва ўзбек халқининг анъаналари, менталитети ҳамда маънавиятини ҳисобга олган ҳолда янги давлат-ҳуқуқ институтларини барпо этиш Ўзбекистонда бир вақтда амалга оширилаётган ва бир-бирига боғлиқ жараён бўлиб қолди.

Истиқболда давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг ўзига хос хусусият-лари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) ижтимоий жараёнларнинг жўшқин ривожланишини тўла-тўқис ҳуқуқий тартибга солишнинг мумкин эмаслиги;

2) ҳозирги шароитларда ҳуқуқий ривожланиш истиқболларини ҳисобга олувчи ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ва уларнинг амал қилиши заруриятини тақозо этувчи ҳуқуқий тартибга солишни жадал-лаштириш;

3) ҳуқуқ воситасида тартибга солинадиган ижтимоий муносабат-лар доирасини мунтазам равишда кенгайтириб ва янгилаб бориш;

4) ҳуқуқий тартибга солишнинг устун даражада ўзгартирилиши ва бунёдкорлик тусига эга бўлиши;

5) мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизациялаш шароитида ҳуқуқий тартибга солиш коллизия тартибга солиш хусусиятини касб этиши.

Давлат ва ҳуқуқнинг самарали ривожланиш мезонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1) давлат ҳокимияти органларини ислоҳ қилишнинг янги конституциявий тузумнинг типологик тавси-фига мос келадиган яқунланганлик даражаси; 2) фуқаролик жамияти-нинг ривожланиш даражаси ва фуқаролар тотувлигининг мавжудлиги; 3) ижтимоий муносабатларнинг барқарорлик даражаси. Таъкидлаб ўтил-ган мезонлар асосида ривожланишнинг қуйидаги босқичларини (бўғин-ларини) ажратиб кўрсатиш мумкин: янги давлат ва ҳуқуқнинг қарор

топиш босқичи, уларни тузиш (институциялаш) босқичи ҳамда давлат ва ҳуқуқнинг барқарор амал қилиши, такомиллашуви босқичи.

Янги давлат-ҳуқуқ тизимини тўла-тўкис шаклланган деб эътироф этишнинг қуйидаги шартларини кўрсатиш мумкин: *биринчидан*, қуйидан юқоригача бўлган давлат органларининг янги конституциявий тузум принципларига тўла-тўкис мос ва мукамал тизими; *иккинчидан*, янги конституциявий тузум институтларининг барқарор амал қилиши; *учинчидан*, янги демократик тузум институтларининг самарадорлиги; *тўртинчидан*, айна бир турдаги муносабатларни акс эттиришнинг изчил ва яхлит норматив механизми мавжудлиги; *бешинчидан*, янги конституциявий тартиб ва унга доир ҳуқуқий кўрсатмаларнинг лигитимлиги; *олтинчидан*, давлат-ҳуқуқ тизимининг табиати, туб маъноси, йўналишлари, умуман инсонпарварликка қаратилганлиги; *еттинчидан*, ҳуқуқий тартибот ва қонунийлик тартибининг мавжудлиги; *саккизинчидан*, янги конституциявий тузум кадриятлари ва ғояларининг аҳоли асосий қатламининг ҳуқуқий онгига сингиб бориши; *тўққизинчидан*, мустақиллик даврида давлат қурилиши ва норматив-ҳуқуқий соҳада тўпланган тажрибани бир хил ҳолга келтириб умумлаштириш ва ихтисослаштириш.

Ўтиш даври шароитларидаги тадрижий ўзгаришларнинг парламент йўли устувор умумжаҳон тамойилларига айланиб бормоқда. Фақат ривожланган ҳуқуқий жамиятгина давлат-ҳуқуқ тизими сифатида тадрижий ўзгаришларни таъминлашга қодир. Бундай жамият ғояларнинг турли-туманлиги (плюрализм) асосида ва жамият миллий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда анъаналарини ҳисобга олиб, ўзгаришларни изчил амалга оширишни таъминлай олади.

Давлат аллақачон «тунги қоровул» бўлмай қолди. Унинг фаолиятида ижтимоий таъминотни ташкил этиш, халқ таълими, соғлиқни сақлашни бошқариш ва бошқа ижтимоий масалаларни ҳал этиш каби ижобий вазифалар борган сари кўпроқ ўрин эгалламоқда. XX асрда иқтисодий муносабатларни тартибга солиш масалаларида ҳам давлатнинг роли жиддий тарзда ошди — давлат назорати танглик ҳолатларини юмшатиш ва уларга барҳам бериш имкониятини яратди. Ривожланган мамлакатларнинг ҳуқуқ тизимларида ижтимоий қонунчилик катта

ўринни эгалламоқда. Давлат ижтимоий фаолиятининг кенгайиши натижасида оммавий ҳуқуқнинг амал қилиш соҳаси ҳам кенгайди. Ривожланган мамлакатларнинг ҳозирги фуқаролик жамиятини буржуазия жамияти, деб аташ қийин. Ҳозирги замон иқтисодиётида мулкчилик турли шакллариининг уйғунлашиб кетганлиги, қудратли касаба уюшмаларининг мавжудлиги, ижтимоий ёрдам тизимининг ривожланганлиги, кенг демократик ҳаракатларнинг шахс ҳуқуқ ва эркинликларини қўллаб-қувватлаши ҳамда уларнинг кафолатлари борасидаги муваффақияти — давлатмандларни умуммиллий манфаатларга эътибор билан қарашга, фуқароларнинг бошқа тоифалари билан келишишга мажбур қилмоқда.

Ҳозирги шароитда давлат маърифий ривожланишининг мақсади вакиллик институтлари ва бевосита демократиянинг ривожланган институтларига эга, ўзини ўзи бошқаришнинг турли шаклларига, барча мансабдор шахслар қонунга бўйсунадиган ва уларнинг фаолияти вакиллик муассасалари томонидан назорат қилинадиган, бошқарув органларининг раҳбар бўғинлари сайлаб қўйиладиган, давлатнинг фаолияти ошқора ва мансабдор шахслар суд олдида жавобгар бўладиган ҳуқуқий, ижтимоий давлатга эришишдир.

Фуқаролик жамияти демократик институтлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этиш ҳамда уларнинг кафолатларига асосланган қонунчилик орқали, жамоатчилик фикри, кўппартиявийлик тизими, таъсир кўрсатиш гуруҳи ва эркин матбуот орқали давлатни ўзига бўйсундиришга интилади; давлат эса, ижтимоий келишувга эришиш, ижтимоий ҳамкорликни ташкил этишнинг, ижтимоий қарама-қаршиликларни бартараф этиш ёки юмшатиш воситасига, жамият ишларини бошқариш механизмига айланади. Бундай давлат томонидан яратилган ва муҳофаза этилаётган ҳуқуқ, *биринчидан*, умуман, жамият ва айрим фуқаронинг манфаатлари, эҳтиёжларини ҳимоя қилади ва ифода этади; *иккинчидан*, жамиятнинг ижтимоий муҳтож қатламларига бир қатор имтиёзлар ва афзалликлар беради, қатор моддий кафолатларни таъминлайди.

Инсониятнинг тарихий ривожланиш йўли ҳеч қачон тўғри ва равон бўлмаган. Тарихда нафақат олдинга интилиш, сакраш, балки ши-

тоб билан орқага чекиниш ҳоллари ҳам маълум. Шунинг учун фуқаролик жамияти ривожланиши истиқболлари тўғрисида оптимистик башоратлар ва фикр-мулоҳазалар билан бир қаторда бунга қарши башоратлар ҳам кам эмас.

Кўпгина мамлакатларда фуқаролик жамияти хавфли даврни бошдан кечирмоқда. Айрим минтақаларда фуқаролик жамияти жаҳон тамаддуни тараққиёти умумий принципининг ифодаси сифатидагина мавжуд; бошқа мамлакатларда эса, қарор топиш босқичида турибди, бироқ унинг шаклланишига халқнинг катта қисмини ўзига жалб этиш ва ўз ортидан эргаштиришга қодир нуфузли ижтимоий гуруҳлар тўсқинлик қилмоқда; учинчи томондан, мавжуд фуқаролик жамияти ташқи ва ички кучларнинг хуружларига дуч келмоқда. Ҳозир жаҳонда нафақат демократия ва инсон ҳуқуқларининг муваффақиятлари тўғрисидаги яққол фактлар, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилаётган, фуқаролик жамиятини бузаётган тоталитар режимларнинг мавжудлиги ҳам барчага маълум.

Агар комендантлик соати жорий этилиб, аҳоли ялписига дактилоскопия қилинса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тинтув, эҳтиёж чораси сифатида ушлаш, қамоққа олиш, сургун қилиш борасида кенг ваколатлар берилса, ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар жадал тартибда ҳарбий ва бошқа фавқулодда судларда ҳал этилса, давлат ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ва ҳуқуқ-тартиботни сақлашни таъминлаш борасидаги вазифаларини анча осон ва муваффақиятли бажарган бўларди, бироқ бундай давлатда, пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилган, бинобарин ҳуқуқ-тартибот барбод қилинган бўлур эди. Бошқа томондан, агар фуқаролар ҳар қандай чеклов ва бедодликлардан озод бўлса, фуқаролик жамиятида бойлик ва эркинлик кўпроқ бўлиб, у гуллаб-яшнаган бўларди.

Ўтган XX аср инсониятнинг бундан буёнги тарихи учун бир қатор жиддий таҳдидларни келтириб чиқарди. Ядро қуролига эга бўлган мамлакатларнинг сони ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда мавжуд ядро қуроли Ер сайёрасидаги ҳаётни йўқ қилиб юборишга етарлидир. Маҳаллий зиддиятлар ва урушлар термоядро урушларига айланиб, глобал ҳалокатга олиб бориши хавфи мавжуд. Саноатнинг ривожланиши табиатга

ўрнини тиклаб бўлмас даражада зиён етказиб бўлди; инсоният наслининг бузилиши ва ҳалок бўлиши таҳдидини солаётган экологик фалокат кучайиб бормоқда. Инсоният Ер юзи аҳолисининг, айниқса ривожланаётган мамлакатлардаги аҳолининг мисли кўрилмаган даражада кўпайиб бораётганлигига гувоҳ бўлмоқда; демографик портлашнинг ижтимоий оқибатлари ўта тушкун, хавотирли башоратларни келтириб чиқармоқда.

Юқорида баён этилган муаммолар, шунингдек ижтимоий ва сиёсий берқарорлик оқибатида келиб чиққан, айрим халқлар ва умуман, инсоният тақдири учун ташвиш ҳамда хавотирлар кескин ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг экстремистик, маъмурий-ҳарбий казарма воситаларини таклиф этаётган авторитар ҳамда тоталитар йўналишдаги сиёсий ҳаракатлар (дастурлар) учун ижтимоий-руҳий озуқа бўлмоқда.

Ҳозирги замон давлатларидаги мавжуд асосий демократик институтлар тегишли давлатларнинг зарурий қисми бўлиб туюлса-да, аслида бундай муассасаларсиз ҳам улар давлатлигича қолаверади. Агар давлат фуқаролик жамиятининг таъсири ва назоратидан қутулишнинг имконини топса, фуқаролик жамияти ўз табиатига кўра давлатга тенг келиш учун етарли даражада ташкил этилмаганлиги маълум бўлади. Халқнинг алоҳида ижтимоий бирлик сифатидаги ҳолати, ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи фуқаролик жамиятини сақлаб қолишнинг ҳал қилувчи омилдир.

Ҳозирги давлатларнинг деярли барчаси ўз конституциясида халқ (миллий) суверенитети, халқнинг ҳокимият негизи ва манбаи эканлиги ҳақидаги қоидаларни мустаҳкамлаган. «Халқ тушунчасининг ўзи сиёсат соҳасида юзага келган: қадимги Грецияда олий ҳокимият аҳолининг аксарият қисмини ташкил этувчи тўла ҳуқуқли эркин фуқароларга қарашли бўлган полислар (давлат-шаҳар) «демократиялар» деб аталган. М. Т. Цицероннинг «*res publica est res populi*» («давлат ёки республика — халқ иши, бойлиги») деган машҳур мулоҳазасида халққа алоҳида ижтимоий бирлик сифатида қаралади. Цицерон шундай деб ёзган эди: «давлат халқ бойлигидир, халқ эса, қандайдир бир тарзда тўпланган одамлар бирикмаси эмас, балки ҳуқуқ ва манфаатларнинг



умумийлиги масалаларида ўзаро келишувга мувофиқ бир-бири билан боғланган жуда кўп одамларнинг жамоасидир».

Кўплаб одамларнинг ягона халқ бўлиб бирлашуви ижтимоий онгнинг барча шакллари, айниқса, тарихий тақдирларнинг умумийлигини англаш шакли орқали юз беради. Тарихий тақдирларнинг умумийлиги дейилганда негизида анъаналар изчиллиги ва умумий тарихий истиқболлар кўзда тутилган ўтмиш, ҳозирги давр ва келажакнинг ягоналиги назарда тутилади. Демократик давлат ва ҳуқуқ — ҳозирги замон фуқаролик жамияти мустақамлиги ва барқарорлигининг тамал тоши ва ишончли кафолатидир. Фуқаролик жамияти нормал ривожланган даврларда ўрта синф ва халқнинг аксарият қисми уни бирлаштирувчи асосий анъаналарни, ижтимоий-ахлоқий алоқаларни сақлаш ҳамда кўпайтириш кайфиятида (ниятида) бўлади. Бундай даврларда халқнинг давлатга нисбатан муносабати демократик институтлар ва ривожланишнинг аниқ ижтимоий истиқболларини қўллаб-қувватлашда, ижтимоий хомхаёллик ва диктаторлик кўринишларига нисбатан норозилик муносабатларида акс этади.

Фуқаролик жамияти ғояси халқнинг барқарор тараққий топган турмуши ва ҳолати тўғрисидаги тасавури, умуминсоний қадриятларнинг амал қилиш усули сифатида ўзбек халқининг онги ва маданиятига уйғун тарзда сингиб кетди. Фуқаролик жамияти, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, ҳуқуқий демократик давлат қуришни олий мақсад деб билган Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқи истиқболининг асосий маррасидир.

## **2-§. Фуқаролик жамияти тушунчаси ва моҳияти**

Фуқаролик жамияти инсоният тарихий тараққиётининг алоҳида етуклик даври сифатида унинг маърифий шаклланиш, комилликка эришиш ва равнақ топиш босқичларини ўз қамровига олади. Бундай идеал жамият ҳақидаги ғоянинг пайдо бўлишидан унинг ҳаётий воқеликка айланишигача бўлган амалиётни илмий жиҳатдан таҳлил этиш ҳозирги куннинг долзарб мавзусидир. Башарият ўз тамаддунида улкан тараққиёт даражасига эришганлигига қарамай, бугунга қадар фуқаро-

лик жамияти ғоясининг туб маъноси, моҳияти бўйича ягона нуқтаи назар шаклланмади, унинг ягона илмий таърифини яратишга эришилмади. Хўш, «фуқаролик жамияти» категориясининг маънонинг мазмуни, илмий талқини, моҳиятига оид хусусият-белгилари қандай? Бу борада адабиётларда, жумладан ҳуқуқшунослик соҳасидаги адабиётларда қандай фикр-мулоҳазалар мавжуд деган саволлар ўзининг илмий ечимини кутмоқда.

Фуқаролик жамияти қадимдан аллома-мутафаккирлар наздида жамият ва давлат сиёсий тузумининг адолат, эркинлик, тафаккур замирига қурилган идеал намунаси тарзида ифодаланиб келган. Масалан, Аристотель жамиятни давлатдан алоҳида тасаввур этмаган; давлатни фуқароларнинг умумий жамоаси деб таърифлаган. «Давлат фуқаролар йиғиндисининг ўз эҳтиёжларини етарли даражада қондириш қобилиятига эга бўлиб яшашидир». Марк Туллий Цицерон жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини исботлашга уринган: «... қонун фуқаролик жамиятини боғловчи бўғини, ҳуқуқ эса қонун билан ўрнатилиб, барча учун бир хил бўлади». Тараққиётнинг бу босқичида фуқаролик жамияти давлат билан айнан бир деб эътироф этилган.

«Фуқаролик жамияти» тушунчаси тарихан инсоният тараққиётининг турли даврларида яшаган мутафаккирларнинг... адолатли ижтимоий тузум моделини яратиш йўлидаги интилишлари билан тавсифланган алоҳида бир даврни акс эттиради.

Ҳозирги шароитда фуқаролик жамиятини барпо этиш дунёдаги аксарият давлатларнинг сиёсий дастурларида, конституцияларида мустақамланган мақсадига айланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳам мустақиликка эришгач, ўз олдига адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифасини стратегик мақсад қилиб белгилади. Зотан, мамлакатимизда шакллантирилаётган жамият — демократия ва адолат принципларига таянувчи эркин инсонлар жамияти бўлмоғи лозим.

Конституциянинг мазмун ва моҳиятидан шу нарса қатъий аёнки, мамлакатимизда шакллантирилаётган жамият — демократия ва адолат принципларига таянувчи эркин инсонлар жамияти бўлади. Ўзбекистон

Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай деган эди: «Биз фуқаролик жамияти қуришга интиломқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана боргани сари бошқарувнинг турли хил вазибаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир».<sup>1</sup> Президент яна қуйидагиларга эътиборни қаратган эди: «Биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга мўнелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсунуш бир вақтнинг ўзида амал қилади»<sup>2</sup>.

Хўш фуқаролик жамиятининг моҳиятини нима ташкил қилади, у қандай жамият?

Энг умумий тарзда лўнда таъриф бериладиган бўлса, **фуқаролик жамияти** — ижтимоий ҳаётнинг давлат таъсири ва аралашувидан, маъмурий тазйиқлардан холи бўлган ҳамда инсонларнинг хусусий турмуш соҳасини ташкил этувчи муносабатлар мажмуидир. Ҳозирги даврда фалсафий, сиёсий ва юридик адабиётларда фуқаролик жамиятини таъриф ва тавсиф этишга фаол ҳаракат қилинмоқда. Бу таърифлардан баъзиларини талқин этайлик.

**Фуқаролик жамияти** — давлатдан мустақил ва ундан холи муносабатлар ва воситалар тизими бўлиб, у шахс ҳамда жамоаларнинг ижтимоий, маданий, маърифий ҳаёт соҳаларидаги хусусий манфаат ва эҳтиёжларини амалга оширишга шароит яратади.

Фуқаролик жамияти аксарият ҳолларда инсонларнинг хусусий манфаат ва эҳтиёжлари соҳаси тарзида таърифланади. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий кўпчилик қисми мана шу хусусий ҳаёт соҳасида рўёбга чиқарилади. Бироқ бу шахсларнинг ижтимоий ҳаётдан ажралиб қолганлигини, бегоналаштирилишини англамайди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари. — Т., 1995. 14-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломқда: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1997. 173-б.

**Фуқаролик жамияти** — шахсларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки улар ўртасидаги турли алоқалар, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликнинг ифодасидир. Мазкур муштараклик ва ҳамжиҳатлик ташкилий-институциявий кўринишга эга бўлиб, у турли ижтимоий кучлар, нодавлат ташкилотлар, бирлашмалар мавжудлиги билан тавсифланади.

Фуқаролик жамияти ниҳоятда мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Шу боис уни уч асосий жиҳат, учта йўналиш бўйича:

1) иқтисодий жиҳат; 2) сиёсий жиҳат; 3) маънавий-ахлоқий жиҳат асосида таърифлаш мумкин.

**Биринчи жиҳати.** Фуқаролик жамияти хусусий мулкчиликка кенг йўл берувчи ва унга асосланувчи бозор иқтисодиёти муносабатларига, эркин иқтисодий фаолиятга замин яратувчи шарт-шароитга таянади. Айнан хусусий мулкчилик муҳити ва муносабатлари қарор топган жамиятда шахснинг мулкий мустақиллиги, иқтисодий фаолият юртидаги эркинлиги таъминланади. Худди шу аснода шахс давлат ҳокимиятига нисбатан мустақил мавқени эгаллайди. Давлат хусусий ҳаёт соҳасига, шахс ва ташкилотларнинг қонуний иқтисодий фаолиятига аралашмаслиги лозим. Президент И. А. Каримов айтганидек, «давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим». Бу талаб аввало иқтисодий ишлаб чиқариш, хусусий тадбиркорлик соҳасига тааллуқлидир.

Фуқаролик жамияти концепциясини яратишга катта ҳисса қўшган немис файласуфи Гегель, бу жамиятни буржуача ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи сифатида тушунган. У икки асосий принципни ажратиб кўрсатган:

**биринчидан**, шахслар ўз хусусий манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қиладилар;

**иккинчидан**, инсонлар шундай ижтимоий муносабатлар тизимини вужудга келтирадиларки, бунда ҳар ким бошқа кимсага боғлиқ бўлади.

Хусусий мулкчиликка асосланган ижтимоий структура бўлмиш фуқаролар жамияти бозор иқтисодиёти муносабатлари тизимидан иборатдир. Бундай муносабатларга ишлаб чиқаришдаги рақобат ва унда ҳокимиятнинг маъмурий аралашувини чеклаш орқали эришилади. Фу-

қаролар жамияти инсоннинг ижодий фаоллигини намоён этишга йўл очувчи муносабатлар шаклланган тақдирда зоҳир бўлади.

Буюк француз инқилобининг манифести — 1791 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясида ҳам хусусий мулк муқаддас ва дахлсиз деб эълон қилинган. Феодализмнинг ашаддий душмани бўлган яacobинчилар эса хусусий мулкни янги жамият, яъни фуқаролик жамиятининг бирдан-бир асоси деб билганлар. Тарих сабоқларидан маълумки, хусусий мулк нафақат жамиятни турли қатламларга ажратган, балки ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган ташаббусни рағбатлантирган, ҳокимиятга нисбатан мустақил (автоном) тузилмаларни вужудга келтирган.

Ўзбекистонда ҳам хусусий мулкчиликка асосланган иқтисодий муносабатлар тизими қарор топмоқда, тадбиркорликка, кичик ва хусусий бизнесга кенг йўл очилиб, унинг тегишли ташкилий ва ҳуқуқий мезанизмлари вужудга келтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқаролик жамиятининг қарор топишини хусусий мулкнинг қатъий мавқега эга бўлиши билан боғлайди. Шу асосда ҳозирги пайтда жамиятда кенг қўламда хусусийлаштириш (акциялаштириш) жараёнлари амалга оширилмоқда.

Ҳўш, нима сабабдан ислоҳотчи-давлат Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини жадал шаклантириб боришдан манфаатдор?

**Биринчидан**, шу аснода мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари олға силжиш йўллари ва усуллари хусусида фуқаролар келишувига эришиш тўғрисида норасмий ижтимоий шартнома тузиш ва уни рўёбга чиқаришда ислоҳотчи-давлат учун шерик вужудга келтирилади.

**Иккинчидан**, **фуқаролик жамияти** ўз институтлари орқали шахнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этишини таъминлаган ҳолда, давлатда вакиллик демократиясининг ва мамлакатда ижтимоий-сиёсий тизимнинг асоси ҳисобланади.

**Учинчидан**, Ўзбекистон халқи **фуқаролик институтлари** ва механизмлари, аввало сайлов тизими орқали ўзининг сиёсий юксалиши ва ҳаётий муҳим миллий манфаатларини ифодалаши учун барқарор шартшароитлар яратмоқда.

**Тўртинчидан, фуқаролик жамияти** шахс ва жамият, фуқаро ва давлат, этник ва конфессионал жамоалар, ижтимоий-демографик гуруҳларнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ўзаро мақбул мувозанатидан келиб чиққан ҳолда қурилади.

**Бешинчидан,** демократик жамият фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигига асосланган. Ўз навбатида, унинг ўзи турмушнинг барча соҳаларидаги ислоҳотлар жараёнида бундай фаолликнинг ўсиб боришини изчил рағбатлантириб боради ва давлатнинг бюрократлашуви, унинг институтлари фуқароларнинг ҳаётий муҳим манфаатларидан узилиб қолиши хавфига қарши туради.

«Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, — дейди Президент И.А.Каримов, — давлат иқтисодий эркинликларнинг кафолати бўлади. Айтишу туфайли давлат иқтисодиётга ўзининг тартибга солувчи таъсирини мақбул равишда ўткази олади»<sup>1</sup>.

**Иккинчи жиҳати.** Сиёсий нуқтаи назардан баҳолаганда фуқаролик жамиятидаги сиёсий тизим ва сиёсий бошқарувнинг мазмун-моҳиятини ҳуқуқий давлатчилик ифода этади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятининг сиёсий моҳиятини, сиёсий шаклини ташкил этади. Бу икки ҳодисанинг ўзаро муносабати шакл билан мазмуннинг ўзаро алоқадорлигини акс эттиради. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, фуқаролик жамияти тўла маънода мавжуд бўлишининг шак-шубҳасиз шарти ҳуқуқий давлатнинг мавжудлигидир. Ва аксинча, ҳуқуқий давлат фақат фуқаролик жамиятидек ижтимоий маконда қарор топиши ва фаолият юритиши мумкин.

Фуқаролик жамияти билан ҳуқуқий давлатнинг ўзаро нисбатини иқтисод билан сиёсатнинг нисбати тарзида изоҳлаш ўринли бўлади. Буни Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Зеро, иқтисодий ислоҳотлар тегишли демократик сиёсий тузилмалар, институтларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади.

Мамлакатимизда мулк шаклини ўзгартириш, хусусийлаштириш жараёнларини амалга оширишга қаратилган давлат тузилмалари вужудга келтирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бош-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т., 1998. 115-б.

қариш ва хусусийлаштириш қўмитаси ташкил этилиб (1992 йил), у мамлакатда хусусийлаштиришни амалга ошириш билан шуғулланиб келмоқда. Президентнинг 1992—1993 йилларда қабул қилинган ўттиздан ортиқ фармонлари билан давлат мулкчилигига асосланган ўнлаб вазирлик ва давлат қўмиталари бошқа мулк шаклидаги концерн, ассоциация, уюшма ва жамғармаларга айлантирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси пахтачилик вазирлиги замирида Ўзбекистон пахта-ни қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиш давлат акциядорлик ассоциацияси ташкил этилди (1992 йил 7 ноябрь), Маҳаллий саноат вазирлиги ислоҳ этилиб, унинг ўрнида Президентнинг 1992 йил 3 сентябрдаги фармони билан «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси ташкил этилди. Шунингдек «Ўзбексавдо» ассоциацияси (1992 йил 5 май фармони) «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (1992 йил 28 январь фармони) ташкил топди ва ҳоказо.

1997 йил 20 майда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Бу қарорнинг асосий мақсади Ҳукумат аппаратини иқтисодиётни бошқаришнинг бозор усулларига ўтказишдан иборат эди. Вазирлар Маҳкамаси аппарати бевосита соҳавий маъмурий бошқарувдан қайтиб, бошқарувнинг функционал тизимига ўтди. Буни маъноси шуки, Вазирлар Маҳкамаси аппарати хўжалик юритувчилар фаолиятига аралашмайди, иқтисодиётни давлат йўли билан бошқармайди. Бунинг ўрнига у иқтисодиётни бозор йўлига ўтказишнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқади, иқтисодий жараёнлар ва иқтисодий комплекслар фаолиятини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш билан шуғулланади. Шунингдек, хўжалик юритиш шакларини такомиллаштириш, таркибий ва институционал қайта ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётни монополиядан чиқариш, тадбиркорлик ва рақобатчиликни ривожлантириш билан шуғулланади.

Фуқаролик жамиятининг сиёсий тавсифланиши фақат давлат тузилмаларини ривожлантиришдан иборат эмас. Демократия равнақ топиши учун фуқаролик жамиятида хурфикрлик, сиёсий плюрализм ҳам қарор топиши зарур. Бунинг учун жамиятда том маънодаги кўппартиявийлик, жамоат ва нодавлат ташкилотларининг кенг қўламли ти-

зими, тадбиркорларнинг иттифоқлари, уюшмалари, меҳнаткашлар мустақил бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими вужудга келтирилиши лозим, токи бу тузилмалар давлат органлари билан тенг ҳуқуқли муносабатларга кириша олсин.

Фуқаролик жамиятининг сиёсий тизимида оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутади. Таҳлил юритилаётган жабҳада ҳуқуқий давлатнинг асосий вазифаси инсон ва фуқаронинг юксак ҳуқуқий мақомини таъминлаб беришдан иборат. Конституциянинг 2-моддасида давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар, деб ёзилган. Бунинг маъноси шуки, давлат, унинг органлари аввало фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари лозим. Қонунда белгиланган фуқаровий ҳуқуқ ва эркинликлар давлат органлари ва мансабдор шахслар учун муқаддас бўлмоғи лозим. Ўз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаб бера олмаган давлат демократик ҳуқуқий давлат деб аталиши мумкин эмас. Фуқаролар қонун олдида тенг, ҳуқуқнинг тенг субъекти сифатида эътироф этилиши лозим.

Фуқаролар ва уларнинг уюшмалари давлат органлари билан ҳуқуқнинг тенг субъектлари сифатида муносабатга киришадилар. Башарти, бу тенг ҳуқуқий муносабатларда томонлардан бирининг ҳуқуқига, манфаатига путур етказилса, у судга мурожаат этиши ва қонуний асосларда суд тартибида ўз ҳуқуқини тиклашга эришиши лозим. Ҳуқуқий давлатчиликнинг муҳим принципларидан бири ана шундай. Шундай қилиб, ҳуқуқий давлат нафақат фуқаролик жамиятини бошқарувчи тизим, балки ўзини ўзи бошқарувчи фуқаролик жамиятига боғлиқ, унинг манфаат ва эҳтиёжларига бўйсунувчи тизим сифатида майдонга чиқади.

**Учинчи жиҳати.** Фуқаролик жамияти чуқур маънавий, юксак маданий инсоний муносабатлар замирига таянади. Бу жамиятнинг маънавий ҳаётида бир нарса устуворлик қилади, яъни инсон бениҳоя улуғланади, умуминсоний қадриятлар эъзозланади, улар мўътабар ва муқаддас саналади. Бунда инсоннинг қадр-қиммати, меҳр-оқибат, ахлоқий поклик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби олий қадриятлар одамлар ўртасидаги муносабатларнинг белгиловчи мезони сифатида майдонга чиқади.



Демократик ислоҳотлар даврида маънавиятни юксалтиришга асосий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, маънавият — инсоният ички дунёсининг кўзгуси, тафаккури, онги ва фикр юритиш тарзининг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи юксак ижтимоий қадриятдир. Инсоният ҳамиша эзгуликка, маънавий баркамолликка интилиб яшайди. Юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг муваффақияти, мамлакатнинг яқин келажакдаги истиқболи ҳамюртларимиз қандай мавқени эгаллашига, қанақа маданий-маънавий ва ахлоқий қадриятларни шior қилиб олишига боғлиқ бўлади<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамиятида эркинлик, қонун олдида барчанинг тенглиги, ижтимоий адолатнинг таъминланиши, ҳамма фуқароларнинг ижодий салоҳияти ва истеъдодининг бевосита рўёбга чиқарилишига имконият яратилади. Фуқаролик жамияти ҳуқуқ ва адолат мезонлари билан ўлчанади. Ҳуқуқ жамиятнинг ўзига хос «гуманистик императиви» (инсонпарварлик талаби), яъни инсоний-ахлоқий қондаси, маънавий маёғи бўлиб ҳисобланади. Фуқароларнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатидаги мавқеи қуйидаги принциплар асосида белгиланади:

1) жамиятнинг ҳар бир аъзоси инсон сифатида эркин ва озод бўлиши;

2) ҳар бир фуқаронинг бошқа фуқаро билан тенглиги;

3) жамият ҳар бир аъзосининг фуқаро мақомидаги мустақиллиги.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, суверен давлатчилиқни шакллантиришда маданиятимиз сарчашмаларига, теран ва улкан маънавий меросимизга мурожаат қилиш, боқий тарихий ўтмишимизда мавжуд бўлган барча эзгуликларни юзага чиқариб, ривожлантириш борасида беқиёс имкониятлар очилди. Ўтмиш аждодларимизнинг маданий ва маънавий бойлиги чуқур мушоҳада этилиб, ижтимоий онгимизга сингдирилмоқда, шу орқали биз барпо этаётган янги фуқаролик жамияти манфаатларига хизмат қилмоқда. Биз шунчаки демократик жамият эмас, балки одил демократик жамият барпо этмоқдамиз. Давлатчилигимиз адолат принципларига таянади. «Адолатга интилиш — халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолат-

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари — Т., 1998. 397-б.

парварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизими-га сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак»<sup>1</sup>. Маънавий-маданий савия паст бўлган жамиятда адолат тантанаси ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Биз барпо этаётган фуқаролик жамиятида адолат, ҳақиқат ва инсонпарварлик ғоялари устуворлик қилиши лозим. Адолат бор жойда инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла таъминланишига умид боғлаш мумкин.

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятининг қуйидаги асосий белгилари ва хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

1) Жамият ва шахс эҳтиёжлари тизимида фаол ижобий фаолият ва меҳнатнинг роли алоҳида мазмунига эга бўлиши; меҳнатга асосланган ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлар тизимининг қарор топиши;

2) жамият мазмунини, унинг ривожланиш қонуниятлари моҳиятини хусусий мулкчилик муносабатлари орқали белгиланиши;

3) хусусий мулк барча мулк шакллари қатори раванқ топиши ва уни муҳофазалашда қонуннинг, давлат ҳокимиятининг алоҳида роль ўйнаши;

4) фуқароларнинг юридик жиҳатдан бир хил мақомга эгаллиги ва қонун олдида тенглиги, жамиятда адолатли суд тизимининг қарор топиши ва унинг фуқароларни ҳимояловчи посбон идорага айланиши;

5) шахснинг хусусий ҳаёти ва иқтисодий фаолиятига давлат аралашувининг қонун доирасида чекланиши; ҳуқуқий давлатчиликнинг мавжуд бўлиши;

6) шахснинг давлат ҳокимиятига нисбатан мулкий ва иқтисодий мустақиллиги;

7) давлат, давлат органлари ва фуқаролар ҳуқуқнинг тенг субъекти сифатида муносабатга кириша олиши, улар судда тенг тарафлар сифатида иштирок эта олиши; фуқаролар ҳуқуқларини кафолатлаш ва устувор таъминлаш механизмларининг яратилганлиги;

8) фуқаролик жамиятининг таркибий институтлари, жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг мавжудлиги;

9) жамиятнинг юксак маънавий-маданий ва ахлоқий ривожланганли-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т. 1998. 399-6.

ги; инсонлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, иймон-инсоф доирасида, шахс қадрини эъзозлаш асосига қурилганлиги.

Шундай қилиб, *фуқаролик жамияти* — ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятини самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқуқий жамиятдир.

### **3-§. Фуқаролик жамиятининг таркибий тузилиши ва асосий принциплари**

*Фуқаролик жамияти* юксак даражада уюшган, батартиб муносабатлар тизимига таянган, ўзини ўзи бошқариш механизмлари мукамал қарор топган жамиятдир. Бу жамият шароитида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини акс этирувчи, муҳофаза этувчи турли-туман уюшмалари, бирлашмалари, нодавлат ташкилотлари ва органлари мавжуд бўлади. Улар давлат ҳокимиятидан мустақил бўлиб, ўзини ўзи бошқариш принципи асосида актив фаолият кўрсатади.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётга катта аҳамият берилади. Унинг асосий мақсади инсон ҳаётини сақлаш, унинг мақсадларини, ҳаётини орзу-ниятларини шу жамиятдаги ташкилотлар, ижтимоий институтлар, гуруҳлар, оила ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишидир. Бу ташкилотлар, институтлар ва гуруҳлар алоҳида шахсга унинг ҳокимият манбаи эканлигини, унинг лаёқати ва ҳаракати, обрўси юксак қадрият эканлигини тушунтиришга ёрдам берадилар. Инсонлар ушбу ташкилотлар ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар.

***Фуқаролик жамиятининг асосий белгиларига:***

- 1) кўппартиявийлик;
- 2) сиёсий ҳаёт ва сиёсий институтларнинг, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги;

3) ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеининг баландлиги;

4) жамиятни бошқаришда оммавий ахборот воситалари ролининг катталиги киради. Фуқаролик жамиятида маънавий ҳаёт умумбашарий қадриятлар асосида амалга оширилганлиги, инсоннинг муқаддаслиги, эркинлиги, қонун олдида тенглиги, ижтимоий адолатнинг тўлиқ қарор топганлиги билан белгиланади.

Демак, **фуқаролик жамияти** — тенг ҳуқуқли инсонларнинг жамияти, якка шахслар ёки жамоалар манфаатларини амалга оширишга кўмаклашадиган жамоат ва нодавлат институтларининг тизимидир. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, фуқаролик жамияти жамоат бирлашмаларининг йиғиндисидангина иборат бўлмай, балки улар фаолияти натижа-сида пайдо бўладиган муносабатлар тизими ҳамдир. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятини миллий ва диний анъаналарсиз, одатлар, одоб-ахлоқ нормалари ва миллий қадриятларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу жамият иқтисодий, касбий, маданий, диний ва бошқа манфаатларни шакллантиришга ва уларни амалга оширишга қаратилган ижтимоий алоқалар тизимини ҳам ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳар бир инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга қаратилган. Конституция инсонни энг катта бойлик сифатида алоҳида кўрсатгани ҳолда фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона, ҳуқуқий ҳал этилишини сиёсий жиҳатдан расмийлаштиради. Конституция ва қонунларнинг устунлиги, уларнинг инсон манфаатларини ҳимоя қилишга ва ижтимоий муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омилларидир.

*Фуқаролик жамиятида қонун устувор* бўлиб, у инсоннинг ўзини ўзи камол топтиришига ёрдам беради, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда, бу барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт эканлигини ҳам билдиради.

Ўзбекистон фуқаролари Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқларидан фойдаланиб, давлатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таъ-

кидлашича, «ўтмиш даври шароитида фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни юз бераётган бир пайтда Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиши лозим бўлган кенг тармоқли, кўппартиявий тизим каби демократик институтлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг қарор топиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, давлатнинг роли сиёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатларининг вужудга келиши, қарор топиши ва ривожланиши секинлаштириб қўядиган ҳар қандай ғов ва тўсиқларни барта-раф этишдан иборатдир»<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамиятидаги мавжуд манфаатларни қаноатлантириш, рўёбга чиқариш учун тегишли ташкилий тузилмалар ва институтлар шаклланади.

Фуқаролик жамиятининг ички тизимини қуйидагича таснифлаш мумкин.

***Биринчидан, иқтисодий соҳадаги манфаатларни қаноатлантирувчи тузилмалар:***

а) хусусий мулк асосида вужудга келадиган ва фаолият юритадиган нодавлат ташкилотлар;

б) ширкат хўжаликлари ва уларнинг уюшмалари;

в) ижара асосида ишловчи жамоалар;

г) ҳиссадорлик жамиятлари;

д) молиявий жамғарма ҳамда уюшмалар;

е) ишлаб чиқариш корпорация, концернлари ва бирлашмалари;

ж) тадбиркорлар уюшмалари (палатаси) ва ҳоказо.

***Иккинчидан, ижтимоий соҳадаги манфаатларни ифодаловчи тузилмалар:***

а) оила ҳамда унинг манфаатларини акс эттирувчи махсус ташкилотлар;

б) таълим-тарбия муассасалари (мактаб, ўрта-махсус ва олий таълим муассасалари);

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1997. 174-б.

- в) жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар;
- г) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- д) мустақил оммавий ахборот воситалари;
- е) диний ташкилотлар;
- ж) миллий-маданий марказлар;
- з) кўнгилли жамиятлар;
- и) жамоатчилик фикрини аниқлаш ва ўрганиш институтлари;
- й) турли ижтимоий ихтилофларни адолатли ҳал этувчи тузилмалар ва ҳоказо.

*Учинчидан, сиёсий соҳадаги манфаатларни ақс эттирувчи институтлар ва тузилмалар:*

- а) ҳуқуқий давлатнинг мавжудлиги;
- б) сиёсий партиялар;
- в) ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар;
- г) сиёсий муҳолифотнинг мавжудлиги;
- д) инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи институтлар ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган тасниф умумий бўлиб, у энг асосий таркибий тузилмаларни ифодалайди. Албатта, фуқаролик жамияти ўзининг ранг-баранглиги, турли-туманлиги билан тавсифланади. Унда турфа кўринишдаги маърифий, маданий ва бошқа мазмундаги ташкилотлар фаолият кўрсатиши мумкин.

#### **4-§. Давлат ва фуқаролик жамияти**

Давлат — ҳар қандай жамиятда сиёсий ҳокимиятнинг энг муҳим институтидир. Давлат жамиятнинг умумий ишларини бошқарувчи алоҳида орган сифатида фаолият юритади. Давлат — жамиятнинг сиёсий ташкилотлари тизимида муҳим, аммо яқка-ю ягона бўғин эмас: ушбу тизимга партиялар ва бошқа ташкилотлар ҳам киради. Бироқ, жамият миқёсида фақат давлат суверен ҳокимиятга эга бўлади. Давлат ҳокимиятининг устунлиги муайян тарзда унинг универсаллиги (давлат ҳокимиятининг юрисдикцияси мамлакатнинг бутун ҳудуди, барча аҳолиси ва жамоат ташкилотларига нисбатан татбиқ этилади), ваколатларида (давлат ҳокимияти унга даъво қилувчи бошқа ҳар қандай ғайриконсти-

туциявий ва мувозий тузилмаларни бекор қилиши мумкин), шунингдек, бошқа таъсир кўрсатиш воситаларининг мавжудлигида (масалан, қонунчилик, одил судлов) ифодаланади.

Фуқаролик жамиятининг изчил шаклланиши, шахс ва давлат ўзаро муносабатларининг маданийлашуви жамиятдаги муносабатларни уйғунлаштиришни тақозо этади. Сиёсий муносабатлар соҳасида давлат ҳақли равишда етакчи ўрин эгаллайди, бунда у фуқаролик жамиятига боғлиқ бўлади, яъни унинг фаолияти жамият манфаатларига тааллуқли ҳар қандай умумий ишларни бажариши билан белгиланади.

Фуқаролик жамияти одамларнинг ижтимоий ва шахсий манфаат ҳамда ҳуқуқларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга сафарбар этилган ихтиёрий уюшмалари (жамоат бирлашмалари, партиялар, касаба уюшмалари, ширкатлар, диний ташкилотлар ва ҳоказо) тимсолида давлат билан алоҳида сиёсий муносабатларга киришади. Фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражаси қанча юқори бўлса, давлатнинг демократик фаолияти учун асослар шунча кўп бўлади. Ва аксинча, фуқаролик жамияти яхши ривожланмаган бўлса, авторитар ва тоталитар ҳокимият тузумлари мавжудлиги учун асослар кўпроқ бўлади. Фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражаси аҳоли қатламларининг қамраб олинганлик даражаси билан эмас, балки бу жамиятда тан олинадиган шахс эркинлигининг таъминланиши ҳолати билан белгиланади.

Фуқаролик жамиятида давлат барча мулкдорларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенг ҳимоя қилинишини таъминлайди, хусусий мулкни дахлсиз деб эълон қилади, ижтимоий зарурат туфайли мулк олиб қўйилган ҳолда унга товон тўланиши кафолатланади. Бундай жамиятда меҳнат эркин бўлиб, давлат томонидан ҳам, жамият томонидан ҳам рағбатлантирилади, мажбурий меҳнат тақиқланади, индивидуал ва жамоавий меҳнат эркинлиги кафолатланади. Давлат аҳолини иш билан тўла таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади, касб-ҳунар таълими ва янги ихтисос олиш дастурларини жорий этади, меҳнатга тайёрлаш ва ишсизлик бўйича нафақалар тўланишини амалга оширади.

Жамиятни давлатнинг ялпи «ҳомийлиги» дан озод қилишда уни «тунги қоровул» даражасига тушириб қўйиш ярамайди. Барча ижтимоий тузилмаларда туб ўзгаришлар юз бераётган шароитда айнан дав-

лат янги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни юзага келтирадиган бирлаштирувчи кучга айланиши лозим. Жамиятни давлат таъсирисиз ўзгартириш, ислоҳ қилиш мумкин эмас. Унинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида бозор ислохотларининг салбий оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган ижтимоий фаолияти айнақса муҳимдир. Давлатнинг ижтимоий вазифаси даромадларни жамиятнинг турли қатламлари ўртасида солиқ тизими, давлат бюджети ва махсус ижтимоий дастурлар ёрдамида қайта тақсимлашдан иборат.

Узоқ муддатли, истиқболли мақсад сифатида давлат фуқароларнинг моддий ҳолатини тенглаштиришга ҳаракат қилиши лозим. Нафақат юридик, балки ҳақиқий тенгликка эришиш — тарихан қисқа фурсатда эришиб бўлмайдиган вазифа. Бироқ, бу улкан маънавий имкониятни ўзида мужассамлаштирган тенглик ғояси рад этилишини аниқлашмайди. Жамиятимизнинг ривожланиш йўллари аниқлаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга давлатнинг аралашуви чегараларини, мулкни тақсимлашда унинг тартибга солувчи ролини, давлат ижтимоий функциясининг ўсишини ва унинг ўз фуқароларига муносиб турмуш шароитини яратиш учун масъуллигини кучайтириш муҳим вазифадир.

Ўзбекистонда тенглик, адолат ва юксак маънавиятга аста-секин эришишни таъминловчи ҳуқуқий давлатни шакллантириш янги демократик жамият моделининг муҳим жиҳатидир.

## 5-§. Ҳуқуқий давлат ҳақидаги таълимот

Инсоният давлат пайдо бўлган қадимги даврдан буён адолатли ҳокимият (адолатли ҳукмдор) ҳақида орзу қилиб келади. Худди мана шу истак *ҳуқуқий давлат* ҳақидаги таълимотнинг вужудга келишига туртки берган.

**Ҳуқуқий давлат** — фуқаролик жамиятининг сиёсий шакли бўлиб, жамият ҳаётида демократик институтларнинг ривож топиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими мавжудлиги билан тавсифланадиган, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини устувор таъминлайдиган давлатдир. Шунингдек, *ҳуқуқий давлат* ҳуқуқ ва қонуннинг устунлиги,



қонун ва суд олдида барчанинг тенглиги таъминланадиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган, давлат ҳокимияти ваколатлари демократик тақсимлаш асосида ташкил этиладиган адолатли давлат сифатида таърифланади.

*Ҳозирги замон ҳуқуқий давлати* — аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳокимиятни амалга оширишда (бевосита ёки вакиллар орқали) халқнинг иштироки таъминланувчи демократик давлат. У юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданият, ривожланган фуқаролик жамиятини назарда тутаяди. Ҳуқуқий давлатда фуқароларга ўз қарашлари ва эътиқодларини қонун доирасида ҳимоя қилиш имконияти таъминланади. Бу, хусусан, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг шаклланиши ва фаолият олиб бориши, сиёсий плюрализм, сўз ва матбуот эркинлиги ҳамда шу кабиларда ўз ифодасини топади.

*Ҳуқуқий давлатнинг қуйидаги белгиларини* алоҳида эътироф этиш лозим:

- 1) жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонуннинг устунлиги;
- 2) ҳуқуқий давлат органларининг фаолияти ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши принципига асосланади;
- 3) шахс ва давлатнинг ўзаро масъуллиги;
- 4) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалда таъминланиши, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланганлиги;
- 5) конституция доирасида иш олиб боровчи турли партиялар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг эркин фаолияти, турли мафкуравий қарашларнинг мавжудлигига асосланган сиёсий ва мафкуравий плюрализмнинг қарор топганлиги;
- 6) жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибнинг барқарорлиги.

Ҳуқуқий давлат шаклланишининг қўшимча *омиллари* ва *шартлари* қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ижтимоий онгда ҳуқуқий нигилизмга барҳам бериш;
- юксак даражадаги сиёсий-ҳуқуқий саводхонликка эришиш;
- партиялар билан давлат органлари функцияларини ажратиш;
- давлат бошқарувини демократлаштириш;
- ҳуқуқий маданиятни юксалтириш;

— янги ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий қадриятларнинг вужудга келтирилиши.

Ҳуқуқий давлатда табиий-тарихий ҳуқуқ ва эркинликлар, давлат билан муносабатларда фуқаролар манфаатининг устунлиги, ҳуқуқда умуминсоний асослар, инсоннинг олий қадри таъминланади. «Ҳуқуқий давлат» тушунчаси — демократия, инсонпарварлик, инсон ҳуқуқлари, сиёсий ва иқтисодий эркинликлар, либерализм каби муҳим умуминсоний қадриятлардан бири. *Ҳуқуқий давлатнинг моҳияти* — ижтимоий ва сиёсий ҳаётда ҳуқуқнинг устунлиги, суверен ҳуқуқий ҳокимиятнинг мавжудлигида ифодаланади. Ҳокимиятнинг бўлиниши принцип ёрдамида давлат ҳуқуқий усулда ташкил топади ва фаолият кўрсатади, бу сиёсий ҳаётнинг демократиялашуви мезонидир. Ҳуқуқий давлатнинг оддий давлатдан фарқи нимада? Оддий давлат бутун ҳокимиятни ўз қўлида жамлаганлиги, ҳуқуқ билан чегараланмаганлиги, давлатнинг жамиятдан устунлиги, фуқаронинг давлат органлари ва мансабдор шахслар ўзбошимчалигидан ҳимоя қилинмаганлиги билан тавсифланади. Ундан фарқли ўлароқ, ҳуқуқий давлат ҳуқуқ билан боғланган бўлади, қонуннинг устунлигидан келиб чиқади, жамият томонидан белгиланган мезонлар доирасида иш кўради, жамиятга бўйсунди, фуқаролар олдида масъул бўлади, фуқароларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайди. Айни вақтда, бошқа ҳар қандай давлат сингари, ҳуқуқий давлат ҳам умумий жиҳатларга эга бўлади. Улар қуйидагилардан иборат:

- 1) оммавий-сиёсий ҳокимият ички ва ташқи сиёсат олиб бориш воситаси сифатида ҳуқуқий давлатга хосдир;
- 2) ҳуқуқий давлат жамиятнинг тегишли ижтимоий-иқтисодий негизига асосланган унинг сиёсий ташкилотидир;
- 3) демократик давлат механизмига эга бўлади;
- 4) солиқлар ва бошқа йиғимлар ҳисобидан таъминланади;
- 5) давлат суверенитетини халқ суверенитетига мувофиқ амалга оширади.

Ҳуқуқий давлат механизмнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат. Унинг барча таркибий қисмлари ва элементлари ҳокимиятнинг бўлиниши принципи асосида, ўз ижтимоий вазифаларига

мувофиқ равишда иш олиб боради. Ҳуқуқий давлатнинг ҳокимият ваколатларига эга бўлган органлари ўз фаолиятида жамият хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаради. Ҳуқуқий давлатнинг таркибий қисмлари ва элементлари ўз фаолиятини амалдаги қонунларга мувофиқ ташкил этади ва амалга оширади. Мансабдор шахслар фуқароларнинг конституция ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан кафолатланган ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қилганлик учун шахсан жавобгар бўлади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳуқуқий давлат органлари томонидан таъминланади. Ҳуқуқий давлат функциялари унинг аппарати ёрдамида амалга оширилади. Шундай қилиб, ҳуқуқий давлат механизмнинг демократик хусусияти унинг ўзи хизмат қиладиган жамият олдида жавобгарлиги билан белгиланади. Ҳуқуқий давлатнинг ривожланиш босқичлари фуқаролик жамиятининг ривожланиш босқичларига мутаносиб бўлади.

Ҳуқуқий давлатда давлат ҳокимияти мутлақ бўлмайди. Бу нафақат ҳуқуқнинг устунлиги, давлат ҳокимиятининг ҳуқуқ билан боғлиқлиги, балки давлат ҳокимиятининг тузилиши, уни амалга ошириш шакллари билан ҳам белгиланади. Бу ерда ҳокимиятнинг бўлиниши назариясига мурожаат этиш ўринли бўлади. Бу назарияга биноан, ҳокимиятлар (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари) нинг бирикиб кетиши, бир органда, бир шахс кўлида жамланиши шахс эркинлигини йўққа чиқаради. Шу боис, ҳуқуқ билан боғлиқ бўлмаган авторитар мутлақ ҳокимият вужудга келишининг олдини олиш учун ҳокимиятнинг кўрсатилган тармоқларга бўлиниши амалга ошади.

Ҳокимиятнинг бўлиниши ёрдамида давлат ҳуқуқий усулда ташкил топади ва фаолият кўрсатади: давлат органлари бир-бирининг ўрнини босмай ўз ваколатлари доирасида иш олиб борадилар; қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органларининг ўзаро муносабатларида мувозанат, мутаносиблик, ўзаро назорат ўрнатилади.

Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши принципи уларнинг ҳар бири мустақил иш кўриши ва бошқа тармоқлар ишига аралашмаслигини англатади. Бу принцип изчил амалга оширилган тақдирда у ёки бу ҳокимият тармоғининг бошқа

тармоқ ваколатини ўзлаштириш имкониятига чек қўйилади. Ҳокимият тармоқларининг «ўзаро мувозанат ва чекловлар» тизими яратилса, ҳокимиятнинг бўлиниши принципи яшовчан хусусият касб этади. Мазкур тизим бир ҳокимият тармоғи бошқа тармоқ ваколатларини қонунга хилоф равишда тортиб олиш имкониятини чеклайди ва давлат органларининг нормал фаолиятини таъминлайди.

Ҳозирги илғор демократик давлатларда давлат ҳокимиятининг классик «уч тармоқ»қа бўлиниши билан бир қаторда, унинг федератив тузилиши ҳам ҳокимиятни тақсимлаш ва номарказлаштириш усули ҳисобланишига эътибор бериш лозим.

Демократик жамият учун ҳокимиятнинг бўлиниши принципи аниқса муҳимдир. У нафақат давлат органлари ўртасида меҳнат тақсимотини, балки давлат ҳокимиятининг бир қўлда жамланиши, авторитар ёки тоталитар ҳокимиятга айланишининг олдини олувчи барқарорлик, «тақсимланганлик»ни ифодалайди. Бу принцип демократик жамиятда ҳар уч ҳокимиятнинг ҳам бир хил, тенг кучга эга эканлиги, бир-бирини мувозанатга солиш ва чеклаш воситаси бўлиб хизмат қилиши, бири бошқаларидан устун бўлишига, масалан, бошқарув ҳокимияти авторитар ҳокимиятга, қонунчилик ҳокимияти эса — бошқарувни ҳам, одил судловни ҳам бўйсундирган тоталитар ҳокимиятга айланишига йўл қўймаслигини назарда тутди. Бироқ, ҳатто ҳокимиятнинг бўлиниши талаби бажарилган, «ўзаро мувозанат ва чекловлар» тизими яратилган бўлса ҳам давлат албатта, ҳуқуқий бўлавермайди. Шу боис ҳуқуқий давлатнинг навбатдаги белгиси — қонун устуворлиги белгиси алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий давлатда бирон-бир давлат органи, мансабдор шахс, жамоа ёки жамоат ташкилоти, бирон-бир одам қонунни бузиши мумкин эмас. Қонунни бузганлик учун улар қатъий юридик жавобгарликка тортилади. Қонуннинг устунлиги тўғрисида сўз юритилар экан, бу барча қонун ости ҳужжатлари қонунга мувофиқ бўлиши лозимлиги, мансабдор шахслар уни бажаришдан бўйин товламаслиги ёки уни бузмаслиги назарда тутилади. Бундан ташқари, барча оддий фуқаролар ҳам ўз фаолиятида қонунга риоя қилишлари лозим. Бунинг учун улар қонун мазмунидан хабардор бўлишлари керак.

Ҳуқуқий давлат Конституциянинг барқарорлигини ҳам назарда тутди. Уни тез-тез ўзгартириш, тўлдириш ва янгилаш мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, бу ҳолда у давлатнинг барқарор, узоқ муддатли хусусиятга эга Асосий қонуни бўлмай қолади. Агар конституция жамиятнинг давлат даражасидаги хоҳиш-иродасини ифодаласа, уни ўзгартириш, янгилаш хусусий хоҳиш-иродага эмас, балки конституцияга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Қонунийликни мустақамлаш — ҳуқуқий давлатнинг бош мезони. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституцияга мос бўлган ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида мажбурий саналган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлар ва фармойишлар қабул қилади, уларнинг ижросини таъминлайди. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Президент фармонларига асосланади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этиш учун мажбурийдир. Қонунийлик ва ҳуқуқий давлат — кўп жиҳатдан узвий категориялардир, бироқ улар ўртасида фарқ бор. Қонунийлик ҳуқуқ соҳасидаги барча субъектларнинг қонунларга сўзсиз риоя этишларини талаб қилади, ҳуқуқий давлат эса, худди шундай талабни халқ ҳокимияти функцияларини бажарувчи давлат тузилмаларига нисбатан ҳам қўяди. Шу сабабли ҳуқуқий давлатчилик, энг аввало, ҳокимият тузилмалари, чунончи, давлат ҳокимияти, бошқарув, суд ва прокуратура органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонун устуворлигини англатади.

Ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўйилмайди. Боз устига, ҳуқуқий давлат бу ҳуқуқларни амалга оширишни қатъий ва изчил таъминлаши ва уларни ҳимоя қилиши лозим. Шу муносабат билан жамият ва давлат ҳаётининг турли жабҳаларида ҳуқуқий тенглик муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. Унинг ечими давлат бундай тенгликни таъминловчи ишончли кафолатларни яратишини назарда тутди.

Ҳуқуқий давлатга хос бўлган инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари рўйхати халқаро ҳужжатларда ифодаланган. Бу, энг аввало, БМТ

Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда қабул қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йил 16 декабрда қабул қилган «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт» ҳамда «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт» ва бошқалардир.

Кўрсатилган ҳужжатларда эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликлар рўйхати ҳуқуқий давлатларнинг конституцияларида мустақамлаб қўйилган ва кафолатланган. Уларда шахсни юридик ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилади. Маълумки, айбсизлик презумпциясисиз шахсни юридик ҳимоя қилишни таъминлаш мумкин эмас. Айбсизлик презумпцияси ҳақиқий демократик давлатда фуқароларнинг у ёки бу жиноятни содир этишда айбдорлиги ёки айбсизлиги билан боғлиқ барча масалаларни фақат суд ҳал қилишини англатади.

### **6-§. Ҳуқуқий давлат таълимотининг тарихий-назарий манбалари**

Эндиликда жаҳонда ҳуқуқий давлатларнинг сони *этактик*<sup>1</sup> давлатлар сонининг камайиши ҳисобига ўсади деб эътироф этиш мумкин. Бироқ бу тараққиётнинг умумий йўналиши бўлиб, уни оддий сўз билан изоҳлаб бўлмайди. Зеро, турли мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий кучларнинг реал нисбатидан келиб чиққан ҳолда башорат қилиниши қийин бўлган ҳамда тараққиётнинг умумий йўналишига мос келмайдиган бурилишлар юзага келиши мумкин. Масалан, алоҳида давлатлар ҳуқуқий давлат маррасига етганидан сўнг, уларда кейинчалик тоталитар ва авторитар тузумлар қарор топиши мумкин ва ҳоказо. Бироқ, шундай бўлса-да, умумий тараққиёт муқаррардир.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий давлатнинг назарий манбалари ўз илдизлари билан ўтмишга бориб тақалганини таъкидлаш жоиз. Қадим замонларда

---

<sup>1</sup> Этактик давлат деганда давлат ҳокимиятининг амр-иродаси устуворлиги тушунилади. Бунда фуқаролар ва ижтимоий муносабатларнинг барча субъектлари мажбурий ва сўзсиз рия этиши ҳамда бажариши шарт бўлган фармойишлар кўпчиликини ташкил этади. Мазкур субъектларнинг эркинлиги ва мустақиллиги, давлатга нисбатан автономлиги муайян даражада чекланган бўлади. Давлатнинг иқтисодий, ижтимоий муносабатлар, фуқароларнинг шахсий ҳаёти соҳасини ўзининг бевосита бошқаруви ва қарамоғига олишга интилиши кучли бўлади.

яшаб ўтган буюк алломалар (Платон, Арасту) давлат ҳуқуқнинг улкан ижобий аҳамиятини ҳисобга олмаган ҳолда мустақкам, барқарор ва ишончли бўла олмаслиги ҳақида фикр билдирганлар. Ҳуқуқ давлат ҳукмдорларининг зўравонлигига қарши посанги сифатида баҳоланган: яъни қонун ҳеч кимнинг ҳукмронлиги остида бўлмаслиги керак, зеро барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳаракатларини йўналтиришга хизмат қилади.

Дастлаб тарқоқ бўлган, баъзида эса алоҳида фаразлар сифатида намоён бўлган ғоялар замирида кейинчалик ҳуқуқий давлатнинг изчил ва яхлит концепцияси вужудга келди. Унинг асосчилари Дж Локк, И. Кант, В. Гумбольд, Г. Еллинек, К. Шмидт ҳисобланади. Мазкур алломаларнинг қарашларида айрим тафовутлар бўлса-да, умуман олганда, улар бир нарсада ҳақдирлар, у ҳам бўлса, давлатнинг ўзи ҳуқуқий қонун-қоидаларга амал қилиши ва буни ижтимоий муносабатларнинг бошқа иштирокчиларидан талаб қилиши кераклигидан иборат. Ҳуқуқий давлат назарий концепцияси қоидаларининг бир қатор давлатларнинг амалий фаолиятига татбиқ этилиши консерватив кучларнинг қарши-лигига учраган ва уни енгган ҳолда давлат ва жамоат фаолиятининг барча жабҳаларида чуқур ўзгаришлар билан из қолдирган. Чунончи: бутун давлат тизимини барпо этиш ва амал қилиш принциплари демократлаштирилган, шахс мақоми реал мазмун билан тўлдирилган, ҳуқуқий қадриятлар бирламчи аҳамиятга эга бўла бошлаган, мансабдор шахслар зўравонлигига барҳам берилган, уларнинг фаолияти аста-секин тартибга солинган ва йўлга қўйилган.

Ҳуқуқий давлатлар «оиласи»нинг пайдо бўлиши ва ортиб бориши жамиятнинг сиёсий тараққиётида юзага келадиган янги босқични қайд этади. Давлат-ҳуқуқий назарияси ва амалиётининг ушбу мислсиз ютуғи ҳозирги замон цивилизациясининг улкан муваффақиятга эришганидан далолат беради. Ҳуқуқий давлатларнинг мавжудлиги ҳаётнинг барча тармоқларида эришаётган кундалик ютуқлари, бошқа мамлакатлар учун маёқ вазифасини ўтайди ҳамда уларга адолатли инсонпарвар давлат қуриш йўлларини кўрсатади.

Ҳуқуқий давлат эстатик давлатдан қатъий равишда ажралиб туради. Мазкур тафовут давлат ҳокимиятини ташкил қилиш ва амалга оши-

ришинг барча тарафлари, шунингдек олдида турган вазифаларни ҳал этиш шакл ва усуллари, жамият, миллат ва элатлар, ижтимоий гуруҳлар ва алоҳида фуқаролар, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари каби тармоқларни қамраб олади. Улардан энг муҳимлари ҳақида тўхта-ламиз:

1. Ҳуқуқий давлатда ҳокимиятнинг бутун механизми — ҳар бир орган, мансабдор шахс ўз фаолияти давомида ҳуқуқий принциплар ва қоидаларга таянади, ўз фаолиятини улар билан боғлайди. Ҳуқуқий нормалар нафақат аҳоли, балки давлат органлари ва мансабдор шахслар учун ҳам мажбурийдир. Уларнинг ҳуқуқ доирасидан чиқишига умуман йўл қўйилмайди ёки бунга имкон берилмайди. Агар этатик давлатда расмий органлар ва мансабдор шахслар ҳуқуқни ўзлари учун иккинчи даражали ва мажбурий эмас деб тушунсалар, аксинча ҳуқуқий давлат шароитида бундай ҳолат умуман номақбул ва ножоиз ҳисобланади ва шу сабабдан у секин-аста енгиб ўтилади.

2. Ҳуқуқий давлатда этатик давлат учун хос бўлган ҳуқуқ ва қонун ўртасидаги масофанинг узайиб кетишига йўл қўйилмайди. Ундаги давлат органларининг барча норматив ҳужжатлари ўзининг мазмун-моҳияти ва йўналиши, қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби, қонуний кучга киритиш, қўллаш, амалга ошириш ва бузилишлардан муҳофаза қилиш хусусиятларига кўра ҳуқуқнинг юқори талабларига жавоб беради. Қонунчилик мунтазам равишда ҳуқуқий принципларга асосланади, уларни ўзига сингдиради, улардан асло чекинмайди. Давлат органларининг ҳуқуқий бўлмаган норматив ҳужжатларни қабул қилиш ва амалга киритишига умуман йўл қўйилмайди, аксинча, этатик давлатларда кўпинча бунинг шоҳиди бўлиш мумкин.

3. Ҳуқуқий давлат норматив қонунларни қабул қилиш ва эътироф этиш билан чекланиб қолмайди. У мазкур қонунлар зарурий равишда ҳаётга татбиқ этилиши, барча жисмоний ва юридик шахслар, давлат ва жамоат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятини керакли йўналишга солишга катта аҳамият беради. Давлатнинг ҳуқуқни амалга ошириш бўйича фаолияти устувор вазифа ҳисобланади, шу боис, унда «қоғозда қолган», амал қилмайдиган қонунлар умуман йўқ, аксинча, этатик давлатда кераксиз қонунларнинг «уюмлари»ни



ҳеч ким тозалашга уринмайди ҳам. Ҳуқуқий давлатда ижтимоий муносабатларнинг ҳар бир субъекти давлат органларининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини албатта бажариш кераклигига астойдил ишонади (бошқача бўлиши мумкин эмас), зеро бу ҳуқуқий тартибнинг барқарорлиги муҳитини яратади ва жамиятда юридик нигилизм тарқалишининг олдини олади ҳамда одамларнинг ҳуқуққа менсима муносабатда бўлишини бартараф этади.

4. Ҳуқуқий давлатда давлат норматив ҳужжатларининг амал қилишида субординацияга риоя қилинишига катта аҳамият берилади. Унда ҳуқуқ манбалари, яъни норматив ҳужжатларнинг қатъий бўйсундирилган тизими шаклланади, амал қилади ва ривожланади. Бу тизимда ҳар бир актнинг ўрни унинг юридик кучига боғлиқ бўлади. Мазкур тизим, ифодали қилиб айтганда, ҳуқуқий манбалар «эхроми»нинг чўққиси — олий юридик кучга эга бўлган конституция ҳисобланади. Ҳеч қандай ҳуқуқий манба конституция нормалари ва принципларига тўғридан-тўғри ёки билвосита зид бўлиши мумкин эмас. Аксинча, давлат органларининг барча норматив ҳужжатлари ва ҳуқуқнинг бошқа манбалари конституцияга асосланиши, уни аниқлаштириши, тўлдириши ва мазмунини ривожлантириши лозим. Шунга мувофиқ равишда конституциявий ва оддий қонунлар тузилади, юридик пиллапоя (пирамида)нинг қуйи «қаватлари» давлат раҳбарининг ҳужжатлари, ҳукумат фармонлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг буйруқлари ва кўрсатмалари, маҳаллий ваколатли ва ижро этувчи органлар ҳужжатлари, ҳуқуқий одатлар, суд ва маъмурий прецедентлар<sup>1</sup> яратилади. Камроқ юридик кучга эга бўлган ҳужжатларга юқори-роқ юридик ҳужжатларга нисбатан устувор аҳамият берилиши тоталитар ва авторитар давлатларга хос бўлиб, ҳуқуқий манбалар субординацияси ва иерархиясини бузади ва шу боис ҳуқуқий давлат учун зид ҳисобланади.

5. Шахс ва ижтимоий муносабатлар субъектларининг мақоми *биринчидан*, ҳуқуқий давлатда ҳуқуқ ва эркинликларнинг кенг миқёсда

<sup>1</sup> Прецедент ҳуқуқи ҳуқуқнинг англосаксон тизими амал қиладиган мамлакатларда кенг қўлланилади ва амал қилади (булар: АҚШ, Буюк Британия, Канада в.б.). Эндиликда бошқа қатор мамлакатларда қўлланила бошлади.

қамраб олинганлиги, нормал ҳаёт фаолияти таъминланганлиги ҳамда олдинда турган вазифаларни ҳал этиш учун етарлилиги билан ажралиб туради. *Иккинчидан*, ҳуқуқлар билан уйғунликда мажбуриятларнинг мутаносиб ва мувофиқ тизимини ўз ичига олади. *Учинчидан*, ҳуқуқни албатта ҳаётга татбиқ этиш реал юридик қафолатлар билан мустаҳкамланган. Бунда ижтимоий муносабатларнинг бир турдаги субъектлари орасида тенгликни таъминлаш, синфий, миллий, уруғ-аймоқчилик имтиёзларини белгилаш ва бу орқали улардан бирига имтиёз бериб, иккинчисини имтиёзлардан маҳрум этишга йўл қўймасликка интилиш мавжуддир. Субъектлар орасида мазкур тенгликнинг йўқлиги эстатик жамиятнинг ҳуқуқий амалиёти учун хосдир. Бир вақтнинг ўзида ҳуқуқий давлат шахс ва ижтимоий муносабатлар субъектларининг мақомини қўллаб-қувватлаш, норматив мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш ҳақида ғамхўрлик қилади, ўзидаги яширин имкониятларни ҳуқуқ субъектлари олдида намоён қилишга интилади.

6. Барча давлат ва ижтимоий институтлар ҳамда тузилмаларнинг легитимлиги — ҳуқуқий давлатнинг алоҳида белгиларидан биридир. Бу ерда етарли юридик асосга эга бўлмаган институтлар ва тузилмаларни кам учратиш мумкин. Башарти, улар мавжуд бўлса ҳам, узоқ муддатга яшаш ва муваффақиятли фаолият кўрсатиш истиқболларига эга бўлмайдилар, пировардида енгиб бўлмас қийинчиликларга учраб, тезда саҳнадан тушиб кетадилар. Давлат институтлари ва тузилмаларининг кўпчилиги қонун асосида, белгиланган тартиб ва қоидаларга риоя қилган ҳолда, уларнинг мақсади, вазифаси, амал қилиш шакл ва усуллари расмий белгиланган ҳолда яратилади. Хусусан, бу қонунийлаштиришни рўйхатга олиш, ижозат бериш ва лицензия бериш усуллари, шунингдек, тегишли давлат органлари томонидан назорат-тафтиш ваколатларининг қўлланилиши билан таъминланади. Ҳуқуқий давлатдаги муҳитнинг ўзи юридик муносабатда шубҳали институт ва тузилмаларнинг қисқариши учун курашади ва аксинча, қонунийлиги тасдиқланадиган институтлар учун эса кенг имкониятлар яратиб беради.

7. Ҳуқуқий давлатда ҳокимиятлар бўлиниши принципи эътироф этилади ва амалга оширилади. Шунга мувофиқ ягона давлат ҳокимия-

ти доирасида унинг учта мустақил тармоққа бўлиниши таъминланади. Булар юқорида таъкидланганидек, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари бўлиб, улар ўзаро узвий муносабатда бўладилар. Кўриб чиқилаётган принципнинг аҳамияти шундаки, у ҳокимиятнинг фақат битта орган ёки мансабдор шахс қўлида жамланишининг олдини олади, натижада ички давлат аппаратида ҳокимият ваколатларининг тенг тақсимланишини таъминлайди.

8. Ҳуқуқий давлатда ички қонунлар ҳамда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ўртасида оқилона мувофиқликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Бу мувофиқлик ҳозирги замон ҳуқуқий цивилизацияси ютуқларини ўзида мужассамлаштиради. Мазкур ютуқлар у ёки бу даражада ҳуқуқий давлатларга ҳам тегишли бўлиб уларда одатда, ички қонунлар олдида халқаро шартномалар (фақат ратификация қилинганлари) нинг устуворлиги белгиланади ва бу шартномаларнинг бевосита қўлланилиши назарда тутилади. Шу билан бирга, мазкур мамлакатлар юридик тизимларининг ташқи дунёдан алоҳидалиги ва чекланганлиги бартараф этилади, яъни улар жаҳон ҳамжамиятининг ҳуқуқий тизимига интеграциялашадилар ва кўпгина асосий принцип ҳамда нормаларига риоя этиб, уларни ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари даражасида мустақамлайдилар.

9. Ҳуқуқий тартибот бузилган ҳолларда (айниқса фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши) ҳуқуқий таъсир қилиш ва ҳуқуқий ҳимоя механизми амал қилади, унда суд биринчи даражали роль ўйнайди. Мазкур механизм бошланган жиноятнинг олдини олиш, бузилган ҳуқуқни тиклаш, етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш, айбдорларни жазолаш, янги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар ва ижтимоий муносабатларнинг бошқа субъектларига давлатнинг барча ҳуқуқий талаблари тўлиқ равишда бажарилиши лозимлиги ҳақида уқтириш вазифаларини ҳал қилади. Агар ҳуқуқий тартибот, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳар қандай бузилиши тегишли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг эътиборидан четда қолмаса, тартиббузарлар ҳар гал муносиб жазо олса, бундай ёндашувнинг ўзи қонунни бузишнинг самарали умумий превентив, яъни олдини олувчи омили бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида, бу давлатда қону-

нийликка риоя этиш шароитига таъсир этади. Ҳуқуқий давлатнинг юрисдикция, ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилиш ва олдини олиш фаолиятида ҳуқуқий талабларга қатъий риоя этиши зарур. Шу сабабдан жамият ҳаётининг ҳуқуқий «кайфияти» эстатик давлатдагига қараганда анча юқори бўлади.

10. Ҳуқуқий жамият учун фуқароларнинг давлат олдида ва давлатнинг фуқаролар олдида ўзаро масъуллиги хосдир. Давлат ҳар бир одамга туғилишидан бошлаб берилган табиий ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларни тан олиш билан бирга уларни ҳаётга реал татбиқ этиш ва тажовузлардан ҳимоялашни ҳам кафолатлайди. Ўз навбатида, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва манфаатларидан давлат, бошқа фуқаролар, ижтимоий муносабатларнинг бошқа субъектларига зарар етказмаган ҳолда фойдаланишлари мумкин, яъни улар ўзларига юклатилган мажбуриятларни қатъий бажаришлари лозим. Бошқача айтганда, давлатнинг фуқаролар билан алоқаси мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, улар ўртасида муайян ҳуқуқларнинг вужудга келиши ҳамда муайян мажбуриятларнинг бажарилишини тақозо этади.

## 7-§. Ҳуқуқий давлат ва унинг белгилари

103105  
**Ҳуқуқий давлат** — ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, қонуннинг устуворлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланадиган, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши принципи асосида ташкил этилган демократик давлат.

**Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларига** қуйидагилар киради:

**Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги.** Давлат ҳудудида бўлган барча кишилар; ушбу давлат фуқаролари, хорижликлар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, юридик шахслар, мансабдор шахслар, давлат ҳокимияти органлари — барчаси ҳуқуққа бўйсундилар.

**Конституция ва қонунларнинг устунлиги.** Конституция ва қонунлар ҳуқуқий нормалар тизимида олий юридик кучга эгадир. Турли хил давлат идоралари чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунларга зид бўлмаслиги керак.

**Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш ва**

**таъминлаш.** Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари унга туғилганиданоқ тегишли бўлиб, улар инсондан ажралмасдир. Гап, энг аввало, инсоннинг яшаш, эркинликка, дахлсизликка, хавфсизликка эга бўлиш ҳуқуқлари ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида бормоқда. Барча фуқаролар қонун ва мустақил суд олдида тенгдирлар.

**104 Давлат ва фуқаронинг ўзаро масъулияти.** Давлат қонунларда шахс эркинлигининг меъёрини белгилаб қўяр экан, худди шу чегараларда ўзини ҳам қарор қабул қилишда чеклаб қўяди.

**Жамиятда ҳокимиятнинг қонунийлиги (легитимлиги).** Ҳокимиятни қонуний эътироф этиш учун қуйидаги талабларга жавоб берилиши шарт: ҳокимият демократик сайловлар йўли билан шакллантирилган бўлиши; ҳокимият самарали фаолият юритиб, жамиятда барқарорлик ва қатъий тартибни таъминлаш; у ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам халқаро миқёсда тан олинган бўлиши лозим.

**Ҳокимият ваколатларининг бўлиниши.** Давлат ҳокимияти бир қўлда тўпланиб қолмаслиги учун, ҳокимиятнинг учта тармоғини — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ажратиб қўйиш керак. Ушбу ҳокимият тармоқларининг ҳар бири ўз ваколати доирасида амал қилади.

**Суднинг мустақиллиги.** Суд, давлат ҳокимиятининг бошқа икки тармоғи каби мустақилдир. Бошқача айтганда, суд фаолиятига ҳеч кимнинг аралашшига йўл қўйилмайди.

**Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарали ишлаши.** Агар инсон ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилса ёки бунга таҳдид мавжуд бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар унга ёрдам беришлари лозим. Улар бу ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишлари керак.

**Ҳуқуқий маданиятнинг юксак даражада эканлиги.** Ҳуқуқий маданиятнинг энг муҳим кўрсаткичи жамиятдаги ҳуқуқий онг даражасидир. Ҳуқуқий онг — ҳуқуққа муносабат, қонун талабларини бажариш зарурлигини англаш даражасини ифодалайдиган ҳуқуқий қарашлар йиғиндиси. Ҳуқуқий маданият амалдаги қонунларни билиш, ҳуқуқни ҳурмат қилиш, ҳуқуқий қоидаларга риоя этишда намоён бўлади.

**Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви.** Сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар кафолатланиши, халқ давлат бошқарувида доимо иш-

тирок этиши, ривожланган фуқаролик жамияти шаклланиши ва маълум бир муҳолифотнинг бўлиши зарур.

Юқорида келтирилган белгиларнинг биргаликда амал қилиши жамият ва давлатда ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, умумэйтироф этилганлиги ва устунлигига олиб келади. Бу ижобий натижа ҳисобланади. Зеро, ҳуқуқ — инсоният тараққиётининг буюк неъматидир, ҳуқуқий тартибга солиш, бошқариш ва таъсир этиш борасида тўпланган ижтимоий таърибанинг асосий моҳияти, умуминсоний қадриятлар ва адолат, демократия ва тартиб-интизом каби юксак ғояларни ўзида мужассамлаштиради. Ҳуқуқнинг жамият ҳаётидаги улкан аҳамияти ва вазифасини англаб етган давлатни ҳуқуқий давлатлар қаторига қўшиш мумкин.

Демак, ҳуқуқий қадриятларнинг устунлиги, уларнинг ҳам аҳоли, ҳам давлат хизматчилари орасидаги нуфузига эътибор берадиган, ўз фаолияти давомида ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган ҳамда қонун талаблари доирасида амал қилган ҳолда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига йўл қўймайдиган давлат чинакам ҳуқуқий давлат ҳисобланади.

*Ҳуқуқий давлат* — бизнинг келажагимиз, бироқ унга эришиш мураккаб вазифа бўлиб, ривожланишнинг бир қатор босқичларини қамраб олади ҳамда давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоатчилик ва фуқаролардан жиддий фаолликни талаб этади. Давлат ва жамият ҳаётини фаоллаштириш, уларнинг юридик ва маънавий-ахлоқий асосларини ривожлантириш, ҳуқуқни янгилаш, уни қўллаш ва муҳофазалашни такомиллаштириш, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини шакллантириш, ижтимоий ҳаётга демократик ҳуқуқий қадриятлар ва юридик механизмларни жорий этиш зарур. Олдимизда турган устувор вазифа ҳуқуқий давлатга мос ҳуқуқий тафаккурни, юксак ҳуқуқий онг ва маланиятни шакллантиришдан иборат. Бундай комплекс ёндашув ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз муваффақиятининг гаровидир.

**МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ</b>	
1-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси — умумназарий ижтимоий фан .....	7
2-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг предмети .....	11
3-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг методологияси .....	16
4-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг ижтимоий ва юридик фанлар тизимидаги ўрни ҳамда аҳамияти .....	25
5-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг функциялари .....	32
<b>II БОБ. ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ</b>	
1-§. Жамият тушунчаси ва тузилиши .....	36
2-§. Уруғчилик жамияти ва унинг хусусиятлари .....	39
3-§. Давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши тўғрисидаги назарияларнинг турли-туманлиги .....	43
<b>III БОБ. ДАВЛАТ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТАЪЛИМОТ</b>	
1-§. Давлат тушунчаси ва моҳияти .....	61
2-§. Давлатнинг моҳияти ҳақидаги турли назариялар .....	67
3-§. Давлатнинг асосий белгилари .....	72
4-§. Давлат типологияси .....	80
<b>IV БОБ. ДАВЛАТНИНГ ШАКЛЛАРИ</b>	
1-§. Давлат шакли тушунчаси .....	85
2-§. Давлат бошқаруви шакли .....	87
3-§. Давлатнинг тузилиш шакли .....	94
4-§. Сиёсий режим .....	100
<b>V БОБ. ДАВЛАТНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ</b>	
1-§. Давлатнинг функциялари тушунчаси, мазмуни ва белгилари .....	108
2-§. Давлат функцияларини таснифлаш .....	111
3-§. Давлатнинг ички функциялари .....	113

4-§. Давлатнинг ташқи функциялари .....	119
5-§. Ўзбекистон давлатининг таълим функцияси .....	123
6-§. Давлат функциялари: муаммолар ва башоратлар .....	130

#### **VI БОБ. ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИ (АППАРАТИ)**

1-§. Давлат механизми (аппарати) тушунчаси ва моҳияти .....	135
2-§. Давлат механизми (аппарати) нинг ташкил этилиши ва фаолияти принциплари .....	140
3-§. Давлат органи тушунчаси ва турлари .....	146
4-§. Ҳокимиятлар тақсимланиши принципи .....	153

#### **VII БОБ. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ ТИЗИМИ**

1-§. Сиёсий тизим тушунчаси ва турлари .....	163
2-§. Сиёсий тизимнинг таркибий тузилиши ва функциялари .....	171
3-§. Жамият сиёсий тизимида давлатнинг ўрни .....	175
4-§. Жамоат бирлашмалари ва давлат органларининг ўзаро муносабатлари .....	178

#### **VIII БОБ. ҲУҚУҚ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ**

1-§. Ҳуқуқ тушунчаси ва моҳияти .....	186
2-§. Ҳуқуқнинг белгилари .....	189
3-§. Ҳуқуқнинг таърифи ва унинг талқинига турли ёндашувлар .....	192

#### **IX БОБ. ҲУҚУҚ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

1-§. Ҳуқуқ принциплари тушунчаси ва моҳияти .....	206
2-§. Ҳуқуқ принципларининг таснифи .....	208
3-§. Ҳуқуқ функциялари тушунчаси ва турлари .....	214

#### **X БОБ. ҲУҚУҚНИНГ ШАКЛИ (МАНБАИ)**

1-§. Ҳуқуқ шакли (манбаи) тушунчаси .....	219
2-§. Ҳуқуқий одат — ҳуқуқнинг манбаи сифатида .....	220
3-§. Юридик прецедент .....	223
4-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат .....	225
5-§. Норматив шартномалар .....	234
6-§. Мусулмон ҳуқуқининг манбалари .....	236



**XI БОБ. ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ**

1-§. Ҳуқуқ ижодкорлиги тушунчаси, турлари ва функциялари .....	239
2-§. Ҳуқуқ ижодкорлиги принциплари .....	245
3-§. Қонун ижодкорлиги жараёни ва босқичлари .....	250
4-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг вақт, ҳудуд ва шахсларга нисбатан амал қилиши .....	264

**XII БОБ. ҲУҚУҚ НОРМАСИ**

1-§. Ҳуқуқ нормаси тушунчаси .....	270
2-§. Ҳуқуқ нормасининг тузилиши .....	276
3-§. Ҳуқуқ нормаларининг турлари .....	283

**XIII БОБ. ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ**

1-§. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият — ижтимоий онг тизимида .....	291
2-§. Ҳуқуқий онг тушунчаси ва тузилиши .....	294
3-§. Ҳуқуқий тарбия ва уни амалга ошириш усуллари .....	302
4-§. Ҳуқуқий маданият ва унинг таркибий қисмлари .....	308
5-§. Ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализм .....	317

**XIV БОБ. ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР**

1-§. Ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси, тузилиши ва турлари .....	321
2-§. Ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари .....	327
3-§. Ҳуқуқий муносабатларнинг объекти .....	332
4-§. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар .....	334
5-§. Юридик фактлар .....	338

**XV БОБ. ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ВА ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИ.**

**ҚОНУНЧИЛИКНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ**

1-§. Ҳуқуқ тизими тушунчаси ва унинг таркибий қисмлари .....	343
2-§. Ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва услуги — ҳуқуқни тармоқ ва институтларга ажратиш мезони .....	349
3-§. Ўзбекистон Республикасидаги асосий ҳуқуқ тармоқларининг қисқача тавсифи .....	352
4-§. Қонунчилик тизими .....	359
5-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш тушунчаси ва турлари .....	364

6-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тили ва услуби .....	369
7-§. Қонунларни тизимлаштиришда юридик техниканинг аҳамияти .....	374

**XVI БОБ. ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ ВА ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ**

1-§. Ҳуқуқий тизим тушунчаси ва моҳияти .....	380
2-§. Ҳуқуқий тизимнинг таркибий элементлари .....	385
3-§. Ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари .....	391

**XVII БОБ. ҲУҚУҚНИНГ ҲАРАКАТЛАНИШИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

1-§. Ҳуқуқни амалга ошириш тушунчаси ва босқичлари .....	409
2-§. Ҳуқуқни амалга ошириш усуллари ва шакллари .....	414
3-§. Ҳуқуқни қўллаш — ҳуқуқни амалга ошириш шакли сифатида .....	418
4-§. Ҳуқуқни қўллаш жараёни ва субъектлари .....	421
5-§. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари .....	426
6-§. Қонун аналогияси ва ҳуқуқ аналогияси .....	428

**XVIII-БОБ. ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ШАРҲЛАШ**

1-§. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш тушунчаси ва моҳияти .....	431
2-§. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш усуллари .....	434
3-§. Ҳуқуқни шарҳлашнинг турлари .....	441

**XIX БОБ. ҲОЗИРГИ ДУНЁ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ**

1-§. Дунёнинг ҳуқуқий харитаси: асосий тушунчалар .....	446
2-§. Дунё ҳуқуқий тизимларининг таснифланиши .....	451
3-§. Ҳозирги замон ҳуқуқ оилаларининг умумий тавсифи .....	456

**XX БОБ. ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИ**

1-§. Ҳуқуқий тартибга солиш тушунчаси .....	469
2-§. Ҳуқуқий тартибга солиш механизми ва унинг таркибий қисмлари .....	475
3-§. Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш .....	480
4-§. Ҳуқуқий тартибга солишнинг ижтимоий ва руҳий механизми .....	485

**XXI БОБ. ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБОТ. ИНТИЗОМ**

1-§. Қонунийлик тушунчаси, моҳияти ва вазифалари .....	489
2-§. Қонунийлик принциплари ва кафолатлари .....	492

3-§. Қонунийликни таъминлашда Конституциянинг аҳамияти .....	497
4-§. Ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартиботи. Интизом .....	499

## **XXII БОБ. ЮРИДИК ИХТИЛОФ (КОЛЛИЗИЯ)**

1-§. Юридик ихтилофлар тушунчаси, сабаблари ва оқибатлари .....	504
2-§. Юридик ихтилофларнинг турлари .....	512
3-§. Юридик ихтилофларни ҳал этиш тартиби ва усуллари .....	516

## **XXIII БОБ. ҲУҚУҚИЙ ХУЛҚ-АТВОР, ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК**

1-§. Ҳуқуқий хулқ-атвор тушунчаси, белгилари ва таснифи .....	524
2-§. Ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва моҳияти .....	529
3-§. Юридик жавобгарлик тушунчаси, белгилари ва турлари .....	538
4-§. Айбсизлик презумпцияси. Юридик жавобгарлик ва қилмишнинг ҳуқуққа хилофлигини истисно қилувчи ҳолатлар .....	546

## **XXIV БОБ. ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ, ҲУҚУҚ: ҲОЗИРГИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

1-§. Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи тараққиётининг концептуал хусусиятлари .....	548
2-§. Фуқаролик жамияти тушунчаси ва моҳияти .....	557
3-§. Фуқаролик жамиятининг таркибий тузилиши ва асосий принциплари .....	567
4-§. Давлат ва фуқаролик жамияти.....	570
5-§. Ҳуқуқий давлат ҳақидаги таълимот .....	572
6-§. Ҳуқуқий давлат таълимотининг тарихий-назарий манбалари .....	578
7-§. Ҳуқуқий давлат ва унинг белгилари .....	584

# **ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ**

*Дарслик*

«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2009

Муҳаррир: *Б.Эшпўлатов*  
Техник муҳаррир: *Д.Габдрахманова*  
Саҳифаловчи: *Т.Огай*  
Мусахҳиҳлар: *Н.Ахунжонова, Ш.Хуррамова*  
*М.Зиямуҳамедова, Ж.Таирова*

Босишга рухсат этилди 22.05.2009. Бичими 70x90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Таймс» гарнитураси.  
Офсет босма. Шартли босма табағи 43,29. Нашриёт-ҳисоб табағи 37,0. Адади 1000 нусха.  
Буюртма № 427.

**«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси,  
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**